

У 15
3-63

П.И. ИВАНОВ

УМУМИЙ
ПСИХОЛОГИЯ

Умумий психология курси юзасидан чиқарилаётган авторнинг «Психология» деган китобининг янги нашриди Аввалги нашрларига (П. И. Иванов, Психология. Учпедгиз. Москва. 1959 йил. Психология. Узбек чилидаги «Урта ва олми мактаб» нашриёти. Тошкент, 1962 йил) нисбатан янги Программанинг совет фанини янада тараққий қилган коммунистик жамият қурувчи кишида юксак сифатлар тарбия қилган вазифаларига яраша ўзгартириш ва қўшимчалар қўшилган билан. педагогика институтлари учун "психология программасининг талабларига мувофиқ баъзи бир қўшимчалар «Уқитувчи»

v

СУЗ БОШИ

«Умумий психология» педагогика институтлари ва университетларнинг студентларига, шунингдек ўқитувчиларга яраша мувофиқлаштирилган.

«Умумий педагогика олий ўқув юртинининг психология программасида қўзда тутилган талабларга мослаб тузилган»

«Умумий психология» нашрининг босмага тайёрлашда аввалги фанини янада ривожлантириш ҳақида КПСС Программасида қўрсатилган вазифаларга яраша тузатиш ва қўшимчаларни киритди.

«XXIII съездининг таълим ва тарбия масалалари бўйича қабул қилган қарорларига алоҳида аҳамият берилди»

«Умумий психология» бўлими бор, бу бўлимларга ўн олтинчи ади. Шунингдек, қўлланманнинг иккита иловаси ҳам

1чи бўлим психологиянинг умумий масалаларига бағлиқ бўлиб, уч бобдан иборат.

«Умумий психология» бўлимининг нимадан баҳс этиши ҳақида, марксизм-ленинчи философия нуқтаи назарида тушунчасин қисқача баён қилиб берилди. Психологиянинг классификацияси келтирилди ва психологиянинг айрим турлари ҳақида тушунча берилди. Шунингдек психологиянинг турли-туман барча қўринишлари аларнинг анчайин бир йиғиндиси ёки тўплами эмас,

Иванов П. И.

«Умумий психология. Педагогика институтларининг студентлари учун қўлланма. Тузатилган ва тўлдирилган 4- нашри, Т., «Уқитувчи» нашриёти, 1967. 604- бет.

Иванов П. И. **Общая психология.**

Тилки ягона одамзод онгининг зухур этиши, умуман намоён бўлиши эканлиги таъкидланади.

Шу биринчи бобда психологиянинг ахамияти ҳақида ланади, **психик** хяётни тадқиқ қилиш методлари таълимот баён қилинади, психик ҳаёт ходисаларини да объектив йўл тутишнинг муҳимлиги ва экспериментни ахамияти таъкидланади.

Иккинчи боб психиканинг нерв-физиологик асослари қидаги таълимотга бағишланган. Бу бобда нерв системанинг тузилиши қисқача баён қилинади, психик процесларнинг биологик негизи бўлмиш юксак нерв фаолияти ҳақидаги И. П. Павлов таълимоти баён қилиб берилади. Шу билан бирга юксак нерв фаолиятини ўрганишда кейин эрпшилган муваффақиятлар; ретикуляр формация фаолият, қайтар алоқа, синапсларнинг роли қайд қилинади, психологияда шартли рефлекс методининг ахамияти уктириб ўтилади.

Учинчи бобда психиканинг тараққиёти ҳақидаги таълимот белтирилади. Психика тараққиёти уч томонлама кўздан кечирилади: ҳайвонлар психикаси, онгининг тарихий тараққиёти, ёшга қараб онгининг ривожланиши ҳақида маълумот берилади.

Ҳайвонлар психикасига одам онгининг тарих боши деб ыаралади, одам онгининг келиб чиқишида ва тарихий тараққиётнда меҳнат ва ижтимоий ҳаёт формаларининг роли таъкидланади.

Ёшга қараб онгининг тараққий этиши ҳақидаги масала баён қилинганда таълим ва тарбиянинг етакчи роли, шунингдек, ривожланаётган одамнинг ўзи кўрсатадиган фаолиятнинг етакчи роли уктириб ўтилади. Одам психикаси тарихий тараққиётда сифат жиҳатдан ўзгарганлиги ва одам ҳайвонларга қарама-қарши ўлароқ онгли мавжудот булиб, шахс бўлиб қолганлиги уктирилади. Шу муносабат билан биринчи бўлимнинг охирида шахс тўғрисидаги умумий таълимот келтирилади, шахснинг асосий белгилари: социаллиги, онги ва ўз онги, одамга хос бўлган махсус эҳтиёжлар, ижодий активлик, маълум бир мақсадни кўзлаб иш тутиш, идеаллар (олий мақсадлар), дунёқараш, маслақ кўрсатиб ўтилади.

Қўлланманинг иккинчи бўлимида айрим психик функциялар: сезги, идрок, хотира, тафаккур ва шу кабилар баён қилинади. Бу бўлим китобнинг каттароқ қисмидир,

Айни вақтда психиканинг айрим кўринишлари — сезги, идрок, хотира, тафаккур, нутқ, хис, иродага психиканинг қисмлари деб эмас, онг ва шахснинг таркибий қисмлари деб эмас, бглки ягона шахснинг ягона онг кўринишлари — функциялари деб қаралади.

Одамнинг билиш, эмоция ва ирода фаолиятининг айрим кўринишларни совет психологларидан аксариси «психик процеслар» деган термин билан ифодалайди. Уларни психик функциялар деб аташ маъқулроқ бўлур эдн. Функция тушунчаси мазмун ва ҳажм жиҳатдан кенгроқ-да, ахир. Бу тушунча психик процесларни ҳам, психик ҳолатларни ҳам, психик махсулларни ҳам, шунингдек активлик ва иш-ҳаракатларни ҳам ўз ичига олади. Функциялар қандай бўлмасин бутун нарсанинг қисмлари эмас, балки шу бутун нарса ҳаракатининг бир кўриниши демакдир. Модомики шундай экан, психиканинг айрим кўринишлари — сезги, идрок, хотира, ҳаёл, тафаккур, нутқ, диққат, хис, ирода—ягона онгининг, ягона шахснинг ўз-ара чамбарчас боғланган функцияларидир.

Иккинчи бўлимда яна ҳар бир функциянинг умумий психологик тарихи, психик функцияларнинг нерв-физиологик асослари, махсус қонуниятлари, бошқа психик процеслар билан боғланганлиги баён қилинади, психиканинг умумий структурасида ва одам фаолиятида ҳар бир функциянинг тутган ўрни ва ахамияти кўрсатилади. Психик функцияларнинг ёшга алоқадор хусусиятлари, таълим ва тарбияда ана шу хусусиятларнинг ахамияти қисқача баён қилиб берилади.

Қўлланманинг учинчи бўлими шахснинг индивидуал хусусиятларига бағишланган. Бу бўлимни психология курсининг синтетик (яқунловчи) қисми деса бўлади.

Студентлар психик ҳаётнинг турли-туман кўринишлари: функциялар, процеслар, ҳолатлар, айрим қонуниятлар билан етарлича танишганларидан кейин индивидуал хусусиятларни тўлароқ ўрганганлари маъқул.

Учинчи бўлимга яна темперамент (мижоз) билан характер, шахснинг лаёқат-қобилиятлари ва қизиқиш-ҳаваслари ҳақидаги таълимот ҳам кириди.

Китобнинг тўртинчи бўлимида иккита илова бор. Биринчи илова «Психология тарихидан» деб аталади. Ҳар бир фан тарихи билан танишиш каби, психология тарихи билан тани-

шиш ҳам савия учуя катта аҳамиятга эгадир, психология билан танишиш одамнинг психологияга доир билимини кенгайтириш билангина қолмай, умуман ақлий савиясини ҳам оширди.

Иккинчи илова «Совет психологиясининг навбатдаги вазифлари» деб аталади. Ҳаётнинг ҳамма соҳалари жуда тез юксалаётган, фан ва техника мисли кўрилмаган даражада тараққий этаётган ҳозирги замонда психология фаннинг ҳам тараққий ёллари ва перспективалари ҳақидаги масалалар келиб чиқиши табиий. Одам, унинг онги ҳақидаги асосий фан — психология янги, коммунистик жамият қурилишида қандай ўрин тутди, деган савол келиб чиқади,

П. Иванов

Б И Р И Н Ч И Қ И С М

ПСИХОЛОГИЯНИНГ УМУМИЙ МАСАЛАЛАРИ

І БОБ -

ПСИХОЛОГИЯ НИМАДАН БАҲС ЭТАДИ, ПСИХОЛОГИЯНИНГ АҲАМИЯТИ ВА МЕТОДЛАРИ

§ 1 ПСИХОЛОГИЯ' НИМАДАН БҲС ЭТАДИ

Психология воқеликнинг алоҳида соҳаси бўлган психик (ёки рухий) ҳаёт соҳасини ўрганади. Ҳар кимга маълум ҳодисалар—сезгиларимиз, идрок, тасаввурларимиз, фикр, ҳис, интилишларимиз ва шунга ўхшашлар психика ҳодисалари жумласидандир. Шахнинг психик ёки индивидуал хусусиятлари деб аталадиган хусусиятлар: одамнинг темпераменти (мижози), характери (фезл-атвори), қобилият, эҳтиёж, майл ва ҳаваслари ҳам психика соҳасига киради.

Психик (рухий) ҳодисаларнинг бутун мажмуи одатда психика деган бир сўз билан аталади.

Психика ўзига алоҳида бир олам эмас: у органик ҳаётнинг юксак формаларидан бўлиб, фақат ҳайвонлар билан одамга хосдир. Ҳайвонлар билан одам, ўсимликлардан фарқ қилиб, ёлғиз органик ҳаётга эга бўлибгина қолмай, балки, шу билан бирга, психик ҳаётга ҳам эгадир. Лекин, маълумки, ҳайвонларнинг психик ҳаёти одамнинг психик ҳаётига қараганда соддароқдир. Одам психикаси ҳайвонлар психикасидан сифат жиҳатидан фарқ қилади. Одамда психик ҳаётнинг юксак формаси — онг бор. Одам онгли зотдир.

Психик ҳаёт ҳодисалари жуда хилма-хил, аммо бир-бири билан ўзаро боғланган бўлади. Психологиянинг вазифаси ана шу боғланиш ва муносабатларнинг қонуниятларини очиқ беришидир. Психик ҳодисалар ва бутун психика ривожланиб кел-

Психология деган ном грекча психе (яъни рух, жон) ва логос (сўз, нлм) деган икки сўздан тузилган. Демак, «психология» сўзининг ўзбекча таржимаси рух илми демакдир. Аммо бу ном фаннинг мавеуини, унинг нимадан баҳс этишини аниқ кўрсатиб бермайди. Бошқа қўлгина факлр (маса.тан, геометрия, физика, география, философия, физиология) мавзунинг номни каби, психология фанни мавзунинг номини ҳам она тилига тўғридан-тўғри таржима қилиш йўли билан ифодалг бўлмайди.

ган ва ривожланмоқда. Шу сабабли психология психиканинг тараққиёт қонуниятларини очиб бериши керак[^]

• Психология фанининг маълумотларидан амалий мақсадда ва авқало таълим-тЖрбия ишида, шунингдек, ишлаб чиқаришда меҳнатни таъж-ил этииГва ихчамлаштиришда, медицинада, санъатч[^]алйунга у)наташ соҳаларда фойдаланмоқ учун психиканинг[^]тараққиёт қонун-иятларини билиш керак[^]

Шундай[^]қилиб, психология псТгХик ҳаёт ҳодисалари ёки, қисқача қилиб айтганда, психикадан оахс этади.

2 ^* - I II. ПСИХИКА ҲАҚИДА МАРКСЧА-ЛЕНИНЧА ФИЛОСОФИЯ ТАЪЛИМОТИ

Психология энг қадимий фанлардан бўлиб, бундан 2,5 минг йилча илгари жон ҳақидаги таълимот сифатида вужудга келган. VII—V асрларда ўтган қадимги грек философларининг асарларидаёқ кишининг жони ва рухий ҳаёти тўғрисида жуда кўп хилма-хил фикрлар баён қилинганлигини кўрамиз. Бу масалалар қадимги хитой ва қадимги хинд мутафаккирларининг муҳокамаларида ҳам катта ўрин тутди.

Кишининг психикаси ҳақидаги мунтазам таълимотни биринчи марта Аристотель (эрамиздан олдинги 384—322 йиллар) «Жон ҳақида» деган китобида баён қилган. Шу сабабли Аристотель алоҳида фан бўлган психологияни вужудга келтирган киши ёки психология фанининг «отаси» деб ҳисобланади.

Узоқ вақтгача психология мустақил фан бўлмай, философия таркибига кириб келади. Алоҳида илмий, фан маъносидаги «психология» термини ҳам йўқ эди. Бу термин XVI аср охирида пайдо бўлиб, XVIII аср ўрталаридан бошлаб ҳамма ишлатадиган бўлиб қолди. Психология XVIII асрнинг охирида ва XIX аср бошларидагина мустақил фан бўлиб шаклланди.

Қадим замонлардан то бизнинг замонамизгача психология соҳасида идеализм билан материализм ўртасида кураш бўлиб келмоқда. Психологиядаги букураш ҳамиша синфий курашнинг инъикоси бўлиб келди. Психика, онг нима деган масала, шу билан бирга, одам организмида психик процесслар билан физиологик процесслар ўртасидаги муносабат ма^{*}саласи ҳам шу курашда марказий ўринни эгаллаб келди.

Психиканинг моҳияти ва психик процесслар билан физиологик процессларнинг ўзаро муносабати ҳақидаги масала марксча-ленинча философия асосидагина бирдан-бир туғри, чинакамига илмий тарзда ҳал этилади.

Шсихика ва онг ҳақидаги м^{*}ркечв-детшнна.таълимот идеалистик ва вульгар материалистик қарашлар ҳамда назария-

ларга қарши шиддатли курашда вужудга келди ва чиниқа борди. Марксизм-ленинизм асосчилари идеализм билан механистик материализмнинг илмий жиҳатдан ожизлигини ва реакцион моҳиятини тўла-тўқис, очик-ойдин кўрсатиб берлирар-

• [Диалектик материализм нуқтаи назаридан психика юксак даражада ташкил топган материянинг алоҳида хоссаси бўлиб, бу хосса объектив воқеликни алоҳида бир йўсинда акс эттириш қобилиятидан иборатдир.

Бу таърифда, аввало псиЗсика ҳақидаги материалистик таълимотнинг психикани идеалистик тарзда тушунишдан туб фарқи кўрсатиб берилган.

Идеалистлар, одамнинг психик ҳаётини одам танаси билан қандайдир номаълум йўл билан қўшилиб, одамда гавдаланган, жисми йўқ, моддий бўлмаган алоҳида бир нарсанинг, яъни рух ёки жоннинг зохир бўлиши, деб ҳисоблайдилар¹.

Идеалистик психология намояндлари психик процесслар билан физиологик процессларнинг ўзаро муносабати ҳақидаги масалани талқин қилишда ё психо-физик параллелизм ёки психо-физик ўзаро таъсир нуқтаи назарида турадилар.

Психо-физик параллелизм тарафдорлари физиологик ва психик ҳодисалар бир-бирига боғлиқ бўлмаган ҳолда ёнма-ён (параллел равишда) воқе бўлади, деб ҳисоблаганлар. Бу қарашга кўра, одамнинг ҳаёт фаолияти қўшилиб кетмайдиган якки оқим—органик ҳаёт билан психик ҳаётнинг ҳаракатлакишидан иборат эмиш.

Психо-физик ўзаро таъсир тарафдорлари таълимотиға кўра, психик ҳодисалар билан физиологик ҳодисалар ўз табиати эътибори билан ҳар хил бўлса-да, бир-бирига ўзаро таъсир этади: физиологик ҳодисалар психик ҳодисаларни вужудга келтиради, психик ҳодисалар эса физиологик ҳодисаларга сабаб бўла олади. Бу қарашга кўра, одамнинг ҳаёт фаолияти гўё ҳаракатдаги -занжир бўлиб, унда физик звено билан психик звено кетма-кет келаверади.

Фанга хилоф идеалистик муҳокамаларга қарама-қарши ўларок, диалектик материализм психик ҳаёт қандайдир алоҳида, моддий бўлмаган бир нарсанинг зохир бўлиши эмас, балки материянинг юксак даражадаги махсули, яъни бош миянинг хоссаТЙЗир деб таълим берадЙГ

Цсихйк процесслар миянинг алоҳида хоссаси бўлиб, фақат миянинг фаолиятига боғлиқ ҳолда рўй беради. Фикрлашда мия иштирок этмайди, одамзод ақли одамдан хориж, ўз-ўзича

Сузлашгаимизда ва адабиётда ҳам «одамнинг жони» ва «одамнинг рухи» деган терминна ишлатамиз. Аммо бу терминларни биз молдий бўлмаган. алоҳида бир Тарсани ифодалаш учун эмас, балки «психика» сўзини қай маънода ишлат ақ, ўша маънода ишлатамиз.

мавжуд бўлади дейиш В. И. Ленин таъбири билан айтганла ўлик абстракциядир.

(,Лекин, шу билан бирга, психикани материянинг махсули дсб биладиган диалектик материалистик тушунчани механст-материалистлар, жумладан, вульгар материализм намояндлари тарғиб қилган сохта (у ҳам механистик) тушунчадан фарқ қилиш керак. Механист ва вульгар материалстлар табиатдаги барча ходисаларни — химиявий, биологик, физиологик ходисаларни, шунингдек, психик ходисаларни ҳам материя зарраларининг фазода фақат механик суратда силжишидан иборат деб билар эдилар. Улар психик процессларни физиологик процесслардан иборат бир нарса деб тушунар, психик процесс билан физиологик процессинг иккови бир нарса деб ҳисоблар эдилар. Масалан, вульгар материализмнинг намояндлари (Бюхнер, Молешотт, Фохт) жигардан ўт чикнб тургани сингари миядан ҳам фикр чиқиб туради, деб даъво қилар эдилар.

Механистлар назарида, психик ходиса физиологик ходисанинг ўзи-ю, уни одам фақат ички, субъектив томондан идрок этар эмнш.*

Механистик ва вульгар материализмни ўз замонасида К. Маркс ва Ф. Энгельс танқид қилганлар.

В. И. Ленин бундай деб ёзган эди: «Энгельсининг «вульгар» материалистлар бўлмиш Фохт, Бюхнер ва Молешоттдан ўзини четга тортишининг сабаби, жумладан, худди шу эдики, улар хато йўлга тойиб, жигар қай йўсинда ўт чиқариб турса, мия ҳам худди шундай йўсинда фикр чиқариб туради, дсган янглиш бир хулосага келган эдилар»¹.

1. Диалектик материализм нуқтаи назаридан психика, — материянинг механик характери эмас, балки характердаги материянинг алоҳида хоссасидир. В. И. Ленин диалектик материализмнинг бирламчи психик процесслар — сезгилар ҳақидаги таълимоти баён қилиб, бундай деди: «Бу қарашларда сезгини материя характерининг натижаси қилиб, ёки материя характеридан иборат қилиб қўйилмайди, балки сезгини характер қилувчи материянинг хусусиятларидан бири деб эътироф қилинади»².

3. Шу билан бирга, психик процесс моддий процессга боғлиқ?, деган сўздатир-ясихика, онг — физиологик процесслардан бошқа бир нарса эмас, деган маъно асло чикмайдн\Фикр, онг — пскеликнинг сифат жиҳатдан бошқача, ўзига хос бнр ходисасидир.^В. И. Ленин бундай деб ёзади: «Фикр ҳам, материя ҳам «воқеий»дир, яънн мавжуддир деган гап тўгри. Аммо,

фикрни моддий дейиш, хато йўл тутиб, материализмни идеализмга келтириш демасдир»¹.

{лПсихиканинг юқорида келтирилган материалистик таъриртртт? психика, онг — фақат юксак даражада ташкил топган материянинг хоссасидир, деб таъкидланади.}

Хайвонлар билан одам организмга хос бўлган нерв системаси ана шундай юксак даражада ташкил топган материядир. Психиканинг бевосита моддий субстратн (асоси)—одамнинг бош миясидир. Одамнинг психикаси, онги — бош мия функциясидир.

/Психика, онг материя тараққитининг фақат юксак босқичларнда пайдо бўлади. Материя тараққий қилиб борган сари турли қонуниятлар ва хоссалар—механик, физик, химиявий, биологик ва бошқа қонуният ва хоссалар пайдо бўлади ва тараққий этади, органик олам Тараққитининг энг юксак босқичидагина материянинг психика, сезги, онг, тафаккур деб аталадиган алоҳида хоссалари вужудга келади.

Олам тараққийи тарихида психика, онгбўлмаган давр ўтган. Психика олам тараққитининг энг юксак босқичидагина пайдо бўлди. Диалектик материализм: материя бирламчидир, психика, онг эса иккиламчидир, яъни материянинг махсулидир деб ўргатади.

Диалектик материализмнинг идеализмдан асосий фарқи ҳам материяни бирламчи ва психика билан онгни иккиламчи деб билишидадир.

Психиканинг юқорида келтирилган таърифида, психика материянинг алоҳида хоссаси бўлиб, бу хосса объектив воқеликни алоҳида бир равишда акс эттириш қобилиятидан иборат, деб кўрсатилди. Акс эттириш деган сўзнинг маъносини хар ким тушунади. Теварак-атрофидаги воқеликни акс эттирадиган кўпгина нарсалар маълум, масалан, сув акс эттиради, кўзгу акс эттиради ва ҳоказо. Бу мисолларда биз физик ходиса сифатидаги акс этиш (инъикос)ни кўраимиз. Психик ходисалар ҳақида сўзлаганимизда эса сифат жиҳатидан бошқача, ўзига хос равишда акс этишни назарда тутмоғимиз керак. Бу акс этиш сезгиларда, хотирада, тафаккурда ва бошқа шу қабиларда ўз ифодасини топади. «Умуман онг борликни акс эттиради|— бутун материализмнинг умумий қонидаси ана шундан иборат»², деб ёзади В. И. Ленин.

Одам билан унинг теварак-атрофидаги олам ўртасида дсимо ўзаро бир-бирига таъсир қилиш процесси бўлиб туради. Одам шу процессда дунёни ўз психикаси билан акс эттиради. Шу билан бирга, воқелик одам онгида кўзгудаги каби пассив равишда акс этмай, балки актив равишда акс этади:

¹ В. И. Ленин, Асарлар, 14-том, Уздавнашр, 269-бет.

² Уша китоб, 361- бет.

• В. И. Ленин, Асарлар, 14-том, Уздавнашр, 40-41-бетлар.

одам теваарак-атрофидаги олам билан ўзаро бир-бирига таъсир кўрсатар экан, шу процесда оламга таъсир этади, унк ўзгартиради ва уни ўз эхтиёжларига мослаштиради.

Шундатг-қнлиб, марксча-ленинча философияга асосланган ссвет психологияси психикани ўрганар экан, уни юксак даражада ташкил топган материянинг объектив воқеликш* акс этиришдан иборат бўлган алохида хоссаси деб биладш^Иа-териянинг бу хоссаси материянинг бошқа хоссалажда!) сифат жихатдан фарк қнади ва материя тараққиётининг фа* кат муайян боскичида вужудга келади.

Психик ходисанй, идеалистлар таълим бергани сингари, физиологик ходисадан ажратиб қўйиш ярамаганидек, психик ходисани, вульгар матсриалистлар таълим бергани сингари, фнзик ходисага тенглаштрнриш ҳам ярамайди. Психик ходиса билан физиологик ходиса бир бутун бўлиб боғлангандир. Бунинг маъноси шуки, пснхологнк ва физиологик ходиса сифат жихатдан бошқа-бошқа ходисалардир, аммо физиологик ходиса бўлмаса, яъни нерв системаси ишламаса, психологик ходиса бўлиши мумкин эмас; шундай қнлиб, психологик ходиса иккиламчи ходиса хисобланади.

Психик ходисалар нечоғли мураккаб бўлмасин, уларнн моддий нерв-физиологик негизидан айириб ўрганиш ярамайди. Бундай айириш идеализмга олиб бориши мумкин, холос. Шу сабаблн пснхнканн ўрганишда психик ҳаётдаги ходиса ва фактларни илмий, материалистик асосда тушуниб олиш учун психиканинг моддий негизини, яъни бош мия ва унинг фаолиятини, психик процессларнинг нерв-физиологик меха-^ низмларини билиб олиш керак.

"Психик ҳаёт ходисаларни худди шу тарзда ўрганиш зарурлигини В. И. Ленин кўрсатиб ўтган эдн.

Владимир Ильич чинакам олим психологни метафизик психологга қарши қўйиб, бундай деб ёзган эди: «У, чинакам олим психолог, жон нималиги тўғрисидаги курук философнк назарияларни йнгиштириб қўйиб, тўғридан-тўғри рухнй ходисаларнинг моддий субстратини (асосни) текширншга киришди ва, айтайлик, муайян бирон рухий ҳолатни ёки бирои рухий ҳолатларни тахлил қилди ва тушунтириб берди»¹. |

И. П. Павлов юксак нерв фаолияти физиологиясига доир гениал асарларида психнк ходисалар модднй субстратининг фаолиятидагн асосий қонуниятларнн ва айрнм психик процессларнинг нерв-физиологик механизмларини очиб берди, ?

¹ В. И. Л е и н, Асарлар, I- том, Уздавнашр, 127- бет.

Ы| Ш. ПСИХИК ХОДИСАЛАРНИНГ Ъ КЛАССИФИКАЦИЯСИ

Психик ҳаёт турли-туман ходисаларда намоён бўлади. Психик ҳаёт ходисаларида психнк процесслар, пснхик маҳ-г\лар ва психик ҳолатлар ажратилади.

Психик процесс — психик ходисанинг қонуний, кетма-кет /,гариши, унинг бир стадия ёки фазадан иккинчи стадия ёки фазага ўтишидир.

Психик маҳсуллар — пснхик процессларнинг натижасиднр. руларга сезги ва идрокларнинг образлари, тасаввурлар, му-хсхамалар, тушунчалар шаклидаги субъектив психик маҳсул-лар киради.

Ёқимли ва ёқимсиз туйғулар, тинчлик-фароғат, ҳаяжонла-лиш ва маъюсланиш, уйғоклик ва уйқу ҳолатлари, дадиллих ва тараддудланиб қолиш ҳолатларнни бошдан кечириш пси-хик ҳолатларга киради.

Хилма-хил психик ходисаларни: билиш, эмоцшшал со ҳа (хиссиёт соҳаси) ва ирода соҳаси деГ~учга бўлиш қадимдан бор. Одам онги фаолиятида зоҳир бўладиган ана шу турлар психик функциялар деб аталади.

Билиш ходисалари бошқача аклий, интеллектуал процесслар деб аталади. Сезгилар, идрок, хотира, хаёл, тафаккур ва нутқ — билиш процессларнднр.

Сезгилар — муайян пайтда сезги органларимизга: кў-рув, эшитув, туйиш, хид билиш ва бошқа шу каби органлари-мизга таъсир этиб турган нарсалардаги айрим хоссаларнинг акс этишидир. Масалан, қизил, окни, ширин, аччикни, оғир, энгилни сезамиз.

Идрок. Теваарак-атрофимиздаги нарсаларнинг яхлит ҳелда акс этишидир. Масалан, уй, гул, нутқ, музыка ва бошқа шу кабиларни идрок этамиз. Нарсалар сезгилар асосида идрок этиладн. Сезги ва идрок — теваарак-атрофимиздаги нарса ьа ходисалар ҳамда улардаги хилма-хил хоссаларнинг мия-миздаги образларидир.

Хотира. Нарса ва ходисалар ҳамда улардаги хоссалар-нинг сезги ва идрок орқали ҳосил бўлган образлари ном-нишонсиз йўқолиб кетмайди —улар миямизда ўрнашиб, сакла-ииб қолади ва қулай шаронтда яна эсимизга тушади. Илгари идрок этилган нарсаларнинг эсимизга туширилган образлари тасаввурлар деб аталади. Сезги ва идрок каби, қўнглимиздан кечган фикр, хисларимиз ва қилган ишларимиз ҳам' мияга ўрнашиб, сакланнб қолади ва яна эсимизга тушади. Идрок этилган ва қўнгилдан кечган нарсаларнинг миямизга ўрна-шиб (эсимизда қолиб), сакланиши ва яна эсимизга тушиши-дгн иборат бўлган ана шу психик фаолият хотира деб ата-лади,

Хаёл. Нарса ва ҳодиеаларнинг идрок орқали миямнзД хосил бўладиган образларидан ташқари, ўзиммз бевосита н» рок этмаган нарсалар ҳақидаги тасаввурлар ҳам миямнздя катта жой олади. Масалан, ибтидоий одамнинг хаёт шароц-Н ҳақидаги тасаввурларимиз, Марсдаги хаёт ҳақидаги таса] Еуримиз ва шунга ўхшашлар ана шундайди. Бу тасаввурля хотирамизда бор тасаввурлар асосида хаёлда (фантазиялац) хосил бўлади.

Тафаккур. Идрок ва тасаввурларнмизда акс этадига нарса тафаккурда таққосланади, таҳлил қилинади ва умумни лаштириладн. Тафаккур — вокеликнинг умумийлаштирилган.' бавосита ва энг тўлиқ ҳамда энг аниқ инъикбсидир. Тафаккур процессларида фикрлар — муҳокама ва тушунчалар туғиладЭ ва вужудга келади. Одам фикрлаш фаолияти туфайли воке] ликни идрок ва тасаввурларидагига қараганда аниқроқ, тд лароқ ва чуқурроқ бнлиб олади.

Нутқ. Тафаккур нутққа чамбарчас боғлнк. Фикрларимйа тил»нутқ ёрдами билан шаклланади ва ифодаланади. Ки| шнлар нутқ воситасила алоқа қилар эканлар, фикрларини бир-бирлари билан ўртоқлашадилар; одамнииг ҳиссиёти ва интилишлари ҳам нутқда ўз ифодасини топади. Нутқ— кй-| шиларнинг тил воснтасн билан алоқа қилиш усулидир.

Дикқат. Юқорида кўрсатилган психик пгюцессларнинг хзммаси одамда дикқат мавжуд бўлгандагина юзага чиқади! Днкқат— онгимизни ўзимиз идрок этаётган, тасаввур қила^ ётган, фикр юритаётган ва айтаётган нарсамизга қаратиш, бир нуктага тўплаш демақдир.

Дикқат ўзига алоҳида билиш процесси эмас, балки билиш! процессларининг актив боришн ва сифатли бўлиши учун за-4 рур шартдир, холос.

Баъзи психологлар (масалан, Г. А. Фортунатов) дикқатни| психик ҳолатларга қўшадилар. Аммо, дикқат — онг активли- гининг ўзига алоҳида бнр кўриниши эканлиги кейинроқ яққол! англашилади. Шу сабабли дикқатни ирода соҳасига ҳам кў-1 шнш мумкнн.

Одамнинг идрок қилаётган, тэсаввур этаётган, фикр юри-; таётган нарсасига ва қилаётган ишига нисбатан кўнглидан] кечадиган ҳар хил ёқимли ёки ёқимсиз, хуш ёкн нохуш *нутл** фулар эмоционал соҳага (ёки ҳиссиёт соҳасига) киради.

Биз дилимизда хўш ски нохуш туйғу хис қиламиз, дўст*; лнк, Ватанга муҳаббат хис қиламиз, уруш оловини ёқувчилар- га қарши ғазаб хис қиламиз. Одамнинг эмоционал туйғулари доимо унинг эҳтиёж ва манфаатлари билан боғлиқ бўладн. Одамиинг идрок қилаётган, тасаввур этаётган, фикр юрита- ётган нарсасига ва қилаётган ишига ижабий ёки салбий муно- сабати ҳиссиётда ўз ифодасини топади.

Эмоциялар ҳам процесс, ҳам ҳолат бўлади.

Психик фаолиятнинг юксак кўриниши, яъни ниятнмизга (олдиндан ўйлаган мақсадимизга) етмоқ учун шу мақсадга эришиш йўллари ва воситаларини танлаб олиб, шунингдек, учрайдиган қийинчиликларни бартараф қилишда ғайрат кўр- сатиб қилинадиган фаолият ирода соҳасига киради.

Ихтиёрий (ирода билан бўладиган) фаолиятни ихтиёрсиз (иродадан ташқари бўладиган) фаолиятдан ажратиш керак. Ихтиёрсиз фаолият ниятимиздан ташқари ва англаб- билиб ғайрат кўрсатмасдан туриб юзага чнкади. Ихтиёрий ва ихтиёрсиз фаолият дикқат-эътиборда ва иш-ҳаракатда кў- ринади. Шу сабабли ихтиёрсиз дикқат билан ихтиёрий дикқат, ихтиёрсиз ҳаракатлар билан ихтиёрий (ирода билан бўлади- ган) ҳаракатлар фарқ қилинади.

Психик ҳодисалар субъектив кечинмалар ва акс эттири- ладиган нарса ва ҳодисаларнинг миямнздаги образлари шак- лида рўй беради. Аммо барча субъектив психик ҳодисалар сиртда, организмнинг хилма-хил ўзгариш ва ҳаракатларида: мимика, имо-ишора, нутқ, пантомимикада ўз ифодасини то- гади.

Одамнинг психик хаёти организм ҳаракатларида ўз ифо- дасини топади, шу ҳаракатлар йиғиндиси эса хулқ-атвор деб аталадн.

Одам психикасининг барча томонлари, инсон хулқ-атвор- книнг турли-туман ҳамма хусусиятлари асосан фаолиятида намоён бўлади. Одам фаолиятининг асосий турлари: ўйин (болалик давриДа), таълим ва меҳнатдир. Фаолиятнинг бу Г-арча турларида одам ўз атрофидаги воқеликни идрок этади, Гир нимани эслаб қолади ёки эсига туширади, фикрлайди, ҳар хил хисларни кўнглидан кечиради, ўз активлигини намоён қилади.

Бу ерда кўрсатилган хилма-хил психик ҳодисалар бир-би- ридан ажралган ҳолда содир бўлмайди.

Шу тариқа, психик ҳолатлар ва психик маҳсуллар психик г.роиесслар билан чамбарЧас боғланган бўлиб, одатда шу процессларнинг таркибнга киради.

Психик ҳолатлар рўй берадиган психик процессларнинг ўзига хос фони ҳисобланади. Бу ҳолатлар психик процесслар- га таъсир этади — уларни тезлатади, кучайтиради ёки тормоз- :айди, сусайтиради.

Мустахамланган психнк маҳсуллар мураккаброк процес- лгрнинг рўй бериши учун асос-материал ҳисобланади. Маса- лан, хаёл, тафаккур процесслари тасаввур ва хотира асосида воке бўлади ва хоказо.

Худди шунингдек, айрим ақлий, эмоционал ва иродавий процесслар бир-бири билан боғланмаган ҳолда рўй бермайди. Одамнинг психик хаётини қандайдир бирламчи элементлар- нинг ёки айрим психик процессларнинг, яъни сезги, идрок, хо-

тира, хаёлтафаккур, нутқ ва шу кабиларнинг анчаини илғин-Диси деб ўйлаш ярамайди. Ҳар бир психик процесс бошқа процесслар билан чамбарчас боғланган ҳолда содир бўлади. Масалан сезгисиз идрок этио булмаиди, идрок эса хотира, тафаккур процессларига, нутқ, диққат, хиссиёт ва иродага боғлиқ бўлади. Хотира ва хаёл процесслари тафаккур, нутқ, хиссиёт, диққатга ва ирода процессларига боғлиқ. Тафаккур идрок билан хотира асосида рўй беради ва нутқ билан чамбарчас боғланган бўлади. Нутқнинг ўзи ҳам тафаккурсиз бўла олмайд.

Психик ҳаётни ўрганишда айрим психик процессларни бошқа психик процесслардан ажратиш текширишга тўғри келади. Урганишни осонлаштирмақ учун сезги, идрок/хотира, хаёл, тафаккур, нутқ ва бошқа шу каби процессларни алоҳида-алоҳида текшираимиз. Аммо ҳар бир психик процессни ўрганишда шў процеснинг, масалан, хотира, хаёл, тафаккурнинг бошқа процесслар билан боғланган ҳолда рўй бериши-ки кўрсатиб ўтамиз.

Психика бир бутун, яхлит бир нарсadır. Психиканинг бирлиги ва яхлитлигига сабаб аввало шуки, бош мия фаолияти бир бутун ва яхлитдир.

Психик ҳаётнинг ҳамма томонлари: ақл, хис ва ирода шахснинг фаолиятида намоён бўлади. Шахс оламни билади, шахс турли хисларни дилдан кечиради ва шу шахс иш-ҳаракат қилади.

Психик фаолиятнинг барча айрим турлари ягона онг функцияси—шахснинг функциясидир.

Сўвет психологларининг кўпчилиги психик функциялар термини ўрнига психик процесслар термини ишлатади.

Аммо психик функциялар терминидан фойдаланган маъқулроқ. Функция тушунчасининг мазмуи кенгроқ. Бу тушунча психик процессни ҳам, психик ҳолатни ҳам, активликни ҳам, иш-ҳаракатини ҳам ўз ичига олади. Функция қандай бўлмасин яхлит бир нарсанинг қисми эмас, балки намоён бўлиши, амал қилиши демақдир. Шунинг учун сезги, идрок, хотира, хаёл, тафаккур, нутқ, диққат, хислар, ирода — психика қисмлари эмас, ўзаро ёнма-ён рўй берувчи процесслар эмас, балки бир бутун онгнинг функциялари — бир бутун шахснинг функцияларидир.

IV. ПСИХОЛОГИЯНИНГ АҲАМИЯТИ

"Бошқа фанларни ўрганиш каби, психологияни ўрганишнинг ҳам аввало билиш, маълумот олиш учун аҳамияти бор.

Биз психологияни ўрганиб, воқеликнинг ғоят катта ва-си-фат жихатидан ўзига хос соҳаси,— психик ҳаёт соҳаси ҳақида билим оламиз/Д/

Психика қандай келиб чиққан, хайвонот дунёсида психик ҳаёт формалари қандай тараққий этган, одам психикаси тарихан қандай ривожланган, ҳар бир одам туғилиш пайтидан тортиб унинг онги қайси шарт-шароитларга қараб тараққий этади, характер қандай вужудга келади, одамнинг қобилиятлари қандай шаклланади,— психологнинг илмий тадқиқотлари ана шу саволларимизга жавоб беради.

Одам тева-рак-атрофдаги дунёни қандай идрок этади, у қандай эсида қолдиради, қандай эсига туширади ва фикр юритади, у қандай хисларни кўнглида кечиради, одам тева-рак-атрофдаги дунёни ўз эҳтиёжларига мослаштириб, янги моддий ва маънавий бойликларни вужудга келтириб, қандай иш қўради,— психологияни ўрганиш билан ана шу масалалари билиб оламиз.

Психологияни ўрганиш одамни психика ҳақидаги ва психик ҳаётнинг хилма-хил ҳодисалари ҳақидаги билимлар билан бойитибгина қолмай, шу билан бирга одам ақлини ҳам ўстиришга ёрдам беради.

Одам ақлини ўстириш, жумладан, янги билимлар ва кўникмаларни тезроқ эгаллаш, янги назарий ва амалий вазифаларни тўғри ҳал қилиш қобилиятини такомиллаштиришда, ўз фикрларини нутқда тўғри ифода қилиш ва бошқаларнинг нутқини тўғри тушуна билишда ҳам ўз ифодасини топади. Албатта, ҳар бир фан билан шуғулланиш одамни камолга эгалади. Аммо психология бу соҳада алоҳида ўрин тутайди. Одам психологияни ўрганар экан, аввало ўз ақл-идрокини, умимини процессларини билиб олади, унга диққат-этибор беради, ақлнинг фаолиятини кучайтирадиган шарт-шароитни билиб олади ва шу билан ўз ақл-идрокининг кўпроқ ўсишига ёрдам беради.

Психик ҳаёт ҳодисалари ҳақида илмий билимларни эгаллаш диалектик материализм асосларини ўзлаштирмақ учун ва одамда марксча-ленинча дунёқарашни шакллантирмақ учун катта аҳамиятга эгадир.

В. И. Ленин билиш назарияси ва диалектикага (яъни диалектик материализм философиясига) асос бўладиган турли фан соҳаларини санаб чиққанда, психологияни, жумладан «боланинг ақлий тараққиёт тарихини» ва «хайвонларнинг ақлий тараққиёт тарихини» кўрсатиб ўтган эди.

Психологияни билиш, психикани чинакамига илмий асосда тушуниш кишилар онгидаги капитализм сарқитларига қарши курашда, жумладан, ҳар хил диний таассуб ва хурофотларга қарши курашда жуда кучли қурол бўлиб хизмат қилади.

Ёрдам психологияни ўрганар экан, ўзидаги психик ҳаётни ва бошқа кишилар психикасини била оладиган бўлиб қолади. Бу билим эса бошқа кишиларни ва ўзидан яхшироқ тушунишга имкон беради, *

Психологияниқ билиш, маълумот олиш учун аҳамиятн Шуоардан иборатдир.

АдШу билан бирга психология (жумладан, психология методлари) кишилар амалий фаолиятининг ҳар хил турларида— таълим-тарбия, ишлаб чиқариш-меҳнат, медицина, суд-ҳуқуқшунослик, ҳарбий-мудофаа-ганъат ва бошқа соҳаларда ҳаъ катта аҳамиятга эгадирДУ^А»>

Педагогика ншида, яънигоавлодни ўқитиш ва тарбиялаШда психологиянинг аҳамияти айниқса катта.

Педагог ўқувчиларга бирон материални тушунтирар экан, шу материални болалар қандай ўзлаштираётганини—ўқувчилар қандай идрок этаётганини, эслаб қолаётганини, фикрлаётганини, уларда диққат-эътибор, ҳиссиёт қандай намоён бўлаётганини, болаларнинг ёш хусусиятларига қараб бу процеслар қандай рўй бераётганини билиши лозим.

Улуғ рус педагоги ва психологи К. Д. Ушинский: «Агар педагогика одамни ҳар жиҳатдан тарбияламоқчи бўлса, у олдин ўша «дамни ҳам ҳар жиҳатдан билиб олқши керак»¹ деб ёзган эдн\

ВКП (б) -"марказий Комитетининг мактаблар тўғрисида 1932 йил 25 августда чиқарган қарориди: «ўқитувчи ўқитиш процессида ҳар бур ўқувчини диққат билан билиб олиш зарур» дейладиДУқувчини билиб олиш эса —\ шу ўқувчининг дарсларни ўзлаштириш даражасини билиш демакдир, шунингдек, ўқувчининг психик хусусиятларинн ҳам билиш демакдир, унинг қобилият ва ҳаваслари қанақа эканлигини, унинг диққат-эътибори, ҳислари, иродаси, хотираси, тафаккури қандай зоҳир бўлишини билиш демакдир^

Таълим-тарбия ишида педагог болаларни билнмдан баҳраманд қилиш, уларга қўникма ва малака бериш билангина қифояланиб қолмай, шунингдек, ўқувчилар шахсининг ҳамма томонларини, дунёқараши, характери, иродаси, қобилияти ва ҳавасларини ҳам такомиллаштириши лозим. Бунинг учун эса психиканинг айрим томонлари қандай шароитда ва қайси педагогик усуллар ёрдами билан ўзгаришини ва такомиллашувини билмоқ керак.

] Ҳар бир педагог — ўқитувчи, тарбиячи, маориф ишининг раҳбари — психологияни нима учун билиши кеоаклиги юқорида айтилганлардан равшан кўришиб турибдиЛ

]Хозирги вақтда ишлаб чиқариш, ишлаб чиқариш таълими ва меҳнатни ташкил этишнцнх ҳар хил турларида психологиядан кенг фойдаланилмоқд^

Ишнинг ҳар бир тури, ҳароир касб одамдан тегишли билим ва маҳорат талаб қилиш бнлан бирга махсус психологик — П Г Г У „ „ „ с к „ й, *Собрание соч„„ен„„* 8- том, РСФСР Педагогика фанлари академиясининг нашри, 1950. 26- оет.

скфатларни ҳам талаб қиладн. Шу сабабли, ихтисосга қараб мураккаб ва маъсулиятли меҳнат операцияларини бажаришга тўғри келадиган кишилар махсус психологик текширишдан ўтказилади. Масалан, дастлабки космонавтларни танлашда талабгорлар хотираси жуда яхши, фаҳми ўткир, диққатини бир нарсадан нккинчи нарсага тез кўчира оладиган, аниқ уйғун ҳаракатларни тез бажара оладиган кишиларни ажратиб олиш мақсадида текшириб кўрилди:

Корхоналар ва бошқа хўжалик, маданий ва маъмурнй муассасаларнинг ҳамда ташкилотларнинг раҳбарлари кадрларни танлай билиши, уларни жой-жойига қўя билиши, уларга раҳбарлик қила олиши керак. Бунинг учун эса уларнинг қобилиятларк, характери, меҳнатга муносабати ва бошқа шу кабиларнинг фарқига бора билиш керак

АПсихология медицина билан қадимдан боғланиб келади. Касалликлар орасида психик касалликлар ҳам бўлади. Бундай касалликларни ҳам, асосан, психологик воситалар билан даволашга тўғри келади. Врач психик касалликларни яхшироқ ажрата билмоқ учун одамнинг нормал психологиясини ҳам билиши керак. Бошқа касалликларни, айниқса нерв касалликларини даволашда ҳам врач беморнинг руҳий ҳолатини била олиши ва касаллнкнннг боришига руҳий ҳолатнинг таъсирини назарда тутиши лозим. Врач беморга психик таъсир кўрсатиш воситаларнни, ишонтириш, маслаҳад: бернш ва бошқа шу кабиларнинг аҳамиятини билиши керак^ у/

[ГҲсихология суд ишида ҳам муҳим роль ўйнайди. Суд ходими айбланувчининг руҳий ҳолатини, гувоҳларнинг сўроқда айтган гаплариини психологик жиҳатдан таҳлил қила билиши керак. Кишилар бирон айб, жиноят қилганларида нима ният билалцшундай қилганликларини суд ходимн фаҳмлай билиши керакМйбдорларнинг индивидуал хусусиятларини ҳам билиб олинТга тўғри келади. Буларнинг ҳаммасида усталик билан иш кўрмоқ учун одамнинг психикасини билиш, психологияни ўригаиш керак.

уПсихологиянинг санъатдаги аҳамиятини ҳам кўрсатиб ўтмоқ^керак. Ҳар бнр санъаткор (артист, музикант, рассом ва шунга ўхшашлар) кишиларга—томошабинларга, тингловчиларга ўз ижоди билан таъсир кўрсатишни мақсад қилиб қўяди. Бунинг учун эса одамнинг қандай идрок қилишини, қандан фикрлашини ва қандан ҳис қилишини билмоқ керакТ/ Санъат арбоби образ яратиш устида ишлайди, шу образни бирон бадий восита билан гавдалантиради. Бунинг учун санъаткор образнинг қандай элементлардан қай тарика яратилишини билиши керак. У ижодий фаолият психологиясини билиши шарт.

Психологияни билиш кундалик турмуш учун ҳам фойдали. Ҳар ким доимо бошқа кишилар ўртасида бўлади, муайян 2»

хатти-ҳаракати ва фаолиятини бевосита кузатиш бемалол мумкин.

Психик процесслар билан бевосита боғланган баъзи бир физиологик ходисалар—туркнинг ўзгариши, нафас олиш, қон айланиши ва шу қабиларнинг ўзгариши ҳам ташқаридан кузатилса бўлади. Кузатиш маълумотларини сўзлар билан тэсвир этиш билангина кифояланиб қолмай, балки кўрсатма³ воситалар, суратга олиш, кинога олиш, товушни ёзиб олиш ва шу каби йўллар билан ҳам қайд қилиш мумкин.

Масалан, бола нутқининг ўсиб боришини кузатиш йўли билан текшира оламиз. Бунда боланинг сўз бойлиги қандай қилиб секин-аста орта боришини, нутқнинг фонетик томонини, грамматик тузилишини шу бола қандай билиб олаётганини қайд қилса бўлади.

Одамнинг теварак-атрофдаги воқеликни ўзгартиш ва ян-гидан қуришида дуч келган тўсқинликни ва қийинчиликни: энгиш учун унинг қандай зўр ирода билан сабот-матонат кўрсатишини ҳам кузатиш йўли билан кўздан кечирсак ва текширсак бўлади.

Психик ҳаёт ходисаларини ўрганаётганда психологнинг ўз-ўзини кузатиш методига ҳам мурожаат қилиб туришига тўғри келади⁴.

У з - ў з и н и к у з а т и ш

Номидан кўриниб турибдики, тадқиқотчи ўз-ўзини кузатиш йўли билан ўзидаги психик ходисаларни текширади. Бу ҳолда тадқиқотчи психик процесслар ва ҳолатларнинг ички томони — одамнинг субъектив кечинмалари қандай рўй берса, уларни шу ҳолида тасвир этиш ва аниқлаб олишга интилади. Психолог ўз тадқиқотларида текширилган кишиларнинг ўз-ўзини кузатиш олган маълумотларига ҳам асосланади.

Психология вужудга кела бошлаган V асрдан тортиб то бизнинг эраизгача ва XIX асрнинг деярли охиригача ўз-ўзини кузатиш методи ёки интроспектив метод руҳий ҳаёт ходисаларини билишнинг бирдан-бир методи бўлиб келди деса бўлади.

XIX асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб, материалистик психология тараққий этиши муносабати билан, ўз-ўзини кузатиш методига танқидий кўз билан қараладиган бўлиб қолди. Бу методнинг бир қанча камчиликлари борлиги маълум бўлди.

Ўз-ўзини кузатишда тадқиқотчи ҳам текшириладиган объектга, ҳам текширувчи объектга бўлиниб қолиши бу методнинг энг муҳим камчилиги эканлиги кўрсатилди. Ҳолбуки, нормал кишилар шахсининг амалда бундай «бўлиниб кетиши» мумкин эмас.

Ўз-ўзини кузатишда психик ходисаларни (масалан, шодт

лик ёки қайғу хиссини, тафаккур процессини) ҳам бошдан кечириб, ҳам шу ходисаларни ўрганиш жуда қийин эканлиги, баъзан эса бутунлай мумкин бўлмаслиги кўрсатиб ўтилди.

Ўз-ўзини кузатиш методининг чекланганлигини ҳам унинг камчилиги деб билиш керак. Психолог ўз-ўзини кузатиш йўли билан фақат ўз психикасини ўрганади-да, ахир. Шундай бўлгач, одам психикаси ҳақидаги фаи фақат психологларнинг ўз психологиясига айланиб кетади. Бундай психология 'маданий таракқиёт жихатидан юксак даражада турган, ўз ихтисосига кўра ўзини-ўзи қузата оладиган ва ўзини-ўзи муҳокама қила оладиган кишилар психикаси ҳақидагина билим беради. Аммо-маданий таракқиётнинг пастрок босқичида турган қишилар психикаси ҳақидаги таълимот ҳам, болалар психикаси ҳақидаги таълимот ҳам психологията кўшиллиши керак. Маданий таракқиётнинг пастрок босқичида турган кишилар ва болалар эса фан нуқгаи назаридан ўз-ўзини қузата олмаслиги табиий. Демак, ўз-ўзини кузатиш йўли билан одам психик таракқиётининг турли босқичлари ҳақида билим олиб бўлмайди.

• • - Ниҳоят, ўз-ўзини кузатиш методининг яна бир катта камчилиги шуки, бу йўл билан олинган маълумотлар психик ҳаёт ходисаларини турли йўсинда бир томонлама, субъектив талқин қилишига олиб келиши мумкин. Масалан, одамнинг характерини текшираётган психологнинг ўзи эгоист бўлса, ўз-ўзини кузатиш натижаларидан, эгоизм ҳар қандай характернинг муҳим белгисидир" деб хулоса чиқариши мумкин. Дунёда саний, олижаноб характерли кишилар борлигини бундай психолог фақат ўз-ўзини кузатиш йўли билан била олмайди. Зоҳиран кўринадиган нарсасиз бу ерда ҳақиқат бўлиб туюлиши, яқка ҳодиса умумий ҳодиса бўлиб туюлиши мумкин. Ҳолбуки, ҳар қандай "илмий билим объектив ва чин билим бўлиши керак."

- И. П. Павлов ўз-ўзини кузатиш йўли билан аниқлаб олиши мумкин бўлган субъектив психик ходисалар ҳақида гапирар экан, бундай деб ёзган эди: «Албатта, бу (субъектив — П. И.) ҳолатлар биз учун биринчи даражали воқеликдир, улар кундалик ҳаётимизни йўлга солади, инсон жамиятининг таракқий этишига сабаб бўлади. Аммо субъектив ҳолатларга қараб яшаб бошқа-ю, уларнинг механизмини чинакамига илмий таҳлил қилиш бошқа»¹.

Ўз-ўзини кузатиш йўли билан субъектив равишда кўнгилдан кечадиган фактларни аниқлаш, тасвирлаш мумкин, аммо

¹ И. П. Павлов, Полное собрание сочинений, III том, 1- китоб, СССР Фанлар академиясининг нашриёти, 244—245- бетлар.

уларни ҳар томонлама тушунтириш мумкин эмас. Психик ходисани тушунтириш — унинг сабабини, нерв-физиологик асосини топиш ва одам яшайдиган социал шароит билан боғланганлигини аниқлаш демакдир, буларнинг ҳаммаси эса ўз-ўзини кузатиш доирасидан ташқаридадир. Фаннинг вазифаси фактларни тасвир этишдангина иборат эмас, балки асосан шу фактларни тушунтириш, уларнинг қонуниятларини кашф этишдан иборат. Объектив методдан фойдалангандагина бунга эришиш мумкин.

Аммо, ўз-ўзини кузатиш методининг юқорида айтилган камчиликлари бу методни психологияда кераксиз, ғайри-илмий метод деб бутунлай рад этишга асос бўлмаслиги керак, глбатта.

Бу камчилик ва қийинчиликларнинг ҳаммаси ҳам ўз-ўзини кузатишда учраши мумкин, лекин улар ҳамиша, ўз-ўзини кузатишнинг ҳар қандайда бўлавермайди. Аввало, одам ўз-ўзини кузатиш объекти бўлолмайди, деган давони асоссиз деб билиш керак. Одам онги тараққий этган бўлса, маълум психик процессларни бараварига бошдаи кечирishi ҳам, кузатиши ҳам мумкин, одамнинг хусусияти ҳам шундан иборат. Одам кузатиш билангина қолмай, психик процессларга таъсир ўтказиши, турли психик процессларни юзага чиқариши, ўзгартириши, кучайтириши ва тўхтатиши мумкин. Бу ҳар қимга яхши маълум бўлган фактдир.

Ҳар қандай ишда учрайдиган қийинчиликлар каби, ўз-ўзини кузатишда учрайдиган қийинчиликлар ҳам ҳамиша баргараф қилиб бўлмайдиган қийинчиликлар эмас, албатта. Кучли эмоционал ҳолатлардагина ўз-ўзини кузатиш мумкин бўлмай қолиши мумкин. Бундан ташқари, психик ҳаёт ходисаларини дастлаб бошдан кечириш пайтидагина ўрганиш шарт эмас, уларни эсга тушириб, кўнгилдан кечириш ҳам мумкин. Кўпинча ҳозир бошдан кечаётган ходисалар эмас, балки илгари ўтган ходисалар ўз-ўзини кузатиш объекти бўлади. Бўлиб ўтган ходисалар дастлабки пайтдагидай тўлиқ ва равшан гавдаланмайди, албатта. Узил-кесил хулоса чиқарганда буни ҳисобга олиш шарт.

Ўз-ўзини кузатиш методини илмий асосда татбиқ этмок учун махсус тайёргарлик керак, албатта. Илмий тадқиқотлардан биронтасини ҳам махсус тайёргарликсиз олиб бориш умуман мумкин эмас.

Психология ўз-ўзини кузатиш методидан ягона метод сифатида фойдаланса ва психик ҳаётнинг субъектив ходисалари уларнинг ташқи ифодаларидан, уларга асос бўладиган нерв-физиологик процесслардан алоҳида, одамнинг фаолиятдан алоҳида кўздан кечирадиган бўлса, фақат шундагина ўз-ўзини кузатиш методидан бир томонлама хулоса чиқариш ва субъективизм рўй бериши мумкин.

Лекин одам психикасини фақат ўз-ўзини кузатиш методи билан ўрганиб бўлмаса, фақат ташқи кузатиш йўли билан, яъни ўз-ўзини кузатиш маълумотлари билан боғламасдан ўрганиш ҳам мумкин эмас. Ўз-ўзини кузатиш методининг аҳамиятини тамомила инкор қилиш — одамнинг юксак даражадаги билиш қобилиятига, ижодий қобилиятига, онгига ишонмаслик демакдир. Бошқа кишиларни кузатишнинг хусусияти шундаки, тадқиқотчи шу кишилар хулқ-атворининг ташқи кўринишларини идрок этар экан, кўнгилдан кечаётган ҳисларни бир қадар билади/Шу сабабли психолог ташқаридан кузатиш йўли билан ва ўз-ўзини кузатиш маълумотларига таяниб, одамнинг турли хатти-ҳаракатларини тасвир этиш билангина қифояланиб қолмай, балки умуман психик ҳаёт ходисалари ҳақида, уларнинг ташқи ва ички (субъектив) кўринишлари ҳақида хулосалар ҳам чиқариши мумкин/Тадқиқотчи психолог кишилар билан муомала қилишда турмуш тажрибасига ва илмий текшириш ишларида етарли практикага эга бўлганда психик ҳаётнинг ташқи кўринишларини кузатар экан, психик процессларнинг субъектив суратда қандай кечишини ҳам озми-кўпми оча олади. Масалан, тафаккурни кузатиш йўли билан текширганимизда кўз, юз мускулларидаги хилма-хил ҳаракатларни ва туркнинг ўзгаришини қайд қилибгина қолмай, балки, шу билан бирга, шу тафаккур процесслари қандай забт ва қандай тезлик билан рўй беришини ҳам бир қадар била оламиз. Модомики тафаккур процесслари ташқи муҳитда ўз ифодасини топар экан, тафаккурнинг мазмунини била оламиз, тафаккур процесси қай шаклда рўй бераётганини, масала қандай келиб чиқаётганини, масалани ечиш процесси қандай бораётганини ҳам кузата оламиз.

Кузатиш методи психик ходисаларни фақат тасвир этиш имконини бериш билангина чекланиб қолмай, балки шу ходисаларни тушунтириш, яъни уларнинг теварак-атрофдаги муҳитга, тарбияга, одамнинг фаолият характерига, организмнинг умумий аҳволига ва нерв системасининг ишлаш хусусиятларига боғлиқ эканлигини очиб ташлаш имконини ҳам беради. ^

Одамзод фаолиятининг ҳар хил турларида психикани текшириш учун кузатиш методидан фойдаланилади. Кузатиш ёрдами билан болалар психикаси ҳам уларнинг ўйин, ўқиш ва меҳнат фарлиятида бемалол текшириб ўрганилади. Педагог таълим ва тарбия процессида ўқувчиларнинг ёш ва индивидуал хусусиятларини текшириб ўрганишда ана шу методдан фойдаланади.

Кишиларнинг психик сифатлари: ташаббускорлиги, ижодий тафаккур процесси, янгиликни ҳис қилиши, ўз олдига қўй-

ган мақсадга етиш йўлида сабот-матонат кўрсатишлари кузатиш йўли билан текшириб ўрганилади. Фабрика-завод цехларида, колхоз далаларида, социалистик хўжалик ва маданиятимизнинг бошқа соҳаларида ишлаётган совет кишиларида биз шундай сифатлар намоён бўлишини кўрамиз.

Психологияда кузатиш методи одам ҳаёти ва фаолиятининг одатдаги шароитидагина эмас, балки шу билан бирга клиника шароитида — психиканинг касаллик оқибатида ўзгарганлигини текширишда ҳам қўлланилади. Айни вақтда касалликни текшириш учунгина эмас, шу билан бирга одамнинг нормал аҳволидаги психик ҳодисаларни яхшироқ тушуниб олиш учун ҳам клиник кузатиш маълумотларидан фойдаланилади, . -

Эксперимент методи

Кузатиш методининг ижобий томони шундаки, бу метод ёрдами билан психик ҳаёт фактлари уларнинг табиий суратда рўй беришида, боришида ва ўзгаришида олиб ўрганилади, яъни ҳақиқатда, кишиларнинг кундалик турмушида қандай рўй берса, ўшандай ҳолида текширилади. •

Аммо бу методдан фойдаланганда баъзи бир ўнғайсизлик ва қийинчиликларни учратишга тўғри келади, масалан, бу ерда тадқиқотчи психологнинг текшириши учун қайси психик ҳодисаларнинг юзага чиқиши керак бўлса, ўша ҳодисалар юзага чиққан кишиларни қидиришга ёки бирон кишида, баъзан психологнинг ўзидашу ҳодисаларнинг юзага чиқишини «кутиб туришга тўғри келади. Эксперимент методидан фойдаланганда бу ўнғайсизлик ва қийинчиликлар барҳам топади ёки камаяди. Психологияда экспериментнинг икки тури: лаборатория эксперименти ва табиий эксперимент тафовут қилинади.

Лаборатория эксперименти. Лаборатория экспериментининг моҳияти шундаки, текширувчи киши текшириладиган психик ҳодисани қачон керак бўлса ўша вақтда атайлаб ву>. жудга келтиради. Бунда текшириладиган психик ҳодиса табиий шароитда биргаликда содир бўладиган бошқа психик ҳодисалар комплексидан ажратиб олиниши мумкин. Текшириладиган психик ҳодисаларСэкСперимент давомида ўзгартирилиши, бошқа психик ҳодисалар билан муайян бир суратда боғланиши, куч, тезлик, ҳажм ва бошқа шу каби жиҳатлари ўлчаб кўрилиши мумкин. Бу ерда муайян бир психик ҳодисани вужудга келтирган шароит сунъий йўл билан ўзгартирилиши, психик ҳодиса давом атадиган шароит ўзгартирилиши мумкин. Шунинг учун ҳам психик ҳодисаларнинг қонуниятлари эксперимент методи билан текширишда яхшироқ очилади,


Экспериментал тадқиқотлар ўтказишда махсус методик материаллар — нарсалар, расм ва сўзлар, шунингдек махсус аспаблар (масалан, 1-расмдаги хроноскоп) қўлланилади. Текшириладиган ҳодисалар шу материал ва аспаблар ёрдами билан вужудга келтирилади, шунингдек психик ҳодисаларнинг тезлиги, кучи, ҳажми ва шу кабилар қайд қилинади.

Техника жуда тараққий этган ҳозирги замонда психологик тадқиқотлар учун (айниқса меҳнат психологияси соҳасида) электрон аспаблар ва кибернетик методлар, масалан, моделлаш усули қўлланилмоқда.

Экспериментал тадқиқотлар асосан махсус лаборатория ва институтларда ўтказилади. Айрим психик ҳодисаларни мукамал ва аниқ ўрганиш мақсадида психологияга доир илмий текшириш муассасаларида махсус бинолар, масалан, товуши ва ёруғликни ўтказмайдиган кабинетлар, ёруғлик таъсирини ўзгартишга мосланган кабинетлар ва шунга ўхшаш хоналар қурилади.

Еш психологияси билан педагогик психологияга доир масалалар юзасидан кўпгина экспериментал тадқиқотлар, одатда, болалар боқчалари ва мактабларда ўтказилади. Бу тадқиқотларда болалар ўрганилади.

Хотира процессларини текширишда қўлланиладиган қуйидаги усул лаборатория экспериментига мисол бўла олади;



/- расм. Хроноскоп. .

Психик процесслар тезлигини ўлчайдиган аспаб. Секунднинг мингдан бир бўлагига тўғри келадиган вақт ҳам хроноскоп билан ўлчанаверади.

эксперимент қилаётган киши текширилаётган кйшинида олдида ўн икки сўз ўқиб беради. Текширилаётган киши ана шу эшитган сўзларини белгиланган вақтдан кейин айтади. Ана шу сўзларнинг қанчалик тўлиқ, аниқ ва тез айтиб берилиши текшириш натижаларидан билинади. Худди шундай экспериментлар қилиб, сўзларни, рақамларни ёқн қандай бўлма-син бошқа материални ёдлаш тезлиги, эса нечоғли маҳкам сақлаш, унутиш тезлиги ва шу қабиларни аниқлаш мумкин.

I Экспериментал методни биринчи марта физиолог Вебер (1795—1878) ва физик Фехнер (1801—1887) сезгиларни текширишда қўлланишган Экспериментал тадқиқот усулларини Вильгельм Вундт (1832—1920) мукамал ишлаб чиққан./1879 йилда В. Вундт Лейпциг университети ҳузурида экспериментал психология бўйича биринчи лабораторияни очган. XIX асрнинг охирида Россияда экспериментал психология бўйича бир қанча лабораториялар вужудга келтирилди. Токарский—Москвада, Бехтерев — Қозонда, Н. Н. Ланге — Одессада шуидай лаборатория очишган. 1911 йилда Москва университети ҳузурида профессор Челпанов раҳбарлиги остида Экспериментал психология институти очилди. Махсус қурилган бинога жойлаштирилган ва яхши жиҳозланган бу институт ҳозирги вақтда РСФСР Педагогика фанлари академияси системасига қиради.

Эндиликда техника тараққий этиши муносабати билан лаборатория эксперименти текширилаётган психик ҳодисаларга глокадор бўлган физиологик процессларни, масалан, юрак ва қон томирлари, ички секреция безлари фаолиятидаги ўзгаришларни, ақлий иш вақтида миёдаги электр тоқларининг ўзгаришини ҳам назарда тутиш имконини беради. Айниқса И. П. Павловнинг шартли рефлекслар методи психология учун ғоят самарали методдир.

Лаборатория эксперименти психологияни тараққий эттиришда катта аҳамиятга эга. Юқорида айтилганидек, бу метод текширилиши лозим бўлган психик ҳодисаларни қачон керак бўлса, шу вақтда вужудга келтириш ва ўзгартишга, тажрибани қўп марта такрорлаш йўли билан шу ҳодисаларни синчиклаб таҳлил қилишга имкон беради. Эксперимент бир хил психик ҳодисаларнинг иккинчи хил психик ҳодисалар билан боғланшини аниқроқ билишга имкон беради. Жумладан, психик процессларнинг физиологик механизмлари кўпроқ эксперимент йўли билан аниқланади. Лабораторияда қилинадиган эксперимент бошқа методлар билан олиб борилган текширишдан чиққан натижа ва ҳулосаларни текшириб кўришга ҳам имкон беради..

Ҳозирги замон психологиясининг кўпгина муваффақиятлари лаборатория эксперименти туфайли қўлга киритилган. Эксперимент методини психология соҳасида қўлланиш психо-

лсия маълумотларини педагогикага кенг татбиқ этишга имкон беради.

Аммо психологиядаги/лаборатория экспериментининг камчиликлари бор. Шу камчиликлардан энг муҳими шуки, бу методда сунъийлик бор. Эксперимент ўтказиладиган шароитнинг ўзи текшириладиган кишиларнинг психик ҳолатига, демак, текширилаётган ҳодисаларга ва текшириш натижаларига салбий таъсир этиши мумкин. Масалан, ўқувчининг ўзига берилган ўқув материални нима учун хотирада қолдириш кераклигини билиб, мактабда ёки уйда дарс тайёрлаши унинг учун одатдаги бир ишдир. Аммо худди шу ўқувчининг лаборатория шароитида, махсус асбоблар қўлланиладиган одатдан ташқари эксперимент шароитида, атайлаб тайёрланган эксперимент материални эсга олиб қолиш процесси бошқача тусда ўтиши мумкин.

'Шунинг учун ҳам лаборатория эксперименти психик ҳодисаларни ўрганишда психологиянинг бошқа методлари билан бирга қўлланилади./

Лаборатория эксперименти методидан фойдаланганда текширилувчи кишиларнинг психикасига ва экспериментнинг натижаларига таъсир эта оладиган шароитни назарда тутмоқ керак. Лаборатория экспериментининг натижаларини бошқа методлар ёрдами билан текшириб кўриш керак.

Табиий эксперимент. Табиий эксперимент методи оддий объектив суратда кузатиш методи билан лаборатория эксперименти методи ўртасида туради. Бу методни профессор А. Ф. Лазурский кузатиш ва тажриба методларининг камчи-, -икларидан сақланиш ва иккала методнинг фойдали томонларини қўшиш мақсадида яратган.

Табиий эксперимент методининг моҳияти шундаки, бу ерда текширилувчи кишининг ўзи текшириладиган кишида (ёки кишиларда) бирон психик процесс (масалан, хотира, тафаккур, диққат) рўй бердириш учун ёки текшириладиган кишиларда индивидуал хусусиятларини (темперамент, хавас) рўй бердириш учун махсус шароит туғдиради/Масалан, текшириш лозим бўлган бирон психик процесс одатдаги дарс вақтида ёки ўйин пайтида махсус план билан, текширилувчининг ўзига сездирмасдан тажриба қилиб синалади. Албатта, бу шароит ва унда текшириладиган психик фаолият дастлаб анализ қилинади. Масалан, болалардаги муаяйн бир психик процессларни, муаяйн бир характер хусусиятларини, муаяйн бир қобилиятларни уларнинг бирон бир ўйиндаги фаолияти шаронтида текшириладиган бўлса, болаларнинг текшириш назарда тутилган психик процесси, характер хусусиятлари, қобилиятлари қайси ўйинда, айниқса яққол кўриниши олдиндан билиб олинган. Текширилувчи кишилар шундан кейин текширилувчи киши томонидан махсус равишда, лекин текширилувчи киши-

лар учун табиий бўлган шароитга - д- ўриш
 ўйинга жалб қилинади. Текширувчи) Бинг фа
 лиятини кузатиб туради ва текширилувчи оолалар* учун т
 бий шароитда келиб чиқадиган. пБихик процессларни I.
 болаларнинг индивидуал хусусиятларки қайд қилади. АмI~
 текширилаётган болалар, юқорида айг^илганидек, ўз фаолня""^
 лари махсус суратда кузатиб турилгынлигини сезмасликла| £|
 лозим. Шу шартга рюя қилингандагима, текширилаётган б
 лалар кундалик ҳаёт ва фаолиятда ўпларини қандай тутс
 лар, махсус йўл билан атайин вужудга келкирилгап табиI
 шароитда ҳам ўзларини ўшандай самимият билан тутадила
 Еундай экспериментнинг табиий экспериментлиги ҳам шу
 дадир.

<Табиий эксперимент методининг ташқи кузатиш методид;
 фарқи шуки, текширувчи киши текшириладиган психик х
 дисаларни зарур бўлганда махсус йўл билан атайлаб вужу, Ж|'
 га келтиради. I Сўнгра бу психик ходисаларни бошқача бь ғ
 тарзда вужудга келтириш мумкин ва бунда шу психик ход|,
 саларнинг табиий суратда рўй бермоғи учун эксперимент ян||,
 бир шароитда ўтказилади.

Психологик-педагогик эксперимент ёки таъсир кўрсатувч
 эксперимент — табиий экспериментнинг бйр туридир.

| Бу экспериментнинг вазифаси ўқитиш ва тарбиялаш ишA|,
 даги ҳар хил тадбирлар ўқувчиларнинг ўзлаштириш дараж.
 сини оширишга, шахснинг айрим психик сифатлари тарк!
 топишига қандай таъсир кўрсатаётганлигини аниқлашди
 Масалан, ўқувчиларнинг ўзлаштириш даражасига айрим м>
 тодик усулларнинг таъсири, ўқувчиларда турли ҳавасларни* ,
 таркиб топишига тўғарақлар, лекциялар, суҳбатлар, кинока{ ^
 тиналарнинг таъсири текширилади.

Лаборатория эксперименти каби, табиий эксперимен
 методиди ҳам тадқиқотчи кўпинча текширилувчилар билаи^
 суҳбат қилиб туради.

Сўраш ва суҳбат методи

Сўраш ва суҳбат методи психик ходисаларнинг асоса!
 ички, субъектив гомонини текшириш учун қўлланилади.

Бу методда тадқиқотлар тахминан қуйидагича ўтказилади|
 Т^дқиқотчи психик ҳаёт ходисаларининг биронтасини^ маса-^
 'л^n/одамда. шодлик хисси субъектив равишда қандай кечи-
 шини, поэтик ижодиёт процесси қандай бориш^и, иродага
 боғлиқ ҳаракатларда қарор қабул қилиш процесси қандай|
 рўй бёришини, бирон масалани ечганда тафаккур иресси
 қандай боришини ва шунга ўхшаш ходисаларни текширишни
 олдиндан вазифа қилиб қўяди. Тадқиқотчи суҳбат вақтида
 текширилувчи кишига берадиган саволларни олдиндан бел:-

гилаб олади. Саволлар шундай тартиб билан танлаб олина-
 дики, текширилувчи кишида қайси кечинмалар ва онг про-
 цессларини ўрганш керак бўлса, у ўз жавобларида худди
 ўша кечинмаларни ва ўша онг процессларини оидинлаштириб
 берсин.

Текширишнинг қандай боришига ва текширилувчи киши-
 винг индивидуал хусусиятларига қараб, суҳбат вақтида са-
 волларни ўзгарткриш, тўлдириш, бошқача қилиб бериш мум-
 кин. Айни вақтда тадқиқотчи текширилувчи кишини кузатиб,
 масалан, нутқининг хусусиятларини, мимикасини ва шунга
 ўхшаш хислатларини қайд қилиб туради.

Бериладиган саволларга текширилувчи киши тегишли жа*
 воб қайтаради. Текшириладиган ходисага ва саволларнинг
 характериға қараб, текширилувчи киши ички кечинмаларини
 мукамал тасвирлаб ёки сўз билан қисқача ҳисобот бериб,
 жавоб қайтариши мумкин, баъзан текширилувчи киши фақат
 «ха» ёки «йўқ» деб жавоб қайтариши лозим бўлиб қолади.
 Тадқиқот давомида текширувчининг барча саволлари за тек-
 ширилувчининг барча жавоблари ипидан игнасиғача ўзгар-
 тирилмасдан тўла ёзиб олинади, протоколда мукамал қайд
 қилинади. Иложи бўлса, текширилувчи кишининг жавоблари
 магнетофон лентасига ёзиб олиқади. Текшириладиган бир
 неча киши билан, баъзан эса ўнларча ва юзларча кишилар
 билан муайян бир темада савол-жавоб ва суҳбат қилинади.
 Шу тарика тўпланган дастлабки материал системага солина-
 ди, статистик жиҳатдан ишлаб чиқилади, анализ қилинади,
 к.тассификацияга солиниб, хулоса чиқарилади.

/И^ўраш ва суҳбат методи ўз-ўзини кузатиш методи билан
 ташқи кузатиш методининг кўшилишидан иборат^

Бу ерда ўз-ўзини кузатиш шунда намоён бўладики, тад-
 қикотчи текширилувчи кишига саволлар бериб, унинг ўз ички
 онгини чуқурроқ билиб олишга мажбур этади. Текширилувчи
 киши тадқиқотчининг топшириқларига мувофиқ ва тадқиқот-
 шнинг ёрдами билан (саволлар усталик билан берилганда)
 узининг ички ҳолатларини очиб ташлаб, тасвир этади ва нут-
 <ида ифодалайди, сўзлар билан жавоб қайтаради.

Ташқи кузатиш шунда намоён бўладики, тадқиқотчи онг
 ^роцессларини ўзи устида эмас, балки бошқа кишилар устида
 гекширади. Психик ҳаёт ходисаларидан биттасини текшириш
 чун бир киши билан эмас, балки бир неча киши, баъзан эса
 ўплаб кишилар сўраш ва суҳбат методи билан текширилгани
 чун объектив хулоса чиқарилади. Текширилувчи кишилартан
 иронтасининг сўз билан қайтарган жавоб.тарини бошқала-
 ининг қайтарган жавобларига солиштириб, таққослаб 'тек-
 Мириш мумкин.

Суҳбат методининг камчиликлари ҳақида гапирганда
 датда, бу методдан фойдаланишда тадқиқотчининг таъсири

булиши мумкин деб айтадилар. Тадкикотчининг таъсири бўлиши мумкинлигини, албатта, ҳисобга олиш ва текширишнинг бошларидаёқ бунга йўл қўймаслик керак. Бунинг учун саволлар шундай берилиши керакки, уларда қандай бўлмасин муайян жавобга ишора ҳам қолмасин. Бундан ташқари, саволлар шундай берилиши керакки, текширилувчи кишининг бир саволга қайтарган жавобларини бошқа саволга қайтарилган жавоблар билан контрол қилиш мумкин бўлсин.

Сухбатни ўзига хос терговга айлантириб юбормаслик керак. Сухбат самимий, бемалол бўлиши, текширилувчи кишининг психик ҳолатига зўр келмаслиги керак.

Сухбат одам психик ҳаётининг бевосита кузатиш ва экспериментда аниқлаб бўлмайдиган процесс ва ҳоллари ҳақида маълумот олишга ёрдам берадиган бирдан-бир методдир, дейиш мумкин. Масалан, космосга парвоз қилиш вақтида одамнинг психик фаолият хусусиятлари ҳақида билим олмоқ учун тадқиқотчи космонавтларнинг ўзи билан сухбат қилиши керак.

Сухбат методи шахснинг индивидуал хусусиятларини (эътиқодлари, ҳаваслари, коллективга муносабати, ўз вази-фаларини тушуниши) текширишда, шахснинг ҳаёти ва фаолиятидаги махсус воқеалар — қаҳрамонлик, ижодий илҳом ва шунга ўхшашларни текширишда қулланилади*

Бу метод ўқитиш ва тарбиялашнинг психик асосларини текширишда, масалан, болаларнинг китобхонликка ҳавасини, айрим дарсларга муносабатини текширишда, ўқувчиларнинг укига берилган топшириқларни бажаришда хотирада қолдириш усулларини, айрим ўқувчиларнинг дарсларни сўзлаштириш сабабларини аниқлашда қўлланилади.

Ҳозир \сухбат методи психологияда жуда кенг қўлланилади, жумла^&ан педагогик психология, меҳнат психологияси, ижодиёт психологияси, космик психологияда сўхбат методидан фойдаланилади/

Биография методи. Одам психикасини текшириш учун айрим кишиларнинг ҳаёти ва фаолияти ҳақидаги маълумотлар, айниқса уларнинг ўзлари берган маълумотлар (автобиография, кундалик дафтарлар, мемуарлар, хатлар), шунингдек, бошқа кишилар ёзиб олган биография маълумотлар (биографиялэр, эсдаликлэр, хатлар, характеристикалар ва шунга ўхшашлар) катта аҳамиятга эгадир.

Бу маълумотлар психик фаолият намоён бўлишининг кузатиш ва эксперимент йўли билан текшириб бўлмайдиган турларини, масалан, ижодий ҳаёл — поэзия, музика, техникага бошқа шу каби соҳалардаги ижодиёт юксак процессларини, илмий кашфиётларда намоён бўладиган тафаккур фаолияти юксак процессларини, кучли ирода ва маънавий юксак сифатларнинг алоҳида ифодаси бўлган қаҳрамонликни, шу

нингдек, гениаллик, талантлик ва зўр қобилият каби хислатларни очишга ёрдам беради. Одам онги намоён бўлишининг ана шундай турлари тўғрисида ё энг зтокли кишиларнинг баён қилган фикрларига қараб, ёки ўша шахсларга яқин юрган кишиларнинг гувоҳликларига қараб қўпгина фикр юритиш мумкин.

Бундан ташқари, биографияга доир маълумотлар одамнинг индивидуал камолотида тарбия, шунингдек, кишининг фаолияти ва ўзи устида ишлаши қандай -ўрин тутгани ва қандай аҳамият касб этганини ҳам билишга ёрдам беради.

Фаолият самараларини текшириш. Одамнинг фаолият самараларини, унинг меҳнат натижаларини текшириш психикани билиш учун муҳим воситадир. Одамнинг куч ва қобилиятлари у яратадиган нзрсаларда гавдаланади. К. Марк бундай деб ёзади: «Кўриб турибмизки, *саноат тарихи ва саноатнинг буюмда гавдаланган маҳсулоти одамзод моҳияти кучларининг очик китобидир*. Одамзоднинг кўз ўнгимизда сезилиб турган психологиясидир...»¹:

«Бу китобни, яъни тарихнинг айна шу сезилиб турган, энг реал, ўқиш мумкин бўлган қисмини ўқиб-билиб олмайдиган *психология* ҳақиқатан ҳам мазмунли ва *реал* фан бўлмайди»².

Одамзод фаолиятининг самараларини текширганимизда биз, шу самараларни барпо этган кишилар қандай қилиб фикр қилганликларини, хис қилганликларини, нимага интиланликларини, уларнинг иродаси нақадар кучли бўлганлигини, уларда қандай маҳорат ва малакалар бўлганлигини билиб оламиз. Масалан, бирор уй-жойга диққат билан қарар эканмиз, шу уйни қурган кишиларнинг конструкция-техника қобилиятлари қандай бўлгани, уларнинг эстетик диди, маънавий сифатлари, ҳалоллиги, масъулият сезиши ва шунга ўхшашлар ҳақида фикр юрита оламиз. Айрим кишиларнинг, маълум бир давр* кишиларининг, муайян ёшдаги кишиларнинг психикасини уларнинг фаолият самараларига қараб билса бўлади.

Совет кишиларининг меҳнат ва ижодиёт самаралари уларнинг психикасини бидиш учун жуда муҳим манбзалардир.

Бу метод турли ёшдаги болалар психикасининг хусусиятларини текширишда муваффақият билан қўлланилмоқда, Масалан, болаларнинг ўзи чизган расмларидан, ясаган қўғир-чскларидан уларнинг назар доираси нақадар кенглигини, тасаввурларининг характерини ва ҳажмини, тафаккур хусусиятларини, қизиқиш-ҳавасларини ва шунга ўхшашларни билиш мумкин.

¹ К. Маркс ва Ф. Энгельс, Асарлар, III том, 628-бет.

² Уша китоб, 629-бет.

Уқувчиларнинг бажарган ишларини тахлил қилиш педагогнинг дарсадаги материални ўқувчиларнинг ўзлаштириш ва зарур малака ҳосил қилиш хусусиятларини, шунингдек болаларнинг қобилият ва ҳавасларини текшириб би-либ олишига ёрдам беради.

Кишилар психикасини билиб олиш учун бадиий адабиётнинг ҳам катта аҳамияти бор.

Шуни назарда тутиш керакки, психологиядан яхши хабардор ёзувчининг ўзи жуда мохир кузатувчи психолог ҳамдир. Одамзод психикасининг турли кўринишларини А. С. Пушкин, Н. В. Гоголь, Л. Н. Толстой, М. Горький каби буюк сўз усталари равшан, образли қилиб очиб берган эдилар. Уларнинг асарларида кишиларнинг айрим типлари қандай таркиб топиши, кишиларнинг характери, қобилияти, қарашлари, Ҳавас ва бошқа шу каби хусусиятлари қандай шароит таъсирида ўсиб бориши ва таркиб топиши кўрсатиб берилган.

Шолоховнинг «Тинч оқар Дон», Островскийнинг «Пўлат қандай товланди», Фадеевнинг «Еш гвардия», Гладковнинг «Болалик повести», Симоновнинг «Рус кишилари» ва «Кунлар ва тунлар» деган асарлари, Полевойнинг «Чин инсон ҳақида қисса» еи.ва совет адабиётининг бошқа шу каби асарларида психикани билиш учун қимматли кўпгина материаллар бор, бу материаллар совет кишиларининг янги психик сифатлари қандай таркиб топишини ва зоҳир бўлишини кўрсатиб беради^

Айрим методларнинг аҳамияти

Психологиянинг асосий методларини қисқача таърифлаб бердик. Энди, чинакамга илмий психология қайси методдан фойдаланиши керак, юқорида кўрсатилган методлардан қайси бири яхши, деган савол туғилиши табиий.

Бу саволга қуйидагича жавоб қайтариш керак:/психология бирон бир методдан фойдаланиш билан кифоялана олмайди. Фақат бир методнинг маълумотларига асосланиб, чинакамга илмий психология системасини тузиб бўлмайди/

Психик ҳаёт ходисалари ўз табиатига кўра формалари*нинг хилма-хиллиги ва сифат кўринишларининг турли-туманлиги билан фарқ қилади. Психиканинг бу хусусияти борлигидан уни ўрганишда турли-туман методларни татбиқ этиш талаб қилинади* Бу ерда бирон жузъий методни танлаб олиш ҳар гал қайси психик ходисаларнинг текширилишига, онгнинг қайси функциялари тадқиқ қилинишига қараб ҳар гал алоҳида ҳал этилади. Масалан, сезгиларни текширишда эксперимент методидан фойдаланиш маъқул. Ижодий ҳаёл процессларини текширишда тадқиқотчи сўраш ва суҳбат методидан кўпроқ фойдаланади, шунингдек, ижодкор шахсларнинг асарларини анализ қилиш методидан ва биография методидан ҳам фойдаланади,

Айни вақтда ҳар бир психик ходисани текширганда бирон бир метод билан кифояланиш ярамайди. Пеихик ҳаёт ходисалари ҳар томонлама текширилиши лозим> Психик ҳаёт ходисаларини ҳар томонлама текшириш учун эса турли методларни татбиқ этиш талаб қилинади. Методлардан бири фақат асосий метод бўлиши мумкин. Бир метод билан олинган маълумотлар бошқа методлар ёрдамида олинган маълумотлар билаи тўлдирилиши, контрол қилиниши ва ойдинлаштирилиши лозим. Масалан, тафаккур процессларини ўрганишда тадқиқотчи ўз-ўзини кузатиш методидан ҳам, ташқи кузатиш методидан ҳам, экспериментнинг турли-туман хилларидан ҳам фойдаланади. Уқитиш процессида ўқувчиларнинг индивидуал хусусиятларини ўрганишда педагог-психолог ҳам турли методлардан—оддий ташқи кузатиш методидан, сўраш ва суҳбат методидан, экспериментнинг оддий турларидан ва шу қабилардан фойдаланади.

Психик ҳаёт ходисалари юқорида айтилган ҳамма методлар ёрдамида аниқланади. Бу ходисалар тасвир этилади, классификацияга солинади, акализ қилинади, улардан яқунлар чиқарилади. Шу методлар ёрдамида айрим психик ходисалар ўртасидаги боғланиш топилади, шу ходисаларнинг рўй бериш ва боғланиш негизидаги қонуниятлар • очилади. Аммо психикани илмий асосда ўрганиш шу билан кифояланмаслиги керак. Психик ҳаёт ходисалари диалектик материализм принциплари асосида, жумладан психиканинг моҳияти ва психик ходисалар билан физиологик ходисаларнинг ўзаро муносабати ҳақидаги марксча-ленинча таълимот нуқтаи назаридан тушунтириб берилгандагина, бу ходисалар ва уларнинг қонуниятлари ҳақидаги билимларимиз бекам-кўст, илмий бил.й.млар бўлади»

§ ² / &

II БОБ


ПСИХИКАНИНГ НЕРВ-ФИЗИОЛОГИК АСОСЛАРИ

Юқорида айтилганидек, психиканинг моддий асоси нерв системаси ва аввало бош миядир. Шу сабабли нерв системасининг тузилишини ва қандай ишлашини билмасдан туриб, психик ҳаёт ходисаларини тушуниб бўлмайди (2- расм)₄

1. НЕРВ СИСТЕМАСИНING ТУЗИЛИШИ, НЕРВ ТУҚИМАСИ, УНИНГ ЭЛЕМЕНТЛАРИ ВА ХОССАЛАРИ

• Нерв системаси нерв тўқимасидан иборат, бу тўқима эса нерв хужайраларидан тузилган.

Нерв хужайраси протоплазмадан тузилган тана бўлиб, икки турли ўсимталари бор, бу ўсимталарнинг бир хиллари калта, бошқа бир хиллари узун бўлади. Калта ўсимталари сертармоқ бўлиб. дендритлар деб аталади. Узун ўсимталари, аксонлар ёки нейритлар деб аталади. Хар бир хужайрада бу ўсимталар иккитадан ортик бўлмайди. Нейрит иккита парда



2- расм. Одамнинг нерв системаси.

билан ўралган. Нейритга ёпишиб турадиган биринчи пардаси) ёғсимон парда бўлиб уни эт парда ёки иш элин пардаси деб аталади. Иккинчи—ташқи пардасини шванн пардаси дейилади. Бу пардалар толадан ўтувчи нерв кўзғалишини ажратиб турувчи изоляциядек бир вазифани ўтайди. Нейрит, одатда, нерв толаси деб аталади.

Нерв хужайраси, унинг ўсимталари ва уларни коловчи пардалар биргаликда нейрон деб аталади (3-расм). Нерв системаси жуда кўп нейронлардан тузилган. Нерв толалари миядан тутам-тутам бўлиб чиқиб нерв стволини ёки, оддий сўз билан айтганда, нервни хосил қилади.

Нерв хужайралари ва миэлинсиз толалар тўплами миянинг кулранг моддасини, миэлинли нерв толаларининг тўплами эса миянинг оқ моддасини ташкил этади.

Хужайралар—уларнинг ядролари ва толалари синапслар деган махсус майда толача-

лар ёрдами билан бевосита боғланади (синапс грекча сўз бўлиб, «илгак» деган маънони билдиради).

Нерв системасининг махсус хоссалари бор, бу хоссалардан асосийлари кўзгалувчанлик ва ўтказувчанликдир. Бу хоссалар шундан иборат.


Агар нерв толасининг бирон жойига тегилса, иссиқ, совуқ, электр токи, химиявий моддалар ва бошқа шу кабилар билан таъсир этилса, ёки кўзғатилса, нерв толасининг кўзғатилган жойида махсус физиологик процесслар рўй беради, буни *кўзғалиши* дейилади.

Агар нерв толаси етарли даражада кўзғатилса, бу кўзғалиш содир бўлган жойидагина қолмай, балки нерв толаси бўйлаб тарқалади ва бир нерв хужайрасидан иккинчи нерв хужайрасига ўтади, ниҳоят, кўзғатилган кучи муайян даражага етганда кўзғалиш бутун нерв системасига ёйилиши мумкин,

Нерв тўқимасида кўзғалиш процесси юз берганда бир канча ходисалар: электр, химик, иссиқлик ходисалари пайдо бўлади. Енма-ён турган бир нерв хужайрасининг аксони билан иккинчи нерв хужайрасининг туташадиган жойи — синапслар борлиги тўғрисида, кўзғалиш нерв толаларида бир томонга тарқалади. Миэлин пардаси борлигидан, кўзғалиш нерв толасида айрим-айрим тарқалади.

Одамнинг нерв системаси ҳайвот оламнинг узок эволюцияси процессида ва одамнинг тарихий тараққиёти давомида вужудга келган.

Нерв системаси биринчи марта ковак ичли ҳайвонларда рўйи рост кўринади. Бу нерв системаси бутун организмга ёйилган айрим хужайралардан тузилган. Масалан, гидроид полипларнинг нерв системаси шундай бўлади. Бу — *диффуз* типда



3- расм. Нерв хужайраси.

4-расм. Диффуз нерв системаси.

тузилган нерв системасидир (4-расм). Медузаларда нерв элементларининг талайгина қисми зонтик теваарагида икки ҳалқа шаклида тўплангандир. Чувалчанглар, моллюскаларнинг нерв системаси улар танасининг ўнг ва чап томонида симметрик суратда жойлашган (5-расм). Бу — занжир (ёки тутун) шаклида тузилган нерв системаси бўлиб, нерв системаси тараққиётининг юқориқ босқичидир. Хордали ҳайвонларнинг нерв системаси шу билан фарқ қиладики, нерв элементлари бир-бири билан туташиб тугун ҳосил қилмайди, балки узун чилвир шаклида тузилган ва ичида қоринча бўшлиги бўлади. Хордали ҳайвонларда орқа мия ва ибтидоий даражада бош мия бўлганлигини кўрамиз.

Умуртқали ҳайвонлар билан одамда нерв системаси мураккаб тузилган бўлиб, уч қисмга — марказий, перифериядаги ва вегетатив қисмларга бўлинади,

^ Марказий нерв системаси

Марказий нерв системаси бош мия билан орқа миядан таркиб топгаи.

Орқа мия (6- расм) умуртқа поғонасининг каналида жойлашган бўлиб, нерв тўқимасидан тузилган ва шаклан гўё йўғон чилвирга ўхшайди. Орқа мия узунасига кетган иккита згат билан икки қисмга: ўнг ва чап қисмларга бўлинади. Орқа миянинг атроф-чеккасида оқ модда (нерв толаларининг тўплами), ўртасида эса кул ранг модда (нерв хужайраларининг тўплами) жойлашганлигини орқа миянинг қўндаланг кесигидан кўриш мумкин (7-расм). Кул ранг модда кесиги шаклан капалакка ўхшайди. Орқа мия олдинги қисмлари олдинги илдизчалар, орқадаги қисмлари орқадаги илдизчалар деб аталади.

Орқа мияда нерв тутам бўлиб жойлашган, қўзғалиш перифериядаги нерв учларидан,— скелет мускуллари, тери, шилиқ пардалардаги нерв учларидан шу нерв толаларининг тутамлари орқали нерв импульслари шаклида бош мияга етиб боради ва бош миядан периферияга келади. Нерв толаларининг ана шу тутамлари ўтказувчи йўллар деб аталади.

Орқа мия онгли психик процессларнинг бевосита — маркази бўлмай, балки онгсиз рефлектор ҳаракатларни идора этадиган марказдир. У тана ва қўл-оёқ мускулларини, кўз мускулларини идора қилади, шунингдек, организмда бўладиган бир қанча физиологик процессларни — яъни томир ҳаракатлари, тер чиқариш ва бошқа шу каби физиологик процессларни ҳам идора этадиган марказдир. Ана шу марказлардан бир қисми вегетатив нерв системасига тааллуқлидир.

Бош мия (8-расм) калла қутисидида жойлашган бўлиб, гўё орқа мия тепасидидаги устки қават ҳисобланади.

Бош мия қуйидаги қисмларга ажратилади: 1) кетингн мия, 2) ўрта мия.3) оралик мия ва 4) олдинги мия.

Кетинги мия. Кетинги мияга узунчок мия, Варолий кўприги ва мияча киради.

Узунчок мия билан Варолий кўприги орқа миянинг гўё бевосита давомидир.

Лекин шу билан бирга, узунчок мия орқа мияга қараганда хийла мураккаброқ функцияи ўтайди, Узунчок мия орқали орқа миядан бош миянингюқориқдаги бўлимларига ва, аксинча, бош миянинг юқориқдаги бўлимларидан орқа мияга импульслар ўтиб туради. Узунчок мия ядролари эмиш, чайнаш, ютиш, сўлак ажратиш, меъда ва меъда ости безидан шира ажратиш, қусиш ва шунга ўхшаш бир қанча мураккаб рефлектор процессларда қатнашади. Нафас олишни, юракнинг ишлашини идора этадиган, қон томирлар тонусини сақлайдиган марказлар узунчок миядадир.

- Мияча марказий нерв системаеининг пастдаги ҳамма бўлимларига, шунингдек, юқориқдаги қисмларига қўй йўллар билан маҳкам боғлангандир. Миячанинг жуда катта ахамиятга эга эканлиги лоақал шундан ҳам кўринадики, мияча олиб ташлангандан кейин тананинг мувозанат ва ҳаракат функциялари жуда ҳам бузишаракли-лади; ҳаракатлар тартибсиз, дагузилган чалкаш, пойма-пой бўлиб,,ко-

маси л а д и ' Миячаси олиб ташланган

ҳайвон қадини кўтариб ва бошқни тутиб турулмади; боши ва танаси доим тебраниб туради; омонат, пойма-пой, хаддан ташқари кескин ҳаракатлар қилади ва ҳоказо.


Урта мия. Мускул тонусининг нормал тақсимланишини ва гавданинг товуш ҳамда ёруғлик сннгари қўзғовчиларга, шунингдек, оғирлик кучига нисбатан тўғри туришини идо-

1

III III


6- расм. Орқа мия.

Кул ранг модда



7- расм. Орқа миянинг кўндаланг кесми.

ра эталиган тўрт тепалик, кизил ядро ва миякинг бошқа баъзи бир участкалари ўрта мия составига кирали. Урта мияси олиб ташланган мушук, ит ва маймунлар нормал харака? кила олмайдиган бўлиб қолади,



8-расм. Одам бош миясининг кўндаланг кесми.

! — бош мия пўсти; II —оралик мия; /// —ўрта мия; IV— Варолий куприги
У— узучок мия; V— мияча.

Оралик мия муҳим функцияларни ўтайдиган бир канча нерв участкаларидан иборат, Гавданинг умумий сезувчанлигини ҳам ўрта мия идора этади. Пастроқдати вегетатив марказларнинг ишларини бирлаштирадиган ва мувофиқлаштирадиган олий вегетатив марказлар ҳам ўрта мияда деб тахмин қилинади.

Узунчок мия, Варолий кўприги, ўрта мия ва оралик мия—ҳаммаси биргаликда мия дастаси ёки мия стволи деб аталади.

Олдинги мия ва унинг пўсти бош миянинг олий қисмларидир. Ҳайвон биологик тараққиёт босқичининг қанча юқорисида турса, олдинги мияси бош миянинг бошқа қисмларига нисбатан ўшанча кўпроқ жой эгаллайди. Биологик тараққиётнинг турли босқичларида турувчи ҳайвонлар билан одам олдинги миясининг катталиги 9-расмда таққослаб кўрсатишган.

Одамда олдинги мия бутун бош миянинг катта бир қисмини, тахминан 80 процентини эгаллайди.


Олдинги мия иккита ярим шардан — ўнг ва чап ярим шарлардан иборат, бош миянинг пешана бўладиган энса бўлагига қараб борадиган катта эгат бу ярим шарларни бири-биридан ажратиб туради. Олдинги миянинг ўнг ва чап ярим шарлари қадоқ модда деб аталувчи жисм ёрдами билан ўзаро бирлашади.

Ярим шарларнинг мия пўсти деб аталадиган бутун юзаси текис-бўлма, балки ғижим-ғижим, бурмачалар билан қоплангандир, булар гўё эгат ва пушталарга ўхшайди. Шу билан бирга, ҳайвон биологик тараққиётнинг қанча юқори босқичида турса, ярим шарлар юзасидаги бу эгат-



9-расм. Бош миянинг кўндаланг кесми, одамларда ва бошқа ҳайвонларда катта ярим шарларнинг тараққиёт даражаси кўрсатилган.

Пастдан юқорига қараб: ақула мияси, калтакесак мияси, кўеи мияси, олэм мияси: I — хид йиллиш бўлаги; /// — катта ярим шарлар; /// — оралик мия; IV — ўрта мия; V — мияча; VI — чузи-чок мия.




10-расм. Бош мия.

лар шунча чуқурроқ ва пушталари кўпроқ бўлади. Одам миясининг ярим шарларидаги пушталар жуда кўп ва эгатлари кўп даражада чуқурдир,

Эгатлардан энг яққол кўриниб турадиганлари Сильвий эгати билан Роланд эгатидир. Сильвийнинг кўндаланг эгати чакка бўлагини ажратиб туради. Роланд эгати эса тепа бўлакиинг ўртасидан пешана ва чакка бўлаклари қараб боради.

Бош мия пўсти миянинг кул ранг моддасидан иборат. Миянинг турли қисмларида пўстининг қалинлиги 1 мм дан. 4—5 мм гача боради. Одамнинг бош мия пўстининг бутун юзаси ўрта ҳисоб билан 2000 кв. см келади.

Бош мия ярим шарлари пўстининг юзаси одатда тўртта катта қисмга пешана қисми (энг каттаси), тепа қисми, энса қисми ва чакка қисмига бўлинади (10-расм).



11-расм. Бош мия пўсти қаватлари.

Баъзи бир олимларнинг ҳисобига қараганда, бош мия пўсти ва ярим шарларида 15 миллиардга яқин нерв хужайраси бор.

Катта ярим шарлар пўсти шакли ва функцияси билан биридан фарқ қиладиган олти қават нерв хужайраларидан тузилган (11-расм), Олтинчи қават ўз навбатида икки қатламга бўлинади. Аммо бош мия пўстининг турли қисмлари олти қават хужайрадан иборат эмас, балки икки, уч, тўрт қаватдан, баъзи қисмлари эса олти қаватдан иборат. Бош мия пўстининг хужайралар қавати бир хилда бўлган участкалари майдон ҳосил қилади. Одам бош миясининг пўстида ҳаммаси бўлиб 52 та майдон бор. Тузилиш жиҳатидан бир-бирига ўхшайдиган майдонлар соҳаларни ташкил этади; бундай соҳалар 11 тадир. Бош мия пўстининг учинчи ва бешинчи қаватлари катта-катта, пирамидасимон хужайралардан тузилган, қолган қаватлари эса майда (донасимон) хужайралардан, учбурчак ва дугсимон хужайралардан тузилган.

Бош мия пўстида шу айтиб ўтилган хужайралар билан бирга нерв толалари ҳам бор. Бу нерв толалари ярим шарлардан биттаси пўстининг айрим қисмларкии ҳам (ассоциатив толалар), ҳар иккала ярим шар пўстининг айрим қисмларини ҳам (қўшувчи толалар) бирлаштиради, шунингдек, бош мия пўстини марказий нерв системасининг пастроқдаги бошқа бўлимлари билан бирлаштиради (проекцион толалар).

Бош миянинг пўсти остидаги қисмлари пўст остидаги соҳа деб аталади.

2. Бош мия ва психик функциялар

Пўст остидаги соҳа ва пўст остидаги тугунлар дифференциаллашмаган ва умумий сезувчанлик марказидир. Эмоия ва инстинктларимиз шу соҳа билан чамбарчас боғлиқдир. Ҳаракатларимизни идора этиш учун пўст остидаги тугунлардан тарғил жисмнинг аҳамияти айниқса каттадир. Тарғил жисм зарарланганда, одатда, ҳаракат кучаяди, аммо поймапой бўлади.

Юксак даражада ташкил топган ҳайвонларда психик процессларнинг ва одамда онгли процессларнинг бевосита моддий эсоси бош мия пўстидир. Бош миянинг пастроқдаги бошқа ҳамма қисмлари, шунингдек, орқа мия—онгсиз рефлектор ҳаракатларнинг марказлари бўлиб, хилма-хил физиологик процессларни идора этади.

Бу ерда яна шуни айтиб ўтиш керак.

Бош миянинг юқорида айтилган ҳамма қисмлари ва орқа мия — марказий нерв системаси босиб ўтган тараққист йўлининг босқичларидир. Бош миянинг тараққийетидаги ҳар бир

қисми (пастдан юқорига қараб ҳисоб қилганда) ўзидан аввалги қисмнинг устига қатланган. Орқа мия, ундан кейин эса узунчоқ мия марказий нерв системасининг энг қадимги қисмларидир. Олдинги мия ва пўст генетик жиҳатдан миянинг энг ёш қисмларидир. Марказий нерв системасининг юқориги қисмлари тараққий қилгунича пастдаги (қадимги) қисмлари мураккаброқ психик функцияларни ҳам бажарган деб ўйлаш мумкин. Маг^{ка}ий нерв системасининг юқориги қисмлари таркиб топиб тараққий қилиши билан, мураккаброқ психик функциялар миянинг юксак тараққий қилган қисмларига ўтди. Шу билан бирга психик функциялар тобора мураккаблашиб ва такомиллашиб борди. Психик функциялар миянинг юксак тараққий қилган қисмларига ўтиши билан миянинг пастдаги қисмлари муайян рефлекс ва инстинктив ҳаракатларнигина идора этадиган бўлиб қолди.

Бунинг ҳақиқатан ҳам шундай эканлигини қуйидаги ҳоллар кўрсатиб турибди. Биологик тараққиётнинг анча паст босқичларида турган хайвонларнинг мия пўсти ва олдинги мияси олиб ташланганда, бу қисмларнинг функциясини пастроқдаги қисмлар ўтай бошлайди (гарчи мукамал шаклда бўлмаса ҳам, ҳар ҳолда, ўтайди). Масалан, олдинги мияси олиб ташланган бақа тамомила нормал бақага ўхшайди. Бундай бақа одатдагича ўтиради; бақа турган тахта. ағдарила бошласа, у ағнаб тушмасликка ҳаракат қилади; агар бақа чалқанча ағнаб тушса, ўнгланиб олади. Шундай қилиб, бақа мия ярим шарларидан маҳрум бўлса ҳам ҳаракат қилиш ва ўз ҳаракатларини мувофиқлаштириш қобилиятини сақлаб қолади.

Ярим шарлари олиб ташланган каптар оғзига солинган овқатни ейди, туртиб юборилса юради; бундай каптар туртинмасдан уча олади. Аммо каптар туртиб юборилмаса, одатда, кимирламай тураверади. Агар ит миясининг иккала ярим шари олиб ташланса, сунъий суратда боқилиб борилсагина бир неча йил яшай олади. Бундай ит оғзига солинган овқатни ейди, юра олади. Ит урилса вангиллайди, қаттиқ товуш эшитганда сапчиб тушади. Аммо бундай ит ўзича овқат кидириб тсполмайди ва ҳатто яқинидаги овқатни ҳам топиб ея олмайди. Бу ит уни боқувчи кишиларни танимайди. Аввал ҳосил қилган малакалари йўқолади, шу билан бирга, янги малакалар ҳосил қилиш қобилияти ҳам йўқолади.

Баъзи физиологлар маймунларнинг ярим шарларини олиб ташлаб тажрибалар қилганлар. Маймунлар операция қилингандан кейин психик функциялари йўқолиши билан бирга, ҳаракатлар, ҳаракатни мувофиқлаштириш ҳам бузилган. Ўлар тўппа-тўғри ўтириб тура олган, шунингдек, нарсаларни чангаллай олган, аммо мураккаброқ ҳаракатлар, айниқса юриш қобилияти бузилган* Шундай қилиб, эволюциянинг

юқорй босқичларида мураккаб ҳаракатлар ва уларни мувофиқлаштириш функциялари ҳам мия пўстига ўтади.

И. П. Павлов юксак нерв фаолиятига доир текширишларида шундай ҳодисаларни илмий асосда тушунтириб берди.

Хайвонлар бош миясининг айрим қисмларини олиб ташлаш устидаги тажрибалар шуни кўрсатдики, ханвон биологик тараққиётнинг қанча юқори босқичида турса^к қуйи қисмларининг юксак психик функцияларни бажара олиш имконияти ўшанча кам бўлади.

Одамда миянинг қуйи қисмлари юксак психик функцияларни бажаришга мутлақо қобил эмас. Одам миясининг пўсти остидаги қисмлари пўст функциясини лоақал қисман ҳам бажара олмаса керак. Ярим шарларсиз туғилган болалар (анэнцефаллар) ни кузатиш бу ҳолни жуда равшан тасдиқлайди. Одатда бундай болалар узоқ яшамайди. Шундай болалардан бирининг фақат уч йил-у тўккиз ой яшагани маълум. Бу бола доим ётган, туришга бирон марта ҳам ҳаракат қилиб кўрмаган. У нарсаларни ушлашга ҳеч уринмаган, ҳатто нарсаларни кўлда ушлаб туришни ҳам билмаган. Фақат юзида баъзи бир ҳаракатлар кўрилган; у баъзан ижирғанган; эмгнда ва қошиқлаб овқат берилганда лаблари ва тили ҳаракатга келган. Бола таги булғанганда ҳам ҳеч бир парво қилмаган. Бу бола билан гаплашиШ ёки унга бирон нарса ўргатиш асло мумкин бўлмаган. Унда ҳатто энг оддий кўникмалар ҳам ҳосил бўлмаган.

Юқорида айтилганлардан, миянинг пўст остидаги қисмларининг психик ҳаётга ҳеч қандай алоқаси йўқ, деган маъно чиқмайди. Ярим шарлар пўсти ўз толалари билан бош миянинг ҳамма қисмларига ва орқа мияга боғланган. Шу билан бирга, юқорида айтилганидек, орқа миядаги нерв хужайраларининг толалари ва пўст остидаги соҳаларнинг толалари ярим шарлар пўстининг қисмларига боғлангандир. Шу сабабли бутун марказий нерв системаси ва унинг фаолияти бўлмаса, психик ҳаёт ҳам бўлмас эди.

Шу билан бирга, бутун нерв системасининг ва бутун организмнинг фаолиятида бош мия пўсти асосий роль ўйнайди. И. П. Павлов таълимотига кўра, ярим шарлар пўсти организмдаги ҳамма функцияларни идора этади.

И. П. Павлов таълимотига кўра, катта ярим шарлар пўсти организмнинг барча функцияларини бошқаради,

3. Перифериядаги нерв системаси

Перифериядаги нерв системаси марказий нерв системаси билан чамбарчас боғлиқ бўлиб, ундан ажралмасдир. Перифериядаги нерв системаси нервлардан тузилган: бу нервлар марказий нерв системасидан чиқиб ва бутун организмга тар-

нокланибч организмнинг ҳар бир қисмини бош мия ва орқа мия билан боғлайди. Бош миядан 12 жуфт нерв, орқа миядан 31 жуфт нерв чиқади (2- расм).

Перифериядаги нерв толалари орқа мия билан бош миянинг ички қисмларига қиради. Улар бош миянинг ҳамма қисмлари билан, жумладан, бош мия пўсти билан боғланади.

Перифериядаги нервлар бош мия билан орқа миядан чиққанда хийла йўғон (баъзилари жуда ҳам йўғон) бўлади. Лекин бу нервлар организмга ёйилиб кетганда, кўпгина жуда ингичка ип ва толаларга бўлинади, = чекка тармоқлар деб шуларни айтилади,

И. П. Павлов таълимотига кўра, перифериядаги нерв анализаторнинг бир қисмини, яъни унинг рецептор қисми (чекка тармоқларини) ва ўтказувчи йўлни ташкил этади.

- Перифериядаги нервлар икки хилга, яъни сезувчи ва ҳаракатлантирувчи нервларга бўлинади.

Сезувчи нервлар чекка тармоқларнинг қўзғатилиши на-ткжасида ҳосил бўлган қўзғалишни марказга, яъни орқа мия билан бош мияга ўтказишади. Теварак-атрофимиздаги воқеликни ана шу нервлар ёрдами билан сезамиз ва идрок қиламиз. Бу нервлар рецептор (сезувчи), марказга интилувчи ёки афферент нервлар деб ҳам аталади.

Ҳаракатлантирувчи (ёки мотор) нервлар марказдан мускул ва безларга импульс ўтказишади. Шу нервлар ёрдами билан мускулларимиз ҳаракатга келади, хилма-хил иш-ҳаракатлар қилинади, турли безлар (масалан, сўлак безлари)нинг фаолияти ҳам шу нервлар ёрдами билан идора этилади. Бу нервлар марказдан қочувчи ёки эфферент нервлар деб ҳам аталди.

Перифериядаги нервлардан баъзилари қўзғалишни перифериядан марказга ҳам, марказдан периферияга ҳам ўтказишади,

Сезувчи ва ҳаракатлантирувчи нервлардан қўзғалиш бир хил тезлик билан ўтмайди; сезувчи нервлар қўзғалишни ҳаракатлантирувчи нервларга нисбатан секинроқ ўтказишади.

Сезувчи нервлар айрим сезги органларига ёйилиб, ҳар бир органнинг асосий негизини ташкил этади. Ҳар бир сезувчи нерв муайян органга — кўрув, эшитув, хид билиш ва шунга ўхшаш органларнинг бирига хос бўлган спёцифик қўзғалишларни ўтказишади.

Ҳаракатлантирувчи нервлар айрим органларнинг ва мускул системасининг айрим қисмлари ҳаракатини идора этади¹

4. Функцияларнинг локализацияси (жойлашуви).

Турли психик функциялар фаолияти одатда бош миянинг айрим қисмларига боғлиқ бўлади.

И. П. Павловнинг текширишларига қадар, функциялар

локализацияси ҳақидаги масалада нотўғри фикр юрар эди, яъни мия пўстида ҳар бир психик функциянинг қатъий аниқ маркази бўлади, миянинг муайян анатомик қисми муайян психик функцияни идора этади, деб ҳисобланар эди.

Масалан, кўрув маркази миянинг энса қисмида, эшитув маркази юқори чакка пуштасининг ўрта қисмида, хид билиш маркази илмоқсимон пуштада (бу пушта ярим шарларнинг пастки юзасида бўлади), нутқ ҳаракатлари маркази (Брока маркази) чап ярим шарнинг учинчи пешана пуштасида, бировнинг нутқини тушуниш маркази (Вернике маркази) чап ярим шардаги биринчи чакка пуштасининг орқадаги ва ўрта қисмида жойлашганлиги аниқ деб ҳисобланар эди. Худди шунингдек, оёқ, қўл бармоқлар, тана ҳаракатларининг алоҳида-алоҳида марказлари бор, деб айтилар, «сезув марказлари», «ўқиш марказлари» ва шунга ўхшаш марказлар бор деб, даъво қилинар эди. ,

И. П. Павлов функцияларни шу тарика соф анатомик нуқтаи назардан локализациялашдан тамом фарқ қиладиган бошқа локализация ҳақида янги таълимот ишлаб чиқди.

И* П. Павловнинг тажрибалари шуни кўрсатдики, анализаторларнинг марказий қисмларини мия пўстининг бир-биридан узил-кесил чегара билан ажралган бўлақлари деб тушуниш ярамайди. Ҳақиқатда бу «марказлар»нинг бир-бирига ўтиши, бир-бирига қўшилиши, бир-бирини қоплаши аниқланди. Масалан, «... оптик анализаторнинг марказий қисми, ядроси,— ёруғлик таъсиротларини юқори даражада синтез ва анализ қиладиган орган — ярим шарларнинг энса бўлақларидадир. Аммо оптик анализаторнинг ҳаммаси шў ерда эмас. Бу анализатор кенг тарқалган катта ярим шарларнинг балки ҳаммасига ҳам тарқалган бўлса эҳтимол»¹.

Бошқа анализаторларнинг «марказлари» тўғрисида ҳам гап шундай. И. П. Павловнинг фикрига кўра, анализаторнинг пўстдаги қисми пўстга (эҳтимол, бутун пўстга ҳам) ёйилган икки хил хужайраларни ўз ичига олади: бир хил хужайралар энг содда анализ ва синтез функцияларини ўтайди, иккинчи хил хужайралар ядрони ташкил этади, мураккаб (комплекс) қўзғалишлар ўша ядрода нозик анализ ва синтез қилинади, қўзғовчилар жуда аниқ ажратилади, уларни бундай аниқ ажратиш организм ҳаёти учун ниҳоятда муҳимдир,

5. Вегетатив нерв системаси

Вегетатив нерв системасини нерв тугунлари ва бу нерв тугунларини орқа миядаги ҳамда орқа миядан ташқаридаги махсус бирикма ва чатишмалари ташкил этади. Вегетатив нерв системасидаги нерв хужайраларининг ва нерв тугун-

¹ И. П. Павлов, Полное собрание сочинений, IV том, 358- бет.

ларининг айрим бирикмалари ҳазм органларида, қон айланиш, нафас олиш органларида ва шунга ўхшаш органларда бўлади.

Вегетатив нерв системаси марказий нерв системаси билан боғланган: вегетатив нерв системасининг нерв тугунлари бош мианинг гипоталамус (кўрув дўмбоқларининг пастки қисми), тўрт тепалик ва узунчоқ мия соҳасида, шунингдек, орқа мианинг кўкрак, юкори бел ва думғаза бўлимларида жойлашган.

Катта ярим шарлар пўстининг пешана қисмларида периферик нерв системасининг ҳам, вегетатив нерв системасининг ҳам функцияларини бирлаштирадиган токсак марказлари бор. Бош мия пўстидан периферик нерв системасига ҳам, вегетатив нерв системасига ҳам импульслар келиб туради. Бинобарин, вегетатив нерв системасини, шунингдек, бошқа қисм ва марказларни бош мия пўсти идора этади.

Вегетатив нерв системаси умумий нерв системасининг бир қисми бўлиб, ички органлар — ҳазм, нафас, қон айланиш органларининг ишларини ва ички секреция безларининг фаолиятини идора қилади. Вегетатив нерв системаси организмнинг умуман ҳамма ҳаётий процессларини идора этади. Организм процессларининг шу тариқа вегетатив нерв системаси томонидан идора этилиши органлар фаолиятининг кучайиши ва суоайишида, ортиши ва камайишида кўринади.

Вегетатив нерв системаси ички органлар билангина боғланиб қолмай, балки организмнинг бошқа ҳамма қисмлари билан ҳам боғлангандир.

Вегетатив нерв системасининг марказдан қочувчи толалари ҳамма сезги органларида ва тери ҳужайраларида бор. Вегетатив нерв системаси ўша толалар орқали сезги органларига таъбир этиб, уларнинг фаолиятини кучайтиради ёки сусайтиради. Жумладан, вегетатив нерв системаси сезги органларининг адаптациясига (яъни мосланишига) анча ёрдам берар экан. Вегетатив нерв системаси марказий нерв системасининг турли қисмларига, жумладан, бош мия пўстига ҳам таъсир этади. Шунинг учун ҳам вегетатив нерв системасининг таъсири психик процессларда ҳам кўринади.

Вегетатив нерв системаси икки бўлакдан: симпатик нерв системаси ва парасимпатик нерв системасидан иборат.

Симпатик нерв системасининг марказлари гипоталамусда, орқа мианинг кўкрак ва юкори бел бўлимларидадир. Симпатик нерв системасининг толалари танадаги ҳамма органларга ёйилади.

Парасимпатик нерв системасининг марказлари тўрт тепаликда, ўрта мияда (Варолий кўприги), узунчоқ мияда ва орқа мианинг думғаза бўлимидадир.

Симпатик ва парасимпатик нерв системалари ички органлар фаолиятини идора этишда «антагонистлар» ролини ўйнай-

ди, айнибир органларда қарама-қарши реакциялар вужудга келтиради. Масалан, симпатик нерв системаси юракнинг фаолиятини кучайтирса, парасимпатик нерв системаси юрак фаолиятини сусайтиради. Симпатик нерв системаси юздаги қоч томирларини торайтиради, натижада юз оқариб кетади. Парасимпатик нерв системаси эса, аксинча, юздаги қоч томирларини кенгайтиради, натижада юз қизаради. Парасимпатик нерв системаси меъданинг фаолиятини кучайтиради, симпатик нерв системаси эса меъда фаолиятини сусайтиради.

Симпатик ва парасимпатик нерв системалари шу тарзда бир-бирига қарама-қарши ишлашини назарда тутиб, симпатик ва парасимпатик нерв системалари муайян «мувозанатда» бўлгандагина организм нормал ишлай олади, деб ҳисобласа бўлади. Агар шундай мувозанат бўлмаса, симпатик система кервларининг кўзғалиш белгилари устун турганлигини, ёки аксинча, парасимпатик система нервларининг кўзғалиш белгилари устун турганлигини кўрамиз.

Вегетатив нерв системаси ҳиссиёт процессларида катта роль ўйнайди.

II. ЮКСАК НЕРВ ФАОЛИЯТИ ҲАҚИДА

И. П. ПАВЛОВ ТАЪЛИМОТИНИНГ АСОСИИ ҚОИДАЛАРИ

Нерв системасининг, айниқса унинг юксак участкаларининг фаолияти узок вақтгача текширилмасдан келди.

Рус олимлари нерв системасининг физиологиясини ўрганиш соҳасида жаҳон миқёсида катта хизмат кўрсатдилар.

Рус физиологиясининг отаси И. М. Сеченов (1829—1905) бош мианинг материалистик физиология илмини яратиш йўлларини биринчи бўлиб кўрсатиб берди.

1863 йилда унинг «Бош мия рефлекслари» номли машҳур асари босилиб чикди. Бу асарда Сеченов ўша вақтдаги илғор физиологларнинг ютуқларига ва ўзи олиб борган "текширишларга асосланиб, одамнинг психик фаолияти қандайдир исми бор, жисми йўқ, моддий бўлмаган руҳ, жоннинг маҳсули бўлмай, балки фақат мианинг фаолиятидир, деган фикрни дадил айтди. Физиология олими бўлган Сеченов материалистик монизмнинг табиий-илмий асосларини яратиб берди, Чернишевский ва ундан олдин ўтган бошқа рус материалистлари материалистик монизмни тараккий қилдирдилар. «Одамдаги психик ва физиологик ҳодисаларнинг иккови ҳам бир хилдаги, бир-бирига яқин ҳодисалар, бир моддий асосдан келиб чиқадиган ҳодисалардир», деб ёзди Сеченов. Психик процессларнинг негизи бош мия рефлексларидир, деган таълимотни Сеченов биринчи бўлиб илгари сурди. «Онгли ва онгсиз ҳамма психик ҳодисалар,—деб ёзади у,—ўзларининг келиб чиқиш жиҳатидан аслида рефлекслардир». Шу билан бирга, И. М. Сеченов рефлекснинг марказий қисмини, яъни мияда бўла-

диган процесларни ажратди, бу процеслар, Сеченовнинг фикрича, психикани вужудга келтиради.

Миянинг рефлектор¹ фаолиятини ўрганиш соҳасида И. М. Сеченов бошлаган ишни И. П. Павлов мустаҳкам экспериментал асосга қўйди, рефлекс тушунчасига янги маъно берди, шартли рефлексларнинг вужудга келиш механизмларини кашф этди. янги илм — юксак нерв фаолияти физиологиясини вужудга келтирди, бу нерв фаолияти физиологияси материалстик психологиянинг табиий-илмий асоси, пойдеворидир.

И. П. Павлов ўз текширишларининг психология учун қандай аҳамияти борлигини кўрсатиб ўтган эди, «...бизнинг текширишларимиз,— деган эди у,— психологлар учун жуда катта аҳамиятга эга бўлиши керак, чунки улар кейинчалик психология илмининг асосий пойдевори бўлиши керак деб ўйлайман»².

И. П. Павловнинг фикрича, юксак нерв фаолиятининг физиологияси вужудга келиши билан, «психологлар..., ниҳоят, ўзлари текширадиган асосий ҳодисаларнинг умумий мустаҳкам заминига, табиий системасига эга бўладилар, шу билан уларнинг одамдаги сон-саноксиз, тартибсиз туйғуларини системага солишлари осон бўлади»³,

1. Рефлекслар

И. П. Павловнинг физиологик таълимотидаги асосий тушунча рефлекс тушунчасидир. «Рефлекс — организмнинг нерв системаси ёрдами билан ташқи олам таъсирларига берадиган жавоб ҳаракатлари реакциясидир...»⁴.

Масалан, игна санчилса, қўлимизни тортиб оламиз. Оғизга овқат солинганда, сўлак чиқа бошлайди, ёруғда кўз қорачиқлари тораяди, қоронғида эса кенгайди.

Бу мисолларда қўлга игна санчилиши, оғизга овқат солиниши, ёруғлик — кўзғовчилардир, сўлак ажралиши, кўз қорачиқининг торайиши ва кенгайиши — организмнинг жавоб ҳаракатларидир.

Рефлекс ёйи (рефлектор дуга). Ҳар қандай рефлекс қуйидаги схемага мувофиқ рўй беради: кўзғовчи (масалан, игна санчилиши) сезувчи нервнинг чекка тармоқларини кўзғайди. Бу кўзғалиш сезувчи нерв орқали марказга, яъни орқа мияга ёки бош мияга етади. Марказда кўзғалиш сезувчи нерв хужайраларидан ҳаракатлантирувчи нерв хужайраларига ўтади. Ҳаракатлантирувчи нерв эса мускулни ҳаракатга келти-

¹ Рефлектор — рефлексларга асосланган.— *Ред.*

— И. П. Павлов. Полное собрание сочинений. III том, биринчи китоб. СССР Фанлар академияси нашриёти. 1951, 105-бет.

² Уша том, 2 китоб, 152-бет.

* Уша том, биринчи китоб, 66, 67-бетлар.

ради (масалан, қўлнинг тортиб олиниши) ёки кўзғалиш секретор нервга ўтади, бу нерв эса безнинг фаолиятини қўзғайди (масалан, сўлак ажралиши),

Рефлексда нерв кўзғалиш ўтадиган йўл рефлекс сийи (дугаси) деб аталади (12-расм).

Рефлекс ёйининг участкаси бор: 1) сезувчи ёки афферент қисми — кўзғалиш перифериядан марказга шу қисм орқали ўтади; 2) марказий қисм — кўзғалиш сезувчи нерв хужайрасидан ҳаракатлантирувчи нерв хужайрасига шу қисм орқали ўтади; 3) ҳаракатлантирувчи ёки эффектор қисм — кўзғалиш марказдан мускулга ёки безга ўтказилади.


Рефлекслар ҳайвон организмнинг ташқи муҳитга мослашувига, муҳит билан алоқада бўлишига ёрдам берадиган асосий физиологик механизмлардир.

Ҳайвон организмлари шартсиз ва шартли рефлекслар ёрдами билан ташқи муҳитга мослашувини, шу муҳит билан алоқада бўлишини И. П. Павлов аниқлаб берган. И. П. Павловнинг буюк хизмати шундаки, у шартли рефлексни кашф этди, бу рефлекснинг шартсиз рефлексдан фарқини аниқлади ва ҳайвон организмнинг ҳаётида шартли рефлексларнинг қандай аҳамияти борлигини кўрсатиб берди.

И. П. Павлов таълимотига кўра, шартсиз рефлекс билан шартли рефлекс ўртасидаги фарқ қуйидагидан иборат.

Шартсиз рефлекслар туғма бўлади. Улар организм ҳаётининг биринчи кунлариданоқ кўрина бошлайди ва табиий равишда давом этаверади, чунки улар организм билан бирга туғиладиган ҳаракатлантирувчи механизмлардир.

Юқорида келтирилган мисоллар — игна санчилганда қўлнинг тортиб олиниши, оғизга овқат солинганда сўлак чиқиши — шартсиз рефлексларга мисолдир,



12- расм. Шартсизрефлекснинг рефлектор ёйи (схема).


1—терм ва сезувчи нервнинг теридagi чекка тармоқлар; 2— мускул; 3— сезувчи нерв; 4— ҳаракатлантирувчи нерв; 5, 6— сезувчи нерв хужайраси Ушмталари билан; 7— ҳаракатлантирувчи нерв хужайраси.

Шартли рефлекслар туғма бўлмай, балки туғилишдан, кейин, турмуш тажрибасида, шартсиз рефлекслар асосида ҳосил бўлади. Масалан, ит ёки бошқа бирон ҳайвон илгари овқат еб юрган идишини кўрганДаёқ сўлаги оқа бошлайди. Бу ерда идиш шартсиз кўзғовчи эмас, балки шартли кўзғовчидир. Ит ўша идишда ёки ндунга ўхшаш идишда овқат еб юргандагина идишни кўриш билан сўлаги оқа бошлайди.

Шартли рефлекслар ҳосил бўлишини академик Павлов методи асосида тажриба қилиб ўрганмоқ учун, кўпинча, итларда сўлак ажратиш рефлекслари **ҳОсил** қилиш йўлидан фойдаландилар. Тажриба қилинадиган итлар дастлаб шундай тайёрланадики, сўлак безларидан биттасининг сўлак чиқиш йўли оғизга очилмай, ташқарига, лунжнинг сиртига очилади. Бу эса чиққан сўлак микдорни махсус асбоблар билан аниқ ўлчашга имкон беради. Шу тарика тайёрлангэн итни тажриба хонасига олиб кирилади (13- расм). Итга овқат берилади (овқат — шартсиз кўзғовчидир). Ит овқатни оғизга олиши билан сўлак чиқади. Бу — шартсиз рефлексдир. Кейинги тажрибада овқат беришдан бевосита олдин, қандайдир бошқа бирон кўзғовчининг таъсири қўшилади, масалан, кўнғироқ чалинади. Бу ҳолда кўнғироқ товуши нейтрал, индифферент кўзғовчидир. Шундай қилиб, итга иккита кўзғовчи, яъни шартсиз кўзғовчи (овқат) ва нейтрал кўзғовчи (кўнғироқ товуши) билан таъсир қилинади. Шартсиз кўзғовчи сўлак чиқишига сабаб бўлади. Иккала кўзғовчи ёрдами билан кетма-кет бир неча бор таъсир қилинади. Шундан кейин итга овқат бермасдан туриб кўнғироқ чалинади. Натижада ит овқат эмаса ҳам кўнғироқ товушига жавобан, худди овқат егандай сўлак чиқаради. Демак, итда шартли рефлекс ҳосил бўлади.

Бу шартли рефлекс бевосита шартсиз рефлекс асосида ҳосил бўлади. Аммо кейинчалик, яхши ўрнашиб қолган шартли рефлекс ёрдами билан, янги шартли рефлекс — иккиламчи шартли рефлекс ҳосил қилмоқ мумкин. Бунинг учун шундай қилинади. Итга овқат бермай, кўнғироқ чалиш олдидан (кўнғироқ сўлак чиқариш учун сигнал бўлиб қолгач), қандайдир янги нейтрал (индифферент) кўзғовчи ёрдамчи билан таъсир қилинади. Масалан, электр ёқилади. Бу ҳар икки кўзғовчи ёрдами билан кетма-кет бир неча бор таъсир қилгандан кейин фақат битта янги кўзғовчининг ўзи билангина таъсир қилинади, яъни электр ёқилади. Энди электр чирокнинг ўзи ҳам сўлак чиқишига сигнал бўлади. Бу—иккиламчи шартли рефлексдир.

Шартли рефлекс пайдо қилмоқ учун шартли кўзғовчи шартсиз кўзғовчидан сал-пал олдинроқ таъсир этиши керак. Агар нейтрал кўзғовчи шартсиз кўзғовчидан бирмунча кечроқ таъсир эта бошласа, шартли рефлекс ҳосил бўлмайди. Масалан, ит овқат ея бошлаб, у овқат еб турган пайтда кўнғироқ ча-



13- расм. Сўлак ажратиш шартли рефлексни ўрганиладиган камера (қона). Электр ёқилган (шартли кўзғовчи); ядишда овқат аўйилган (шартсиз кўзғовчи). Бошқа кўзғовчилар — иккита метроном, иккита кўнғироқ; терига «тегилган» кўзғовчи кўриниб турибди. Тажриба қилалётган кишининг оёғи да — сўлак ажратилшини қўйд қилувчи асбоб ўрнатилган тахта турибди.

линса, кўнғироқ товушига жавобан шартли рефлекс вужудга келмайди.

Шартли кўзғовчи сўлак ажралишини бевосита кўзгамайди, балки кўзғовчи ҳақида фақат сигнал беради; юқорида келтирилган мисолларда кўнғироқ билан электр чирок овқат ҳақида сигнал беради.

Шартсиз рефлексларнинг ёйлари орқа мияда ва бош миянинг ствол қисмида бирлашади.

Бу, масалан, қуйидаги тажриба билан исбот бўлади. Эндигина боши олиб ташланган бақанинг оёғи чимчиланса, оёғини тортиб олади. Агар кислота билан ҳўлланган бир парча пахта олиб, шу бақанинг орқасига қўйилса, бақа оёғи билан орқасини қашийди. Агар шу бақанинг орқа миясига игна тикиб зарар етказилса, бу ҳаракатларнинг ҳаммаси тўхтайтиди, Демак, орқа мия шартсиз рефлекслар марказидир. Мия стволи ва мияча — шартсиз рефлексларнинг марказлари эканлиги ҳам шунга ўхшаш тажрибалар билан исбот этилган.

Такомилининг юқори даражасига чиққан ҳайвонларда шартли рефлекслар бош мия пўстида ҳосил бўлади.

Бу ҳам академик Павловнинг экспериментал текширишлари билан исбот этилган. Бу тажрибалар қуйидагича қилинган. Итда, масалан, кўнғироқ товушига жавобан мустаҳкам шартли рефлекс ҳосил қилинади. Шундан кейин, итнинг бош мия пўсти операция қилиб олиб ташланади. Ит тузалгандан кейин, яна тажриба хонасига олиб кирилади. Шартли кўзғовчи ёрдами билан итга таъсир қилинади: кўнғироқ чалинади. Аммо бу кўнғироқ товушига жавобан итда сўлак ажралмайди. Итга овқат (шартсиз кўзғовчи) берилди, натижада сўлак чиқади. Шартли рефлекс итнинг касаллик ва уни даволаш даврида йўқолиши мумкин деб фараз қилинади. Шу сабабли яна ўша шартли кўзғовчи — кўнғироқ товуши ёрдами билан шартли рефлекс вужудга келтирила бошлайди. Аммо овқат бермасдан туриб кўнғироқ чалишнинг ўзига жавобан сўлак чиқмайди. Бош мия пўсти бўлмаса, шартли рефлекслар йўқолиб кетиши, янги рефлекслар эса вужудга келмаслиги шундай тажрибаларда кўрсатиб берилди.

Бош мия пўстидан маҳрум қилинган каптар, ит, маймун каби ҳайвонлар хулқ-атворининг бузилиши шу билан изоҳланади (44-бетга қаралсин).

Бош мия пўсти шартли рефлекслар маркази эканлиги шу тарика исбот этилди.

Такомилининг юқори даражасига чиққан ҳайвонларнинг бош мия пўстида миянинг айрим хужайралари ва айрим марказлари ўртасида янги боғланишлар ҳосил бўлиши мумкин. Шартли рефлекснинг ёйи шартсиз рефлекснинг ёйига қараганда мураккаброк бўлар экан. Шу билан бирга, шартли рефлексларнинг ёйи албатта бош мия пўстидан ўтади,

Шартсиз рефлекслар билан шартли рефлекслар ўртасидаги фарқ яна шундаки, шартсиз рефлекслар доимий бўлади, шартли рефлекслар эса сусайиши ёки сўниши мумкин. Оғизга олинган овқат ҳамиша сўлак ажралишига сабаб бўлади. Аммо кўнғироқ товушига жавобан сўлак ажралиши доимий бир нарса бўлмай, вақтинча бир нарсадир. Кўнғироқ чалиш (шартли кўзғовчи) бир неча марта такрорлангандан кейин айни вақтда овқат (шартсиз кўзғовчи) берилмаса, сўлак ажралиши камаяди, сусаяди ва, ниҳоят, бутунлай тўхтайтиди. Кўнғироқ товуши яна сўлак ажралишига сабаб бўлиши учун шартли кўзғовчини шартсиз кўзғовчи билан муштаҳкамлаш керак.

Шартсиз ва шартли рефлекслар организм ҳаётидаги турли аҳамияти билан ҳам фарқ қилади. Организм шартсиз рефлекслар ёрдамида те.варак-атрофдаги муҳит билан доимо боғланиб туради. Шартли - рефлексларда эса ўзгариб турувчи муҳит билан янги, муваққат боғланишлар вужудга келади. - - -

Ҳайвон организми атрофидаги муҳит ҳеч вақт ўзгармасдан доимо бир хилда турганда эди, ҳайвон организмлари муҳит билан фақат шартсиз рефлекслар ёрдамида боғлана олар эди. Аммо организм яшайдиган ташқи муҳитнинг доимо ўзгариб туриши маълум, шу сабабли ҳайвонларнинг сакланиб қолиши учун шартсиз рефлексларнинг ўзи камлик қилади, демак, уларга янги боғланишлар, шартли рефлекслар қўшилиши керак, Шунинг учун ҳам ташқи муҳит тез ўзгарганда қуйи даражадаги ҳайвонлар, шунингдек, ҳашаротлар нобуд бўлади, чунки уларда шартли рефлекслар кам ва бунинг устига жуда секинлик билан ҳосил бўлади. Юқори даражадаги ҳайвонларда эса жуда кўп шартли рефлекслар тез ҳосил бўлади, шунинг учун бундай ҳайвонлар те.варак-атрофдаги муҳитда тез-тез бўлиб турадиган ўзгаришларга хийла осонроқ мослашади.

Шартли рефлекслар ҳосил бўлганлиги туфайли, шартсиз рефлекслар ҳали шартсиз кўзғовчилар юз бермасдан анча олдин воқе бўлаверади, ҳатто бу шартсиз кўзғовчилар узоқ жойда юз берган ҳолларда ҳам воқе бўлаверади; шартли кўзғовчи ҳайвон ҳаёти учун муҳим бўлган бирон бир ҳодиса ҳақида, масалан, овқат борлиги, хавф-хатар туғилганлиги ҳақида сигнал беради.

Шунинг учун-ҳам И. П. Павлов бош мия пўстининг фаолиятига сигнал фаолияти деб ном берган эди.

Шартли рефлекслар ҳайвонларда малака ва одатлар вужудга келишининг нерв.физиологик асосидир.

И. П. Павлов миянинг катта ярим шарлар пўсти шартли рефлексларнинг маркази эканлигини кашф этгандан кейин юксак нерв фаолияти қонуниятларини мукамалроқ текшириш учун шу шартли рефлекслар методидан фойдаланди.

2. Бош мия пўстининг анализ ва синтез қилиш фаолияти

И. П. Павлов шартли рефлекслар методидан фойдаланиб, миядаги катта ярим шарлар пўстининг фаолияти ташки мухитдан, шунингдек, организмнинг ичидан нерв системасига таъсир қиладиган жуда кўп қўзғовчиларни анализ ва синтез қилишдан иборат эканлигини аниқлади.

Бош мия пўстининг анализ қилиш фаолияти «мураккаб мухитнинг» организмга фойдали ёки зарарли таъсир этадиган «айрим элементларини» ажратишдан иборат.

Бош мия пўстининг синтез қилиш фаолияти ташки мухитнинг ана шу айрим элементларини муайян бир комплексларга бирлаштиришдан иборат. «Синтез — нерв тутатиш ходисаси бўлса керак» дейди И. П. Павлов.

Катта ярим шарлар пўстининг синтез қилиш фаолияти туфайли шартли рефлекслар вужудга келиши, яъни бош мия пўстининг турли қисмлари ўзаро боғланиши мумкин. Масалан, овқатни кўриш билан сўлак ажралиш шартли рефлекс кўрув анализатори билан таъм билиш анализаторининг мия пўстидаги қисмлари ўзаро боғлангандагина вужудга келиши мумкин.

Анализ ва синтез И. П. Павлов анализаторлар деб атаган махсус нерв механизмлари ёрдами билан воқе бўлади. Павлов таълимотига кўра, анализатор — нерв-физиологик аппарат бўлиб, сезувчи нервнинг перифериядаги чекка тармоқлари (рецептор), нервнинг ўзи (ўтказувчи йўл) ва мия пўстининг муайян қўзғалишини қабул қиладиган қисмидан иборат.

Хар бир анализаторнинг перифериядаги чекка тармоқлари тегишли сезги органларида — кўрув органида (кўз), эшитув органида (қулоқ), хид билиш органида (бурун-халқум) ва бошқа органларда бўлади.

Анализатор — аввало сезги ва идрокларимизнинг нерв-физиологик аппаратидир.

Анализатор қуйидагича ишлайди: анализаторнинг чекка тармоқлари (рецептор) тегишли қўзғалишларни сезиб, қайтадан ишлаб, махсус нерв қўзғалишига айлантиради. Масалан, кўрув рецепторитабиатдан ё ёруғлик тебранишларини, эшитув рецептори эса ҳаво тебранишларини ажратиб олади.

Анализаторнинг иккинчи бўлими қўзғалишни перифериядаги (чекка) тармоқлардан бош мия пўстига ўтказиши.

Бош мия пўстида жуда нозик, юксак даражадаги анализ процесси рўй беради. Қўзғалишлар бошқа қўзғалишлар билан ҳам шу ерда боғланади. «Марказий нерв системасининг шу юксак даражадаги қисмида,—дейди И. П. Павлов,—жуда нозик ва чексиз хилма-хил анализаторларнинг чекка тармоқларини кўрамиз, шу билан бирга, ташқи оламнинг анализаторлар томонидан ажратиладиган энг майда элементлари

организм билан доимо янгича боғланиб, шартли рефлекслар ҳосил қилади...»¹.

Шу тариқа, И. П. Павлов таълимотига мувофиқ, бош мия ётада ярим шарлари анализаторлар йиғиндисидан иборат, бу анализаторлар эса доим ташқи таъсирларни таркибий қисмларига ажратади ва уларни организмнинг бирор фаолияти билан боғлайди.

Қўзғовчиларнинг анализ ва синтез қилиниши — бош мия пўстидаги ягона анализ-синтез қилиш фаолиятининг ўзаро боғланган икки томонидир. Бош мия пўстининг бу фаолияти кдрок, хотира, хаёл, тафаккур ва шу кабиларнинг асосий механизмидир.

И. П. Павлов бош мия пўстининг анализ ва синтез қилиш фаолиятининг организмнинг теварак-атрофдаги мухит билан нақадар кенг ва чуқур мослашузи ҳамда мувозанатлашувини белгилаб беради, деб хамиша уқтиради.

Анализ ва синтез юксак нерв фаолияти хақидаги И. П. Павлов таълимотининг асосий принципларидан биридир.

3. Юксак нерв фаолиятининг асосий қонуниятлари

Юксак нерв фаолиятининг асосий процесслари қўзғалиш ва тормозланишидир. Бу процесслар бетартиб (хаотик равишда) рўй бермай, маълум сабаблар билан юзага чиқади, юксак нерв фаолиятининг муайян қонунларига бўйсунди*.

ҚУЗҒАЛИШ

Бош мия пўстида қўзғалиш бўлгандагина шартли рефлекслар ҳосил бўлади.

Юқорида айтилганидек, шартли рефлекс бирданига ҳосил бўлмайди, балки шартли қўзғовчининг шартсиз қўзғовчилар билан бир неча марта бирга такрорланиши натижасида ҳосил бўлади. Лекин бунда, шартсиз қўзғовчи билан шартлиқўзғовчининг биргаликдаги таъсиридан ҳосил бўлган нерв қўзғалиши дарсв мия пўстининг қандайдир бирон марказига жойлашмай, балки катта ярим шарларга иррадиацияланади, яъни тарқалади, ёйилади.

Чунончи, итда муайян баландликдаги товушга, масалан, де товушига (яъни 1024 тебранишда) шартли рефлекс ҳосил қилина бошлаганда, дастлаб бу товушнинг ўзигина эмас, балки хар қандай баландликдаги товуш ҳам итнинг оғзидан сў-

¹ И. П. Павлов, Полное собрание сочинений, III том, 1- китоб 281- бет.

ТОРМОЗЛАНИШ

лак чиқараверади. Демак, бу ерда шартли кўзғовчига жавобан фақат эшитув марказининг бирон муайян нуқтасида боғланиш ҳосил бўлибгина қолмайди: бу ерда миянинг шу қисмидан ташқаридаги ярим шарлар соҳасида ҳам боғланишлар ҳосил бўлади. Кўзғалишнинг тарқалиши (иррадиацияси) шартли рефлексларнинг умумийлашуви Га (генерализациясига) олиб келади. И. П. Павлов таълимотига кўра, ёйилиш (иррадиация) процесси, анни шуни кўрсатадики, айрим функцияларнинг марказлари мия пўстининг муайян қисмларига тўпланган эмас, бу марказлар бир-биридан аниқ чегара билан ажралган эмас.

Агар до товушига жавобан шартли рефлекс ҳосил қилишқи давом эттириб, бунда шу товуш шартсиз кўзғовчи билан мустаҳкамланса, бошқа товушлар эса шартсиз кўзғовчи билан мустаҳкамланмаса, у ҳолда фақат до товушига жавобан сўлак чиқадиган бўлиб қолади. Демак, кўзғалиш бош мия пўстининг муайян қисмида тўиланиб қолади. Кўзғалиш мия пўстида бир жойга концентрацияланади, яъни тўпланари. Демак, кўзғалиш тўпланиши билан бирга шартли рефлекс дифференциацияси воқе бўлади, бунда шартли рефлекс реакцияси фақат айни шу кўзғовчигагина — юқорида келтирилган мисолда эса фақат до товушигагина жавобан иайдо бўлади, холос. Академик Павловнинг тажрибаларидан маълумки, шартсиз кўзғовчи билан мустаҳкамланмайдиган товуш таъсиротлари ҳатто тоннинг $\frac{1}{10}$, $\frac{1}{100}$ ва $\frac{1}{1000}$ бўлагича юқори ёки паст бўлса, рефлекс пайдо бўлмайди. Шартли рефлекснинг шундай дифференциациясини ҳосил қилиш мумкинки, бунда ит доирага жавобан реакция кўрсатади-ю, эллипсга жавобан реакция кўрсатмайди. Яна мисол келтириш мумкин. Метроном минутага юз марта тебранганда шартли кўзғовчи бўлиб қолади. Агар шу кўзғовчи старлича такрорланса, метроном ҳатто минутага 104 ёки 96 марта тебранганда сўлак ажрата олмайди-ган бўлиб қолиши мумкин. Агар буни вақт ҳисобига айлантисилса, кўзғовчилар — метрономнинг тебранишлари — ўртасидаги фарқ $\frac{1}{100}$ секундга барабар бўлади.

Шартли рефлексда шундай дифференциацияни вужудга келтириш мумкинки, итлар доирага реакция кўрсатади (бирор қилик кўрсатади), эллипсга эса реакция кўрсатмайди (парво ҳам қилмайди).

Нерв процессларининг иррадиацияси ва концентрацияси шартли кўзғовчининг такрорланиш сонига боғлиқ бўлишдан ташқари, яна кўзғовчининг кучига ҳам боғлиқ. Сезги, идрок ва тасавурларнинг баъзи бирларини аввал бошда ноаниқ ва мужмал бўлиши каби ходисаларнинг сабаби кўзғалишнинг иррадиациясидир. Кўзғалишнинг концентрацияси сезги, идрок ва тасавурларимизни аниқ ва равшан қиладиган механизмдир,

Тормозланиш — кўзғалиш процессининг акси бўлган процессдир, Тормозланиш процесслари ҳам кўзғалиш процесслари сингари, иррадиация ва концентрация қонунларига бўйсунари. Бунинг маъноси шуки, тормозланиш процесси ярим шарларнинг бир неча қисмига ва ҳатто бутун мия пўстига ёйилиши ёки бош мия пўстининг қандайдир бирон тагина қисмига тўпланиши (концентрацияланиши) мумкин,

И. П. Павлов тормозланиш процессини шартсиз ва шартли тормозланиш деб иккига ажратади.

Шартсиз тормозланиш бош мия пўстидагина бўлиб қолмай, балки нерв системасининг қуйи бўлимларида ҳам бўлади.

Шартсиз тормозланиш ташқи тормозланиш ва чегарадан ташқари тормозланиш деган процесслар шаклида рўй беради,

Шартли рефлекс биронта кучли бегона кўзғовчининг таъсири остида сусайса ёки йўқолиб кетса, буни ташқи тормозланиш дейлади. Масалан, кўнғироқ чалиниши билан итнинг оғзидан сўлак оқади, агар шу вақтда ялт этиб электр ёқилса, итнинг оғзидан сўлак оқмай қўяди. Ит электр ёниб турган томонга қарайди. Демак, бу ҳол шартли рефлекснинг тормозланганлигини кўрсатади.

Шартли кўзғовчи ҳаддан ташқари (максимал даражада) кучли таъсир этганда воқе бўладиган тормозланишни чегарадан ташқари тормозланиш дейлади. Масалан, итда товушга жавобан сўлак ажралиш шартли рефлекс пайдо қилинган дейлик; агар товуш кучи ҳаддан ташқари оширилса, сўлак чиқиши камаяди ва вақтинча тўхтаб ҳам қолади.

Бу ҳол тормозланиш процесси кўзғалиш процессига ҳаддан ташқари зўр келиши муносабати билан рўй беради ва бош мия пўстининг хужайраларини емирилишдан сақлайди.

Шартли тормозланиш ички тормозланиш деб ҳам аталади. Бу тормозланиш муайян шароитда ҳосил бўлади, намоен бўлади ва йўқолади, бундай тормозланиш фақат бош мия пўстига хос процессдир.

И. П. Павлов шартли тормозланишнинг биология жиҳатидан жуда катта аҳамияти борлигини таъкидлайди. Бу тормозланиш «организмнинг теварак-атрофдаги шароитга юқори даражада мосланиши ёки бошқача айтганда, организмнинг ташқи муҳит билан жуда нозик ва аниқ мувозанатланиши»¹ демақдир.

Шартли тормозланиш турларидан бири сўндирувчи тормозланишдир. Шартли кўзғовчи шартсиз кўзғовчи билан «мустаҳкамланмасдан» кўп марта такрорланганда шу ҳилда-

И. П. Павлов, Полное собрание сочинений, IV том, 113- бет..

ги тормозланиш ҳосил бўлади. Масалан, шартли кўзғовчи — кўнғирок товуши таъсири билан итнинг оғзидан сўлак оқади, агар шартли кўзғовчи шартсиз кўзғовчи (овқат бериш) билан мустаҳкамланмасдан туриб, бир неча марта такрорланган тақдирда, сўлак эжрелиши камая бошлайди ва сўнгра бутунлай тўхтайди. Аммо бу хил тормозланиш шартли рефлекснинг йўқолиши деган гап эмас: сўнган рефлекс бир неча вақтдан кейин ҳеч қандай қўшимча кўзғовчилар бўлмаганда ҳам тикланиши мумкин; шартсиз кўзғовчи билан мустаҳкамланган тўққирда шартли рефлекс жуда осонлик билан тикланади, Сўндирувчи тормозланиш ниҳоятда муҳим механизм бўлиб, кераги бўлмаган боғланишларни йўқотишга ва шу тариққ организм билан муҳит ўртасидаги боғланишларни ўзгартиришга, қайта қуришга чексиз имкон беради.

Шартли тормозланишнинг иккинчи тури дифференциалловчи тормозланишдир. Муваққат, шартли боғланиш ойдинлашганда, ихтисослашганда шу хил тормозланиш воқе бўлади.

Юқорида кўрсатиб ўтилганидек, шартли рефлекс ҳосил бўла бошлаган вақтда организм шартли кўзғовчигагина реакция кўрсатиб қолмай, балки шу шартли кўзғовчига яқин (ўхшаш) бошқа кўзғовчиларга ҳам реакция кўрсатади. Шартли кўзғовчига яқин (ўхшаш) кўзғовчилар мустаҳкамланмаса, рефлекс кўзғалмай қўяди. Бу ҳолда боғланиш тормозланади, фақат битта шартли кўзғовчи сўнади, доимо мустаҳкамланган кўзғовчи эса жавоб реакциясини кўзғайди. Мустаҳкамланмагани ўхшаш (яқин) кўзғовчи билан пайдо қилинган рефлексларнинг шундай тормозланиши натижасида битта муайян шартли кўзғовчига тегишли аниқ боғланиш ҳосил бўлади.

Дифференциалловчи тормозланиш — ташқи кўзғовчиларни ҳаят аниқ фарқ қилиш механизми. Бу тормозланиш организмнинг кўзғовчиларга, ўз ҳаёт шароитига жуда аниқ мосланишини таъминлайди.

Тормозланишнинг бир тури уйқудир. И. П. Павлов Таълиқ мотиға кўра, уйқу бош мия пўстига ёйиладиган (иррадицияланган) ички тормозланишдир. «Биз ички тормозланиш деб атайдиган процесс ва уйқу — бир процесдир»¹.

Агар уйқу вақтида бош мия пўстининг айрим қисмларидаги тормозланиш процесси сусайиб, маълум даражада кўзғалиш процесси юз берса, одам туш кўради.

Бош мия пўстининг қисман кўзғалиши натижасида ҳам бутун пўст тормозланиши (уйқу босиши) мумкин. Масалан, кучсиз ёки ўртача кучли қандайдир кўзғовчи узоқ вақт бир текис таъсир этиб турса (масалан, метрономнинг тебрани-

ши), бу кўзғовчи таъсирида тегишли марказда тормозланиш процесси воқе бўлади. Бундай жузъий тормозланиш бутун пўстга тарқалиши мумкин. Шунинг учун ҳам, масалан, ҳадеб бир мақомда гапириш уйқумизни келтиради. И. П. Павловнинг фикрича, гипноз физиологик жихатдан шу қонуниятга асосланган бўлиб, гипноз вақтида бош мия пўстининг каттарок қисми тормозланади-ю, айрим қисмлари кўзғалган ҳолда қолаверади.

УЗАРО ИНДУКЦИЯ

Кўзғалиш ва тормозланиш процессларий доимо бир-бирига тэъсир этиб туради. Бу икки процесс бир-бирига боғлиқ бўлади, яъни кўзғалиш процесси тормозланиш процессини пайдо қилади, тормозланиш процесси эса кўзғалиш процессини пайдо қилади. Кўзғалиш ва Тормозланиш процессларининг шу тэриқа ўзаро таъсир этишини И. П. Павлов ўзаро индукция қонуни деб атаган эди.

Индукция бир йўла вэ кетма-кет бўлиши мумкин. Бир йўла индукция мусбат ва манфий бўлади. Бош мия пўстининг бирон қисмидаги тормозланиш бошқа қисмларида кўзғалиш пайдо қилса, бундай индукцияни мусбат индукция дейилади. Бош мия пўстининг бирон қисмидаги кўзғалиш процесси кўшни қисмларда тормозланиш процесси пайдо қилса, бундай индукцияни манфий индукция дейилади.

Бош мия пўстининг бирон қисмидаги кўзғалиш процесси бир неча вақтдан кейин тормозланиш процессига айланса, ва аксинча, тормозланиш процесси кўзғалиш процессига айланса, бундэй индукцияни кетма-кет индукция дейилади. Масалан, одамнинг уйғоқлик ҳолатига хос бўлган узоқ кўзғалиш процесси натижэсида бош миянинг бутун пўсти тормозланади, катижада киши ухлаб қолади.

Бош мия пўстининг турли қисмлари бир хилда кўзғалмайди: бош мия пўстида кўзғалиш пайдо бўлганда ҳамиша оптимал кўзғалиш ўчоғи ёкиқисми бўлади. Бу ерда муваққат боғланиш (шартли рефлекслар) тезроқ ва мустаҳкамроқ ҳосил бўлади. Оптимал кўзғалувчанлик ўчоғининг ҳосил бўлиши — диккатнинг физиологик асосидир.

Бош мия пўстининг айрим қисмлари бир хилдэ тормозланмаслиги хэм мумкин. Шунинг учун хэм И. П. Павлов «...айрим шэрлар пўстининг оптимэл кўзғалувчанликка-эга бўлган қисмларидэгина эмас, балки уларнинг озми-кўпми тормозланган қисмларидэ хэм янги боғланиш ҳосил бўлишимумкин»¹, деб ҳисоблайди. Павловнинг фикричэ, бизда, масалэн, ХОсил бўлгэндан кейингиз билиб олинандиган баъзи бир одатларнинг пэйдэ бўлишигз сэбэб шудир.

¹ И. П. Павлов, Полное собрание сочинений, IV том, 264-бет,

¹ И. П. Павлов, Полное собрание сочинений, IV том, 413-бет.

Бош мия пўстининг фаолиятидаги системалилик ва динамик стереотип

И. П. Павлов бош мия катта ярм шарлари пўстини турли физиологик роль ўйнайдиган айрим нерв нукталарининг сон-саноксиз тўпламидан тузилган жуда мураккаб «мозаика» деб ҳисоблаш билан бирга, шу турли нукталарининг фаолиятини бирлаштириш процесслари доимо воқе бўлиб турадиган муайян система ҳам деб билди.

Муайян вақт давомида ва муайян тартибда такрорлана* диган кўзғовчиларнинг таъсири билан бош мия нўстида муайян (кўзғовчиларга мос келадиган) кўзғалиш ва тормозланиш процесслари тобора мустақкамланиб қолади. Бу мустақкамланиш шундан иборатки, кейин бир хилда такрорланадиган ҳамма процесслар жуда осонлик билан воқе бўлади, уларнинг воқе бўлиши учун «тобора камроқ нерв мехнати» керак бўлади. Нерв процессларининг И. П. Павлов динамик стереотип деб ном берган бирмунча турғун системаси шу тарика таркиб топади. Шу тарика таркиб топган бундай система ўз навбатида янги кўзғовчилар таъсири билан воқе бўладиган процессларнинг характерига (тезлигига, турғунлигига) таъсир этади.

Бундан англашиладики, хайвоннинг ҳар бир реакцияси шу пайтда қайси кўзғовчининг таъсир этиши билангина белгиланиб қолмай, балки бош мия пўстида қандай боғланиш системаси таркиб топганлиги, қандай динамик стереотип борлиги билан ҳам белгиланади. Мустақкам таркиб топган динамик стереотип айрим кўзғовчи пайдо бўлганда бутун бошли реакциялар системасининг такрорланишига имкон беради.

Динамик стереотип *— организмнинг такрорланиб турадиган бир хил ташқи таъсирларга мосланиши демакдир. Агар шароит ўзгарса, агар мавжуд динамик стереотипга мос келмайдиган янги кўзғовчилар пайдо бўлса, бу стереотип ўзгаради, қайта қурилади.

Бу қайта қурилиш кўпинча нерв системасининг ишини қийинлаштиради. Мустақкам таркиб топган стереотип И. П. Павловнинг сўзлари билан айтганда, «қаттиқ ўрнашиб қолган, кўпинча қийинчилик билан ўзгарадиган, янги шароит, янги кўзғовчилар аранг енга оладиган бўлиб қолади»¹. Нерв процессларининг системалилиги ҳақидаги И. П. Павлов таълимоти хайвонларнинг ҳулқ-атворида ўтмиш тажрибасининг таъсир этиш механизмларини очиб беради. Жуда мустақкам ўрнашиб қолган одат ва малакалар стереотипларга асосланади.

¹ И. П. Павлов Полное собрание сочинений, III том, 2- китоб, 333 бет.

4. Одамнинг юксак нерв фаолиятининг хусусиятлари

Юксак нерв фаолиятининг юқорда баён этилган қонуниятларини И. П. Павлов хайвонлар устидаги тажрибаларида очиб берди. Павлов таълимотига кўра, одамнинг юксак нерв фаолияти ҳам ўша қонуниятларга бўйсунди.

«Катта ярим шарларга жо бўлган юксак нерв фаолиятининг энг умумий асослари тараққиётнинг юқори даражасига чиққан хайвонларда, шунингдек, одамларда бир хил эканлигига шубҳа қилмас бўлади, шунинг учун ҳам бу фаолиятнинг элементар ходисалари тараққиёси юқори даражага чиққан хайвонларда ҳам, одамларда ҳам бир хил бўлиши керак»¹.

Аммо такомил топиб борган хайвонлар оламида одам пайдо бўлиши билан,— дейди И. П. Павлов,— нерв фаолияти механизмларида бунга қадар бўлмаган янги, ғояг муҳим кўшимча содир бўлди. Одамда янги шартли кўзғовчи[^]— сўз, нутқ пайдо бўлди, хайвонларда эса бундай кўзғовчи йўқ.

Одам сўзлашни билганлигидан ундаги юксак нерв фаолияти асосий қонуниятларининг кўринишлари хайвонлардаги юксак нерв фаолиятдан сифат жиҳатидан тубдан фарқ қилади.

«Одам билан хайвонга таъсир қиладиган ҳамма умумий реал шартли кўзғовчилар сингари, сўз ҳам одам учун шартли реал кўзғовчидир, аммо, шу билан бирга, сўз ҳамма бошқа кўзғовчиларга нисбатан шунчалик кенг имкониятга эгаки, бу томондан хайвонларга хос бўлган шартли кўзғовчилар билан уни на миқдор, на сифат жиҳатидан сира таққослаб бўлмайди. Сўз улғайган одамнинг ўтган бутун умри ичида катта мқя ярим шарларига таъсир қилиб турган барча ташқи ва ички кўзғовчилар билан боғланган бўлади, буларнинг ҳаммасидан сигнал беради, ҳаммасининг ўрнини босади ва 1цу сабабдан сўз организмнинг ҳалиги кўзғовчилар таъсири онлан белгиланадиган барча ҳаракатларини, реакцияларини юзага ч - ра олади»². Хайвонга воқеликдан дарак берувчи сигналлар фақат кўриш, эшитиш ва организмнинг бошқа рецепторларининг махсус ҳужайраларига бевосита борадиган таъсирлар за буларнинг катта мия шарида қоладиган изларидан иборат десак бўлади. И. П. Павлов таълимотига кўра, «бу воқеликдан сигнал берувчи биринчи сигнал системаси бўлиб, бу система бизда ҳам, хайвонларда ҳам бор»³. Аммо сўзлар,— дейди Павлов,— воқеликнинг одамга хос бўлган иккинчи, махсус сигнал системасини ташкил этади. Сўз бевосита иарса ва ходисалардан олинган сигналларнинг ўрнини босади, шунинг

¹ И. П. Павлов, Полное собрание сочинений, IV том, 415 бет.

² Уша асар, IV том, 428—429- бетлар.

³ Уша асар, III том, 2- китоб, 335^—336- бетлар.

учун ҳам, Павлов уни (сўзни) сигналларнинг сигнали деб атади.

Хар қандай сўз,— эшитилган, ўқилган, баланд овоз билан ёкиичида айтилган сўз одамнинг тажрибаси билан боғланган бўлиб, хилма-хил биринчи сигналлар ҳақида сигнал беради.

Шундай қилиб, одамнинг катта ярим шарлар пўстида биринчи сигнал системасидан ташқари, иккинчи сигнал системаси ҳам бор, иккинчи сигнал системаси одамнинг юксак нерв фаолиятини хайвонларнинг юксак нерв фаолиятдан ажратадиган, сифат жиҳатдан янги системадир.

Иккинчи сўз системаси меҳнат процесиде, кишиларнинг тарихий тараққиёти процесиде келиб чиққан, шу билан бирга, у одамнинг ижтимоий ҳаётининг зарур шартидир: «Худди сўз,— дейди Павлов,— бизни одамга айланттирган»¹,

Одам билан муҳит ўртасидаги мураккаб муносабатларнинг ҳаммаси иккинчи сигнал системаси орқали воқе бўлади. Иккинчи сигнал системаси «одамга жо бўлган муносабатларда энг доимий ва қадимги регулятор» бўлиб қолди.

Аммо иккинчи сигнал системаси биринчи сигнал системасидан ажралган ҳолда воқе бўлмайди, балки у билан маҳкам боғланган ҳолда воқе бўлади.

Иккинчи сигнал системасининг механизмлари тафаккур ва бутуннинг физиологик асосидир. Иккинчи сигнал системаси биринчи сигнал системаси билан узаро таъсир этар экан, тафаккур фаолияти кузатиш, логик хотира, ҳис ва ирода билан чамбарчас боғланган функцияларнинг ҳам физиологик асосидир,

5. Физиологик методларнинг психология учун аҳамияти


Психик ҳаёт ҳодисаларини ўрганишда бир қанча физиологик методларнинг аҳамияти борлиги олий нерв фаолияти физиологияси, психологиясида тўтган ўрни билан белгиланган.

Масалан, И. П. Павлов ишлаб чиққан шартли рефлекслар методи олий нерв фаолияти қурбларини ўрганиш учунгина эмас, балки психик ҳодисаларни тажрибада ўрганишда, жумладан, психик процесларнинг нерв-физиологик механизмларини ўрганишда, психикнинг айрим функциялари тараққиётини ва шахннинг баъзи бир индивидуал хусусиятларини ўрганишда ҳам ғоят самарали метод бўлиб чиқди. Масалан, шартли рефлекслар методини татбиқ этиш йўли билан гўдакболаларнинг рағбат, товуш, қуйни қандай ажратиши текширилади. Бу метод ҳозирги вақтда болаларнинг камолга етишини ўрганишда (профессор Н. И. Красногорскийнинг ишлари);

¹ И. П. Павлов, Полное собрание сочинений, III том, 2-китоб, 336-бет.

иккинчи ва биринчи сигнал системаларининг бирга ишлаши текширишда (профессор А. Г. Иванов-Смоленский ва ҳамкорларининг иши), мактаб ўқувчиларининг индивидуал хусусиятларини ўрганишда (профессор Б. М. Тепловнинг иши) қўлланилмоқда.

Физиологияда ва медицина тадқиқотларида кенг қўлланиладиган электроэнцефалография ва электроэнцефалоскопия методлари психик процесларнинг физиологик асосларини ўрганиш мақсадида ҳам татбиқ этилади. Бу методнинг моҳияти шундан иборат,



14- расм. Одам бош миясининг пўстидаги электр тоқларки (харакат тоқларини) кўрсатувчи ёзув — электроэнцефалограмка:

а—одам ухламаган вақтда бош мия пўстидаги харакат тоқлари; б—одам мудраб турган вақтда бош мия пўстидаги харакат тоқлари; в—одам қаттиқ ухй. б ёғанда бош мия пўстидаги харакат тоқлари; г —одам ақлий иш билан шуғуллаганда б ёғанда пўстидаги харакат тоқлари.

Юқорида айтилганидек, бош мия пўстининг актив ҳолати биотоклар деган биоэлектр Ҳодисаларининг вужудга келиши туфайли содир бўлади. Мия ишлаб турганда бу тоқлар мия пўстининг қўзғалмаган қисмидан бирон қўзғовчининг таъсири билан қўзғалган қисмларига маълум куч ва тезлик билан харакатланиб боради. Ана шу тоқларнинг харакатини ва тебранишларини осциллограф деган махсус асбобда ёзиб олиш мумкин, ана шу ёзув электроэнцефалограмма (ЭЭГ) деб аталади. Электроэнцефалограммалардан бири 14- расмда мисол қилиб келтирилган.

Идрок қилиш,— эсда сақлаб қолиш, эсга тушириш тафаккур (фикрлаш) ва бошқа шу каби процесларда нерв-физиологик ҳодисаларнинг вужудга келишини электроэнцефало-р'фия методи билан ўрганиш мумкин. Бу метод бирон психик фаолиятда бош мия пўстида вужудга келадиган қўзғалиш ва

тормозланиш грессларини қайд қилиш ва уларнинг кучи аниқлаш имконини беради.

Сўнги вақтда, электрон методларни қўлланиш, айниқса электрон микроскопдан фойдаланиш туфайли, юксак нерв фаолятини ўрганишда катта ютуқларга эришилди. Масалан, кужайралар ўртасида алоқа контактлари, яъни хужайраларнинг бир-бирига боғлайдиган синапсларнинг турлича тузилганлиги ва турлича функцияларни ўташи аниқланди. Бу синапслар турли хужайралар доирасида тафовут қилиш билангина қолмай, балки бир хужайра доирасида ҳам турли шаклда бўлиши мумкин.

Айрим хужайралар ншида рефлектор акт муносабати билан рўй берадиган энг нозик процессларни энг янги электрон методлар ёрдами билан ипидан-игнасиғача очиб бериш мумкин бўлди. Электроника нерв хужайраларидаги жуда арзи мас электр тоқларини неча миллион марта лаб кучайтиришга имкон беради. Боя айтганимиздек, бу тоқларни электроэнцефалографда ёзиб олиш ва мия мураккаб вазифани ўтаган пайтда унда рўй берадиган ҳамма процессларни шу йўл билан тузатиш мумкин.

Академик П. К. Анохин хозирги замонда юксак нерв фаоляти физиологиясида эришилган жуда катта муваффақиятларни қайд қилиб шундай деб ёзган эди: «Хозирги вақтда миядаги 14 миллиард хужайранинг ҳаммасини ҳам тадқиқотчи бемалол текшира олади ва унинг фаоляти механизларини «ниқлай олади».

Бош мия пўстининг фаолятида, қўзғалиш ва тормозланнш процессларида ретикуляр формация катта роль ўйнаши энг янги техника ёрдами билан аниқланган.

Бош миянинг марказий бўлимларидаги, яъни мия дастаси, ёки ми.1 с^зс^ли деб аталадиган бўлакдаги нерв хужайраларн тў.лами *ретикуляр формация* деб аталади. Ретикуляр формациянинг нерв Хужайраларида кўпдан-кўп ўсиқлар бор, улар калин нерв тўрини ҳосил қилади («ретикуляр» деган ном ҳам шундан олинган, бу сўз латинча бўлиб, тўрсимон деган маъбони билдиради).

Ҳар хил қўзғовчидан (ёруғлик, товуш, босим, иссиқлик ва шунга ўхшашлардан) бош мияга сигнал ўтказувчи иериферяк сезги нервларнинг ҳаммасидан ён нерв тармоқлари чиқади, бу тармоқлар ретикуляр формация хужайраларининг сиртида тугайди. Ҳар бир қўзғовчи ретикуляр формацияни қўзғайди, унга гўё энергия беради.

Ретикуляр формацияда вужудга келган қўзғалиш мия пўстининг хужайраларига ўтиб, мия пўстида қўзғалиш процессини вужудга келтиради ёки мазкур процессни кучайтиради. Ретикуляр формациянинг ўз вазифасига яраша: «миянинг стимул берувчи анализатори» деб аталганига ҳам сабаб шудир.

••» Шу билан бирга, катта ярим шарлар пўстида бошка шундай сигналлар ҳам борки, булар, аксинча, бош мия пўстидан ретикуляр формацияга боради. Бош мия пўстининг муайян қисмларида вужудга келган қўзғалиш ретикуляр формацияга баъзан мадад (стимул) берса, бдъзан уни сусайтиради, тормозлайди.

Шу тариқа, бош мия пўстидаги қўзғалиш ва тормозланнш процесслари мия пўсти билан ретикуляр формация ўзаро таъсир этиб турган вазиятда рўй беради.

Юксак нерв фаолятини ўрганишда хозир қўлланилаётган энг янги методлар исихик ҳаёт ходисаларини ўрганиш учун ҳам катта аҳамиятга эга эканлигини айтиб ўтмоқ керак.

Аммо, психик процессларнинг нерв-физиологик механизларини юкорида кўрсатилган усуллар билан очамиз-у, психик-процессларнинг мазмунини ва шахсининг психик хоссаларини ^очиб беролмаймиз.


Муваққат нерв боғланишлари — шартли рефлексларни ва бош мия пўстининг ишлаш қонуниятларини психик процесслардан иборат қилиб қўйиш ярамайди. Тегишли нерв-физиологик механизлар бўлмаса, психик процесслар бўлиши мумкин эмас, лекин шу билан бирга психик ходисаларни нерв-физиологик процесслардан иборат қилиб қўйиш ярамайди. Психик ҳаёт физиологик механизлар билангина эмас, балк.ч ўзининг мазмуни билан ҳам характерланади. Психик процессларнинг мазмуни нерв-физиологик механизлардан иборат эмас, балки сезгилар, идрок, тасаввурлар, ҳар хил фикрлар ва шу қабилар шаклида мияда акс этадиган воқеликдан иборат.

Турли тарихий замонларда яшаган, ижтимоий гурупиаларга мансуб бўлган, ижтимоий ва маданий тараққиёт жиҳатдан турли даражада турган, турли касблар билан шуғулланадиган ва шу каби кишиларда психик фаолятининг физиологик механизлари бир хил эканлиги турган гап. Аммо кишиларнинг акс эттирадиган нарсасининг мазмуни жуда хилма-хил бўлиши мумкин. Бу мазмун ижтимоий-тарихий шароитга, кишиларнинг ҳаёт ва фаоляти шароитига ботлиқдир.

Ш БОБ

л, ПСИХИКАНИНГ ТАРАҚҚИЁТИ

) Психиканинг тараққиёти ҳақида сўзлаганда: 1) хайвонлар птЛТхикасининг тараққнётини, 2) одам онгинннг тарихин тараққиётини ва 3) одам психикасининг ёшга қараб тараққий қилишини назарда тутилади,



I. ҲАЙВОНЛАР ПСИХИКАСИ

Юқорида кўрсатилганидек, психик⁸органик ҳаётининг тараккиёти процессида пайдо бўлган. /⁹органик материянинг аорганик материядан фарқ қиладиган хусусиятларидан бири шуки, органик материя сесканувчандир, яъни ташқаридан бўлган таъсирларга се,сканиб жавоб беради. Муҳитнинг таъсири билан қўзғаладил. Масалан, биттагина ҳужайрадан иборат бўлган амёба ташқи таъсирга жавоб берар экан, шу таъсирга қарғб ҳаракатланади ёки ундан қочади.

)}¹⁰органик материянинг бундан буёнги тараккиёт босқичларида янги хосса — сезувчанлик, сезиш хоссаси пайдо бўлади, яъни организмга таъсир этадиган нарсаларнинг хоссаларини акс эттирувчи сезиш қобилияти пайдо бўлган. Бу сезиш хоссаси нерв системасининг куртакларига эга бўлган ҳайвонлар вужудга келган вақтда, балки ундан ҳам илгарирок, энг бошланғич формада пайдо бўлган. «Сезиш қобилияти,— деб ёзади Энгельс,— муқаррар суратда нервлар билан эмас, балки ҳалигача яхши аниқланмаган баъзи оксил моддалар билан боғлиқдир»¹¹.

£¹²Сезиш қобилиятининг пайдо бўлиши психика тараккиётидаги дастлабки даврдир.¹³

Кейинчалик, ҳайвонлар нерв системасининг тараккийсига ва, жумладан, сезги органларининг тараккийсига қараб, ташқаридан бўладиган таъсирни акс эттириш, сезиш қобилияти ўсиб, тобора мураккаблаша борди. Масалан, махсус сезги органлари бўлмаган энг содда ҳайвонларда, афтидан, фақат умумий, дифференциаллашмаган сезувчанлик мавжуд бўлса керак. Тараккиётнинг анча юқори босқичларида ҳайвонларда сезги органлари пайдо бўлади, нерв системасининг анализ қилиш қобилияти ҳам ўсади. Биологик тараккиётнинг юқори босқичларида ҳайвонларнинг баъзк тўрларида сезги органлари ҳайрон қоларлик даражада такомиллашади. Масалан, бургутнинг кўриш органи, итнинг хид билиш органлари ва хоказо.

Нерв системасининг, сезги органларининг тараккиёти, шу билан бирга, ҳайвонлар психикасининг ҳам тараккиётига, ҳайвонларнинг ҳаёт кечириш тарзига, шу ҳайвонларнинг қарерда, қандай яшашига, қандай озикланишига, қандай овқат тошшига, кимга қарши курашига ва шу кабкларга боғлиқдир.¹⁴ Масалан, паррандалар умрининг кўп қисмини ҳавода, учго юриб ўтказишади. Бундай ҳаёт кечириш бепоён бўшлиқларда адашма-лик заруриятини туғдиради. Шунинг учун ҳам паррандаларнинг, айниқса йиртқич ва кўчиб юрадиган паррандаларнинг кўрув органи ва кўриб идрок қилиш хусусияти

ҳам тараккий қилгандир. Маймунлар асосан дарахтларда ҳаёт ксчиради. Шунга кўра, маймунларнинг кўз билан чамалаш, ҳаракатларни уйғунлаштириш ва чаккон ушлаб олиш хусусияти, дарров вазиятга қараб иш кўриш қобилияти пайдо бўлган.

Ҳайвонлар психикасининг тараккийсига теварак-атрофдаги табиат хусусиятлари, ўша турга қарадиган ҳайвонларнинг биргаллашиб яшаши катта аҳамиятга эгадир. Уй ҳайвонлари психикасининг шаклланишида одамзод муҳити катта роль ўйнайди. Бир шароитдан иккинчи бир шароитга кўчиб ўтган ҳайвонларнинг психикаси ҳам бир қадар ўзгариши мумкин.

Ҳайвонлар ўз турига қарадиган ҳайвонлар тўдасидан четда ўсганда уларнинг хатти-ҳаракатида баъзи бир хусусиятлар пайдо бўлади. Уй ҳайвонлари доимо одамга яқин юрганидан, уларнинг хатти-ҳаракатлари шу турга қарадиган ёввойи ҳайвонлар хатти-ҳаракатига қараганда жуда ҳам бошқача бўлиб қолади.

Ҳайвонларда бўладиган хатти-ҳаракатларнинг икки хил формасини, яъни туғма (ёки наслдан-наслага ўтадиган) хатти-ҳаракатлар билан ҳайвонларнинг ўз тирикчилиги тажрибаси натижасида пайдо қиладиган (ёки ҳосил қиладиган) хатти-ҳаракатларни бир-биридан фарқ қилмоқ керак. Аммо туғма хатти-ҳаракатлар формалари билан ҳайвонларнинг ўз тирикчилиги тажрибасида ҳосил қилинган (индивидуал) хатти-ҳаракатлар формаларини бир-бирига қарама-қарши қўйиш ярамайди. Туғма хатти-ҳаракатлар формаларининг ўзгариши ва индивидуал хусусиятларга айланиши мумкин, индивидуал хатти-ҳаракат формалари эса туғма хатти-ҳаракатлар формалари заминидан ҳосил бўлади. Буни қуйида кўрамиз.

Ҳайвонлар хатти-ҳаракатининг асосий туғма формаси инстинктлардир. Ҳайвонларнинг ўз тирикчилиги тажрибаси натижасида ҳосил бўладиган (индивидуал) хатти-ҳаракат формаларига кўникмалар ва куртак ҳолдаги фаҳм билан алоқадор ҳаракатлар қиради,

[^ Ҳайвонларнинг инстинктлари

Инстинктлар — ҳайвонларнинг ўз эҳтиёжларини қондириш учун қиладиган мураккаб туғма ҳаракатларқдир.

Масалан,¹⁵кўп қушлар жуда усталик билан ин ясар экан, материал (чўп-чар, лой) танлаш ва инни пишиқ қилиб қуриш йўлида хилма-хил ҳаракатларни бажаради. Қалдирғочларнинг инни бунга яхши мисол бўла олади. Ургимчаклар, гарчи ин тўқиш «санъатини» олдиндан ўрганмаган бўлса ҳам, ўз инларини зўр «махорат» билан тўқийдилар. Асалари¹⁶ўз катакларинн, гўё пухта ҳисоб қилиб тургандай, аниқ р'ежа билан қуради, •

¹ К. Маркс ва Ф. Энгельс, Асарлар, XIV том, 80-бет.

Хайвонларнинг инстинктлари жуда хилма-хил бўлади. Хайвонларнинг биологик эҳтиёжларига қараб, уларнинг инстинктив ҳаракатларини қуйидаги турларга бўлиш мумкин; овқатланиш инстинкти, сақланиш инстинкти, насл қилдириш инстинкти ва пода (тўда) бўлиб яшаш инстинкти.

Овқатланиш инстинкти. Бу инстинкт хайвоннинг ўзи учун зарур овқат кидириб топиш, овқат ғамлаш ва шу каби ҳаракатларида зоҳир бўлади. Масалан, эндигина тухум пўчоғини ериб чиққан жўжа донни ва нон увоқларини чўқийди, уларни кидириб топа билади. Асалариларнинг асал кидириб, тўплаши ва ғамлаб қўйиши ҳаммага маълум.

Сақланиш инстинкти. Бу инстинкт хайвонларининг душмандан сақланиш туғма усулларида ва душманга ҳужум қилиш қобилятида зухур этади. Масалан, мушук боласи ўзига тикилиб турган кучукни биринчи марта кўрганда ё шкафнинг тзгига кириб кетади ёки стулнинг устига, дарахтга чиқиб олади. Борди-ю, мушукнинг ўзи ҳужум қиладиган бўлса, кучукнинг нозик жойларига — юз-кўзига чанг солмоқчи бўлади,

Насл қолдириш инстинкти. Бу инстинкт, жумладан, ота-оналик истинкти сифатида яққолроқ кўринади. Хайвонлар ўз болаларини парвариш қилиш туғма маҳоратигиз эгз бўлиб, ўз наслининг келажзги ҳақида каттз ғамхўрлик қилади. Хайвонларнинг баъзи бир турлари, хусусан, хашаротлзр, ўз авлодини кўрмайди, аммо, болзлзри ўсиб мустзқил хзёт кечира олиши учун, улзр тухум қўйгзндз ўз нзслигз қулай жой вз овқатни олдиндан тайёрлаб кетади.

Кўкламдэ йўлда ёки йўл ёқасида бир жуфт кўнғизнинг гўнгни думалатз-думалата юмалоқлаб кетаётгзнини кўриш мумкин. Бу юмзлокланган гўнг кўнғиздан тарқайдиган насл учун турар жой ва овқат бўлади. Кўнғизлар гўнгни маълум каттзликдз юмалоқлайди. Урғочи кўнғиз шу юмалоқлзнган гўнг ичига тухум қўяди, шундзн кейин унинг оғзини бекитиб, бехзвф-хатэр жойга думзлатиб боради. Юмалоқлангзн гўнг/ичидзги тухумдзн бир нечз вақтдан кейин қурт чиқади. Бу қурт гўнгдаги моддалэр билан озикланиб ўсади. Қурт шу ж'ойнинг ўзида ғумбаккз зйлзнади, кейин бу ғумбак кўнғизга айлензди. Ёш кўнғиз юмалоқ гўнг ичидаи тешиб ^чиқиб, эркин хает кечира бошлайди. Шундай қилиб, кўнғиз ўзининг ғамхўр ота-онэсини кўрмайди, ота-онзси эса қўйғизни кўрмэйди.

Пода (тўда) бўлиб яшаш инстинкти. Бу инстинкт хайвонларнинг турли усуллар билан ўзаро алоқз қилишидз ва хилма-хил шзклдз биргалашиб яшашида зоҳир бўлади. Хайвонлзрнинг баъзи турлари, асосан, ўтхўр вэ сут эмизувчи хайвонлар доимо пода бўлиб яшайди, хайвонларнинг бошқа турлзри, асосан, йиртқкч хайвонлар эса ўзига ўхшаш хайвонлар билан вақт-бавақт биргалашиб яшайди, Хашаротлар галаси^

қушлар галзси, сут эмизувчилар подзси — хзйвонларнинг пода (тўдэ) бўлиб яшзш формэлари дир.

* Инстинктлар машқ қилиш еки ўрганиш йўли билан хрсил бўлмайди — улар ота-онздзн наслга биологик ирсият сифатнда ўтади.

Инстинктлзрнинг иерв-физиологик асоси — шзртсиз рефлекслар дир. И. П. Павлов таълимотигз кўра, инстинктлар шартсиз рефлекслэрининг ўзи-ю, лекин анча мураккзб тури дир. И. П. Пзвллов бундай дейди: «Ҳозирги взқтдз инстинктлзрнинг хзм рефлекслзрдан иборат эканлиги, фзқзт бир оз музрзқкэброқ рефлекслзр эканлиги етарли аниқланган деб хксоблаш мумкин»¹. Инстинктлар — бир канча шартсиз рефлекслардан иборат бўлган рефлекслар занжири дир. Бу рефлекслардай хар бирининг харзқзтгз келгэн пзйти навбатдзги рефлекс учун қўзғовчи бўлади.

Аввэло шуни айтиш керакки, хайвонлардзги инстинктларнинг объектив суратдз бзмаънилиги билан ғоят ажабланти ради.

Хўш, хайвонлзрдэги инстинктив хэрзкатларнинг рўйи рост кўринадигзн бу бамаънилиги ва «оқилоналиги» қандай изоҳлензди?

Инстииктларнинг қандзй пзйдо бўлганлигини биринчи мартз Ч. Дарвин тушунтириб берди. Дарвин таълимотига кўра, хайвонлэрининг инстинктлзри узоқ эволюцион тзракқийёт процессида, тзшқи мухитгэ мослашиш процессида, хает шариоитигз боғлиқ ҳолда пайдо бўлган.

Бу курашда, теvarэк-атрофдэги мухитга мослашишда фойдасиз бўлиб қолган харакзтлэр, шунингдек, бефойдз органлар йўқрилиб кетган, зарэрли харэқзтлзр хзйвонни хэлоқэтгэ олиб борган, фойдзли харзкатлар эса тэрзққийёт процессидз мустзхкзмлзниб, наслдан-наслга ўтган. Шу билан бирга, инстинктлзр бутун бир авлодгз ёки хзйвонларнинг, бутун бкр турига мустзхкэм ўрнзшиб қолгэн хзракэтлардан иборат.

Инстинктив харакатлзр хзйвонлзргз фойдзли бўлгандагина маъқул келади, яъни бамаъни бўлади, аммо хайвонлардэги инстинктларнинг бамаънилиги ҳам жуда чеклангзидир, Хайвонларнинг инстинктлэри бир қолипда (шаблон) бўладй. Хайвонлзр яшзйдигэн шэроит сэлгинэ ўзгзриши билануларнинг хэрзқэтлари бемзъни бўлиб қолади. Л^зсалан, ўргимчак инига пашшэ тушса, дарров таъзирини беради: унга ёпишиб еб к.ўяди. Аммо ўргимчак билан пашша бошқа жойда (масзлзн, стакандэ) ёнма-ён қўйилса, ўргимчак пашшэдэн қочиб кетади.

Паррэнда ўз тухумларинингэн эмас, балки бошқа қушларнинг тухумларини, гипсандан ёки ёғочдан ясалган. сунъий

¹ И. П. Павлов, Полное собрание сочинений, III том, 2-китоб, 01- бат.

тухумларни, хаттотухумга бир қадар ўхшайдиган бошқа ҳар қандай нарсаларни ҳам босиб ётаверади, холбуки парранданинг бу ҳаракатлари тамомила бемаънидир.

И ч к и с е к р е ц и я б е з л а р и н и н г фаолиятидаи келиб чиқадиган ички таъсирлар кўпгина инстинктлар учун (масалан, жинсий инстинкт учун) характерлидир. Хайвонни жинсий инстинктни адо этишга кўзғайдиган цчки механизмлар оўлмаёа, ташки таъсирнинг бир ўзи бу инстинктни юзага чиқаролмайди; жинсий безлари олиб ташланган арига ташқаридан ҳар қандай таъеир бўлишига қарамай у ин ясамайди, насл учун овқат ғамламайди ва ҳоказо. Шу муносабат билан психиканинг эмоционал процесслар каби формаси вужудга кслади ва янада тараккий этади.

Бирор эҳтиёж ва тегишли ташки шароит мавжуд бўлгандагина бир турга кирадиган хайвонлар одатда ҳамма ҳаракатларни кўп наслларнинг умри давомидаги муайян бир намунага мувофиқ бажаради.

Аммо хайвонларнинг ҳамма турларидаги инстинктлар барча наслларда доимо ўзгармасдан қола беради деб ўйлаш ярамайди. Организмлар улар учун янги бўлган ҳаёт шароитига тушиб қолса, янги хоссалар пайдо қилиши мумкин. Бу яқги хоссалар мустаҳкамланиб, наслдан-наслга ўтади. Хайвонларнинг инетинктлари ҳам шундай йўл билан ўзгаради, Ташки муҳитга мослашиш процессида, тажрибага ва хайвон яшайдиган шароитга қараб, айрим инстинктлар сўниши ёки, аксинча, мураккаблашиши, ўзгариши мумкин.

Масалан, қалдирғочлар доимо бир крлипа ин курсалар ҳам, лекин, баъзида, муҳит ўзгаришларининг таъсирида, бу пиларнинг салгина бошқача қилиб қурилганини кўриш мумкин. Уй хайвонларининг инстинктлари уларнинг ёввойи аجدодлари инстинктига қараганда айниқса кўп ўзгаради. Демак, туғма нерв боғланишлари (шартсиз рефлекслар) объектив шароитга мос келмай қолса, турнинг таракқиёт процессида секин-аста ўзгариб, сўниб қолиши мумкин. Шу билан бирга, ўзгарган ташки шароитга қараб, хайвон миясида нерв системасида янги. боғланишлар ҳосил бўлиши мумкин, шунга к)ра организм муҳитга кўпроқ мувозаиатлашади, хайвон ҳаёт шароитига яхшироқ мослашади,

| [Хайвонларнинг кўникмалари

Кўникма — хайвонларнинг индивидуал ҳаёти давомида пайдо қиладиган ҳаракатларидир.

Масалан, ўрганган ит қўл узатилса, олдинги оёғини беради; ит эшикни оёғи ёки тумшуғи билан очади, «ўйинга тушади», кейинги оёқлари билан тикка юради, от аравага киреди ва ҳоказо. Бундай ҳаракатлар кўникмалар деб аталади/

Хайвон инстинктив ҳаракатлар ёрдами билан қандай эҳтиёжларини қондирса, ҳосил қилинган кўникма йўли билан ҳам ўша эҳтиёжларини қондиради. Итнинг- «ўйинга тушиши» ёки «олдинги оёғини бериши» унинг овқат олишига ёрдам берадиган ҳаракатлардир.

Хайвонларнинг кўникмалари шартсиз рефлекслар, инстинктлар асосида, шунингдек, илгари ҳосил бўлган шартли рефлекслар асосида вужудга келади. Кўникмалар хайвоннинг бирон эҳтиёжини қондиришга ёрдам берадиган янги (инстинктив ҳаракатлардан ўзгача) ҳаракатларни қайта-қайта такрорлаш йўли билан вужудга келади. Шундай қилиб, кўникманинг нерв-физиологик механизми шартли рефлексдир. Кўникма ҳосил қилиш — хайвонда шартли рефлексларнинг биринчи ёки бутун бир системасини ҳосил қилиш демакдир.

Янги ҳаракат пайдо қилиш ва уни мустаҳкамлаб қолиш аввало хайвон турган шароитга боғлиқ. Масалан, итга овқат бериладиган идишни уйга олиб кириб, уй эшигини ёпиб қўйилди, деяйлик. Ит буни кўради. Ит овқатга эҳтиёж сезганда эшикка югуриб боради, уни оёғи ёки тумшуғи билан очишга уриниб, кўпгина пойма-пой ҳаракатлар қилади. Шу бетартиб ҳаракатлар давомида ит эшикни. оёғи ёки тумшуғи билан бехосдан очиб юборади. Бу ҳаракат бир неча марта такрорланади. Оёқ ёки тумшукнинг ўнг. келган ҳаракатлари мустаҳкамланиб қолади, натижа бермайдиган фойдасиз ҳаракатлар эса йўқолади; ит кейинчалик эшикни оёғи ёки тумшуғи билан бемалол очадиган бўлиб қолади.

Хайвонда бамаъни ҳаракатнинг янги кўникмаси, янги усули тахминан шундай вужудга келади.

Хайвонларнинг кўникмалари ота-онасидан «ўрганиш» йўли билан ҳам ҳосил бўлади. Масалан, бўрилар болаларини овга шундай «ўргатади»: қари бўри қилган ҳаракатларни ёш бўрилар такрорлайди. Бу ерда «ўрганиш» тақлид қилиш инстинктига асослангандир.

Уй хайвонларини одам «ўргатган»да улар кўп кўникма ҳосил қилади. Кишиларнинг хайвонларда шу тарика кўникмалар ҳосил қилиши ўргатиш (дрессировка) деб аталади.

Таракқиётнинг тубан боскичида **Турган** хайвонларда ҳам кўникма ҳосил бўлиши мумкин. Масалан, тахтани турли рангларга бўяб, муайян рангдаги қисмига суварак чиққанда, шу қисмидан электр токи ўтказилса, суваракни тахтанинг ўша қисмини эҳтиёт билан айланиб чиқадиган қилиб ўргатиш мумкин. Асаларини ҳам муайян рангли қоғозга қўнадиган қилиб ўргатиш мумкин. Бунинг учун ширин сув солинган идишни муайян рангли қоғознинг устига бир неча марта қўйиш керак.

Хайвон биологик таракқиётининг қанчалик юқори боскичида турса, бинобарин, нерв системаси қанчалик мураккаб бўлса, бош мияси қанчалик кўп такомиллашган бўлса, бу

хайвондаги кўникмалэр хам шунчалик турли-туман бўлади, бу кўникмалар шунчалик тезроқ хосил бўлади.

Ҳайвонларда пайдо қилинган кўникмалар кўпинча инстинктив ҳаракатлардан ажрэлгэи ҳолда намоён бўлмай, балки шу инстинктив ҳаракатлар билан бирга намоён бўлади, Кўникмалар инстинктив ҳаракатларни мураккаблаштиради, уларнинг хилини кўпайтиради, ўзгартиради. Ҳосил бўлган кўникмалар айрим инстинктларни хатто тўхтатиб қўя олади. Мушук билан сичконни шунга ўргатиш мумкинки, натижада мушук сичкондэн кочадиган, сичкон эса мушукни қувлайдиган бўлиб қолади.

Юксак даражадаги ҳайвонларнинг баъзи кўникмалари жуда мураккаб бўлади ва хатто акллилик белгиси бўлиб кўринади. Масалан, ўргатилиб, цирк сахнасига олиб чиқилдиган ҳайвонларнинг кўрсатадиган ҳаракатлари: филлар ракси, айиқларнинг велосипед миниб юриши, шерларнинг акробатик ҳаракатлари, ит, отларнинг «математик масалаларни» ечиши ва ҳоказолар шундайдир. Буларнинг ҳаммаси кўникмалардир, буларнинг ҳаммаси шартли рефлекслар ҳосил қилишга асослэнгэндир.

... Ҳосил бўлган кўникмалар айрим ҳолларда, ҳайвонларнинг хзёт шароитига қараб, мустаҳкамланиши ва ирсий бўлиб қолиши, янги инстинктив ҳаракатлар шаклида наслдан-наслга ўтиши мумкин. И. П. Павлов физиологларнинг 1913 йилдз Гроненгенда бўлиб ўтган халқаро конгрессиди бундай деган эди: «Янги пайдо қилинган шартли рефлексларнинг баъзилари кейинчалик ирсият йўли билан шартсиз рефлексларга айланади дейиш мумкин»¹.

Бир йилдан кейин — 1914 йилда, Павлов янада кўпроқ ишонч билан бундай деди: «Янги пайдо бўлган рефлекслар бирин-кетин бир қанча наслларда ҳаёт шароити бирдай сақланган тақдирда, узлуксиз равишда доимий рефлексларга айланиши жуда ҳам эҳтимол (ва бунга энди фактлар далил бўла олади)»². . . -

И. П. Павлов таълимотига кўра, ҳайвонлар пайдо бўлиб уларда нерв системаси вужудга келиши биланок шартли рефлекслар, яъни организм билан ташки мухит ўртасидаги муваққат нерв боғланишлари вужудга кела бошлаган. Биологик жиҳатдан ниҳоятда муҳим ва организмнинг ҳаётини сақлаш учун зарур бўлган бу муваққат нерв боғланишлари бир қанча насллардан-наслларга ўтиб, такрорланиб, доимий (шартсиз) боғланишларга, яъни инстинктларга айланган. Ҳайвонларда шартли рефлекслар ҳосил бўлиш процессида нерв системасининг ўзи ҳам ўзгарган ва такомиллашиб борган.

¹ И. П. Павлов, Полное собрание сочинений, III том, I-китоб, 273-бет.

² Уша том, 281-бет.

Шундай қилиб- И. П. Павлов таълимотига кўра, юксак нерв фаолияти ҳайвонларнинг тараққиётида етакчи роль ўйнайди.

Ҳайвонлар кўникмалар ҳосил қилиш туфайли, ташки мухитнинг ўзгарувчи шароитига чакконроқ ва яхшироқ мослашадиган бўлиб қолади.

Ҳайвонлардаги тафаккур куртаклари

Кўкори даражада тараққий қилган ҳайвонларнинг (масалэн, ит, маймунларининг) баъзи ҳаракатларики кўрганамизда баъзан уларга «зийрак», «сезгир», «тийрак» деган ва бошқа шу каби сифатлар берамиз.

Ҳайвонларда шундай ҳарзкатлар кўринадики, бу ҳарзкатлардан бизга ҳайвон қандай бўлмасин мақсадга етиш йўллари ёки воситаларини танлзгэндзй, қандай бўлмасин маслзлни хзл этгэндзй, аввалги тажрибани янги шароитга қарзб тзт-бик этгэндзй туюлади.

Ҳзйвонларда лозкзл энг элементзр дарзжадэ бўлса хам тзфаккур борми, ҳайвонлар фикрлайдими, деган савол туғилди. Энгельс «Табизт дизлектикаси» да қуйидагилзрни ёззди: «Фзхм билзн злокздор бўлгэн хзрзкатларнкнг хамма турлари: *индукция*, *дедукция*, бинобарин, шунингдек, *абстракция* (тўрт оёқлилар билан икки оёқлиларнинг жилсдошлик туншунчалэри) номаълум нарсалзрни *анализ қилиш* (ёнғокни чақиннинг ўзиёк анлизининг бошлзнишидир), синтез (хзйвонларнинг қилиқлари) ва анализ билан синтезнинг бирга қўшилиш самарзси бўлгэн *эксперимент* (янги тўсқинликлар вэ нотэниш вэзиятлзр рўй берганда) биз билан ҳайвонлзрдз бир хилдир. Бу методлэрнинг хаммаси... тип жиҳатдан одам ва юкори даражздз тзрзкқий қилган ҳайвонларда тамомила бир хилдир. Улар факэт... даражаси жиҳатдзн турличзидир»¹.

Ҳайвонларнинг фзхм билзн злокздор хзрзкатлзри хзқиди гзпирганда, Энгельс хзйвонлзрни «фикр юритади», «ўйлзй-дк» демокчи эмэс, бзлки хзйвонлзрининг одамнинг фикр юритиш процессларигэ ўхшайдигэн иш-ҳаракатларини назарда тутади. Ҳайвонлзр бундзй иш-хзрзкзтлзрни қисмэн инстинктив йўл билан бажзрзди (мэсзлзн, мзймуннинг ёнғок чақини—анлиз), қисман эса бу ҳарзкзтлзр. кўникмэлардан иборат бўлади (масэлзн, хзйвонлзр тўсқинликлзрни энгэндз ёки иотзниш вэзиятда қолгэндз).

Ҳайвонларнинг тафзккури ҳақидаги масала соҳасида сўнги вақтларда ғоят кўп экспериментал текшириш ўтказилди, бу тажрибз ишлзрининг кўпчилиги мзймунлзрнинг турли зотлари устидэ олиб борилди.


К. Маркс ва Ф. Энгельс, Асарлар, XIV том, 430-бет.

. Масалан, Н. Н. Ладигина Котснинг текширишлари шимтанзеда бошлэнгич абстракция кобилиятлэрп борлигини кўрсатади: маймунлар ўзи идрок қилэдигэн нарсаларнинг рангини шакли ва ҳажмидан ажратар экан, шунингдек, шаклни ранг ва жисмдан ажрата олар экан.

Ҳатто тубан даражадаги маймунларда ҳам анчагина мураккаб танлаш-ажратиш кобилияти борлигини тажриба кўрсатиб берди.

Профессор Рогинский мана бундай тажриба қилган: маймунлар олдига турли томонга қаратиб, узун-узун бир неча тасма ва арқон узала ётқизиб қўйилган. Шу тасма ва арқонлардан баъзиларининг учига емиш боғлаб қўйилган. Маймунлар бу тасма ва арқонларни бир-биридан фарк қилмай бир неча марта ушлаб кўрганидан кейин, охири, тасма ва арқонларнинг қай хилда чўзилиб ётганидан қатъи назар, янгиланмай худди ўша емиш боғланган тасма ва арқонларни дарров ажратиб, топниб олганлар.

Одамсимон маймунларнинг сунъий суратда яратилган шароитда ўзлари учун янги, мураккаб ҳаракатларни бажаришга қобил эканликлари маълум бўлди. Махсус тажрибэ қилиб қўрилганда шу нарса аён бўлганки, маймунлар баланд жойга



15-расм. Маймунларда мураккаб танлаш-ажратиш кобилияти борлигини кўрсатадиган тажриба.

қўйиб қўйилгэн емишларни тушириб олиш учун ёнларида турган ёғочни «қурол» тариқасида ишлата олганлар, айрим ҳолларда эса емишларни тушириб олиш учун ёғочларни бир-бирига улаганлар ёки буюмларни қалаштириб, устига чиқиб олганлар.

Одамсимон маймунларнинг тафаккурини текширишда И. П. Павловнинг хизмати айниқса каттадир. И. П. Павлов синчиклаб тажриба қилиб, маймунларнинг фзхм билэн алоқадор ҳарқкзтлэр қила олишини кўрсатиб берди. Мзсалан, тажрибз қилинган Рафаэль деб атлэгэн мэймун эшиклэрнинг турли хил жанжир ва илгақлэрини улэрнинг ҳар бирига яраша асбоб билан очишга, оловга сув сепишга, яшиқларни тэхлэб зинзпоячз қилиб, баландгз чиқишга ўрганди.

И. П. Павлов ўз тажриблэрингз, шунингдек, бошқа текширувчиларнинг тажриблэрингз зсослэниб, мэймунлэрнинг фзхм билан алоқадор ҳарқкзтлэрини мзтеризлистик зсосда уқтириб берди. Маймунлэрнинг фахм билан алоқадор бу ҳаракатлэри улар миясининг шартли рефлектор фаолиятидир, албатта. И. П. Павлов, маймунларнинг тафзққури, фахми ўйлашда эмас (маймунлэр ўйлэмэйди), бэлки ҳэрэкзтидзидир, деган хулосз чиқаради. «Маймуннинг тафаккурии унинг ҳаракзтларида ўз кўзингиз билан кўрасиз»¹, «... маймуннинг гоҳ уии, гоҳ буни қўлига олиб кўриб қилаётгэн бэрчз иш-ҳэракатлари, ўз кўзингиз билан кўриб турганингиздек, иш-ҳэракатда намоен бўлган тафаккурдир. Бу қисман авваллэр ҳосил қилинган, қисман ҳозир кўз ўнгингизда ҳосил бўлаётган, кўз олдингизда бир-бирига қўшилаётгэн бир қзнчз эссоциациялэрди... Албэттз, бу фахм энг элементар фахмдир...»²,— дейди И. П. Павлов.

Бу тафаккурнинг элементар тафэққурлиги шундэки, хэйшонлар шу пзйтдз ўзи идрок қилзидгэн воқелик доирзсидагина «фикрлайди», уларнинг фахм билан алоқадор ҳэрқкзтлэри фэқэт биологик эҳтиёлларни кондириш йўлидаги ҳараятлэрдир, холбс. Ҳайвонлар ўйламэйди, улэрнинг фикрни гфодэлзйдигэн вз мзълум бир шзклгз киритадиган тили йўқ. Юқори дарэжадз тэрзққий қилгэн ҳайвонлардз фзқэт биринчи сигнэл системасининг муваққзт боғланишлари тафаккурнинг нерв-физиологик механизмлари бўлиб хизмат қилади.

Ҳайвонлэрдз вужудга келгэн ҳаракэт усуллари биридэн кккинчисигз ўтмэйди: бу ҳэрқкэт усуллари қайси ҳайвон топган бўлса, факэт ўша айрим ҳайвонники бўлиб қолади. Ҳайвонлэрнинг қуртак холидаги тафаккури тараққий этмайди: бу тафзққурнинг зоҳир бўлиши тафаккурнинг навбатдаги, юқсак ва мураккзброқ формлэрИ тзракқий этиши учун бир

¹ «Павловские средн», II том, 431- бет,

² Уша китоб, 430—431-бетлар.

боскич бўлмайди. Хайвонларнинг тафаккури нймоён бўладиган ҳаракатлар уларнинг феъл-атворида асосий ўрин тутмайди. Хайвонларнинг феъл-атвори (хатти-харэкэтлари)дзги асосий формалари инстинктлар билан кўникмалардан иборат. Хайвонларнинг ана шу оддий, куртак холидаги тафаккур фаолияти айни вақтда хайвон психика таракқиётидаги юксак боскич ҳисобланади.

Хайвонлар психологияси — зоопсихология деган махсус фан хайвонлар психикасини текшириш билан шуғулланэди, Бу фан хайвонлардаги психик ҳаёт формаларининг таракқиётини улардаги нерв системасининг таракқиётига ва биологик систематикага (хайвонларнинг ҳар хил турлзригз), шунингдек, хайвонларнинг ҳаёт кечириш хусусиятларига қараб ўргэнади. Бу психологиянинг диққэт марказидаги проблема «Хайвонларнинг аклий таракқиёт тарихи» дир (Ленин).

Зоопсихология турли хайвонлар психикасини таққослаб текширганидан чоғиштирма психология ҳам деб аталэди. Шу психологиянинг ўзи психика таракқиётини хайвон оргнзизм-лзрининг биологик тузилишига кзрзб текширгэни учун яна биологик психология деб ҳам юритилади.

II. ИНСОН ОНГИНИНГ ТАРИХИЙ ТАРАҚҚИЕТИ

Тдайвонлар психикасининг пайдо бўлиши ва ўсиб таракқий қилишини юксак дарзжэдз таракқий этган психиканинг, яъни фақат инсонга хос бўлган онгнинг илк тарихи арафаси деса бўлади.

Инсон онг эгаси бўлганлиги туфайли ҳодисаларнинг ўзаро сзбзбиятлари, боғланишлзрини вэ бу боғланишлэрнинг нзтижлзрини очиб олз билади, ўз олдига муайян мақсадлэр кўяди ва шу мақсадларгз яраша иш кўради.

С*дам онги, психикаси юксзк даражадз тзшкил топгэн материяниг, яъни миянинг хоссасидир. Шу билан бирга, одам снги ижтимоий ҳаёт шароитигз боғлиқ холдэ тзрзққий килзди. «...Онг дэстзввалданоқ бошлаб жамият маҳсулидир ва инсон умуман дунёда яшар экан, онг шундай бўлиб қола беради»¹,

Онг инсоннинг энг аввалги ота-бобоси бўлмиш одамсимон маймун ўзи қурол ясаб, меҳнат қилз бошлзгэн ва шу туфэйли ижтимоий хзёт кечирэ бошлзган пайдан эътиборан пзй-до бўлгэн. *..»

Одамнинг энг аввалги отз-боболари бўлган маймунларнинг пода-пода бўлиб яшаши меҳнат процессида инсон жамиятигз гйлзнди. Энгельс бундэй дейдн: «... меҳнатнинг ривожлапиши зарурият орқасида, жамият аззолзрининг янэдз якинрок

жипслашувига ёрдам берди, чунки шунинг орқасидэ бир-бир-лэригз ёрдэм қилиш, биргзлэшиб ишлэш тез-тез учрайдиган ходисалзрдэн бўлиб қолди ва бу биргалашиб ишлашнинг фойдасини англэш жзмиятнинг хзр бир эйрим'зъзоси учун рзвзшзроқ бўлз борди»¹.

*--вдэм тэшқи тзбиатга тзъсир этиб вэ уни меҳнзти билзн ўзгэртириш процессидз ўзининг тзбизтини хэм ўзгартириб борди. Одамнинг энг аввалги отз-бобоси бўлгэн маймунларнинг организми меҳнат проиессида қайта тузилиб, одам организмига айлзнди. Одам онги ҳам меҳнатда вужудга келди ва тарзққий этди. Шунинг учун хэм Энгельс бундэй деди: Меҳнзт «... бутун инсоният хзётининг биринчи зсосий шзрти-дир,— ва шу даражэдзги зсосий шзртки, биз маълум маъно-да: одзмнинг ўзри хэм меҳнзт вужудга келтирди,—деб зйт-моғимиз керзк»². ^- ^ _ C

у)&C Одамнинг таракқий қилишида меҳнатнинг роли (p

• ' Одамларнинг энг аввалги ота-бобоси бўлган маймунлэр оргнзизмининг меҳнэт процессида қандай қилиб одам организмига айлзнгэнлиги масаласини биринчи марта Энгельс «Маймуннинг одзмгз зйлзниш процессида меҳнатнинг роли» деган асаридз ёритиб берди. Мзймуннинг одзмгэ зйлэниш йўлидэги биринчи кэдам унинг қўлларининг юриш вазифзсини бажэришдэн кутулиши бўлди. Мзймунлэр дзрахтларга тирмашиб чикиб юрадигэн вэктларидзёк оёқлзрини шохлзргз кўйиб, қўллзри билзн мевз узгэн, тзёк отгэн ва хоказо. Одамнинг энг аввалги отз-бобоси бўлгэн одзмсимон мзймун-лэр янги овкат манбзлзрини кидириб ергз тушгэндз, бошкз хэмма хзйвонлзрдэн фэрқ қилиб, икки оёқлаб юра бошлагэн, қўлларини эса бошқа мақсадлэр учун ишлатэ бошлзгэн, Қўллзрдэн фойдзлзниб, меҳнэт қуроллзри тзйёрлэй бошлзгэн. Бу қуроллэр жудз оддий қуроллэр бўлиб, йўнилган тош ёки ёғочлардэн иборэт бўлгэн, злзбтгэ. Шу қуроллэрни ярэтгэн қўлнинг ўзи хэм қурол тзйёрлэш вэ уни меҳнэтдз қўлланиш процессидз тзкомиллзшгэн, шунинг учун хэм Энгельс бундэн дейди: «Шундай қилиб, қўл фақэт меҳнат ор-гзнингинэ бўлиб қолмиз, айни вэктдэ у меҳнатнинг маҳсули хамдир»^{*}. " " —————Т

тА"Йниёгеҳнат қуроллари тайёрлэниши, қўлдан турли-туман ишлэрдз фойдалэнилиши туфайли одамзод қўлинигз панжзси алоҳида бнр равишдз такомил топди ҳамда жуда хилма-хил ва нозик меҳнат операциялзригз мослзшди. «Фэқэт меҳнэт

¹ К. Маркс ва Ф. Энгельс, Танланган асарлар, II том, Уздав-нашр, 1959, 83-бет.

» У ш а к и т о б, 80-бет.

з у ш а к и т о б, 82-бет.

¹ К. Маркс ва Ф. Энгельс, Асарлар, IV том, 21-бет,

туфайли,— денди Ф. Энгельс,— тобора янги ишларни ўрганиш туфайли... одам кўли камолотнинг шундай юқори боскичига эришдики, у, бу боскичда, гўё сеҳр кучи билан Рафаэлнинг расмларини, Товальдсеннинг хайқалларини, Паганинининг музикасини вужудга келтира олди»¹.

Мехнат процессида кишиларнинг бир-бири билан кўпроқ алоқа қилиш зарурати туғилди. Бу эса нутқининг пайдо бўлишига ва нутқ аппаратининг ўсишига сабаб бўлди. Энгельс бундай дейди: «\уюшган одамлар шу даражага етдиларки, уларда бир-бирларига ниланмби^^йгаш *эхтиёжи* тугтгдди/ Бу эхтиёж ўзига кераклиорганни вужудга келтирди: май-муйнинг тараккий қилмаган ҳикилдоғи секин-аста, лекин тўхтовсиз модуляния йўли билан борган сари тараккий қилган модуляция учун ўзгариотурди, оғиз органлари эса секин-аста аник ва равшан товушлар чиқаришни ўрганди»².

Шу тарика, одам мехнат қилган сайин сўзлашни ўрганди,— нутқ вужудга келди, одам тилга кирди,— сўзлашни ўргзна бошлади, сўзлайвериш муносабати билан,— нутқ ила қилинадиган муомалада тил тараккий эта борди ва, мехнат/ билан бир қаторда, одам бош мияси ва онгининг янада ўзгэ> риши, такомиллашуви учун асосий фактор бўлиб қолш_^У

Одам миясининг нисбий ҳажми ҳам ўзгарди,— акчақат-талашди. Одам миясининг гавдасига нисбатан катталиги $\frac{1}{35}$ га тенг бўлса, орангутан миясининг нисбий катталиги $\frac{1}{1}$ га тенгдир. Бош мия пўстининг юзаси ҳам катталашди (2000 кв- см), миянннг ва мия пўстидаги айрим қисмларнинг тузилиши ўзгарди. Катта ярим шарларнинг пешана ва тепа бўлаклари айниқса такомил этди. Масалан, одамсимон маймунлар миясининг пешана бўлагн бутун мия пўсти юзасининг 15 процентини эгалласа, одам миясининг пешана бўлаги мия пўсти юзасининг тахминан 30 процентини эгаллайди. Бош мия пўстининг энса бўлаги одамда бирмунча камроқ жой эгаллайди: энса бўлаги орангутанда бош мия пўсти юзасининг 27,5 процентини эгалласа, одамда 12 процентини эгаллайди. Одам миясининг пўстида янг/г марказлар ҳоскл бўлди, хайвонларнинг мия пўстида эса бундай ма'рказлар йўқ.

Одам миясининг пўстида нутқ марказларининг ҳосил бўлиши айниқса катта аҳамиятга эга бўлди. Одамда иккинчи сигнал системаси вужудга келди ва таркиб топди, иккинчи сигнал системасининг ишлаши одамдаги юксак нерв фаолиятининг хайвонлардаги юксак нерв фаолиятдан фарқ қиладиган асосий хусусиятидир. И. П. Павлов бундай дейди: «Айни гна шу фаолкят одамни хайвонлар қаторидан хайрон колар-

лик даражада ажратиб туради, одамни бутун хайвонот дунёсидан мислсиз юқори кўяди»¹.

Одамнинг хайвонот дунёсидан шу тарика юқори туришига сабаб шуки, унда психик ҳаётнинг юксак формаси (боскичи) онг бор. Одам онги ҳозирги даражага бирданига келиб қолгани йўқ, албатта.

Маркс ибтидоий одам онгини таърифлаб, бундай дейди: «Бу боскичда ижтимоий ҳаётнинг ўзи қанчалик хайвонларга хос характерда бўлган бўлса, ибтидоий онг ҳам ўшандай характерда эди; бу ҳали тамомила подага хос онг бўлиб, одамнинг кўйдан фарқи фақат шу эдики, одамдаги онг кўйдаги инстинктнинг ўрнини эгаллади ёки инстинкт онгланган инстинкт эди»².

Демак, хайвонлардан фарқ қилиб, ибтидоий одам ўз фаолиятида инстинктив майллар билан эмас, балки онги билан иш бўра бошлаган эди.

Одамда моддий дунё тараккиётининг муайян боскичида пайдо бўлган онг тараккий қилиб ва ўзгариб борди. Лекин снгнинг тарихий тараккиёти биологик қонуялар билан эмас, балки социал қрунлар билан белгиланди. Кишилар онги ижтимоий ҳаёт формаларининг тарихий ўзгаришларига мувофик равишда тараккий қилиб борди.

Жумладан, кишилар онгининг тарихий тараккиёти ишлаб чиқариш усулларига, ишлаб чиқариш муносабатларининг ўзгаришига ва шу жамият идеологиясига қараб борди.

Идеология деб бирон жамият, синфнинг сиёсий, философфик, маънавий, эстетик (санъат), диний қарашлар системасини айтилади. Идеология, бошқача айтганда, ижтимоий онг деб аталади. Психологияда текшириладиган индивидуал онгни, яъни ҳар бир айрим киши онгини ижтимоий онгдан фарқ қилиш керак.

Синфий жамиятда синфий идеологияга қараб, айрим кишилар онги ҳам синфий онг сифатида¹ таркиб топади.

Жамиятнинг тарихий тараккиёт процессида онгнинг синфий хусусиятлари таркиб топиши билан бирга кишилар онгида синфий хусусиятлар ҳам таркиб топди. Тарихан таркиб топган ҳар бир миллатнинг ўз «психик тузуми» бор. Бу психик тузум шу миллат тараккий этадиган тарихий шароитнинг умумийлигидан келиб чиқади.

Шуни назарда тутиш керакки, синфий жамиятда синфий ба умумий миллий хусусиятлар бўлиши билан бирга, мазкур жамиятдаги барча кишиларда психиканинг умуман одамзодга хос хусусиятлари ҳам бўлади. Барча кишиларнинг иркий, миллий ва синфий хусусиятларидан катъи назар, уларнинг психик

¹ К- Маркс ва Ф. Энгельс, Танланган асарлар, II том, 82-бст.

² У ш а к и т о б, 83- бет.

¹ И. П. Павлов, Полное собрание сочинений, IV том, 414-бет.

² К. Маркс ва Ф. Энгельс, Асарлар, IV том, 21-бет,

хзёти умуман бир хил тузилгандир. Барча кишилар теваарак-атрофдэги дунёни сеза ва идрок эта оладилар. Барча кишиларда хотира ва хаёл бор. Барча кишилар фикрлайдилар ва тил воситаси билан ўзаро алоқа қиладилар. Барча кишилар турли хислэрни кўнгилдан кечирадилар ва ўз иродаларини намён қиладилар.

Одам онгининг айрим томонлари ва функцияларининг тарихий тараққиёти

"^"Одам онгининг айрим томонлари ва функциялари тарихан тэраққий қилиб келган. Кишиларда фақат улэрнинг ўзига хос бўлган, хайвонлэрдэ эсз бўлмэйдигэн эхтиёжлэр вужудга келди ва тараққий этди. д

Эхтиёж одамнинг кун кечириши, яшаши вэ кэмолгэ этиши учун зэрур нарсаларнинг ҳаммэси демэқдир.

Одэм яшзш, хаёт кечириш учун ўз эхтиёжларини кондирши лозим.

Эхтиёж хайвонлэрда ҳам бор. Аммо хайвонлэрдэ фэқэт биологик, туғмэ эхтиёжлэр бўлади,—• овкэзтлэниш, ўз-ўзини химоя қилиш, нэсл қолдириш эхтиёжлэри бор, холос. Одэмда бу биологик эхтиёжлардан ташқари, яна юксак эхтиёжлар — билиш эхтиёжлари, социал, маънавий, эстетик ва бошқа шу кэби эхтиёжлэр бор. Бу эхтиёжлар туғма эхтиёжлар эмас — улар тарихэн тараққий этган. Социал зот бўлгэн одэмнинг биологик эхтиёжлэри хэм тэрихий тэрэққийёт процессидэ сифт жихэтидэн тубдэн ўзгэргэн.

Кишиларнинг эхтиёжлэри ижтимоий тузум формэлэрининг тарэққийётига кэрэб ўзгэрэди.

Тэрихдэ одэм мяиси тэраққий этиши билан бирга сезги органлэри ҳам тараққий этз боргэн. «Бештэ сезгининг тэркиб • юпиши,— деб ёзгэн эди К. Мэркс,—бутун олам тарихининг мэхсулидир»¹.

Одамдэ кўрув, эшитув, туйғу оргэнлэри зйнкэс юксэқ кэмолотгэ эришди. Одэм музикаэни, нэфис сурэтлэрни вэ бошкэ сэнэзт асарларини идрок этишга кодир бўлди. Қўл асосий мэхнэт органи бўлиш билан бирга асосий туйғу оргэни хэм бўлиб қолди.

Одамнинг тарихий тэрэққийётидэ уцинг идроки вэ хотирз фэолияти хэм такомиллашиб ва сифат жихэтидэн ўзгариб турди. Одэм, хайвонлэрдэн тафовут қилиб, ташқи дунёдаги нарса ва ходисэлэрни энглэб-билиб, шу билан бирга кенгрок БЭ чуқуррок идрок этади, ўз фаолиятидаги тажрибз мэхсулини энглэб-билиб эсда қолдирзди вэ ундэн энглэб-билиб фойдаланзди.

¹ К. Маркс ва Ф. Энгельс, Асарлар, III том, 627- бет.

Инсон тэфэққури ҳам тэрихий тараққийёт мэхсулидир.

Одэмзод тэфаққури дастлэб элементар мэхнат фаолияти билан чамбэрчэс боғланган эди. Бу — конкрет-амалий тэфаққур эди. Кейинчалик тэфэққур конкрет тэфэққурдэн абстракт тафэққур сари ва амалий тафаққурдэн нэзэрий тэфэққур сэри тэрэққий қилиб борди. Албэтта, абстракт ва назэрий тафаққур прэктикадан ажралмэзгэн холдэ ўсиб борди. Логик тафаққур формэлэри ҳам мэхнат практикэсидэ вэ дунёни билиш процесслэридэ хосил бўлди вэ ўсиб борди.

ч! В. И. Ленин зйтганидек, «одамнинг амзлий фэолияти турли логик фигураларнинг *аксиомалар* эхэмиятига эгэ *бўла олиш* учун одам онгини анз шу фигурэлэрни такрорлэшгэ нечэ миллиард мэртз олиб келиши керэқ эди»¹.

Тэрихий тэрэққийётнинг муайян босқичида илмий тафэққур тэркиб топди, воқелик ана шу илмий тафэққур ёрдэм билэн тўлароқ, чуқурроқ, зникроқ билиб олинэди. Одам ходисэлэр ўртасидэги мухим элоқа ва муносабатлэрни, табизтвэ ижтимоий хзёт қонунлэрини тэфаққур ёрдэм билэн очиб олзди. Инсоннинг онг идорз килзэдигэн фаолияти энди фақэт оддий қўл мэхнэти қуроллари, овкэт, кийим-кечак вэ турэр жойинигэн ярзтиб қолмай, балки фан, санэзт, мураккэб техникз хэм ярзэтди. Кишилэр илмгэ зсослэнгэн дунёқараш яратишгэ интиладилэр вэ шунгэ хэрэқэт килэдилар. Тэрэққий килзэтгэн фэн, техника вэ сэнэзт эсз ўз нэвбэтидэ кишилэр онгининг ўсишигэ, улэрнинг мэънавий қиёфасигэ, тэфаққурига таёсир этзди.

Одэмзод тэфэққури тэраққийётининг олий босқичи диалектнк-материалистик тафаққурдир.

Мэхнат фаолиятида келиб чикқан нутқ—тилнинг тараққийси тафаққур тэрэққийси билэн бирликдэ борди.

«Онэ қанча қадимги бўлса,— деб ёзади К. Маркс,—тил ҳам шунча қадимгидир...»². Шу билан бирга, тил зэвэл бошдэн оқ товуш тили сифатидэ мэвжуддир.

Аввэлги наслларнинг тажрибз вэ билимлэри тилда мустгхкэмлэниб, ксийинги нэсллэрэгэ ўтиб келди. Мэхнэт элоқэлэридэ тэкомиллашиб боргэн тил ўз нэвбэтида кишиларнинг оиги ва тэфэққури тараққийётига ҳам таёсир этди. Езувнинг тэкомиллашувн туфайли кишиларнинг ўзаро алоқаси ва бир-бирига таёсири мислэсиз даражэда кенгэйти вэ мэзмундор бўлиб қолди. Кишилэр бир-бирлэри билан бевосита алоқэ қилиш орқэлигина эмас, балки узоқ масофадэги кишилар билан ва илгари ўтган кишилар билан бавосита «алоқа» боғлаш йўли билан ҳам уларнинг онғи, билим ва тажрибэси билэн бойийдигэн бўлиб қолди.

² В. И. Ленин, Философия дафтарлари. 164-бет. Госполитиздат 1947
К. Маркс ва Ф. Энгельс, Асарлар, IV том, 20-бет.

Тил кишининг бутун онгли фаолияти билан чамбарчас боғлангандир. Юқорида кўрсатиб ўтилганидек, тил меҳнат билан бир қаторда инсон жамияти ва онгини тараққий эттирадиган иккинчи асосий фактордир.

Меҳнат процесси ва ижтимоий муносабатларнинг таркиб топиш процессида тафаккур ва тил билан бирга, одам ирода-си ҳам пайдо бўлди ҳамда тарихан ўса борди. Одам, ҳайвонлардан фарқ қилиб, иш кўришдан олдин ўз ҳаракатларини тасаввур қилади, шу ҳаракатларни олдин ўйлаб кўради, қўйилган мақсадга етиш учун англаб-билиб ғайрат кўрсатади, рўй берган кийинчиликларни енгиб ўтади. Ирода билан бўладиган ҳаракатлар—онгли ҳаракатлардйр.

Одамзод ҳаракатларининг ҳайвонлар ҳаракатидан фарқ қиладиган ана шу хусусиятини Маркс қуйидаги сўзлар билан ифодалаган эди: «У^шшчак тўқўвчининг ишига ўхшаган ишлар қилади, асалари ҳам ўзининг мум катакчаларини қурганда баъзи одамларни—архитекторларни уялтириб кўяди. Аммо ҳар қандай ёмон архитектор ҳам энг яхши асаларидан даставвал шу билаи фарқ қиладики, у бир бинони қуришдан олдин уни аввало миясида қуриб олади. Меҳнат процессининг охирида ҳосил қилинган натижа архитекторнинг идеалида, яъни тасаввурида дастлабки пайданок мавжуд бўлган.. >»¹.

Шу билан бирга, одамнинг ирода-ихтиёр билан қиладиган ҳаракатлари, ҳайвонларнинг инстинктив ҳаракатларидан фарқ қилиб, ижодий ҳаракат бўлади. Ҳайвонлар теварак-атрофдаги муҳитга фақат мослашади, ундан тайёрини олади. Одам эса теварак-атрофдаги муҳитни ўзгартиради, уни ўз эҳтиёжига мослаштиради.

Одам ирода эгаси бўлганлиги туфайли тарихий тараққийёт процессида табиатни ўзига аста-секин бўйсундирди, уни ўзига хизмат қилишга мажбур этди. Одам табиатни, теварак-атрофдаги оламни ўз мақсадларига мувофиқ қилиб ўзгартиради, унга янгилик киритади.

В. И. Ленин қайд қилиб ўтганидек, «дунё одамни қаноатлантирмайди ва одам ўз иш-ҳаракати билан дун^ии ўзгартиришга аҳд қилади»².

Уша тарихий тараққийёт процессида, узоқ кураш йўли билан инсонлар ижтимоий муҳитнинг стихияли таъсиридан қутулади, ижтимоий тараққийёт қонунларини секин-аста билиб олиб, ижтимоий ҳаётга уюшган ҳолда таъсир кўрсата бошлайди, инсон жамиятининг тараққийётини муайяи йўлга сола бошлайди.

¹ К. Маркс ва Ф. Энгельс, Асарлар, XVII. том, 198-бет.

² В. И. Ленин, Философия дафтарлари, Госполитиздат, 1947, 185-бет.

Кишилардаги онгли активлик. ирода-ихтиёрнинг ана шу роли Россияда капиталистик тузумнинг ағдарилиб йўқотилишида ва СССРда социалистик жамият қурилишида айниқса кккбл кўринди.

Социалистик тузумда кишилар онгининг ўзгариши

Мамлакатимизда Улуғ Октябрь социалистик революцияси неча миллион-миллион меҳнаткашлар оmmasинн зулм ва эксплуатациядан қутқарди, одамзод шахсининг — ундаги барча куч ва қобилиятларнинг яйраб-яшнаши учун мислсиз катта нмкониятлар яратиб берди.

Ишлаб чиқиш васиталарининг ижтимоий мулклиги ишлаб чиқариш муносабатларининг асоси бўлган социалистик тузумда ана шу янги муносабатларни акс эттирадиган янги онг ҳам пайдо бўлади. Кишилар онгидаги бу янгилик кишилар ўртасидаги муносабатларнинг ўзгаришида, меҳнатга муносабатнинг ўзгаришида, кишилар савиясиинг ўзгариши ва кенгайишида, уларнинг ўз фаолиятларида олдиларига қўядиган ғояларининг ўзгаришида ўз кфодасини топади.

Совет кишиларининг ўзаро муносабатларида ўртокларча ҳамкорлик ва ишлаб чиқариш процессида социалистик ўзаро срдм қарор топди.

Бизда кишиларнинг меҳнатга муносабаги ҳам тубдан ўзгарди: илгари оғир ва машаққатли юк деб ҳисобланган меҳнат шон-шараф ишига, шавкат ва қаҳрамонлик ишига айланди. Меҳнатда завқ-шавқ кўзғайдиган янги стимул социалистик мусобақа туғилди ва кенг ёйилди.

Бизда меҳнат фақат яшаш воситаси бўлибгина қолмай, балки эҳтиёжга, шу билан бирга, шодлик ва бардамлик манбаига айланмоқда. Совет кишиларининг юксак хислатлари—Ватанимиз бахт-саодати учун ижодий меҳнат қилишда, янгилик яратиш, кашфиёт билан шуғулланишда ўз ифодасини топмоқда.

ж у к —

Озод кншиларнинг эркин меҳнати зўр ижодиёт эканлиги-ҒИ, бу ижодиётда кишининг барча жисмоний ва маънавий кучлари муносиб равишда қўшилишини корхоналаримизнинг ^илғорлари ва новаторлари амалда кўрсатдилар.

Кишиларнинг ўзаро муносабатлари ўзгариши билан. меҳнатга янгича муносабат қарор топиши билан совет кишиларининг ўз онги ҳам ўзгарди. Совет кишиси ўзини жамиятга қар-пи қилиб қўйишга интиладиган индивидуалист эмас, балки ўзини аввало социалистик жамиятнинг аъзоси, коммунизм қурувчи деб биладиган коллективистдир. У Ватан олдидаги бурчини, вазифаларини доимо яхши англайдиган кишидир.

Социалистик тузум даврида совет кишиларининг фнкр, хислари, интилишлари ва иродаси ўзгарди.

Энди совет кишилари илгариги кишилар эмас, революция-мизнинг ғалабаси кишиларнинг янги маънавий қиёфаси ва юявий ўсганлигида яққол кўриниб туради. Энди совет кишиларининг маънавий қиёфаси аввало ўз меҳнатларига* жамият учун муҳим иш деб ва Совет давлати олдидаги муқаддас бурч деб онгли муносабатда бўлишларида кўриниб туради.

Совет кишиларининг маънавий қиёфаси СССР халқлари психик тузумининг ҳамма энг яхши хусусиятларидан, яъни ана шу халқларнинг тарихий тараққиёти процессида', эксплуататорларга ва ташқи душманларга қарши курашда қарор тепган хусусиятларидан озиқланди, шу хусусиятларни ўзига сингдирди.

Совет кишиларининг янги онги ва уларнинг психик ҳислатлари немис-фашист босқинчиларга қарши олиб борилган Улуғ Ватан уруши йилларида айниқса яққол кўринди. Фронтида ҳам, мамлакат ичкарасида ҳам совет кишилари ўз маънавий **БИЙ** қиёфаларининг тарихда мисли кўрилмаган сифатларини: совет ватанпарварлиги ҳиссини, бурч ва юксак маънавий масъулият ҳиссини, СССРда яшовчи халқлар ўртасидаги дўстлик ҳиссини, мардлик, қаҳрамонлик, сабот-матонат, зийраклик ва ихтирочилик каби ҳислатларини намоён қилдилар.

Коммунистик жамият қурилишининг ҳозирги босқичида совет кишиларининг ижодий кучлари ва юксак маънавий сифатлари янада яққолроқ кўринди. Ер сунъий йўлдошларининг учирлиши, планеталараро ракеталарнинг учирлиши, космик кемаларнинг ясалиши ва уларда совет кишиларининг космосга парвоз қилиши одамнинг ижодий ақл-идрок ва ирода тантанаси бўлди.

Одамзод кучларининг биринчи марта бизда, социалистик тузум шароитида шундай юксак намоён бўлганлиги яна бир марта шуни очиқ-равшан исбот этадики, инсон қобилиятлари ва истеъдодларининг камол топиши ижтимоий ҳаёт формаларига боғлиқдир, коммунизм қураётган социалистик жамият шароити ҳар бир кишидаги барча маънавий кучларнинг юзлаб чиқиши учун чексиз имкониятлар очиб беради.

Совет кишиларининг онги бирданига шу тариқа ўзгармади, албатта. Совет кишиларининг янги, социалистик онги синфсиз социалистик жамият қуриш учун курашда, мамлакатни индустриалаш ва қишлоқ хўжалигини коллективлаш учун курашда қарор топди ва ўсди. Кишилар онгини ўзгартишда энг илғор идеялар—марксизм-ленинизм идеялари қудратли қуролдир.

Тарбия ишлари бизда Коммунистик партия раҳбарлигида амалга оширилади. Бу тарсЭия ишлари барча давлат муассасалари ва жамоат ташкилотлари, бутун хўжалик ва маданий қурилиш системаси томонидан, жуда кўп маориф муассасалари, хусусан совет мактаблари орқали амалга оширилади,

Ижтимоий ҳаёт шароити ўзгарган социалистик лагерь мамлакатларида халқ оммасининг онгида ҳам катта ўзгаришлар рўй бераётганини, илгари капитализм зулми остида бўлган ана шу мамлакатлардаги кишиларнинг онпи қандай ўсаётганлигини ҳозир очиқ-равшан кўриб турибмиз.

Тарихий психология деган махсус фан одам онгининг келиб чиқишини ва тарихий тараққиётини текшириш билан шуғулланади. Бу фан одам онги ва шахсининг вужудга келиш масалаларини ҳамда тарихий тараққиёт босқичларини ўрганади. Одам онгининг тараққиёти тарихий тараққиётга, меҳнат формаларининг тарихий тараққиётига, синфий кураш формаларининг тарихий тараққиётига, ижтимоий-иқтисодий формация тараққиётига боғлиқ эканлигини аниқлаш тарихий психологиянинг диққат марказида туради.

Диалектик ва тарихий материализм курсларида онгининг келиб чиқиш ва тараққий этиш масалаларига махсус бўлим ажрати.ган.

III. ОДАМ ОНГИНИНГ ЁШТА ҚАРАБ УСИШИ

^Маълумки.ҳар бир одамнинг онги туғилиш пайтидан бошлаб. бутун умр бўйи ўсиб борадиГ!.

Одам онгининг ёшга қараб ўзгариш сабаби нимада, деган савол туғилиши табиий.

•^Турмушдаги қузатишлар ва биологлар, жамиятшунослар, психологлар ва педагогларнинг кўпгина илмий тадқиқотлари бу саволга қўйидагича жавоб қайтаришимизга асос беради: ҳар бир киши онгининг ёшга қараб тараққий этиши шу киши организмнинг ўсишига, социал муҳит таъсирига, таълим ва тарбияга, шунингдек, одамнинг ўз фаолиятига боғлиқ/""

Организмнинг ўсиши

Бола организми ўсиб, камолга етиб боради. Организмнинг эйрим аъзолари ўсади ва такомил этади, шу аъзоларнинг сифати ўзгаради. Нерв системаси тараққий этиб ва чиниқиб боради. Масалан, бола бир ёшга тўлгунча бош миясининг оғирлиги икки марта ошади, тўрт-беш ёшларга борганда бош мия оғирлиги уч марта ошади. Миянинг ўсиши 20 ёшгача, баъзан ундан кейин ҳам давом этади.

Бола шартсиз рефлекслар билан туғилади, аммо ҳаётининг, биринчи ондаёқ шартсиэ рефлекслар асосида, ташқи таъсирлар туфайли шартли рефлекслар ҳам вуждга кела бошлайди.

Бола бир ёшга тўлиб, иккинчи ёшга қадам қўйганда бош мия пўстининг фақат одамга хос бўлган юксак функцияси

таркиб топади. И. П. Павлов бу функцияни иккинчи сигнал системаси деб атаган эди. Юкррида айтганимиздек, И. П. Павлов таълимотига кўра, иккинчи сигнал системасининг механизмлари — тафаккур ҳамда оғзаки ва ёзма нуткнинг нерв-физиологик негизи ҳисобланади.

Такомил этувчи нерв системаси, жумладан, бош мия—тараккий этаётган одам психикасининг моддий субстрати (асоси)дир. Аммо организм ўсишининг ўзи ҳали одам шахсини, ундаги психик ҳаёт мазмуни ва формаларини белгилаб бермайди. Бола тайёр билим ва маҳорат, тасаввур ва қобилият, тайёр ҳавас ва характер билан туғилмайди.

Организмнинг ўсишига боғлиқ бўлган психик ҳаёт имкониятлари ҳақиқатан юзага чиқиши учун бола анчайин ўсиш билангина қолмай, ижтимоий муҳитда, одамлар орасида яшаши ва камолга етиши керак.

Болаларни гўдаклигида ёввойи хайзонлар (маймунлар, бўрилар) ўғирлаб кетиши, бу болаларнинг тирик қолиб, одамларга аралашмасдан ўсиш ҳодисалари анчагина маълум. Аммо, бундай болаларда одамга хос бўлган психик қобилиятлар уларнинг ёшига яраша тараккий элган эмас.

Бу фактлар шуни кўрсатадики, организмнинг инсон жамиятидан ташқарида ўсишининг ўзи шахсининг психик тараккийетини таъминлай олмайди.

Организм ўсиши билан, жумладан, нерв системаси ўсиши билан психик ҳаёт мазмуни ва формаларининг тараккийси учун имконият вужудга келади, холос. Бу имкониятларнинг юзага чиқиш боиси шуки, одам ижтимоий муҳитда яшайди ва ьамол топади. Одам биологик зот сифатида эмас, балки соцкал зот сифатида камолга этади.

Социал муҳит

Умуман одам онги ижтимоий тарихий ҳаёт шароитида вужудга келиб, камолга етгани каби, ҳар бир одам онги ҳам факат муайян социал муҳитда камол топади.

Бола туғилган пайтиданок муайян ижтимоий ҳаёт шароитида таркиб топган ижтимоий муносабатлар шароитида, ижтимоий онг формалари қарор топган бир шароитда бўлади, бола меҳнат шароитининг таъсирида бўлади, тева-рак-атрофдаги кишилар билан сўзлашиб, алоқа қилиб туради. -г\ :

Гўдак ооланинг ўзи меҳнат қилмаиди, албатта. Аммо у меҳнат шароитида яшайди ва ўсади. Боланинг атрофида ижтимоий ишлаб чиқариш маҳсули бўлган нарсалар туради; у меҳнат самараларидан фойдаланади; катта ёшли кишилар бола учун меҳнат қиладилар, сўнгра бола вояга етиб, меҳнат?

нинг бирон турига киришади, меҳнатга бирон муносабатда бўлади.

Худди шунингдек, бола туғилган куниёқ тилга қирмайди. Аммо бошқа кишилар боланинг олдида унга мурожаат қилиб сўзлайдилар. Бола сўзлашувчилар орасида ўсади, сўнгра бола маълум ёшга етгач тилга кириб, сўзлашадиган бўлиб қолади.

Усаётган бола тилни билиб олади, тилнинг ёрдами билан эса аввалги наслларнинг тўплаган моддий ва маънавкй тажрибасини билиб олади, айни вақтда ўзининг психик қучларини ҳам камолга еткази.

Одам камолга етадиган муҳит қандайдир ўзгармас бир нарса эмас. Ҳар бир одамнинг, ҳар бир боланинг онги ўзгарувчи муҳит таъсирида камол топади. Синфий жамиятда бу муҳит синфий бўлади. Шу сабабли, конкрет муҳитга қараб, ўсаётган одам онги ҳам ҳар хил таркиб топади ва камолга этади.

Хамма шароитда бола болалигича, йигит-йигитлигича қолади, албатта. Аммо ижтимоий ҳаёт, турмуш ва маданият шароитига қараб, тарбияга қараб, ўсмирлар ва йигит-қизларнинг ўз ёшига яраша хусусиятлари бўлади.

Мамлакатимизда турмушнинг революцион йўл билан социалистик асосда қайта қурилиши ўсмир авлоднинг барча қуч ва қобилиятларини ҳар томонлама камолга етказиш учун бутунлай янги, айниқса қулай шароит туғдирди.

Таълим ва тарбия

Теварак-атрофдаги социал муҳит одамнинг ўсаётган онгига, асосан, уюшган тартибда таъсир этади. Ижтимоий формания қанча юқори бўлса, социал муҳитнинг ўсмир авлод онгига уюшган тартибдаги таъсири шунча катта бўлади.

Инсон жамияти болалар онгига асосан тарбия ва таълим йўли билан уюшган таъсир кўрсатади.

Бола тева-рак-атрофдаги кишилар билан хилма-хил ўзаро муносабатларга киришар экан, гўдаклигиданоқ билим, маҳорат ва малака ортира бошлайди. У аввал оила шароитида ёки мактабгача тарбия муассасасида, сўнгра мактабда ўқийди, таълим олади.

Теварак-атрофдаги муҳит (табиат ва жамият), меҳнат ва тил одам шахсини камолга етказадиган шароит бўлиш билан бирга, бола ўсган сайин мактабда ўрганилади, шунингдек тарбия воситаси сифатида фойдаланилади.

Таълим ва тарбия» одамни камолга етказадиган асосий етакчи фактордир. Бунинг сабаби шулар:

1. Организм ўсишининг ўзи ва муҳитнинг стихияли таъсири беролмайдиган нарсани одам таълим ва тарбия процессида

олади. Масалан, бола она тилини теварак-атрофдаги мухитни «стихияли» таъсирида ҳам билиб олиши мумкин. Аммо, ўқиш-ёзишни фақат махсус таълим олиш йўли билан ўрганиши мумкин.

Одам қўл-оёғининг хилма-хил ҳаракатлари организмнинг ўсиши билан бирга ва шу организм яшайдиган шароитга қараб такомил этади. Аммо, махсус меҳнат ва техник кўника ҳамда малакаларини одам фақат ўқиб-ўрганиш йўли билан эгаллаб олади.

2. Одамнинг ноқулай органик такомил натижаси бўлган нуқсон ҳам таълим ва тарбия йўли билан зарур томонга қараб ўзгартирилади. Масалан, баъзи болаларнинг айрим нуқсонлар билан—кўр, кар (кар-соқов, кўр-кар-соқов) бўлиб тугилиши маълум. Аммо, махсус ташкил этилган таълим ва тарбия ёрдами билан бундай болалар ақли тўла-тўқис ўсади, Бунга кўр-кар-соқов Ольга Скороходова ёрқин мисол бўла олади, Ольга ўқиб, олий маълумот олди, бир қанча илмий асарлар ва шеър тўпламлари ёзди.

3. Мухитнинг стихияли салбий таъсир этиш натижаси бўлган камчиликлар ҳам таълим ва тарбия йўли билан зарур томонга ўзгартирилади. Масалан, 9—10 яшар болаларда баъзан мухит таъсири билан баъзй ёмон одат ва майллар—тамаки чекиш, карта ўйнаш, сўқиниш ва шунга ўхшаш ярамас одатлар пайдо бўлиши мумкин.

Махсус педагогик усуллар билан таъсир этиб, бу ярамас одат ва майлларни бартараф қилиш ва ўрнига бошқа яхши одатларни сингдириш мумкин.

4.- Таълим ва тарбия шахс тараккиётида прогрессив ахамиятга эгадир. Мухитнинг стихияли таъсири одамнинг тараккиётини шу мухит даражасига еткази олади. Таълим ва тарбияда шу прогрессив жамият даражасидан ташқарига чиқадиган мақсадлар (идеялар) қўйилади. Масалан, биз социалистик жамиятда яшамокдамиз. Аммо педагогика системизда келажак кишиларини, янада мукамал коммунистик жамият кишиларини етиштиришни мақсад қилиб қўямиз.

Бундай мақсад ёш авлодда психиканинг камолга етиш хусусиятларини ҳам белгилаб беради, совет ёшларида ҳақиқий, коммунистик мақсадга интилиш, коммунистчасига ўйлаш ва ишлашга интилишнинг тараккий этини таъминлайди. Шундай мақсад қўйилар экан, тарбия ва таълим шахс тараккиётида прогрессив ахамиятга эга бўлади.

5. Таълим процессида болалар ўз ақлини илм билаи бойитиб, бир қанча маҳорат ва малака олиб, шу билан бирга ўзлари ҳам камол топадилар.

Болаларнинг камолга етиш даражаси бирор билим ва малакаларни ўзлаштириш имкониятига боғлиқ. Билим ва малакаларни ўзлаштириш процесси эса ўз навбатида болаларнинг

жисмоний ва маънавий жихатдан камол топишига имкон беради.

•Таълим процессида болаларнинг ирода ва маънавий сифатлари такомил этади, уларнинг дунёқараши таркиб топади.

Таълим — одамнинг табиий қобилиятларини уйғотиш ва ривожлантириш учун муҳим шартлардан биридир. Г>

Одамнинг ўз фаолияти

•-ч^Хар бир шахснинг камолга етиши фақат организмнинг ўсишига, мухит ҳамда таълим ва тарбия воситаларининг таъсир этишига боғлиқ бўлиш билангина қолмайди; хар бир шахснинг камол топиши шу камолга етаётган кишининг актив иштироки билан бўлади. Бу фаолият аввало шунда Кўринадики, бола мухитнинг, тарбиячилар ва ўқитувчиларнинг ўзига кўрсатаётган таъсирига ижобий ёки салбий муносабатда бўлади.

Боланинг ташқаридан бўладиган таъсирларга бирор муносабатда бўлиши аввал организмнинг тузилиш ва фаолият хусусиятларига, шунингдек унда келиб чиққан эҳтиёжларга боғлиқ. Усаётган организмнинг хусусиятларига ва пайдо бўлаётган эҳтиёжларига қараб, боланинг баъзи психик хусусиятлари ёшлик давридани таркиб топа бошлайди. Шунга қараб, такомил этаётган одам ўзига кўрсатиладиган таъсирларни болалик давриданок турлича ва турли даражада ўзлаштиради. Бола ҳаётининг дастлабки кунлариданок кўринадиган актив муносабат кейинчалик фаолиятга айланади. Бу фаолият эса одамнинг теварак-атрофдаги табиий мухитга, социал мухитга ва айрим кишиларга таъсир этиши демакдир. Агар бола мутлақо қимирламай тураверса (амалда бундай бўлиши мумкин эмас, албатта), психикаси тараккий этмаган бўлур эди.

>ч^Хар бир зотнинг ўз тараккиёти унинг камолга етишида каттж роль ўйнайди. Одамнинг ўз тараккиёти фаолиятда юзага чиқади. Одамнинг ўз тараккиёти ёш сайин онгли процессга айланиб, фаолиятнинг ўз-ўзини тарбиялаш деган махсус турига айланади. Одам бошқаларни тарбиялаш билангина қолмай, ўз-ўзини ҳам тарбиялайди.

Шунинг учун хар бир одам умрининг қандайдир ёшидан бошлаб қандайдир даражада, мактаб.ёшидан бошлаб эса кўпроқ ўзининг хатти-ҳаракатига тегишли тарзда жавобгар бўлади. ,^Д_

Ёш психологияси деган махсус фан одам психикасиининг ёш сайин тараккий этишини текширади.

Бу фан одам ёшнинг турли босқичларида психиканинг кетма-кет тараккий этиш хусусиятлари ва қонуниятларини ўрганади. Одам умри давомида^ (онтогенезда) онг ва шахс кетма-кет қандай таркиб топишини Текшириш, одам ёшининг

хар бир боскичида — гўдаклик давридан тортиб то кексайгун-
:a — бу психика структурасининг қандай специфик хусусият-
лари борлигини билиш, одам психикасининг ёшга қараб та-
раққий этиши қандай факторларга боғлиқ эканлигини
аниқлаш—ёш психологиясининг вазифасидир.

Йш психологияси системасида болалар психологияси ало-
хида муҳим ўринни эгаллайди. Бу фан чақалоклик, гўдаклик,
мактабгача тарбия ёши, мактаб ёшида психика қандай тарақ-
қий этишини ўрганайди. Бу ўсиш давлари одам шахси ва он-
гининг заптига олиб таркиб топиш даври ҳамдир. Болалар
психологиясининг марказий проблемаси «Боланинг аклий та-
раққиёти тарихи» дир (Л е н и н).

Психологиянинг махсус соҳалари — «Ёшлар психология-
си», «Катталар психологияси», «Кексалар психологияси»
ҳам ёш психологияси системасида ўзига муносиб ўринни
эгаллайди.

IV. ШАХС

Шахс деб конкрет бир кишини айтамыз. Ҳар бир киши жа-
мият аъзоси бўлиб, тарихан таркиб топган муайян ижтимоий
муносабатлар шароитида яшайди ва ишлайди.

Шахсни таърифлайдиган муҳим психологик орлгиларга
тўхтаб ўтайлик.

Шахснинг социаллиги, онги ва ўзини англаши

^--Одамнинг шахс сифатидаги асосий белгиси унинг социал-
лигидир, шу билан бирга психик ҳаётнинг юксак формаси
бўлган онги ва кишиларнинг ўзаро сўзлашиб алоқа қилиш
всситаси бўлган тилидир.

К. Маркс шахснинг муҳим белгиси бўлган социаллик
тўғрисида шундай деб ёзган эди: «... одамзоднинг моҳияти:.;
ижтимоий муносабатлар мажмуидир»¹. --4^

Бу таъриг;ни Маркс Л. Фейербахга \карши айтган эди.
Фейербах одамни фақат биологик зот деб^ билар эди. Фейер-
бах одамни ижтимоий ҳаётдан ажралган қандайдир абстракт;
индивидуал зот деб ҳисоблар эди.

К. Маркснинг юқорида келтирилган сўзлари ҳар бир одам-
нинг жамият билан ўзаро муносабатларидан қатъи назар,
туғилиш пайтиданок унга шахснинг бутун асосий психик маз-
муни хосдир, гўё ҳар бир одам ўзиинг тайёр «мени» билан,
ўзини англашга тайёр бўлиб туғилган деб даъво қилувчи
идеалистик қарашларга умуман қарши қаратилгандир.

1/Маркс таъкидлаганидек, жамиятдан ташқарида одам одам
бўлолмайди ва кишилар ўртасидаги социал алоқа уларнинг

амалий фаолиятидаги, ижтимоий ишлаб чиқариш процесси-
даги муносабати билан белгиланади.

Одам бошқа кишиларга муносабатда бўлиш туфайлигина
окглироқ бўлиб қолади ва унинг психик ҳаёти муайян маз-
мунга эга бўлади. Ана шу муносабатлар нечоғли мазмундор
ва ранг-баранг бўлса, одамнинг психик ҳаёти ҳам шунчалик
мазмундор ва ранг-баранг бўлади.

Одам онгининг юксак белгиси — унинг ўзини англашидир,
одамнинг ўзини англаши ҳам шахснинг муҳим белгисидир.

/Шахснинг ўзини англаши шундан иборатки, одам жамият-
да тараққий этар ва ишлар экан, тева-рак-атрофдаги муҳитда
ўзининг индивидуаллигини, субъектлигини ажратади. Одам тева-
рак-атрофдаги оламни билувчи ва шў дунёга таъсир этувчи
зот сифатида ҳар бир одам субъектдир, одамнинг идрок эта-
диган, тасаввур қиладиган, фикр юритадиган, тилга оладиган
ға таъсир кўрсатадиган нарсаси унинг учун объектдир^ Одам-
нинг ўзини англаши субъектив равишда ўзини «мен» деб хис
қилишида ифодаланади.

Одам ижтимоий зот бўлганлигидан унга ўзини англаш ко-
билияти хосдир. «Одам,— деб ёзади Маркс,— том маънодаги
лооп **polelkon** яъни бири-бирига аралашиб кетувчи ҳайвон-
гина бўлиб қолмай, балки фақат жамиятда ўзининг менлигини
англаб оладиган ҳайвон ҳамдир»¹. Фақат ижтимоий ҳаётда,
бошқа кишилар билан муносабатда бўлишда одамнинг ўзини
англаши, ўзини «мен» деб билиши вужудга келади ва тарақ-
қий этади.

«У (одам — **П. И.**),~деб ёзади Маркс,— қўлида кўзгуси
бўлмасдан ва «мен менман» дейдиган фикрчи философ бўл-
масдан туғилади, шунинг учун одам аввалтфақат ўзини ойнага
солгандай, бошқа одамга разм солади. Павел деган одамга
ўзи сингари одам деб қарар экан, Петр шундагина ўзини
одам деб била бошлайди»².¹^

Аммо одам жамиятнинг бир аъзоси ва оламнинг бир қис-
\мидир, шу сабабли одам тева-рак-атрофидаги оламдан ўзини
Бжратса ҳам, айна вақтда шу олам билан боғланганлигини
чнглайди. Одам ўз тева-рак-атрофидаги оламдан ажралган
қолда ўзини «мен» деб англай олмайди, чунки одам онгининг,
^узини англашининг, «мен»ининг мазмуни ўша одам атрофи-
Баги реал-воқелик инъикосидир.

| 'иШахснинг ўзини англаши шунда ифодаланадики, одам
тева-рак-атрофдаги оламда ўзини ажратиш билан бир вақтда,
|ўзининг шу оламга узвий равишда боғланганлигини англай-
(ди, ўзига, ўз фаолиятига ва ўз вазифаларига англаб-билиб
муносабатда бўлади. ч

К- Маркс ва Ф. Энгельс, Асарлар, IV том, 590- бет.

| ' К. Маркс ва Ф. Энгельс, Асарлар, XII том, I қисм, 174- бет.
| К. Маркс ва Ф. Энгельс, Асарлар, XVII том, 60-бет

У / Шахнинг ўзини англаши, «Мен» деб хис қилиши ҳамиша Тмуайян мазмуни билан юзага чиқади. Узининг борлиғини англаши, одамнинг ўзини ким деб билиши — ўқувчи, ишчи, ўқитувчи, инженер ва шунга ўхшаш деб англаши, ўзининг ўтмишини ва келажagini англаши, бошқа кишилар билан ўзаро муносабатини англаши, ўз ҳуқуқ ва бурчларини англаши, ўзининг фазилат ва камчиликларини ва шунга ўхшашларни англаши ўзини англашга киради.

Шахс ўзини англаганлигидан ўзинн-ўзи кузата олади ва ўзини-ўзи билиб олади, кўнглидан ўтган кечинмаларни тушуна олади, ўзининг хатти-ҳаракатларига ўзи танкидий кўз билан қарай олади.

Шахснинг ўзини англаши ва ўзини билиши ўз хулқ-атворини бошқариш учун зарур шартдир, ўзини-ўзи тарбиялаш учун ва ўз аклини ўзи ўстириши учун зарур шартдир.

Шахснинг бирон мақсадни кўзлаши ва дунёқараш

Шахснинг белгиси ва ўзини англашининг мазмуни — унинг бирон мақсадни кўзлаши, шунга интилишидан иборат.

Шахснинг муҳим хоссаси шуки, у бирон мақсадни кўзлайди, шу мақсадга интилади. Шахс ҳамиша бирон нарсага, бирон мақсадга, бирон объектга кўз тикади, унга интилади. Вокеликнинг реал соҳалари ана шундай объект бўлади, аммо ҳақиқатда йўқ бўлган, хом хаёлдан келиб чиққан нарсалар ҳам шундай объект бўлмоғи мумкин.

'Шахс ўз ҳаётида муайян бир идеал учун, киши истиқболнинг ўз умрида амалга ошириш лозим деб ҳисоблайдиган ва амалга оширадиган баркамол образи учун интилади ва шунини ўзига олий мақсад қилиб олади. Одам шу мақсадни деб яшайди ва ҳаётининг маъноси шунда деб билади.

Одамнинг интилишлари, ҳаёт мақсади муайян ва барқарор мақсад бўлиши учун шу юксак идеал ҳам хом хаёл маҳсули бўлмасдан, балки ҳақиқатан ҳам ҳаётий, барқарор ва доимий идеал бўлиши керак. Юксак идеал ёки олий мақсад кишининг дунёқарашидан келиб чиққандагина барқарор ва ҳақиқий идеал бўла олади.

'Дунёқарашнинг бўлиши ҳам шахснинг муҳим белгисидир. дунёқараш — • одамнинг табиат ва ижтимоий ҳаёт ходисалари"ҳақидаги қарашлари, тасавурлари ва тушунчалари системасидир^,

Синфий жамиятда ягона дунёқараш йўқ ва бўлиши ҳам мумкин эмас,

Марксизм-ленинизм асс.счилари ишлаб чиққан дунёқараш — энг илғор ва фанга¹ асосланган дунёқарашдир. Бу дунё қараш ташқи олам ва инсон тафаккурининг тараққиёт процесслари ҳақида мунтазам қарашлар системасини бера-

ди. Бу дунёқараш фаннинг ютуқларига ва инсониятнинг кўп асрлик тажрибасига асосланади, у ҳеч қандай диний таассуб, хурофотларга, реакцион қарашларга тоқат қилолмайди. Совет кишилари марксизм-ленинизм идеялари руҳида тарбияланмоқдалар, Маркс, Энгельс, Ленин асарларини ўрганмоқдалар, мамлакатнинг ижтимоий-сиёсий ҳаётида, Ватан қудратини мустаҳкамлаш учун курашда актив иштирок этмоқдалар. Илғор совет кишилари марксча-ленинча дунёқарашнинг қоидаларини билиб олиш ва ўз фаолиятларида амалга ошириш билангина қолмай, бу дунёқарашни ўз дунё қарашлари деб, бирдан-бир чинакам дунёқараш деб билмоқдалар, чунки бу дунёқараш совет кишиларининг барча эҳтиёжларини ва юксак талабларини тўла қондиради. Марксча-ленинча дунёқараш совет кишиларининг ўз маслағидир.

Одамнинг кўзлаган мақсади, хатти-ҳаракати дунёқарашга мос бўлиб, шахснинг эҳтиёжига айланганда бу дунёқараш маслак бўлиб қолади.

Идеаллар (олий мақсадлар) ва дунёқарашнинг мавжудлиги ҳам одамнинг ўз онига қўшилади. Одам ўз идеалларини англаб, ўз дунёқарашини ва маслақларини билиб олиб, ҳаётда ва жамиятда тутган ўрнини аниқлайди, нимани деб яшаётганлигини ва ишлаётганлигини, ўзини, ўз фаолиятини қай йўлдан камолга етказа бориши кераклигини, жамиятда қандай киши бўлиб етишуви зарурлигини аниқлаб олади.

Одамнинг эҳтиёжлари ва меҳнат ^C^^

Шахснинг муҳим белгиси — фақат одамга хос махсус эҳтиёжларнинг борлиғидир.

Эҳтиёжлар — одамнинг кун кўриши ва яшаши учун зарур нэрсалардир.

Одам яшамок, кун кечирмоқ учун ўз эҳтиёжларини қондириши керак^-

К. Маркс «кишилар «тарих яратиш»га қодир бўлмоқ учун яшаш имкониятига эга бўлишлари керак. Аммо яшамок ўчун аввало емоқ ва ичмоқ керак, турар жой, кийим-кечак ва"яна бнр қанча нарсалар керак»¹, дейди.

Юқорида айтганимиздек, эҳтиёжлар ҳайвонларда ҳам бор. Аммо ҳайвонларда фақат биологик, туғма эҳтиёжлар бўлади,— овқатланиш, сақланиш, насл қолдириш эҳтиёжлари бор ҳолос. Одамда эса биологик эҳтиёжлардан ташқари, яна юксак эҳтиёжлар — билиш эҳтиёжлари, социал эҳтиёжлар, маънавий, эстетик ва бошқа шу қаби эҳтиёжлар бор. Бу эҳтиёжлар туғма эҳтиёжлар эмас — улар тарихан тараққий этган. Социал зот бўлган одамнинг биологик эҳтиёжлари ҳам тарихий тараққиёт процессида сифат жиҳатдан ўзгарган".

¹ К. Маркс ва Ф. Энгельс, Асарлар, IV том, 18-бет,

Кишиларнинг эҳтиёжлари ижтимоий тузум формаларининг тараққийсига қараб ўзгаради. Капиталистик жамиятда шафқатсиз эксплуатация, оғир меҳнат шароитида меҳнатқашларнинг ҳатто табиий эҳтиёжлари ҳам кондирилмайди, балки одам эҳтиёжларининг янада ўсишини тўхтатадиган ҳамма ноқулай шароит тўғдирилади.

Одамдаги хилма-хил эҳтиёжларнинг ўсиши ва кондирлиши учун зарур бўлган ҳамма имкониятларни меҳнат социалистик асосда ташкил этилган социалистик тузумгина фоят кенг миқёсда яратиб бера олади. Социализмнинг асосий иқтисодий қонуни — бутун жамиятнинг доимо ўсиб бораётган моддий ва маданий эҳтиёжларини максимал даражада кондиршидир.

Ҳар бир айрим одамнинг эҳтиёжлари социал муҳит, тарбия ва практикага қараб ўсади, тараққий этади.

Эҳтиёжни кондиршиш процесси ҳаётнинг муҳим бир томонини ташкил этади.

Одам юксак даражадаги маънавий эҳтиёжлари борлиги билангина эмас, балки ўзининг ҳамма эҳтиёжларини (шу жумладан, биологик эҳтиёжларини ҳам) англаши билан ҳам ҳайвонлардан фарқ қилади. Эҳтиёжлар одамни ғайратга киргизади, унинг фаолиятининг ҳамма турларига далда беради.

Юқорида айтилганидек, ҳайвонлар ўзининг эҳтиёжларини туғма инстинктив ҳаракатлар ёрдами билан ва инстинклар асосида вужудга келган қўникмалар ёрдами билан кондиради. Одам шахс бўлганидан ўз эҳтиёжларини онгли, оқилона ҳаракатлар ёрдами билан кондиради. Шу билан бирга, одам фақат инсонга хос бўлган маданий-социал эҳтиёжларинигина эмас, балки табиий, биологик эҳтиёжларини ҳам оқилона кондиради.

Шу билан бирга одамнинг ҳаракати, ҳайвонлар ҳаракатидан тафовут қилиб, ижодий характерда бўлади. Ленин практика ва билиш назариясининг ахамияти тўғрисидаги Гегель таълимоти.чи текшириб, «Одам онги объектив дунёни акс эттириш билангина қолмай, уни ижод этади ҳам»¹, деб ёзади.

Ҳайвонлар теварак-атрофдаги муҳитга фақат мослашади, ундан тайёрини олади. Одам муҳитга мослашиш билангина қолмайди, балки шу муҳитни қайта қуради, ўзгартиради, ўзига мослаштиради. Шахснинг оқилона ирода билан бўладиган фаолияти ижодий меҳнатда зоҳир бўлади. Одам янгилик яратади, ижод этади, шу янгиликни теварак-атроф-

даги воқеликка қўшади, воқеликни ўзгартиради ва тўлдирадн.

Кишиларнинг ижтимоий меҳнат фаолияти туфайлн ер шарининг бутун қиёфаси ўзгардн — янги географнк муҳит вужудга келди дейиш мумкин. «Ер юзи, иқлим, ўсимликлар, ҳайвонот дун'си ва ҳатто одамларнинг ўзи ҳам чексиз ўзгарди ва буларнинг ҳаммаси одамзод фаолияти туфайли бўлди»¹. Кишиларнинг ижодий меҳнати туфайлигина замонавий гигант заводлар, гез учадиган самолётлар, «ўйлайдиган» электрон ҳисоб машиналари, ракеталар ва космик кемалар вужудга келди.

) ЦЛасхнинг индивидуал хусусиятлари унинг белгиси ҳисобланади. Ҳар бир одамнинг ўзига яраша шахсий хусусиятлари бор. Бир-бирнга ўхшайдиган, аммо тамомила бир хил бўлмаган кишилар бор. Одамнинг индивидуал хусусиятлари аклида, ҳисларида, иродасида намоён бўлади. Ҳар бир одам ўзига яраша идрок этади, эслаб қолади, ўзига яраша фикр юритади ва сўзлайди. Ҳар ким турли ҳисларнн ўзига яраша кўнгилдан кечиради ва турли шароитда ўзнга яраша иш қилади. Ҳар бир одамнинг ўзига хос темпераменти ва характери. ўзига яраша индивидуал лаёқат-қобилиятлари ва кизиқиш-хаваслари бор.

Юқорида айтилганлардан, шахснинг моҳияти фақат юқорида кўрсатилган психик белгилардан иборат экан, деган маъно чиқмайди. Шахснинг таркибий қисми одам организми — гавдасидир.

Одамни шахс деб айтганимизда умуман одамни — унинг оғли ва организмини назарда тутамиз.

¹ В. И. Ленин, Философия дафгарлари, Госполитиздат, 1947, 184-бет.

¹ Ф. Энгельс, Табиат аилектикаси, 183-бет. Госполитиздат, 1953.

и к к и н ч и қ и с м
ПСИХИК ПРОЦЕССЛАР

О а ч ^ ч и л .

Г У Б О Б

OS*

СЕЗГИЛАР /У О

I. СЕЗГИЛАР ҲАҚИДА УМУМИИ ТУШУНЧА

{Теварақ-атрофимнзда бўлган ва бнзга таъсир этиб турадиган нарса ва ходисаларнинг хилма-хил хоссалари бор. Бу хоссалар кўрув, эшитув, туйғу органларн/ва шунга ўхшаш сезги органлари ёрдами билан онгимнзда бевосита акс э-ади. Сезги органларимизга таъсир этадиган нарсалардсии айркм хоссаларнинг миямизда шу тариқа бевосита акс э-ади. Бнз қизил, яшил рангларни, ширш., аччиқ таъмларни, огир-енгилни, иссиқ-совукни ва шу кабнларнн сезамиз.

Сезги оргацига таъсир этнб. сезгини вужудга келтирадиган ҳар бнр нарса (ёки ходиса) кўзғовчи деб аталади, унинг таъсирн эса кўзғалиш деб юритилади.

Сезиш процесси куйидагича рўй берадн: 1) нарса ёкн ходисалар сезги органларига (рецепторга) таъсир этиб, тегишли сезувчи нервнинг чекка (периферик) учларннн кўзғайди; 2) шу ерда келиб чиққан кўзғайиш ўша нервнинг ўтказувчи Аўли орқалн бош мия пўстининг тегишли марказнй хужайралар системаспга ўтади; 3) бу ерда нерв кўзғалиши психнк ходнсага, яъни сезгнга айланадн.

Сезиш процессининг ана шу 3 босқичи И. П. Павлов томонндан анализатор деб аталган сезувчи нерв аппаратининг тузилишига мувофик равишда ўтадн. Юқорида айтганимиздек (46-бетга қаралсин), ҳар бнр анализатор сезувчи нервнинг чекка тармоқларидан, ўтказувчи йўлдан ва бош мия пўстининг марказий хужайраларидан иборат. Анализаторнинг юқорида кўрсатилган қисмларидан бирортаси зарарланса, сезгн хосил бўлолмайди.

Номидан ҳам лўриниб турнбдики, анализаторлар теварақ-атрофдагн олам таъсирларнни анализ килиб берадн. Анализаторлар инсоннинг кўп асрлардан бери давом этиб келган

тарихида ҳаёт учун ннҳоятда муҳим бўлиб келган кўзғовчи-нарни бошқа кўзғовчилардан ажратадн, уларнн бир-биридан Е.йириб беради.

Ҳар бир сезги одатда хуш ёки нохуш туйғулар билан боғланган бўлади. Бу, сезгининг хиссий ёки эмоционал тони деб аталадн. Масалан, шнрин нарса кишига хузур беради, тахир-бемаза нарса кўнгилни беҳузур қнлади. Баъзн сезгиларда **ХИССИЙ** тон жуда кучли бўлади. Масалан, ортикча тўйиш, очикнш. огрик сезгилари шундайдир.

Сезиш процессида туғиладиган хуш ёки нохуш туйғу **ВЙНН** вақтда организмнинг кўзғовчи тзъсирига жавобан реакциясига сабаб бўладн (бу реакция баъзан аранг билинади). Бу реакциялар болалик даврида айникса яққол кўринади. \на шу реакцияларга қараб, болаларнннг бирон сезгинн бошдан кечираётганини биламиз. Ана шу реакция.тарнинг борлиги сезгининг нерв-физиологик механнзми рефлексдан иборат эканлигини кўрсатади.

Академик К. М. Биков ва ҳамкорларининг гадкиқотларига қараганда, сезгининг нерв-фнзнологик асосн шартлн рефлексдир.

Шундай қилнб, сезги теварақ-атрофдаги моддий дунёни бнлишнинг бирпнчн босқичндир, сезгида хиссий тон ҳам, актив прода моменти ҳам бор, сезгининг мураккаб нерв-фнзиологик асосн ҳам бор.

К. М. Бнков ва ҳамкорлари: «барқарор шартли рефлекс— • энг оддий пснхик ходиса бўл.миш сезгининг физиологик асосндир»¹, деб кўрсатадилар.


II! СЕЗГИ ТУРЛАРИ /Ў О

[Сезгнлар хилма-хил бўладиУ Турли-туман сезгини қайси сезги органлари ёрдами билан хрсил килсак, уларни ўша органларга қараб одатда, куйидаги турларга, яъни кўриш сезгнлари, эшнтиш сезгилари, хнд билиш сезгиларн, таъм (маза) билиш сезгилари, тери сезгилари, мускул-ҳаракат сезгиларп ва орханик сезгиларга ажратн.тади.

[Сезги органларп қаерда эканлигига ва қаердан кўзғалишига қараб, уларнн уч группага ажратиш мумкнн: эҳхтероренепторлар, проприорепторлар ва интерорептор"ларТ

7 Экстерорепторлар организмнинг спртнда бў.ППГГГ—кўрлшГГ эшитиш, хид билиш, таъм (маза би.тнш, тери сезгиси,

¹ К. М. Биков ва А. Т. Пшонн, Шартли рефлекснинг табиати птрисида, «Физиологический журнал СССР», XXXV юм, 1949 йил, 5- сон.



^мускул-ҳаракат/ сезгиси ва органик сезги органлари шу жумладандир. Бў" органлар одатда ташки сезги органлари деб аталади. Организмимиздан ташқаридаги нарса ва ҳодисаларнинг хоссалари ана шу органлар ёрдами билан акс эттирилади. Шу органлар орқали келиб чиқадиган сезгилар Акўрнш, эшитинДсезгилари ва ҳоказо))экстерорецептив сезгилЗр деб аталади.)

/Проприорецепторлар мускул, пай ва бойланмаларда бўлади^Организмимиз ва ундаги айрим органларнинг турли ҳаракатларияи ва вазиятини ана шу органлар ёрдами билан сезамиз.ИЗу сезгилар проприорецептив сезгилар деб аталадш| Мускул-ҳаракат сезгилари (кинестетик сезгилар) ва мувбзана-нат сезгилари (статик сезгилар) шу жумладандир.

)Интерорецепторлар гавдамиз ичидаги органлар — меъда, ичак, жигар, ўпкада бўлади.дОвқат ҳазм қилиш, нафас олиш, қон айланиш органлари-ЖГГ шунга ўхшаш ички органлардагк процесслар (кўзғалишлар) вужудга келтирадиган сезгилар шу рецепторлар ёрдами билан битинади.(Бу сезгилар интерорецептив сезгилар деб аталади} Органик сезгилар деган сезгилар шу жумладандир.



Кўриш сезгилари

[Радг ва ёрутликни сезиш кўриш сезгиларига қиради.^

/Тэиз сезадиган ранглар хроматик ва ахроматик рангларга бўлинадиД

Еруғлик нурлари учбурчак шиша призма орқали ўтиб синганда ҳосил бўладиган ранглар/хроматик ранглар деб аталади. Хроматик ранглар камалак ранглари бўлиб, бунда қизил, зарғалдоқ, сарик, яшил, ҳаво ранг,- кўк ва бинафша ранглар қиради.дБу рангларнинг турлари ниҳоятда хилма-хил бўлиб, жуда кўпдир.

[Оқ ранг билан қора ранг, шунингдек, хилма-хил ҳамма кул ранглар ахроматик ранглар деб аталади]

.КўривН сезгиларининг органи — кўздир. Бу орган кўз соққаси билан ундан чиқадиган кўрув нервдан иборат (16-расм).


Кўз соққасида учта парда, яъни: ташки, томирли ва тўр парда бор.

Ташқи парданинг тиникмас (оқ) қисми склера (қотган ёки қаттиқ парда) деб аталади. Ташқи парданинг олдинги бирмунча каварик қисми тиник (муғуз) парда деб аталади-

Ташқи парданинг орқасидч томирли'парда бор. Томирли парданинг олдинги қисми рангдор парда деб аталади. Рангдор парданинг рангга қараб, кишиларни кўк кўз, қўй кўз,

ксро кўз деб атаймиз ва ҳоказо- Рангдор парданинг ўртасида юмалок тешиқ бор, қорачиқ деб аталадиган ана шу тешиқдан кўзнинг ичига ёруғлик нурлари ўтади. Еруғликнинг озкўплигига қараб, қорачиқ кенгайиши ва торайиши мумкин. Кўзнинг учинчи пардаси —тўр парда бўлиб, у кўз соққасининг деярли бутун ички юзасини қоплайди.

Қорачиқ билан рангдор парданинг орқасида ккки томони каварик, тиниқ жисм —кўз гавҳари туради, ёруғлик нурлари кўз гавҳарида тўпланиб, синади ва натижада тўр пардага нарсанинг акси (сурати) тушади. Ҳалқа шаклидаги киприксимон мускулнинг узайиши ва қисқариши туфайли гавҳар гоҳ яссиланади, гоҳ қаваради: нарса кўздан узоклаштирилганда гавҳардеярли ясси бўлиб қолади, нарса кўзга яқинлаштирилганда эса гавҳар деярли шар шаклига қиради. Кўз гавҳарида шундай хосса борлигидан, яқиндаги нарсаларнинг акси ҳам, узокдаги нарсаларнинг акси ҳам гавҳардан ўтиб, худди тўр пардага тушади.



16-расм. Кўзнинг схематик кесиги:

/—кўриш нерви; 2— тўр парда; 3—муғуз парда; 4— оксил парда; 5— рангдор парда; 6 — томирли парда; 7 — сарик доғ; 3— гавҳар; 9 — шишасимон жисм.

Кўз соққасининг гавҳар билан тўр парда ўртасидаги бутун ички юзаси шишасимон жисм деб аталувиши махсус тиник суюқлик билан тўла (16-расм).


Тўр парда рангни ва ёруғликни сезиш учун асосий аҳамиятга эга. Кўрув нервнинг тар.моқлари тўр пардада жойлашгандир. Бу тармоқларнинг чекка учларида махсус нерв хужайралари — шаклан таёқча ва қолбачага ўхшагани учун таёқчалар ва қолбачалар деб аталадиган хужайралар бўлади (17-расм). Одам кўзининг тўр пардасида 130 миллионга яқин таёқча ва 7 миллионга яқин қолбача бор.

Қолбачаларнинг ёруғликка сезирлиги кучли эмас. Қолбачалар ёрдами билан биз фақат равшан (қундузги) ёруғликда кўраемиз. Хроматнк ранглар қолбачалар ёрдами билан кўрилади. Шу сабабли, қолбачалар қундузги ёруғликда кўриш ёки рангни айириш аппарати деб аталади. Таёқчалар эса, аксинча, ёруғликни яхши сезадиган бўлиб, энг хира ёруғликни ҳам сеза олади. Тунда, қош қорайганда ва умуман хира ёруғликда таёқчалар ёрдами билан кўраемиз. Таёқча-

лар — ғира-ширада кўриш аппаратларидир. Таёкчалар ёрдами билан фақат ахроматик ранглар кўрилади. Шу сабабли, ғира-ширада хроматик ранглар яхши билинмайди еки бутунлай бнлинмайди, натижада ҳамма нарсалар бизга кул ранг бўлиб кўринади.

Тўр парданинг энг сезгир жойи—сарик доғнинг асосаа колбачалар билан тўлган марказий чуқурчасидир.

Ниманинг акси (сурати) сарик доғга тушса, ўша нарса-ни камма нарсадан кўра равшанроқ кўрамиз. Бирон нарсага тикилганимизда кўз мускулларининг ёрдами билан кўзимиз шундай буриладики, натижада ўша нарсанинг акси, албатта, ҳар бир кўзимиздаги тўр-парданинг сарик доғига тушади. Бундай кўришни тўғридан кўриш дейилади. Нарсалар суратининг сарик доғдан ташқарида |—тўр иарданинг ён қисмларида акс этиши ёндан кўриш деб аталади.



17- расм. Кўз тўр пардасининг тузилиши:
&—гаёкчалар, В—колбачалав

Тўр парданинг бир жойида рангни ва ёруғликни сезадиган таёкчалар билан колбачалар мутлако йўк. Бу — кўрув нервининг кўз сокқасидан чикиш жойидир. Тўр парданинг ана шу жойи ёруғликдан таъсирланмайди ва кўр доғ деб аталди.

Одатда кўр доғнинг борлигини пайкамаймиз, чунки нар-санинг бир кўздаги кўр доғга тушадиган тасвири иккинчи кўз тўр пардасининг сезгир жойига тўғри келади.

18-расмдан фойдаланиб, ҳар ким ўз кўзидаги кўр доғни топиши мумкин.

Кўр доғни топиш усули

Кўр доғни топиш учун расм кўздан 25—30 см узокликка кўйилади, ўнг кўзни юмиб, чап кўз билан расмнинг ўнг то-монида турган доирагача қаралади. Суратни олдинга ва ор-қага дам-бадам суриб, шундай масофага келтириладики, бундай масофада расмдаги крестча шакли кўринмай қолади. Бунинг сабаби шуки, крестчадан келаётган нур кўзнинг кўр доғига тушиб қолади.

Агар чап кўзни бекитиб, ўнг кўз билан крестчага қарал-са, доирача кўринмай қолади.


Тажриба вақтида кўзнн чалғитмаслик керак, чунки кўзнинг салгина чалғиши ҳам кўр доғ харакатини ўзгар-тиради.

Кўз сокқасидан чиқадиган кўрув нервининг толалари ярим шарлардан ўтиб, бош миянинг энса бўлагига боради,— бош мия пўстининг кўрув марказлари ҳамшу ердадир.

Кўриш сезгиларининг физик сабаби

Кўриш сезгисини ҳосил қиладиган физик сабаб — ёруғлик-дир, яъни электромагнит тўлқинларидир. Бу тўлқинлар тур-лича узунликда бўлиб, вақт бирлиги ҳисоби билан (бир секунд ичида) тебраниш тезлиги (частотаси) ҳам ҳар хил. Ёруғлик тўлқинларининг узунлигини миллимикрон (миллиметрнинг миллиондан бир бўлаги) ҳисоби билан ўлчанади. Одам кўзи сезадиган ранглар тахминан 380 миллимикрондан /80 милли-микронгача узунликдаги тўлқинларнинг таъсири билан ҳосил бўлади. Ёруғлик тўлқинларининг тебраниш тезлиги даражасн (частотаси) бу тўлқинларнинг секундига неча биллиоь марта тебранишига қараб ўлчанади. Энг узун тўлқинлар (узунлиги 780 миллимикрон бўлиб, секундига 450 биллион марта тебра-надиган тўлқинлар) қизил ранг сезгисини ҳосил қиладн. Энг қалта тўлқинлар (узунлиги 380 миллимикрон бўлиб, секундига 750 биллион марта тебранадиган тўлқинлар) бинафша ранг сезгисини ҳосил қилади.

Спектрдаги айрим рангларни -кўриш сезгиси ёруғлик тўл-қинлари (миллимикрон ҳисоби билан) қуйидагича узунликда бўлганда ҳосил бўлади: тўлқин узунлиги 780—610 миллнмик-рон бўлганда — қизил ранг, 610—590 миллимикрон бўлган-да зарғалдоқ ранг, 590—575 миллимикрон бўлганда — са-



18- расм. Кўр доғни топиш тажрибаси,

рик ранг, 560—510 миллимикрон бўлганда — яшил раиг, 480—470 миллимикрон бўлганда — хаво ранг, 470—450 миллимикрон бўлганда — кўк ранг, 450—380 миллимикрон бўлганда —* бинафша ранг сезилади.

Кўриш сезгиларининг хоссалари. Еруғлик тўлқинларининг турлича қўшилиши ва турлича таъсир кўрсатиши умумий ранг тонига, сезиладиган рангларнинг очиклик ва тўқлик даражасига таъсир этади. Барча хроматик ранглар шу хоссаларга қараб ажратилади. Ахроматик ранглар фақат очиклик даражаси билан фарк қилади.

Ранг тони деб бир рангии иккинчи рангдан фарк қиладиган специфик сифатига айтамыз. Ранг тони кўзга таъсир этадиган ёруғлик тўлқинининг узунлигига боғлиқ. Одам кўзи ранг тони жихатидан 150 га яқин ҳар хил тусларни ажрата олади.

Очиклик деб муайян рангни қора рангдан фарк қилиш даражасига айтамыз. Очиклик — қайтариш коэффициентларига, яъни нарса юзасига тушадиган ёруғликнинг неча проценти ўша юзадан қайтишига боғлиқ. Оқ ранг энг очик ранг ҳисобланади, чунки оқ юза ўзига тушадиган ёруғликнинг деярли халъ масини қайтаради. Қора рангнинг очиклиги энг кам бўлади. чунки қора юза ўзига тушадиган ёруғликни деярли бутунлай қайтармайди.

Қулай шароитларда одам кўзи рангларнинг очиклигига қараб қора билан оқ ранг ўртасидаги 200 тача тусни ажрата олади.

Сезиладиган рангларнинг равшанлигини очикликдан фарк қилиш керак. Рангнинг равшанлиги кўзга кўриниб турган рангли нарсанинг яхши ёки ёмон ёритилиб туришига боғлиқ бўлган очикликдир. Маълум даражада қуюқ бўлган ҳар бир рангнинг кўз илғайдиган равшанлик даражаси 600 га этади.

Рангнинг қуюқлиги деб маълум бир рангнинг очиклик жихатидан ўзи билан бир хилдаги қул рангдан қай даража фарк қилишини (ёки ўхшашлигини) айтамыз. Бошқача айтганда, рангнинг қуюқлиги деб муайян ранг тонининг яққоллик даражасига айтамыз. Рангнинг қуюқ бўлиши муайян юза ранги учун хос специфик нурлар миқдори билан ўша юзадан қайтадиган ёки қайтмайдиган ёруғлик нурларининг умумий миқдори ўртасидаги нисбатга боғлиқ. Муайян юзанинг ранг тонини белгилаб берадиган нурлар юзадан қанча катта жой эгалласа, сезиладиган ранг шунча тўқроқ бўлиб туюлади. Ранг тонини белгилаб берадиган нурларнинг камайиши натижасида аввалги тўқ рангнинг тобора очлашиб боришига бирор хроматик рангдан (масалан, қизил рангдан) соф оқ рангга ўтиш орасида учрайдиган ранг туслари мисол бўла олади. Энг қуюқ, энг тўқ ранг энг чеккадаги (қизил) раяг

бўлади; бошқа ранглар оқ рангга яқинлашган сайин тўқлиги кетиб, тобора оқариб бориб, охири соф оқ рангга ўтади.

Рангларнинг аралашиб кетиши. Кўз тўр пардасининг бирон жойига турли узунликдаги ёруғлик нурлари бир йўла таъсир этганда ранглар аралашиб кетади. Шунинг натижасида биз фақат бир рангни сезамиз, лекин бу ранг аралашиб кетган рангларнинг ҳеч бирига ўхшаймайдиган, алоҳида ранг бўлади. Иккита хроматик рангнинг аралашиб кетишидан ним ранг ҳосил бўлади. Масалан, қизил ранг билан сарик рангнинг аралашидан зарғалдоқ ранг ҳосил бўлади, қизил ранг билан кўк рангнинг аралашидан бинафша ранг ҳосил бўлади ва хоказо. Спектрдаги ҳамма рангларнинг аралашидан нейтрал оқ ранг ҳосил бўлади. Спектрдаги баъзи рангларнинг иккитасини қўшиб, худди боягидек оқ ранг ёки оқ қул ранг ҳосил қилиш ҳам мумкин. Масалан, спектрдаги ҳар бир ранг ўзига мос бошқа ранг билан қўшилиб, ахроматик оқ ранг ёки қул ранг ҳосил қилади. Бундай ранглар қўшимча ранглар деб аталади. Қизил ранг билан оқ хаво ранг, кўк ранг билан сарик ранг бир-бирига қўшилиб, қўшимча ранглар ҳосил қилади.


Рангларнинг аралашиб кетишидаги ана шу қонуниятларнинг ҳаммасини рангдор доиралар деб аталувчи доираларни махсус асбобга қийғизиб текшириб кўриш мумкин. Бу асбоб «рангларни аралаштирадиган чарх» деб аталади (19-расм). Чарх тез айланганда ўша доиралардаги ҳар хил ранглар аралашиб, муайян ранглар ҳосил қилади.

Рангларнинг аралашиб кетиши — периферик процесс эмас, балки марказий процесс эканлиги ҳазирги вақтда аниқланди. Рангларнинг бинокуляр аралашиб кетиш фактларя шундан далолат беради. Агар бир кўзга сарик ранг, иккинчи кўзга кўк ранг тўғри тутилса, рангларнинг оддий аралашиб кетишидаги каби, қул рангини сезамиз.

Кўриш сезгиси процесси


Ранг ва ёруғликни кўриш органининг ёрдами билан сезиш процесси қандай воқе бўлади?

Ранг ва ёруғлик сезиш процессларининг ўз хусусиятлара бор.



19-расм. Рангларни аралаштирадиган чарх.

Ранг сезиш процесларини тушунтириб берадиган энг машхур назария «уч рангни кўриш» назариясидир.



20-рasm. Уч рангни кўриш назариясининг схемаси.

Бу назариянинг асосий қончаларини гениал рус олими М. В. Ломоносов 1756 йилдаёқ баён қилиб бер* гап эди. Маълум иемис физиолог ва физиги Гельмгольц Ломоносовдан 100 йил кейин ўша назарияни тўла баён қилиб берди. Бу назарияга кўра, тўр парданинг қолбачаларида учта асосий элемент бор. Уша элементлардан бирининг алоҳида кўзғалиши қизил ранг сезгисини, иккинчи бирининг кўзғалиши яшил ранг сезгисини ва учинчи бирининг кўзғалиши бинафша ранг сезгисини

хосил қилади. Еруғлик тўлқинлари бирданга учта элементни бир хилда кўзғаса, оқ ранг сезгиси хосил бўлади. Лекин ёруғлик тўлқинлари икки ёки уч элементга таъсир этса-го, аммо бу таъсир бир текисда бўлмаса, у холда сезувчи элементлардан ҳар бирининг қанчалик кўзғалганлигига қараб, ҳар хил ранг сезгилари хосил бўлади.

Юқоридаги расм турли ранглarning қандай сезилиш процесини яққул кўрсатиб беради (20-расм).

Спектрнинг ранг сезувчи элементлар кўзғалиш кучига қараб хосил бўладиган айрим ранглarning бош ҳарфлари схемада кўрсатилган. Схемдаги фигуралар ранг сезувчи элементларнинг кўзғалиш кучини кўрсатади,

«Уч рангни кўриш» назарияси ранг сезиш процесларида кўрув органининг ролини очиб беришда энг маъқул назария деб ҳисобланади. Аммо бу назария ҳақиқатда эҳтимолга энг яқин гипотезадир, чунки қолбачаларда ранг сезувчи уч элементнинг борлиги ҳали аниқ исбот этилган эмас, балки фараз қилинади, холос.

Ҳозирги вақтда совет психологлари ва физиологлари ранглarning сезиш ёлғиз тўр пардасидаги процеслар билангина эмас/ балки бошқа мия пўстида бўладиган процеслар билан ҳам боғлиқ эканлигини исботлашга ҳаракат қилмоқдалар.

Ёруғлик ссзишда рўй берадиган специфик процеслар мукамалроқ текширилган. Таёқчаларда кўриш пурпури деган махсус модда бор экан. Кўзга ёруғлик таъсир этганда кўриш "УР"Ури химик йўл билан парчаланиб, таркибий қисмларит бўлиниб кетади. Кўриш пурпурининг шу тарика парчаланиш процесси кўриш нервини кўзғаб, ёруғлик сезгиси хосил қилади. Қоронғида пурпур яна тикланади,

Кўриш сезгиларидаги махсус ходисалар

Кўриш сезгиларидаги бир қанча махсус хрдисалар кўриш органидаги аппаратларнинг ҳолатига боғлиқ. Ранг контрасти, «шапкўрлик» (қоронғида ва тунда яши кўра олмаслик) ва «ранг ажратолмаслик» (ранг турларининг фарқига бора олмаслик) шундай ходисалардан ҳисобланади.

Ранг контрасти. Қизил рангли квадратни бир варақ оқ крғоз устига кўйиб тикилиб қарасак, бир неча вақтдан кейин шу квадрат атрофида оч ҳаво ранг хошияни, яъни қизил рангга кўшимча рангни кўраимиз. Контраст ходисаси ана шудир. Юқорида келтирилган мисолда кўшимча ранг асосий ранг билан ташқари, изма-из контраст ҳам бўлади. Масалан, қизил доирага узок вақт қараб туриб, кейин оқ юзага кўз ташланса оч ҳаво ранг — сариқ рангли доира, яъни қизил рангга кўшимча ранг кўраимиз. Бунинг тескарисини ҳам қилиб кўриш мумкин. Изма-из контраст хрдисаси ана шудир.

Ранг контрастининг хосил бўлишига сабаб шуки, киши узок қараб турганда қолбачаларнинг қизил рангни сезувчи элементлари чарчайди, натижада уларнинг сезувчанлиги камаяди. Айки вақтда кўшимча рангни сезувчи элементлар кўзғалганича қрла беради, уларнинг сезувчанлиги кучлироқ бўлиб чиқади. Шу сабабли, ранглarning аралашини қонунига мувофиқ, кўшимча ранг сезилади.

«Шапкўрлик» шундан иборатки, одам кечкурун ва тунда хира кўради ёки бутунлай кўрмайди. Бу ходисанинг сабаби шуки, тўр пардадаги таёқчалар суст ишлайди ёки бутунлай; ишламайди.

«Ранг ажратолмаслик» хроматик ранглarning сеза олмаслик ва фарқ қила олмасликдан иборат. Баъзи бир кишилар ранглarning сира айира олмайдиغان бўлади. Бундай кишилар ҳамма ранглarning ахроматик қул рангдек кўрадилар (худди фотографиядаги сингари). Баъзи кишилар ранглarning қисман айира олмайдиغان бўлади. Бундай кишилар фақат баъзи бир ранглarning айира олмайдилар. Статистика маълумотларига қараганда, ранглarning ажрата олмаслик ходисаси эркаклар орасида тахминан 4 процент ва хотинлар орасида 0,5 процент учрайди. Қизил ва яшил рангни айира олмаслик хрдисаси кўпроқ учрайди. Бинафша рангни ажрата олмаслик ходисаси эса камроқ учрайди. Ранглarning сира айира олмаслик ходисаси жуда камдан-кам бўлади.


Ранглarning ажрата олмаслик сабаби шуки, кўзнинг тўр пардасидаги қолбачалар ишламайди ёки қисман ишлайди. Шапкўрлик ва ранг ажратолмаслик ҳақиқатан ҳам қолбача ва таёқчалардаги нуксонларга боғлиқ эканлиги турли ҳайвонларнинг кўриш органиларини махсус текширишда тасдиқлана-

ди. Кундузги ёруғликда ҳаёт кечирадиган хайвонлар (калтв-кесақлар, илонлар, товуқ, каптарлар) кўзининг тўр пардасида фахат колбачалар бўлади, улар кечаси ҳеч нарсани кўрмайди, тунда ҳаёт кечирадиган хайвонлар (кўрсичкрн, кўркаламуш, кирпилар, бойқушлар, кўршапалақлар) кўзининг тўр пардасида фақат таёқчалар бўлади, улар кундуз куни кўрмайди.

Эшитиш сезгилари

Иштитиш сезгилари товушларни сезишдан иборатдир[^]

/Товушлар музикавий товушларга (ашула товуши, чолғу асбобларининг Тов.уши)/ва| шовкинли товушларга (тарақ-туруқ, тарс-турс, шарақ-шуруқ, тақир-туқур ва бошқа шу каби товушларга) бўлинади



21-расм. Кулоқнинг тузилиши:

7—кулоқ супраси; 2—ташқи эшитиш йули; 3—ноғора пардаси ёки кулоқ пардаси; 4—ўрта кулоқ; 5—Евстахий' напн; 6—урта кулоқ ичдаги суяқлар (болғача, сандон, узанги); 7—ички кулоқ даҳлизи; в—ярим доира қаяаллари; 9—чиглюк.

Товушлар оддий[^]Тза мураккаб товушларга ҳам бўлинади. Оддий товушлар тонлар (ёки микротовушлар) деб аталади. Масалан, камертонни жаранглатганимизда тонни сезамиз. Охангли товушлар мураккаб товуш бўлиб, улар бир неча тондан таркиб топади. Шу тонлардан бири асосий тон бўлиб, товушнинг баландлигини ва кучини белгнлаб беради, бошқалари бирга қўшилувчи товушлар бўлиб. Обертонлар леб аталади, Обертонлар турли асбоблардан, масалан, рояль, скрипка, гитарадан чиқадиган бир хил баландликдаги товушларнинг ўзига хослигини белгилайди. Товушларнинг ана шу тарика ўзига хослиги тембр деб аталади.


Нутқ товушлари охангли товушлар (асосан, унли товушлар) билан шовкинлардан иборат (шовкинларда ундош то* вушлар кўпроқ бўлади).

/Эшитиш сезгилари органи кулоқ бўлиб, у уч қисмдан: ташқи кулоқ, ўрта кулоқ ва ички кулоқдан иборатдир)(21-расм).

СТашқи кулоқ[^]-кулоқ супраси билан эшитув йулидан иборат. Ташқи Кулоқ қуяоқхаво тўлқинларини йиғувчи карнай деса бўлади. Ташқи Кулоқ билан ўрта кулоқ ўртасида бир парда бор, у ноғора парда ёки ўрта кулоқ пардаси деб аталади.

/Урта кулоқ³—ноғора парда ва унга ёпишган учта суякча: болғача, сандон ва узангидан иборат. Ноғора парда, шунинг-

дек, унга ёпишувчи суякчалар (болғача, сандон ва узанги) хаво тебранишларини ички кулоққа ўтказди. Урта кулоқ махсус канал (Евстахий найи) ёрдами билан оғиз бўшлиғига ва бурун бўшлиғига туташган.



22- расм. Кортий органининг кўндаланг кесиги:

p'— Кортий дугалари; с—туқли хужайралар ёки эшитиш хужайралари; m— асосия парда ёки мембрана,

/Ички кулоқ] ёки кулоқ лабиранти ўзаро бирлашган учта бўл5Кдан иборат. Ички кулоқнинг юқори қисми учта ярим доира каналдан, ўрта қисми камерадан (у ички кулоқ даҳлизи деб аталади) ва пастки қисми чиғанокдан иборат.

Ички кулоқнинг учала бўлими эндолимфа номли махсус суюқлик билан тўла. Ички кулоқнинг асосий қисми чиғаноғидир. Чиғанокнинг ичида Кортий органи деб аталадиган бўлакча бор (22- расм). Бу орган гумбаз шаклида бўлиб, унинг негизида асосий мембрана бор. Мембрана — узунлиги секин-аста қисқариб борувчи эластик толалардан иборат. Бу толалар арфа ёки фортепианонинг таранг тортиланган торларига ўхшайди. Асосий мембранани юқри томондан махсус таёқчасимон хужайралар беркитиб туради, бу хужайралар Кортий дугалари деб аталади. Асосий мембрананинг толалари эндолимфага энг ингичка қиллари ботиб турадиган махсус хужайралар ёрдами билан Кортий дугалари орқали эшитиш нервига боғланади. Эшитиш марказлари бош мия пўстининг чакка бўлагидадир.

Эшитиш сезгиларининг физик сабаби

Эшитиш сезгиларининг физик сабаби — хаво тўлкиларининг ҳаракати бўлиб, бу хаво тўлқинлари товуш чиқарувчи жисмлар тебранганда ҳосил бўлади. Музикавий товушлар тўлқинларнинг текис, ритмик ҳаракатлари натижасида ҳосил бўлади, шовкинли товушлар эса тўлқинларнинг нотекис ҳаракатларидан туғилади.

Товуш баландлиги асосий тоннинг баландлиги билан белгиланади. Тон баландлиги товуш тўлқинларининг вақт бирлиги ҳисоби билан тезлик даражасига (частотасига) боғлиқ, Товуш чиқарувчи жисмлар тебраниш тезлиги (частотаси) қанча кўп бўлса, эшитиладиган товуш шунча юқори бўлади..

Газ ҳолатдаги хидли моддалар нафасга олинадиган ҳаво билан бурун ковагига киради.

Таъм билиш (маза) сезгилари

-Таъмбулиш сезгиларига ширин-аччикни, нордон-шўрни хис қилиш киради. Шу асосий таъм билиш сезгиларидан ташқари. умумий классификацияси бўлмаган жуда кўп ва хилма-хил таъм билиш сезгилари ҳам бор. Хид билиш сезгилари каби. таъм билиш сезгилари ҳам, муайян таъмли нарса ёки моддалар-



24-расм. Тил шилиқ парясидаги таъм билиш сўғонлари

нинг номи билан аталади. Масалан, сутнинг мазаси, ёғнинг мазаси, гўштнинг мазаси, ноннинг мазаси ва ҳоказо деб атаймиз.

Таъм билиш сезгиларининг органи — тилнинг юзаси ва танглайнинг юмшоқ қисмидир. Тилнинг шилиқ пардасида махсус таъм билиш сўғичлари бор. Уларнинг ичида тасқчасимон хужайралардан тузилган махсус таъм билиш «куртаклари» ёки «сўғонлари» бор. Ҳар бир

таъм билиш сезгисининг ўзига хос тузилган «сўғони» бўлади: (24-расм), Специфик сифатлари билан фарқ қиладиган бу таъм билиш сўғонлари тил юзасида бир текисда тақсимланган эмас. Тилнинг асосий ёки орқа қисми аччиқ мазани айниқса яхшироқ сезади, тил учи, асосан, ширин мазани яхшироқ сезади. тилнинг четлари эса нордон мазани яхшироқ сезади. Тилнинг ўртаси таъм сезмайди. Таъм билиш сўғонларининг хужайрали қисмларида махсус сезувчи нервларнинг чекка учлари бор, булар маза (таъм) билиш органидаги кўзғалишни бош мияга ўтказади. Таъм билиш органининг миядаги марказлари хид билиш марказларининг яқинидадир деб фараз қилинади.


Таъм билиш сезгилари моддаларнинг химик хоссалари туйфанли ҳосил бўлади. Таъм билиш сўғонлари фақат суяк, сувда ёки сўлакда эриган моддалар таъсири остида кўзғалади (масалан, қандэрий бошлаши билангина ширин мазаси сезиларли бўлиб қолади).

Хид ва таъм билиш сезгилари бир-бири билан чамбарчас бўлгандир, Хид билиш сезгидари ҳам, таъм билиш сезгилари ҳам сезги органларига химик моддаларнинг таъсир этиши натижасида ҳосил бўлади. Аммо таъм билиш сезгиларини ҳосил қилмоқ учун ўша таъмли нарса бевосита тотиб кўрилмоғи керак, хидли нарсаларнинг иси эса узоқдан ҳам сезилаверади.

Тери сезгилари

Тери сезгиларига туюш ва температура сезгилари киради, бу сезгиларнинг тери сезгилари деб аталишига сабаб шуки, бу сезгиларнинг чекка нерв аппаратлари (рецепторлар) терида ва организмимизнинг ташқи шилиқ пардаларида бўлади.

Туюш сезгилари — тегиш, тарқалишни туюш сезгилари ёки




25-расм. Туюш таначалари.

тактил сезгилар, шунингдек, силлиқ ёки ғадир-будурни туюш сезгиларидир. Бирор нарсанинг тегишини сезиш ташқи таъсир (кўзғалиш) кучайганда сиқикни сезишга айланади. Кўзғалиш янада кучайганда сиқик оғрик сезгисига айланиши мумкин. Аммо терида сезиладиган ҳар қандай оғрик терига таъсир этадиган ташқи кўзғалишга боғлиқ бўлавермайди, албатта.

Туюш сезгилари органи — теридаги ва ташқи шилиқ пардалардаги туюш таначалари деган махсус таначалардир (25-расм). Уша таначаларнинг ичида, қисман эса ташқарисида (бевосита эпитегийда) туюш нервининг чекка тармоқлари бор. Улар терида ва гавдаимизнинг шилиқ пардаларида бир текисда тақсимланган эмас. Бу таначалар бармоқларнинг учиди, тил учиди, лабда зич жойлашгандир. Шунинг учун ҳам гавдаимизнинг ана шу қисмлари теккан нарсани, силлиқ ва ғадир-будурни бошқа қолганларидан энг кўп сезгирдир. Туюш таначалари орқа терисида жуда сийрақдир.

Туюш таначалари ва сезувчи нервнинг чекка тармоқлари нечоғли зич тақсимланганлиги эстеziометр номли махсус асбоб ёрдами билан аниқланади. Бу асбоб (26-расм) кериладиган иккита оёқли циркулдан иборат. Циркуль ўзагидаги даражалар оёқчаларнинг учлари ўртасидаги масофани кўрсатиб

бсради. Бирон масофада керилган икки оёкча бир вақтда текканда, текширилувчи киши икки ёк-и бир нуқтани сезаётганлигини синаб кўриш мумкин. Бармоқларнинг учларида 1 мм дан 2 мм гача масофада, қўл кафтида 10 мм масофада, орқада эса 60—70 мм масофада бнр йўла икки оёкча тегаётганлигини сезиш мумкин эканлиги шу нўл билан аниқланган. Оёқчалар ўртасидаги масофа камайтирилганда терининг ўшақисмларидаги икки таъсир бир-биридан фарк қилинмай, битта таъ-



26- расм. Эстеziометр.

сир деб сезилади. (Бир йўла икки таъсир фақат битта таъсир деб сезиладиган тери қисмлари «сезИ доиралари» деб аталади.)

Туюш маркази бош мия пўстининг орқадаги марказий пуштасида деб фараз қилинади.

Туюш сезгиларининг ташқи, физик сабаби бнрон бир буюмларнинг терига бевоснта тегишидир.

Бунда биз иарсага тегиш билан бирга уни пайпасласак, унинг билан бирон иш қилсак, туюш сезгиси хийла ошади.

Бундай ҳолларда туюш органлари мускул-ҳаракат органлари билан биргаликда ишлайди.

Ҳаракат билан боғлиқ сезгилар (бу ҳақда қуйидаги бўлимда сўзланади) тактил сезгилар ила бирга қўшилганда, нарсаларнинг асосан, силлиқ ёки ғадир-будур эканлиги билинади. Туюш сезгисиди ва пайпаслашда қўл, жумладан, қўл бармоқлари айниқса катта роль ўйнайди. Одамнинг фаолиятида, те-варак-атрофдаги оламни билишида қўл туюш ва пайпаслашнинг махсус органи бўлиб хизмат қилади.

Температура сезгиларига иссиқ ва совукни сезиш киради.

Терида ва шилиқлардаларда махсус таначалар бор, буларнинг нчида фақат иссиқни ёки совукни сезадиган махсус нервларнинг чекка тэрмоқлари бўлади.

Температура сезгиларининг ташқи сабаби бирон температурага эга бўлган қаттиқ, суюқ ва газсимон жисмларнинг организмимизга тегиб туришндир. Иссиқни ёки совукни айириш теримизга тегиб турган нарса (қўзғовчи) температураси билан бадан температураси ўртасидаги нисбат билан белгиланади. Агар қўзғовчининг температураси баданимиз юзасининг тем-

пературасидан пастроқ бўлса, совук сезамиз, агар қўзғовчининг температураси бадап температурасидан юқорироқ бўлса, иссиқ сезамиз.

Иссиқ ёки совукнинг фаркига бориш бнз температурасини сезаётган жисмларнинг иссиқ ўтказувчанлигига ҳам боғлиқ. Шу сабабли, баравар температурада, масалан, 10 градус совукда яхши ўтказгич (масалан, темир) ёмон ўтказгичга (масалан, югга) қараганда совуқроқ бўлиб туюлади.

Температура сезгилари фақат (одам организмга нисбатан) ташқаридаги нарсалар таъсирн билангина эмас, балки организмнинг нчида, асосан, қон айланишининг қучаниши ёки сусайиши натижасида ҳам ҳосил бўлиши мумкин. Шу сабаблп, масалан, одам қаттиқ кўрққанда баъзан: «Кўрққанимдан днрдир титраб кетдим» дейди, қаттиқ уялганда эса: «Уялганимдач иситмам чикнб кетди» дейди. Биринчи ҳолда қон томирларй тораяди, иккинчи ҳолда эса кенгаяди,

Мускул-ҳаракат сезгилари ва статик сезгилар

Мускул-ҳаракат сезгилари мотор сезгилар ёки кинестетик сезгилар деб ҳам аталади. Бу хил сезгиларга тазийқ (оғирлик)ни билиш сезгилари, қаршилкни (қаттиқлик, юмшоқликни) билнш сезгиларн ва айрнм органларнинг ҳаракатини билиш сезгилари киради.

Бу сезгиларнинг органлари — гавдамиздаги ҳамма мускуллар, пайлар ва бўғим юзаларидир. Ҳамма мускулларда, пайларда ва бўғим юзаларида махсус сезувчи нервларнинг чекка тармоқлари бор, мускул-ҳаракат сезгилари ва статик сезгилар ана шу нерв тармоқлари ёрдами билан ҳосил бўлади.

Мўскул-ҳаракат сезгиларининг ташқи, физик сабаби мускулларимизга таъсир зтувчи нарсаларнинг механик тазийқи ёки қаршилиги, шунингдек, гавдамизнинг ҳаракатларидир. Шу сабаблар таъсирида мускуллар, пайлар, бойламлар ва бўғим юзаларида ишқаланиш, таранглашиш, чўзилиш, кнсилиш ходисалари юз беради. Буларнинг хаммасини биз тазийқ, қаттиқлик, оғирлик, юмшоқлик деб ҳис қиламиз.

Статик сезгилар гавдамизнинг фазодагн ҳолатини билнш ва мувозанат сақлаш сезгилари деб аталади.

Гавданинг фазодаги ҳолатини билиш ва мувозанат сақлаш сезгиси учун ички қулоқдаги вестибуляр аппарат реисптор вазифасини ўтайди (20-расм). Қулоқ даҳлизн ва ярнм донра каналлар вестибуляр аппарат таркибига кнради. Ярпм донра каналларни тўлдирган эндолимфада сезувчи нервтармоқлари бор, бу нерв гавдамизнинг фазодагн ҳаракатини ва ҳолатини идора этади. Гавдамиз турли ҳаракатлар қилганда эндолимфа тебраниб, ана шу нервнн қўзғандн. Гавда м\возанатини сақлашда отолитлар катта роль ўйнайди. Ото.титлар —

эндолимфада .отолит пардаси деб аталувчи махсус парданинг устида сузиб юрадиган майда оҳактош кристалларидан иборатдир:

. Организм, асосан, автоматик суратда рефлекс йўли билан мувозанат сақлайди. Гавдамизнинг бирон ҳолати мувозанат бузилгандагина айниқса равшан сезилади (билиб олинади). Мувозанат органи зарарланганда одам бирон органининг (ёки бутун гавдасининг) ҳолатини била олмайди ва юрганда мувозанат сақлай олмайди.

Гавдамиз ҳолатининг сезилишида кўриш, ҳаракат (кинестетик) сезилари билан тери сезилари ҳам катта аҳамиятга эгадир,

Органик сезгилар

Очқиканда, сувсаганда, ортик тўйиб кетганда, чарчаганда, кўнгил айниганда, ички органларимиз оғриганда ички сезгилар туғилади, буларни органик сезгилар дейилади; кишининг ўзини тетик, сало_мат, касал ҳис қилишлари ҳам органик сезгилар жумласидандир. Органик сезгиларнинг кўни дифференциацияланмаган ва бетайин бўлади. Бу сезгиларнинг рецепторлари ички органларда: қизилўнғач, меъда, ичак, қон томирлари, ўпка ва шу қабиларда бўлади.

Юқорида айтганимиздек, ички органларда бўлиб турадиган процесслар органик сезгилар рецепторларининг кўзғовчиларидир. Аммо ички органлар саломат бўлиб, соғлом ишлаб турган вақтда биз ички (органик) сезишларни ё пайкамаймиз ёки бу сезгилар ўзимизни умуман «яхши» ҳис қилиш — тетиклик, соғломлик ва бошқа шу каби туйғулар тарзида ифодаланади. Ички органларимизнинг иши издан чиққан тақдирда органик (ички) сезгилар айниқса аниқ билинади. Масалан, чанкрв, очлик, тўйиб кетиш сезгилари, ички органларда оғрик ҳис қилиш сезгилари, кўнгил айниш сезгилари шундайдир.

Органик сезгилар кўпинча хуш ва нохуш туйғулар кўзғатади, кучли ҳиссий тонда намоён бўлади. Масалан, киши оч қолганда ёки бирон ери оғриганда ўзини ниҳоят даражада «ёмон» сезади,— азоб чекади, аммо киши саломат бўлиб, ҳеч ери оғримаса ёки тўйиб яхши овқат еса — «хузур» қилади,— ўзини ниҳоятда «яхши» сезади.

III. СЕЗГИЛАР СОҲАСИДАГИ БАЪЗИ БИР ҚОНУНИЯТЛАР

Сезгиларнинг ҳосил бўлиш тезлиги ва давом этиш муддати

- • Сезгилар бирор-бир сезги органининг кўзғалиши натижа-сида ҳосил бўлади. Аммо кўзғовчи рецепторга таъсир эта бошлаши билан «қ дарров сезги туғилавермас экан: кўзғовчи таъсир эта бошлагандан бир неча вақт кейингина сезги ҳосил

бўлади. Турли сезгиларда бувақт 0,02 секунддан 0.1 секундгача боради. Шундай қисқа вақтни биз одатда пайкамаймиз.

Сезги ҳосил бўлгач, маълум муддат давом этади. Сезгилар давом этиш муддатига қараб, қисқа ва узок муддатли сезгиларга бўлинади. Масалан, ялт этиб чакнаган бир учкун ёруғлигини сезиш ёки ерга тушиб кетган қалам товушини сезиш қисқа муддатли сезгилардан ҳисобланади. Кундузги ёруғликни сезиш, заводнинг янграётган гудок овозини эшитиш узок муддатли сезгилардандир. Сезгиларнинг қанча муддат давом этиши ташқаридаги нарсаларнинг сезги органларига нечоғли узок таъсир этишига боғлиқ. Нарса таъсир этиб турар экан, тегишли сезги ҳам бўлади. Аммо нарсанинг таъсир эта бошлаши ва сезгининг ҳосил бўлиши бир вақтга тўғри келмагани сингари, наrsa таъсирининг тўхташи ва сезгининг йўқолиши ҳам мутлақо бир вақтга тўғри келмайди. Нарса таъсир этмай кўйгани ҳолда сезги яна бир неча вақт давом этаверади. Торнинг овоз чиқариши тўхтатилганига қарамай, товушни сезиш яна бир неча вақт давом этади. Бунлай хаёллаб қилган сезгилар тутилиб қолган ёки изма-из образлар деб аталади. Тутилиб қилган образлар 0,05 секунддан 1 секундгача (баъзан бундан ҳам ортик) давом этади.

Юқорида айтилган кўриш сезгиларидаги контраст ва изма-из образларнинг пайдо бўлиши сезгиларнинг ҳосил бўлиш тезлигига ва давом этиш муддатига тааллуқли қонуниятлар билан изоҳланади.

Сезгиларнинг шундай хусусиятлари борлигидан тезлик билан алмашинувчи кўзғовчилар бир-бири билан кетма-кет келувчи яқка нарсалар сифатида сезилмасдан, ҳаракатдаги бир наrsa бўлиб сезилади. Кинокартинани кўриш процесси сезгиларнинг шу хоссасига асосланган.

Сезги чегаралари ва сезгирлик

Сезгиларнинг кучи турли даражада бўлиши мумкин, бошқача қилиб айтганда, кучсиз ва кучли сезгилар бор. Ёниб турган бир гугурт чўпи сочиб турган ёруғликни сезиш кучсиз сезгига, ҳаво очик кунда куёш сочиб турган ёруғликни сезиш эса кучли сезгига мисол бўла олади. *

Сезгиларнинг кучи аввало кўзғ-чишнинг кучига боғлиқ; кўзғалиш қанча кучли бўлса, ҳосил бўладиган сезги ҳам шунча кучли бўлади.

Одатдаги кузатишлардан ҳам, махсус текширишлардан ҳам маълумки, ҳар қандай таъсирдан сезги ҳосил бўлавермайди. Кўзғовчи ҳеч қандай сезги ҳосил қила олмайдиган даражада суs таъсир этиши мумкин. Масалан, бир грамм қандни бир стакан сувда эритиб ичилса, ҳеч қандай ширин маза сезилмайди. 0,1 мг см келадиган киттаккина қоғоз қўл кафтига

қўйилса, ҳеч қандай оғирлик сезмаймиз. Бунинг сабаби шуки, кучсиз кўзғовчилар таъсири билан ҳосил бўладиган кўзғалиш бош мияпўстига етиб бормайди. Бу кўзғалиш ҳали дифференциалланмаган. Аранг билинадиган дастлабки сезгини ҳосил қилмоқ учун таъсир муайян кучга эга бўлиши керак. Кўзғалишнинг салгина сезила бошлаган даражасини сезгининг пастки ёки абсолют чегараси дейилади. Агар шу кўзғалиш кучи салгина сусайтирилса ҳам сезги йўқолади. Сезги ҳосил қилмайдиган кучсиз кўзғалишлар сезги чегарасидан пастда турувчи кўзғалишлар деб аталади.

Махсус текширишлар ўтказиб, айрим сезги турларининг абсолют (пастки) чегараси топилган. Масалан, ҳаво агар тамомила тиниқ бўлса эди, бунда шамнинг мингдан бир қисми даражасида бўлган нурни бир километр жойдан туриб кўра олар эдик. Ҳидга бўлган сезгилар ҳам ниҳоят даражада ўткирди. Масалан, бир литр ҳавода бир миллиграмм сунъил мушкнинг 0,000005 хиссаси бўлганда ҳам унинг хиди сезилиши махсус тажриба билан исбот этилган. Хининнинг аччққ мазаси 0,0003 процентли эритмасида ҳам сезила бошлаш исбот этилган. ...

Сезги ҳосил қиладиган кўзғалишнинг кучи ўзгариши, яъни сртиши ёки камайиши мумкин. Кўзғалиш ўзгарганда сезги кучи ҳам ўзгаради (ошади ёки камаяди). Агар уйда битта лампочка ёниб турган бўлса, муайян даражада ёруғлик сезамиз. Агар яна бир шундай лампочка ёкиб қўйилса, ёруғлик сезгиси кучаяди. Қўлимиздаги бир килограмм оғирликка яна бир килограмм оғирлик қўшсак, оғирлик сезгиси кучлироқ бўлиб қолади.

Аммо кўзғалиш кучининг ҳар бир ўзгариши сезгининг кучини ўзгартира бермас экан. Сезгиларнинг кучи кўзғалиш муайян микдорда ошганда ёки камайдиганига ўзгарар экан. Масалан, бир стакан сувда 6 г қанд эритсак, муайян даражада ширин мазза сезамиз. Эритилган шу қандга яна 1 г қанд қўшсак, ширин мазани билиш сезгиси ўзгармайди. Ширин мазани билиш сезгиси бирмунча ортиши учун 6 г қандга яна 2 г қанд қўшиш (яъни бутун қанд микдорининг учдан бирича қанд қўшиш) керак экан.

Бошқа бир мисол олайлик: агар уйга икки юз шам кучига эга бўлган лампочка ёкиб қўйилса ва унга бир ёки бир ярим шам кучига эга бўлган ёруғлик қўшилса, ёруғликнинг физик ўзгариши сезгига таъсир этмайди. Ёруғликнинг пайқаладиган даражада ўзгарганлиги сезилмоғи учун ёруғлик кучини кампадан юздан бир хисса ошириш, яъни келтирилган мисолда икки юз шам кучига камида икки шам кучи қўшиши керак. Аммо ёруғлик кучининг бу тариқа аранг пайқаладиган даражада ўзгарганлиги сезгисини эксперимент шароитидагина ҳосил қилиш мумкин,

Ёруғлик кучининг пайқаладиган даражада ўзгарганлиги одатдаги шароитда сезилмоғи учун кўзғовчпни икки шам кучидан кўпроқ кучайтириш керак. Товуш кучининг пайқаладиган даражада ўзгарганлиги сезилмоғи учун кўзғовчи кучини тахминан учдан бир хисса кучайтириш лозим; оғирлик кучининг пайқаладиган даражада ўзгарганлиги сезилмоғи учун ўн еттидан бир хисса ошириш лозим.

Кўзғовчилар таъсири ўртасидаги сезилар-сезилмас салгина фарқи сезишни — фарқ қилиш чегараси дейилади.

Кўзғалиш кучи шунчалик орта бориши мумкипки, бунда тегишли сезги ўзининг специфик сифатини йўқотади ва оғрик хиссига айланади. Чунончи, ҳаддан ташқари кучли ёруғлик кўзда оғрикни келтириб чиқаради — «кўзни камаштиради». Кучли товуш кулоқни оғритади. Ҳаддан ташқари оғир нарса мускулларни оғритади ва шунинг сингарилар.

Кўзғалиш кучининг ўзгариши билан сезги сифатидаги оғрик томон (ёқимсиз) рўй берган сезилар-сезилмас ўзгаришга сезгининг юқори чегараси дейилади.

Шундай қилиб, кўзғалиш кучининг ўзгариши билан сезги кучининг ўзгариши ўртасида параллеллик ва тўғри пропорционаллик йўқ экан. Кўзғалиш кучига нисбатан сезги кучи сскинроқ ўзгарар экан.

Бундай ходисаларнинг физиологик сабаби, афтидан, шундай бўлса керакки, маълум бир кўзғовчининг кучи сезилар-сезилмас ўзгарганда ҳосил бўлган кўзғалиш айни шу кўзғовчининг кучи маълум даражага етмагунча дифференциалланмади, яъни сезгининг ўзгарганлиги билинмайди, фарқ қилинмайди.

Фарқ қилиш чегаралари кўзғалиш кучига боғлиқ бўлишдан ташқари, бошқа сабабларга ҳам боғлиқ. Масалан, эшитиш сезгиларида фарқ қилиш чегаралари товушнинг баландлигига боғлиқ бўлса, кўриш сезгиларида рангларни (ва тусларни) ажратишга, тактил сезгиларда тегиш нукталари ўртасидаги масофага боғлиқ.

Кўзғалишнинг ўзгаришига қараб, сезгининг ўзгариши ҳақидаги масалани биринчи марта XIX аснинг иккинчи ярмида Германияда физиолог Вебер билан физик Фехнер тажриба қилиб текширдилар. Вебер кўпгина тажрибаларга асосланиб шуни аниқладики, сезги салгина, "билинар-билинар-ас даражада ортиши учун кўзғалиш кучи маълум микдорда ўзгариши керак. Лекин бу микдор олдингисига қараганда, муайян нисбатда ўзгариши лозим.

Фехнер Вебернинг текширишларини давом эттирди. У кўзғовчининг ўзгариши билан сезги ўзгариши ўртасидаги нисбатга доир текширишларининг натижаларини "қўйидагича ифодалади: кўзғалишнинг тегишли ўзгаришлари "геометрик прогрессияга мувофиқ борса, сезгилар арифметик прогрессияга му-

вофик ўзгаради (ортади ёки камайдн). Қўзғалиш кучи билан сезги кучининг ўзгаришлари ўртасидаги ана шу нисбат Вебер-Фехнернинг психофизик қонуни деб аталали. Сезгининг ўзгариши билан қўзғалиш логарифми ўртасида тўғри пропорционал боғланиш борлигини Фехнер аниқлаган. Шу сабабли, Фехнер психофизик қонунини яна: сезги қўзғалнш логарифмига пропорционалдир, деб таърифлади. Сезги кучининг ўзгариши билан қўзғалишнинг ўзгариши кучи ўртасидаги шу нисбатни қуннда кўрсатилган таблицадагидек содда қилиб ифодалаш мумкин.

Аммо сезги билан қўзғалиш ўртасидаги бу нисбат юкорида келтирилган таърифга айнан мувофиқ бўлавермаслиги кейинги текширишларда маълум бўлди, шу билан бирга, бу қонун фақат ўртача даражадаги қўзғалиш кучига тегишлидир, абсолют чегарага яқинлашганда, шунингдек, қўзғалиш хаддан ташқари кучли бўлганда қўзғалиш кучининг даражаси доимо бир хилда ошмайди, яъни доимий даражада бўлмайди. Қўзғалиш жуда ҳам кучли бўлганда сезги билан қўзғалиш ўртасидаги нисбат пропорционал нисбатга яқин келади. Қўзғалиш кучи билан сезги кучи ўртасидаги нисбат баъзи ҳолларда шундай бўладики, қўзғалнш кучининг салгина ошиши ҳам сезги кучини анча пайқаларли ўзгартиради.'

Сезги чегараларининг даражаси (ёки, бошқача айтганда, юкорилиги) сенсор сезгирликнинг даражасини белгилаб беради. Бу сезгирлик сезги чегараларининг даражасига тесқари нисбатда бўлади. Сезги чегарасининг даражаси қанча юкори бўлса, сезгирлик шунча заиф (паст) бўлади ва, аксинча,— сезги чегарасининг даражаси қанча паст бўлса, сезгирлик шунча кучли бўлади. Сезги чегараларига қараб, абсолют сезгирлик ва фарқ қилиш сезгирлиги ажратилади. Сезгирлик даражаси яна сезги ўткирлиги деб ҳам аталади; масалан, ўткир, нозик сезгирлик деб гапирилади, масалан: кўриш ўткирлиги, эшитиш ўткирлиги деб айтилади.

Сезгирликнинг ўзгариши

Қўзғалиш кучи бир хил бўлганда турли кншилар ва ҳар бир айрим одамда турли вақтда сенсор сезгирлик турлича бўлиши мумкин. Сезгирлик ўзгариб, кучайиши ёки сусайиши, ўткирланиши ёки заифланиши мумкин.

Масалан, муайян қўзғовчилар таъсирида бош мия пўсти қўзғалувчанлиги ортиши муносабати билан сезгирлик кучайи-

ши мумкин. Чунончи, морфий ва бошқа қандайшпр қўзғовчя дорилар ичиш бош мия пўстидаги қўзғолувчанликни кучайтиради, айни вақтда сенсор сезгирлик кучаяди: кўриш, эшитиш сезгилари, тери сезгилари ва бошқа сезгилар одатдаги шароитдан кўра равшанроқ ўта бошлайди. Бундай ҳодиса сенсублизация деб аталади.

Сезгилар изма-из ўзгарганда ёки айни бир вақтда мазмуни бир хил бошқа сезгилар бўлганда қандай бўлмасин бир қўзғовчига доир сезгирлик ўзгарадн. Бу ерда аввало сезгилар контрастини кўрсатиб ўтмоқ керак.


Сезги.тар контрасти қарама-қарши сифтга эга бўлган аввалги ёки бир вақтдаги қўзғалиш туфайли сезгирликнинг ўзгаришидан иборат. Масалан, иссиқ нарсани сезиш кетидан совуққа сезгирлик кучаяди. Тамомила тинч жойда товуш кучлироқ сезилади. Оқи.мтир фонда қора ранг қорарок бўлиб сезилади, қорамтир фонда оч ранг янада очроқ бўлиб сезилади.

27- расмдагидек, тиниклиги бир хилда бўлган иккита тўғри тўртбурчакдан бири оқ фонда, иккинчиси қора фонда жойлаштирилган. Оқ фондаги тўртбурчак қора фондаги тўртбурчакка қараганда қорамтирроқ бўлиб кўринади. Бундай ҳодиса тиниклик контрасти деб аталади. Хроматнк фондаги ҳар қандай ранг сезгиси шу фоннинг рангига қўшимча ранг томонга қараб ўзгаради: кўк фондаги ранглар сарғиш бўлиб сезилади, қизил фондаги ранглар оч яшил бўлиб туюлади ва хоказо.

Сезгиларнинг ҳар хил турлари ўзаро таъсир этганда ҳам сенсор сезгирлик ўзгаради. Бунинг маъноси шуки, сезги органларидан қандай бўлмасин биронтасига таъсир этувчи қўзғовчилар бошқа сезги органларининг ҳаммасида ҳам сезгирликнинг ўзгаришига сабаб бўлади.

Бу ҳодисани биринчи марта рус "олими Н. Е. Введенский очган. У ёруғдан қоронғига чикқанда ва қоронғи жойдан ёруғ жойга чикқанда тери сезгирлигининг ўзгаришини аниқлаган.

Бу соҳада совет олим.тари айникса кўп ншлар қилдилар. П. П. Лазарев, К. Х. Кекчеев ва бошқа олимлар товуш, хид. таъм, те.мпература, оғрик каби қўзғовчиларнинг кўриш сезгир-



27-расм. Тиниклик контрасти.

лигига таъеир этишини ўз текширишлари билан аниқладилар. Бадан сал-пал совитилганда, паст товушлар эшитилганда кўриш сезгирлиги ошади. Айни вақтда эшитиш сезгисининг кўзғовчилари кўк ва яшил рангларга сезгирликни кучайтириб, кизил рангларга сезгирликни пасайтиради. Худди шунингдек, кўриш сезгисининг кўзғовчилари эшитиш сезгирлигини ўзгартиради. Масалан, эшитиладиган товуш ёруғда қаттиқроқ сезилади, гира-ширада ва қоронғида эса пастроқ эшитилади.

Сенсор сезгирлик одамнинг умумий ҳолатига — тетиклигига, чарчашига, соғлиғига ва касаллигига боғлиқ. Одам чарчганда кўриш, эшитиш, туюш сезгирлиги сусайиши ҳар кимга ўз тажрибасидан маълум. Температура ошганда созуққа сезгирлик ўткирлашади. Юқорида кўрсатиб ўтилганидек, кўзимизнинг тўр пардасидаги қолбачаларда нуқсон бўлса, ранг сезгирлиги сусаяди ёки бутунлай йўқолади, тўр парданинг таёқчаларида нуқсон бўлса, одам шапқур бўлиб қолади.

Сезги органларидан биронтаси заифлашса ёки бутунлай г.шламаса, заруратга қараб бошқа органларнинг сезгирлиги кучлироқ ўса бошлайди. Масалан, кўрларда эшитиш, туюш ва мускул-ҳаракат сезгирлиги; кар-соқовларда кўриш, туюш ва мускул-ҳаракат сезгирлиги; кўр-кар-соқовларда туюш, мускул-ҳаракат ва хид сезгирлиги кучлироқ ўсган бўладн.

Сезгирлик даражаси идрок қилишдаги эътибор ва ҳавасга ҳам анчагина боғлиқ. Идрок қилинадиган нарсаларнинг айрим сифатларига зўр ҳавас ва эътибор билан қаралса, одатда, тегишли органларнинг сезгирлиги ҳам ортади.

Сезгирликнинг ўзгаришида одамнинг турмуш тажрибаси ва аввало касби катта аҳамиятга эгадир. Масалан, музикачилар товушнинг салгина ўзгаришларини ҳам сезадилар, расомлар ранг ва тусларнинг салгина ўзгаришини ҳам дарров сезадилар. Шлифовка қилувчиларда туюш сезгирлиги жуда кучли бўлади.

Температуранинг бир градус фарқини ҳам қўл тегизиб биладиган кишилар бор. Тажрибали мутахассислар (дегустаторлар) вино, чой, атирнинг ҳар хил сортларини ипидан игнасиғача бехато ажратиб беришади,

Адаптация

Сезги органларининг ўзига таъсир этадиган кўзғовчиларга мосланиши, кўникиши адаптация деб аталади. Кўзғовчининг таъсирини ўзгариши билан сезгирлик ҳам ўзгаради. Кўзғовчи.тар султ таъсир этганда сезгирлик ошади, кучли таъсир этганда сезгирлик камаяди. Шу сабабли, мусбат ва манфий адаптация фарқ қилинади.

Адаптация кўриш сезгиларида, айниқса ёруғ жойдан қоронғи жойга кирганда ва аксинча — қоронғи Жойдаи ёруғ жой-

га чикқанда яққол кўринади. Масалан, ёруғ жойдан қоронғи-роқ бинога кирганимизда аввалига ҳеч нарсани кўрмаймиз. Кўриш органимиз кучсиз ёруғликка мослашгунча бир неча вақт ўтади. Бу — қоронғилик адаптациясидир. Экспериментал текширишлардан олинган маълумот.тарга қараганда, қоронғида ёруғликка сезгирлик ёруғ жойдаги сезгир.тикка нис* батан 200 минг марта (бир соат мобайнида) ошади. Қоронғидан ёруққа чикқанда ҳам кўриш органлари ёруғликка яна мослашуви учун бир неча вақт (тахминан 4 минутдан 5 минутгача фурсат) керак. Бу ёруғлик адаптациясидир.

Қоронғилик адаптациясида сезгирликнинг жуда ҳам ортиб кетиши сабаби аввало шундаки, ёруғдан қоронғига кирганда кўз қорачиғининг сатҳи 17 марта кенгайди, бинобарин, кўз қорачиғи ёруғни 17 марта кўпроқ ўтказди. Аммо сезгирликнинг 200 минг марта ортиши сабабини тушунтириб бериш учун бу камлик қилади, албатта. Бу ерда қолбачалар воситаси билан кўришдан таёқчалар воситаси билан кўришга ўтишнинг катта аҳамияти бор. Таёқчалар ёруғликни қолбачаларга қараганда яхшироқ сезади.

Қоронғида кўриш пурпури кўпроқ тўпланади, натижада ёруғликни кўриш сезгирлиги ошади.

Адаптация температура сезги.тарида ҳам бор. Биз чўмилиш учун сувга тушганимизда ёки душ тагида турганимизда дастлабки пайтда сув совуқроқ туюлади, бир неча минутдан кейин эса ўша сувнинг ўзи унча.тик совуқ сезилмайди ва ҳатто илиқроқ сезилади.

Хид билиш сезгиларида адаптация тезроқ бошланади. Масалан, бирон хиди бор уйга кирганимизда аввалига шу хидни сезамиз, бир неча вақтдан сўнг хидни сезмай қоламиз. Қилинган тажрибалар хид сезилмай қоладиган даражада тўлиқ адаптация, чунончи: иоднинг хидига 50—60 секунддан кейин, камфаранинг хидига 1,5 минутдан кейин, хиди ўткир сирга (пишлоққа) 8 минутдан кейин пайдо бўлишини кўрсатади. Хид билиш сезгирлиги адаптациядан кейин тўла тиклакиши учун 1 минутдан 3 минутгача танаффус керак бўлади,

Тегиш ёки заиф таъйик сезгиларда адаптация кучлироқ кўринади. Кўпинча биз кийим-кечакнинг баданимизга тегиб ва таъйик қилиб турганини сезмаймиз, доим тақиб юрадиган кўзойнагимиз чаккамизга ботаётганини сезмаймиз. Нарса баданимизга теккандан 3 секунд кейинок сезги кучи кўзғовчининг таъсири билан ҳосил бўладиган сезги кучига нисбатан бешдан бирича камайиши текшқришлардан маълум.

Адаптация кўриш, температура, хид билШл сезгиларида кучлироқ, эшитиш ва оғриқ сезгилзрида камроқ бўлади.

Бошқа сезги органлари ишлаб турганда айрим сезги органларининг адаптация процесси тезлашуви мумкин. Масалан, температура (совуқ), таъм билиш, мускул рецепторлари

этганда сезги ҳосил бўлишини инкор қилмадилар, лекин сезгиларнинг ўзини нарсаларнинг образлари деб ҳисобламадилар, балки нарсаларнинг фақат белгилари — символлари деб билдилар. Гельмгольц бундай дейди: «...Мен сезгиларни ташқи ходисаларнинг *символлари* деб таърифладим ва бу символларнинг ўзлари ифодалаган нарсаларга бир қадар бўлса. ҳам ўхшашлигини рад қилдим». «Чунки сурат -ўзи акс эттирган буюм билан маълум даражада ўхшаш бўлмоғи керак... Белгининг эса ўзи аломат бўлган нарсага ўхшаш бўлиши мутлақо лозим эмасдир»¹.

В. И. Ленин идеализмни ва айниқса физиологик идеализмни ўзининг «Материализм ва эмпириокритицизм» деган гениал философик асарида ҳар томонлама танқид қилиб, ер билан яқсон қилди. Владмир Ильич сезги ҳақидаги идеалистнк, фанга хилоф уйдирмалар зиддига аниқ, материалистик инъикос назарияснни қарши қўйди.

В. И. Ленин таълимотига кўра, сезги — материянинг сезги органларимизга таъсир этиш натижасидир, «онгнинг ташқи олам билан ҳақиқатан бевосита боғланишидир, ташқи кўзғалиш энергиясининг онг фактига айланишидир»².

В. И. Ленин сезгиларга нарсаларнинг белги-символлари деб қарашга тамомила қарама-қарши ўларок, сезги — ташқи оламнинг образидир деган ҳақиқий илмий фикрни илгари сурди. Символ нарсанинг моҳиятини ҳеч бир кўрсатиб бермайди — у аллақандай бир нарсани белгилайди, холос. Сезгиларга фақат символлар деб қаралса, у холда ташқи оламдаги нарса ва ходисаларни билиш мумкин бўлмай қолади; оламни билиб бўлмай қолади. Нарсанинг акси, нарсанинг образк дейилганда бутунлай бошқа маъно келиб чиқади. Ҳар қандай образ унда акс этадиган воқеий нарса ҳақиқатан мавжуд бўлишини талаб этади.

В. И. Лениннинг таърифига кўра, «сезги объектив оламнинг субъектив образидир..»³.

Онгимиздан ташқарида мавжуд бўлган моддий оламни сезгилар орқали биламиз. В. И. Ленин кўрсатиб ўтганидек, биз «Сезгиларимиз орқали бўлмаса^бошқача йўл билан на моддаларнинг ҳеч бир қандай формаларини, на ҳаракатларнинг ҳеч бир қандай формаларни ҳеч бир била олмаймиз»⁴.

Баъзан сезгиларда ҳам қандайдир сабабларга кўра хато-лар, ноаниқликлар бўлади. Аммо бу хатоларни текшириб кўриб, сезгиларнинг аниқ-ноаниқлигини билиш мумкин. Сезги-

лар практикада текширилади, образларнинг ҳақиқийлиги ёки сохталиги практикада аниқланади. Шу билан бирга, сезгилар айрим бир кишининг практикасидагина эмас, балки ижтимоий практикада ҳам синалди.

Албатта, ҳар бир сезги органининг «специфик (ўзига хос) хусусиятлари» бор, лекин бу специфик хусусиятлар тирик организмларнинг кўп асрлардан бери эволюцияси (тадрижий тараккийси) уларнинг ташқи кўзғовчилар таъсирини тўларок, яхшироқ идрок этишга мослашув учун интилиб келгани натижасида вужудга келган хусусиятлардир. Сезги органлари ташқи кўзғовчилар таъсири туфайли ихтисослашган, яъни специфик хусусиятлар касб этгандир.

Шундай қилиб, сезги воқеий нарсаларда ҳақиқатан бор хоссаларнинг инъикосидир. Модомики шундай экан, сезги — моддий дунёни билиш манбаидир.

VI. СЕЗГИЛАРНИНГ УСИШИ

Бола она қорнида 7—9 ойлик бўлган чоғларидаёқ унинг барча сезги органлари анча ўсиб етилган бўлади. Аммо бундан, бола дунёга келган ҳамано теварак-атрофдаги нарсаларни катта ёшли кишилар билан баб-баравар идрок қила олар экан, деган маъно келиб чикмайди.

Болаларнинг сезги органлари тажрибага, тарбияга қараб ўсади, мустаҳкамланади, сезиш қobiliяти мукамаллашади.

Ўздак боланинг сезгиларини бирон кўзғовчига жавобан кўрсатадиган реакцияларига қараб била оламиз, холос. Шу реакцияларга қараб, бола ҳаётининг дастлабки кунлариданок унда иссиқ ва совуқни тери сезгиси билан сезиш қobiliяти бор деб айтиш мумкин. Тегишга жавобан бўладиган реакциялар ҳам анча яққол кўринади. Болада таъм билиш сезгилари ҳам бўлади: болада ширин эритмага (қандга) бир бошқа, аччиқ эритмага (хининга) бир бошқа реакция бўлади.

Бола дунёга келган дастлабки кунларданок ёруғликнинг ўзгаришига қараб, кўз қорачиғи тораяди ёкк кенгаяди. Аммо бола кўз ҳаракатларини ҳали мувофиқлаштира олмайди (кўзини тутта олмайди): бир кўзи бир томонга, иккинчи кўзи иккинчи томонга қараб туриши, бир кўзини очиб, иккинчи КУ-зини юмиб ётиши мумкин. Бола ҳали нарсага тикилиб тура олмайди. Боя тахминан иккинчи ой охирида нарсаларга тикилиб қарайдиган бўлади; шу вақтда бола тикилган нарсаси четга сурилса, уни кўзлари билан биринчи марта қидира бошланди. Беш ойлик бола ёркин ранглари анча айирадиган бўлиб қрлади.

Бола туғилган дастлабки кунларда ҳеч нарсани эшитмаиди. Бунинг сабаби шуки, янги туғилган боланинг Ўрта қулоғига махсус модда тўлган бўлади, бу модда товушнинг ўтиши-

¹ Бу цитата В. И. Лениндан олинган, Асарлар. 14-том, Уздавнашр, 256—258- бетлар.

² В. И. Л е н и н. Асарлар, 14- том, Уздавнашр, 40- оет.

³ Уша китоб. 123- бет.

* Уша китоб, 288- бет.

га тўсқинлик қилади. Бу модда биринчи ҳафта давомида аксарини шимилиб кетади, бола товушга жавобан реакция кўрсата бошлайди. Авваллари бола фақат товушнинг кучига жавоб берса, икки-уч ойлигида товушнинг қай томондан келаётганлигини била бошлайди ва товуш келган томонга бошини бура бошлайди. Боланинг товушларга сезгирлиги ўса бошлайди, ёқимли ашула ёки музыка товушини эшитганда талпиниб суюнади ва, аксинча, каттик товушлар эшитганда, буни ёқтирмаганлигидан чинкиради.

Бола ҳаётининг дастлабки 3—4 ойида сезги органларининг ҳаммаси ўз вазифасини ўтайдиган бўлиб қолади; кейинчалик шу органлар ўсади ва фарқ қилишга доир сезгирлик кучайиши билан сезгилар бир-биридан ажратила бошлайди. Масалан, бола тўрт ёшлигида кўпгина рангларни бир-биридан айиради. Икки-уч яшар болаларда эшитиш сезгиси шу қадар ўсадики, улар айрим кишиларнинг овозларини ва айрим нарсаларнинг товушларини бемалол айриш билан бирга, мураккаб куйларни ҳам айира олади ва энг оддий куйларни айта боштади.

Мактабгача тарбия ёшида болаларнинг ҳар хил сезгиларига абсолют сезгирлиги анча юқори даражага етиши аниқланган. Аммо мактабгача тарбия ёшидаги болада фарқ қилишга доир сезгирлик мактаб ёшидаги болага ёки катта ёшли кишига нисбатан ҳали анча заиф бўлади.

Одам болалиқ давридан бирор фаолиятга киришса, сезгилари яхшироқ ўсади. Мактабгача тарбия ёшида сезгилар, турли ўйинларда ўсади. Бу ўйинларда хилма-хил хоссали ўйинчоқлар катта ўрин тутаяди. Мактаб ёшида ўқиш, жумладан, моддий нарсаларнинг ҳар хил хоссалари билан танишшн сезгиларнинг ўсишига катта таъсир кўрсатади. Мактаб ўқувчиларида, асосан фарқ қилиш сезгирлиги ўсади. Кўриш ва эшитиш сезгирлиги айниқса тез ўсади.

7 ёшдан 10 ёшгача болаларда рангларнинг тусларини сезиш 45 процент ортиши, 10 ёшдан 12 ёшгача болаларда 65-процентгача ортиши совет олимларининг махсус текширишларида аниқланган. Мактаб ўқувчиларини расмга ўргатиш рангларни айриш сезгирлигининг ўсишига катта таъсир кўрсатади.

Мактаб ёшида эшитиш сезгилари ҳам хийла ўсади. Оҳангларни фарқ қилиш сезгирлиги болаларга ашула ўргатиш муносабати билан айниқса кучли суратда ўсади.

Мактаб ёшида ҳаракат малакаларининг вужудга келиши муносабати билан мускул-ҳаракат сезгирлиги ҳам ўсади. Махсус текширишлардан олинган маълумотларга қараганда, 8 ёшдан 14 ёшгача болаларда бу сезгирлик 50 процентдан зиёд ортади.

Одамнинг меҳнат фаолияти сезгиларнинг ўсишига кучли таъсир кўрсатади. Маълумки, бирон махсулотни тайёрла-

да. шунингдек, назоратдан ўтказганда маддий нарсаларга бевосита тегиш (кўриш, эшитиш, пайпаслаб сезиш ва ҳоказо) билан бирга, шу нарсаларнинг сезиб билинадиган айрим хоссаларига катта эътибор беришга тўғри келади, сезги органларининг фарқ қилиш қобилиятига ортиқроқ таъаб қўйишга тўғри келади.

Модомики шундай экан, мактабда ишлаб чиқариш—меҳнат таълимини амалга ошириш ўқувчиларда сенсор сезгирликнинг турли томонларини ўстиришга ёрдам бериши шубҳасиз.

Сезгиларнинг ўсиши учун физкультуранинг муҳим аҳамияти бор. Масалан, аниқ ҳаракатлар қилишга тўғри келадиган машқлар мускул-ҳаракат сезгиларини ўстиради. Машқ қилиш процессида сезгиларнинг ҳамма хиллари ўсади.

Сезгиларнинг очик равшан бўлишида нутқ катта роль ўйнайди, Сезгилар сўз — ифодалар билан боғланса, очик-равшанроқ бўлиб қолади. Масалан, куй тонлари тегишли терминлар билан ифодаланмаса, уларни эшитишда келиб чиқадиган сезгиларни таърифлаб бўлмайди. Сўз билан ифодаланмаган нарса умумий комплексдан яққол ажралиб турмайди. Одамнинг сезгиси — аниқлиги, равшанлиги, дифференциалланганлиги (бир-биридан ажралганлиги) нутқнинг тараққий этиши билан ўсади ва кўп жиҳатдан нутқ тарбиясига боғлиқ бўлади.

Болаларни тўғри тарбиялаш сезгиларнинг ўсишида катта аҳамиятга эгадир. Боланинг соғлиғи ва жисмоний тарбияси ҳақида ғамхўрлик қилиш, жумладан, сезги органларининг ва сенсор сезгирликнинг ўз вақтида ўсишини таъминлашдан ҳам иборат.

Сезгилар идрок таркибига киради, шу сабабли, болаларда идрокни ўстириш билан уларнинг сезгиларини ҳам ўстирган бўламиз. Мушоҳадани, кузата билишни тарбиялаш — сезги органларини ҳам тарбиялаш демакдир, фарқ қилиш сезгирлигини ҳам ўстириш демакдир.

ИДРОК (1

I. ИДРОК ТУГРИСИДА УМУМИЙ ТУШУНЧА

Юқори (13-бет)да айтилганидек, идрок сезги аъзоларимизга таъсир қилиб турган нарсаларнинг онгда бевосита акс этишидир. Биз нарса ва ҳодисаларни яхлит ҳолича *идрок қиламиз*, нарсаларнинг айрим хоссаларини эса *сезамиз*. Масалан, қуёшни биз идрок қиламиз, унинг ёруғини эса сеза-

МИЗ, оғзимиздаги чакмоқ қандни идрок қиламиз. унинг ширинлигини эса сезамиз. Аммо хосса ва нарса бир-бирдан ажралмасдир, шу сабабли нарсаларни идрок қилиш ҳам сезгилардан ажралган ҳолда воқе бўлиши мумкин эмас.

Биз бир нарсани идрок қилаётганимизда унинг айрим хоссаларини ҳам сезамиз.

Бирор нарсанинг ўзини идрок қилмасдан ҳосил бўладиган сезгилар янги туғилган чақалок ҳаётининг дастлабки кунларидати мавжуд бўлса керак; чақалок нарсанинг ўзини идрок қила билмаса ҳам ундан ҳосил бўладиган сезгиларни ажратади, масалан, ёруғ ва қоронғини, ширин ва нордонни сезади. Одамнинг мураккаб психик ҳаётида айрим сезгилар фақат идрок процессида фикрий анализ ва абстрактлаштириш йўли билан ажратилади.

Сезгилар, одатда содда, элементар психик процесслар деб ҳисобланади, идрок эса мураккаб психик процессдир. Биз идрок қилаётган нарсалар гоятда хилма-хилдир. Булар жумласига, аввало турли буюмлар, чунончи—бинолар, дарахтлар, жихозлар, техника буюмлари ва ҳоказолар қиради. Биз музика, сурат, расм ва бошқа санъат асарларини идрок қиламиз. Одамнинг ҳаётида нутқни—оғзаки ва ёзма нутқни идрок қилиш энг катта ва муҳим ўрин тутаяди.

Атроф-ёнимиздаги нарса ва ҳодисалар бир-бирдан ажралган ҳолда эмас, балки ҳамма вақт идрок қилиниб турган нарса бошқа нарсалар билан макон ва вақт жиҳатдан бири-бири билан боғланган ҳолда идрок қилинаётганини ҳар бири киши ўз кундалиқ тажрибасидан яхши билади. Масалан, столни идрок қилаётганимизда биз унинг жойини, атрофини ўраб олган стулларни, шу пайтда радиодан эшитилаётган музикани ҳам идрок қиламиз, хона ичидаги радиоприёмникни ҳам, кишиларни ҳам бир вақтда кўрамиз,

Биз нарса ва ҳодисаларни макон ва замон шароитида идрок қиламиз. Макон ва замон моддий борлиқ формаси сифатида, барча бошқа реалликлар каби идрок қилинади. Бунинг маъноси шуки, биз нарсаларни, уларга хос бўлган фазодаги формалари (куб, учбурчак, доира ва ҳоказо шакллари)га, фазодаги катта-кичиклиги (катта, кичкина, майда ва ҳоказо)га, фазодаги муносабатлари (бир-бирига ва бизга нисбатан яқин, узок, чап, ўнг томонда, юқори ва паст туришлари)га қараб идрок қиламиз, улар тинч ёки ҳаракат ҳолатларида идрок қилинади. Биз идрок қилиб турган нарса ва ҳодисаларни маълум вақт (замон) давомида пайдо бўлиш ва ўзгариб боришларида идрок қиламиз.

Идрокда—1) идрок процессини, яъни онгимизнинг бевосита акс эттирувчи фаолиятини ва 2) нарсаларни идрок қилиш (акс эттириш)дан ҳосил бўладиган субъектив образни бир-бирдан фарқ қилиш лозим.

II. ИДРОКНИНГ МУРАККАБЛИГИ

Идрок мураккаб психик процессдир. Бу мураккаблик, аввало шундан иборатки, ҳар бир идрок таркибига айни вақтда бир неча сезги қиради. Масалан, қовунни идрок қилиш унинг шаклини (узунчоқ ва ҳоказо), рангини (қўқ, оқ ва ҳоказоларни) сезиш—бу кўриш сезгиларидир, хидини сезиш (хид сезгилари), ширин, чучуклигини сезиш (маза сезгилари), оғир-енгиллигини, қаттиқ-юмшоқлигини сезиш (мушкул сезгилари) ва бошқа сезгилардан таркиб топади. Идрок килишда анализ ёрдамида ажратилган шу айрим сезгилар (рецепциялар) идрокнинг рецептив томонини ташкил қилади.

Шу хоссаларнинг жамини сезишдан идрок қилаётган нарсанинг дастлабки бевосита образи ҳосил бўлади, бу идрокнинг перцептив томонини ташкил қилади. Бунда шу хоссалар нарсанинг ўзида қандай боғланган бўлса, айни шу таркибда сезилади. Шу сабабли идрок қилинаётган нарсанинг дастлабки образи ҳам сезгиларнинг механик жами (йиғиндиси)дан иборат бўлмай, балки яхлит, бир бутун бўлади.

("Идрокнинг нерв-физиологик механизмлари ҳам сезгилардагига қараганда анча мураккабдир. Идрокнинг физиологик асоси бош мия пўстининг анализ—синтез фаолиятдан иборат бўлиб, бу фаолият сезги органларимизга таъсир қилиб турадиган нарса ёки ҳодисанинг битта хоссаси билан эмас, балки бу хоссаларнинг жами, бутун бир комилекси билан вужудга келади. Идрокнинг нерв-физиологик механизми нарсалар хоссалари жамининг таъсири билан ҳосил бўладиган муваққат боғланишлар системасидан иборатдир. Ҳар бир нарсандаги хоссаларнинг шу жамига қараб, биз нарсаларни бир-бирдан фарқ қиламиз.

И. П. Павлов қилган тажрибалардан маълум бўлдики, згар анализаторга биронта яқка қўзғовчи эмас, балки қўзғовчиларнинг жами мунтазам таъсир қилиб турса, бундан туғиладиган реакция ҳар бир қўзғовчининг ўз хусусиятига қараб эмас, балки бу қўзғовчиларнинг ўзаро қандай боғланишига, ўзаро муносабатига қараб туғилган. И. П. Павлов бу ҳодисани *муносабат рефлекс*и деб атади.

Бундай боғланишларнинг кўриш анализаторида ҳосил бўлиши, масалан, муайян бир фигураларнинг қандай ранг билан чизилганлиги ва катта-кичиклигидан қатъи назар, уларнинг контурларини топиб олишга имкон беради. Бундай боғланишларнинг эшнтиш анализаторида ҳосил бўлиши биронта мелодиянинг баланд ёки паст (ингичка ёки йўғон) тонда ижро қилинишдан қатъи назар, уни таниб олинишига (бир хилда идрок қилинишига) имкон беради. Муносабат


рефлекси нарсанинг айрим хоссаларининг ўзаро объектив боғликлигини акс эттиришдан иборатдир.

Шундай қилиб, идрок битта сезгй органининг иши бўлавермай, балки бошқа бир қанча сезги органлари, бир қанча аналкзаторларнинг фаолияти махсулидир. Лекин ҳар бир идрокда сезги органларидан бири энг муҳим ўрин тутди. Масалан, суратни идрок қилишда кўриш органи, музикани идрок қилишда эшитиш органи бош ўринда туради. Идрок ҳам сезгилар каби, бош ўринда турадиган ана шу органларга қараб: кўриш, эшитиш, хид, маза ва бошқа идрок.хилларига бўлинади. Булардан ҳаётимиз учун энг муҳимлари кўриш билан эшитиш идрокидир.

Булардан ташқари, идрокнинг яна аралаш тури ҳам бор. Идрокнинг бу турида ёлғиз бир сезги органи эмас, балки нкки, уч сезги органи баравар муҳим ўринда туради. Овоз.ти кинофильм ёки операни идрок қилишда кўриш ва эшитиш сезгиси баравар муҳим ўрин тутиши аралаш идрокка мисол бўла олади.

Идрокнинг мазмуни унинг таркибига кирган сезгиларнинг фақат оддий жами (йиғиндиси)дан иборат бўлиб қолмайди.

Ҳар бир идрок таркибига сезгилар кириши билан бирга, одамнинг ўтмишида ҳосил қилган тажрибалари ва билимлари ҳам қиради. Масалан, 28а-расмни учбурчак ва 28б-расмни доира деб идрок қиламиз, ҳолбуки биркнчи расмда учбурчак эмас, балки уч чизик, иккинчисида эса ярим доирадан бошқа нарса нўк. Биринчи расмда йўқ бурчак.тарни ва иккинчи расмда етишмаган томонини ўзимиздан, ўз тажрибамиздан олиб «кўшамиз» ва бу расмларни учбурчак ва доира деб идрок қиламиз. Биз ўтмишдаги тажрибамизда учбурчак ва доираларни кўп марта кўрганмиз, бу фигуралар билан кўп марта иш кўрганмиз. Бу фигураларнинг образи миямизда мустаҳкам ўрнашиб қрилган. Шу сабабли, бу расмларни кўришимиз билан илгари бизда ҳосил бўлган тасавурлар яна эсимизга келиб, миямизда учбурчак ёки доиранинг яхлит образи пайдо бўлади. Атроф-ёнимиздаги ҳамма нарсаларни кдрок этиш ана шундай амалга оширилади.



28а-расм. Учбурчак.

28б--Р"см. Доира.

Шундай қилиб, идрок процессларига *хотира фаолияти* хъм қўшилади. Шу сабабли идрокнинг физиологик асосида аввал ҳрсил бўлган муваққат нерв боғланишлари ҳам мавжуддир.

Агар идрок процессига хотира иштирок қилмай қўйса эди, у холда идрок унчалик мазмунли бўла олмас эди, ҳамма буюм ва ҳодисалар назаримизда ҳар гал янги ва нотаниш нарсасдек бўлиб кўринаверарди. Хотира туфайли биз нарсаларни ҳар гал айнан ўша нарса ёки ўхшаш нарса, ё бўлмаса бир-биридан бошқа-бошқа нарса деб идрок қиламиз. Ҳар бир идрок маълум даражада таниб олиш ва умумлаштириш процесси ҳамдир.

Кўп ҳрлларда идрокимиз таркибига ўтмишдаги тажриба билан бирга ҳаёл тасавурлари ҳам қиради. Идрокнинг мазмуни баъзан идрок қилинаётган объектнинг ўзига қараганда кенгрок, бойрок бўлади. Масалан, биз уй ичиди туриб, киров босган дераза ойнасига қарасак, одатда, киров аллақандай тропик ўрмон ва гулларга ўхшаб кўринади. Кечқурун ёки ойдин кечаларда боғ. ёки ўрмондаги дарахтлар баъзан ҳаёлий тус олиб, кўзимизга аллақандай ғалати бўлиб кўринади.

Идрок қилинаётган объектларнинг ўз томонимиздан «кўшиб» шу тарзда кенгайтирилиши ҳаёлимиз махсулидир. Лекин бунда ҳаёл процесслари ҳам, хотира процесслари сингари, идрокда ихтиёрсиз, онгимиз учун «билинмайдиган» бир суратда содир бўлади. Идрок процессларида ҳаёл иштирок этганлиги бизга идрок натижаларини анализ қилиб кўрганмиздагина маълум бўлиб қолади. Масалан, ўрмондаги тўнқанинг қораси биронта ёввойи ҳайвонга ўхшаб кўзга кўринса, бу холда ҳайвоннинг образи бу тўнкани идрок қилаётган кишининг ҳаёли махсулидир.

Идрок таркибига тафаккур ва нутқ фаолияти ҳам қиради. Бунда тафаккур ва нутқ фаолияти, аввало идрок қилинаётган нарса ва ҳодисанинг номини овоз билан ёки ўз ичидан айтишда ва билишда ифодаланади. Нарса ва ҳодисанинг номини сўз билан ифодалаш демак —бу нарса ва ҳодисага ном бериш ва уни мавжуд тушунча доирасига киритиш демакдир. Масалан, биз 28а- расмни учбурчак ва 28б- расмни доира деб айтаемиз ва шу билан бирга уларни биз билган геометрик тушунчалар доирасига киритаемиз. Идрок қилаётган нарса ва ҳодисаларни англаб ва тушуниб олишимиз сабаби ҳам шундадир. Агар идрок қилаётган бирон нарса ёки ҳодисамиз яқги, номаълум бўлса, бизда дарров фикр фаолияти бошланиб, «бу нима», «бунинг номи нима» деган савол туғилади. Бу хол ҳам идрок процессида тафаккурнинг иштирокини кўрсатади.

Ҳар бир идрок ҳукм (гап) формасида ифодаланади, масалан: «бу китоб», «бу одам», «бу музика» ва ҳрказо, бдам-

нинг идроки сезги органларига таъсир кўрсатаётган бирон нарсанинг оддийгина образи эмас, балки одамнинг тажрибаси заминда англаб, тушуниб олинадиган образдир.

Нарса ва ходисаларни номини атаб, биз идрокимиз мазмунини очиқ-равшан қиламиз, бу идрокимизни бошқа кишилар учун ҳам аниқ қиламиз.

Нутқни, расмларни, бадий суратларни, музыка ва бошқа санъат асарларини идрок қилиш, моддий буюмларни идрок этишга нисбатан кўп даражада мураккабдир. Шу жумладаги идрокнинг мазмуни, асосан, одам ҳосил қилган тажрибанинг бойлиги, унда тафаккур ва хаёлнинг нечоғли тараккий қилганлиги билан белгиланади.

Идрокимизда нутқ иштирок қилганлигидан, идрокнинг физиологик асоси биринчи сигнал системасига оид нерв туташувигина бўлиб қолмай, балки иккинчи сигнал системасининг ҳам нерв боғланишлари идрокнинг физиологик асосидир. Идрокда иккинчи ва биринчи сигнал системалари бирлашган ҳолда амал қилади.

• 2 \ III. ИДРОКНИНГ АКТИВЛИГИ ВА КУЗАТИШ

Идрок процесслари фақат теварак-атрофдаги нарсаларнинг сезги органларимизга таъсир қилиб туришлари натижасидагина эмас, балки шу билан бирга идрок қилаётган одам ўзининг оламни билиш ва амалий фаолиятида ён-атрофидаги нарсаларга таъсир қилиши натижасида ҳам вужудга келади,

Идрокнинг активлигига, аввало унга боғлиқ бўлган *ҳиссий кечинмалар* сабаб бўлади. Бу туйғу-ҳислар, аввало шу топдаги идрок таркибига кирадиган сезгиларнинг эмоционал (ҳиссий) тонидан иборат бўлади. Идрок қилинаётган нарса ва ходисалар тўғрисида ўтмишда тузилган таассурот ва фикрлар билан боғлиқ ҳиссиёт ҳам шу жумладандир. Кўпинча одамнинг идрокига шу пайтда кечириётган биронта ҳиссиёт — шодлиги, хушчақчақлиги, ғамгинлиги, тажанглиги ва бошқа шу каби туйғулари таъсир қилиб, идрок қилинаётган нарса ёки ходисага маълум бир тус беради. Шу сабабли, кишининг таъби хиралик вақтида табиат манзаралари унга аллақандай «ғамгин», «маъюс» дек кўринадиган бўлса, таъби чоғ вақтида гуллар «кулиб» тургандай, ҳамма ёқ «қувнок» дек кўринади ва хоказо.

Туйғу-ҳислар идрок мазмунини жонли, ёрқин қилади, идрокни маълум бир томонга йўналтиради. Туйғу-ҳислар идрокнинг активлик даражасини кучайтиради, идрок шароити бўлган бошқа психик процессларнинг итдамлик даражасига таъсир қилади: бу процессларни тезлатади ёки сусайтиради. Идрок билан боғлиқ ҳислар, жумладан, хаёл процессларини кўзғатиб фаоллаштиради. Масалан, киши каттиқ ваҳимага

тушганда ҳар бир арзимаган нарсадан ҳам хавфсирайверади, оддий, арзимаган нарса ҳам назарида аллақандай — даҳшатли туюлади ёки киши каттиқ хушвақтликда ўзини ҳар нарсадан мамнун сезади, оддий, арзимаган нарсалардан ҳам завқланаверади, шунинг учун ҳам: «кўрккан кўзга қўш кўринар» ёки «гули-гун хаёл» дейдилар.

Идрок процессларида диққат ғоят катта аҳамиятга эгадир. Диққат идрокнинг активлигини оширади ва идрокнинг мукамал, расо ва равшан бўлишига хизмат қилади.

Диққат, активлик даражасига қараб, ихтиёрсиз ва ихтиёрий бўлмоғи мумкин, шу сабабли идрок ҳам ихтиёрсиз ва ихтиёрий бўлмоғи мумкин.

Муайян бир объектни олдиндан мақсад қилиб олмасдан ва махсус танланмасдан, куч сарф этмасдан идрок қилиш процессини ихтиёрсиз идрок деб аталади. Бундай идрок процесслари диққатимизни беихтиёр ўзига жалб қилаётган объектларнинг таъсири билан кўзғалади; масалан, биз узоқдан келаётган поезд овозини беихтиёр эшитамиз, тунда қирда ёнаётган алангани узоқдан беихтиёр Кўрамиз. Узининг ёрқинлиги, ранг-баранглиги, ҳаракати, хушоҳанглиги, контрастлиги билан ажралиб турадиган нарса ёки ҳодисалар, одатда, беихтиёр идрок қилинади, шунингдек, айни вақтда бироита эҳтиёж ва манфаатимизга жавоб берадиган, шахсий тажриба ва билимларимизга энг кўп даражада мувофиқ келадиган ва биз учун ғоят катта аҳамияти бўлган объектлар ҳам беихтиёр идрок қилинади.

Ихтиёрсиз идрок тетик, бардам вақтимизда бизда тўхтовсиз бўлиб турадиган процессдир.

Олдин белгиланган мақсадга қараб муайян бир объектни идрок қилишни ихтиёрий идрок деб аталади. Бадий бир расмни кўриш, докладни эътибор билан эшитиш, ёзма ишлардаги имло хатоларини қизиқ ўтиш, операдаги арияни тинглаш, кўпчилик орасида ўзимиз қидирган бир шахсни топиб ажратиш ихтиёрий идрокка мисол бўла олади.

Ихтиёрий идрок ихтиёрсиз идрокдан айрилган ҳолда бўладиган процесс эмас. Ихтиёрсиз идрок ихтиёрий идрок учун гўё «фон» бўлиб хизмат қилади.

Муайян соҳага тегишли нарса ва ходисаларни систематик ва узоқ вақт давомида ихтиёрий идрок қилиб боришни кузатиш деб аталади. Масалан, биз олма дарахтининг гуллашини маълум вақт давомида кузатиб боришимиз ёки бола нутқининг қандай ўсиб боришини бир неча йил давомида кузатиб Соришимиз мумкин. Лекин кузатиш самарати бўлмоғи учун етарли даражада кучли, барқарор диққат билан бирга актив фшқрлаш мавжуд бўлиши шарт.

Кишининг системали, давомли ва планли идрок қилиш қобилияти *кузатувчанлик* деб аталади. Кузатиш қобилияти

теварак-атрофдаги нарса ва ходисаларни маълум бир мақсад билан системали ва режали идрок қила билишдир.

Ҳар бир киши маълум даражада кузата билиш қобилиятига эга, бу қобилият ҳар кимнинг ўз ҳаётининг тажрибаси ва билиш фаолиятида тараққий қилиб боради. Аммо ҳар бир кишини ҳам разми ўткир, кузатиш маҳорати зўр деб бўлавермайди. Разми ўткир, кузата билиш қобилияти зўр киши деб, одатда, ўз олдига жамият учун фойдали, илмий ва бошқа муҳим вазифаларни қўя билладиган, теварак-атрофдаги хилма-хил нарса ва ходисалардан керакли ва энг муҳим объектларни ажрата билладиган кишини айтилади. Разми ўткир, кузата билладиган киши идрок қилинаётган нарса ва ходисалардаги ўхшашликни ва фарқни дарров пайқаб олади, бу нарса ва ходисаларнинг энг муҳими, зарур хусусиятларини ажрата биллади.

Разм сола билиш, кузатувчанлик қобилияти шахснинг ниҳоятда қимматли сифатларидандир. У мавжуд шароитни тўғри тушунишга, ўраб олган оламни самарали ўрганишга ва, хусусан, ўқув материални чуқур ўзлаштиришга имкон беради.

И. П. Павлов кузатувчанлик илмий билишнинг асосий шартини деб ҳисобларди. Павлово шахрида у ташкил қилган биология станцияси биносининг олд томонига «кузатувчанлик, кузатувчанлик ва яна кузатувчанлик» деб сежиз ёзилмаган эди.

К. Д. Ушинский кузатувчанликни ўстириш вазифасига катта аҳамият берарди. «Агар таълим болаларнинг ақлини ўстирмоқчи бўлса,—деб ёзган эди К. Д. Ушинский,—уларнинг кузатувчанлик қобилиятини машқ-қилдириш керак»¹.

Шунинг учун ҳам ўсиб келаётган ёш авлодда кузатувчанликни тарбиялаш совет педагогикасининг муҳим вазифаларидан биридир.



IV, АППЕРЦЕПЦИЯ

Юқрида баён қилинганлардан маълумки, одамнинг тажрибаси, билими, ҳаёл ва тафаккурининг фаолияти, ҳиссиёт ва диққати, умуман одам психикасининг ҳамма мазмуни идрокда намоён бўлади. Бу психик ҳаётнинг идрокда акс этувчи ва идрокка таъсир кўрсатувчи мазмунини апперцепция деб аталади.

Апперцепцияларнинг нерв-физиологик механизми, афтидан, ўтмишдаги тажрибадан ҳосил бўлган боғланишлар системасидан ва уларнинг янги ҳосил бўлаётган муваққат боғланишларга таъсир кўрсатишидан иборат бўлса керак.

¹ К. Д. Ушинский. Танланган асарлар, 6-том, РСФСР Педагогика фанлари академияси, Москва, 1949 йил, 267- бет,

Нерв боғланишларнинг таркиб топган системаси (яъни динамик стереотип) биронта бўшроқ, хаттоки биронта ўхшаш кўзғовчининг таъсири билан ҳам кўзғалмоғи мумкин. Бунда кўзғалган стереотипдан ҳосил бўлган натижа, шу стереотипни в^жудга келтирган жами кўзғовчилар таъсир кўрсатгандаги натижасидан сира қолишмайди.

Айни бир нарса ёки ҳодисани айрим кишиларнинг идрок эгишида кўринадиган баъзи хусусиятлар апперцепция билан белгиланган бўлади. Бу хусусиятлар одамнинг тажрибаси ва билимларига боғлиқ хусусиятлардир. Кишилар айни бир нарса ёки ҳодисани ёшлари, маълумотлари, турмуш тажрибалари, касблари, синфий чиқишлари, темперамент, характер, қобилият ва қизиқишларида кўринадиган шахсий хусусиятларига қараб, ҳар хил идрок қиладилар.

Одамнинг ақли қанчалик етук, муайян соҳага оид тасавури, фикри, тажрибаси, билими қанчалик бой бўлса, унинг шу соҳада идроки ҳам шунчалик мураккаб, чуқур ва сермазмун бўлади. Бу хусусиятлар моддий буюмларни идрок қилишдаёқ намоён бўлади. Масалан, биронта янги машинани тегишли ихтисоси бўлмаган киши томонидан идрок қилиниши, ихтисоси бор одамнинг идрокига қараганда, мазмунан торроқ ва юзаки бўлади. Айни бир объектларни тегишли кхтнсоқ бўлмаган кишининг кузатиш тарига қараганда, олимнинг чуқур илмий кузатишлари хийла фарқ қилади.

Айни бир мевали боғни рассом, агроном ва савдо ходим -ҳар хил, яъни ҳар қайсиси ўз нуқтаи назаридан эътибор бериб идрок қилиши мумкин.

Алифбе ва бошланғич ўқиш китоблари нирик ҳарфлар билан босилади, чунки энди савод чиқараётган кишиларда (бола ва катта ёшлиларда) ҳали китоб ўқиш тажрибаси бўлмайди. Кўп ўқиган, бу соҳада катта тажрибага эга бўлган кишилар майда ҳарф билан босилган хатни ҳам (масалан, газетани) жўнгина ўқиб кетаверадилар. Бизда ҳосил бўлган тажриба ва билим туфайли, биз чала ёзилган сўзларни, тушиб қолган ҳарфларни пайқамасдан, хато ёзилган бўлса ҳам, барибир, тўғри ўқийверамиз. Масалан, тахистоскоп билан қйлинган (40-расм) тажрибалар шуни кўрсатадики, «автом* брус» деб хато терилган сўз «автобус» ёки «автомобиль» деб, «синоатлаштириш» деб терилган сўз «саноатлаштириш» деб ўқилаверар экан ва ҳраказо.

Идрокка субъектив мазмун бериш оғзаки материални идрок этишда айниқса яққол кўринади. Масалан, «илдиз» деган сўзни ботаник ўсимлик илдизи] математик квадрат ёки куб илдизи, тиш доктори тиш илдизи деган маънода идрок қилишлари мумкин. Реакция деган сўзни тарихчи бир маънода тушунса, химик ёки психолог бошқа маънода тушуниши мумкин. Апперцепция бадий асарлар текстини, бадий сурат ва расм-

ларни идрок этишда айниқеа яккол намоён бўлади. Биз биронта суратга кўз солганимизда тўғридан-тўғри фақат бўёк ранг ва чизикларнинг ҳар хил чатишувини кўрамиз, холос. Еу перцепциядир. Расм ва суратни идрок қилганимизда эса, масалан, перспективани, одам ва ҳайвонларнинг иш-ҳаракатларини биз ўтмишдаги тажрибамиз, билимларимиз ва ҳаёлимиз фаолняти натижасида идрок қиламиз. Бу апперцепциядир. Музикани идрок қилишда ҳам худди шу хол юз беради.



29- расм. Иккиланган тасвир. салан, ўрмонда биз учун зарур

бўлган биронта дарахтни ҳамма бошқа дарахтлардан айрим идрок қиламиз. Музикани эшитганимизда гармония оҳанглиридан биз учун таниш бўлган бир куйни ажратамиз.

29- расмга қарасак, қора фон устида ваза суратини ёки оқ фон устида икки юзнинг ёнидан кўринишини (ирофилларни) кўришимиз (идрок қилишимиз) мумкин. Бу ҳолда идрокнинг иккиланиши диққатимиз нимага (расмнинг қайси бир томоёига) қаратилганлиги билан белгиланади.

Идрок процессида баъзан учраб қоладиган субъективизм ҳам апперцепция натижасидир. Бу субъективизм, масалан, вақтни, ҳаракатни идрок қилишда, қизгин мунозаралар бораётган пайтда бир кишининг гапини идрок қилишда кўпроқ учрайди.

Шундай ҳоллар ҳам учрайдики, бирон нарса ёки ҳодиса сезги органларимизга таъсир қилиб турса ҳам, лекин идрок қилинмай қолади, яъни онгимизнинг чет-четида қолаверади. Масалан, бир киши муайян бир нарсага тикилгандек кўринса ҳам, лекин у нарсанинг ўзини кўрмайди, гапни эшитаётгандек кўринса ҳам, лекин гап унинг қулоғига қирмайди. Бундай ҳолнинг сабаби диққатимиз (бутун фикри-зикримиз) айни вақтда сезги органларимизга таъсир қилиб турган объектдан бошқа объектга чалғиб, ҳаёл қочганлигидадир. Бундай ҳол, одатда, одамларнинг ҳаётида тез-тез учраб туради.

Бундай ҳолнинг физиологик сабаби шундаки, объектнинг (кўзғовчининг) анализаторларга таъсири биринчи сигнал системаси иўли билан боради, айни вақтда иккинчи сигнал системасида илгари ҳосил бўлган боғланишлар тормозланиб қслади, шу сабабли, нарсанинг (кўзғовчининг) мавжудлиги фаҳмланмай қолади. Апперцепцияни фақат ўтмишдаги тажриба ва билимларни идрок мазмунига киритавериш деб тушуниш ярамайди.

Шундай қилиб, идрок процесслари фақат сезги органларининг фаолияти бўлиб қолавермайди. Оламдаги нарса ва ҳодисаларни одам бир бутун шахс сифатида идрок этади ва бунда шахсга хос бўлган ҳамма сифатлар, унинг ахволи, майл ға мақсадлари, шунингдек, индивидуал ва ёш хусусиятлари камоён бўлади.

Апперцепция фазо, вақт ҳамда ҳаракатни идрок қилишда катта роль ўйнайди. Иллюзиялар эса хийла даражада апперцепция натижасидир.

V. ФАЗОНИ ИДРОК ҚИЛИШ

Фазони идрок қилиш тўғрисида гапирар эканмиз, биз нарсаларнинг фазодаги формаларини, уларнинг фазодаги катта-кичиклигини ва фазодаги ўзаро муносабатларини кўзда тутамиз. Маълумки, фазодаги формаларига қараб, уч бурчакли, тўрт бурчакли, куб, цилиндр ва шу каби шаклдаги нарсалар ажратилади; нарсалар катта-кичиклигига қараб, нисбатан катта, кичикроқ, ўртача ва ҳоказо нарсаларга ажратилади; фазодаги муносабатларига қараб, бу нарсалар бизга ва бири-бирига нисбатан яқин, узок, чап томонда, ўнг томонда, юкори ёки паст бўлишлари мумкин.

Фазони биз унинг ҳамма уч ўлчовида кўриш, тери сезгидгри ва мускул-ҳаракат органлари ёрдами билан идрок қиламиз.

Фазони кўз билан идрок қилиш


Фазо муносабатларини, нарсаларнинг формасини, нарсаларнинг ҳажми ва катта-кичиклигини биз, асосан, кўз билан кўриб идрок қиламиз.

Фазони биз бир кўзимиз билан ҳам кўриб, яъни монокуляр, икки кўзимиз билан ҳам кўриб, яъни бинокуляр идрок қиламиз.

Монокуляр идрок қуйидагича воқе бўлади. Биз кўз билан қараганимизда, биз шу нарсдан акс этган нурлар кўз гавҳарида синиб, кўзнинг тўр пардаси (сетчатка)да шу нарсанинг акс этган сурати фотоаппаратдагига ўхшаб, тўнкарилиб, тесқари тушади (30-расм). Аммо бунга қарамасдан, биз нар-

сани хақиқий холатида, хақиқий шакли ва катта-кичиклигида кўрамиз, идрок қиламиз («Идроккинг константлиги» номли бобга қаралсин, 151-бет).

Нарсанинг четларидаги нукталаридан акс этган нурлар кўз гавҳарида бир-бирини кесиб ўтади ва утарнинг кесилиш жойида кўриш бурчаги ҳосил бўлади. Бу бурчакнинг катта-кичиклиги идрок қилинаётган нарсанинг катта-кичиклигига



30- расм. Нурларнинг кўз гавҳарида синиши:

a, в, а, в ўқининг тескари акси. *А, А*—фиксация нуктаси; *А, А*—кўриш чизиғи; *а, к, в*—кўриш бурчаги.

хамда унинг кўздан қанчалик узок-яқин турганига боғлиқ бўлади. Нарса қанчалик катта бўлса, кўриш бурчаги ҳам шунчалик катта бўлади ва аксинча. Катталиги бир хилдаги айни бир нарсани яқин масофадан кўраётганимизда кўриш бурчаги каттароқ, узокдан туриб қарасак кичикроқ бўлади. Демак, кўриш бурчагининг катта-кичиклиги идрок қилнаётган нарсанинг катта-кичиклигини, шунингдек, унинг қанчалик узоклашганини билдиради.

Кўзимиз билан тик (тўппа-тўғри) қараганимизда, агар ёруғлик кучли бўлиб, кўриниб турган нарсалар ўртасидаги ўриш бурчаги 50" дан кам бўлмаса, кўзимиз айни бир вақтда икки нарсани (икки нуктани) кўра олади. Лекин, кўриш бурчаги кичикроқ бўлса, икки нарса ёки икки нукта биттадек бўлиб кўринади. Ен томондан қараганда икки нукта биттадек кўринади ва кўриш бурчаги хийла катта бўлади. Шунинг учун ҳам узок масофадаги икки ёки бир қанча нарса «бирлашиб кетиб», бир нарсасидек идрок қилинади.

Икки нарсани айни бир вақтда кўраётганда кўриш бурчаги қанчалик кичик бўлса, кўз шунчалик ўткир ҳисобланади.

Яқин ёки узокроқ масофадаги нарсаларнинг акс этган сурати тўппа-тўғри кўз тўр пардасига тушмоғи учун кўз гавҳари бўртиқ ёки ясси холда бўлмоғи керак. Яқин турган нарсаларга қараган пайтда кўз гавҳари қарийб шарга ўхшаш бўртиқ формага, узокдаги нарсаларга қараганда эса чўзилиб, қарийб ясси формага қиради. Кўз гавҳарининг ва, умуман, кўзнинг равшан кўриш учун уйғунлашувини аккомодация деб аталади. Кўзнинг аккомодацияси 20—25 метр доирасида фазонинг

учинчи ўлчовини, яъни олисликни, чуқурликни, рельефни кўз билан идрок қилишда айниқса катта аҳамиятга эга.

Кўз хиралик — узокдан яхши кўра олмаслик ва яқиндан яхши кўра олмаслик. Кўз гавҳари қанчалик шар формасига яқинлашса, ёруғлик нурининг синиши шунчалик кучлироқ бўлади ва қаралаётган нарсанинг сурати ҳам кўз гавҳаридан шунчалик яқин ерда акс этади. Кўз гавҳари қанчалик кўп чўзилиб ясси форма олса, нурнинг синиши ҳам шунчалик кучсиз бўлади ва қаралаётган нарсанинг сурати ҳам кўз гавҳаридан шунчалик йироқ ерда акс этади.

Кўз гавҳарининг ясси формага ёки бўртиб шар формасига қира олиш қобилияти ҳамisha эўр бериб тикйлишдан ёки одамнинг ёшига қараб сусайиб бормоғи мумкин. Бундай ҳолларда нормал кўриш қобилияти бузилиб, узокдан яхши кўра олмаслик (яссиланиш қобилиятининг заифлиги) ёки яқиндан яхши кўра олмаслик (бўртиш қобилиятининг заифлиги) пайдо бўлади.

Узокдан яхши кўра олмайдиган одамларнинг кўз гавҳарида нурларнинг синиши кучли бўлади; бинобарин, бу синаётган нурлар кўз тўр пардасига бориб етмасданок бир нуктага йиғилади. Бунинг натижасида нарсанинг сурати кўз тўр пардасида хира, мужмал акс этади. Шунинг учун ҳам узокдан яхши кўра олмайдиган одамлар ботик кўзойнак тақиб юрадилар, чунки ботик кўзойнак нурларни таркатади ва бу нурларнинг синиш нукталарини кўз тўр пардасигача еткази.



Яқиндан яхши кўрмайдиган одамларнинг кўз гавҳарида нурларнинг синиши заиф бўлади, натижада нурлар кўз тўр пардасининг орқа ерида тўпланади. Кўз тўр пардасининг ўзига эса ҳали бир нуктага тўпланмаган нурлар тушади. Шу сабабли, кўз бу холда ҳам равшан кўра олмайди. Яқиндан яхши кўра олмайдиган одамлар бўртиқ кўзойнак тақадилар, чунки бўртиқ ойна нурларнинг синишини кучайтиради ва нурларни худди кўз тўр пардасига тўплайди.

Узокдан яхши кўрмаслик ва яқиндан яхши кўрмасликнинг яна бир сабаби шуки, баъзи одамларнинг кўз соққаси чўзинчоқроқ (узокдан яхши кўра олмайдиганларда) ёки қалта (яқиндан яхши кўра олмайдиганларда) бўлади. Шунинг учун кўзнинг бу каби хиралиги болалик чоғиданок кўринмоғи мумкин. Узокдан яхши кўра олмайдиган одамлар билан яқиндан яхши кўра олмайдиган одамларнинг кўзида нурларнинг қандай синиши 31-расмда кўрсатилган.

Фазони (монокуляр кўриш йўли билан) бир кўз билан етарли даражада аниқ ва мукамал кўриб бўлмайди. Айниқса, фазонинг учинчи ўлчовини бир кўз билан (монокуляр) идрок қилиш йўли билан кўришда тўла аниқликка эришиб бўлмайди,

Одатда биз нарсаларни фазо муносабатлари формалари ва катта-кичиклиги билан бирликда идрок қилганимизда кккала кўзимиз билан, яъни **бинокуляр** идрок қиламиз.

Шуниси кнзикки, бир нарсага караганимизда унинг сурати ҳар қайси кўзимизнинг тўр пардасига якка-якка тушса ҳам, лекин бу нарса ёки нуқталар иккита бўлиб эмас, балки битта бўлиб кўринади, бунинг сабаби нима?



31-расм. Нурларнинг синиши.

*-1-гормал курзидиганларда: 2-узекдан яхши кура олмайдиганларда: 5—яқиндан яхши кура олмайдиганларда.


Бу ҳоднсанинг сабаби шундаки, кўриб турган нарсамиздан келадиган нурлар икки кўзимизда алоҳида симметрия бўлиб баробар акс этади. Бир нарсани нкки кўз билан кўриш шу нарсадан келадиган нурларнинг кўз тўр пардасидаги алоҳида **мос нуқталарга** тушиши ёки **мос эмас нуқталарга** тўғри келишига боғлиқдир,

Кўз соққаларининг тўр пардаларида сарик догдан тенг-баравар узоқликдаги нуқталарни мос (ёки идентик) нуқталар дейилади. Идрок қилинаётган нарсдан акс этган нурлар худди шу мос нуқталарга тўғри келса, нарса битта бўлиб кўринади.

Масалан, 32-расмда кўрсатилганидек, 1, 2, 3 рақамлар билан белгиланган нуқталар кўздан тенг-баравар узоқликда бўлиб, бу нуқталар кўз тўр пардасининг мос нуқталарида акс этади.

Бу нуқталарнинг ҳар бири кўзимизга битта **III⁶ Ўлиб** кўринади.

Мос нуқталарнинг ху-



ла кўз соққаси.ана шундай. бурилганида кўриш ўқлари биз қараб турган нарсанинг ўзида бир-бирини кесиб ўтади (33-расм).

Идрок қилинаётган нарса қанчалик яқин турса, кўз соққалари бир-бирига, яъни қаншар томонга шунчалик яқин бурилади, кўриш ўқлари ҳам бир-бирини шўнчалик яқин кесиб ўтади. Сеченов таъбирича, кўриш ўқлари «камраб олувчилар» бўлиб, биз қараб.турган нарса бизга яқинлашган.сари, бу кўриш ўқлари ҳам кўзимизга яқинлашади, нарса узоклашган сари, кўриш ўқлари ҳам кўзимиздан узоклашади.

Кўзларимизнинг конвергенцияси айниқса масофани, йирокни, чуқурликни энг аниқ, расо идрок қилишга имкон беради, чунки конвергенция вақтида асосий ўринда турган кўриш анализаторига ҳаракат анализатори, яъни кўз мускулларининг иши кўшилади.

Биз қараб турган нарсалар юзига тушган кўланкалар масофани, чуқур.ликни, рельефни идрок қилишда катта роль ўйнайди.

Бундан ташқари, учинчи ўлчовни икки кўз билан (бинокуляр) идрок этишда энг кўп даража аниқликка эришувнинг сабаби ўтмишдаги тажрибамиз самараси ҳамдир. Чунки биз кундалик ҳаётимизда нарсаларни доимо икки кўз билан қараб кўрамиз, нарсаларга фақат бир кўзимиз билан қараш холлари камдан-кам учрайди.

Фазони идрок қилишда тери сезгилари ва мускул-ҳаракат органларининг роли

Фазони тери сезгилари ва мускул-ҳаракат воситаси билан идрок этганда кўз билан қараб ҳам, кўз билан қарамасдан ҳам идрок қилавериш мумкин.

Майдароқ нарсаларнинг шаклини, уларнинг катта-кичиклигини, ҳолатини биз тери сезгилари воситаси билан, яъни ушлаб кўриб, бевосита идрок қиламиз, масалан, қўлимиздаги танга пулнинг шаклини, катта-кичиклигини, ҳолатини бевосита тери сезгилари воситаси билан биламиз.

Тери сезгилари воситаси билан биз, хусусан икки ўлчовни узунлик (масофа) ва сирт ўлчовларини идрок қилишимиз мумкин.

Лекин нарсаларнинг (хатто майда нарсаларнинг ҳам) шаклини, катта-кичиклигини ва фазодаги муносабатларини ёлғиз тери сезгилари воситаси билан идрок қилганда тўла аниқликка эришиб бўлмайди. Шу сабабли кўпинча фазони тери сезгилари воситаси билан идрок қилиш мускул-ҳаракат воситаси билан идрок қилиш ила биргаликда ўтади. •

Мускул-ҳаракат органларимиз воситаси билан биз йирик ва майда объектларнинг (масалан, стол, хона, ховли ва шу кабиларнинг) шаклини, катта-кичиклигини, фазодаги муносабатларини ҳамма уч ўлчовда идрок қилишимиз мумкин.

Кўр одамлар (ёки кўр эмаслар крронғи тушганда) нарсаларнинг шаклини, масофани ва фазодаги муносабатларни ?на шу йўл билан идрок қиладилар. Майда нарсаларнинг шакли бармоқ ҳаракатлари (пайпаслаш) воситаси билан идрок қилинади. Йирик нарсаларнинг шаклини ва масофани кўзимизни юмиб ёки қоронғида идрок қилганимизда биз кўл ҳаракатларимиздан ва кадамлаб юришдан фойдаланамиз. Ана шу ҳаракатлардан туғиладиган мускул-ҳаракат сезгиларимизга ўтмишда ҳосил бўлган тажрибамиз кўшилади, натижада биз кўзимиз кўрмаса ҳам, турган жойимизни, фазога оид муносабатларни чама билан билиб оламиз.

Фазони кўз билан кўриб идрок қилишнинг ўсишида тери сезгилари ва мускул-ҳаракат органлари катта роль ўйнайди. Кўр бўлиб туғилган, аммо тегишли операциядан кейин кўзн очилган одамларнинг фазони қандай идрок қилишларини текшириш натижалари бунга далил бўла олади.

Бир неча мисол келтирайлик. Кўр бўлиб туғилган бир одам муваффақиятли операциядан кейин кўзи очилган бўлса-да, лекин дастлабки кунларда у фазони ва нарсаларнинг фазодаги ҳолатини кўзи кўр эмас (басир) одамларга қараганда бошқача идрок қилган, масалан, кўрув доирасига кирган ҳамма нарсаларни жуда яқин ва кўзига тегиб тураётгандек ҳис қилган шунинг учун бу одам эҳтиёт юзасидан кўзини қўли билан ҳадеб қоплайверган. Нрсаларнинг шаклини ҳам фақат кўриш билангина фахмлай олмаган, бу нарсаларни қўли билан пайпаслаб кўрганидагина, яъни ўтмишдаги мускул-ҳаракат сезгисига асосланган тажрибасига суянганидагина нарсаларнинг шаклларини таний олгаи.

Операциядан сўнг кўзи очилган яна бир одамга ёғочдан ясалган, ҳар иккаласи ҳам бир хил бўялган ва диаметри тенг шар билан куб кўрсатганлар. У одам бу нарсаларнинг турли буюмлар эканини кўриб турса ҳам, лекин уларни бир-биридан аниқ фарқ қила олмаган: қайсиси думалоқ ва қайсиси бурчакли эканини аниқ айтиб бера олмаган. Яна шу одамга шар билан бир хил катталиқдаги доиранинг, куб билан бир хил катталиқдаги тўртбурчакнинг ясси шаклини ёнма-ён кўйиб кўрсатганларида, уларни бир-биридан фарқ қила олмаган, фақат пайпаслаб кўрганидан кейин шарни доирадан ва кубни тўртбурчакдан ажратган. Бу одам қилинган операциядан тамомил? соғайгандан кейин, кўз билан кўриб идрок қилишни ўрганмоқ учун махсус машқ қилган. Масалан, оёғидан этигини ечиб ирғитиб юборар, сўнгра этиккача бўлган масофани кўзи билан чамалашга уринар экан. Чама билан

бир-икки кадам юргандан кейин, қўлини узатиб этикни олмокка ҳаракат қилар экан, лекин кўзи билан масофани аннқ белгилай олмаганлигидан янглишар ва пайпаслаб, қачон этик қўлига тегса, уни шундагкна ушлаб олар экан.

Юқорида келтирилган мисоллардан маълум бўлдики, кўрлар кўзлари очилгандан кейин, уларда фазонн кўз билан кўриб идрок қилиш қобилияти тери ва мускул-ҳаракат органларнинг иштироки билан аста-секин ўсиб боради.

Демак, фазога оид шакл, катта-кичиклик ва муносабатларни кўриш, тери сезгилари ва мускул-ҳаракат органлари бир-бири билан маҳкам боғланиб ишлаганларидагина энг тўғри ва мукамал идрок қилиш мумкин.

Сезги органларимизнинг — туюш, мускул-ҳаракат ва кўриш органларимизнинг ўзига хос хусусияти, жумладан, объектив мавжуд фазони ҳам идрок қилиш қобилиятига эга бўлишдадир.

• Идрокнинг ҳамма турлари сингари, фазони идрок қилиш ҳам кишининг тажрибаси ва умумий камолоти процессида ўсиб боради.

VI. ВАҚТНИ ИДРОК ҚИЛИШ

Биз идрок қилиб турган нарса ва ҳодисалар маълум бир **Еакт** (замон) давомида пайдо бўлади, тараккий қилади ва ўзгариб боради. Шунингдек, объектив дунё ҳодисаларини акс эттирадиган идрок, тасаввур, фикр ва ҳоказолардан **ибора**т бўлган биздаги субъектив, психик ҳодисалар ҳам вақт давомида пайдо бўлади, ўзгариб ва алмашиб туради. Маълумки, фазо сингари вақт ҳам «материянинг мавжудлиги формасидир... Ҳар қандай борликнинг асосий формасидир» (Энгельс): У объектив реалликдир, яъни онгимиздан ташқари ўзи мавжуддир. Биз фазони идрок қилганимиздек, вақтни ҳам идрок қиламиз. Бирок, вақтни идрок қилиш тўғрисида гапирар эканмиз, биз куйидагиларни назарда тутамиз. Вақтни идрок қилишни вақт «бўлақларини» соат ва бошқа хронометрик асбоблар ёрдамида ўлчаш деб тушуниш ярамайди. Киши худди бир хилда бўлган вақт бўлаги (минут, соат ёки кўп ва ҳоказо)нинг объектив давомини ҳамиша бир хилда сезавермас экан. Баъзан бир соат, бир дақиқадай ўтнб кетади «ёки бир соат **бир** йилдек туюлади» деб гапиреди.**тар.**

Биз вақтни ҳозирги замон (ҳозирги пайт) ва ундан келгусига бораётган реал нарсадек идрок қиламиз, уни тасаввур қи.тамиз ва фикрлаймиз. Шунинг учун ҳам ўтмиш, ҳозирги замон ва келгуси маъносида олинган тушунчалар мавжуддир. Вақтни идрок қилиш ҳақида гапирар эканмиз, биз ҳозирги пайтнн назарда тутамиз. Утмиш вақт хотира фаолияти эсга тушириш фаолияти билан боғлиқ бўлади. Келгуси вақт-

ни эса биз фақат хаёлга келтиришимиз ёки бу ҳақда ўйлашимиз мумкин, холос. Объектив (математик) нуктан назардан, ҳозирги пайт бу ўтмишни келгусидан ажратадиган бир нукта (чегара)дир. Аммо психологнк, субъектив нуктаи назардан, биз бораётган вақтнинг «бўлақларини» ҳозирги пайт (энди-мик) деб идрок қиламиз. Дарс, лекция ёки биронта музикавий асарни эшитиб ўтирнш давомидаги вақт ҳам мана шундай идрок қилинади. Демак, вақтнинг тўхтовсиз бориши, давоми ҳозирги пайт деб туюлади.

Биз вақтни (унинг тўхтовсиз бориши, чўзплишнни ва давомини) идрок қиладиган махсус бир органга эга эмасмиз. Утаётган вақт аввало атрофимиздаги нарса ва ҳодисаларнинг ўзгариб ва алмашиниб туришидан билинади. Шу сабаб.ми ғ.актни идрок қилиш ҳамма сезги аъзоларнмиз фаолияти би-**Л8Н** боғланган деб айтиш мумкин.

Вақтни идрок қилиш организмда бораётган физиологик процесслар билан ҳам белгиланадн

Юрак тешиш, нафас олиш рнтмикаси ва органик сезгилар ғ.актни идрок қилишда катта роль ўйнайди, бу хол махсус тскшнришлар билан аниқланган.

Вақт бизга «секин ўтаётгандек» ёки «тез ўтаётгандек» туюлади. Бунинг сабаби шунда эканки, ҳар биринннг давоми объектив суратда бир хилда бўлган вақт бўлагини, яъни соат, минут, секунд ва ҳоказони ҳамиша бир хилда сезавермас эканмиз. Баъзан биз «бир соат бир йилга ўхшаб кетди», баъзан эса «уч соат кўз очиб юмгунча ўтиб кетди», «бир кун бпр дақиқадай ўтиб кетди» деб гапирамиз.

Вақтни тез ёки секин ўтаётгандек сезишимиз шу пайтда Сиз кечнаётган психик процессларга боғлиқ бўлади.

Ички органларнинг сезгирлигн йўқолган (анестезия пайдо бўлган) беморларда вақт ўтишини бевосита ҳис қилиш қоби.чияти йўқрилиши ёки заифланнши маълумдир. П. П. Павловнинг фнкрича танамизда бўлиб турадиган ҳодисаларпннг такрорланнб туриши вақтни идрок қилишда катта роль ўйнайди. «Бир кун давомида,— леб ёзади Павлов,— бош мия таъсирланади, чарчайди, сўнгра яна кучини тиклайди. Овқат хазм қиладиган йўллар вақт-бавақт овқат билан тўлатилади, овқатдан бўшаб, қолади ва ҳоказо. Бинобарин, органпмнғ хар бир ҳолати катта мия ярим шарларида акс этиши мумкнн бў.тганлигидан ана шунинг ўзиёқ бир пайтнн бошқа пайтдан ажратиш учун асос бўла олади»¹.

Шунинг билан гшрга, ўтаётган вақт тасаввур, фмкр. нутқ, ҳнс ва орзуларнинг онгимнзда алмашиб туришида субъектив идрок қилинадн. Субъектнв идрок қилинадиган вақтнинг давоми, чўзилиши, бориши эса ўзгариб турадиган онг мазму-

нинг қанчалик мазмундор бўлиши билан белгиланади. Чунончи, одамнинг психик ҳаёти бедорлик вақтида энг бой мазмунга эга бўлади, шу сабабли вақтнинг тез ёки секин ўтаётгани ҳис қилнади ва билинади. Туш кўрмасдан қаттиқ уйқу давомида ёки беҳуш қолган, ёки сезгирлик тамом йўқолган (анестезия) ҳолатда вақтнинг ўзи ҳам, унинг бориши ҳам сезилманди.

Аммо идрок қилинаётган вақт фақат онгимизнинг мазмуни билан белгиланб қолмай, балки одамнинг вақтга ва ўзгариб турган онг мазмунига қандай муносабатда бўлиши билан ҳам белгиланади. Бу муносабат эътиборнинг нимага қаратилганлигига ва одамнинг шу пайтда кечираётган туйғу-ҳиссларига боғлиқ бўлади. Агар биз шу пайтда хушнуд бўлмасак ва бутун эътиборимиз муайян бир вақтнинг кетишини тоқатсизлик билан кутишга ёки бировни пойлашга қаратилса, вақтни жуда ҳам секин ўтаётгандек ҳис қиламиз. Чунончи, кечиккан трамвай ёки поездни кутаётган пайтимизда вақт жуда секин ўтаётгандек туюлади. Уйқуси қочган одамга ёки беморга бедорликда ўтаётган тунги вақт жуда секин ўтаётгандек туюлади.

Аксинча, психик туйғулар мазмундор ва хилма-хил бўлиб, одамнинг бутун фикри-экрини ўзига қаратиб қўйса, вақт жуда тез ўтиб кетаётгандек сезилади. Диққатимизни туйғуларимизнинг мазмунига қаратсак, вақтнинг ўтаётгани биз учун билинмай қолади. Айниқса, онгимизнинг мазмуни, яъни идрок, тасаввур ва фикрларимиз хуш эмоциялар, ёқимли ҳислар уйғотса, вақт жуда тез ўтаётгандек сезилади. Масалан, айна бир дарс вақти бир ўқувчига жуда тез ўтгандек сезилса, бошқа бир ўқувчига жуда секин бораётгандек туюлади, бунинг сабаби бу ўқувчиларнинг диққати нимага қаратилишидир. Агар ўқувчи диққат-эътиборни дарснинг мазмунига қаратса, дарс билан қизиқиб, завқ билан тингласа, кўнгли тўқ бўлса, вақтнинг ўтиб кетганини билмай қолади. Дарсга аҳамият бермай, зерикиб ва дарс вақтнинг тезроқ ўтишини сабрсизлик билан кутиб, ҳадеб соатига қараб ўтирган ўқувчига вақт «тўхтаб қолганидек» сезилади. «Тикилган қозон қайнамас» деган халқ мақоли ҳам бунга мисол бўла олади.

Демак, вақтни бевосита идрок қилиш («вақт ҳисси») аниқ бўлмасдан, субъектив бўлар экан. Шунинг учун ҳам биз қўпинча вақт давомини белгилашда хатога йўл қўниб, ўзимиз-• ча «вақт тез ўтди» ёки «секин» ўтмоқда деб ўйлаймиз.

Бу эса одамнинг ҳам фаолиятига, ҳам руҳий ҳолатига қўпинча салбий таъсир кўрсатади.

Америка соат фирмаларидан бири «вақт ҳиссини» синаб кўриш учун махсус тажриба қилиб кўрган. Фирма бошлиқлари Нью-гэмпшир штатида Норт-Конуэй номли қишлоқ-

нинг 1100 нафар аҳолисини икки сутка давомида «вақтдан батамом айрилган» ҳолда яшашга қўндрган.тар. Ҳамма қўл, кисса, деворий, стол ва бошқа соатлар бекптилган, конфискация қилинган. Жамоат жойларида электр соатлар тўхта-тиб қўйилган. Маҳаллий радио эшиттиришларда вақт аниқланмаган. Эртасигаёқ ўқувчиларнинг ҳаммаси деярли мактабга ярим соат олдин келганлар. Аҳолининг кўпчилигини атла-қандай ғаш босган ва баъзилари эса хатто ўзларини бедармон ҳис қилганлар¹.

Мазкур тажриба, албатта, «вақт ҳиссини» илмий жиҳатдан текшириш мақсадини кўзламаган, балки фирманинг савдо рекламаси юзасидан қилинган («Фирмамиз чиқарган соатларни сотиб олтинг»). Лекин бу тажриба айна вақтда шуни ҳам исбот қилди: вақтни объектив белгилайдиган асбоб (соат)га қарамасдан «субъектив ҳис қилиш» орқали аниқлаш кишининг ҳаётига ёмон таъсир кўрсатар экан.

Баъзан кундалик ҳаёт ва фаолиятда вақтни субъектив ҳис қилиш объектив усулда ўтчанадиган вақтга мувофиқ бўлиши мумкин. Масалан, ўқитувчи ва ўқувчиларда дарс вақти — 45 минутнинг давомини тўғри белгилаш қобилияти ҳосил бўлади. Чопиш спорт билан шуғулланувчиларда бу ҳис айниқса яхши ўсган бўлар экан.

Аммо махсус машқ қилиб, ўтаётган вақтнинг айрим ҳиссаларини мумкин қадар аниқ белгилай билиш қобилиятини ўстириш мумкин. И. П. Павлов итларда орадан аниқ бир вақт ўтгач, реакция беришдан иборат бўлган шартли рефлекс ҳосил қилган.

Одамда ҳам «вақтга рефлекс» ҳосил бўлмоғи мумкин. Кунда маълум бир вақтда уйқудан уйғониш одати "бунга мисол бўла олади.

Вақт ҳисси одамда меҳнат фаолияти процессида вужудга келади. Ана шу тариха ҳосил бўлган вақт ҳисси ўз навбатида меҳнат ҳаракатларини тартибли равишда идора қилишга таъсир кўрсатади.

VII. ҲАРАКАТНИ ИДРОК ҚИЛИШ

Биз нарсаларнинг ҳаракатсиз, сокин ҳолатинигина идрок қилиб қолмай, балки фазода жой алмаштириб турган ҳа-латини, нарсаларнинг ҳаракатини ҳам идрок қиламиз. Ҳа-ракатнинг ҳамма хиллари сингари, нарсаларнинг ана шу ме-ханик ҳаракатларни ҳам вақт давомида воқе бўлади. Шу сабабли, ҳаракат тез ёки секин бўлмоғи мумкин. Ҳаракатнинг тезлик даражасини объектив ўлчаш учун вақтнинг бир миқ-дори, масалан, бир секунд олиниб, бу ҳаракатнинг тезлиги жисм шу вақт ичида босиб ўтган масофа билан аниқланади.

¹ «Комсомольская газета», 8 октябрь, 1965 (1).

Жисм бир секунд ичида қанча катта масофа босиб ўтса, ҳаракат шунча тез ҳисобланади ва аксинча.

Биобарин, ҳаракатни идрок қилиш айна замонда ҳам фазони, ҳам вақтга идрок қилиш демакдир. Масалан, юраётган машинани кўриб турар эканмиз, биз айна вақтда унинг бизга нисбатан жойини ҳам ва бирор нуктага нисбатан масофаси ўзгарган (яқинлашган ёки узоклашган) вақтини ҳам идрок қиламиз.

Идрок қилинаётган ҳаракатнинг тезлиги шу нарса ҳаракатнинг объектив (ҳақиқий) тезлигига ҳамиша тенг — баравар бўлавермайди. Айна бир хиддаги ҳаракат тезлиги, вазиётга қараб, ҳар хил идрок қилиниши мумкин: гоҳо илдамроқ, гоҳо секинлашгандек кўринади.

Танамизга бевосита тегиб турган нарсаларнинг ҳаракатини биз тери сезгиси, мускул ва кўрув органлари воситаси билан идрок қиламиз. Бизга нисбатан муайян масофада тургая нарсаларнинг ҳаракатини кўз билан кўриб идрок қиламиз.

Ҳаракатни **кўз билан кўриб идрок этиш** икки хил усул билан: биринчидан, ҳаракатда бўлган нарсага кўзни узмасдан қараганда унинг сурати кўз тўр пардасида ҳосил бўлиши, иккинчидан, кўзимизни ҳаракатда бўлган нарса томои юришти, ҳаракатини кузатиб бориш билан воқе бўлади. Кўзимизни ҳаракатланувчи нарса томон юришиб идрок қилинган ҳаракатга қараганда, кўзимизни узмасдан (юритмасдан) идрок қилинган ҳаракат анча тез ҳаракатдек кўринади. Одатда, ҳаракат ана шу иққала усул билан бир йўла идрок қилинади. Икки усулнинг бирлашгани учун идрок қилинаётган ҳаракатнинг тезлиги анча аниқ билиб олинади.

Ҳаракат идрокини нисбий ва ғайри нисбий идрок деб аталадиган икки хилга бўлиш расм бўлган.

Ҳаракатни **нисбий идрок** қилиш дейилганда, биз ҳаракатланувчи нарса ва шу нарсанинг ҳаракати бошланган ёқни ёнидан ўтган сокин нукта ҳам айна вақтда биргаликда идрок қилинишини тушунамиз. **Ғайри нисбий** идрок деб ҳаракатда бўлган нарсани бошқа нарсалардан айрим холида идрок этишни айтилади. Объектив тезлиги баравар бўлса ҳам, нисбий ҳаракат анча тез, ғайри нисбий ҳаракат эса анча секин ҳаракатдек идрок қилинади.

Ҳаракатнинг тездек ёки секиндек кўриниши шу ҳаракатнинг объектив тезлигига ҳамда ҳаракатда бўлган буюмнинг кўзимиздан узок-яқин бўлишига боғлиқ: у биздан қанча узок бўлса, унинг ҳаракати ҳам шунча секиндек кўринади. Идрок қилинаётган ҳаракатнинг тез ёки секиндек кўриниши буюмнинг муайян вақт давомида ўтадиган ҳаракатини идрок қилганда ҳосил бўладиган қараш бурчагининг катта-кичикдиги билан белгиланади. Ҳаракатда бўлган буюмларни

идрок қилган пайтда қараш бурчаги катталашади. Қараш бурчаги ҳаракатланувчи буюм босим ўтаётган фазо нукталаридан бир-бирини кссиб кўзга келувчи нурлардан ҳосил бўлади. Муайян вақт ичида (масалан, бир секунд ичида) ҳосил бўлган қараш бурчаги қанча катта бўлса, ҳаракат ҳам шунча тез ҳаракатдек идрок қилинади.

Ҳаракатда бўлган буюм кўзимиздан қанча узоклашса, қараш бурчаги ҳам шунча кичраяди, биобарин, ҳаракатнинг ҳақиқий (объектив) тезлиги ўзгармаса ҳам, ҳаракат секиндек кўзга кўринади. Одам идрок қилмоғи мумкин бўлган энг секин ҳаракат шундай ҳаракатдирки, бунда ҳаракатни нисбий ва тўғри қараб идрок қилганда ҳосил бўладиган қараш бурчаги секундига 1—2" га баравар келади. Ғайри нисбий ҳаракатни тўғри қараганда ана шу бурчакнинг катталиги секундига 15—20" дан кам бўлмаслиги шарт. Секундига 15" дан кичикроқ қараш бурчаги ҳосил қиладиган ҳаракат тўғри келганда бевосита идрок қилинмайди (масалан, соат стрелкасининг, қуёш, юлдуз ва ҳоказоларнинг ҳаракати). Ҳаракатни ёндан қараб идрок қилганда қараш бурчаги хийла катта бўлмоғи керак. 15" дан кичикроқ қараш бурчаги ҳосил қиладиган ҳаракат ҳақида нарсаларнинг вақт-вақт ўз ўрнини ўзгартирганликларига қараб ҳукм қиламиз. Масалан, соат стрелкаларининг, қуёш, юлдуз ва шу қабиларнинг ҳаракати ҳақида ана шу йўл билан ҳулоса чиқарамиз. Ҳаракатда бўлган нарсанинг овозига қараб, яъни ҳаракатни эшитиб ҳам идрок қиламиз. Масалан, юрастган поезднинг ўзини кўрмасак ҳам, лекин байдан узок, яқин юриб кетаётганли-П1ни поезд овозининг кучайиши ёки пасайишидан биламиз. Лекин бу ҳаракатни бевосита идрок қилиш эмас, балки баъосита (овоз орқали) идрок қилишдир. Ҳаракатни бавосита идрок қилишда, асосан, ўтмишдаги тажрибамизга ва билимларимизга суяна.миз.


VIII. ИДРОКНИНГ КОНСТАНТЛИГИ

Идрокнинг **константлиги** шундан иборатки, биронта нарсани идрок қилишдан ҳосил бўлган образ, идрокнинг физик шароити ўзгариб турса ҳам, доимо шу образ холича қолаверади.

Идрокнинг константлиги кўриш идрок.тариди, нарсаларнинг катта-кичиклигини, уларнинг шакли ва рангларини идрок қилишда айнпқса яққол кўринади. Бизга маълумки, бирор нарсадан узоклашсак, унинг кўзимиз тўр пардасидаги сурати (акси) кичраяди, аммо шу нарсанинг образи бу билан ўзгармайди, ўзгарганда ҳам билинар-билипмас ўзгаради. Масалан, айна бир қаламни 20 см ва 1 м масофадан туриб идрок қилинса ҳам, бари бир, унинг узунлиги ўзгарганлиги *


миз. Ана шу ҳолда бир нарсанинг икки бўлиб сезилишини Аристотель (Орасту) иллюзияси дейилади. Оғирлиги айни тенг, ammo катталиги ҳар хил бўлган икки буюмни кетма-кетига ушлаб турилса, каттаси енгилроқ, иккинчиси оғирроқдек туюлади. Металлдан ишланган 1 кг тарози тоши, 1 кг пахтадан оғирроқдек хис қилинади.

Бу ҳол геометрик иллюзиялар деб ном берилган иллюзияларда айниқса яққол кўринади. Масалан, узунлиги баравар бўлган икки чизикнинг четларига икки хил бурчаклар чизилса (36-расм), иллюзия пайдо бўлади, яъни бурчаклари ташқарига қаратилган чизикка нисбатан, бурчаклари ички томонга қаратилган чизик калтарок бўлиб кўринади. Бир нечта параллел чизиклар устидан қия чизиклар чизилса, бу чизиклар параллел эмас, балки ҳар хил томонга қараб кетган чизиклардек туюлади (36-расм). Иккита тенг бурчакдан биттаси чизиклар билан тўлатилса, иккинчисига қараганда каттарок бўлиб кўринади. Иккита баравар доира шаклини чизиб, булардан бирини шу доирадан каттарок, иккинчисини эса



36- расм.

ўзидан кичикроқ доирадар ичига олинса, иккинчи доира каттарок кўринадиган бўлиб қолади (37-расм). Иллюзиянинг юқорида келтирилган намуналари ҳамма акли расо одамларда албатта бўладиган иллюзиялардандир. Бундай иллюзияларнинг муайян қонуниятлари бор. Масалан, юқорида баён қилинган Аристотель иллюзиясининг пайдо бўлиш сабаби шуки, бунда битта нарса бармоқ учларимизнинг териси к-зидаги шундай иккл нуктага тегади, одатдаги табиий шароитда эса битта нарса ана шу икки нуктага ҳеч қачон бирданига теғиб турмайди. Оғирлиги баравар бўлиб, катталиги ҳар хил бўлган буюмлардан кичикроғи каттароғига қараганда оғир кўришининг сабаби шундаки, одам ҳажми каттарок буюмнинг ҳажми кичикроқ буюмдан оғир эканини ўз тажрибасида доимо



37- расм.

синаб келган, бинобарин, ҳажми ҳар хил буюмларни кўз билан идрок қилганда беихтиёр шу тажрибасига таянади-да, каттарок буюмни ушлаганида кўпроқ зўр беради, кичикроқ буюмни кўлига олганида, унча зўр бермайди, натижада оғирлиги баравар бўлгани билан зўр бериш еки мускулларнинг қаршилиқ кўрсатиши учун сарф қилинган куч даражаси ҳар хил бўлганлигидан, кичикроқ буюм оғирроқдек хис қилинади.

Идрок қилиб турган шахснинг психикасида рўй берадиган ўзгаришлар билан туғиладиган тасодифий иллюзиялар ҳам бўлади. Масалан, чўлда сувсаган киши узоқда ярқираб турган шўрхок ерни кўл деб ўйлаши (лекин, бу иллюзияни саҳродаги саробдан фарқ қила билиш керак), ёки ўрмондаги тўнка кўрроқ одамнинг кўзига биронта йирткич хайвонга ўхшаб кўриниши ва ҳоказо шу каби иллюзиялар жумласидандир.

Гап нутқ соҳасида ҳам иллюзиялар кўп учраб туриши ҳаммага маълум. Бу хил иллюзиялар шундан иборатки, бировнинг нутқидаги айрим сўзлар бошқа товуш таркибидаги ёки бошқа бир маънода айtilган сўздек эшитилади. Бундай ҳолларда одамлар одатда «яхши эшитмай қолдим», «бошқача тушунибман» деб гапирадilar. Эшитиш органининг соғ бўлишига қарамай, бировнинг нутқини нотўғри эшитиш сабаби суҳбатдошлардан бирининг гап бораётган нарса ҳақида етарли маълумоти бўлмаслигида ёки эътибори бошқанарсага қалғиб кетиб, гапни чала эшитганлигидадир.

Иллюзияни **галлюцинациядан** фарқ қилиш лозим. Иллюзия шу онда сезги органларимизга таъсир қилиб турган бир нарсани янглиш, нотўғри идрок «қилиш бўлса, галлюцинация — йўқ нарсаларни, ташқи таъсиротсиз «идрок қилинишидир»: ўрни тагида йўқ нарсанинг кўзга бордек кўриниши, йўқ овозларнинг қулоққа эшитилиши, йўқ нарсаларнинг иси димокқа уриши ва бошқа шу кабилар галлюцинация маҳсулидир. Галлюцинация шахснинг гўё бирор нарсани кўргандек, эшитгандек, ушлагандек, ис билгандек ва бошқа шу каби ҳасавуридир, холос.

Галлюцинация кўпинча касалликдан дарак берувчи аломатдир, у нерв системаси биронта захарли нарса (алкоголь, кокаин, наша) билан таъсирланганда, нерв системасини бузадиган касалликлар оқибатида рўй берадир

Х. ИДРОКНИНГ СИФАТЛАРИ

Идрокка хос сифатлар ажратилади. Идрокнинг тезти тўлалиги, равшанлиги ва аниқлиги ёки тўғрилиги унинг (фатларидандир-

Идрокнинг тезлиги идрок қилинаётган нарсанинг сезги органларимизга таъсир қила бошлаган пайдан, то бу нарсанинг образини англаб олгуниimizгача ўтган вақт билан ўлчанеди. Буни англаш одатда: «Бу фалон нарса экан», ёки:— «Мен фалон нарсани кўраётirman, эшитяпман ва ҳоказо» деб тасдиқлаш (гапириш)да ифодаланади. Образнинг аниқлаб олиниши яна организм идрок қилинаётган нарсани таъиш (ориентировка) юзасидан қилган ҳаракат реакциясида ҳам намоён бўлиши мумкин. Идрокнинг тезлиги идрок асосида ётган сезгиларнинг тезлигига барабар, ёхуд хийла секинроқ ҳам бўлмоғи мумкин. Идрокнинг у ёки бу даражада секинўтиши маълум даражада апперцепция билан ҳам белгиланади. Идрокнинг тезлиги секунднинг ўн, юз ва мингдан бир қисми, баъзан эса секундлар билан ўлчанади.

Мазмун жиҳатдан идрок *тўла* ёки *тўла бўлмаслиги* мумкин. Идрокнинг тўлалиги нарсанинг айна идрокда акс этган белгиларининг миқдори ва хилма-хиллиги билан характерланади. Идрок қанчалик тўла ва сермазмун бўлса, у шунча аниқ бўлади. Мазмунан тўлиқ бўлмаган идрок образлари айна вақтда туссиз ва сийқа бўлади.

Идрокнинг *аниқлиги* идрок образлари идрок қилинаётган нарсаларга қанчалик мувофиқ бўлишида билинади. Идрокда фақат идрок қилинаётган нарсанинг айна вақтда мавжуд бўлган белгилари акс эттирилса, у аниқ идрок бўлади. Идрокнинг мазмунида идрок қилинаётган нарсада йўқ бўлган белгилар ҳам бўлса, у ноаниқ идрок бўлади. Бундай белгилар бирон сабаб билан аввал идрок қилинган нарсалардан олиб кўшилади ёки хаёлда яратилади. Юқорида айтилганидек, ҳар хил иллюзиялар ана шундай ноаниқ идроклар жумласидандир.

Бутун психик ҳаётимизда, фаолиятимизнинг ҳамма соҳалари ва, хусусан, ўқиш-ўқитишда идрокнинг аҳамияти каттадир. Шунинг учун хамиша идрокнинг сифатига алоҳида эътибор бериш лозим бўлади;

Психик ҳаётимизнинг бутун бойлиги сезги ва идрокларимиз орқали ҳосил бўлган мазмундан воқе бўлади. Идрок оламни бклиш фаолиятимизнинг бошланғич, асосий моментидир. «Барча билимлар тажрибадан, сезгилардан, идроклардан вужудга келади»¹— деб ёзади В. И. Ленин.

Идрок қилиш йўли билан ҳосил бўлган маълумотлар хотирамизда сақланиб қолади ва сўнгра онгимизнинг олий процессларн — тафаккур, хаёл, ирода фаолияти учун асос бўлади. Тасаввурларимизнинг қанчалик тўла ва равшан бўлиши идрокнинг сифати билан белгиланади. Идрок хилма-хил ҳиссиёт

ва, хусусан, эстетик ҳислар манбаи бўлиб хизмат этади. Шу туйғу-ҳиссиётларнинг хусусиятлари тегишли идрокларнинг у ёки бу сифатларига хийла даражада боғлиқ бўлади. Идрокнинг сифат атроф-теварақдаги шароитни тўғри ва тез тушуниб олиш, инсон фаолиятининг ҳар хил турлари — ўйин, меҳнат, спорт машқи ва мусобақалари учун аҳамияти каттадир.

Хусусан, таълим-тарбия ишида идрокнинг сифатини эътиборга олиш катта аҳамиятга эгадир.

Уқитувчи берган ҳар бир ўқув материални ўзлаштириш учун ўқувчи аввало уни идрок қилмоғи — кўрмоғи, эшитмоғи га ҳоказо керак. Уқувчи идрок қилган нарсасини эсда қолдиради, тушуниб олади. Уқувчи ўқув материални қанчалик тез, тўла, равшан ва аниқ идрок қилса, у бу материални шунчалик енгил ва тўғри тушуниб, фаҳмлаб олади, шунчалик осон, тўла ва мустаҳкам билиб олади.

Шунинг учун ўқиш ўқитишда идрокнинг сифатига оид хусусиятларни эътиборга олиш, ўқув материални энг яхши усулда идрок қилишни таъмин этиш лозим, ўқиш-ўқитиш ишини шундай ташкил этиш керакки, ўқувчилар материални тез, тўла, равшан ва аниқ идрок қила оладиган бўлсин. Бунинг учун ўқувчилар идрокнинг сифати қандай сабабларга боғлиқ эканини билиши керак.

Идрокнинг сифати — унинг тезлиги, тўлалиги, равшан ва аниқлиги — ташқи шартлар, органик ва психик шартлар билан белгиланади.

Биз идрок қилаётган нарса ва ходисаларнинг хоссалари идрокнинг сифатини белгиловчи ташқи ёки объектив шартлардир. Аниқ ва чиройли қилиб ишланган расм, китоб ҳарфларининг аниқлиги, равшан ва тўғри талаффуз қилинган нутқ тез, осон, тўла ва аниқроқ идрок қилинади. Идрок қилинаётган пайтдаги шароит ҳам идрок сифатини таъминловчи объектив шартлар жумласидандир. Масалан, кўриш идроки учун жойнинг яхши ёритилган бўлиши, эшитиш идроки учун — жимжитлик алоҳида аҳамиятга эга. Кўриш ёки эшитиш лозим бўлган нарсаларга нисбатан масофа ҳам шундай шартлардандир.

Нерв системаси ва сезги органларининг ҳолати идрок сифатини белгиловчи органик шартдир. Умуман идрокнинг яхши сифати нерв системаси ва сезги органларининг соғлом, тетик бўлишига боғлиқдир. Нерв системаси касал, чарчаган ёки бирор захар таъсирида бузилган бўлса, идрокнинг сифати пасаяди; идрок қилиш секинлашади, идрок образлари хиралашади, баъзан эса жуда равшандек бўлса ҳам, аслида ноаниқ, нотўғри бўлади. Сезги органларида бирор нуқсон бўлса, идрокнинг сифати ҳам ўзгаради. Масалан, эшитиш ва кўриш органи заиф бўлганда эшитиш ва кўриш идроки тўта ва аниқ бўлмайди, *

¹ В. И. Ленин, Асарлар, 14- том, 132- бет.

Уқиш-ўқитиш ишида кўриш ва эшитиш органлари айниқса катта аҳамиятга эга. Шунинг учун ўқитувчи ҳар бир ўқувчининг сезги органлари (медицина текширишига қараб) қандай ҳолатда эканини билиши керак. Кўзи яхши кўрмайдиган ёки қулоғи яхши эшитмайдиган ўқувчиларни олдинги парталарга ўлқазиб зарурдир. Шундай ҳоллар учрайдик, айрим ўқувчилар дарс материални пухта эсга олиб қола ёкм, уни укмб ололмасликдан эмас, балки яхши эшита олмасликлари ёки кўра олмасликлари оқибатида ўзлаштира олмайдилар.

, Мавжуд тасаввурлар, тажриба ва билимлар, тафаккурнинг тараккиёт даражаси, диққатнинг активлиги, кишининг ҳислари, қизиқиш-ҳаваслари ва манфаатлари идрокнинг сифатини белгиловчи *субъектив* ёки *психик* шартлардандир.

/Бирор соҳада тажриба, билим кам бўлса, шу соҳага доир янги нарсани идрок қилмиши секинлашади, идрок чала, хира ва ноанмқ бўлади. Одамнинг қайси бир соҳада тажриба в\$ билими қанчалик кўп бўлса, у шу соҳадаги нарсаларни шунчалик тез идрок қилади, идроки эса, мазмунан тўла, равшан ва аниқ бўлади. ў /

Юкррида кўрУатиб ўтилганидек, идрокнинг сифати учун туйғу-ҳислар, диққат ва тафаккурнинг аҳамияти катта. Идрокнинг аниқлиги, равонлиги, фахмланганлиги диққат ва тафаккурнинг тараккиёт даражасига боғлиқ. Иллюзиялар тафаккур орқали текширилади, аниқланади ва, шу тарика, идрокнинг аниқлигига эришилади. Шунинг учун педагог янги материални баён қилимИда аввало ўқувчмларда мавжуд тасаввур ва билимларини ҳисобга олиши керак. Дидактиканинг «маълумдан номаълумга» деган асосий кридасидан, аввало, ўқувчиларнинг ўқув материални тез, тўла, аниқ идрок қилимиши таъминлаш мақсадида фойдаланиш лозим. Уқувчилар кдрокининг тўла, равшан ва аниқ бўлиши учун ўқитувчи таълим ироцессида ўқувчиларнинг диққатини тўла жалб қилиш ва тарбиялашга, шўнингдек, уларда ўқишга нисбатан ижобим ҳиссиёт ва қизиқишлар яратиш учун ҳаракат қилмоғи лозим.

XI. ИДРОКНИНГ УСИШИ

Болаларда идрокнинг ўсиши ҳақида гапирар эканмиз, идрокнинг равшанлиги, расолиги, онглингн, сермазмунлиги ҳамда қузата билиш қобилятининг ўсиб боришинн назарда тутамиз.

Идрокнинг ўсиши сезги органлари ва аиализаторларнинг мукамал ўсиши билан белгиланади. Шу билан бирга, юкорида («сезгиларнинг ўсиши» бобида 127-бет) айтиб ўтилганидек, сезги органларининг ўсиши ҳам идрокнинг ўсиши билан жуда маҳкам боғлангандир.

Идрок болага бериладиган тарбия таъсри, тажриба орттириш, билим олиш туфайли, тафаккур, хаёл, диққат, ҳиссиёт, ироданинг бир-бирига таъсир қилиб биргаликда ўсиши ва умуман шахснинг камол топиб бориши процессида ўснб боради.

Чақалоқ ва мактабгача тарбия ёшидаги болалар идрокининг ўсиши

Чақалоқ уч-тўрт ойлик даврида идрок қила оладиган нарсалар доираси хали жуда тор бўлади. Бола бу чокларда энг аввал кўз олдидаги ранг-баранг, овоз чиқарадиган ва ҳаракатланадиган нарсаларни озми-кўпми равшан идрок қила бошлайди. Бола онасини унинг овозидан эрта била бошлайди.

Бола буюмларни қўлига олиб, улар билан турли ҳаракат қила бошлагач, унинг идроки мазмун жиҳатдан кенгайиб боради. Чунки, бу вақтда унинг кўриш ва эшитиш сезгиларига тери сезгиси, маза-таъм билиш, иссиқ-совуқни, қаттиқ-юмшоқни, оғир-енгилни билиш сезгилари кўшилади.

Ярим яшар бола, атрофдаги нарсаларни, уй ичидагиларни танийдиган бўлиб қолади. Бу шуни кўрсатадики, демак, бола олти ойлик бўлганда теварак-атрофдаги нарсаларни бир-бирдан ажратиб, идрок қила бошлайди.

Бола у ёқдан-бу ёққа аввал э.маклаб, сўнгра мустақил юра бошлагач, идрок қилинадиган нарсаларнинг доираси хийла кенгайиб, идроки такомиллашиб боради. Шу билан бир вақтда, боланинг қўл ҳаракатлари тараккий қилади, тери сезгиси такомиллашади. Нарсаларни фақат кўз билан кўришнинг ўзи энди болани қаноатлантормайди: бола ҳар қандай нарсаларнинг олдига бориб, уларни ушлаб кўради, қўлига олади, оғзига элтади, итаради, ирғитади ва хоказо.

Бола нарсаларнинг ўзи билан актив иш-ҳаракат қилар экан, бунда у нарсаларнинг турли-туман хоссаларини— уларнинг шаклини, катта-кичиклигини, қаттиқ-юмшоқлигнни, оғир-енгиллигини яхшироқ билиб олади. Юриш ва югуриш билан бола масофани ҳам аниқлай бошлайди. Аммо бу ёшдаги болалар нарсаларнинг қанчалик йирок-яқин туришини расо ақиқлай олмайдилар. Кўпинча болалар ўзларидан йирок турган бир нарсани олмоқчи бўлиб, қўлларини узатадилар, ёки узоқдаги нарсани, масалан, осмондагн ойни олиб беришни катталардан сўрайдилар.

Бола авваллари нарсалар билан бевосита амал қилиб, шў нарсаларнинг хоссаларини билиб олади, кейинчалик шу хоссаларни мускул-ҳаракат сезгилари, маза билиш ва тери сезгиси органларининг бевосита иштирокисиз, фақат кўриш билан танийдиган бўлиб қолади. Масалан, 2—3 яшар бола олмани кўрганида, унинг ҳамма хоссаларини: ранги, мазаси,

шакли, катталиги ва боладан қандай масофада турганлигини кўзи билан таниб била олади.

Бола музикага оид ритми ва содда куйларни, масалан, аллани зрта ёшдан идрок қила бошлайди. Бола чолғу овозини ёки ашулани эшитар экан, бунга эътибор бериб жим қолади, тинчийди. Икки-уч яшар бола ўзи ҳам содда -куйларни гўта оладиган бўлиб қолади. Буларнинг ҳаммаси шу каби идрокларнинг ёш бо.таларда пайдо бўлиш, ўсиб боришини исбот қи.тади.

Бо.та икки ёшга қадам қўйганда нарсаларни суратдаги тасвирга қараб ажрата бошлайди. Боланинг суратда тасвир қилинган нарсаларни, умуман, суратларни таниш қобилиятининг ўсишига унинг ҳақиқий нарсаларнинг ўзини кўришдан ҳосил бўлган тажрибаси ва катталарнинг раҳбарлиги остида тез-тез расм ва суратлар кўриб туриши ёрдам беради.

Шундай қилиб, боланинг идроки ясла ёшиданок (бир-уч сшда) мазмунан анча хилма-хил бўлади. Лекин шу билан бир вақтда, унинг идроки ҳали асло тўла такомил топмаган бўлади. Масалан, шу ёшдаги болалар вақтни яхши ажрата (идрок қила) олмайдилар. Улар, одатда, биронта иш-ҳаракат ёки воқеанинг неча вақт давом этаётганини, бу вақтнинг секин ёки тез ўтаётганлигини, биронта воқеа ёки иш-ҳаракатнинг «илгари» ёки «кейин» юз берганини ажрата билмайдилар. Бу ёшдаги бола идрок образлари кўпинча тарқок ҳолда бўлиб, бир-бири билан тўғри боғланмайди, бу образларнинг маъносига бола тушуниб ета олмайди, шу сабабли, бу ёшда боланинг идроки етарли даражада онгли бўла олмайди. Бола идрок қилар экан, кўпинча, нарсаларнинг муҳим ало.матларига эъти.с'юр бермай, балки яққол айрилиб турадиган тамонларига: ранги, овози, ҳаракати ва шаклига эътибор беради. Шу билан бирга, ёш болалар кўриб турган нарсаларининг арзимайдиган майда-чуйда тамонларини, масалан, шкафнинг тавақасида салгина дарз кетган жойини, суратдаги боланинг кийимида бир тугмаси қадаб қўйилмаганини ва ҳоказо.тарни ҳам пай.қайдиларки, катта ёшли кишилар буни пайқамасликлари ҳам му.мкин.

Ясла ёшидаги болаларнинг идроки кўпроқ ихтиёрсиз бўладиган идрокдир. Болаларнинг диққатини беихтиёр ўзига тортадиган нарсаларни, болаларнинг бевосита эҳтиёжлари таъсири остида бўлаётган иш-ҳаракатларига боғлиқ бў.тган иарсаларни идрок қиладилар, холос. Аммо катта ёшли кишилар болани: «мана, буни қара», «фалон нарсага қулоқ сол» деган кўрсатмалари билан муайян бир нарсани идрок қилишга мажбур этадилар. Лекин бу ҳолда ҳам боланинг идроки турғун бўлмасдан, диққати жуда тез чалғиб кетади, хусусан идрок қилинмоғи керак бўлган нарса ўзининг кўриниши, ҳаракати, овози ва шу каби хусусиятлари билан болани қизиқ-

тирмаса, идроки беқарор бўлади. Бу ёшдаги болалар ўз идрокларини ҳали идора қила олмайдилар.

Болалар идрокнинг равонлик, барқарорлик, мукамаллик ва снглилик даражаси, уларнинг ўйин фаолиятида ҳамда' тафаккур ва нутқлари ўсиб борган сари оша боради.

Мактабгача тарбия ва ясла ёшидаги каттарок. болаларнинг ҳаётида ўйин катта ўрин олади ва ёш болаларнинг табиатига хос бўлган ҳаракатчанликдан, фаолиятга интилишдаи туғилади, ўйин фаолияти болада туғиладиган ҳар хил эҳтиёжлар: билиш эҳтиёжи, ижтимоий ва эстетик эҳтиёжлар таъсири остида кучайиб боради. Бола ўйнар экан, атрофидаги муҳит-билан турли-тумаи, бевосита ва актив алоқа боғлайди, ўз ўйинида атрофдаги воқеликни акс эттиради ва шу воқеликка қараб иш-ҳаракат қилади.

Болалар ўз ўйинларида катта ёшли кишиларнинг иш-ҳаракатларига таклид қилади. Катта ёшли кишиларнинг иш-ҳаракатларига таклид қилмоқ учун эса болалар катталарнинг иш-ҳаракатларига, бу иш-ҳаракатга алоқаси бўлган шароит ва буюмларга эътибор бериб, разм солишлари керак бўлади. Шундай қилиб, ўйин процессида бола идрок қи.тадиган нарсаларнинг доираси ва идрокнинг мазмуни кенгайиб, бойиб боради.

Бола бир ёшга тўлиб икки ёшга қадам қўйган пайтида унинг идрокида нутқ катта роль ўйнай бошлайди.

Бола бошқаларнинг гап сўзини тинглайди ва бу билан уни бевосита ўраб олган муҳитдан ташқариги нарса.тарни билиб олади. Нутқ боланинг идрок қиладиган нарсаларини яхши англаб олишини ўстиришда катта аҳамиятга эга. Бола нарсаларнинг номини билиб олади ва ўзи идрок қилган нарсаларнинг номини айтади. Биронта нарсанинг номини айтар экан, бола бу нарсани муайян нарсалар жинсига киритади. Идрокда онглилик даражаси ўсганлиги шу ёшдаги болаларнинг доимо: «Бу нима?», «Бунинг оти нима?», «Нега шундай?» ва шу каби жуда кўп савол бклан катталарга мурожаат қилишларида кўринади,

Мактабгача тарбия ёшидаги болаларда идрокнинг ўсиши

Мактабгача тарбия ёшидаги болаларда катталарнинг раҳбарлиги остида уй-рўзғор меҳнатида иштирок қилиш ва ўйин фаолияти туфайли ихтиёрий идрок қобилиятн ҳам ўса бошлайди. Ихтиёрий идрок болаларда тафаккур, ирода ва ихтиёрий диққатнинг ўсиши билан бирга таркиб топади.

Мактабгача тарбия ёшидаги болада кузата билиш қобилияти ҳам кўрина бошлайди. Кузата билиш қобилиятининг ўсишига табиат бурчакларида олиб бориладиган иш.тар, сайр ва экскурсияга бориб туришлар ёрдам беради. Бо.та.тар нар-

саларни катталарнинг раҳбарлигида, катталар белгилаб берган мақсадга мувофиқ эътибор бериб кузатадилар. Кузата би.тиш мактабгача тарбия ёшида, асосан, тарбия процессида ўсиб боради.

Мактабгача тарбия ёшида фазони идрок қилиш қобилияти анча тараққий қилади. Мактабгача тарбия ёшидаги бола ўйин вақтида, маиший ҳаётда турли-туман нарсалар билан турли иш-ҳаракатлар бажаради. Бола кўп югуради, маълум масофагача югуриб юради. У расм солади, лойдан бирон нарса қилади, тузиш-қуриш билан шуғулланади. Бу ишларнинг ҳаммаси боланинг фазо идрокларининг ўсишига ёрдам беради. Бола икки ўлчамли ва уч ўлчамли (текис ва ҳажмли) нарсаларни ажрата билади. У анча узоқ масофада турган нарсаларнинг шаклини, катта-кичиклигини, қайсиси узоқ, қайсиси яқинроқ турганини мўлжал билан айта олади.

Мактабгача тарбия ёшида вақтни идрок қилиш қобилияти ҳам такомиллашади. Шу ёшдаги бола «энди», «кейин», «илгари», «аввал» ҳамда «кеч қолиш», «вақтида келиш», «узоқ пойлаш», «тез бўлиш» каби сўзларнинг маъносига тушунадиган бўлади. Демак, бу ёшдаги болалар вақт ҳақида тасаввур ва баъзи тушунчаларга эга бўладилар.

Болаларнинг ўйин фаолияти уларда вақт ҳиссининг ўсишига анчагина ёрдам беради. Уйин вақтида доимо ўз ҳаракатлари ва ўйинга қатнашган шерикларининг ҳаракатларига эътибор беришга, ҳаракатларнинг суръатини, жадаллигини ҳисобга олишга, ўйин (ҳаракат) натижасини кутишга, тўғри келади.

Шунингдек, болаларнинг кучига яраша меҳнат қилганда ҳам ҳаракатдаги илдамлик, чакқонлик ёки сусткашликка эътибор бериши зарур бўлиб қолади. Кўпинча катталар ҳам боланинг бирон юмушни жадаллик, чакқонлик билан бажаришини талаб қиладилар. Болалар катта ёшдаги кишиларнинг «тез бўл» деган буйруқларини бажариш учун ҳаракатларини тезлатишга тиришадилар. Болаларнинг ўзлари ҳам бирон нарсани «тезроқ» бажариш учун «жадал» ҳаракат қиладилар.

Болалар боқчасида ва оилада белгиланган қатъий режим ҳам болаларда вақт ҳиссини ўстиришга ёрдам беради. Болалар ҳар куни белгиланган бир маҳалда ухлашлари, овқат ейишлари, бир иш ёки ўйин ва ҳоказолар билан машғул бўлишлари лозим бўлади. Олти-етти яшар болалар вақтни соатга қараб би.ла бошлайдилар.

Мактабгача тарбия ёшидаги болаларда анча мураккаб музика асарларини—чолғу ва ашулани тинглаш ва тушуна билиш қобилияти ўсади. Болалар боқчада музика асбобида чалинган маълум бир куйга мослаб юрадилар, чопадилар, ракс қиладилар. Музика оҳангларини ажрата билиш қобили-

яти ҳам бу ёшда анча ўсади, шу сабабли, болалар музика ва ашулани ўрганадилар.

Мактабгача тарбия ёшидаги болаларда сурат ва расмларни кўриб тушуниш қобилияти ўса бошлайди. Уч-тўрт яшар болалар расмда тасвир қилинган нарсаларни бирма-бир кўрсатади.тар, аммо шу нарсаларни расмда тасвирланган иш-ҳаракатларини ва перспективани ҳамма вақт тўғри идрок қила-ёрмайдилар. Олти-етти яшар болалар мазмуни улар учун •гушунарли бўлган сурат ва расмларни кўрганларида уни хикоя қилиб "бера ва муҳокама қила оладилар, суратда тасвирланган ҳаракат ва перспективани ҳам кўриб тушуна ва ажрата биладилар.

Мактаб ёшидаги болаларда идрокнинг ўсиши

Мактаб ёшидаги бо.таларда идрокнинг ҳамма турлари, асосан, таълим ва тарбия туфайли мазмун, аниқлик, равшанлик жиҳатдан кўп даража такомиллашади.

Таълим ва тарбия процессида болаларда ихтиёрий идрок ва кузата билиш қобилияти ўсади. Кузата билиш муваффақиятли ўқиш учун зарур шартлардан биридир. Уқувчиларда кузата билиш қобилияти уларнинг тафаккури, иродаси, қизиқиш-хаваслари билан биргаликда ўсиб боради. Кузатиш объектларини танлашда ўқувчиларнинг ўзлари ташаббус кўри-сата бошлайдилар. Уқувчилар ўз идрокларини мустақил идора қила оладилар. Аммо ҳамма бошқа ихтиёрсиз процесслар сингари, ихтиёрсиз идрок ҳам мактаб ёшидаги бола.тарда хали кўп учрайди. Шунинг учун ҳам ўқувчиларга беркладиган материал, улар томонидан ихтиёрсиз ва ихтиёрий идрок қилинишини мўлжаллаб берилмоғи ксрак.

Фазо тасаввурлари ҳам мактаб ёшида анча такомиллашган бўлади. Жумладан, ўқувчиларда кўз билан чамалаш қобилияти анча тараққий қилган бўлади. Бошланғич мактаб ўқувчилари энди бу чоғда катта ёшдаги одамлардан деярли қолишмасдан, тўғри чизиқни кўз билан чамалаб икки тенг бўлакка бўла оладилар, нарса ва чизиқларни катта-кичиклик даражасига қараб таққослай оладилар, нарсаларнинг фазода турган ўрнини, булардан қайси бири яқинроқ ёки узоқроқ, қайси бири баландроқ ёки пастроқ жойлашганини тахминан тўғри белгилай оладилар. IV—V синф ўқувчилари идрок қилинаётган масофани кўз билан чамалаб, шу масофани босиб ўтиш учун талаб қилинадиган вақтни ҳам тахминан ҳисоблаб о.тадиган бўладилар.

Таълим ва тарбия -процессида ўқувчиларнинг кўз билан чамалаш ҳамда нарсаларнинг шакли ва катта-кичиклигини ажрата билиш қобилиятининг яна яхшироқ ўсишига физкуль-

тура, чизмачилик, расм, геометрия, физика дарслари билан шуғулланш, шунингдек, география карталари ва ўлчов асбобларидан фойдаланиш катта ёрдам беради. Катта масофаларни кўз билан ча.малаш қобилиятининг ўсишига экскурсиялар, гуҳодга чқишлар, катталар билан биргаликда дала ва бошқа ерларда меҳнатга иштирок қилиш ёрдам беради.

Мактаб ёшнда вақтнн идрок қилиш ҳам такомиллашади. Уқувчилар вақтнинг, ҳозирги пайтнинг «тез» ёки «секин» ўта- (тганини аниқ сезадилар. V—VI синф ўқувчилари, катта ёшдаги одамлар сингари, икки минут, ўн минут, бир соат, уч соат ва шу каби вақтларнинг ўтишини тахминан айта оладилар.

Уқувчиларда вақтни яна аниқроқ идрок қилиш қобилияти, асосан, мактабда ўқиш машғулотлари тўғри уюштирилишига, машғулотларни муайян вақтга қараб тақсимланиши ва вазифаларни маълум бир ўқув соати (45 минут) ичида тамо.м қилиш талабига боғлиқ ҳолда ўсиб боради. Уқувчиларнинг ўзлари ҳам мустақил суратда бажаришларн лозим бўлган турли дарсларини тайёрлаш учун вақтни ҳар бир фанга тақспмлаб чиқишга мажбур бўладилар. Дарсга кеч қолмасдан мактабга бориб етиш тўғрисида ғамхўрлик ўқувчилардан бақтнинг ўтишига эътибор беришни талаб этади. Уқувчилар маълум бир ишни бажариш учун лозим бўлган озми-кўп муддатнн фикрда ҳисоблаб чиқишга мажбур бўлади.тар. Вақт ўт-човларини ўрганиш, доимо соатдан фойдаланиш ҳам вақтни аниқ ва тўғри идрок қилиш қобилиятини ўстиради.

Катта ешдаги одамлар сингари, мактаб болалари ҳам суратда тасвирланган перспектива ва ҳаракатни тўғри кўра ва тушунадилар. Тўққиз-ўн бир яшар болалар нарсаларнинг фазода тутган ўрнини ва уларнинг бир-бирига нисбатларини ўз расмларида тўғри тасвирлай оладиган бўладилар.

Мактаб болалари мураккаб музика асарларини завқ билан тинглайдилар, у.тар тон ва ярим тон каби оҳанглари ажрата оладилар, мактаб хорида иштирок қиладилар ва ҳар хил чолғу асбобларида чалишни ўрганадилар.

Совет ёшлари — ўғил ва қиз болалар — мураккаб музика асарларини эшитиш, бадий расмлар кўриш билан шу асарларнинг ғоявий маъносига ҳам тушунадиган бўладилар.

Идрок қобилияти болалар улғайиб, анча вояга етиб қилган даврларда янада ўсиб боради. Уқиш ва меҳнат процессида ўсмир ва ёшларда муайян идрок объектлари устида ўз диққатларини анча узоқ вақтгача тўплаб туриш, мураккаб комплексн объектлардан назарий ва амалнй мақсадларга қараб муҳим ва зарурларини ажрата билиш қобилияти ҳосил бўлади ва мустаҳкамланиб боради. Юқори синф ўқувчилари энди шу ёшда табиат ва жамият ҳаётига доир ҳодисалар устида и.тмин йўсиндаги кузатишлар олиб бора оладилар, ,

VI БО Б

ХОТИРА

I. ХОТИРА ТУҒРИСИДА УМУМИЙ ТУШУНЧА

Биз сезган, идрок қилган нарсалар из қолдирмасдан йўқлиб кетмайди, балки маълум даражада эса олиб қолинади, яъни эси.мизда сақланиб қолади ва ку.тан шароитда ёки керак булганда эсимизга тушади.

Шунингдек, кечири.тган туйғу, фикр ва қилинган иш-ҳаракатларимиз ҳам эсимизда сақланиб қолади ва кейинчалик эсимизга тушади. Буни ҳар ким ўз тажрибасидан яхши бнлади. Масалан, ўқувчилар мактабда ўқити.таётган нарсаларини эса олиб қиладилар, эса сақлайдилар ва эсга туширадилар.

*"Кундалик тажрибамиз кўрсатадики, эса қолган нарсаларнинг ҳаммаси ҳам эсимизга тушавермайди, уларнинг бир қисми **унутилади**. Унутиш ҳам хотирага оид ҳодисадир^,

Таъсиротларнинг ана шундай эса қолдириш ва кейин эсга туширишнинг физиологик асоси муваққат нерв боғланишларидир, бу муваққат боғланишларнинг ҳосил бўлиш, мустаҳкамланиш ва кейин жонланш (тикланиш) процессидир.

'Эсда **қоладиган нарса** хотира материалнн, эса сақланиб турадиган ва **эсга тушириладиган нарса** эса хотиранинг мазмунини ташкил қиладш^

Энг аввал бевосита идрок қилинган нарса ва ҳодисалар (уй.тар, кўчалар, дарахтлар, ҳайвон.тар ва ҳоказолар)нинг образлари эса олиб қолинади, сақланиб қолади ва эсга тушади. Кўрган бадий сурат ва расмлар, эшитган музика куйлари, ашула.тар ва ҳоказолар эса қолади.

- • Илгари идрок қилинган нарсаларнинг эсимизга тушган образлари **тасаввур** деб ата.тадиу **Бу** хотирамизда сақланиб қолган идрок образлари бўлиб, мазмунан образли хотирага тааллуқлидир.лОдам хотирасининг асосий мазмунини нутқ-сўз материали ташкил этади. Идрок қилинган нарса ва ҳодисаларнинг номлари, ўқилган текстлар, сўзлар, гаплар боШқаларнинг нутки эса олиб қолинади, эса сақланиб қолади ва эсга туширилади. Лекин нутқ эса олиб қилинганда у ёки бу одднй товушлар бирикнш система.тари эмас, балкн нутқда ифодаланган маъно, ўз ва бошқаларнинг фикрлари эса қолади, сақланади за эсга тушади.^Сўзларнинг маъно жнҳатдан мантикий суратда бир-бирига боғланиб эса қолиши" ва эсга тушиши мазмунан сўз-логик хотираси бўлиб, о^разли хотирага нисбатан, **анча** мураккаб **аклий** фаолиятдир.Чэиз кўнгил.тдан кечирган туйғулар, ҳар хил мускул ва иш ҳаракатлари ҳам хотира мазмунини ташкил қи.тадилар. ^

Шу сабабли эсда қоладиган материалнинг хилма-хил мазмунига қараб, хотирани, одатда, образли, сўз-логик, эмоцио-иал (**туйғу-хиссиёт**) ва **харакат** хотираси **каби** хилларга ажратилади. Албатта, хотиранинг ана шу хилларга бўлиниши нисбийдир. Ҳақиқатда хотиранинг шу ҳамма хиллари бир-бири билан чамбарчас боғланган, биронта нарсанинг эсимизда қолган ва кейин эсимизга туширилган образи гап билан ифодалангани, ҳар бир туйғу-хиссиёт биронта **бир** тасаввурга, ёки фикрга, ёки иш-ҳаракатга ва хоказоларга боғлиқ ҳолда туғилади.

Шундай қилиб, онгимиз акс эттирган нарсаларни мустаҳкамлаш, сақлаб қолиш ва кейинчалик тиклаш (эсга тушириш) дан иборат бўлган ақлий фаолият хотира дейилади.

Хотиранинг айрим процессларини — эсда олиб қолиш, эсда сақлаш эсга **тушириш** ва унутиш процессларини кўриб чиқайлик,

II П. ЭСДА ОЛИБ ҚОЛИШ ^ !

1Хотира фаолияти эсда олиб қолишдан бошланади. Биз [иша бир нарса ёки ҳодисани идрок қилишимиз, бирон нарса ҳақида ўйлашимиз сингари хашиша бирон нарса ёки ҳодисани эсда олиб қоламиз.

Эсда олиб қолиш процесси энг аввал мия пўстида идрок қилинаётган нарсаларнинг—буюм, сурат, сўз, фикр ва хоказоларнинг «излари» ҳрсил бўлишидан ва айнаи вақтда эсда олиб қолинадиган материал билан кишида мавжуд билим ва тажриба ўртасида, эсда қоладиган материалнинг айрим қисмларн ёки элементлари ўртасида боғланиш вужудга келишидан иборатдир.'

Эсда қрилишнинг нерв-физиологик асоси бош мия пўстида янги муваққат нерв боғланишлари ҳосил бўлишидан иборатдирД

Эсда олиб қрилишнинг тезлиги, тўлаллиги, аниқлиги ва мустаҳкамлиги ҳар хил бўлиши мумкин. Эсда қолдиришнинг бу сифатлари эсга туширишнинг тезлиги, тўлаллиги ва аниқлигига, шунингдек нечоғли тез ёки секин унутилишига қараб аниқланади. Тез, тўла ва аниқ эсга тушириш ва тезда унутиб қўймаслик эсда қолдиришнинг энг яхши сифатларидандир.

Жумладан, унутишнинг тезлигига қараб, эсда қолдиришнинг мустаҳкам бўлиш-бўлмаслиги аниқланади: пухта эсда қолган материал секин унутилади ёки сира унутилмайди.

Шу сабабли эсда олиб қрилишнинг ҳар хил сифати нимага боғлиқ **деган** саволнинг туғилишн табиийдир. Хотиранинг сифатини белгиловчи шартларни билиш педагогика **учун амалий** аҳамиятга эга, **чунки** бу шартларни билганда, энг мустаҳкам **ва** энг тез эсда қолдиришга эришмоқ учун ни-

малар қилиш ва нималарни ҳисобга олиш керак экани маълум бўлади.

Турмушдаги кузатишлар педагогик практика ва махсус экспериментал текширишлар кўрсатишга, эсда қолдиришнинг сифатлари — унинг тезлиги, тўлаллиги, аниқлиги ва пухталлиги, биринчидан, эсда қолдириш хилларига, иккинчидан, эсда олиб қолинаётган материалга кишининг (шахснинг) муносабатига ва, учинчидан, эсда қолдириш учун қўлланилган махсус методик усул ва приёмларга боғлиқ бўлар экан.

Бирок, ҳар ҳолда эсда мустаҳкам олиб қолиш, албатта, энг аввал нерв системасининг аҳволига боғлиқдир. Нерв системаси соғлом ва тетик бўлса, муваққат нерв боғланишлар тезроқ ҳосил бўлиб, пухтароқ бўлади, бинобарин, эсда олиб қрилиш ҳам тез ва пухтароқ бўлади.

1. Эсда олиб қолиш хиллари

Эсда қолдириш процессининг асосида ётган боғланишларнинг икки хили ажратилади. Бу боғланишларнинг қайси бири асосий ўрин олганлигига қараб, ассоциатив ва логик эсда қолдириш хиллари фарқ қилинади.

[Эсда олиб қолиш актив ироцессдир: бу активлик икки хил бўлади, шу сабабли ихтиёрсиз ва ихтиёрий эсда қолдириш хиллари ажратилади. •

Ассоциатив (механик) ва логик (маъносини тушуниб) эсда қолдириш

Ассоциатив эсда қолдириш. Бир вақтда ва бир ерда биринкетин идрок қилинган икки ёки бир қанча нарса ва ҳодисаларнинг образлари ўртасида мияда ҳосил бўладиган боғланиш ассоциатив боғланиш ёки **ассоциация** дейилади. Ана шу йўсинда ҳосил бўлган ассоциация **ёндошлик ассоциациядир**^

• Масалан, биронта ашулани эшита туриб, айнаи замоида шу ашулани айтаётган одамнинг ўзини ҳам кўрсак, шу ашулани (унинг қуни ва сўзларини) идрок қилиш билан бирга, ашула айтиб турган кишининг ўзини ҳам идрок қилиш ўртасида ёндошлик ассоциация ҳосил бўлади.. Бундай асоциациянинг бизда ҳосил бўлганлиги шундан билнадики, ана шу ашулани такрор эшитганимизда ёки уни эсимизга туширганимизда, ашулани айтган одамнинг образи ҳам дарров кўз олдимизга келади; ашулани айтган одамни тасаввур қилганимизда ёки уни кўрганимизда, ашуланинг қуйи ҳам эсимизга тушади. Бунда музика қуйи билан ашула айтган кишининг қиёфаси (образи) ўртасида шартли бир вақтли боғланиш пайдо бўлади. Шунингдек, кишининг қиёфаси (образи) ўнинг исми, фамилияси, турган жойи, ишлаётган жойи (биз уни аввал шу ерларда кўрган бўлсак) ўртасида шу хил ассоциация (боғланиш) ҳосил бўлади,

Ендошлик ассоциациясидан ташқари, яна ўхшашлик ва қарама-қаршилик ассоциацияси фаркланади.

Ўхшашлик ассоциациялар — идрок қилинаётган нарса билан эсга олинган нарса ўртасида ўхшаш белгилар бўлган. **Да** вужудга келадиган боғланишлардир. Қуш билан самолёт ёки таркибида бир-бирига ўхшаш товушлар бор сўзлар ўртасидаги ассоциациялар шу жумладандир.

Қарама-қаршилик (контраст) ассоциациялар ҳозир идрок қилинаётган нарса билан илгари идрок қилинган нарса ўртасида қарама-қаршилик юз берганда ҳосил бўладиган ассоциациядир (масалан, ёруғлик ва қоронғи))

: Ухшашлик ва қарама-қаршилик асосидаги ассоциациялар купинча ташқи, аҳамиятсиз ва тасодифий белгилар асосида ҳосил бўлади. Улар турли вақтда эсга олиб қолинган тасаввурлар ўртасида ҳам ҳосил бўлишлари мумкин.

Бу хилдаги ассоциациялар бир-бирдан батамом фарқ қилган нарсалар ўртасида ҳам воқе бўлмоғи мумкин. Дарахтнинг бир хилини мажнун киши образига ўхшатиб, мажнунтол деб аталиши бунга мисол бўла олади (дарахтга берилган ном шу билан изоҳланса керак).

Моҳияти ва маъноси жиҳатидан бир-бирдан тамомила узоқ бўлган сўзлар ўртасида ҳам ассоциация ҳосил бўлмоғи мумкин. Масалан, миҳ ва апельсин деган сўз бир неча марта кетма-кет такрорланса, бу сўзлар ўртасида ассоциация ҳосил бўлади, натижада кейинчалик бу сўзларнинг биттаси эсга тушса, иккинчиси ҳам албатта эсга тушадиган бўлиб қолади. Бу сўзлар ўртасида боғланишнинг ҳосил бўлишига сабаб, уларнинг фақат бирин-кетин такрорланишидир.

Шунингдек, айни замон ёки бирин-кетин пайдо бўлган ёки таъсири бир хил бўлган сезгилар ўртасида ҳам ассоциациялар воқе бўлади. Идрокнинг мазмунга эга бўлиши ҳам шу хил ассоциацияларни мавжудлиги билан изоҳланади.

Баъзан ўқувчи ҳисоб жадвалини ўрганар экан, у жадвалдаги ёнма-ён сонларни маъносини укмасдан, масалан, уч-у уч — тўққиз, уч-у тўрт — ўн икки деб такрорлайвериши мумкин. Жадвални шу усулда ёд олган ўқувчи одатда тўрт марта уч қанча бўлади "деган саволга жавоб бера олмай қолади.

Ассоциация маъно жиҳатдан бир-бири билан сира боғланмаган айрим бўғинлар ўртасида ҳам пайдо бўлмоғи мумкин, масалан, «мич-тич», «бабби-маббӣ» ва ҳоказолар.

Биронта материал (масалан, китоб тексти)нинг маъносини бутунлай тушунмасдан фақат механик суратда айнан эсга қолдириш мумкин.

Эсга олиб қолнШда қанча кўп ва хилма-хил ассоциациялар воқе бўлса, эсга қолдириШ ҳам шунчалик мустаҳкам бўлади. Аммо фақатгина ассоциатив боғланншлар асосида эсга

қолдириш, хусусан бирор текстни шу асосда ёд олнш кам каттижа беради/Елғиз ассоциатив боғланишларга суяниб эсга қолдиришни механик эсга қолдириш дейилади/.

Материални, унинг ички маъносини тушунмасдан ва уни мустақил ўйлаб чиқмасдан мана шу усулда ёд олинса, бу **КУРУК** такрорлай беришдангина иборат бўлиб қолади; бу усул **КЎП** куч сарф этишни талаб қилади-ю, аммо кам натижа беради ва кўп ҳолларда фойдасиз бўлади.

Механик эсга олиб қолишнинг учига чиққан усулини қурук ёдлаш дейилади. Бу усул билан ёд олиш текстни, сўз ва гапларнинг маъносини тушунмасдан фақат кўп марта такрорлаб боришдан иборат бўлади.

Ассоциатив боғланишлар эсга қолдириш процессида воқе бўладилар. Аммо уларнинг мавжудлиги эсга тушириш вақтида намоён бўлади, чунки ассоциациялар эсга туширишда жуда катта роль ўйнайдилар («Эсга тушириш ва унинг турлари» боби кўрилсин),

Маъносига тушуниб ёки мантиқан (логик) эсга қолдириш

Маъносига тушуниб ёки мантиқан (логик) эсга олиб қолиш процессида асосий ўринда фикрлаш процесслари туради. Эсга қолдирилаётган материалнинг айрим қисмлари ва элементлари ўртасидаги маъно ва логик (мантиқий) боғланишларни фикр юритиш йўли билан очилади. Маъно боғланишларни очиш биронта нарсанинг образини оддий эсга олиб қолиш эмас, балки нарса ва ҳодисаларга хос бўлган энг муҳим ва зарурий боғланишларни очиш демакдир, бир группа (класс) доирасига кирган нарса ва ҳодисаларнинг умумий ва муҳим белгиларини, улар ўртасидаги сабабият ва натижа боғланишларини аниқлаш демакдир.

Ассоциациялар асосида эсга олиб қолиш сингари маъносига тушуниб эсга қолдириш бевосита идрок қилинаётган нарсалар, буюмлар, табиат ҳодисалари ва ҳоказо образларини хотирада мустаҳкамлаш процессида рўй беради. Маъноси-**ий** тушуниб эсга олиб қолиш оғзаки материални — нутқ ва китоб текстини эсга қолдиришда айниқса катта роль ўйнайди. Нутқ товушлари ва нутқ белгилари (харф, рақам ва шу кабилар)нинг бир-бири билан боғланишларида ифодаланган маъно, фикр идрок қилинади, фикрлар ўртасидаги ички мантиқий боғланишлар очилади ва аниқланади, тушуниб олинди ва мулоҳазалар юритилади.

Чунончи, ўқувчи ҳисоб жадвалини маъносига тушуниб эсга олар экан, у масалан, «уч-у тўрт — ўн икки» деб такрорлайди ва айни замонда тўрт уч марта ўн икки сон тартибига, уч эса тўрт марта кирганини фаҳмлаб олади ва бу ҳақда ўйлайди. Ҳисоб жадвалини шу усулда ўзлаштирган ўқувчи сонларнинг

тартибини ўзгартириб берилган саволга тўғри жавоб беради, Масалан, студент ўқув матсриалини маъносига тушуниб эсга олар экан, унинг тафаккури ишга солинади, яъни студент текстда берилган ҳар бир сўзнинг ва гапларнинг маъносини тушунади, сўз ва гапларда ифодаланган фикрларни фаҳмлаб олади, ёки гаплар, айрим сўзлар ўртасидаги мантикий (логик) боғланишларни ўзи мустақил очади ва ҳоказо.

Механик суратда ёд олишга қараганда маъносига тушуниб ёд олиш энг маъқул ва самарали усулдир. Бунинг ҳар ким ўз тажрибасидан ва бошқа одамларни кузатишдан билади. Бу ҳол махсус қилинган тажрибалар билан ҳам исбот қилинган.

Масалан, профессор Н. А. Рибников мана бундай тажриба қилиб кўрган. Н. А. Рибников синалаётган кишига айрим сўзларни икки хил усул билан ёд олишни таклиф қилган: биринчи усулда айрим сўзлар бир-бирига мантикий боғланмасдан ўқилган бўлса, иккинчи усулда бу сўзлар бири-бири билан мантикий, маъно жиҳатидан боғланиб ўқилган. Бу тажрибаинг натижаси шуни кўрсатдики, биринчи усул билан эсга олинган сўз миқдорига қараганда иккинчи усул билан, яъни маъносига эътибор бериб ёд олинган сўзлар миқдори 22 марта кўпроқ чиққан.

Профессор Л. В. Занков маъносиз бўғинлар, айрим сўзлар ва мазмунли текстларни ёдлаш юзасидан тажриба тарқатган. Натижада: уч ҳафтадан сўнг ўқувчилар хотирасида бўғинларнинг 21 проценти, сўзларнинг 36 проценти, текстларнинг 58 проценти эсга қолганлиги маълум бўлган.

Мазмуни мураккаб ва ҳажми катта материални эсга олиб қолиш зарур бўлганда, шу материалнинг системасини фаҳмлаб олиш ёки уни муайян системага солиш керак бўлади. Системасиз баён қилинган материалга қараганда муайян системага солинган материал тезроқ ва пухтароқ эсга олиб қолади.

Маъносига тушуниб эсга қолдириш тез ва пухта бўлиш билан бир вақтда кишининг ақлий жиҳатдан ўснининг энг яхши шартидир.

Агар биронта материални маъносига тушунмасдан, уни обдон ўйлаб чиқмасдан, мулоҳаза қилиб кўрмасдан эсга олинса, бу материал мия учун кераксиз гок бўлиб қолади ва киши ўз ҳаёти учун муҳим бўлган янги вазифаларни ҳал қилишда бу материалдан фойдалана олмайди. Узлаштириб олинган билимлар асосида янги масалаларни мустақил ҳал қила билмиш совет педагогикасининг асосий талабларидан биридир. Шунинг учун ҳам биз билимни юзаки, механик суратда ёд олишни мутлақ маъқуллай олмаймиз.

«Бизга қуруқ ёдлаб олиш керак эмас,—деб ёзади В. И. Ленин,— лекин ҳар бир ўқувчининг зехнининг асосий фактлар билими билан оширишимиз ва мукамаллаштиришимиз ке-

рак, чуққи агар коммунистнинг олган билимларининг ҳаммаси \нинг онгида қайтадан ишланмас экан, у ҳолда коммунизм пуч бир нарсага айланади, қуруқ бир лавҳага айланади, коммунист эса қуруқ бир мактанчоқ бўлиб қрлади»¹.

Хотирани ўстириш ва такомиллаштириш тайёр билимларни фақат пухта ўзлаштиришдангина иборат бўлмай, балки билимларни онгли равишда мулоҳаза қилиб чиқиш қобилиятига ҳам эга бўлишдан иборатдир. Билимларни онгли равишда мулоҳаза қилиш эса фикрлаш демакдир.

Таълим-тарбия ишида тушуниб эсга қолдиришнинг аҳамиятини доимо эсга тутиш зарур. Ўқувчиларни эсга сақлаб қрлиш зарур бўлган материалнинг мазмунини яхши тушуниб олиб, сўнгра уни ўрганиб олишга одатлантириш керак.

Тафаккур билан чамбарчас боғланган нутқ эсга қолдириш процессида катта роль ўйнайди.

Нутқ эсга олиб қрлинаётган материал (объект)гина бўлиб қрлмай, балки ҳам образли (конкрет ва кўрсатма), ҳам абстракт материални энг яхши эсга қолдиришнинг жуда муҳим шартини ҳамдир.

Инсонларнинг тарихий тараққиёти жараёнида ҳосил қилинган билимлар товуш тили бор бўлгани туфайли мустаҳкамланиб, сақланиб қолади. Худди, шунингдек, ҳар бир киши билимни нутқ воситаси билан алоқа қилиш процессида, тил воситаси билан ҳрсил қилади. Биз ҳосил қилган билимлар сўз билан ифода қилинган шаклда эсга олиб қолинади.

Нутқ фақат назарий абстракт материални эсга олиб қрлиш шартини бўлиб қолмай, балки бевосита кўрилаётган, эшитилган кўрсатмали материални эсга олиб қрлишнинг ҳам зарурий шартидир. Агар кўрсатмали материалга яна ўқитувчининг оғзаки тушунтиришлари қўшилса, бундай материал янада пухтароқ эсга қолади. Ҳар бир киши ўзи идрок қилаётган нарсани оғзаки ёки ўз ичида сўз, нутқ билан ифода қила туриб эсга қолдиради.

Турли нарсаларни эсга олиб қолишда сўз мактабгача тарбия ёшидаёқ, хийла катта роль ўйнайди. Тўрт-беш ёшли болалар билан профессор Л. В. Занков қилган тажрибалар шуни кўрсатдики, болалар турли нарсаларни эсга олиб қолаётганларида уларнинг номларини айтадилар. Фақат сўзлар мавжуд бўлганлиги туфайли материал умумийлаштирилган ҳолда, тўғри логик таъриф ва иборалар шаклида эсга қрлади.

Шуни ҳам эътиборга олиш керакки, тез ва пухта эсга қолдириш учун нутқнинг мазмуни тўғри бўлишигина кифоя қилмайди, балки унинг синтаксис ва услуб жиҳатдан ҳам тўғри шаклга солинган бўлиши аҳамиятга эгадир. Синтаксис

жихатдан нотўғрн тузилгаи нутқ, отир бир тнл билаи ифодг.танган фикрларни тушуннб олиш анча қийин бўлади ва эсда турмайди. Назарий материални эсда олиб қолишда нутқнинг тузилиши айниқса катта аҳамиятга эга, чунки бундай материал, одатда, абстракт тушунчалар ва ҳукм (гап) шаклида ифодаланеди.

Маъносини тушуниб эсда олиб қолишнинг нсрв-физиологкк асоси иккинчи сигнал системасида воқеликда мавжуд нарса ва ходисаларнинг ички муҳим боғланишларига мувофик равишда ҳосил бўладиган боғланишлардан иборатдир. Бу боғланишлар, албатта биринчи сигнал системасининг иштирокисиз ҳосил бўлмайди.

Худди сўзнинг абстраклаштирувчи ва умумийлаштирувчи роли туфайли эсда олиб қолинаётган материалнинг айрим қисмлари ўртасидаги муҳим муносабатлар ҳам аниқланади.

Лекин шуни назарда тутмоқ керакки, маъносини тушуниб ёд олиш процесси ассоциатив боғланишлардан батамом айрилган ҳолда воқе бўлмайди. Ассоциациялар шундай дасТ-лабки боғланишлардирки, улар мантикий боғланишлар ҳосил бўлиши ва материални маъносига тушуниб ёд олиш учун ҳосил бўлади.

Механик (ассоциатив) ва маъносини тушуниб (логик) ёд олиш тез ва пухта бўлиши учун кишида маълум соҳага оид тажриба ва билим бўлиши катта аҳамиятга эга. Тажриба ва билим қанчалик бой бўлса, эсда олиб қолинадиган янги материал билан мавжуд тажриба ва билим ўртасида ҳосил бўладиган ассоциатив ва логик боғланишлар ҳам шунчалик хилма-хил бўлиши мумкин.

Физиологик жихатдан бу ходиса аввал таркиб топган иерв боғланишлари системасининг янги нерв боғланишлар воқе бўлишига таъсир этиши ва эсда қоладиган материалнинг характери билан изоҳланади. Чунончи, анча мураккаб боғланишлар ҳосил бўлишини талаб қиладиган абстракт-назарий материалга нисбатан яққол кўрсатмали материал тезроқ ва осонроқ эсда қолади.

Ихтиёрсиз ва ихтиёрий эсда қолдириш

Эсда олиб қолиш ихтиёрсиз ва ихтиёрий бўлмоғи мумкин.

Ихтиёрсиз эсда қолдириш олдимишга ҳеч бир қандай мақсад қўймасдан, эсга олинадиган материални олдин белгиласдан ва махсус усуллар қўлланмасдан, беихтиёр эсда қолдиришдир. Масалан, биз, одатда, кўчада тасодифий кўрган кишиларнинг афт-башарасини, тасодифий эшитиб қолган баъзи гап ва куйларни 'беихтиёр эсимизда (хотирамизда) сақлаб қоламиз. Ҳаётимизда бўлиб ўтган кўп ходиса ва воқеаларни ҳам биз ана шундай беихтиёр эсимизда сақлаб қо-

ламиз. Жўпинча беихтиёр идрок қилинган нарса ёки ходисалар беихтиёр эсда қолади. Узининг ранг-баранглиги, овози, ларакати билан кўзга жуда яққол кўриқиб турадиган, бизда кучли ҳиссиёт уйғотадиган, ўтмишдаги тажрибамизга, мавжуд билимларимизга, бизнинг касб ва фаолиятимизга, биз учун алоҳида аҳамияти бўлган ва бизда қизиқиш-ҳавас туғдирадиган шундай нарса ёки ходисалар хотирамизда беихтиёр сақланиб қолади. Кўпинча ихтиёрий атайин идрок қилинган нарса ёки ходисалар ҳам беихтиёр эсда қолаверади. Кўп ҳолларда биз биронта суратни кўришни, биронта китобки ўқиб чиқишни, биронта лекцияни эшитишни ўз олдимишга мақсад қилиб қўямиз, аммо кўрилган, ўқилган, эшитилган нарсаларнинг мазмунини эсда олиб қолиш ниятини қўймаймиз, лекин, шунга қарамай, ихтиёрий идрок қилинган китоб, сурат, нутқнинг мазмунини беихтиёр эслаб қоламиз.

Ихтиёрсиз эсда сақлаб қолиш бизнинг ҳаётимиз ва фаолиятимизда жуда катта ўрин тутеди. Айрим ҳолларда биронта ёрқин образлар, сўзлар, айрим кишиларнинг афт-башараси, ўқилган ёки эшитилган жумлалар ихтиёрсиз равишда эсда олиб қолинади ва хотирада узоқ сақланиб туради". ?

Эсда олиб қолинадиган материал бизнинг эҳтиёж ва манфаатимизга мувофик бўлса, бу материал биз учун алоҳида аҳамиятга эга бўлса, эсимизда узоқ сақланиб туради.

Ихтиёрсиз эсда олиб қолишда ҳиссиёт айниқса катта роль ўйнайди.

Бизда биронта ҳиссиёт туғдирадиган материал ҳиссиётимизга ҳеч бир таъсир қилмайдиган материалга қараганда эсимизда ҳам тезроқ, ҳам мустаҳкамроқ ўрнашиб қолади. Баъзан эса беихтиёр эсда қолдириш ихтиёрий эсда қолдиришдан кўра самаралироқ бўлади!

Лекин ҳиссиёт эсда қолдириш процессига ёмон таъсир қилмоғи ҳам мумкин. Масалан, эсга олинмоғи лозим бўлган материалга сира алоқаси бўлмаган сабаблар билан туғилган ҳиссиёт ана шундай таъсир қилади. Бундай ҳолларда диққатимиз бўлиниб, уни эсда қолдирилмоғи лозим бўлган материалга етарли даражада тўплай олмай қоламиз, диққатимиз бизнинг туйғу-ҳиссимизга шу топда таъсир этган нарсага қалғиб кетаверади.

Бундан таълим-тарбия ишида мана бундай ҳулоса келиб чиқади. Уқувчилар ўқиб-билиб олишлари лозим бўлган материалда уларнинг ҳис-туйғуларига таъсир этадиган моментлар мумкин қадар кўпроқ бўлмоғи керак. Уқувчиларнинг ҳис-туйғуларига таъсир этадиган бундай моментлар ўқув материалининг мазмунида ҳам, у материални баён қилиш усулида ҳам, сезги органлари билан идрок қилинаётган ташқи хусусиятларида (материалнинг дарсликда қандай баён қилинганлиги, ўқитувчининг қизиқтирарли хикоя қилиб бери-

ши, дарсликдаги суратлар ва дарсликниг графика ҳамда бадий жихатдан қандай безалганлигида) ҳам ифодаланиши мумкин. Аммо, шу билан бирга, ўқувчининг диққатини ўқув машғулотларидан чалгитиб юборишга сабабчи бўлаган кучли ҳиссиётларнинг олдини олиш учун мактабда ҳам, уйда ҳам тегишли шароит тугдириш керак.

Ихтиёрсиз эсда олиб қолиш ихтиёрий эсда олиб қолиш процессидан батамом айрилган бўлмайди: кўпинча ихтиёрий эсда қолдиришда ихтиёрсиз эсда олиб қолиш юз беради ёки эсда олиб қолинадиган материал бирор амалий фаолият таркибига кирган бўлади.

Шхтиёрий эсда қолдириш кўзда тутилган мақсадга мувофиқ танланган материални онгли равишда куч бериб махсус эсда қолдиришдир. Ихтиёрий эсда қолдиришда материални пухта эсда сақлаб қолиш мақсадида биз махсус усуллардан фойдаланамиз: диққатимизни тўплаймиз, идрок қилинган материални такрорлаймиз, унинг мазмунини укиб олиш учун ҳаракат қиламиз, илгариги тажриба ва билимларимиз билан уки боғлаймиз ва хоказо.

Систематик равишда эсда қолдириш **ёдлаб олиш, ўрганиб олиш** дейлади. Бизнинг ўқув ишларимиз — билимларни ўзлаштириш, тегишли кўникма ва малакалар ҳосил қилиш асосан ихтиёрий эсда қолдириш йўли билан бўлади. Едлаб, ўрганиб олиш[^]-тартиб бидан эсда қолдириш демакдир.

Ихтиёрий эсда қолдириш — англаб-билиб эсда қолдиришдир. Ихтиёрий эсда қолдиришининг нерв-физиологик асоси биринчи сигнал системаси билан ўзаро муносабатда иккинчи сигнал ҳосил бўладиган боғланишлардир.

Ихтиёрий (иродавий) эсда олиб қолиш энг самарали ва пухта эсда қолдиришдир.

Бунда эсда олиб қолиш мақсадини кўзда тутишнинг эсда олиб қолиш лозим бўлган материални танлашнинг ўзисқ уни энг самарали йўсинда **эсда** қолдиришга сабаб бўлади.

Эсда олиб қолишда маълум материални хотирада қолдириш **зарур** ва **керак** эканини тушуниш аҳамиятга эга-Дир.

Эсда олиб қолишга **жазм** қилиш, мақсадни кўзлаш, ксрак матсриални танлаш, мстивация (нима мақсад билан эсда қолдириш кераклигини билиш) — буларнинг ҳаммаси тафаккур фаолияти билан боғлиқ бўлади. Шу сабабли ихтиёрий эсда қолдириш асосан маъносига тушуниб, онгли ва, бннобарин, энг уиумли равишда эсда қолдиришдш).

Аммо билим ва кўникмаларни муваффақиятли ўзлаштириш учун жазм қилиш, хохлаш ва олдиндан муҳокама қилишнинг бир ўзи кифоя қилавермайди. Баъзи вақтларда (масалан. аниқ илмий таъриф ва ибораларни, янги терминларни; чет тил сўзларни ва шу каби материални) эсда олиб қо-

лишда каттагина қийинчиликларни енгишга тўғри келади, бу қийинчиликлар **ирода** ва **ғайрат** билан енгилади,

Ихтиёрий эсда қолдириш қилинган ишнинг натижасини текшириб бориш билан бирга боради: ўқувчи бирор материални эсда мустаҳкам сақлаб қолиш учун ҳаракат қилар экан, **V** материалнинг хотирада тўлиқ ва аниқ қолган-қолмаганлигини текшириб кўради ва муродига ет.магунча ишни давом эттираверади.

Едлаб билиб олишда муваффақият крзониш кишининг ирода билан **астойдил** ишлашига кўп даражада боғлиқ бўлар экан.

Бундан шу хулоса келиб чиқадики, ўқувчилар хотирасини \стириш уларда **иродани** ҳам ўстириш билан боғлиқдир.

Ихтиёрсиз эсда олиб қолиш сингари ихтиёрий эсда қолдириш ҳам асрциатив ва маъно боғланишлари асосида воқе бўлади.

Аммо ихтиёрсиз эсда олиб қолишни ассоциатив эсда **қолдириш** билан аралаштириш ёки тенг-баравар қилиш ярамайди. Ҳақиқатан кузатиш ва махсус қилинган тажриблар (А. А. Смирнов, П. И. Зинченко) шуни исбот қилганларки, ассоциатив боғланишлар кўп хрлларда ихтиёрсиз идрок қилкшда, ихтиёрсиз ва ихтиёрий хотирага олиб крлишда ва хар хил амалий фаолият вақтида ҳам ҳосил бўлаверадилар.- Аммо шу билан бирга кўп хилма-хил ассоциацияларни киши онгини кўзлаган мақсад юзасидан ўзи вужудга келтиради. Масалан, чет тил сўзларини ёд олишга, телефон номерларини эсда олиб крлишга ёрдам берадиган ассоциациялар атайин вужудга келтирилади. Биз бир нарсани ёки берган ваъдамизии эсдан чиқариб юбормаслик учун атайин ассоциация пайдо кнламыз, масалан, дастрўмолининг бир четини тугун қилиб тугамиз.

Бизда ҳосил бўлган кўникма ва одатлар ассоиациялар (комплекси) системасидан иборат бўлиб, бу ассоциациялар онгли равишда ва такрор қилинадиган ҳаракатларнинг мустаҳкамланиши процессида воқе бўладилар.

Иккинчи томондан, маъносики тушуниб логик эсда олиб крлиш процессини ҳам ихтиёрий эсда қолдириш билан аралаштириб юбориш ёки тенг-баробар қилиш ҳам ярамайди.

Китоб ўқиғанда, биров билан суҳбатлашганда биз, одатда, кўпгина хар хил фикр, гап, мақол, ҳисса, байт ва қисқа шеърларни бсихтиёр эсда олиб қоламиз. Кўп холларда маъноли гаплар ёндошлик, ўхшашлик ва қарама-қаршилиқ ассоциациялари асосида хотирамызда боғланадилар.

Ассоциатив ва маъно боғланишлари ҳам ихтиёрнй, ҳам ихтиёрсиз эсда олиб қолишда юз беради дейнш мумкин. **БУН**да ассоцианиялар уларнинг нерв физиологик асослари билан бирга дастлабки ва универсал боғланишлардир. «Муваққат

нерв боғланишлар,— деб ёзади И. П. Павлов,— хайвонот оламида ва бизнинг ўзимизда ҳам бўладиган энг умумий (универсал) физиологик ходисадир. Шу билан бирга у психик ходиса ҳамдир; турли-туман ҳаракат, таассурот ё бўлма-са харфлар, сўзлар ва фикрлар ўртасида пайдо бўладиган боғланишлардирки, бу боғланишларни психологлар "ассоциация деб айтадилар"¹.

Ихтиёрий эсда қолдириш процессида асосий ўринни иш-қил қилтадиган, ҳукм ва тушунча шаклида ифодаланадиган маъно боғланишлари ҳам ассоциациялар асосида ҳосил бўлади»¹.

2. Эсда олиб холинаётган материалга шахснинг муносабати

Эсда олиб қолишнинг муваффақияти кўп даражада эсда олибқилинаётган материалга ёки шу материал билан алоқаси бўлган фаолиятга шахснинг **ижобий** муносабати билан боғлиқ бўлади. Бу муносабат кизиқиш, диққат-эътибор тарзида намоён бўлади.

Кизиқиш муваффақияти эсда қолдиришнинг энг биринчи шартларидандир. Бизда кизиқиш туғдирган нарса тезроқ ва мустаҳкамроқ эсда қолади. Биз, одатда, бизни қизиқтирмайдиган нарсаларга эътибор бермаймиз ва уларни хатто пайкамаймиз. Уқувчилар кизиққан, ўзлари «севган» фантарининг мазмунини пухта ўқиш тарини ҳар бир педагог яхши билади.

Бу айтилганлардан таълим-тарбия ишида мана бундай ҳулоса чиқади: ўқув материалнинг ўқувчиларнинг хотирида маҳкам ўрнатиш учун мактабда таълим ишини шундан олиб бориш керакки, ҳар бир фан ўқувчиларда кизиқиш — ҳавас туғдирадиган бўлсин.

Эсда қолдириладиган материалга кизиқиш, диққатимизни шу материалга қаратади, ҳис-туйғумизга таъсир қилади, эътиборни ва беихтиёр эсда қолдириш процессларини кучайтиради.

Кизиқиш эсда қолдириладиган материални, шахснинг ўзи ва жамият учун аҳамиятини тушуниш билан боғлиқ бўлса, эсда қолдириш самаралироқ бўлади.

Диққат эсда мустаҳкам сақлаб қолишнинг зарурий шартидир. Диққат эсга олиш лозим бўлган материалга нечоғди кучли суратда қаратилган бўлса, у шунчалик тез ва пухта эсда қолади, чунки диққатнинг нерв физиологик асоси мия пўстининг бир қисмида кучли қўзғалиш (оптимал қўзғалиш) ўчоғининг пайдо бўлишидир. Ана шундай қўзғалиш ўчоғи пайдо бўлиши билан янги нерв боғланишлар тезроқ ҳосил

бўлиб, маҳкам сақланиб қолади. Қўпичча, айрим кишиларнинг ўз хотирасининг заифлиги, тез ва пухта эсда сақлаб қололмаслиги тўғрисидаги шикоятлари анализ қилиб қўрилганда, эсда яхши сақлаб қололмасликларининг сабаби улар диққатининг бўшлиғида, тарқоқлиғида, мия пўстидаги тегишли қўзғалиш ўчоқларининг заифлиғида эканлиги маълум бўлади. Бундай кишилар диққатларини бир нуқтага жамлаб қунт билан ишлашга ҳаракат қилишлари билан улардаги хотира ҳам кучая боради.

Эсда қолдириш усули. Ҳаёт ва фаолиятнинг турли ҳолларида бирор муддатгача ниманидир қисқа ёки узок вақтгача эсда қолдиришга тўғри келади.

Шундай қилиб, эсда қолдириш усулига ёки мақсадига кўра хотира қисқа муддатли ва узок муддатлига бўлинади.

Муайян (қисқа) вақтдан кейин такрор тиклаш (эслаш) мақсадида керакли материалнинг эсда сақлаб қолинган вақтларда хотира, *қисқа муддатли* хотира деб аталади. Онда унинг кейинги эслаб қолиниши (сақланиши)га ҳеч қандай зарурият йўқ. Масалан, одам ишдан қайтатуриб йўл-йў.такай бир қанча ишлар қилишни: почтага кириш, хат ташлаш, маггиндаги янги китобларни қўздан кечириш, нон ҳамда шакар ва шунинг сингарилар сотиб олишни белгилаб олади.

Ўқув тажрибасида шундай ходисалар бўлиб туради. Баъзи бир ўқувчилар дарсга ёки имтиҳонга тайёрланар эканлар, керакли ўқув материални шундай усулда, яъни бу материални фақат дарсда ёки имтиҳонда эслаш учунгина ёд оладилар.

Қисқа муддатли хотира шундай ҳолда, яъни киши ўзига берилган қандайдир вазифани аниқ бажарганида намоён бўлади. Хотиранинг бу турини бошқача қилиб оператив хотира дейилади. Хотира фаолиятнинг шундай турларида, яъни керакли материални ва айниқса ўқув материални узок муддатгача ва бутунлаи эсда сақлаб қолишда узок муддатли хотира тарикасида намоён бўлади. Одатда ҳар қандай ўқув материални ана шу усулда ўзлаштириб олинади.

- Эсда қолиш усули қандайдир бирор муддат-ва сифатга ҳам таъсир этиб — эсда қолдиришни мустаҳкамлайди.

/- Махсус экспериментлар исбот қилинганки, кишининг: «эсимда узок сақлайман» ёки «эсимдан асло чиқармгйман» деб жазм қилган нарсаси хотирада маҳкам ўрнашиб қолар экан. Аксинча, қисқа бир муддат учун (масалан, навбатдаги имтиҳонни бериш учун).эсда қолдиришга жазм қилинган материал тез унутилади.

Бундан шу ҳулоса келиб чиқадики, ўқитувчи таълим процессида дарсни тушунтирганида, уйга вазифа топширганида, ўқувчи билимини текширганида ҳамиша маълум таъриф, қоида, парча, тарих саналари ва шу қабиларни пухта

¹ И. П. Павлов, Полное собрание сочинений, III том, II китоб, 325-бет.

ва доимо эсда сақлаб қолмшнинг зарурлигини уқтириб бор-моғи лозим.

Дарсни сўраганда саволни фақат ўтган сафарги тоишириқ юзасидангина бериб қолмай, балки бундан олдин ўтилган материалдан ҳам савол бериш керак, бундай қилиш ўқувчиларни ҳар бир янги дарсни доимо пухта эсда сақлаб тутиш мақсади билан ўқиш йўлига солади ва улар буни одат қилдилар. Бундай қилиш ўқувчиларнинг ўқув материални пухтароқ эсда қолдиришларига ёрдам беради.

3. Эсга олиб қрилишда қўлланиладиган махсус методик приёмлар

Материалнинг тез ва пухта эсга олиб қотилиши, кўп даражада, биз эсга олиб қилиш мақсадида фойдаланиладиган алоҳида методик усулларга боғлиқ бўлади. Эсга олиб қрилинадиган материални идрок қилиш усуллари, такрорлаш ва хоқазолар шу жум.тадаги усуллардир.

Эсга олиб қолинаётган материални идрок қилиш усуллари

Тез ва пухта эсда қолдириш энг аввало эсга олинадиган материалнинг қандай идрок қилинишига боғлиқ. Тез, равшан ва расо, аниқ идрок қилинган нарса, одатда, эсда тез ва маҳкам сақланиб қолади. Шунинг учун ҳам идрокнинг сифатини белгилловчи шарт айни вақтда хотиранинг сифатини ҳам, яъни унинг тезлигини ва пухта бўлишини ҳам белги.тайди.

Шуниси ҳам муҳимки, материални идрок қилишда қанча кўп сезги органлари иштирок қилса, материал ҳам шунча тез ва пухта эсда қолади. Масалан, ўқувчилар ўқув материални эш.тиш органлари воситаси билан идрок қилиб қрлмай (фақат ўқитувчининг дарсига, шерикларининг баланд овоз билан ўқишига қулоқ солиш билангина чекланиб қолмай), балки кўриш органлари воситаси билан (дарсликни ўқиш, ундаги расмларни кўриш, турли кўрсатма қуроллардан фойдаланиш), шунингдек, мускул ҳаракатлари (ёзиб олиш, сўзларни баланд овоз билан айтиш, ўз ичида шивирлаб айтиш) воситаси билан ҳам идрок қилганларида, бу материални я.хши ва мустаҳкам эслаб қрладилар.

Материални яхшироқ эсга олиб қолмоқ учун ҳар хил идрок усулларидан фойдаланиш керак. Масалан, чет тилдаги сўз ва гапларни ёдлаб олмоқ учун уларни фақат ўқиш ва оғзаки қайтариш кифоя қилмайди, балки бу сўз ва гапларни бир неча қарра кўчириб ёзиши ва ёзилганни овоз билан ўқиш керак. ана шунда материал тезроқ ва пухта эсда қолади. Шеър. илмий таъриф, термин ва шу қабиларни ёдлаб олишда ҳам ана шу усулдан фойдаланиш лозим.

«Боланинг эсида бирор нарсанинг маҳкам ўрнашиб қрилиши хоҳловчм педагог бола сезги органларининг мумкин қадар кўироғини — кўзи, қулоғи, товуш органи, мускул сезгис ва, ҳатто, агар иложи бўлса, ҳидлаш ва таъм битиш — органларини эсда тутиб қилиш процессида қатнаштиришга ҳаракат қилнши керак»,— дейди К. Д. Ушннский¹.

К. Д. Ушинскийнинг бу фикрлари медагогик процесс устидан олиб борилган қатор қузатншларда тасдиқланди. Масалан, мана шундай бир тажриба қилиб кўрилган. Синалаётган ўқувчиларга бир-бири билан боғланмаган 12 сўз бериб қуйидагича уч хил усул билан ёдлаб олиш талаб қилинган:

- 1) материални бир қарра (ўз ичида) ўқиб (фақат кўз билан) идрок қилиш;
- 2) материални ҳам ўқиш, ҳам эшитиш йўли билан (кўз ва қулоқ билан) идрок қилиш;
- 3) материални ўз ичида ўқиш, уни эшитиш ва ёзиб олиш йўли билан (кўз, қулоқ ва мускул иштироки билан) идрок қилиш.

Бу тажриба қуйидагича натижа берган:

Идрок қилиш усуллари	Эсда қолганининг процент ҳисобида	
	5 мннутдан кепин	7 қундан кейин
I	58%	26,6%
II	65%	33,3%
III	№%	40,0 %

Бу таблицадан маълум бўлганидек, учинчи усул билан идрок қилинган материал хотирада мустаҳкам сақланиб қолар ва унчалнк унутилмас экан.

Бошқа қилинган бир тажрибада ўқувчилардан айрнм материалларни фақат кўриш билан эсда қолдириш талаб қилинган. Бунда эсга туширишда ўқувчилар ўнта хато қилганлар. **Боніқа** ўқувчилардан шу материални фақат эшитиб сд олиш талаб этилган. Булар эсга туширишда ўн тўртта хато қилганлар. Яна бир группа ўқувчиларга айни материални ҳам кўриб, ҳам эшитиб (яъши овоз билан ўқиб) эсга олмб қилиш тавсия қмлинган. Булар эсга туширишда фақат тўртта хато қилгамликлари аниқланган.

Идрок қилншда имкони борнча кўпроқ сезги органларининг иштирок этиши ўқувчнлар фаолиятининг онглилиги ва активлигини оширади.

¹ К. Д. У ш и н с к и й. Танлгиган педагогик асарлар, Уқувпедави Тошкент, 1959 йил, 367- бет.

Қилиб қўрилган тажриба ва кузатишлар материални пухта эсга олиб қолиш учун идрок қилишда мусқул-ҳаракат срганларининг, айниқса нутқ-ҳаракат органларининг иштирок этиши алоҳида аҳамиятга эга эканлигини исбот қилди. Уқувчилар ёзиб олаётган, оғзаки такрорлаётган материал тез ЕЭ маҳкам эсда сақланиб қолади.- -

Китоб текстини ёки оғзаки берилган материални маҳкам эсда олиб қолишга идрокнинг суръати (темп) таъсир этади. Уқитувчи тез, шошиб гапирса, ўқувчилар дарслик текстини шошиб, тез ўқисалар, фақат сўзларни юзаки ўзлаштирадилар, аммо бу сўзларда ифода қилинган фикрни тўлатўқис ва аниқ уқиб ола олмайдилар. Уқитувчи шундай суръат билан гапирмоғи керакки, унинг нутқида ифода қилинган фикр ва қоидалар ўқувчилар учун равшан ва тўла тушунарли бўлсин.

Уқувчи ҳам китоб текстини шундай суръат билан ўқиши керакки, бундаги ҳар бир сўз ва иборанинг маъноси тўлатўқис идрок қилинадиган бўлсин. Уқувчи текстни ўқир экан: «олдингисини тушуниб олмасдан кейингисига ўтманг» деган қоидага риоя қилишга одатланиши керак.

Такрорлаш.

Бош мия пўстида янги пухта боғланишлар ҳосил бўлмоғи учун таъсиротларнинг бир неча марта такрорланиши шарт, Биронта материал қанча кўп такрорланса, шунча маҳкам эсда қолишини ҳамма билади. Такрорлаш эсда қолдиришнинг пухталигига таъсир қиладиган энг муҳим шартлардан биридир. Аммо такрорлашнинг ҳар қандайи ҳам самарали бўлавермайди. Баъзан такрорлаш ҳеч қандай натижа бермаслиги мумкин.

Такрорлашнинг бир неча турлари бўлиб, уларнинг натижалари ҳам турличадир. Аввало пассив ва актив такрорлаш усулларини фарқ қилиш лозим.

Пассив такрорлаш айна бир материални идрок қилишнинг ўзини такрорлайверишдир. Пассив такрорлаш айна бир карсани бир неча қарра кўздан кечириш, ўқиб чиқиш ёки эшитиш демакдир. Ана шу тариқа такрорлаш (баъзан кўп марта такрорланса ҳам) кўп вақтларда унча катта натижа бермайди.

Актив такрорлаш материални эсга тушириш асосида такрорлашдир. Актив такрорлаш идрок қилинган материални, масалан, ўқилган, эшитилган материални бир неча марта эсга тушириб такрорлаш демакдир. Китобдан кўзни узмасдан такрор-такрор ўқиб ёд олишдан кўра, актив қайтариш эг яхши натижа берадиган усулдир. Шу сабабли, ўқувчи бир-икки марта ўқиб чиқилган материални китобга назар

солмасдан оғзаки такрорласа, материал тезроқ ва пухтароқ эсда қолади. Эсга олинаётган материални бошқа бир кишига гапириб бериш мустаҳкам эсда қолдириш учун хийта катта аҳамиятга эгадир.

К. Д. Ушинский ўз вақтида шу икки хил такрорлаш тўғрисида гапириб, актив такрорлаш энг самарали такрорлаш эканини кўрсатиб ўтган эди.

«Бу актив такрорлаш,— деб ёзади К. Д. Ушинский,—< пассив такрорлашга қараганда кўп даража самаралидир; бинобарин, қобилиятли болалар актив такрорлашнинг пассив такрорлашдан афзаллигини беихтиёр сезиб, ундан кўп фойдаланадилар: улар сабоқни китобдан ўқиб бўлиб, кейин ёддан сўзлаб беришга интиладилар»¹.

Махсус ўтказилган тажрибалар шуни кўрсатдики, идрок қилиш (материални ўқиш ёки эшитиш) эсга олиб қолиш процессида эсга тушириш билан бир текисда навбатма-навбат алмаштирилиб турса ва сўнггида олдин идрок қилинган материал яна эсга туширилса, эсда қолдириш процесси айниқса натижалли бўлар экан.

В.П. Иванова текстни тўрт марта ўқиб, сўнгга текстни икки марта ўқиб, икки марта эсга тушириш навбатма-навбат алмаштирилиб туриш қандай натижа берганлигини махсус тажриба қилиб кўрган.

Тажриба процент ҳисобида қуйидаги натижаларни берган:

Эсда қолдириш	1 соатдан кейин	1 кундан кейин	5 кундан кейин	10 кундан кейин
Тўрт марта ўқиш йўли	2,0	27,5	17,5	15
Навбатча-навбат алмаштириб икки марта ўқиш ва икки марта такрорлаш йўли билан	75	72,5	65,5	57,5

Демак, биринчи усул билан эсга олиб қолишга нисбатан, иккинчи усул кўпроқ самарали бўлган ва материални унуттиш камроқ бўлган.

Актив такрорлашнинг самарали бўлишига сабаб шуки, ихтисрий эсга тушириш процесси, идрокка, яъни китобнинг текстини ҳадеб ўқиб беришга қараганда, активроқ процессдир. Эсга туширишни идрок қилиш билан навбатлаб (яъни бир гал китобга қараб, бир гал ёддан сўзлаб) такрорлаб борилса, маҳкамроқ нерв боғланишлари ҳосил бўлади, диққат тўта сафарбар қилинади, фикрлаш ва нутқ фаолияти актив-

¹ К. Д. Ушинский, Таълим-тарбия ишлари ҳақида, Уқувпедагогия, 1952, 41-бет.

лашади, эсга олинмоғи лозим бўлган материалнинг мазмуни яхшироқ тушуниб олинади. Уқилган материални ёддан сўзлаб эсда қолдириш ўз-ўзини текшириб, ғоят пухта ва равшан контрол қилишга имкон беради, бу эса материалнинг тўла-тўқис, тўғри ва пухта эсда қолишига ёрдам беради. Эсда қолдириш процессида ўз-ўзини текшириб кўриш (ўз-ўзига контроллик қилиш) фикрлаш ва нутқ фаолиятини активлаштиради. Эсга олинган материални бошқа бир кишига ёддан сўзлаб берганда алоҳида бир масъулият хисси туғиладики, бу ўз навбатида, ўқувчиларда эсга олиб қолишнинг активлик даражасини оширади ва эсда қолишни самаралироқ қилади;

Сидирғасига такрорлаш билан тақсимлаб такрорлаш. Материални актив усулдами, пасив усулдами, бари бир, ё скдирғасига, яъни орада маълум вақт ўтказмай такрорлаш, ёки тақсимлаб, яъни орада маълум вақт ўтказиб такрорлаш мумкин. Орада маълум вақт ўтказиб такрорлаш, сидирғасига, тўхтовсиз такрорлайверишга қараганда, хийла натижа берар экан. Бир талай махсус тажрибалар шуни исбот қилдики, орада вақт ўтказиб такрорлаганда материални пухта эсда қолдириш учун такрорлаш анча камроқ талаб қилинар экан.

Масалан, И. И. Волков қилиб кўрган бир тажрибани олайлик. И. И. Волков IV синфлардан бирининг ўқувчиларини икки группага ажратиб, ҳар қайсисига айни бир шеърни ёд олишни топширган. Биринчи группа ўқувчилар шеърни сидирғасига такрорлайвериш усули билан бир йўла ёдлаб олганлар. Иккинчи группа ўқувчилар эса мана шундай тартибда ёд олганлар: биринчи кун шеърни икки қарра такрорлаганлар, холос; эртасига яна икки марта ва сўнгра шеърни батамом ёдга олмагунча кунда икки мартадан такрорлаб борганлар. Натижада маълум бўлганки, сидирғасига ёдлаб ўрганиб олмоқ учун шеърни ўрта ҳисоб билан 18 марта такрорлаш зарур бўлган, орада бир сутка вақт ўтказиб такрорлаганда эса шу шеърнинг ўзини эсга олиб қолмоқ учун ўрта ҳисоб билан 7 марта қайтариш кифоя қилган. Шу нарса ҳам аниқланганки, биринчи группадаги ўқувчилар (шеърни сидирғасига ёд олган ўқувчилар) шеърни ёддан айтиб берганларида, иккинчи группа ўқувчиларга (шеърни орада вақт ўтказиб ёд олган ўқувчиларга) қараганда кўпроқ янглишганлар.

Орада вақт ўтказиб такрорлашнинг кўп даража натижалли бўлишини профессор М. Н. Шардаковнинг тарих ва географиядан ўқув материални эсда қолдириш устида қилиб кўрган тажрибалари ҳам тасдиқлайди.

Орада вақт ўтказиб такрорлашнинг яхшироқ натижа беришига сабаб шуки, эсга олиб қолиш бир лаҳзада ўтадиган

процесс бўлмай, балки чўзиладиган процессдир, чунки эсда қолдиришнинг нерв-физиологик асоси бўлмиш нерв боғлаишлар дарров ҳосил бўлавермайди. Сидирғасига ҳадеб такрорлай берганда, навбатдаги ҳар бир такрорлаш ҳали тамомила етмаган эсда қолдириш процессини тўсиб қўяди ва бу билан эсга олиш процессини чалкаштириб юборади, бинобарин, хотира фаолиятини ҳам бўшаштиради.

Лекин орала жуда узок вақт ўтказиб такрорлаш ҳам маъқул эмас: бундай усулнинг ҳам фойдаси кам. Масалан, профессор Шардаков қилиб кўрган тажриба шундай натижа берган: шеърни орада бир сутка ўтказиб ёд олинганда 4 марта такрорлаш, орада уч кун ўтказиб ёд олинганда 6 марта такрорлаш, орада 6 кун ўтказиб ёд олишда эса 7 марта такрорлаш зарур бўлган.

Эсга олиб қолишда материални тақсим қилиш усулининг ҳам аҳамияти катта: материални яхлит ёки парчаларга бўлиб эсда қолдириш мумкин. Материал тушунарли ва ҳажми кичикроқ бўлса, яхлит эсга олиб қилиниши маъқул. Материал катта бўлса (масалан, катта бир-шеър, достон), уни парчаларга бўлиб, аввал бир парчасини, кейин бошқа парчаларини бирин-кетин ёдлаб олиш керак. Материални тақсим қилганда, унинг ҳар бир парчаси тугал бир маъно беришига, мазмуни тўлиқ бўлишига албатта риоя қилиш керак.

Энг яхшиси, ҳажми катта материални комбинация усули деб айтиладиган усулда ўрганиб-билиб олишдир, бунла аввал материални бошидан охиригача кўриб (ўқиб) чиқиб, унинг мазмунини тушуниб олинади ва сўнгра парчаларга тақсим қилиб, эсда қолдирилади. Бундай усулда эсга* олиб қолиш осон бўлади, қуч ва вақт камроқ сарф бўлади, материал эсда маҳкам ўрнашиб қлади. Комбинация усулида эсда қолдиришнинг яхши натижа берганлиги М. Н. Шардаков қилиб кўрган махсус тажрибалар билан исботланган. Эсда қолдирилмоғи лозим бўлган материални тақсимлашда кишининг тафаккури ва диққати активлашади. Бинобарин, материални тақсимлаш ва планлаштириш процессининг ўзиёқ эсга олиб қолишнинг сифатига ижобий таъсир қилади.

Уқув материални эсга олиб қолишда ҳар хил ёрдамчи усуллар ҳам катта аҳамиятга эга: ўқитувчининг сўзини ёзиб бориш, китоблардан кўчирмалар олиш, конспект ва таблицалар (масалан, тарихдан хронологик таблицалар) тузиш, шунингдек, турли расмлар чизиш, схемалар, чертёжлар қилиш, тарих ва географиядан ҳарита тар яшаш каби ишлар шу жумладандир. Эсга олиб қилиш процессида ўқувчилар шу табица, схема ва суратларни ўзлари қилсалар, материални ўрганб-билиб олиш айниқса осонлашади. Уқувчилар билимининг энг муваффақиятли ўзлаштиришларига эришмоқ мақсадида сўнги йилларда программалаштирилган ўқитув усули

тгтбик қилинмоқда. Бу усул билан ўқитишда кўпгина ҳолларда кибернетика воситалари, ўргатувчи машиналар, ҳисоб-электрон системалар ва шу кабилардан фойдаланадилар.

Ў § 5[^] 1У. ЭСГА ТУШИРИШ ВА УНИНГ ХИЛЛАРИ

|Утмишда идрок қилинган нарсаларнинг туйғу-Ҳис, фикр ва иш-ҳаракатларнинг онгимизда қайтадан тикланишини эсга тушириш дейилади.

Эсга туширишнинг нерв физиологик асоси бош мия пўстида илгари ҳосил бўлган нерв боғланишларининг кўзғалишидир.

Эсга туширишнинг: таниш, эслаш, бевосита эслаш, орадан маълум бир вақт ўтказиб эслаш, ихтиёрсиз ва ихтиёрий эслаш хиллари бўлади.[^]

Таниш ва эслаш

\ Илгари идрок қилинган нарса ва ҳодисаларни такрор идрок қилганда, у нарса ёки ҳодиса эсга тушади, ана шуни таниш деймиз[^]

Оشناмизни ёки уйни таниш деганимизда, бунинг маъноси биз шу оشناмизни ёки уйни илгари кўрганимизда ҳосил бўлган образ, ҳис ва фикрларнинг оشناмизни ёки уйни иккинчи кўрганимизда онгимизда тикланиши демакдир.

Таниш аниқ (тўлиқ) ва ноаниқ (ярим-ёрти) бўлмоғи мумкин.

Ярим-ёрти таниганимизда шу нарсани идрок қилиш билан боғлиқ бўлган баъзи бир тасаввур, ҳис ва фикрларгина гира-шира эсимизга тушади, биз бу нарса бизга нотаниш эмаслигини ҳис қиламиз, холос. Лекин бу тасаввур ва фикрлар худди шу нарсани илгари кўрганимизда туғилган тасаввур ва фикрларга боғланмаган ҳолда эсимизга тушади: масалан, бир одам кўзимизга иссиқ кўринади-ю, аммо уни қачон, қаерда кўрганимизни эслай олмаймиз.

Ярим-ёрти танишда шу нарса, умуман нима учундир табиш экани ҳис қилинади, лекин тўлиқ эсга тушмай туради.

Тўлиқ, аниқ танишда эса шу пайтда идрок қилинаётган бир нарсага доир илгари ҳосил бўлган тасаввур ва фикрлар онгимизда тикланади. Ана шу тасаввур ва фикрлар бир-талай бошқа тасаввур ва фикрлар билан боғланиб эсга тушаверади. Бундай ҳолда биз шу нарсани қаерда ва қачон кўрганимизни ҳам бемалол эслай оламиз. Масалан, биз бир киши билан учрашганимизда унинг ўзини ҳам таниймиз ва илгари у билан қаерда, қандай шароитда учрашганимизни, нима тўғрисида гаплашганимизни ва ҳоказоларни равшан эслай оламиз.

' Кўпинча, ярим-ёрти таниш, умуман таниш эканини ҳис қилиш бир неча вақтдан кейин тўла, аниқ танишга ўтади. Бунга шу нарса билан илгари учрашган ерни иккинчи кўриш ёки шу нарсани илгари қаерда кўрганимизнинг эсга туширилиши ёрдам беради;

Таниш пронессиди идрок қилинаётган нарсанинг номи катта роль ўйнайди. Нрсанинг номи билан шу нарсанинг ўзи ўртасида жуда маҳкам ассоциация ҳосил бўлади ва бирон нарсанинг номи эсга тушганда шу нарсага алоқаси бўлган жуда кўп бошқа тасаввурлар кўз олдимизга келади. Масалан, биз бир киши билан учрашиб қолганимизда уни таниб ета олмасак, фамилиясини эшитиш билан дарров ким экани эсимизга тушади.

Биз ўзимиз илгари идрок қилган нарсаларнинг таниб қолмай, балки китобдан ўқиб ёки бошқа кишилардан эшитиб, хаёлимизда яратилган образларга қараб, уларнинг мувофиғи бўлган нарсаларнинг ўзини ҳам таниб оламиз. Бу—тасвирутга суяниб танишдир. Масалан, сўз билан тасвирлаб берилган бир уйни ёки бир одамни топиб олиш, китобдан ўқиб тасвирини билиб олган бир ҳайвонни ҳайвонот боғида кўриб таниш мумкин.

Таниш маълум даражада ҳар бир идрок процессининг таркибий элементидир.

ЛЭслаш нарсани, унинг ўзини шу пайтда идрок қилмай туюрио, эсга туширишдир.ЛЭслаганда хотирада қолган образ, ҳис ва фикрлар шу пайтда сезги органларининг иштирокидан ташқари эсга тушади. Масалан, биз бўлиб ўтган воқеаларни, ўрганиб олган шеърни ана шундай эсимизга тушираемиз. Таниш сингари, эслаш ҳам, тўлалик ва аниқлик жиҳатдан ҳар хил бўлмоғи мумкин. Эсда қолган нарса қисман эсга тушса, буни ярим-ёрти эслаш деймиз. Аммо эсга тушган материалнинг мазмуни эсда қолган материалга маълум даражада мувофиқ бўлмаса, буни ноаниқ эслаш деймиз.

' Баъзан эсда қолган биронта материалнинг мазмуни мукамал эсга тушади-ю, аммо шу материал қачон, қаерда, қандай шароитда эсга олиб қолинганлигини ёки биринчи марта бошимиздан кечирилган пайтини эслай олмаймиз. Масалан, биз шеърни ёдакасига айтиб бера олсак ҳам, уни қачон ва қаерда ўрганиб олганимизни эслай олмаслигимиз мумкин.

-Композитор Ипполитов-Иванов ўзининг хотираномаларида композитор Направникнинг «Руслан ва Людмила» операсидан Фарлаф рондосини¹ бир куни айтиб берганда, бу операга бир эмас, кўп марта дирижёрлик қилган бўлса ҳам, ана

¹ Рондо —музыка асарида асосий теманинг қайтарилиб айтилиши.— Ред.

шу куйнинг қайси операдан олинганини хотирлай олмаганини гапиради. Баъзан шундай ҳоллар ҳам бўладики, биз бошқа бир .кишиларнинг фикрини уқиб оламиз ва кейинчалик бу фикр ўзимиз ўйлаб топган фикрдек ҳис қилина бошлайди. Ана шу тариқа «бошқаларнинг фикрини ўзиники қилиб олиш» болаларда кўп учраб туради.

Материалнинг муайян мазмуни билан бирга, бу материал қачон, қаерда ва қандай шароитда эсга олиб қолинганлиги ҳам аниқ эсга тушса — хотирлаш мукамал ва тўла-тўқис бўлади. Масалан, шеърни ёддан айтиб берар эканмиз, бу шеърни ёддан билиб олишни ким буюрганини,-уни қаерда ва қандай қилиб ўрганиб олганимизни, бу вақтда қандай қийналганимизни, бунгача ва бундан сўнг нималар қилганимизни ва ҳоказоларни ҳам эслашимиз мумкин. Баъзан эса шеърнинг мазмунини ёдимиздан чиқазган бўлсак ҳам, уни қачон ва қаерда ўрганиб олганимизни аниқ эслай оламиз. Эсда қолдирилган материалнинг муайян мазмуни, бу материалнинг қачон ва қандай шароитда эсга олиб қолинганлигини аниқ эсга тушириш билан бирга, шу материал эсга олиб қолингандан олдин ва кейин нималар бўлганлиги ва ҳоказолар ҳам эсга туширилса, хотирлаш тўла-тўқис ва мукамал бўлади.

Эслаш процесси таниш билан маҳкам боғланган. Кундалик фаолиятимизда, айниқса ўқув ишида, эсга тушириш процесси кўпинча танишдан бошланади ва шундан кейин эсга келади.

Кўп ҳолларда биронта нарсани мумкин қадар аниқ ва тўла эслаш учун таниш моментлардан фойдаланиш керак бўлиб қолади. Уқилганни ёддан айтиб берганда китобга аҳён-аҳён кўз ташлаш, ўқитувчининг ёрдамчи саволи шу жумладандир. Урганиб-билиб олиш процессида таниш — эсга олинган материални такрор идрок қилиш воситаси билан мустаҳкамланишидир.

**уБевосита ва орадан маълум бир вақт ўтказиб эсга тушириш **

^Беводгта эслаш ва вақт ўтказиб эсга тушириш ҳам таниш, ҳам эслаш шаклида бўлмоғи мумкин.

Бевосита эсга тушириш деб материални идрок қилиш кетиданок, яъни эсга олиб қолиш билан эсга тушириш ўртасидаги пайтда онгимизда эсга олинган материалдан бошқа ҳеч қандай процесс юз бермаганда бўладиган эсга туширишни айтади.у

Эста олиш процессида биз ана шу хил эсга туширишдан, одатда, техник бир усул тариқасида фойдаланамиз. Масалан, шеърни ёд олганимизда биз, одатда, бир неча сатрни ўқи-

гач, китобга қарамасдан такрорлаймиз, яъни бевосита эсга тушъраимиз. Киши бирор топширикни тез бажарганда муайян бир қарорга келиб, уни дарров амалга оширганда бевосита эсга тушириш юз берган бўлади.

Бевосита эсга туширишдан иборат бўлган хотира фаолияти баъзан қисқа муддатли ёки оператив хотира тарзида намён бўлади. Яхлит-яхлит парча.тарни ана шу усулда бевосита эсга тушириш эсга олиб қолиш процессини жадаллаштириши мумки-

Бир қарра кўздан кечирилган ёки эшитилган материалнинг бевосита эсга туширилган миқдорига қараб, хотиранинг кўлами (ҳажми) аниқланади. Материалнинг кўп қисмини бевосита эсга тушира бладиган кишининг хотира кўлами кенг ҳисобланади.

Хотиранинг кўламини, масалан, қуйидагича аниқласа бўлади: синалаётган кишига бир неча сўз ёки рақамлардан иборат материални ўқиб чиқиш ёки эшитиш ва сўнгра бу материални дарров тўла-тўқис ва берилган тартибда эсга тушириш кераклиги уқтирилади. Синалаётган кишининг материални қанчалик тўла ва тартибини айнан сақлаб эсга тушира олишига қараб, унинг хотира кўлами аниқланади. С'7 рақамдан ёки сўздан 1—2 тасигина эсга туширилса, хотиранинг кўлами тор ҳисобланади, 5—6 рақамни ёки сўзни эслаб айтилса — хотиранинг кўлами кенг ҳисобланади.

Хотира кўламини машқ қилиш йўли билан ўстириш (кенгайтириш) мумкин. Масалан", артистлар текстлардаги сўз ва ибораларни эсда қолдиришни ҳамиша машқ қиладилар, шу сабабли, уларда сўз ва ибораларни эсда тутиб қрлиш хотирасининг кўлами кенгайди. Ҳисоб-китоб ишларини юритадиган ходимларда сонларни эсда тутиб қолиш хотирасининг кўлами кенгайди. Уқувчилар жуда кўп йиллар давомида ўқув материалларини эсда қрлдириб борадилар, шунинг учун уларнинг ҳам хотира кўлами кенгайиб боради. Хотира кўламининг кенгайиши ўз навбатида эсда олиб қрлишни тез? латишга ёрдам беради.

^Вақт ўтказиб эсга тушириш эсда олиб қолинган нарсани орадан бир қанча, баъзан анча кўп вақт ўтказиб эсга туширишдики, шу орада онгимиздан бошқа процесслар (фикр-туйғулар, тасаввур ва шу кабилар) ҳам ўтган бўлади.Масалан, ҳаётимизда бундан бир неча йиллар илгари бўлиб ўтган воқеаларни ана шу тариқа эслаймиз. Уқувчининг синфда дарсдан берилган саволга жавоб бера туриб, бундан бир неча кун ёки бир неча соат илгари ўрганиб-билиб олганларини хотирлаши ҳам шу жумладандир.

Хотира фаолиятининг асосий хизмати вақт ўтказиб эсга туширишдадир. Хотиранинг қиймати ҳам шундаки, биз хотира туфайли эсда қолган материални маълум муддатдан

кейин ҳам эслаш имкониятига эга бўламиз ва, бинобарин, тажриба тўплай оламиз ҳамда ҳосил бўлган тажрибани эсимизда узоқ вақтгача сақлаб тута ва ундан фойдалана оламиз. Хотиранинг шу хусусияти туфайли биз билим ва малакалар ҳосил қиламиз ва бу билим ҳамда малакалардан зарур бўлган ҳолда бемалол фойдалана оламиз.

Ихтиёрсиз ва ихтиёрий эсга тушириш

Эсга тушириш ихтиёрсиз ва ихтиёрий бўлади.

Ихтиёрсиз **эсга тушириш** ўз олдига маълум бир мақсад қўймасдан, эсга тушириш учун материал танламасдан ва зўр бермасдан эсга туширишдир. Бирон нарсани беихтиёр эслганда ўз-ўзидан эсга тушиб қолади. Аммо ҳақиқатда ўз-ўзида сабабсиз ҳеч нарса вужудга келмайди, албатта. Беихтиёр эсга тушириш ҳам ҳамиша бироита сабаб билан бўлади, Биронта нарсанинг идрок қилиниши, биронта таъаввур ёки фикрнинг туғилиши беихтиёр эслашга сабаб бўлиши мумкин. Масалан, «мактаб» деган сўзни эшитган ёки ўқиганда бизнинг кўз ўнгимизда мактабнинг ички кўриниши, ўқувчилар, ўқитувчилар ва шу қабилар беихтиёр гавдаланади, шулар тўғрисида тасаввур туғилади. Пайдо бўлган бир тасаввур ёки фикр бошқа бир тасаввур ёки фикрни уйғотмоғи, бу фикр ва тасаввурлар ўз навбатида яна бошқа фикр ва тасаввурларни туғдирмоғи мумкин ва ҳоказо.

Тасаввур ва фикрларнинг ана шу тариқа беихтиёр туғилиб туриши тартибсиз содир бўлмайди, балки маълум бир тартиб асосида содир бўлади. Бу тартиб эсга олиб қолишда ҳосил бўладиган ассоциациялар билан белгиланади. Шу сабабли, беихтиёр эсга тушириш ёндашлик, ўхшашлик, қарама-қаршилик ассоциациялари асосида бўлиши мумкин.

Ёндашлик **ассоциацияси**. Бу ассоциация асосида аввало тасаввурлар туғилади. Илгари айни бир вақтда ёки кетма-кёт идрок қилинган ва эсга олиб қолинган нарсалардан бири кейинчалик тасаввур қилинса, бу тасаввур иккинчи нарса ҳақидаги тасаввурнинг туғилишига сабаб бўлади. Масалан, биз келгари А, Б, В, Г, Д деган нарсаларни айни бир вақтда ёки кетма-кет идрок қилиб агар бу нарсалар мустақкам эсда қолган бўлса, А ни иккинчи марта кўрганимизда, бизда беихтиёр Б ҳақида, сўнгра В, Г ҳақидаги тасаввурлар ҳам туғилади ва ҳоказо. *Дарахт* деган сўзни эшитганимизда, бизда дарахтнинг танаси, шохлари, барглари, ўрмонзорлар ҳақида тасаввур пайдо бўлади. Шунингдек, *паровоз* сўзини эшитган эканмиз, вагон, темир йўл, вокзал, гудок ва шу қабилар беихтиёр кўз олдимишга келади. Ед олинган бир шеър таркибидаги сўзлар, унинг мазмунига эътибор берилмаган ҳолда ҳам, ёндашлик ассоциацияси асосида бир-бири билан улашиб,

эсга тушаверади. Онгимизда маҳкам ўрнашиб қолган фикр ва одатланилган иш-ҳаракатлар ҳам шу ассоциация йўли билан батартиб такрорланаверади. Утмишда маълум бир фикр ва тасаввурлар билан бирликда туғилган туйғу-ҳислар ҳам кейинчалик ана шу фикр ва тасаввурлар эсимизга тушиб қолса, ёндашлик ассоциацияси туфайли у билан бирга бояги туйғу-ҳислар ҳам кўнглимиздан кечади.

Ухшашлик **ассоциацияси** умумий (ўхшаш) белгилари бўлган тасаввурларнинг бир-бирини туғдиришидир. Биронта карсани идрок ёки тасаввур қилинганда, шунга ўхшаган бошқа бир нарса ҳам беихтиёр тасаввур қилинади. Масалан, ошнамининг суратини кўрар эканмиз, унинг образи кўз олдимишда гавдаланади. Самолётнинг кўриниши катта бир қуш тўғрисида тасаввур пайдо қилиши мумкин. Ва, аксинча, учётган қуш самолётни эслатиши мумкин. Бир сўз ўзига ҳамонанг ёки қофиядош сўзни эслатиши мумкин.

Ухшашлик ассоциацияси бирор нарса ёки ҳодисанинг образи ёки бу ҳақда туғилган фикр бошқа бир шунга ўхшаш нарсани эслатганда воқе бўлади. Масалан, кўп ҳолларда сўхбатдошлар бошдан кечирилган, эшитган, шохид бўлган ва ўзлари худди ўхшаш вазиятларда иштирок қилган турли воқеаларни беихтиёр эсга туширадилар. Революцион воқеаларда, урушда, овда ва, умуман, бирор саргузашт ва шу қабиларда иштирок қилганлари ҳақидаги хикоялар ўхшатиш асосида беихтиёр эсга тушириш шу жумладандир. Ухшашлик ассоциацияси поэтик метафоралар яратишда, масалан, тўлқинлар шовқинини оломон шов-шувиға, 'мажнунтолни мажнун киши образига ўхшатиш каби ҳолларда катта роль ўйнайди.

Қарама-қаршилик ассоциацияси — биронта нарса ёки ҳодисалар тўғрисидаги тасаввур ёки фикрлар ўзига қарама-қарши фикр ва тасаввурларнинг туғилишига сабаб бўлишидир. Масалан, *қиш-ёз* ҳақида, *оқ-қора*, *катта-кичик*, *ёшлик-қариллик* ҳақида тасаввур уйғониши мумкин ва ҳоказо.

Маҳсус ўтказилган тажриба ва оддий кузатишлар кўрсатганидек, беихтиёр эслаш процессида энг кўп ўринни ёндашлик ассоциацияси ишғот қилар экан. Ухшашлик ва қарама-қаршилик ассоциациялари эса камроқ учраб турар экан.

Шундай қилиб, ассоциациялар эсга олиб қилишнинг қонуний шартидир, айни замон хотирада ўрнашиб қолган материални эсга тушириш йўллари дир ҳам.

Ихтиёрсиз ва ихтиёрий эсга тушириш ва идрок қилиш процессида айрим сўзлар, гаплар, фикр ва иш-ҳаракатлар ўртасида янги ва мураккаброқ ассоциациялар системаси вужудга келади. Сабаб билан натижанинг боғланишлари, грамматик қоидалар билан ёзув ўртасидаги ва арифметик қоидалар билан ҳисоб амаллари ўртасида ҳосил бўладиган боғланишлар шу жумладандир,

Ассоциация процеслари ҳар хил тезликда воҳе бўлади. Ассоциациянинг тезлиги маълум бир вақт ичида юз бериб, онгимизда алмашиб турадиган фикр ёки тасаввурлар миқдори билан белгиланади. Ассоциациялар тезлиги алоҳида асбоб-хроноскоп билан аниқланади ва секунднинг ўн ёки юздан бир хиссаси билан ўлчанади.

Ассоциацияларнинг тезлик даражаси бир талай сабабларга: нерв системасининг ҳолатига, эсга тушадиган нарсанинг онгимизда нечоғли мустаҳкам ўрнашиб қолганлигига, кишининг кайфияти, туйғу-хислари ва шу кабиларга боғлиқ бўлади.

Ихтиёрсиз идрок қилиш сингари, ихтиёрсиз эсга тушириш ҳам бизда доимо бўлиб турадиган процессдир. Ҳар бир идрокимиз таркибига ўтмишдаги тажриба ва мавжуд билимларимизнинг қандайдир бир элементи албатта кирган бўлади. Ҳаёл, тафаккур ва нутқ процеслари фақат ихтиёрсиз эсга тушадиган тасаввур ва фикрларимизга боғланган ҳолда воқе бўлади.

Ихтиёрий эсга тушириш — бирон мақсад билан эсга олиниши керак бўлган материални танлаб, ҳаракат қилиб, махсус эсга тушириш демакдир.

Бунда, асосан, ассоциация йўли билан эсга туширилган материалдан фақат мақсад учун керак бўлгани махсус танланади. Танлашнинг ўзи ва эсга туширмоқчи бўлган нарсани системага солиш эса тафаккур ишидир. Ихтиёрий эсга тушириш билиб, англаб эсга туширишдир. Бироқ у ассоциациялар вэ. ихтиёрсиз туғиладиган моментлардан айрилган ҳолда воқе бўлмайди. Масалан, тарихий воқеаларни, тарих саналарини, тарихий шахсларнинг исмларини, маълум жойларнинг номларини, ҳар хил таърифларни, қоидаларни ва шу кабиларни ихтиёрий эсга туширилади. Уқувчи дарсларни ана шу тариқа эсга туширади. Ихтиёрий эсга туширишда ҳам, материални эсга олиб қолиш процессида ҳосил бўлган ассоциациялар катта роль ўйнайди. Ихтиёрий эсга тушириш, одатда, ассоциация процессларига ва актив фикрлашга боғлиқ ҳолда юз беради.

Эсга туширишда кўпинча қийналиб қолиш ҳоллари бўлади ва эсга тушириш процесси тўхталиб қолгандек бўлади. Биз баъзан керак бўлиб қрилган бир нарсани, масалан, бир кишининг исм-фамилиясини, бирор жойнинг номини, грамматика ёки математика тарифларини ва ҳоказоларни эсга тушириш учун бирмунча тиришамиз. Бундай ҳолларда биз, одатда, ҳар хил ёрдамчи усуллардан фойдаланамиз. Бир кишининг эсимиздан чиқазиб қўйган фамилиясини эсламоқчи бўлиб, бир қанча фамилияларни атайин айтиб чиқамиз, ҳар хил буюмлар номини тилга оламиз, алфавитнинг айрим ҳарфларини айтиб қараймиз, шу киши билан охириги марта қачон, қаерда қў-

ришганлигимизни хотирлашга ҳаракат қиламиз. Эслаб топиш учун махсус усуллардан фойдаланишнинг яққил мисоли А.П. Чеховнинг «Иилқибоп фамилия» номли ҳикоясида қўриш мумкин.

Шу сингари қийнатиш эслашдагина эмас, балки таниш процессида ҳам учраб туради. Ана шундай қийналиб аранг, эслашни хотирага келтириш дейилади.

Қузатиштардан маълум бўлганидек, ихтиёрсиз эсга қолган китоб тексти, ихтиёрий эсга олиб қрилгандагидай тўлиқ ва аниқ эсга тушмайди. Бу фақат кейинчалик эсга тушириш мақсадини кўзламай ихтиёрсиз эсга қолдириш хусусиятлари билангина эмас, балки ихтиёрсиз эсга олиб қолинган нарсани кейин эсга туширишнинг ўзига хос хусусиятлари билан ҳам изоҳланади,

V. ЭСГА САҚЛАШ ВА УНУТИШ

Идрок қилинган нарсалар миямизда ўрнашиб қолиши, эсимизда туриши туфайли турли усулда эсимизга тушиши мумкин.

Эсга сақлаш дейилганда, илгари туғилган таассурот, фикр, туйғу-хис ва иш-ҳаракатларнинг жонланиб, такрорлашиб туришга мойиллик пайдо қилиши ва мустаҳкамланишини тушунамиз. Ана шундай мойилликнинг ҳосил бўлиши ва мустаҳкамланиб қолишига сабаб нерв системасининг пластиклик деб аталувчи алоҳида хусусиятга эга бўлишидир. Шунинг учун ҳам нерв системаси илгари бўлиб ўтган таассуротларни такрорлашга (тиклашга) тайёр туради.

И. П. Павлов, мустаҳкам қарор топган янги нерв боғланишлари узок вақтгача сақланиб қолади, деб такрор-такрор уқтириб ўтган эди.

Эсга тутиш ҳақида гапирар эканмиз, хотирада қрилган «материал қай даражада ва қачонгача унутилмасдан эсга сақланиб тура олади, деган савол туғилади.

Материалнинг қандай ва қанча вақт эсга сақланиб туришини биз материални қай даражада эслай олишимизга қараб била оламиз, холос. Эсга тутиш ҳақида гапирилганда, кўпинча, эсга туширишнинг фақат бир хилини, яъни ихтиёрий эсга туширишни кўзда тутилади. Аммо ихтиёрий эсга тушириш энг кўп куч сарф қилишни талаб этадиган процесс бўлганлигидан ва, шу билан бирга, бизга худди шу пайтда керак бўлиб қрилган материал, одатда, дарров эсга тушавермаганлигидан, шундай бир фикр: эсга олиб қолинган материалнинг бир қисми (баъзан кўпи) гўё тамомила унутилади, деган фикр туғилган.

Шу сабабли, унутиш ҳодисасини илгарилари эсга олиб қолинган нарсаларнинг онгимиздан тамомила йўқолиши, яъни

уни эсда тутишга батамом қарама-қарши процесс деб тушунилади. Аммо бундай деб тушуниш унча асосли эмас.

Шуни эсда тутиш керакки, эсга тушириш фақат хотирга келтириш усули билангина эмас, балки таниш воситаси билан ҳам воқе бўладиган процессдир. Биз илгарилари эсда қолдирган ҳар бир нарсани кейинчалик қай даражада бўлмасин таниб оламиз. Бундан ташқари, ҳар бир идрокда таниб олиш элементи бор. Демак, хотирамизда ихтиёрий эсга тушириладиган нарсадан кўра хийла кўп нарса сақланиб туоар экан.

Сўнгра, биз уқиб олган материал, биз уни эсга олиб қолган вақтда мазмунан ва шаклан қандай бўлган бўлса, албатта айнан шундай сақланиб туравермайди. Лекин бир қанча нарсалар, масалан, одат.танилган иш-ҳаракат, кўпайтириш жадвали, математика ва грамматикага оид ҳар хил таърифлар, шеърлар, телефон номерлари ва шу кабилар эсимизда мазмунан ва шаклан ўзгармасдан айнан сақланиб туриши мумкин. Аммо кўп нарса эсимизда айнан сақланиб қолмайди, биз баъзан эса эсда айнан сақлаб қрилиш камдан-кам учрайди, деб ўйлаймиз.

Аммо эсда қолган ҳамма материални тўла-тўқис ва айнан эсга тушириш мумкин эмаслигидан, шу материал эсимизда сақланиб қолмайди, деган хулоса чиқариб бўлмайди. Эсда қолдириладиган материал, уни ёдга олиб қолиш ва эсда сақланиб туриш процессида қайтадан тузилади, реконструкция қилинади. Реконструкция, кўпинча хотира махсули тўғрисида фикрнинг актив ишлаши натижасида воқе бўлади. Хотирада қолган материал кишининг онгида мустақил «ишланиб чиқилгандан» кейин шахснинг ўз хазинаси бўлиб қолгандагина хотира қийматли сифатга эга бўлади.

Шундай қилиб, хотира фаолиятини кенг маънода тушуниш лозим, чунки хотира материални механик равишда эсда қолдириш ва уни айнан эсга тушириш қобиляти билан чекланиб қолмайди. Бизнинг хотирамизда биз айнан эсга тушира оладиганларимиздан ва эсга тушириш керак бўлиб қоладиганлардан кўра жуда кўп нарса сақланиб туради деб ўй.ташга ҳақимиз бор.

Психологияда ҳатто шундай бир фикр туғилганки, бу фикрга кўра, киши идрок қилган ва эсга олиб қолган ҳамма нарса хотирада сақланиб қоладн-ю, аммо керак бў.тиб қолган бир пайтда ҳамма нарса эсга тушавермайди: фақат эсга тушиши учун қулай шароит мавжуд бўлган нарсагина эсга тушади. Қулай шароит деб шундай шароитни ҳисобланадики, бунда бир нарсани эсга тушириш зарурияти туғилади. нерв системаси соғ ва тетик ҳолда бўлади, эсга тушириладиган материалнинг айрим қисмлари ўртасида мазмунан маҳкам боғланиш, шунингдек, эсга тушириладиган материал билан шу

пгйтда киши онгининг мазмуни ўртасида боғланиш мавжуд бўлади.

Бундай шароит бўлмаган тақдирда, зарур материални ихтиёрий эслаш процесси қийинлашади. Кўп ҳолларда биз қатто махсус ёрдамчи усуллардан фойдалансак ҳам зарур бўдиб қолган материални эсга туширишга ожизлик қилиб қоламиз.

Шундай қилиб, унутиш деб, эсга туширишда ана шу тарика қийналиб қолишни, шунингдек, зарур бўлган нарсани шу онда эсга тушира олмасликни тушунамиз. Унутилган деб эсда сақланиб қолмаган нарсани эмас, балки шу пайтда эсга тушира олмаган, эсга тушиш учун қулай шароит мавжуд бўлмаган нарсани айтамеиз. Шунинг учун, унутиш — эсда сақланишнинг акси бўлган процесс бўлмай, балки эсга туширишнинг акси бўлган процессдир. Унутишнинг нерв-физиологик асоси муваққат боғланишларининг тормозланишидир.

Унутиш даражаси ҳар хил бўлади. Материални тамом ёки қисман унутиш мумкин, яъни материал бутунлай эсдан чиқиб кетади ёки унинг фақат бир қисми унутилади.

Материал тез орада ёки бирмунча вақтдан кейин унутилиши мумкин. Анча вақтгача унутилиб туриши мумкин, яъни бир нарсани анча вақтгача хотирга келтира олмай туришимиз мумкин. Одатда, унутиш вақтинча бўлади, биз шу пайтда зарур бўлган бир нарсани дарров эслаш олмаймиз, аммо бир неча вақтдан кейин у эсимизга тушади. Илгари унутилганни кейин хотирга келтиришни *реминисценция* деб аталади. Бу ходисанинг сабаби шуки, узок вақт бир иш билан машғул бўлганда мия пўстининг тегишли нерв хужайраларида чарчаш юз беради ва чарчаш ҳаддан ошиши натижасида нерв хужайраларида эҳтиёт юзасидан сакловчи тормозланиш пайдо бўлади ва вақтинча эсдан чиқариш рўй беради. Бир неча вақт ўтгандан кейин чарчаш тугайди, дам олган нерв хужайралари нормал ишлай бошлайди ва вақтинча унутилган нарса эсга тушиши мумкин бўлади.

Унутиш аста-секин ва бир текисда воқе бўладиган процесс эмас. Махсус қилинган тажрибалар ҳам бунинг исбот қилади. Психолог Эббингауз маъносиз бўғинларни ёд олиш ва сўнгра эсга тушириш йўли билан махсус тажриба қилиб, унутиш процессларини текширган. Текшириш натижалари мана бундай бўлган:

Кейин	7 соат	1 соат	9 соат	24 соат	48 соат	144 соат	744 соат (бир ой)
Эсга тушириш % ҳисоби билан	59	44	35	34	28	25	21


Эббингаузча унутиш процесси куйидагича **график воситаси билан** тасвирланади.

Эгри чизик кўрсатганидек, материал эсда қолдиригандан кейин бир-икки соат ичида эсга туширилса, унинг энг кўп қисми унутилар экан.

Бир неча вақт ўтиши билан материални унутиш ҳам секинлашиб боради. Лекин бу аҳвол фақат маъносиз материални механик равишда ёд олинганда юз беради.

Маъноли материални ўқиб-ўрганиб олинганда унутиш бошқача бўлади; дуруст, бунда ҳам материални эсда қолдирилгандан кейинги бир-икки соат ичида эсга туширилса, унинг кўп қисми унутилади. Бир неча вақт ўтгач, шу материал яхши эсга туша бошлайди, аммо орада хийла кўп вақт ўтган бўлса, у яна унутила бошлайди.

Шу сингари холни бнз ўқувчиларда кўп кўрамнз. Уқувчи хозиргина ўқиб-ўрганиб олган материални шу захотиёқ кўпинча айтиб бера олмайти, кўп қисмини эсдан чиқариб қўйганлиги маълум бўлади, аммо бир неча вақтдан кейин эса.



38-расм. Эббингаузча, унутишнинг эгри чизигъ

уни такрорламаеа ҳам эсига тушириб, айтиб бера оляч П
нинг учун ҳам ўқувчиларни бери.ган 2 И ? 1 И Я Б Ж
имтихон олдиан тайёрлаб келмай, Ш т и ^ о Т ^ ^
лашга одатлантириш керак, шпарирок таиер-

m

Материални ўқиб-ўрганиб олингандан кейин уни яхши хотирлай олмаслик, аммо орада бир неча вақт ўтгандан кейин уни тўла хотирлай олишликнинг сабаби материални ўқиб-ўрганиб олиш процессида рўй берадиган чарчашликда бўлса керак. И. П. Павлов шуни аниқлагани, шартли рефлекс вун-удга келтиришда эришиладиган дифференцировка (қўзғовчини ажрата олиш) даражаси тажриба кетиданоқ, бевосита билинмай, балки кейинроқ билинар экан. Павлов бу ходисанинг сабабини мана бундай тушунтиради: кийинроқ бир вазифани хал қилганда мия пўстининг тегишли марказларидаги нерв хужайраларида чарчаш юз беради ва бу чарчаш эришилган дифференцировкани қоплайди. Бир неча вақт ўтгандан кейин чарчаш тугайди ва нерв системаси энди қўзғовчиларни яхшироқ дифференцировка қила бошлайди.

Бирор материалнинг унутилишига унинг кетидан эсга олиб қолган материал таъсир этади. Кузатишлардан маълумки, хозиргина ёд олинган материални эсга туширишга, унинг кетидан эсга олинган бирор материал тўсқинлик қилар экан. Бу ходиса ретроактив (тескари амал қилувчи) тормозланиш деб аталади.

Бирор материални ўрганиб эсда қолдиргандан кейин унга ўхшаган бошқа материал ёд олинса, ретроактив тормозланишнинг салбий таъсири айниқса равшан сезилади.

Аммо шундай холлар ҳам бўлади: олдин ёд олинган материал ундан кейингисини эсда олиб қолишга салбий таъсир қилади. Буни проактив тормозланиш ходисаси дейилади. Ретроактив ва проактив тормозланиш ходисалари махсус ўтказилган тажрибалар йўли билан профессор А. А. Смирнов томонидан текширилган.

Хотирада қолган материални эсдан чиқиб кетиш даражаси яна шу материалдан кейин англаб олинган материалнинг мазмуни қанчалик бой ва янги бўлишига ҳам боғлиқдир. Агар илгари эсга олиб қолинган материал билан ундан кейин эсга олиб қолинган материал ўртасида чуқур боғланиш ҳосил бўлса, илгари эсга олиб қолинган материал осонроқ эсга тушади ва тез орада эсдан чиқиб кетмайди, бора-бора эсдан чиқади. Масалан, маълум бирон соҳага доир билимларни скстемали суратда ва маъносига тушуниб англаб олган киши, одатда, шу билимларни қисман эсдан чиқазади ва орадан анча вақт ўтгач унутади. Киши бирон соҳага доир қанча кўп билим олса, бу билимлар шунча пулта бўлади ҳамда жуда оз қисми унутилади, умуман эса бора-бора унутилади.

Материалнинг тез эсдан чиқиш-чиқмаслиги яна бу материалнинг амалда татбиқ қилиниш-қилинмаслигига ҳам боғлиқдир. Уқиб-билиб олинган нарсга амалда ишлатилса, бинабарин, такрорлаб турилса, у унутилмайди ёки ҳеч ҳам эсдан

чикмайди. Биз она тилимизни унутмаймиз, чунки доимо шу тилда сўзлашамиз. Шунингдек, касбимизга алоқаси бўлган билим, кўникма ва малакалар ҳам унутилмайди, чунки биз улардан хамиша фойдаланиб тураемиз. Ва, аксинча, эга тлаб олинган билим ва малакаларни турмуш тажрибамизда ишлатмай кўйсак, бу билим ва малакаларни тез эсдан чиқазиб кўямиз. Агар ўз она тилимизда узоқ вақт гапирмай юрсак ёки ўз касбимизни ташлаб кўйсак, ҳатто она тилимиздаги сўзларки ва касбга боғлиқ бўлган билим ва малакаларни ҳам унута боштаймиз.

Эсда қолган материалнинг эсдан тез чиқиш-чикмаслиги яна шу материалга бўлган қизиқишнинг на қадар барқарор бўлишига ҳам боғлиқдир. Қизиқиш-ҳавас туғдирадиган нарса устида киши ўз днққатини актив тўплайди, бу нарса ҳақида кўпроқ ўйлайди, уни кўпроқ эслайди. Шу сабабли, маълум бир нарсага қизиқиш-ҳавас хануз сақланиб турса, бу нарса унутилмайди, ёки узоқ вақт ўтгач унутилади, агар ҳавас йўқолса, материал тез унутилади. Масалан, бир одам анча вақт тарих билан қизиқиб юриб, бу соҳада маълум билимга эга бўлса, кейин бу билимлар дарров унутилмай, бора-бора унутилади.

Биз учун ўз актуал аҳамиятини ва қимматини йўқотган нарса тезроқ эсдан чиқади. Бу хил унутишларнинг нерв-физиологик асоси йчки (ёки шартли) тормозланишдан, яъни практик аҳамияти бўлган кўзғовчилар билан мустаҳкам таниб турмаган муваққат боғланишларнинг йўқолиши (сўниши)дан кборатдир.

Эсдан чиқариб кўйиш-кўймаслик хийла даражада нерв системасининг ахволига боғлиқ бўлади. Чарчаш ёки касалдан кейин нерв системасининг бўшашиши натижасида баъзан унутиш жуда ҳам кучаяди.

Шундай ҳоллар ҳам бўлганки, машҳур кишилар ўзлари ёзган асарларни қариликда ёки касалдан кейин таний олмаганлар: масалан, машҳур табиатшунос Линней қариликда ўз асарларини ўзи катта завқ билан ўқир экан, ҳаваси келиб: «жуда ҳам яхши ёзилган асар экан! Қани энди мен ҳам шундай асар ёзсам» деган. XIX аср инг. тиз ёзувчиларидан Вальтер Скотт ўзининг «Айвенго» номли машҳур асарини касал ҳолида ёзган ва бу роман автори касал ётган вақтда нашр қилинган экан. Вальтер Скотт касалдан турганида ўз асарини ўқиб, уни қачон ва қандай ёзганини эслай олмаган.

Қаттиқ чарчаган ёки баъзи бир касалликларга йўлиққан, ё бўлмаса қаттиқ хаяжон оқибатида психикасига зарар етган одамларда ретроград амнезия деб аталган хотирага оид шундай бир ҳодиса рўй беради: биринчи навбатда энг кейинги вақтда эсда қолган нарсалар унутила бошлайди, анча вақтлар илгари эсда қолган нарсалар эса кейин эсдан чиқади. Қа-

салдан соғайган тарихида хотира унутиш процессига тесқари тартибда тикланиб боради.

Ана шундай амнезияга мисол келтирайлик. Жанг вақтида спаряд иарчаси командир Ж. чаккасига келиб тегиб, уни ярадор қилган. Оқибатда бу жангчида амнезия пайдо бўлган. Командир Ж- мактабда, сўнгра ҳарбий ўқув юртида ўрганиб-билиб олган ҳамма нарсаларини эсдан чиқариб кўйган; ўқишни, ёзишни, гапиришни, ҳаттоки ўз исми ва фамилиясини ҳам бутунлай унутиб кўйган. Касалидан тузала бориб, секин-секин гаирира бошлаган, аммо анчагача унинг сўз бойлиги жуда кам бўлиб, кишиларнинг исми ва фамилияларини эслай олмаган. Ж- ўз ота-онаси ва сингилларининг исмларини анча-леча хотирлай олмаган. Нутқ билан бирга секин-аста ўқишга ёзишни ҳам эсга туширган. Бир неча вақтдан кейин Ж. батамом соғайиб, яна фронтга кетган.

Биз эсимизда олиб қолган нарсалар, вақт ўтиши билан, маълум даражада унутилиб боради. Шу сабабли, унутишнинг олдини олиш, унутишга қарши курашиш, айниқса ўқиш процессида бунга қарши чоралар кўриб бориш керак. Бунинг учун, ўрганиб-билиб олган материални вақт-вақти билан такрорлаб туриш лозим. Эсда қолдириладиган материални ундан кейин олиқган билим билан, ҳосил қилинган билимни практика билан боғлаб бориш керак. Хар бир киши нимаики зарур ва қийматга эга бўлса, шуни ўқиб-ўрганиб олишга ўзида барқарор ва хилма-хил қизиқиш-ҳавас ўстириб бормоғи лозим.

Мактаб таълимнинг ама тий ҳаёт билан боғлаб олиб борилиши билан ва кўникмаларни пухта ўзлаштиришнинг муҳим шарти ва шунингдек, унутишга қарши курашиш воситаси бўлмоғи керак,

VI. ХОТИРА ТАСАВВУРЛАРИ

Тасаввур ва идрок

Юқорида айтиб ўтилганидек, тасаввур олдин идрок қилинган нарсаларнинг кўз олдимизга келган образларидир. Идрок образлари воқеликда мавжуд нарса ва ҳодисаларнинг образлари бўлганлигидан, тасаввурлар ҳам худди шу нарса ва ҳодисаларки акс эттиради. Аммо идрок билан тасаввур ўртасида каттагина фарқ бор.

Идрок нарса ва ҳодиса тарининг сезги орган тарихида бевосита таъсир қилиши натижасида туғилади.

Хотира тасаввур тарихи эса илгари сезилган ва идрок қилинган нарсалар асосида, сезги орган тарихининг бевосита фаолиятсиз ҳосил бўлади. Биз илгарилари кўрган (идрок қилган) бир нарсанинг образини кўзимизни юмиб туриб

кўз ўнгимизга келтира оламиз. Илгарилари эшитган бир куйни, бирор буюмнинг оғир-енгиллигини тасаввур қилмоғимиз мумкин.

Тасаввур қилишнинг физиологик асосн шартли реф.тексларнинг ҳосил бўлишида бош мия пўстида пайдо бўлган «излар»нинг жонланишидир. Тасаввур биронта туртки таъсири билан туғилади. Масалан, биронта одам ҳақидаги тасаввурнинг туғилиши учун «биринчи туртки бўлиб,— деб ёзади И. М. Сеченов,— мен шу одамни илгари учратганимда ҳосил бўлган жуда кўп таъсиротлар ўртасида шу пайтда кўзғалган биронта ташқи таъсирот хизмат қилади; бу туртки ана шу одамни кўришдан ҳосил бўлиб, излар шаклда сақланиб қолган ҳамма сезгиларни уйғотади...»¹,

Одамда тасаввур туғдирадиган специфик кўзғовчи сўз-дир. Сўз билан тасвирилаш оркали турли тасаввурлар туғилади.

Масалан, бизга шахсан таниш бўлган бир кишининг исмини эшитиб қолганимизда унинг образи (тасавури) дарров кўз олдимизга келади.

Тасаввурлар равшанлик ёки бошқача қилиб айтганда, яққоллик даражаси жихатидан идрок образларидан фарқ қилади, тасаввурлар идрок образларидан анча норавшан, хирарок бўлади.

Илгари идрок қилинган нарсалар ҳақидаги тасаввурлар, шу нарсаларнинг ўзини бевосита идрок қилганда ҳосил бўлган образларга қараганда, унча тўлиқ, равшан ва аниқ бўлмайди. Тасаввур биронта нарсани кўпинча тўла-тўқис, барча томонлари ва сифатлари билан айнан акс эттира олманди., Тасаввурнинг бу хусусиятини тасаввурнинг фрагментлиги деб аталади. Масалан, биз айрим кишиларни тасаввур қилганимизда, гоҳо кўз-юзини, гоҳо овозини, гоҳо уст-бошини ва ҳоказоларни кўз олдимизга келтирамиз. Тасаввурлар кўпинча идрок образларини бир қадар ўзгартириш асосида таркиб топади. Кўп ҳолларда тасаввурнинг мазмунига идрок қилинган нарсанинг ўзида бўлмаган хаёл образлари, фикр ва ҳислар қўшилади.

Нихрат, идрок образлари билан тасаввур ўртасида барқарорлик жихатидан ҳам фарқ бор. Тасаввур қилинган образ барқарор бўлмайди, ўзгариб туради, идрок образлари эса уларнинг мувофиқи бўлган нарсалар сезги органларига таъсир қилтиришда тўхтамагунча, онгимизда барқарор сақланиб туради. Тасаввурлар бошқа тасаввур, фикр, ҳис ва иш-ҳаракатлар билан, идрок қилинаётган нарсалар билан боғлиқ ҳолда их-

тиёрий ёки ихтиёрсиз (ассоциация йўли билан) тутилади. Туғилган тасаввурлар онгимизда, кўпинча, барқарор, узоқ сақланиб турмайди, балки янги тасаввурлар билан алмашиб туради,

Тасаввурнинг сифатлари

Тасаввурлар сифат жихатдан бир-бирдан фарқ қилади. Тасаввурнинг сифати унинг идрок образига нақадар айнан ўхшашлик даражасига боғлиқдир. Тасаввур қанча тўлиқ, равшан ва аниқ бўлса, у идрок образига шунчалик яқинлашади, Тасаввурнинг сифатлари дейилганда, уларнинг тўлаллигини, равшанлигини, аниқлигини ва "Яққоллигини тушунамиз. Баъзи бир нарса ёки ўтмишдаги бирон воқеа ҳақида тасаввурларимиз аниқсиз тўла ва равшан бўлади. Демак, бундай тасаввурларнинг мазмуни тасаввур қилинаётган нарсанинг энг кўп сифат ва аломатларини қамраб олган бўлади. Масалан, биронта нарсани хотиримизга туширганимизда: «худди хрзиргина бўлгандай кўз олдимда турибди», «бояги ашула ҳозир ҳам худди қулоғимга эшитилаётгандек туюлади» деб гапирамиз. Аксинча, ноаниқ, норавшан ва хирарок тасаввурлар ҳам бўлади. Демак, бундай тасаввурларнинг мазмуни тасаввур қилинадиган нарсанинг фақат баъзи бир ва кўпинча унча муҳим бўлмаган белгиларини акс эттиради. Бу хил тасаввурлар кўпинча фақат нарсанинг умумий схемаси шаклида гавдаланади.

Тасаввурнинг сифати турли сабабларга боғлиқдир.

Бу сифатлар, аввало нерв системасининг аҳолига боғлиқ бўлади. Невр системаси соғлом ва тетик бўлса, бундай ҳолда туғиладиган тасаввурлар жуда тўлиқ, жуда равшан ва югурик бўлади. Чарчаганда ёки нерв системаси баъзи касалликларга йўлиққан ҳолларда, одатда, тасаввурлар хиралашади, Аммо баъзи бир касалликлар оралиқда (ёки нерв системаси захарланганда), аксинча, тасаввур ниҳоят яққол бўлади, яъни галлюцинацияга айланади.

Тасаввурнинг сифатлари яна идрокнинг пухталигига ҳам боғлиқдир: биронта нарсани қанчалик пухта эса олиб қолин» са, тегишли тасаввурлар ҳам шунчалик равшанроқ ва тўла-роқ бўлади.

Сўнгра, тасаввурнинг сифати туйғу-ҳисларга, эмоционал ҳолатга боғлиқ бўлади: бу туйғу-ҳислар нечоғли кучли ва чуқур бўлса, тасаввурлар ҳам шунчалик тўла ва яққолроқ бўлади.

Тасаввурнинг сифатига ихтиёрий диққат ҳам катта таъсир кўрсатади: идрок қилинаётган нарса устида диққат қанчалик яхши тўпланган бўлса, кейинчалик бу нарсалар тўлароқ, равшанроқ ва расо тасаввур қилинади. Диққат тарқоқ ҳолда

¹ И. М. Сеченов. Избранные философские и психологические произведения, Госполитиздат, 1947, 146-бет,

бўлса, идрок қилинган нарса ярим-ёрти, чала, хира, ноаник тасаввур қилинади.

Тасаввур сифатларида одамларнинг индивидуал хусусиятлари намоён бўлади: қачондир идрок қилинган худди бир нарса ёки ҳодисани ҳар ким ўзича тасаввур қилади.

Тасаввурларнинг шу хил фарқлари одамларнинг касблари, қизиқиш-ҳавасларига, характер ва қобилиятларига боғлиқ бўлади. Айрим кишиларда тасаввур образларнинг яққиллиги ва равшанлиги қарийб идрок образлари даражасигача стади. Шу даража равшан ва яққол тасаввурларни эйдетик образлар деб аталади, тасаввурлари шу хилдаги одамларни эса эйдетиклар дейилади.

Баъзи шахматчиларнинг шахмат тахтасига қарамасдан — «кўр-кўрона» ўйин олиб боришлари каби, айрим кишиларнинг мураккаб иш-ҳаракатларида намоён бўладиган ажойиб қобилиятни уларда эйдетик образларнинг мавжудлиги билан изоҳлаш мумкин. Шундай шахматчилар ҳам маълумки, улар айни вақтда бир неча тахтада ўйин олиб боришга қобил бўлганлар. Масалан, машҳур рус шахматчиси А. А. Алёхин Нью-Йорк шаҳрида 1924 йилда — 24 тахтада, Парижда 1925 йилда — 28 тахтада ўйнаган, Чикагода 1933 йилда «кўр-кўрона» ўйин олиб бориб, ўйинда иштирок қилган 32 шахматчи устидан ғалаба қозониб, жаҳон рекордига сазовор бўлган.

Тасаввурнинг сифати одамнинг ёшига ҳам қарайди. Катта ёшли одамларнинг тасаввурига қараганда болаларнинг тасаввур образлари анча яққол ва равшан бўлади. Еш болалар >ртасида эйдетиклар айниқса кўп учрайди.

Тасаввур хиллари

Бизда турли-туман тасаввурлар туғилади.

Идрок сингари, тасаввурлар ҳам сезги органларига мувофиқ турларга бўлинади. Шу сабабдан, тасаввурлар кўриш, эшитиш, ҳид билиш, маза (таъм) билиш, тери сезгиси, температура, мускул-ҳаракат, умумий-органик тасаввурларга бўлинади. Тасаввурларда акс этадиган воқелик соҳаларига қараб ҳам тасаввурлар бир-биридан фарқ қилади. Масалан, табиат, жамият, техника, фазо, вақт ва шу қабилар тўғрисидаги тасаввурлар шулар қаторидаги тасаввурлардир.

Ниҳоят, тасаввурлар яна яққол ва умумий тасаввур хилларига бўлинади.

Яққол тасаввур деб биронта яққол нарса ёки ҳодисанинг образини тасаввур қилишни айтади. Маса, тан, мепинг ўз столим, биронта ошнам, юрган кўчам ҳақидаги тасаввурларим яққол тасаввурлардандир.

Умумий тасаввур лойиқланганда, бир-бирига ўхшаган, бир гурӯҳга кирган нарса.ларнинг умумий образини тушунамиз.

Умуман уй, умуман ҳайвон, умуман дарахт, умуман ўсимлик ҳақидаги тасаввур шу жумладандир. Бунда кўз ўнгимизга **муайян**, яққол бир ҳайвон ёки дарахт ҳақидаги тасаввур келмай, балки умуман ҳайвон ва умуман дарахт образлари кўз олдимизга келади.

А.т.б.та, умумий тасаввур бир та.тай бнр-бирига ўхшаган яққол нарсаларни идрок қилиш натижасида ҳосил бўлади. Шундай қилиб, бир-бирига ўхшаган нарсаларни тасаввур қилганда умумий таштириш пронесси юз беради. Умумий тасаввурларнинг пайдо бўлишида фақат кўп марта такрорланган турган идрок процессигина катта роль ўйнаб қолмай, балки ҳаёл ҳамда тафаккур билан нутқ ҳам катта роль ўйнайди.

Тасаввурлар юқори тараккий қилган ҳайвонга ҳам, одамга ҳам хос бўлган биринчи сигнал системаси асосида вужудга келади. И. П. Павлов кўрсатиб ўтганидек, ана шу системадаги сигналлар: «Эшитиладиган ва ўқиладиган сўз мустасно, тева-рак-атрофдаги ҳам умумтабний муҳитдан, ҳам ижтимоий муҳитдан келадиган таассурот, сезги ва тасаввурлардан иборат»¹ сигналлардир. Аммо одамда энди умумий тасаввурларнинг таркиб топишида «биринчи» сигнал системасига оид беҳисоб кўп сигналларни умумийлаштиришни амалга оширувчи иккинчи сигнал системаси ҳам катта роль ўйнайди².

Одамда тасаввур ҳам, идрок сингари, нарсаларнинг фақат «соф» образи шаклида туғилмасдан, балки ҳамиша овоз билан таърифланади. Ҳар бир нарса ҳақида бизда туғиладиган ҳар бир тасаввур ҳамиша шу нарсанинг номи бўлган сўз билан ифодаланган ҳолда туғилади. Умумий тасаввурларда сўз асосий **ролни** ўйнайди. Бу инсондаги умумий тасаввурларнинг хусусиятидир.

Умумий тасаввур умумий таштирилади, аммо унинг умумий мазмуни бунда яққол образ шаклида таркиб топади. Чиндан ҳам, масалан, биз айни бир иморатни ҳам бир қаватлик, ҳам **ккки** қаватлик деб, айни бир мушукни ҳам қора, ҳам оқ деб тасаввур қила олмаймиз. Тасаввур қилинадиган нарса ҳамиша **яққол** образ шаклида кўз олдимизга келади. Биз биронта уйни **фақат** муайян катталиқда, муайян кўринишда ва рангда олиб тасаввур қиламиз. Юқорида айтилганидек, умумий тасаввурларда умумий белгилар мавжуд бўлади. Аммо ана шу умумий **белгиларни** биз яққол бир образга боғламасдан тасаввур қила олмаймиз. -Тасаввурларни умумлаштириш шундан иборатки, бунда умумий белгилар энг яққол ва равшан бўлиб, жузвий, тасодифий белгилар хиралашиб иккинчи сафга сурилади, йўқ бўлиб кетади.

¹ И. П. Павлов. Полное собрание сочинений, III том, 2-китоб, 335-бет.

² Ушаева, 215-бет.

Ана шу умумий белгилар идрок қилиш пронессидаяк билнадн. Чунончн, столларнинг хар қандайини хам, бари бир, стол деб идрок қилаверамиз, чунки идрок қилиш процессида хар хил столларда бўладиган умумий ўхшаш ташки белгилар тасаввур қилинади. Умумий тасаввурларда якка тасаввурлардагига қараганда равшанлик ва якколлик қамроқ бўлади. Бу тасаввурлар якка тасаввурларга нисбатан анча бекарор, бетўхтов бўладн.

Аммо шу билан бирга, хар бир умумий тасаввур бизда якка тасаввур сифатида туғилади ва бир группа ёки классга кирган нарсаларни акс эттиради,

VII. ХОТИРАДАГИ ИНДИВИДУАЛ ФАРҚЛАР (ХОТИРА ТИПЛАРИ)

Хар кимнинг ўзига хос хотира хусусиятлари бор. Хар кимнинг хотирасидаги фарқ хотираннинг кучида ифодаланади; маълумки, хотираси кучли ва хотираси заиф одамлар бор.

А. С. Пушкиннинг замондошларидан бирн: «Бир саҳифа ц'єрнн ёдакасига айтнб бериш учун Пушкинга бу шеърни бир-икки марта ўқиб чиқиш қифоя қиларди» деб гапирганлиги маълум. Композитор Моцарт бнр-нккп марта эшитган мураккаб музика асаринн эсида қОлдира олганлигн ва кейинчалик шу асарни нотага ёдакн айнан кўчира олганлиги маълум.

Композитор Балакиревнинг ҳам хотирасн ниҳоятда кучли бўлган. Бир куни у Чайковскийдан симфония асарларидан бирини чагиб беришни илтимос қилганда, Чайковский ўзининг шу симфониясини эслай олмагач, Балакирев Чайковскийнинг бу симфониясини концертда бир марта эшитган бўлса ҳам, фортепианода бсхато, айнан чагиб берган.

Хотиранинг сифати (кучи)га кўпинча фақат эсга олиб қолиш тезлигига қараб баҳо берадилар. Бундай фикр айниқса мактаб ўқувчиларига нисбатан кўп тарқалгандир. Уқувчи тез ёд олар экан, демак, унинг хотираси кучли ва, аксинча, секин эсга олиб қолар экан — хотираси бўш. Аммо бундай қараш нотўғри. Фақат эсга олиб қолиш тезлигига қараб, хотиранинг кучли-кучсизлигига баҳо бериш ярамайди.

Хотираннинг кучли-кучсиз бўлишини биз ҳам эсда қолднриш ва ҳам эсдан чиқариб қўйишнинг тезлик даражасига қараб биламиз. Тез эсга олиб, секин, бора-бора унутиш кучли хотираннинг характерли хусусияти бўлса, секин эсга олиб қолиш ва тез эсдан чиқариб қўйиш кучсиз хотира белгиларидандир. Ана шу хотира сифатларининг нерз-физиологик асоси муваққат нерв боғланишларининг хосил бўлишига ва уларнинг қандай ишлаб турнишига хос хусусиятлардан иборат.

Эсга олиб қолиш тезлиги ва эсдан чиқариб қўйиш тезлигига қараб, хар кимнинг хотирасидаги энг асосий индивидуал фарқни аниқлаб олиш мумкин. Бу фарқлар қуйидагилардан иборат.

Эсга қолдириш	Унутиш
1. Тез	Секин
2. Секин	Секин
3. Тез	Тез
4. Секин	Тез

Хотиранинг ана шу хилларини ўқувчиларда ҳам кўриш мумкин. Баъзи ўқувчилар биринчи типга кирадилар, бундай ўқувчи.тарнинг хотираси кучли, айниқса самарали бўлади; улар материални, дарсни тез билиб олади.тар, бунинг учун уларга материални бир "марта эшитиш ёки бир қарра ўқиб чиқиш қифоя, шу билан бирга, материал бора-бора эсдан чиқади ва материални бу ўқувчилар тўла-тўқис ҳамда янглишмасдан, расо эсга туширадилар. Бу типдаги ўқувчиларнинг хотираси якқол сезИлиб туради.

Хотираси иккинчи типдаги ўқувчилар материални секинроқ бнлиб оладнлар, лекин узок эсдан чиқармайдилар. Улар материални ўрганиб олнш учун кўпроқ куч сарф қилиб, уни махсус усуллар ёрдами билан такрорлайдилар: қайта-қайта ўқийдилар, эшитадилар, ёзиб оладилар, схмасини чизадилар ва хоказо; материални пухта билиб оладилар ва шу сабабли, уни тез эсдан чиқармайдилар. Хотиранинг натижали бўлиши жихатидан улар биринчи типдаги ўқувчилардан қолқшмайдилар.

Учинчи тип — тез билиб олиш ва тез унутиш хусусияти билан ажралади. Бу типга кирган ўқувчилар материални бнр кўриш — эшитиш, ўқитувчининг оғзидан чиқпши биланоқ қлиб олгандай дарров билиб оладнлар ва кейиндан уни тўла-тўқис айтиб бера оладилар. Аммо бу тарика билиб олиш ва эсга тушириш узокка бормаиди. Бир неча вақт (одатда, икки ёки уч кун) ўтгандан кейин материални унутиб қўядилар: жуда қийналиб, ярим ёрти эсга туширадилар. Шундай қилиб, улар тез билиб олсалар ҳам, натижасиздир, чунки улар материални тез унутадилар. Бундай ўқувчиларга материални тез-тез такрорлаб туришни маслаҳат бериш, индивидуал топшириқлар бериб, уларни тез-тез текшириб туриш лозим.

Тўртинчи тип хотиранинг заиф типндир. Бу типдаги ўқувчилар материални жуда секинлик билан билиб оладилар ва тез унутадилар. Бу ўқувчилар материални ўрганиб олиш учун кўп куч, вақт сарф қиладилар, лекин уларнинг меҳнати кам натижа беради, улар материални ярим-ёрти ва чала эсга туширадилар ҳамда уни тез эсдан чиқариб қўяди.тар. Хотиранинг бу типи ўз вақтида биронта сабаб билан мактабга

катнамаган ва ўқишдан орқада қолиб кетган болаларда учрайди. Улардаги хотиранинг заиф бўлишига биронта нервия касалининг асари таъсир қилган бўлиши ҳам мумкин. Бундай ўқувчилар анчагача индивидуал ёрдамга мухтож бўладилар. Уларга дарсларни қандай ўқиш тўғрисида тегишли маслаҳат ва алоҳида топшириқлар бериш лозим, уларни фақат назорат қилиб қўя қолмай, балки уларга материални ўрганиб олишда бир неча вақт давомида бевосита ёрдам ҳам бериб туриш керак. Тажриба кўрсатганидек, тўғри тарбия натижасида, бир неча вақт ўтгандан кейин, бундай ўқувчиларнинг хотираси тузалади ва улар ҳам иккинчи типдаги ўқувчилардан қолишмай, материални мустақил ўрганишга қобил бўлиб қоладилар. Аммо бундай ҳол касаллик оқибатида рўй берган бўлса, тегишли даволаш чораларини кўриш зарур бўлзди.

Хотиранинг нақадар кучли бўлиши хотира мазмунига қараб билинади. Хотира мазмунсиз бўла олмайди. Биз ҳаммиса муайянбир нарсани эсда қолдирамиз, муайян бир нарсани хотирлаймиз ва муайян бир нарсани унутиб қўямиз.

Хотира илмининг ҳамма соҳаларида баробар кучли бўлавермайди. Бир хил одамлар адабиётга доир материални, бир хил одамлар математикага оид материални ва ҳоказони яхшироқ эсга олиб қоладилар. Бу хусусиятни ўқувчиларда ҳам кўриш мумкин. Хотиранинг шу хусусияти, кўп даражада, ўқувчиларнинг ўқишга муносабати, ўқув фанларидан баъзиларига қизиқиши ва кўпроқ эътибор бериши билан белгиланади. Шунинг учун ҳам ўқувчиларнинг хотирасини ўстириш ва бойитиш мақсадида уларда мактабда ўтиладиган ҳар бир фанга қизиқиш-ҳавас уйғотиш лозим. Фақат бир хил машғулотга, бир хил фанга қизиқиш хотиранинг бир томонламагина ўсишига сабаб бўлади.

Эсга олиб қолинадиган материал қайси бир анализатор воситаси билан идрок қилинишига қараб ҳам хотира хиллари -бир-биридан фарқ қилади. Баъзи кишилар ҳар нарсани кўриб идрок қилсалар, масалан, ўз кўзлари билан кўрсалар, ўқисалар тезроқ ва пухтароқ эсда қолдирадилар. Бу йўл улар учун энг қулай ва натижали йўлдир. Бошқа бировлар эшитиб идрок қилсалар, масалан, материални ўзлари эмас, балки бошқа бировнинг ўқиганини, сўзлаб берганини эшитиб турсалар, яхшироқ уқиб оладилар. Баъзи кишилар эса материални ёзқиб олиш, расмини чизиш, меҳнат ҳаракатлари воситаси билан тезроқ ва пухтароқ эсга олиб қоладилар.

Ана шу хусусиятларга қараб, хотирани кўриш, эшитиш, ҳаракат (мотор) типларига ажратилади. Лекин хотиранинг ана шундай соф типлари кам учрайди. Кўп кишиларнинг хотираси аралаш типдаги: яъни кўриш-ҳаракат (буниси энг кўп учрайди), ҳаракат-эшитиш ёки кўриш-эшитиш типда-

ги хотирадир. Шунга мувофиқ: кўриш, эшитиш ёки мушкул-ҳаракат тасаввурлари ҳам бир-биридан фарқ қилиниб, баъзи кишиларда шу хил тасаввурлардан бири устунлик қилади. Хотиранинг яна нейтрал (бефарқ) типи ҳам ажратилади. Хотираси шу типда бўлган одам фарқ қилмасдан, кўриш орқали ҳам, эшитиш орқали ва мушкул ҳаракати орқали ҳам идрок қилинган нарсаларни бемалол эсида қолдираверади.

Хотиранинг ана шу индивидуал хусусиятлари туғма ва ўзгармайдиган, барқарор, каттик ўрнашиб қолган нарсаси эмас. Бу хусусиятлар ҳам турмуш тажрибасида ва таълим-тарбия процессида вужудга келади. Таълим-тарбия ишининг вазифаларидан бири ўқувчиларда хотиранинг ҳамма хилларини, яъни кўриш, эшитиш, ҳаракат типларини ҳам баравар ўстиришдан иборат бўлмоғи керакки, натижада ўқувчилар ўзлари ўқиган, эшитган, ёзиб олган, расмини чизган нарсаларини тез ва пухта уқиб олишга қобил бўлсинлар.

Лекин айтилганлардан, ҳамма ўқувчиларда нейтрал хотирани пайдо қилиш мумкин, деган ҳулоса чиқариш ярамайди, чунки хотира хусусиятлари фақат ўқув-тарбия процессида таркиб топиб қолмай, балки мактабдан ташқи практика процессида ҳам таркиб топади. Шу сабабли, ўқувчиларда ҳосил бўлган хотира хусусиятларини уларнинг хотирасини ўстириш ишида назарга олиш талаб қилинади.

Хотирага оид индивидуал хусусиятларнинг вужудга келишига одамнинг касб-кори ҳам анча таъсир кўрсатади. Чунки, расомларда кўриш хотираси, музикантларда — эшитиш хотираси ва ҳоказо кўпроқ тараққий қилган бўлади.

VIII. ХОТИРАНИНГ; АҲАМИЯТИ

Хотира инсон ҳаётида ғоят катта аҳамиятга эгадир.

Хотира туфайли онгимизда фақат ҳозирги пайтдаги нарсалар, ҳодисалар акс этиб қолмай, балки ўтмишда идрок қилинган нарсаси ва ҳодисалар, кечирган туйғу-фикрлар ҳам гис этиди. Хотирага эга бўлмаганимизда эди, биз шу пайтда кдрок қилинаётган нарсаси ва ҳодисаларнигина акс эттирар эдик, шу билан бирга, идрок қилинаётган нарсаси ва ҳодисалар ҳамма вақт бизга янги, нотанишдек кўринар эди.

Одам хотира туфайли малака ва кўникмалар "ҳосил қилади, билимини бойитади ва савиясини кенгайтирадир."

Хотира бошқа психик процессларнинг фаолияти ва тараққийси. учун катта аҳамиятга эгадир. Идрок тўғрисидаги бобда биз, хотира идрокимизни бойитади, деб кўрсатиб ўтган эдик. Хотира маҳсули бўлган тасаввур, шунингдек, фикр, билим ва бизнинг тажрибаларимиз хотирамизда мустаҳкам ўрнашиб қолса, бу билан ҳаёл, тафаккур, нутқ, ирба ва ҳис фаолияти ва тараққийси учун шароит таъминланган бўлади.

Одамнинг тасаввурлари запаси ва хотирасида мустаҳкам ўр-» нашиб қолган билимлари запаси қанчалик бой бўлса, унинг идроки ҳам шунчалик мазмундор, тўла, аниқ бўлади, хаёл, тафаккур, нутқ ва иродасининг фаолияти ҳам самарали бўлади.

Л"Хотира инсон фаолнатиининг ҳамма хилларида анча му- хим роль ўйнайди. Ҳатто ёш болалар ҳам, агар уларда баъзи бир билнм, кўникма ва малакалар бўлсагина ўйнай олади- лар, бўлмаса ўйнай олмайдилар/Ҳар қандай меҳнат — хо- жисмонин, хоҳ ақлий меҳнат — зарур билим, малака ва кў- никмалар мавжуд бўлгандагина амалга ошмоғи мумкин_)

Хотиранинг аҳамияти таълим ишларида айниқса яққол кўринади. Мактабдаги таълим ишларининг энг биринчи ва асосий вазифаси ўқувчиларни фанлар асоси билими билан курулантириш, бойитишдир. Хотирада мустаҳкам^қолдир- май туриб, фан асосларини уқиб олнш мумкин эмас.^В. И. Ле- нин комсомолнинг учинчи съездида: «Инсониятнинг яратган барча бойликларини билиб, ўз онгини бойитган тақдирдагина коммунист бўлиш мумкин»¹— деган эдш_)

Мактабдаш таълим ишларн шундай йўлга қўйилмсғи ке- ракки, ўқувчиларга ўқитилаётган материал уларнинг хотира- сида мустаҳкам сақланиб қоладиган бўлсин. Шу сабабдан, ўқитувчи таълим процессида ўз ўқувчиларини ўрганиб, ҳар бир ўқувчисини яхши билиши, жумладан, ҳар бир ўқувчи- сининг хотираси қандай эканлигини, бу хотиранинг қандай ўсиб бораётганлигини, хотиранинг ўсишига нималар сабаб бўлаётганини ва ўқувчиларнинг хотирасини мактаб таълими ишлари процессида қандай йўл ва воситалар билан ўстириш кераклигини билмоғи лозим,

IX. ХОТИРАНИНГ УСИШИ

- Хотира бола ҳаётининг биринчи кунларнданок ўса бош- лакди. Хотира нерв системасининг ўсиши билан бирга, тар- бия ва турли фаолият (ўйин, ўқиш, меҳнат) ҳамда нутқ во- ситаси билан алоқа қилиш процессида ўсиб, такомиллашиб боради. V, —

Хотира таълимнинг асосий шартидир, шу билан бирга, хотиранинг ўзи ҳам, асосан таълим-тарбия процессида ўсиб боради^

ХоТира ўсишининг нерв-физиологик асоси мия пўстида шартли рефлексор нерв боғланишларининг аста-секин қў- пайиб ва мураккаблашиб боришидир. Биринчи шартли реф- лекслар тахминан икки ҳафталик чақалоқда овқатланишга

боглиқ бўлган кўзғовчилар асосида ҳосил бўлади. Беш ой- лик чақалоқда шартли рефлексор боғланишлар энди ҳамма анализаторларнинг иштирокида ҳосил бўла бошлайди ва бу силан хотира процессларининг пайдо бўлишига имконият туғдирилган бўлади.

Болада хотиранинг дастлабки аломатлари ёнидаги яқин кишилар ва буюмларни т а н и ш и д а кўринади. Жуда кўп турли-туман ва бир-бири билан боғланган шартли рефлекс- ларнинг тобора кўпайиб бориши туфайли боланинг ташқн кўзғовчиларга жавобан реакцияларн мураккаблашади ва кўзғовчи таъсирида (шартли рефлекс принципи бўйича) кўз- ғаладиган, илгари ҳосил бўлган боғланишларни ўз ичига ола бошлайди.

Шу сабабли маълум кўзғовчи (нарса)ни идрок қилганда «таниб олиш» ҳисси мавжуд бўлади. Бу ҳол боланинг бутун ҳаракатларида кўринади: таниш бўлган бир нарсани, ўзига яқин кишиларни кўрганида бола «та.тпинади», қувонади, ва, аксинча, нотаниш кишини кўрганида ётсирайди, ундан юзи- ни ўгиради ва ҳоказо. Хотиранинг ўсишидаги бу даврда хали тасаввур бўлмаиди, чақалоқнинг хотираси идрок проиесс- ларининг ўзига хос бир йўл билан, яъни идрок қилинганни яна кўрганда, эшитганда ва ҳоказо «таниш бўлганлик ҳисси!» туғилиш йўли билан ўсиб боради. Бола таниб олишга қобил бўлар экан, демак, у энди идрок қилган нарса ва ҳодисалар* ни ҳам эсда олиб қоладиган бўлади.

Бир ёшга тўлар-тўлмаган болада хотиранинг мураккаб- рок формаси шу пайтда сезги органлари орқати бевосита идрок қилинмаган нарсани эслаш қобилияти кўрина бош- лайди, яъни бу ёшдаги болалар илгари идрок қилган, кўрган, номини эшитган нарсаларни тасаввур қилиш йўти билан эслай оладилар. Илгари мустаҳкамланиб қолган мураккаб боғланиш (ассоциация)лар туфайли энди маълум бир кўз- ғовчи ўз мувофиғи бўлган нарсанинг тасаввурини уйғотади. Еуни шундан билиш мумкин: бола шу пайтда кўз олдида йўқ нарсанинг номини эшитса, уни кўзи билан «нзлай» бош- лайди, сўрайди. Бу даврда боланинг нутқи ўса бориши билан тасаввурлар иккинчи системага оид кўзғатувчилар, яъни бола эшитаётган сўзлар орқали туғила бошлайди ва бу кўз- ғовчилар сони тобора-кўпайиб боради. Эслаш қобилиятининг ўсиб боришида катталарнинг нутқи муҳим роль ўйнайди, Катталар болаларга савол берадилар, бирор нарсани укти- радилар, ҳикоя қилиб берадилар, китоб ўқиб эшиттирадилар, боладан аниқ жавоб талаб этадилар ва ҳоказо. Бунда бола- нинг катталар ва бошқа болалар билан нутқ орқали алоқа кклиоди ҳам, шунингдек, катта роль ўйнайди, чунки нутқ орқали алоқа қилиш маълум тасаввурларни актив уйғотиш яъни бирор нарсани эслаш билан боғлиқ бўлади, ,-

¹ В. И. Лен.ин, Асарлар, 31-том, 295-бет.

./ Мактабгача тарбия ёшидаги болалар хотираси яққол — образли хотирадир, яъни идрок қилган нарсанинг образини хотирада олиб қолади. Мактабгача тарбия ёшидаги бола маълум нарса ва ходисаларнинг образи сўз билан ифодланган оғзаки материалнигина эсда олиб қолади.€/

Бошланғич синф ўқувчиларининг хотираси асосан конкрет образли хотирадир. Улар идрок қилган ва тасаввур этадиган нарсаларнинг яққол кўзга кўринадиган хусусият ва муносабатларига таяниб туриб, тегишли материални осон ва тушуниб эсда қолдирадилар.

Юқори синф ўқувчиларида мураккаблашиб борадиган абстракт назарий материални уқиб — билиб олиш қобилияти тобора кўпроқ ўсиб боради. Шу билан бирга ўсмирларда тажриба, тафаккур ва хаёл қобилиятининг бойиб, ўсиб бориши муносабати билан образли конкрет хотира янада мураккаблашиб боради,

Турли ёшдаги болаларнинг эсга олиб
қилиш хусусиятлари

Болаларда механик ва логик эсда қолдириш. Бола ҳаётининг дастлабки ойларида бола маъносига тушунмасдан, механик равишда эсда қолдиради. Бу даврда фақат ҳаракат—ассоциацияга оид хотира аломатларини кўриш мумкин. Бу ҳйл хотирани боланинг ҳаракатларидан билиш мумкин. Масалан, бир ой — бир ярим ойлик болани эмизиш учун қўлга олганда, у олдинданок оғзини очиб, лабларини қимирлатади, яъни эмиш ҳаракатларини қила бошлайди.

Буржуа психологиясида шундай бир фикр: гўё чақалокларда ва умуман болаларда 6—7 ёшгача ёлғиз механик хотира бўлиб, логик хотира, яъни маъносини тушуйиб эсда қолдириш бўлмайди, логик хотира фақат катта ёшлардагина бўлади, деган фикр тарқалган. Бу ҳақиқатга, биз доимо кузатиб биладиган фактларга тамомила қарама-қарши фикр дир.' Ҳақиқат шуки, болаларда улар бир ёшга тўлар-тўлмасок тафаккур ва нутқ қобилияти ўсиб бориши билан маъносини тушуниб эсда қолдириш қобилияти ҳам ўса бошлайди.

Албатта, ясла ёшидаги ваX-мактабгача тарбия ёшидаги болаларда тажриба ҳали унча кўп бўлмайди. Шунга кўра, уларнинг тафаккурлари ҳам етарли даражада ўсмаган бўлади. Шу сабабли, болалар бир талай нарсаларнинг механик равишда эсда қолдирадилар.€/

Аммо соланинг ўзига яқин ва тушунчасига лойиқ бўлган нарсаларни бола бу даврда ҳам онгли равишда эсга олиб қолади, Масалан, болаларнинг такрор-такрор эшитган эртакларини пухта эсга олиб қолишлари маълум. Шу билан бирга,

болалар эртакдаги сўзларни механик равишда эсда қолдирмай, балки, кўпинча, эртакдаги гап-сўзларнинг маъносини, эртакнинг мазмунини тушуниб эсда қолдирадилар. Болалар эртакни эшита ва эсда қолдираётганда, кўпинча эртакдаги қаҳрамонларнинг хатти-ҳаракатларига тааллуқли турли саволлар ҳам берадилар. Эртакнинг мазмуни болаларга таъсир қилиб, уларда маълум туйғу-ҳислар ҳам туғдиради. Буларнинг ҳаммаси болалар эртакнинг мазмунини тушунаётган тигидан далолат беради, х/

Болалар фақат (асосан) механик эсда олиб қолдиладиган фикр хотиранинг бу хилини бирор материални айнан ёд олиш билгн аралаштириб юборишдир, холос\ Маълумки, механик равишда, маъносига тушунмасдан эсда қолдиришнк айнан ёд олишдан фарқ қила билиш керак: мазмуни аниқ уқиб олинган бирор текстни айнан, сўзма-сўз эсда қолдириш мумкин, Мана шу тарика ёд олиш кўпинча болаларда учрайди. √

Мактаб ёшига кирган болаларда таълим олиш муносабати билан логик, яъни маъносига тушуниб эсда қолдириш, қобилияти ўсиб боради, эсда қолдиган материалнинг ҳажми кенгайиб боради, материалнинг мазмунини тушуниш ҳам чуқурлашади ва мураккаблашади.

Тўғри, шундай ҳам бўладики, куйи синф ўқувчилари кўпинча хатто мазмуни тушунарли материални ҳам мазмунига эътибор бермасдан, механик равишда ўрганиб оладилар. Аммо бу ҳол шу ёшдаги болаларда муқаррар бўладиган нарса эмас. Механик эсда қолдиришни, кўпинча ўқитувчилар ўқувчиларда логик хотирани ўстиришга етарли эътибор бермаган ҳолларда кўриш мумкин.

Юқори синф ўқувчилари ўзлари бу ёшда материални маъносига тушуниб уқиб олишнинг афзаллигини яхши тушунадилар. Лекин бу ўқувчилар ҳам кўп вақт механик суратда эсда қолдиради.тар. Бундай ҳол, одатда, материал тушуниш учун оғирлик қилганда ёки қиска қилиб баён қилинган биронта материални айнан ёдлаб олишга тўғри келганда гоз беради. Чунончи, математика аксиомалари ва қоидалар, физика, химия ва шу қабиларга оид қонунларнинг аниқ таърифларини ана шундай ёд олинади. Шунини унутмаслик керакки, логик хотира, асосан, тарбия таъсири билан ўсади. Шуниси ҳам борки, маъносига тушуниб онгли эсда қолдириш қобилияти ихтиёрий эсда қолдириш билан бирга ўсиб боради.

Болаларда ихтиёрсиз ва ихтиёрий эсда қолдириш. Эсда қолдириш дастлаб ихтиёрсиз бўлади. Болалар уларнинг диктатини ўзига тортган, уларни қизиқтирган, уларнинг эҳтиёжларига жавоб берадиган, улар учун ёқимли бўлган нарсаларни беихтиёр эсга олиб қоладилар. Жонли нутқ сўзлари, эртаклар, қўшиқлар болаларнинг эсида ана шу тарика қо-

лаверадн, улардаги одат ва кўникмаларнинг ҳам кўп қисми шу йўл билан ҳосил бўлади.

Одатда, болалар бир эшитган эртақларини катталардан қайта-қайта айтиб беришни талаб қиладилар, лекин бунда улар шу эртақларни ёд олиб қолиш мақсади билан қайта айтиб беришни талаб қилмайдилар, балки эртақларни эшитишдан завқланишлари сабабли қайта-қайта эшитишлари келади. Эртақларни завқ билан қайта-қайта эшитиш натижасида, болалар шу эртақларни беихтиёр пухта эсда сақлаб қоладилар.

Логик хотира сингари, ихтиёрий эсда қолдириш қобилияти ҳам, асосан, тарбия таъсири билан ўсиб боради. Бирон тиз нарса эсга олиб қолиш мақсади, нима ва қандай эсга олиб қолиниши лозим эканлиги дастлаб катталар томонидан айтилади ва уқтирилади. Мақтабгача тарбия ёшидаги (5—6 яшар) болаларнинг хотирасини ўстириб боришда тарбиячи ва оналар томонидан берилган материални уларнинг бевосита раҳбарлиги билан эсга олиб қолиш катта ўрин тутаяди. Мақтабгача тарбия ёшида ихтиёрий эсга олиб қолишнинг пайдо бўлиши ва таракқий этишига болаларнинг ўз кучларига яраша топшириқларни бажаришлари ва дидактик ўйинларда иштирок этишлари айниқса яхши ёрдам беради. V

Аммо ихтиёрий эсда қолдириш айниқса мактаб ёшида, ўқув ишида катта роль ўйнайди. Уқувчи ўқитувчининг топширган материални ўқиб—ўрганиб олади. У материални эсда қолдириш учун ҳаракат қилади, куч сарф этади, ҳар хил ёрдамчи усуллардан фойдаланади. У эсда қолдиришни ўзига мақсад қилиб қўяди. Эсда қолдириш ўқувчининг ўқув меҳнатидир. Уқувчиларни кичкина ёшдан оқ тўғри эсда олиб қолиш усуллари билан фойдалана билишга ва турли ақлий амалларни қилишга ўргатиб бориш лозим.

Мақтаб ўқувчилари, айниқса, юкори синф ўқувчилари учун шу нарса характерлидирки, улар эсда қолдиришнинг эг маъқул, энг самарали усул ва йўллари излайдилар, улар мавжуд шароитнинг эсда қолдириш учун қулай бўлиш бўлмаслигини биладилар ва эсда қолдириш учун талаб қилинадиган вақтнинг ҳам ҳисобига бора оладилар. Уқувчилар шахсий тажрибаларига асосланиб, материални мумкин қадар маҳкамроқ эсда қолдириш учун дарс вақтида ўқитувчининг тушунтиришларини қандай тинглаш, материални қандай тартибда ўқиш ва уни такрорлаш учун қандай усуллардан фойдаланиш кераклиги тўғрисида муҳракма юрита бошлайдилар. Улар эсда қолдириш учун энг қулай пайт қайси пайт эканини ҳам ҳисобга ола биладилар. Уқувчилар материални пухта билиб-тушуниб олиш йўллари тўғрисида бериладиган маслаҳатларни зўр ҳавас ва иштиёқ билан тинглайдилар, Юкори синф ўқувчилари тез ва пухта эсда қолди-

ришда тафаккур, диққат, қизиқиш ва ҳиссиётнинг қандай аҳамияти борлигини ҳам тушунадилар.

Ўқиш процессида ихтиёрий эсда қолдириш қобилиятининг ўзи ҳам борган сари мустаҳкамланиб боради. Аммо бу қобилият ирода, ихтиёрий диққат, тафаккур ва қизиқиш-ҳавасларнинг ўқувчиларда ўсиб боришига боғлиқ ҳолда таракқий этиб боради,

Эсга туширишнинг ёш хусусиятлари

Турли ёшдаги болаларда эсга туширишнинг хусусиятлари юкорида айтиб ўтганимиздек, бола ҳаётининг дастлабки ойларида эсга тушириш, афтидан, фақат таниб олиш йўли билан бўлса керак. Аммо болаларнинг ҳали тили чиқмаган вақтлардаёқ эсда тушириш тарихида намоён бўла бошлайди.— яъни бу ёшдаги болалар илгари идрок қилган, кўрган, номини эшитган нарсаларни тасаввур қилш йўли билан эслаш оладилар. Буни шундан билиш мумкин; бола, шу пайтда кўз олдида йўқ нарсанинг номини эшитса, уни кўзи билан «излай» бошлайди. Бунинг аломатларини бир ёшга тўлар-тўлмаган бола ҳам кўриш мумкин. Бир ёшга тўлиб, иккинчи ёшга қадам қўйган ва айниқса гапира бошлаган бола хотирага келтириш йўли билан эсга тушириш қобилияти анқ кўрина бошлайди. Уч яшар боланинг тасаввурлар бойлиги анча кенгайган бўлади. Мақтабгача тарбия ёшида ва мактаб ёшидаги болаларда хотирага келтириш йўли билан эслаш процесси тўла ўсган бўлади. Мақтабда ўқиш учун фақат таниш кифоя қилмайди, бунда, асосан, хотирага келтириш йўли билан эслаш аҳамиятга эга бўлади.

Ёш болаларда дастлаб беихтиёр эсга тушириш қобилияти кўрина бошлайди. Мақтабгача тарбия ёшида беихтиёр эсга тушириш асосида ихтиёрий эсга тушириш қобилияти ўса бошлайди. Аммо шуни унутмаслик керакки, ихтиёрий эсга тушириш ихтиёрий эсда қолдиришга қараганда, илгарироқ ўса бошлайди. Ихтиёрий эсда қолдириш сингари, ихтиёрий эсга тушириш ҳам катталарнинг таъсири остида, тарбия туфайли ўсиб боради. Ота-оналар, тарбиячилар ва бола билан доимо алоқада бўлганлар, одатда, болага: қаерда бўлганлиги, у ерда нима қилганлиги, кимни ва нималарни кўрганлиги ҳақида савол беради, билган эртагини, қўшпагини, шеърини гўйиб беришни буюради. Бундай вақтда бола ўзидан талаб қилинган нарсани эсга тушириш учун ҳаракат қилади, куч сарф этади, демак. унда ихтиёрий эсга тушириш процесси воқе бўлади. Бунда муайян материални эсга тушириш мақсадини боланинг ўзи қўймаса ҳам, эсга тушириш мақсадга қаратилган бўлади. Бола икки-уч яшар бўлгандаёқ, ўз-ўзига, катталарга, ўз шерикларига ёки қўғирчоқларига 'бир нима'

гзпириш истаги туғилади. Демак, мактабгача тарбия ёшидаёқ болалар ўз ташаббуслари билан бир нарсани ихтиёрий равишда эсга туширишга қриб бўладилар. V

Биринчи синф ўқувчиларидан бошлаб, мактаб ёшидаги болаларда ихтиёрий эсга тушириш қобилияти етарти даражада ўсган бўлади. Уқиш процесси учун ихтиёрий эсда қридириш ҳам, ихтиёрий эсга тушириш ҳам баробар талаб қилинади. Бусиз ўқиш процессининг нормал бориши мумкин эмас. Уқувчидан фақат ўрганиб-билиб олишгина талаб қилинмасдан, балки ўрганиб-билиб олганини хотирлай олиш ҳам талаб қилинади. Уқув материални муайян система билан хотирлаш фақат ихтиёрий эсга тушириш йўли билан бўлиши мумкин.

Ихтиёрий эсда қолдириш таълим процессининг зарур шартти бўлиши билан бирга, у гаълим процессида ўсиб боради ва такомиллашади. Ихтиёрий эсда қолдириш сингари, ихтиёрий эсга тушириш қобилияти ҳам ирода, ихтиёрий диққат ва тафаккурнинг ўсиши билан бирга ўсиб боради.

Ихтиёрий эсга тушириш процессида ўтмишдаги воқеаларни хронологик тартибда бирин-кетин эсга тушириш қобилияти ҳам ўсади. Бу қобилият бола ҳаётининг шундай бир даврида пайдо бўладики, бунда бола «ўзини эслай олади»: яъни 5—6 яшар бола ўз ҳаётида бўлиб ўтган воқеаларни, кўрган-эшитганларини кетма-кет ва уларни бошқа воқеалар билан боғлаб хотирлай оладиган бўлиб қолади. Масалан, бу ёшдаги болалар одатда: «Мен онам билан вокзалга борганимда, у ерда паровозни кўрдим» ва ҳоказо деб гапирдилар, Эсга туширишнинг ана шу усули энг кейинги навбатда ўса бошлайди. Болалар аксари ўзини 5—6 ёшдан била бошлайди, яъни шу ёшда нима бўлганини эслай олади. Бола ва улғайган кишилар билан қилинган махсус текширишлардан кўринадики, текширилганларнинг қўпчилиги 4 ёшгача ҳаётида нима воқеалар бўлиб ўтганини сира хотирлай олмаган. Текширилганларнинг энг кам қисми шу ёшгача бўлиб ўтган баъзи бир воқеаларнигина эслай олган, лекин бу воқеалар бир-бири билан ҳеч бир боғланмаган ва ҳар қайсиси айрим холда эсда қолган. Шу билан бирга, икки-уч яшарликда энг кучли таъсир қилган, фавқулодда бўлиб туюлган ёрқин шундай воқеаларнигина эсида сақланиб қолган. Текширилганлардан бири «Мен печкадан йиқилганимни хотирлайман» (бу воқеа у, бир.ярим ёшда эканида юз берган), иккинчиси эса 2 ярим яшар вақтида бўлиб ўтган воқеани: «Мен сувда сузиб юрган майда балиқлар ва уларни болалар овлаётган бир пайтни эслайман» деб ўзининг энг биринчи эсдаликларини гапирган.

V Беш-олти яшар болалар айрим воқеаларни ўз ҳаётларининг айрим пайтлари билан боғлаб, эсга тушира бошлайди-

лар. Шу даврдан бошлаб, болалар ўз ҳаётларида бўлиб ўтган воқеаларни бир-бирига боғлаб хотирлай оладилар: қайсиси бурун, қайсиси кейин юз берганини аниқ эсга туширадилар. Шу усулда хотирлаш асосида, кейинчалик, ўқиш процессида болаларда тарихий перспективани тушуниш қобилияти, яъни тарихий хотира ўса бошлайди ^

VII Б О Б

ХАЁЛ (ФАНТАЗИЯ) 7*

I. ХАЁЛ ТУҒРИСИДА УМУМИЙ ТУШУНЧА

Бизнинг онгимизда ўзимиз илгари идрок қилган объектлар тўғрисидагина эмас, шу билан бирга, биз идрок қилмаган объектлар (нарсалар, воқеалар, шахслар, жойлар ва шу қабилар) тўғрисида ҳам тасаввурлар бор. Масалан, гарчи биз Антарктикада, Жанубий кутбда бўлмаган, Мирний посёлкасидаги тадқиқотчиларимизнинг ҳаётини ва ишини кўрмаган бўлсак ҳам, лекин улар ҳақида бизнинг тасаввуримиз бор, биз Ватанимизнинг узок ўтмишидаги воқеалар тўғрисидаги тасаввурга эгамиз, ўн, юз ва минг йиллардан кейин нималар бўлишини тасаввур қиламиз ва ҳоказо. Биз космик кемаларнинг Ойга ва бошқа планеталарга учиниши тасаввур қилишимиз мумкин. Бу тасаввурларни ҳаётимиз яратиб, беради, хотира тасаввурларидан фарқ қилган бу тасаввурлар ҳаёл тасаввурлари ёки фантазия тасаввурлари деб аталади.

Ҳаёл вужудга келтираётган «а/э^тач»- (тасаввурлар) фақат онгнинг субъектив мазмунинигина бўлиб қолмайди, шу билан бирга, бу образлар одамларнинг ҳаёти ва фаолиятида огзаки ва ёзма нутқда ифодаланадилар; нарсаларда, бўёқларда, товушларда, шеър ва проза тарикасидаги адабий асарларда ва санъатнинг бошқа турларида гавдаланади.

Шундай қилиб, ҳаёл онг фаолиятидир, бу фаолият илгари биз идрок қилмаган, тажрибамизда, учратилмаган нарса ва ҳодисаларнинг образларини мавжуд тасаввурларимиз асосида миямизда яратишда ифодаланатиТЧ,

Одамнинг миясида илгари вужудга келган муваққат боғланишларнинг мияда гавдаланишини ва бу боғланишлар бир-бири билан тутатиб, янги тарзда пайдо бўлишини ҳаёлнинг нерв-физиологик негизи деб ҳисобламоқ керак.

Уонгнинг бошқа функциялари каби ҳаёл ҳам, тарихан, аввало одамнинг меҳнат фаолиятида ривожланиб келган. Одамлар ўз эҳтиёжларини қридрмоқ учун одам аралашмас-


данок табиат бераётган маҳсулдан ҳам кўра кўпроқ маҳсул олиш ниятида теварак-атроф оламни ўзгартира берганлар ва уни ўзларига бўйсундра берганлар. Ўзгартира бермоқ ва **ярата** бермоқ учун эса исталган нарсани олдиндан **тасаввур** қилиш, шундай ўзгартиришга қандай йўллар билан эришиш ва унинг натижаларини тасаввур қилиш лозим бўлган.

Бора-бора одамнинг хилма-хил эҳтиёжлари — социал, билиш, эстетик ва шу каби эҳтиёжлари ривожлана борган **еэ***и, шу тўғрисида хаёл ҳам ривожлана **борган**Л

(Жамиятдаги одамларнинг ижодий фаолиятида намоён бўлаётган хаёл ҳам ижтимоий ҳаёт шароитига ва умумий маданий ривожланиш даражасига қараб, шу жамиятдаги одамларнинг асосий интилишларига қараб, алоҳида характер, алоҳида йўналиш касб қилаверади. >

Совет кишиларининг олға томон, коммунистик жамият қуриш сари интилаётганлиги улар хаёлининг хилма-хил ижодий ишлашини ҳам кучайтира беради. Бу хаёлнинг бой маҳсуллари ҳаётимизнинг ҳамма соҳаларида: саънатда, техникада, қишлоқ хўжалигида, илмий кашфиётларда, коммунистик қурилишнинг улғувор планларини амалга оширишда намоён бўлмоқда,

II. ХАЁЛ ҚИЛИШ ПРОЦЕССИ



т Хаёл тасаввурларининг идрок образларидан ва хотира тасаввурларидан фарқи шуки, хаёл тасаввурлари тажрибамизда орттирилган объектларга эга эмасд Хўш, одамларнинг онгида бу образлар қаердан ва қандай тўғрилиб пайдо бўлади, деган савол туғилади.

"_лбатта, бу образлар бирор манбага эга бўлмай, йўқ нарсадан пайдо бўлиши мумкин эмасД

чМуайян бир эҳтиёж мавжуд бўлган тақдирда хаёлнинг тегишли образлари — хаёл тасаввурлари инсоннинг *тажрибасига* ва *хотира тасаввурларига* асосланиб ҳосил бўлиши ва таркиб топиши мумкин. Бу тасаввурлар хаёл тасаввурларини ; вужудга келтиришга асос бўладиган материалдир.7Масалан, — биз музлар тўғрисида, қоронғилик ва ёруғлик тўғрисида, совуқ тўғрисида, сув тўғрисида, қор ва шу қабилар тўғрисида — тажрибада орттирилган тасаввурларимиз бўлгани сабабли, Антарктика ва Жанубий қутб тўғрисида тасаввур қилишимиз мумкин_Хаёл процессида бизда мавжуд бўлган керакли тасаввурлар албатта кўз ўнгимизда гавдаланадиГ]

Лекин хаёл процесси тасаввурларни гавдалантиришдан ва уларни шунчаки бир-бирига қўшишдан иборат бўлмайди. Хаёл процессида хотира тасаввурлари шундай қайта ишланадики, бунинг натижасида янги тасаввурлар ҳосил бўлади,".

"^Хаёлнинг специфик фаолияти хотира тасаввурларини ўзи^га^хос анализ ва синтез қилишдан иборат бўладу

^^гвёл учун материал бўладиган тасаввурлар хаёл яратиб бераётган образларга, кўпинча, тўлиқ холда кирмасдан, балки қисман қиради. Шу сабабли, хаёл процессида мавжуд тасаввурларни гавдалантириш билан бирликда ёки унинг кетидан анализ қилиш яъни тасаввурларни бўлак-бўлак қилиб бўлиш ва шу тасаввурларнинг айрим қисмларини ҳамда элементларини ажратиб олиш фаолияти рўй берадил

Сў(гра хаёлнинг **синтез қилиш фаолияти** рўй беради. Муайян тасаввурдан ажратиб олинган элементларни бошқа тасаввурлар билан ёки бошқа тасаввурларнинг элементларини билан қўшиш ва бир туркум қилиш процесси рўй беради^ Мана шундай синтез қилиш фаолиятида янги тасаввур --. хаёл тасаввури вужудга келади. .

Хаёлнинг синтез қилувчи фаолиятининг оддий формаси агглютинациядир. Агглютинация — айрим элементларни ёки бир неча буюмларнинг қисмларини битта образ қилиб қўшиш ва шуларнинг комбинациясидир. Масалан, халқ хаёлининг маҳсули бўлган русалка (сув париси) образи хотин (бош ва гавдаси), балиқ (думи) ва яшил сув ўсимлиги (соchlари) образларидан яратилган, Худди шунингдек, Булбули Гўё деганимизда, халқ тасаввурида ҳар бир нарсани билиб айтиб берадиган одамсимон (боши одам, танаси қуш) бир жонивор гавдаланади, бунда ҳам биз одам ва қуш образидан битта образ яратилганлигини кўраимиз.

Ёзувчилар адабиётдаги бадиий образларни яратаётганларида хаёлини синтез ва анализ қилувчи мураккаб фаолиятининг характерли хусусиятлари айниқса ёрқин намосн бўлади. Ҳар бир бадиий образ битта образда, ўзига хос равишда бирлаштирилган тасаввурларнинг қисмлари, элементларидир ски бутун бир тасаввурларнинг ўзидир.

Л. Н. Толстой, мен Наташа образини («Уруш ва тинчлик») яратаётганимда унинг айрим белгиларни хотиним Софья Андреевнадан, бошқа хил белгиларини синглиси Татьянадан олганман, шуларнинг ҳаммасини «янчиб аралаштирганман» ва шу тариқа Наташа образи келиб чиққан, деб сзгаи эди.

А. М. Горький деган эдики, ёзувчилар ўз асарларидаги қаҳрамонларнинг типларини бир қанча айрим таассуротлардан вужудга келтирадилар. «Қаҳрамоннинг характери шу қаҳрамон мансуб бўлган социал гурппадаги турли одамларнинг қисфаларидан олинган бир қанча айрим хусусиятлардан бунёдга келади... Бир ишчи, бир поп, бир дўкондорнинг суратини тахминан тўғри чизиб бермоқ учун уларнинг бир-икки юзтасига диққат билан разм солиб юриш керак...»

И. С. Тургенев, менда қахрамон образини яратиш процес-ийүзимга жуда кучлитаъсир қилган таассуротдан бошланади. деган эди. Ў бирор конкрет одамда — Иванда, Пётрда, Фёк-лэда «қандайдир жуда таассуротли» бир хусусият борлигини пайқа қолар экан. «Мен унга обдан разм солиб юраман... хўп ўйлайман; сўнгра ўша Фёкла, ўша Пётр, ўша Иван кўзимдан қаёкқадир ғойиб бўлади, лекин улар менда қолдирган таассурот сақланиб қолади ва етилади. Мен бу шахсларни бошқа шахслар билан такқослайман, утарни ҳар хил ҳаракатлар доирасига киритаман, шу тарика менда алоҳида бир бутун одам ҳосил бўлади...»

Хотира тасаввур тарини қайта ишлаш, янги образлар яратиш процессида хаёл фаолияти тасаввур қилинадиган буюмларни катталаштиришда ёки кичрайтиришда ифода таниши мумкин. Бу катталаштириш ёки кичрайтириш баъзи ҳолларда буюмнинг ҳамма қисмларига нисбатан мутаносиб, пропорционал бўлиши мумкин. Чунончи, рус эртақларида паҳлавонларни «қад кўтарган дарахтдан баланд, сайр қилиб юрган булутдан сал паст» қилиб кўрсатилади. Махмур «Қози Муҳаммад Ражаб тўғрисида...» номли ҳажвий шеърда Қози Муҳаммаднинг бўйини теракка ўхшатиб, «Бўйи чунонам узунки, мисли терак, осмон шипига қилсанг бўлади тиргак» дейди. Свифтнинг «Гулливернинг саёҳати» романидаги жуда катта одамлар билан лилипутларнинг образ тари мана шундай образлардир. Ўзбек халқ эртақларидаги «боши булутга тегадиган паҳлавонлар» ёки «кичкина митти хонхўжани йикитти» сўзларида ифодаланган образ ҳам шундай образлардир.

Катталаштириш ёки кичрайтириш мутаносиб бўлмаслиги, пропорционал бўлмаслиги ҳам мумкин, хаёл процессида буюмнинг фақат айрим қисмларигина катталаштирилиши ски кичрайтирилиши мумкин. Буюмнинг фақат бир қисмини бундай катталаштириш ёки кичрайтиришни *акцентировка* дейилади. • Акцентировка, асосан, карикатура тарикасидаги тасаввурларда ва суратларда намоён бўлади. Чунончи, санъаткор бирон империалистнинг карикатура тарикасидаги образини ярат; моқчи бўлса, унинг оғзини жуда катта, тишларини сўлокмон-дай, панжаларини узун ва човут солиб тургандай, қорнини \ қаппайиб чиққан қилиб, «бўрттириб кўрсатади.

Санъаткор кўп шахсларга хос бўлган ўхшаш белгиларни эжрата олиш, бўрттириб акцентлаш ва умумлаштириш йўли билан типик образлар ёки типлар яратади. Лермонтовнинг айтишига караганда, унинг асарида тасвирланган Печорин «айнан кўчирилган сурат бўлса ҳам лекин ёлғиз бир кишининг сурати эмас, бу сурат ҳозирги бўғиндаги барча айб ва нуқсонларни ўзида тўла ифодалаган суратдир».

Тип — индивидуал образдир, аммо бу образда бутун бир группа, синф, милдат кишиларининг энг характерли бел-

гилари бирга қўшилиб, яхлит акс эттирилади ёки ифодаланади.

^Хаёлнинг характерли хусусияти яна шуки, у бевосита вазиятдан «ажралиб» чиқа олади ва макон ҳамда замон жиҳатидан ҳозирги вазиятдан узоқлашган янги вазиятга «ўта олади». Шунинг учун ҳам кўпинча «Хаёл осмонида сайр қилиб юриш каби бир нарса»,— деб гаиирадилар. |Хаёл фаолияти туфайли биз, ҳозирги пайтда бизнинг олдимизда бўлмаган нарса тарнинг образларини яратамиз. Биз бу образларни узоқ ўтмишга назар ташлаб, тарихий воқеаларни, тарихий шахсларни тасаввур қилиб яратишимиз ёки келажакка — эртаги, бундан бир йил, беш йил ва юз йиллар кейинги даврга — ўз турмушимизнинг келажакга назар ташлаб, ўз келажакимизнинг образларини ва идеалларини яратишимиз мумкин. |Биз жаҳоннинг ҳамма мамлакатларини хаёлимизда кезиб чиқиб, географик объектларнинг образ тарини яратамиз, юлдузлар ва р.танеталарнинг тузилишини ҳамда планеталарда бўлишимиз мумкин бўлган хаётни тасаввур қилиб, юлдузлар оламида кезамиз. Хаёлнинг бундай «кўчиш» қобилиятининг қай даражада ўсганлиги хаёлнинг нечоғли кенг ва бой бўлишини кўрсатади.

Хаёл процессларида одам тафаккур катта ўрин олади. Бирор янги образ ёки тасаввурлар системасини яратишда одамнинг ўйлаб қўйган бирор муроди амалга оширилади, бирор вазифа ҳал қилинади. |

Кўпинча, ҳар турли абстракт назарий фикр тар хаёл йўли билан яратиладиган конкрет образларда очиб берилади. Одатда, ҳар бир рассом, шоир, композитор ижод қилиш процессида бирор масалани ҳал қилади, ўзига бирор нимани аниқлаб олади ёки бошқаларга тушунтириб беради. Лекин у ўзининг фикрларини умумий ва абстракт тушунчаларда очиб бермасдан, балки конкрет образларда очиб беради. Масалан, И. А. Крилов «Оққуш, Қисқичбақа ва Чўртанбалик» масалида «Уртоқлар аҳил бўлмаса, уларнинг иши юришмайди»,— деган фикрнинг образли қилиб очиб беради. Биз ҳар бир шеър асардан, ҳар бир бадиий суратдан, музыка асаридан шу асарларда яққол, образли қилниб очиб бериладиган асосий фикр-ни, асосий идеяни кидирамиз.

Хаёл тасаввурдаги абстракт тушунчалар ҳам ҳар хил категорияларда, метафораларда ва бошқа символик образларда конкретлашган бўлади. Чунончи, куч ёки ғурур тўғрисидаги фикр азалдан бери шер ёки Семурғ қушнинг яққол образида символик тарзда ифодаланади, имиллаб юриш тўғрисидаги фикр тошбақа образида ифода танади ва ҳоказо.

Сўнгра, тафаккур, хаёл фаолиятини тартибга, системага солиб туради. •

Чунончи, ёзувчи кўп образлардан иборат бадиний асар яратётганида унинг тафаккур фаолияти шу образларни муай-

ян тартибга келтиришда, бир бутун килиб бирлаштиришда вфодаланани.

Ихтирочи янги машина яратаётганида унда дастлаб, шу, машинанинг айрим қисмлари ва деталлари ҳамда уларнинг қандай тузилиши ва ишлаши тўғрисида умумий бир фикр ва тасаввур ҳосил бўлади. Ихтирочи фикр юритиш процессида мазкур айрим тасаввурлардан ҳосил бўлган бўлажак машинанинг битта мураккаб образини яратади.

Хаёл процессидаги мана шу хусусиятнинг нерв-физиологик асоси бош мия пўстининг ишида муайян система борлигида бўлса керак.

Тафаккур туфайли хаёл процесслари тартибга ва системага солинибгина қолмасдан, шу билан бирга, «тўхтатилиб», қонроқ қилиниб ҳам туради. Тафаккур яхши ўсмаган бўлса, билим кам бўлса, фантазия жуда узокқа «учиб кетиши» ва воқеликка ҳеч қандай ўхшашлик томони қолмаслиги мумкин. Қадимги греклар яратган мифология (афсоналар), кўп дарида, улар билимининг чекланганлиги ва тафаккурларининг ҳам шу билан даражасига яраша бўлганлиги маҳсулидир. «Грек фантазиясига, бинобарин, грек санъатига ҳам асос қилиб олинган қарашлар, яъни табиатга ва нжтимоий муносабатларга бўлган қарашлар сельфакторлар, темнр йўллар, локомотивлар ва электр телеграф мавжуд бир чоқда бўлиши мумкинми эди, ажабо?»¹. Билим ва танқидий тафаккурнинг ўсиши хаёлнинг реаллигини таъминлайди.

Хаёл тасаввурларининг пайдо бўлишида нутқ катта роль ўйнайдн. Ҳар қимга ҳам мағлумки, шу тасаввурларнинг кўпи бошқа кишилар айтиб берган ҳикояларнинг таъсири остида, шунингдек, ўқиш жараёнида, айниқса шеърий асарларни ва бадиий адабиётнинг бошқа турларини ўқиш чоғида пайдо бўлади.

Бунда яна қуйидагиларга эътиборни жалб қилиш зарур. Хаёл образлари, гарчи **тасаввурлар** деб аталса ҳам, лекин бу тасаввурлар ўзларнинг бир қанча хусусиятлари билан хастира тасаввурларидан фарқ қилади.

1. Юқорида айтиб ўтилганидек, хотира тасаввурлари илгари идрок қилинган буюмлар образининг гавдаланишидир. Хаёл тасаввурлари эса хотира тасаввурларини мураккаб ижодий қайта ишлаш натижасида вужудга келади. Хаёл тасаввурлари хотира тасаввурларининг такрорланиши эмас балки янги ҳосил бўлган тасаввурлардир.

2. Хаёл тасаввурлари кўпинча ўзининг кўпроқ тўли бўлиши, лўнда ва ёрқин бўлиши билан хотира тасаввурларидан фарқ қилади. Шу жиҳатдан қараганда, хаёл тасаввурлари идрок образларига яқинроқ бўлади.

1. к. Маркс ва Ф. Энгельс, Асарлар, XII том, I қисм 203-бем

3. Тасаввур объекти билан танишлик ҳисси ва шу объект реал мавжуд бўлиб турибди ёки мавжуд бўлган, тасаввурнинг мазмуни объектга мувофиқ келади, деган ишонч хотира тасаввурларига хос белгилардир. Бунда мана шундай ишонч идрокларнинг объективлигига бўлган ишончга яқинроқдир.

Аммо хаёл тасаввурлари эса хаамиша алоҳида бир «янгиликни» ва «номаълумликни» ҳис қилиш туйғусини беради, Шу сабабли хотира тасаввурлари тасаввур қилинган нарсанинг мавжудлигига ёки ҳаққатан мавжуд бўлганлигига ёхуд мавжуд бўлажасига алоҳида ишонч ҳисси билан боғланган бўлади ва тасаввурнинг мазмуни шу нарсага мувофиқ деган алоҳида ҳисни вужудга келтиради.

Бунда тасаввур қилинган нарсанинг реаллигига тўла ишонч бўлиши мумкин ва бунинг реаллигига шубҳаланиш, ишонмаслик ва ҳатто бу реалликнинг инкор қилиниши ҳам мумкин.

Хотира тасаввурлари ўтмишда кўрилган ва эшитилган нарсаларнинг эса тушиши билан боғланган бўлиб, пассивроқ характерга эгадир. Хаёл тасаввурларининг кўпчилиги ўзининг активлиги билан фарқ қилади: бу тасаввурлар масофа ёки вақт жиҳатдан бирмунча олисроққа интилиш билан боғлангандир.

Хаёл тасаввурларининг бу хусусиятларини шу нарса билан изохлаш мумкинки, бу тасаввурлар эҳтиёжнинг кучли равишда намоён бўлиши натижасида, инсонда қизиқиш ва идеаллар борлиги сабабли, инсонда хилма-хил ҳиссиётлар ва жумладан янгиликни ҳис қилиш туйғулари пайдо бўлганлиги натижасида вужудга келади.

Ш. ХАЁЛ ТУРЛАРИ

Хаёл ҳар хил турларда намоён бўлади. Тасаввур хаёли, ижодий хаёл, ихтиёрсиз ва ихтиёрый хаёл — хаёл турлари жумласидан бўлиб, улар бир-биридан фарқ қилади.

Тасаввур хаёли ва ижодий хаёл

Тасаввур хаёли деб, ҳозир ёки ўтмишда аслида бўлган мавжуд бўлса ҳам, лекин бизнинг тажрибамизда ҳали учрамаган ва биз идрок қилмаган нарса ва ҳодисалар тўғрисида тасаввур ва образлар яратишдан иборат бўлган хаёл турини айтаёмиз. Бу нарсаларнинг образлари бошқа кишиларнинг айтиб берган сўзлари асосида, шунингдек, ёзма ва бошқа ҳужжатлар асосида яратилади. Масалан, Шимолий қутб тўғрисидаги тасаввурлар — тасаввур хаёли маҳсулидир. Масалан, Суворов, Қутузовнинг зафарли ҳарбий юришлари тўғрисидаги, 1905 йилги революцион воқеалар тўғрисидаги тарихий тасаввурларимиз ҳам мана шундай тасаввур хаёли маҳсулидир.

Мана шу ҳамма мисоллардаги тасаввур объектлари hozир ёки ўтмишда аслида бўлган бўлса-да, лекин биз ўзимиз бево-скта идрок қилмаган объектлардир.

Албатта, 1905 йилдаги революцион кураш қатнашчилари-да мазкур тасаввурлар хаёл махсули бўлмайди, балки улар-даги хотиранинг махсули бўлади.

Шундай қилиб, тасаввур хаёли процессида одам ўзи кўз олдига келтираётган образнинг объекти ҳақиқатан ҳам муай-ян жойда бўлганлигини ёки муайян вақтда бўлганлигини англайди. Тасаввур хаёлининг характер.ти хусусияти ҳам ма-ка шудир.

Масалан, архив ҳужжатлари ва тарихий ёдгорлик билан ишлаётган тарихчининг хаё.ти ҳам шу жумладандир, чунки. у тарихда бўлиб ўтган воқеаларни шу материаллар асосида кўз олдига келтиради.

Кимдир — биров маълум бир системага солган, ундаги образларни ҳам яратган тайёр материал асосида бирон-бир образ яратаётганда қилинган хаёл ҳам тасаввур хаёли бўла-ди. Масалан, бадиий асарни ўқиганимизда, бадиий суратни кўрганимизда, техника чертёжларини ва схемаларини ўқи-ганимизда ҳикоя эшитганимизда бизнинг онгимизда шахслар-, нинг, сурат.тарнинг, табиат манзараларининг, воқеаларнинг образлари пайдо бўлади. Бунда бошқа шахслар яратган тай-ёр образнинг ўзигина ўзлаштирилади, дейиш мумкин. Бунда муайян бир образни тасаввур қилиш кўп жиҳатдан авторнинг яратган образи қандай усуллар билан бунёд қилинганига боғлиқ бўлади, авторнинг бадиий маҳоратига боғлиқ бўлади, Лекин, шу билан бирга, тасаввур қилинаётган образнинг му-айян бир даражадаги мазмуни, тўлиқлиги, ёркинлиги шу об-разни идрок қилувчи одам хаёлининг қай даражада ўсан-лигига ҳам боғлиқ бўлади. Ҳар бир киши ўқиётганида, кўраётганида, эшитаётганида объектга мувофиқ ўз образини яратади. Масалан, Л. Н. Толстойнинг «Анна Каренина» ро-манини ўқиган ҳар бир китобхон Аннанинг, Вронскийнинг,- Левиннинг ва бошқаларнинг маълум даражада ўзига (шу ки-тобхонга) хос бўлган образини яратади.

Географик карталарга кўз юритилган вақтда ва геогра-фияга доир китобларни ўқиган вақтда ҳам, одамда реал гео-график объектларнинг—тоғлар, дарёлар, денгизлар, ўрмонлар ва шу кабиларнинг образлари вужудга келади. Чертёжлар ва суратларни кўздан кечириётган кишида ишлаб турган маши-наларнинг тегишли образлари вужудга келади.

Ўқитиш процессида ўқувчиларда тасаввур хаёли уларнинг шахсий тажрибаларида учрамаган ёки замон ва макон жиҳа-; тидан уларга узок бўлган объектлар тўғрисидаги билимларни ўзлаштиришларида намоён бўлади. Масалан, тарихга, гео-графияга, косм.ографияга ва бошқа шу каби фанларга доир

билимлар мана шундай тасаввур хаёли процессида ўзлаш-тирилган билимлардир.

Ижодий хаёл деб, бизнинг тажрибамизда бўлмаган ва воқеликнинг ўзида ҳам учрамаган нарса ва ходисалар ҳа-қида тасаввур ва образлар яратишдан иборат бўлган хаёл турини айтилади.

Одам ўзининг ижодий хаёлида ўзи бирор янги, оригинал нарса яратади. Масалан, ёзувчи ўз асари учун персонажлар-нинг типик образларини яратаётганида унинг хаёли мана-шун-дай ижодий хаёл бўлади. Ихтирочининг янги машина, янги асбоб проектини яратаётганидаги хаёли мана шундай ижодий хаёлдир. Тадқиқотчининг бирор гипотеза ёки эксперимент планини яратаётганидаги хаёли мана шундай ижодий хаёлдир.

Ижодий хаёлнинг ўзига хос хусусиятлари қуйидагилардан иборат бўлади. Аввало яратилаётган образнинг объекти ҳақи-қатда йўқлиги, қандайдир бирон янги нарса яратилаётганли-ги англанади.. Сўнгра, жамиятнинг ва шу муайян кишининг эҳтиёж ва манфаатлари ўша образни яратишга рағбатланти-ради, шу образнинг яратилиши ўша образни яратаётган одам-даги шахсий тасаввурлар ва билимлар запасига, шунингдек, ўша одам хаёлининг алоҳида ижодий хислатларига боғлиқ бўлади.

Ижодий хаёл образлари сўзларда ёки моддий объектларда гавдалантирилиши, тасвир қилиниши мумкин.

Ижодий хаёл санъатнинг ҳамма турларида—поэзияда, музыкада, тасвирий санъатда (сураткашликда), архитектура-да, кишлоқ хўжалигидаги новаторликда, фан ва техника со-ҳасидаги ихтироларда намоён бўлади. Ижодий хаёл процесси-да одам ўз онгида фақат янги мазмун яратишга қаратилганли-ги, шу билан бирга, объектив оламда янги реал нарсалар ҳам яратади.

Шуни назарда тутиш керакки, тасаввур хаёли билан ижо-дий хаёл ўртасидаги фарқ фақат нисбий фарқдир. Ижодинг хаёл процессида бўлгани каби, тасаввур хаёли процессида ҳам объектларнинг образлари яратилади, янгидан ижод қилинади, ҲаДлнинг бу икки тури ҳам аслда ижодий процессдир.

Орзулар ва ширин хаёл суришлар ижодий хаёлнинг ало-ҳида турларидир.

Орзу — ижодий хаёлнинг тилакдаги келажакка қаратилган фаолиятидир. Орзу қилиш — кўнглимизга ёқадиган истикбол образларини яратиш демакдир. Чунончи, ёш йигит қандай ки-либ келгусида педагог, инженер, токаръ, врач, трактор ҳай-довчи, учувчи ва ҳоказо бўлишни орзу қилади. Бошқа бир нигит қандай қилиб келажакда Ватан фахрланадиган катта қаҳрамонлик кўрсатишни орзу қилади.

Ширин хаёл суриш — муайян бир нарсага қаратилмаган | муайян бир системага эга бўлмаган хаёл процессидир. Ширин

хгёлга ботган вақтда турли образлар кўз ўнгидан бирин-кетин бетаотиб ўта беради. Бу тасаввурлар жараёнини тафаккур тартибга солмайди. Орзуларда бўлгани каби, ширин хаёл сўишда ҳам, асосан, ўзимиз хуш кўрган образлар пайдо бўлади. Шу сабабли Уқў.пинча, ширин хаёл суриш одамга бахш этади.;

Ширин хаёлга ботиш, одатда, одам пассив, иродаси бўшашган пайтда, масалан, каттиқ чарчагандан кейин истирохат қилаётган вақтда, кўз уйқуга кетаётган ва уйқудан уйгонган вақтда (одам ухлаб бораётган ёки уйқудан уйғонаётган пайтларда) пайдо бўлади. Ширин хаёл суриш нерв системаси бетобланиб ҳолсизланган вақтда, баъзан психик касалликлар вақтида иситма чиқаётганида, нерв системаси (алкоголь, кокаин морфий билан) захарланган вақтда пайдо бўлади,

Ихтиёрсиз ва ихтиери хаёл

Ихтиёрсиз хаёлда олдиндан белгиланган мақсад бўлмайди, бунда ирода актив иштирок қилмайди. Образлар бу ҳолда ўз-ўзидан пайдо бўлади.

Ихтиёрсиз хаёл аввало кондирилмаган шу топдаги эҳтиёж сабабли туғилади. Масалан, одам сувсиз чўл-биёбонда юриб жуда чанқаб қолган вақтда унинг хаёлида булок, даре ва шу кабиларнинг образлари беихтиёр пайдо бўла бошлайди,

Бирор чарса ёки ходисани идрок қилиш, тасаввур қилиш, бирор фикр, нутқ, хисларнинг таъсири билан ҳам ихтиёрсиз хаёл туғилади. Чунончи, тарих, географияга оид китобларни, техникага дойр китобларни ва айниқса бадиий асарларни ўқиган вақтда бизнинг онгимизда турли жойларнинг, воқеаларнинг шахсларнинг ва бошқа шу кабиларнинг образлари беихтиёр пайдо бўлади. Музыка тинглаган вақтда ҳам худди шундай бўлади. Бадиий асарларнинг хусусияти шундаки, биз бу асарларни идрок қилаётганимизда. (ўқийётганимизда, кўраётганимизда тинглаётганимизда), улар бизда беихтиёр хаёл пайдо қилади,

ОЗУ ва ширин хаёл суриш, кўпинча, беихтиёр пайдо бўлади.

Бизнинг туш кўришимиз ҳам ихтиёрсиз хаёл фаолиятидир. Одатда киши каттиқ ухламаган вақтда туш кўради; уйқу вақтида гарчи заиф ҳолда бўлса ҳам, ҳар ҳолда, туғилдиган сезгилар киши организмнинг ҳолати ва эҳтиёжлари, шунингдек киши бедор юрган чоғида туйғусида кечирган хиссиётларга Уйқу вақтида беихтиёр пайдо бўладиган тасаввурлар одамнинг туш кўришига сабаб бўлади.

Масалан, биз салқин уйда иссиқ кўрпа ёпиниб, ухлаб етпик-кечаси қўлимиз ёки оёғимиз очилиб қолганида биз совуқ кота бошлаймиз. Мана шу совуқни сезиш хаёлни ишга солади, ўшанда, масалан, биз шундай туш кўрама; биз қор босган

!
Щ Г
,
хузур.
Л

йулда оёқ. яланг кетаётган бўламиз, ўзимизни совуқдан панага олишга ҳаракат қиламиз, иссиқ. бинога кириб олишга кўп УР намиз-у, лекин буни удралай олмаймиз ва хоказо.

• - Павловнинг фикрича, туш кўришнинг физиологик асоси «илгариги таъсиротларнинг» нервда қолдирган излари * I > * * * Уқлмаган бир тарзда бир-бири билан боғланишида Дир.

лаелнинг беихтиёр процесслари бетартиб равишда ўтмай, оалки муайян бир нарсага йўналган бўлади. Бу йўналиш шахсинг эҳтиёжлари, мақсадлари, хиссиётлари, теварак-атрофдаги воқеликни идрок қилиши, унинг устун турган тасаввурлари ва фикрлари билан белгиланади.

Ихтиери хаёл олдиндан белгиланган мақсадга йўналган бўлади, муайян образни яратиш учун зарур бўлган материални танлаш, ирода кучини ишлатиш йўли билан вужудга келади. Мақсадни бошқалар белгилаб бериши ҳам мумкин, масалан: партия ва ҳукуматнинг топшириғига биноан, бизнинг мутахассисларимиз Куйбишев ва Волгоград гидроэлектр «анциялари қурилишининг проектини яратиш бердилар, Шахе ҳам уз ташаббуси билан ўз олдига мақсад қўйиши мумкин, масалан: рассом, шоир ўзи чизмоқчи бўлган суратнинг йКЙ уз шеърий асарининг темасини ўзи белгилайди. Албатта оадиин асарда ижтимоий вазифалар ифодаланади, лекин асарнинг конкрет темаси, шу темага мувофиқ келадиган композиция рассомнинг, шоирнинг ўз ташаббуси билан белгиланади,

Санъат асарларининг ҳаммаси аввало ихтиёрий хаёл маҳсулларидир. Ихтиери хаёл ихтиёрсиз хаёлдан ажралган ҳолда руи бермайди: ихтиёрий хаёл процесси хашиша беихтиёр қилинадиган хаёл моментларини ўз ичига олади Маълумки, музыка ижодиётининг шеърий ёки бошқа бир ижодиётнинг ихтиери фаолият тарикасида ўтадиган мураккаб процесслари кўпинча беихтиёр қилинадиган хаёл фаолиятини ҳам уз ичига олади. Шоирлар, раесомлар муайян темада ўз асарларини (ихтиёрий равишда) яратаётганларида, баъзан беихтиёр пайдо булган образлар, хислар, фикрларга берилиб кетгандек буладилар.

Мана шундай беихтиёр ижодий процессини кўрсатувчи бир неча мисол келтирамиз.

гус шоири А. В Кольцов бундай деб хикоя қилади: «Мен отамнинг қуилари билан чўлда тунаб қолган эдим. Тун тим қоронғи эди, ҳаммаёқ шу қадар жимжит эдики, ўтларнинг шитирлагани ҳам эшитилар эди. Тепамдаги осмон ҳам баланд қоронғи эди, ундаги юлдузлар ярқираб кўринарди. Уйқум келмасдан осмонга тикилиб ётдим. Тўсатдан миямда шеърлар туқила бошлади. Шу вақтгача миямни нуқул пойма-пой, бир-бирига боғланмаган қофиялар банд қилиб юрар эди, энди оулса шу қофиялар муайян шаклга кирди. Мен безгак тут-

гандек, сапчиб ўрнимдан турдим. Менинг бу ҳолатим туш эмаслигини текшириб кўрмоқ учун шеърни баланд овоз билан ўқий бошладим. Уз шеърларимга ўзим кулоқ солаётганимда менда ғалати бир ҳис пайдо бўлди».

И. А. Гончаров ўзининг ижод қилиш вақтидаги фаолияти тўғрисида қуйидагиларни айтган: «Менда ҳамиша битта образ ва шу билан бирга асосий мотив бор, ана ўшанинг ўзи ҳамиша мени олға судрайди, мен бўлсам йўл-йўлакай дуч келган нарсани, яъни шу образга яқин бўлган нарсани тўсатдан илиб оламан. Ана шунда жон-дилим билан, жадал ишга тушаман, қўлим ёзишга улгуролмай қолади. Аммо миям ишлай беради, турли башаралар мени сира тинч қўймадилар, олдимга кел-лнб жилваланадилар, турли алпозда қўринадилар, уларнинг гапини эшитаман, аксари, назаримда уларни мен ўйлаб чи-карганим йўқдек, улар барчаси менинг кўз олдимда гир-капа-лак бўлиб, айланиб юргандек туюлади ва мен уларга қараб туриб, яхши ўйласам бўлганидек фахмлар эдим».

П. И. Чайковский ўзининг ижодий ҳолати тўғрисида бундай деб ёзган эди: «...баъзан бутуилай янги мустақил музика мавзуй пайдо бўлади. Унинг қаердан пайдо бўлиши билиб бўлмайдиган бир сирдир. Масалан, бугун эрталабдан бошлаб мен ўзим ҳам тушуна олмайдиган ва қаердан пайдо бўлганлигини ўзим ҳам билмайдиган жўшқин илҳомга берилиб кетдим, шу нарсани олдиндан биламанки, шундай жўшқин илҳом туфайли шу кун ёзган нарсаларимнинг ҳаммаси кишининг қалбига ёқа-диган ва унда таассурот қолдирадиган нарсалар бўлади».

Қадим замонлардан бошлаб кучиларда, шоирлар, рас-сомлар, философлар ўз асарларини қандайдир «илоҳий куч-лар»нинг кўрсатиши билан, «илоҳий куч» берган илҳом билан яратадилар, деган фикр пайдо бўлганлиг^{нинг} сабаби ҳам ана шунда. Ижод қилиш вақтида алоҳида илҳом келади де-ган «таълимот» яратилган. Буржуа идеалистик психологияси ижодий процессларга онг аралашмайди деган ва фанга хилоф бчлган қарашларни тарғиб қилади.

Аслда эса шоирнинг, рассомнинг, олимнинг, ихтирочининг ижодий фаолиятида ташки кучлар қатнашмайди, балки бу ижодий фаолиятда унинг ўз кучлари — унинг тажрибалари, билимлари намоён бўлади, тафаккурининг, хаёлининг- дикка-тининг қай даражада ўсганлиги намоён бўлади. Албатта, ижодий илҳомланиш сингари мураккаб ҳодиса батамом беих-тиёр хаёл қилиш фаолиятдан иборат бўлмайди. Лекин, ҳар холда, беихтиёр бўладиган хаёл ижодий фаолиятда катта ўрин тутади

Шу билан бирга, ижодий хаелнинг маҳсулдорлиги, асосан, ирода кўрсатиб, ғайрат билан ишлашга боғлиқдир, Хаёл^{фао-}лиятини кўзғатиш, тегишли образларни яратиш^{учун} улур кишиларнинг ҳам кўп фикр ишлатишлари, зўр ирода к^{рса-}

тиб, ғайрат билан, кўп меҳнат сарф қилиб, тиришиб ишлаш-лари лозим бўлган.

Машхур рассом академик И. Э. Грабарь композитор П. И. Чайковский тўғрисидаги хотираларида «илҳом ҳақида» айтилган қуйидаги гапларни келтиради:

«Қачон илҳом келар экан деб, кутиб ўтириб бўлмайди,— Деди Чайковский,— зотан, биргина илҳомнинг ўзи кифоя ҳам қилмайди: биринчи галда керак бўладиган нарса — меҳнат, меҳнат ва яна меҳнатдир... Мен ҳар кун эрталаб ишга ўтира-ман ва ёза бераман, агар бугун ёзганларимдан ҳеч бир нарса чикмаса, эртага шу'ишни яна бошлайман, икки кун, ўн кун бўлса ҳам ёза бераман, шунда ҳам ҳеч нарса чикмаса, бари-бир, умидсизланмайман, ниҳоят, ўн биринчи^{кун} ишлаганим-Д^а» қарабсизки, бирор керакли асар пайдо бўлади.

— «Пиковая дама» ёки «Бешинчи симфония» сингари асарлар демокчимисиз?

— «Ха, шулар сингари асарлар...»

Асосан айрим образлар, образлар комплекси беихтиёр яра-тилиши мумкин, булар баъзан янги ва ёрқин образлар бўлса ҳам, лекин айни вақтда системасиз, тартибсиз бўлишлари тур-ганган^{га} хаёлда пайдо бўлган бу чала-чулпа образларни тар-тибга^{га} солмоқ, туркумлаштирмоқ, системага солмоқ, яхлит бир нарса яратмоқ^{учун} фикр ва ироданинг зўр бериши, меҳнат қилиш лозим бўлади-

IV. ХАЕЛ ҚИЛИШДАГИ ИНДИВИДУАЛ ФАРҚЛАР

Хаёл^{фао-}лияти кенглиги, мазмундорлиги, кучи ва реалли-ги^{ги} жиҳатларидан фарқ қилади. Хаелнинг бу хусусиятлари айрим^{ай} кишиларда турлича намоён бўлади ва ҳар бир шахе-нининг^{нинг} ўзига^{хос} характери^{ни} белгилайди.

Иккинчи томондан^{дан} одамнинг^{нинг} вужуд^{да} келган индивидуал хусусиятлари ҳам унинг хаел қилиш фаолиятида намоён бў-лаверади. Шу сабабли, хаел қилиш процессларига ва хаёл образларнинг^{нинг} ҳосил бўлишига одамнинг^{нинг} дунёқараши, ижти-мой-сиесий қарашлари ва ахлоқий принциплари ҳам таъсир қилаверади.

Хаёл кенглиги ва мазмундорлиги

Хаёл кенглиги^{ги} воқеликнинг^{нинг} кишилар хаел фаолияти учун объект бўладиган соҳалари доираси билан белгиланади. Та-биатнинг^{нинг} ҳозирги ва келажак ҳолати, одамларнинг^{нинг} ўтмишдаги^{да} келажакдаги тарихий ҳаёти, ер остидаги нарсалар, осмон^{да} Ундаги^{да} юлдузлар, техника ва санъат хаел фаолияти учун объект^{объект} бўладиган^{ана} шундай соҳалар жумласидандир. Одам-нинг^{нинг} хаели^{ли} шундай соҳаларнинг^{нинг} нақадар купини уз ичига олса,

унинг хаёли шунчалик кенг бўлади. Кишининг хаёли кўпинча реал воқеликдан, мавжуд бўлган ва рўёбга чиқарилиши мумкин бўлган нарсалар доирасидан четга чиқиб кетади. Буни «соф фантастика соҳаси» деб атайдилар, одам кўпинча ўз орзулари ва ширин хаёлларида мана шу «соф фантастика соҳаси»га чиқиб кетади.

Хаёлнинг мазмундорлиги бирор объектга нисбатан хаёлда туғилаётган тасаввурларнинг бойлиги хилма-хиллиги ва маънодорлиги билан белгиланади. Шунинг учун ҳам фалон кишининг хаёли мазмундор (хаёли бой) ва фалон кишининг хаёли кам мазмун (хаёли камбағал) деб гапирамыз.

Хаёл кенглиги ва мазмундорлиги, одатда, бир-бири билан чамбарчас боғланган бўлади. Кенг хаёл кўпинча мазмунга ҳам бой бўлади. Биз ўз ижодиётида турли замонлар ва турли жойлардаги фактлар ва воқеаларни акс эттири олган Пушкин, Л. Толстой, Горький, Жюль Вернларнинг хаёли кенг ва бой бўлган деб гапирамыз. Гоголь асарларидаги кўпгина қаҳрамонларни, масалан, «Старосветские помещики» асарида тасвирланган помещикларни, «Шинель» асаридаги Акакий Акакиевични, аксинча, фантазияси тор, шу билан бирга, мазмунсиз фантазия деб ҳам гапирамыз.

«Старосветские¹ помещики» асарининг автори, ўша помещиклар яшаб турган вазиятда — «ҳеч бир истак ҳовли деворидан нарига чиқмайди» деб қайд қилиб ўтган эди. Афанасий Иванович баъзан Пульхерия Ивановнага ҳазил қилиш ва унга доир фантазиялар тўқишни яхши кўради. Лекин шунда ҳам Афанасий Ивановичнинг фантазияси ҳовли деворидан «нарига чиқмас» эди.

[«Баъзан, ҳаво очиқ бўлиб, уйлар яхши иситилган бўлса, Афанасий Иванович вақти чоғ бўлиб, Пульхерия Ивановна билан ҳазиллашишни ва бирор бегона нарсалар тўғрисида гаплашишни яхши кўрарди.

«Пульхерия Ивановна, қани айтингчи», — дер эди у: «агар уйимизга тўсатдан ўт тушиб кетса, қаёққа қочиб қутуламиз?»

«Бунақа офатдан худо сақласин!» дея эди Пульхерия Ивановна чўқиниб.

«Башарти уйимиз ёниб кетди деб фараз қилайлик, ўшанда Сиз қаёққа қочиб борамиз?»

«Тавба, нималарни дейсиз, Афанасий Иванович! қандай қилиб бу уй ёниши мумкин? Худо бунга йўл қўймайди».

«Хўш, башарти ёниб кетса-чи?»

«Башарти шундай бўлса, биз кухняга кўчиб ўтамиз. Сиз хизматчи хотин турган хонада вақтинча яшайверасиз».

«Башарти кухня ҳам ёниб кетса-чи?»

¹ Эски удум ва урф-одатларни ўз ҳаётининг қонуни қилиб олган киши.

«Эй, қўйсангизчи! Уйни ҳам, кухняни ҳам бирдагина ёниб кетишдан худонинг ўзи сақлайди! Башарти шундай бўлса, янги уй қурилгунча, ўтинхонага кўчиб ўтамиз».

«Башарти ўтинхона ҳам ёниб кетса-чи?»

«Худоё тавба, нималар деяпсиз! Бунақа гапларингизни эшитгим ҳам келмайди! Бунақа гапларни гапириш гуноҳ, бу гаплар худога ҳам ёқмайди».

Лекин Афанасий Иванович Пульхерия Ивановнани ҳазиллашиб, калака қилганидан мамнун бўлиб курсида жилмайиб ўтирарди.]

Ҳар бир кишининг хаёли, асосан, фаолиятининг бирор муайян соҳасида намоён бўлади. Шу сабабли, конструктив хаёл, техникага доир хаёл, илмий хаёл, бадий хаёл, музикавий хаёл деб ном олган хаёллар бор. Баъзи кишилардаги (масалан, Ломоносов, Леонардо да Винчи) кенг ва бой фантазия турли соҳаларда намоён бўлган.

Хаёл кенглиги ва мазмундорлиги, кўп даражада, одамнинг тажрибасига ва билимларига боғлиқдир. Одамнинг тажрибаси нақадар кўп бўлса, унинг билимлари нақадар бой бўлса, унинг хаёли ҳам шунчалик кенг ва мазмундор бўлиши мумкин. Маълумки, улуғ ёзувчилар, шоирлар, ихтирочилар (Леонардо да Винчи, Ломоносов, Пушкин, Горький, Бетховен ва бошқалар) хаёллари ниҳоятда бой бўлиши билан бирга, кўп нарса кўрган, кўп тажрибага ва кенг билимга эга кишилар ҳам эдилар.

Маълумки, Жюль Верн, ўзининг шухратини бутун оламга ёйган адабий фаолиятга — илмий-фантастик романлар ёзишга киришмасдан олдин фактларни жуда диққат билан ўрганган эди. У ўз замонидаги кашфиётлар ва ихтироларнинг ҳаммаси билан танишиб чиқди. У кўп нарса ўқиган, кўздан кечирган, ўрганган киши эди. Бу ёзувчи фаннинг турли соҳалари — археология, география, тарих, табиёт тарихи, анатомия, физиология, астрономия, математика ва бошқа шу кабилар билан шуғулланиш натижасида ҳосил қилган маълумотларини айрим карточкаларга ёзиб борган. Шу тариқа, у 20 мингдан кўпроқ карточка тўплаб қолдирган.

Л. Н. Толстой «Уруш ва тинчлик» асарини ёзаётганида кўп материаллардан фойдаланган. Л. Н. Толстойнинг ўзи айтишига қараганда, шу материаллардан «бутун бир кутубхона вужудга келган».

Космик кема вужудга келтирилганлиги ҳам, ичига одам тушган шу кеманинг учиши ҳам инсон фантазияси гоят юксак даражага кўтарилганлигининг маҳсулидир. Лекин шу кеманинг реал образини яратмоқ ва кеманинг ўзини ясамоқ (қурмоқ) учун катта билимлардан ҳамда физика, химия, математика, астрономия ва шу каби хилма-хил фанларнинг муваффақиятларидан фойдаланиш зарур бўлди.

Тажриба ва билим хаёл процессида қайта ишланадигая материалгина бериб қолмасдан, балки, шу билан бирга хаёл фаолиятининг маълум бир йўлдан боришини ҳам беагилаб беради,

Хаёл кучи

Хаёл кучли ва кучсиз бўлиши мумкин. Биз хаёл кучига хаёлда яратилаётган образлар воқеликни идрок қилишдан хосил бўлган образларга қанчалик яқинлашганлигига қараб, баҳо берамиз. Баъзан хаёл шунчалик кучли суратда ишлайдики, биз хаёл объектларини худди кўзимиз билан кўриб тургандек, қулоғимиз билиб эшитиб тургандек ёки қўлимиз билан ушлаб сезаётгандек бўламиз. Бундай ҳолларда реал воқелик билан фантазия образлари ўртасида тафовут қолмагандек бўлади.

Диккенс ўз қаҳрамонларининг тортган азобларини ва уларнинг ўлишини тасвирлаётган вақтида уларни кўраётгандек бўлиб кўзи жиқ ёшга тўлар экан.

Глинка «Иван Сусанин» операсини яратган вақтида Сусаниннинг поляклар билан учрашиб қолганида ғоят ҳаяжонга тушганлигини эслаб, менинг ҳам «сочларим диккайиб кетди ва баданим жимиллашиб, музлаб қолди» деб ёзади.

Чайковский ўзининг хотира дафтарида «Пиковая дама» операсини ёзиб тамомлаган куни «Герман жон берган пайтда мен хўнграб йиғлаб юбордим» деган сўзларни қайд қилади.

Бетховен музыка оҳанглари шу қадар ёрқин ва аниқ тасаввур қилар эканки, худди қулоғида жаранглаб тургандек бўлар экан, у тамомила қар бўлиб қолган вақтида ҳам «Тўққизинчи симфония» сингари улуғ асарлар ярата олганлигининг сабаби ана шунда.

А. Н. Толстой ўз адабий маҳоратини ошириш учун қандай ишлаганлигини ҳикоя қилиб қуйидагиларни ёзади: «Мен бирор нарсани кўз олдимга яққол қилиб келтиришни машқ қилдим. Бора-бора мен ўзимдаги бу қобилиятни шу қадар тараққий эттирдимки, кўпинча бирор воқеани эслаганимда, булиб'утган воқеа билан хаёлимдаги воқеани чалкаштириб юборадиган бўлиб қолдим».

Хаёл кучи аввало одам эҳтиёжининг, қизиқишларининг ва истакларининг кучига боғлиқ бўлади. Фақат шу бугуннигина уйлайдиган, шу бугунгисига мағрур ёки ўзи-ўзига мағрур кишиларда хаёл жуда кучсиз бўлади.

Тасаввур хаёлни кучи, жумладан, нутқда, суратларда, бўёқларда, чертёжларда, оҳангларда ва бошқа шу қабилада образнинг нақадар маҳорат билан ифодаланганлигига ва гавдалантирилганлигига боғлиқ бўлади. Масалан, биз Навоий,

Пушкин, Лермонтов, Гоголь, Тургенев, Л. Толстой, Горькийнинг бадий асарларини ўқиётганимизда, шу асарларда тасвирланган айрим персонажлар, воқеалар, табиат манзаралари куз олдимизда ёрқин ва яққол газдаланади. Санъатнинг асосий вазифаларидан бири ҳам шуки, у томошабинлар ва тингловчиларнинг кўз ўнгида энг жонли ва равшан, жуда ёрқин ва яққол образлар гавдалантиришидир.

Хаёл кучли ҳиссиётга боғлиқ бўлади, бу ҳиссиётлар хаёлий образлар туфайли туғилади ва шу билан бирликда хаёл фаолиятини ҳам рағбатлантиради. Бу ҳислар қанчалик кучли бўлса, хаёлий образлар ҳам шунчалик кучли, ёрқин ва жонли бўлади. Ҳиссиёти кучли, эҳтиросли одамларнинг хаёли ҳам кучли бўлади. Ҳиссиёти кучсиз, совуққон одамларнинг хаёлий образлари одатда нурсиз ва заиф бўлади. Хаёл кучи диққатга ва теварак-атрофдаги воқеликнинг идрок қилинишига боғлиқ бўлади. Агар бизнинг диққатимиз теварак-атрофдаги вазиятнинг идрок қилиш билан банд бўлса, у ҳолда хаёл процесси сусайиб кетади. Агар диққатимиз хаёл қилинаётган объектга батамом банд бўлиб қолса, у ҳолда идрок қилиш сусайиб кетади. Баъзан киши «хаёл суриб» кетиб, теварак-атрофдаги нарсаларни (гўё кўрмаётган ва эшитмаётгандай) пайқамай қолади.

Киши ухлаган вақтида теварак-атрофдаги ходисаларни идрок қилмайди, шунинг учун ҳам хаёл процесси туш кўриш тарикасида намоён бўлади ва тушдаги нарсалар реал идрок қилинган нарсалардек равшан кўринади.

Хаёл кучи кўп даража кишининг умумий аҳволига ва нерв системасининг ҳолатига: кишининг тетиклигига ёки чарчаб қолганлигига, соғлигига ёки бетоблигига боғлиқ бўлади.

Кўп кишиларга маълумки, кишининг температураси ошиб кетганида унинг фантазияси зўр бериб ишлайди, унинг хаёлида пайдо бўлаётган образлар ғоят ёрқин ва тез-тез такрорландиган образлар бўлиб қолади. Бу ҳолда кишининг хаёли беихтиёр хаёл суриш тарзида ўтади. Нерв системаси касалланиши натижасида, фантазия образлари кўпинча реал идрок қилинган нарсалардек кучли ва ёрқин бўлади, галлюцинацияга (алахсирашга) айланади. Галлюцинациянинг ўзи аслда хаёликнинг кучли намоён бўлишидир. Бундай ҳолатда хаёлий образларнинг назарида худди идрок қилинаётган образлардек гавдаланади. Нерв системаси касалланиши натижасида кўпинча реал нарсаларни ҳам киши нотўғри идрок қилади — иллюзия хосил бўлади.

Хаёлий процессларнинг нерв системасининг касаллик ҳолатига боғлиқ бўлган бу хусусиятлари паталогик ходисалар соҳасига тааллуқли хусусиятлардир. Биз кучли хаёл тўғрисида ижобий маънода гапирган вақтимизда, нерв системасининг нормал ҳолатида ўтадиган хаёлни кўзда тутамиз,

Хаёлнинг реаллиги

Хаёл процессларида воқелик ўзгарган тарзда акс эттирилади. Бунда хаёл яратаётган образлар воқеликка мос келиши, воқеликни тўғри акс эттириши мумкин ва бу воқеликка мос келмаслиги ҳам мумкин.

Воқеликни тўғри акс эттирган хаёлий образлар *реал образлар* деб айтилади. Бу образларни яратувчи хаёл *реал хаёл* дейилади. Масалан, Пушкин, Горький, Шолохов, Фадеев яратган бадий образлар воқеликка зид эмас, балки воқеликни бизнинг одатдаги идрок қилишимизга қараганда ҳам ёрқинроқ тўлиқроқ акс эттирган образлардир.

Хаёл яратган образлар турмушда гавдалантирилган ва ҳақиқатан гавдалантирилаётган тақдирда, турмуш шу образларга мувофиқ қайта қурилаётганида, янги бойликлар яратилаётганида бундай хаёл ҳам реал хаёл бўлади.

В. И. Ленин 1919 йилда РКП (б)нинг VIII съездида ҳали, амалга оширилмаган орзу ҳақида гапириб, бундай деган эди: «Агарда биз эртага 100 мингта энг яхши трактор бера олсак, уларни бензин билан, машинистлар билан таъминлай олсак эди (ҳозирча бу фақат фантазия эканлигини сиз яхши биласиз), у вақтда ўрта деҳқон: «Мен коммуния тарафдориман» (яъни коммунизм тарафдориман) дея р эди»¹.

Бу орзу, бу фантазия тез амалга оширилди. 1930 йилнинг ўзидаёқ ёлғиз Волгоград трактор заводининг бир ўзи мамлакатга 220 минг трактор берди.

1963 йилда эса мамлакатимиз далаларида Ватанимизда ишлаб чиқарилган бир ярим миллиондан кўпроқ трактор ишлади.

Одамнинг космосга учиши яқин-яқингача ҳам рўёбга чиқмайдиган орзу, деб ҳисобланиб келган эди, эндиликда эса совет космонавглари космосда бир неча ўн миллион километр масофани босиб ўтдилар. Энди биз Ойга, Марсга, Венерага, Қоинотнинг бошқа планеталарига учишни орзу қилмоқдамиз. Бу орзу ҳам реал орзудир. Бу орзу ҳам амалга оширилади.

Биобарин, агар хаёлда яратилган образлар амалга оширилиши мумкин бўлса ва ҳақиқатан амалга оширилаётган бўлса, бундай образларни яратиб берган хаёлни реал хаёл деб айтамыз. Техниканинг, санъатнинг ҳамма турлари мана шундай реал хаёл маҳсуллари дидир. Мактаб ўқувчисининг «келгусида қаҳрамон бўламан» деган орзуси ва шу орзунинг ҳақиқатан амалга оширилганлиги мана шундай реал орзудир. Совет кишиларининг коммунистик жамият қуриш планларимизни тузиш ва амалга ошириш вақтида қилаётган хаёллари мана шундай реал хаёл намунаси дидир.

¹ В. И. Ленин, Асарлар, 29-том, Ўздавнашр, 215-бет.

Кучли реал хаёл илмий башоратнинг, фан истиқболини олдиндан кўришнинг энг муҳим таркибий бўлакларидан биридир. Масалан, К. Э. Циолковский мана шундай жуда кучли реал хаёл қилиш қувватига эга эди. Бу ҳақда Ю. А. Гагарин қуйидагиларни ёзади: «Шуни айтишим мумкинки, Циолковский ўзининг «Ердан ташқарида» деган китобида мен ўзим учган вақтда кўрган нарсаларнинг ҳаммасини жуда равшан тасаввур қилган. Космосга кўтарилган инсоннинг кўзи олдида гавдаланган оламни Циолковский ҳаммадан кўра равшанроқ тасаввур қилган эди».

Хаёлнинг реаллиги одамнинг тажрибасига, унинг билимларига, ундаги танқидий тафаккурнинг қай даражада ўсганлигига ва одамнинг турмуш тажрибаси билан қай даражада алоқаси борлигига боғлиқдир.

Хаёлда яратилаётган образлар амалда рўёбга чиқарилмайдиган бўлса ёки бу образларни амалга ошириш керак-сиз, бемаъни бир нарса бўлса, бундай хаёл реал хаёл бўлмайди. Хаёли мана шундай реал бўлмаган кишиларни «қуруқ хаёлпараст», «фантазёр», деб айтадилар. Халқ эртакларидаги кўкнори одамнинг орзулари ёки Маниловнинг орзулари (Гогольнинг «Ўлик жонлар» асарида) мана шундай қуруқ реал бўлмаган фантазияга мисол бўла олади.

«Баъзан у (Манилов) остонада ўтирар экан, ҳовлига ва ҳовузга қараб туриб, ўзича гапирар, агар тўсатдан шу уйнинг тагидан йўл очилса ёки мана шу катта ҳовузнинг устига тош кўприк қурилса, шу кўприкнинг икки томонида дўконлар бўлса, шу дўконларда савдогарлар ўтириб, деҳқонларга керакли ҳар хил майда-чуйда молларни сотиб турса жуда ҳам яхши бўлур эди, дея р эди. Шундай пайтларда унинг сўзлари жуда ҳам ширин бўлиб кетар ва қиёфасидан гоят мамнунлик ҳислари сезилиб турарди. Аммо унинг бу ниятлари қуруқ сўзгина бўлиб қолаверар эди».

Пуч фантазиячилар, хаёлпарастлар кўпинча шахсий тажрибаси оз, билими кам, танқидий тафаккури ўсмаган, иродаси кучсиз, турмуш тажрибаси билан тузук боғланмаган кишилардир. Булар ғайрати йўқ, лапашанг кишилардир. Уларнинг фантазияси ҳеч бир нарса билан чегараланмайди, ҳеч бир нарса билан контрол қилинмайди, шунинг учун ҳам улар жуда ғалати, ақлга сиғмайдиган ва амалга ошмайдиган образлар яратишлари мумкин.

115 V. ХАЁЛНИНГ АҲАМИЯТИ

Хаёл процесси онгимизнинг мазмунини фақат биз идрок қилган нарсалар тўғрисидаги тасаввурлар билангина бойитиб қолмасдан, шу билан бирга, илгари биз идрок қилмаган нарсалар тўғрисидаги тасаввурлар билан ҳам бойитади.

Шундай қилиб, хаёл туфайли олам бизнинг онгимизда кенгроқ ва хилма-хилроқ бўлиб аке этади, бизнинг назар дойра-миз кенгайиб, шахсий тажрибамиз доирасидан анча четга чиқади.

Хаёл бошқа психик процессларнинг фаолиятини бойитади. Хаёл натижасида бизнинг идрокимиз, гарчи ҳамиша расо бўлавермаса-да, лекин, ҳар ҳолда, тўлиқроқ ва ёрқинроқ бўлади. Масалан, нутқ, бадиий суратлар, музыка ва бошқа шу каби санъат асарларининг қанчалик тўлиқ идрок қилиниши куп даражада хаёл фаолияти билан боғлиқ бўлади, хаёл фаолияти қанчалик кучли бўлса, шунчалик мукаммал, мазмуни ҳам шунчалик кенг идрок этилади.

Хаёл процесслари хотира фаолиятида каттагина ўрин олади. Хаёлда яратилаётган тасаввурлар эсга олиб қолиш вақтида ва эсга тушириш вақтида боғланишлар вужудга келтириш учун таянч бўлади. Хотира тасаввурларининг мазмуни кўпинча хаёл фаолияти билан ўзгартирилади ва тўлдирилади.

Хотира тасаввурлари каби, хаёл тасаввурлари ҳам тафаккур учун таянч материал бўлади. Тафаккурнинг умумийлаштириш, абстракциялаш, конкретлаштириш каби процесслари хаёлга кўп даража боғлиқ бўлади. Жумладан, тафаккур процессларидаги яққоллик кўп жихатдан хаёл фаолияти туфайли ҳосил бўлади.

Хаёл яратиб бераётган образлар, шунингдек, хаёл процессларининг ўзи ҳам ҳар хил ҳиссиётларимиз учун энг бой манбадир. Хаёл фаолияти туфайли туғиладиган ҳислар кўпинча анча кучли ва барқарор ҳислар бўлади.

Хаёл туфайли одам ўз теварак-атрофидаги воқеликни идрок қилиш ва ўз турмушининг ўтмишидаги ҳрдисаларни эсга тушириш билан боғлиқ бўлган туйғуларни ҳис қилиб қолмасдан, балки, шу билан бирга, келажак тўғрисидаги—кутилаётган ёки истакдаги нарсалар, орзу ва мақсадлар тўғрисида тасаввурлар туғдирган туйғуларни ҳис қилади., Масалан, тилакдаги мақсадни тасаввур қилиш кишида ижобий ҳислар туғдиради, бундай ҳислар эса кишини тетик қилади ва унинг ғайратига ғайрат қўшади. Чунончи, чарчаб қолган киши ўз меҳнатининг натижаларини тасаввур қилганида, бу тасаввур унинг ишини битказишига ёрдам берадиган куч ва тетиклик бағишлайди.

Албатта, хаёл туфайли шундай образлар ҳам туғиладики, бу образлар салбий ҳисларни: соғиниш, маъюслик, қўрқиш, сабабсиз ғазабланиш ва бошқа шу каби ҳисларни вужудга келтиради ёки кучайтиради. Шундай ҳам бўладики, хаёл процессларининг ўзи салбий эмоционал ҳолат сабабли, яъни ёмон кайфият, кўнгил ғашлик, хавотирлик ва бошқа шу сингари ҳолат сабабли вужудга келади ва бу ҳолат ўша процессларни кучайтиради, еўнгра эса вужудга келган тасаввурлар

ўша салбий ҳисларни тагин ҳам кучайтириб юборади. Ҳаммага маълумки, қўрқоқ кишилар хатарли аҳволни тасаввур қилишлари биланок, ҳақиқатда бўлиши мумкин бўлганидан бешба^ттарроқ энка-тенкалари чиқиб кетади.

Хаёл фаолияти бизнинг социал ҳисларимизни, дўстлик ва коллективизм ҳисларини кўп даражада кучайтиради. Хаёл туфайли одам ўзини бошқа кишининг ўрнида деб тасаввур қилиши, унинг ҳислари ва интилишлари билан яшаши, хайрихоҳлик, бирдамлик деб аталадиган ва бошқа шу каби туйғуларни ҳис қилиши мумкин.

Хаёл бизнинг иродаимизни ишлатишимизда ҳам катта роль ўйнайди. Маълумки, одам бир ишга киришмасдан олдин ўз олдига муайян мақсад қўяди, шу мақсадга эришиш йўлларини ва воситаларини белгилаб олади, ўз ҳаракатларининг натижаларини тасаввур қилади, планлаштиради. Мана шу тасаввурларнинг ҳаммаси эса хаёл воситаси билан вужудга келтирилади. Шу сабабли, иродаси кучли, ўткир, характери мустаҳкам кишиларда хаёл ҳам жуда ўсган бўлади.

пИнсон фаолиятининг ҳамма турларида: ўйинда, уқишда, меҳнатда, фан ва ижодиётда хаёлнинг катта аҳамияти бор.

Болаликдаги ўйинлар — асосан, болалар фантазиасининг камоён бўлишидир. Болаларнинг ижодий ўйинларида уларнинг организми камол топади ва мустаҳкамланади, ақли, иродаси, маънавий ва эстетик ҳислари ўсади.

Хаёл бўлмаса, ўқиш ишларининг самарали бўлиши мумкин эмас. Уқувчилар ўзлари бевосита идрок қилолмайдиган нарсалар тўғрисидаги билимларни хаёл мавжуд бўлганида-пша яққол тушуниб билиб олишлари мумкин. Чунончи, ўқувчилар география ва тарихга дойр билимларни мана шу тарика яққол идрок қиладилар.

Хаёл процесси ўқувчиларга дарсда, мавҳум, абстракт шаклда берилаётган материални конкретлаштиришга ёрдам беради. Уқувчилар математикага, грамматикага ва бошқа фанларга доир мисолларни кўп жихатдан хаёл иштироки билан «ўйлаб топадилар» ва танлаб оладилар.

Хаёл бўлмаса, одамнинг меҳнат қилиши ҳам мумкин бўлмайди. Меҳнат қилиш вақтида ҳамиша шу меҳнатдан кузатилган мақсад олдиндан белгилаб олинади, шу меҳнатнинг қандай натижалар бериши олдиндан тасаввур қилинади. Шундай қилинмаса, ишлаб бўлмайди. Эришилмоқчи бўлган мақсадни белгилаш, олдиндан қўриш, чамалашнинг ўзи шу мақсадни ва натижаларни хаёлда тасаввур қилиш демакдио.

Хаёлнинг бўлиши инсоннинг ҳар қандай ишни ижодий бажаришига ёки бу ишга ижодкорлик элементларини киритишига имкон беради. Акс ҳолда меҳнатнинг ҳар бир тури илгаридан олдинги усулла/р, приёмлар ва ҳаракатларни шунчаки такрорлаш йўли билангина бажарилиши мумкин.

Илмий тадқиқотларда хаёл катта роль ўйнайди. «Бу кобилият (фантазия,— П. И.),—дев ёзади В. И. Ленин,— фақат июирга керак, деб беҳуда ўйлайдилар. Бу —аҳмоқона хурофот! Бу фантазия ҳатто математикада ҳам керак, фантазиясиз ҳатто дифференциал ва интеграл ҳисобпи кашф этиш ҳам мумкин бўлмаган бўлур эди»¹,

Илмий кашфиётларда ва техникага дойр ихтиролар қилишда жуда катта аҳамияти бўлган илмий гипотезалар яратишда хаелнинг роли айниқса катта.

Гипотеза — ҳақиқий сабаблари номаълум бўлган ҳодисаларни — фактларни изохламоқ учун фанда қўлланиладиган тахминдир. Одатда, гипотезаларнинг қўпчилиги олимларнинг хаёлида айрим фактлар ёки фаразлар асосида вужудга келади. Вужудга келтирилган гипотеза экспериментлар қилиш ёки фактлар танлаш йўли билан танқидий равишда текшириб кўрилади. Экспериментнинг натижалари ва тўпланган фактлар шу гипотезанинг ростлигини тасдиқласа, у ҳолда гипотеза илмий назария бўлиб қолади. Масалан¹ қадимий физиклар ва астрономлар метеорларнинг ва юлдузлар учининг сабабларини изохлашга уриниб, бу ҳодисалар Ердаги қаттиқ моддаларнинг буғланишидан бошқа нарса эмас, сув буғлари каби мазкур қаттиқ моддаларнинг буғлари ҳам юқори кўтарилиб ва сўнгра ловиллаган тошлар холида ерга тушади деб фараз қилган эдилар. Лекин бу гипотеза фактлар билан исбот бўлмаганлиги сабабли рад қилинди. Сўнгра, мана шу ҳодисаларни — "метеорларни изохламоқ учун бошқа бир гипотеза вужудга келтирилди: Ойда вулканлар бор, шу вулканлар ғоят зўр куч билан лава чиқариб туради, бу лаванинг бир қисми метеоритлар тарикасида ерга тушади деб фараз қилинди. Лекин бу гипотеза ҳам исбот бўлмади: Ойда ҳеч қандай вулкан йўқлиги ва лавалар чиқармаслиги маълум бўлиб қолди. Кейинги вақтларда бундай гипотеза вужудга келди! шу гипотезага кўра, бениҳоя кўп миқдорда кичик ва майда жисмлар бор, планеталар сингари, бу жисмлар ҳам Қуёш атрофида айланиб юради. Баъзан бу жисмлар Ернинг тортиш кучи доирасига тушиб қолади, бунинг натижасида улар ерга тушади. Бу гипотеза ҳақиқатга энг яқинроқ бўлиб чиқди ва ҳозирги вақтда ҳамма томонидан қабул қилинган илмий назария бўлиб қолди.

Гипотезалар илм-фаннинг олға бориши учун муҳим шарт* дир.

Одамнинг бутун ижодий фаолиятида хаелнинг жуда катта аҳамияти бор. Хаёл бўлмаса, кишлок ҳўжалигида нова-

торлик, техникада ихтирочилик ва барча санъат тармоқлари *^{а м} бўлмаган бўлар эди.

Албатта, реал хаёлгина инсон фаолиятида ана шундай пжобий аҳамиятга эгадир.

Аксинча, реал бўлмаган хаёл — куруқ хаелпарастликдир, бундай куруқ хаелпарастлик ҳар қандай фаолиятга тўскинлик қилади.

Реал хаёл билан реал бўлмаган хаелнинг ана шундай аҳамиятини машҳур рус танқидчиси ва публицисти Д. И. Писарев ҳам кўрсатиб ўтган эди. У фантазиянинг икки тури бор: «мехнаткаш кишига мадад бўла оладиган, унинг ғайратига-ғайрат қўша оладиган» фантазия бор-у, «бекорчилик», «ожизлик» туфайли туғиладиган, «одамни бўшаштирадиган» фантазия бор деб айтган эди. «Менинг брзум вок.еаларнинг табиий жараёнидан ўзиб, илгарилаб кетиши еки тамомила бошқа томонга, вокеаларнинг табиий жараёни ҳеч қачон асло йўламайдиган бошқа томонга кириб Кетишн ҳам мумкин. Биринчи ҳолда орзу ҳеч қандай зарар Келтирмайди; қайтага у мехнаткаш кишига мадад бўлиб, унинг ғайратига-ғайрат қу^{ма} олади... Агар одам бундай орзу қилиш кобилиятидан тамомила маҳрум бўлса, агар одам баъзида ўй юрита олмаса ва қўли остида эндигина ижод этилаётган ишнинг бутун манзарасини ўз хаёлида тўла ва тўқис тасаввур қила олмаса, У ҳолда санъат, фан ва тирикчиликнинг турли соҳаларида инсонларни ҳар хил қийин ишларга кириштирган ва бу ишларни бажариб, охирига етказиш учун уларга ғайрат бағишлаган сабабларнинг нималигини мен асло тушуна олмайман...»¹. Фантазиянинг аҳамияти тўғрисида Писаревнинг айтган бу гапларини В. И. Ленин ўзининг «Нима қилмоқ керак?» деган асариде келтирган.

Писарев иккинчи хил фантазия тўғрисида мана бундай Д^{еб} ёзган эди: «бекорчилик ва ожизлик вақтида туғиладиган ҳамда ўзининг туғилиши учун муҳит бўлган ўша^б бекорчилик ра ожизликни ўз таъсири билан қўллаб-қувватлайдиган орзулзр» афюн ичишга ўхшаш бир нарса бўлиб, кишида аввал ширин тасаввурлар уйғотади ва шу билан бирга, бутун нерв системасини абадий ишдан чиқаради»².

Кенг, мазмунли, кучли ва реал хаёлгина инсон фаолиятининг ҳамма соҳаларида ижобий аҳамиятга эга бўлади, албатта> Мана шундай хаёл ни ўстириш аклий тарбиянинг муҳим вазифаларидан бири бўлиши лозим,

¹ в. И. Ленин олган цитатадан келтирилган (Асарлар, 5-том, 476- бет).

² д. И. Писарев Избранные педагогические сочинения, РСФСР Педагогика фанлари академияси нашриёти, 1951, 390- бет.

И о . л . л Ё н и н , Асарлар, 33- т^м, Уздавнашр. 323- бет.
22,

VI. ХАЁЛНИНГ ЎСИШИ

Одамда хаёл илк болалик чоғиданоқ ўсиб боради. Болалардаги хаёл уларнинг фаолияти процессида тараққий қилиб боради: дастлаб ўйинларда, сўнгра эса ўқишда ва меҳнатда ўсиб боради. Болаларда тажриба тўплана бориши ҳамда хотира тасаввурларининг запаси ҳосил бўла бориши билан уларда хаёл ҳам ўсиб боради ва улардаги эҳтиёжнинг ва қизиқишларнинг ўсиши хаёлларининг ўсиши учун йўл очади.

Психиканинг бошқа жиҳатлари каби, болалардаги хаёл ҳам, асосан, тарбия ва ўқитишнинг таъсири остида ўсади.

Ясла ёшидаги болаларда хаёлнинг ўсиб бориши

Икки ёшга кирган болада хаёлнинг дастлабки куртаклари ўйинчоқлар билан ҳар хил ўйинлар қилишда, қўлига тушган майда-чуйда нарсалар — таёқчалар, тошлар, қоғозлар ва бошқа шу кабилар билан ўйнашда, эгри-бугри чизиклардан иборат расм чизишда намоён бўлади. Болалар хаёлнинг мана шу ҳамма дастлабки кўринишлари беихтиёр воқе бўлади. Бола кўзи кўрган, қўлига олган ва ишлатаётган нарсаларнинг ўзи уни шу нарсалар билан ўйнашга қизиқтиради. Бундай ҳолда бола ўзининг ҳаракатидан завқланиб ва ўз фаолиятида қандайдир бирор янгилик пайдо бўлганини кўриб овуниб юради, холос.

Болада нутқ пайдо бўла бошлаши билан, катталарнинг таъсири остида у ўз «ижодини» тушунтира бошлайди. «Бу қилган нарсанг нима?», «Нималарнинг суратини чиздинг?» деб берилган саволларга бола териб қўйган кубикларини кўрсатиб: «Мен уй қилдим», ўзи чизган суратларини кўрсатиб: «Бу — лайча» деб жавоб беради ва ҳоказо.

Ясла ёшидаги боланинг хаёли ҳали тор ва мазмуни камбағал бўлади. Унинг хаёли теварак-атрофида кўрган нарсалар доирасидан четга чиқмайди ва, асосан, ўз теварагида, ўзи яшаб турган уй шаронтидаги нарса ва ҳодисаларга тақлид қилиш тариқасида намоён бўлади.

Мактабгача тарбия ёшидаги болада хаёлнинг ўсиши

Мактабгача тарбия ёшидаги болада ўйин, машғулот процессида, тарбия таъсири билан тасаввур запаси анча кенгайди, тафаккур ўсади, янги эҳтиёжлар пайдо бўлади, активлик ортади, шулар сабабли, бу ёшдаги болаларда хаёл фаолияти ҳам кенгроқ ва мазмунлироқ бўлиб қолади.

Ясла ёшидаги болаларда бўлгани сингари, мактабгача тарбия ёшидаги болаларда ҳам хаёл, асосан, ўйин процессида пайдо бўлади ва ўсиб боради.

Болалар уч-тўрт ёшга етганларида уларда ўзларини катта ёшдаги одамлардек қилиб кўрсатиш ва шундай катта бўлиш-

га интилиш, ўзлари ҳали удалай олмайдиган нарсаларни қилиш эҳтиёжи жуда яққол пайдо бўла бошлайди. Бола ўзи ўйнаётган ўйинларида гоҳ ўзини от миниб чопиб бораётган чавандоз деб, гоҳ ўзини учувчи деб, гоҳ шофёр деб, гоҳ врач деб, гоҳ ўқитувчи деб хаёл қила бошлайди. Бу ўйинларда, албатта, болаларнинг турли ҳаракатларга тақлид қилишлари катта ўрин олади. Лекин, ҳар ҳолда, мана шу ўйинларда ҳам хаёлнинг ижодий фаолияти намоён бўлаверади. Бу ўйинларда бола ўйнаб турган жойни ҳам, қўлига тушган нарсаларни ҳам бошқача тарзда тасаввур қилаверади: у атрофини денгиз, ўрмон деб, ёғочни от деб, стулни автомобиль ёки самолёт деб, чўпларни, қўғирчоқларни учувчилар ва шофёрлар деб тасаввур қилади.

Мактабгача тарбия ёшининг биринчи йилларида хаёл процесслари ихтиёрий равишда ҳам, яъни олдиндан қўйилган мақсад асосида содир бўла бошлайди. Дастлаб бу мақсадни боланинг ўзи қўймайди, балки болага бу мақсадни катталар кўрсатиб беради. Болага: «Кубиклардан уй ясагин», «Мушукнинг суратини чизгин» деган мазмунда топшириқлар берилади. Бола ҳам бу топшириқларни ўз кучига ва ўзининг уқувига яраша бажаради. Кейин бола ўз фаолиятида ўзи ҳам ўз олдига муайян мақсадлар қўя бошлайди, кейин бу мақсадларни ўз ўйинларида, қуриш ўйинларида, лой ва пластилиндан ясаган буюмларида, чизган расмларида гавдалантиради. Эндилликда буюмлар — кубиклар, таёқчалар, қаламлар, қоғозлар ва бошқа шу кабилар—боланинг қўлида ижодий фаолиятни уйғотадиган буюмларгина бўлиб қолмасдан, балки, шу билан бирга, мана шу фаолият учун материал ва ҳосил қилинган натижаларни ифодалаш воситаси ҳам бўлиб қолади.

Лекин мактабгача тарбия ёшининг биринчи йилларида боладаги хаёлнинг ихтиёрий ижодий процесслари жуда беқарор бўлади. Бола мақсадни амалга ошираётган вақтида кўпинча шу қўйилган мақсадни ўзгартириб юборади. Ўйин процессида ўйиннинг сюжети ўзгартирилади, бола чизаётган суратлардаги образлар ўзгаради: тасодифий (беихтиёр) равишда бирор чизиқ ортиб кетиш билан суратдаги от капалакка, уй итга айланиб кетади ва ҳоказо. Кейинроқ, болаларнинг ёши оша борган сари, болаларнинг ўйинлари мураккаблаша боради, шу ўйинларда намоён бўладиган ихтиёрий хаёл ҳам анча барқарор бўлиб қолади.

Мактабгача тарбия ёшида болаларнинг хаёли катталар билан гаплашишнинг таъсири остида ҳам пайдо бўлади ва ўсади. Болалар узоқ мамлакатлар тўғрисидаги, ўрмонлар ва денгизлар тўғрисидаги ҳамда шу ўрмонлар ва денгизларда қандай жониворлар ва нималар борлиги тўғрисидаги, узоқ қутбда ишлаётган кишиларимизнинг ҳаёти тўғрисидаги, қаҳ-

рамонларимизнинг уруш вақтида ва ишлаб чиқаришда қур-
еатган баходирликлари тўғрисидаги, табиати ўзгартиркш
тўғрисидаги ҳикояларни завқ билан тинглайдилар. Болалар
эртакларни айниқса қизиқиб тинглайдилар: болаларнинг ўз-
лари ҳам эртак айтишни яхши кўрадилар. Катталар айтиб
берган эртак ва ҳикоялар таъсири билан болаларда ўзлари
идрок қила олмайдиган нарсалар тўғрисида, шу жумладан,
ҳеч қачон бўлмаган ва бўлмайдиган нарсалар тўғрисида олам-
жаҳон образлар пайдо бўлади.

Шундай қилиб, хаёл процессларида мактабгача тарбия
ёшидаги боланинг ақлий савияси кенгаяди, унинг шахсий
тажрибаси доирасидан четга чиқади. Савия кенгая борган
сари, мактабгача тарбия ёшидаги боланинг психик ҳаёти ҳам
мазмунлироқ бўлиб қолади, бунинг эса болани мактабда
ўқишга тайёрлашда катта аҳамияти бор.

Мактабгача тарбия ёшидаги болаларнинг хаёли анча
кучли бўлади. Болаларнинг ўйин вақтида яратаётган образ-
лари, уларнинг ҳикояларидаги ва эртакларидаги образлар
ёрқин, жўшқин образлар бўлади. Бу образлар идрокка яқин-
лашиб қолади дейиш мумкин. Чунончи, ёғочни «от» қилиб
чошиб бораётган бола ўзини худди чинакам отда чошиб бора-
ётгандек ҳис қилади. Болалар ўйин қондасининг бузилишига
бирор катта ишнинг бузилиши деб қарайдилар. Болаларнинг
хаёли ҳиссиёт жиҳатидан жуда кучли бўлади, лекин танқи-
дий тафаккур жиҳатидан кучсиз, турмуш тажрибаси жиҳа-
тидан камбағал, билим жиҳатидан чекланган бўлади.

Аммо шундай бўлса ҳам, болаларнинг ўйин фаолиятида
ва уларнинг эртакларидаги образларда реалликни ҳис қи-
лиш бутунлай бўлмайди, дейиш нотўғридир. Агар бола «от»
қилиб чопаётган ёки «самолёт» қилиб учаётган стул ҳақиқа-
тан ҳам чошиб ёки учиб кетганида эди, буни ўйнаётган бола,
ҳеч шубҳасиз, хайрон бўлиб қолур ёки кўрқиб кетган бўлур
эди. Болалар одатда ўйин билан эртакни, «ёлғон» билан
«рост»ни бир-бирдан фарқ қиладилар.

Болалик ёшида, асосан, 5—7 ёшларда, болалар хаёлда
гавдалантириладиган образларни (хаёлда илгари вужудга
келган ва хотирада сақланиб қолган образларни) кўпинча хо-
тира тасаввурларига айнан ўхшатадилар. Бола ўз ҳикояла-
рида кўпинча ўзининг ўтмиш фантазиясида сақланиб қолган
образни ҳақиқатда бўлган, ўзи илгари идрок қилган факт
деб гапиради. Болалар ёлғонни мана шу тариқа беихтиёр чин
деб гапирадилар, хаёл маҳсули бўлган бу ёлғонни болаларнинг
тафаккури ҳам етарли равишда контрол қила олмайди.

Мактабгача тарбия ёшидаги болаларда хаёлнинг ривож-
ла-нишида шу ёшдаги болаларга хос индивидуал хусусиятлар
сезиларли равишда пайдо бўла бошлайди. Бу хусусиятлар,
аввало, болалар яшаб турган вазиятдан, уларга берилётган

тарбиядан, болалардаги активликнинг намоён қилиниши
учун бўлган мавжуд имкониятлардан, боланинг умумий ўси-
шидан келиб чиқади. Болалик чоғидаги хаёлларнинг жуда
ривожланиб кетишига бирор индивидуал истеъдод ва қоби-
лиятнинг эрта уйғониши ва ўсиши кўпинча сабаб бўлади.
Масалан: Моцарт, Репин, Серов, Римский-Корсаковларда
хаёл қилишнинг мураккаб фаолияти жуда эрта пайдо бўла
бошлаган.

Мактаб ёшидаги болаларда хаёлнинг ўсиши

Мактаб ёшидаги болаларда хаёл қилиш, асосан ўқитиш-
таъсири остида яна ўса боради.

Мактабнинг биринчи синфига кирган болада хаёл етарли
равишда ривож топган бўлади ва у хилма-хил тасаввурлар-
каттагина запасига эга бўлади. Биринчи синфларда
натижасида у фақат идрокка ва хотира тасаввурлари-
гагина таяниб қолмасдан, балки, шу билан бирга, хаёлида
яратилган тасаввурларга ҳам таяниб, ўқитилаётган матери-
яққол тарзда ўзлаштира беради.

Масалан, география, тарих, адабиёт сингари соҳалардаги
билимларни яққол тарзда ўзлаштиришда мактаб ўқувчиси-
нинг фаолияти айниқса катта роль ўйнайди, чун-
ки у фанларнинг объектларини ўқувчилар бевосита идрок
қилолмайдилар ва тажриба қилиб кўролмайдилар. Ўқувчи
ўқитувчининг географияга, тарихга, адабиётга ва бошқа фан-
ларга доир дарсларини тинглаб ёки китобларни ўқиб, хама-
муайян бир жойни, ўсимликлар ва хайвонлар оламини
тасаввур қилиб туриши, узок ўтмишдаги одамларнинг ҳаёти-
фаолиятини, айрим тарихий воқеаларни кўз олди-
га келтириши лозим. Шундай тасаввурлар бўлмаса, ўқитилаёт-
ган материални ўзлаштириш фақат ўқитувчининг сўзларини
дарсликда ёзилган гапларни ёдлаб олишдангина иборат
бўлиб қолади.

Фанга қизиқиш мавжуд бўлганда ёки тасаввурлар запаси
етарли бўлган тақдирда билимларни ўзлаштириш чоғида
образлар ўқитувчи ўқитган дарснинг ёки дарсликда
ёзилган гапларнинг таъсири остида беихтиёр пайдо бўлаве-
РД"- Лекин баъзан география, тарих, адабиёт ёки физика
машғулотларида ўқувчилар муайян бир тасаввурни яратмоқ
куч сарфлашлари лозим бўлиб қолади.

Билимлар кўрсатмалилик асосида ўзлаштирилганида
ўқувчиларнинг хаёли ривожлана боради, кенг ва мазмунан
бой бўлиб қолаверади. Ўқитиш процессида ернинг кенг ва
катталиги тўғрисидаги тасаввурлар вужудга келади, узок
ўтмиш тўғрисида, яқин ва узок келажак тўғрисида янги та-
саввурлар пайдо бўлади.

Ўқитиш процессида хаёлнинг ўсишига фақат ўқитилаётган

ген материалнинг мазмунига ёрдам бериб қолмадан, шу ;Ч⁶Р^а> У^УВчиларга шу материални ўқитишда • қўлла-
 ылаётган усуллар, методлар ҳам ёрдам беради. Уқувчида
 хаелнинг тараккийси учун ўқитувчининг жонли нутки, дарс-
 ликда етарли микдорда бўлган образли, конкрет материал
 шунингдек, бадии маҳорат билан ясалган ўқиш қуроли—
 суратлар схемалар, жадваллар, карталар, моделлар ва бош-
 қа шу кабилар катта аҳамиятга эгадир.

Уқувчиларнинг ижодий хаёлини тараккий қилдириш учун
 еинфда ва синфдан ташқи ўтказиладиган музыка, расм маш-
 ғулотлари, лои ва пластилиндан ҳар хил буюмлар ясаш маш-
 ғулоглари, иншо, бадий адабиёт ўқиш, тўғаракларда (ада-
 биет, драма, авиамоделчилик тўғаракларида ва бошқа шу
 каби тугаракларда) қатнашиш катта аҳамиятга эгадир БУИ-
 даи машғулотларда боланинг турли нарсаларга қизиқиши-
 унинг билишга қизиқиши, унинг ижтимоий-сиёсий, маънавий
 эстетик қизиқишлари, техникани ва шу кабиларни билишга
 қизиқиши хаелнинг ўсишига ёрдам беради. Бу қизиқиштар
 усмирларда аинқса сезиларли равишда намоён бўла бош-
 лаиди.

Совет бадий адабиёт асарларини ўқиш, шунингдек жур-
 иалларда ва газеталарда бизнинг қурилишларимиз туғриси-
 да, илми кашфиётлар ва техника соҳасидаги кашфиётлар
 туғрисида, кишлоқ хўжалигидаги новаторлар туғрисида ёзил-
 ган мақолаларни ўқиш кенг, мазмунли ва реал хаёлнинг уси-
 ши учун катта аҳамиятга эгадир.

Ернинг сунъий йўлдошларини учираш, аинқса биринчи
 космонавтларимиз Ю. Гагарин, Г. Титов, А. Николаев
 П. Попович, В. Биковский ва В. Терешкова-Николаевалар-
 нинг космосга учганликлари каби бизнинг фан ва техникамиз
 эришган муваффақиятлар ўқувчиларда ва ҳамма ёшлари
 мизда планеталараро учишлар соҳасида жуда кенг имконият-
 ларни амалга оширишга қаратилган жуда бой ва кучли фан-
 тазия туғилишига сабабчи бўлди.

Мактаб ёшидаги болаларнинг ўйнайдиган ўйинларида
 ҳам улардаги хаёлнинг ўсиши давом эта беради Уқувчилар
 уинчок, мастерскойлар, заводлар, темир йўллар ясаб ўйнай-
 дилар, ўз ўйинларида турли «экспедицияларга» борадилар
 Оига, Марсга, бошқа планеталарга «космик саёҳат қилиб
 учиб» борадилар ва шу каби ўйинларни ўйнайдилар. Бундай
 уинларда ҳар бир ўқувчи мазмундор таассуротлар олади ва
 нда турли тасаввурлар ҳосил бўлади, унинг ижодий қуринь
 ясаш ва бадий қобилятлари ўсади.

Уқувчининг ва ўсмирнинг ўсиб бораётган хаёли ўзининг
 кенглиги ва мазмундорлиги жиҳатидангина ўзгариб қолмас-
 дан, балки йўналиши жиҳатидан ҳам ўзгаради. Мактабгача
 тарбия ёшидаги болалар ўз эҳтиёжларига боғлиқ бўлган би-

рор тасаввур яратишлари билан дарҳол шу тасаввурларни
 ҳаракатларида, ўйинларида, суратларида ва шукабилар-
 да намоён қиладилар. Бола, асосан, ҳозирги ҳаёт билан
 уша^{III} ва унда ўзи яратаётган образларни рўёбга чиқариш-
 ни келажакка қолдириш майли бўлмайди. Юқори синф уқув-
 ы-иларида хаёл фаолияти, асосан, келажак образларини яра-
 тишга-идеаллар яратишга, касб танлашга қаратилган булади.

Уқувчиларда ва ўсмирларда хилма-хил қизиқишлар ва
 кдеаллар, жумладан, касбга қизиқишлар ўсиб бориши билан
 улардаги хаёл орзу тариқасида намоён була бошлаиди. Биз-
 нинг совет мактабларимиздаги ўқувчи болалар, усмирлар,
 йигитлар ва қизлар ўзларининг келажак фаолиятларини,
 мамлакатимизда коммунизм қуришни, ижодий меҳнат қи-
 лишни, янги улуғ- кашфиётлар, ихтиролар қилишини орзу
 қиладилар. Бизнинг ёшларимиз ўзлари орзу қиладиганлари
 да бизда мана шу орзуларни рўёбга чиқармоқ учун бутун ша-
 роит яратиб берилганлигини ва шу орзунинг амалга ошириш
 фақат ўзларига, ўзларининг қўли билан ишлашларига ооғ-
 лик эканлигини биладилар.

Уқувчи ва ўсмирнинг хаёли ўзининг барқарорлиги билан
 мактабгача тарбия ёшидаги боланинг хаёлидан фарқ қилади.
 Мактабгача тарбия ёшидаги болаларда ихтиери хаел ҳам,
 аинқса уларда кўпроқ учрайдиган беихтиер хаел ҳам ҳоят
 беқарор бўлади.

Мактаб ёшидаги болада ихтиёрсиз хаел ҳам, ихтиери
 борган сари барқарор бўлиб бора беради. Хаелни
 туғдирадиган қизиқиш ёки идеялар мавжуд бўлганида ихти-
 ёрсиз хаёл барқарор бўлади. Уқувчиларда ихтиерсиз хаел
 купинча уларнинг ихтиёрий хаёлидаги айрим моментлар тар-
 риқасида намоён бўлади. Бундай ихтиёрсиз хаел янги мате-
 риални тушуниш ва ўзлаштиришда, турли масалаларни ҳал
 қилишда иншолар ёзишда, сурат чизишда, ҳар хил буюмлар
 шаклини ясашда ва шу каби машғулотларда катта роль ўй-
 наиди

Мактабгача тарбия ёшидаги болаларда бўлгани сингари,
 >қувчиларда ҳам хаёл катта куч билан намоён бўлади. Уқув-
 чилар ва ўсмирларнинг ўз хаёлида, аинқса уз орзуларида
 яратаётган образлари жуда ёрқин ва жонли образлар бўла-
 ди Шу билан бир вақтда, мактабгача тарбия ёшидаги бола-
 лардан ўқувчиларнинг фарқи шундаки, катта ешдаги киши-
 лар сингари, мактаб ўқувчилари ҳам шу образларни идрок
 қилинаётган нарсалардан аниқ фарқ қиладилар ва уз хаел-
 ларидаги ўтмиш образларни хотира тасаввурлари билан
 аралаштириб юбормайдилар. Мактаб ёшидаги болаларда
 оеалпикни мана шундай сезиш хисси катта тажриба, туплан-
 ган билимлар туфайли ва тафаккурнинг анча ўсганлиги ту-
 файли вужудга келади.

гем материалнинг мазмунини ёрдам бериб қолмасдан, шу билан бирга, ўқувчиларга шу материални ўқитишда қўлла-ниладиган усуллар, методлар ҳам ёрдам беради. Ўқувчида ҳаёлий тараққийси учун ўқитувчининг жонли нутқи, даро-ликда егарли миждорда бўлган образли, конкрет материал, шунингдек, бадний маҳорат билан ясалган ўқини қуроллари—суратлар, схемалар, жадваллар, карталар, моделлар ва бош-қа шу кабилар катта аҳамиятга эгадир.

Ўқувчиларнинг ижодий ҳаёлини тараққий қилдириш учун синфда ва синфдан ташқи ўтказиладиган музика, расм маш-гулотлари, лой ва пластилиндан ҳар хил буюмлар ясаш маш-гулотлари, нишо, бадний адабиёт ўқиш, тўғаракларда (ада-биёт, драма, авиамодельчилик тўғаракларида ва бошқа шу каби тўғаракларда) қатнашиш катта аҳамиятга эгадир. Бун-дай машгулотларда боланинг турли нарсаларга қизиқиши; унинг билиши қизиқиши, унинг ижтимоий-сиёсий, маънавий, эстетик қизиқишлари, техникани ва шу кабиларни билишга қизиқиши ҳаёлийнинг ўсишига ёрдам беради. Бу қизиқишлар ўсириларда айниқса сезиларли равишда намоён бўла бош-лайди.

Совет бадний адабиёт асарларини ўқиш, шунингдек, жур-налларда ва газеталарда бизнинг қурилтишлариниз, тўғриси-да, илмий кашфиётлар ва техника соҳасидаги кашфиётлар тўғрисида, қишлоқ хўжалигидаги новаторлар тўғрисида ёзил-ган мақолаларни ўқиш кенг, мазмунли ва реал ҳаёлийнинг ўси-ши учун катта аҳамиятга эгадир.

Ернинг сунъий йўлдошларини учиртиш, айниқса биринчи космонавтларимиз Ю. Гагарин, Г. Титов, А. Николаев, П. Попович, В. Виковский ва В. Терешкова-Николаевалар-нинг космосга учганиликлари каби бизнинг фан ва техникамиз аришган муваффақиятлар. Ўқувчиларда ва ҳамма ёшлари-мизда планеталараро училар соҳасида жуда кенг имконият-ларини амалга оширишга қаратилган жуда бой ва кучли фан-тавия туғилишига сабабчи бўлади.

Мактаб ёшидаги болаларнинг ўйнайдиган ўйинларида ҳам улардаги ҳаёлийнинг ўсиши давом эта беради. Ўқувчилар ўйинчоқ мастерскойлар, заводлар, темир йўллар ясаб ўйнай-дилар, ўз ўйинларида турли «экспедицияларга» борадилар. Сайга, Марсга, бошқа планеталарга «космик саёҳат қилиб учиб» борадилар ва шу каби ўйинларини ўйнайдилар. Бундай ўйинларда ҳар бир ўқувчи мазмундор таассуротлар олади ва унда турли тасаввурлар ҳосил бўлади, унинг ижодий қуриш-кесаш ва бадний қобилиятлари ўсади.

Ўқувчининг ва ўсирилнинг ўсиб бораётган ҳаёлий ўзининг кенглиги ва мазмундорлиги жиҳатидангина ўзгариб қолмас-дан, балки йўналиши жиҳатидан ҳам ўзгаради. Мактабгача тарбия ёшидаги болалар ўз эҳтиёжларига боғлиқ бўлган ба-

рор тасаввур яратишлари билан дарҳол шу тасаввурларини ўз ҳаракатларида, ўйинларида, суратларида ва шу кабилар-да намоён қиладилар. Бола, асосан, ҳозирги ҳаёт билан кшайди ва унда ўзи яратаётган образларни рўёбга чиқариши-ни келажакка қолдириш майли бўлмайди. Юқори синф ўқув-чиларида ҳаёлий фаолияти, асосан, келажак образларини яра-тишга—идеаллар яратишга, касб танлашга қаратилган бўлади.

Ўқувчиларда ва ўсирилларда хилма-хил қизиқишлар ва идеаллар, жумладан, касбга қизиқишлар ўсиб бориши билан улардаги ҳаёлий орзу тариқасида намоён бўла бошлайди. Биз-нинг совет мактабларимиздаги ўқувчи болалар, ўсириллар, йигитлар ва қизлар ўзларининг келажак фаолиятларини, мамлакатимизда коммунизм қуришни, ижодий меҳнат қи-лишни, янги улуг кашфиётлар, ихтиролар қилишни орзу қиладилар. Бизнинг ёшларимиз ўзлари орзу қилаётганлари-да бизда мана шу орзуларни рўёбга чиқариш учун бутун шар-ронг яратиб берилганлигини ва шу орзунини амалга ошириш фақат ўзларига, ўзларининг қўли билан ишлашларига боғ-лиқ эканлигини билладилар.

Ўқувчи ва ўсирилнинг ҳаёлий ўзининг барқарорлиги билан мактабгача тарбия ёшидаги боланинг ҳаёлийдан фарқ қилади. Мактабгача тарбия ёшидаги болаларда ихтиёрий ҳаёлий ҳам, айниқса уларда кўпроқ учрайдиган беихтиёр ҳаёлий ҳам гонг беқарор бўлади.

Мактаб ёшидаги болада ихтиёрсиз ҳаёлий ҳам, ихтиёрий ҳаёлий ҳам борган сари барқарор бўлиб бора беради. Ҳаёлий туғиладиган қизиқиш ёки идеялар мавжуд бўлганда ихти-ёрсиз ҳаёлий барқарор бўлади. Ўқувчиларда ихтиёрсиз ҳаёлий кўпинча уларнинг ихтиёрий ҳаёлийдаги айрим моментлар та-риқасида намоён бўлади. Бундай ихтиёрсиз ҳаёлий янги мате-риални тушуниш ва ўзлаштиришда, турли масалаларни ҳал қилишда, нишолар ёшида, сурат чизишда, ҳар хил буюмлар шаклини ясашда ва шу каби машгулотларда катта роль ўй-найди.

Мактабгача тарбия ёшидаги болаларда бўлгани сингари, ўқувчиларда ҳам ҳаёлий катта куч билан намоён бўлади. Ўқув-чилар ва ўсирилларнинг ўз ҳаёлийда, айниқса ўз орзуларида яратаётган образлари жуда ёрқин ва жонли образлар бўла-ди. Шу билан бир вақтда, мактабгача тарбия ёшидаги бола-лардан ўқувчиларнинг фарқи шундаки, катта ёшидаги киши-лар сингари, мактаб ўқувчилари ҳам шу образларни изроқ қилинаётган нарсалардан аниқ фарқ қиладилар ва ўз ҳаёлий-ларидаги ўтмиш образларини хотира тасаввурлари билан аралаштириб юбормайдилар. Мактаб ёшидаги болаларда реалликни мана шундай сезиш ҳисси катта тажриба, тўплан-ган билимлар туғайди ва тафайхурининг анча ўсганлиги ту-ғайди вужудга келади.

Одамларнинг барча ёшидаги кенг, мазмундор, барқарор ва реал хаёл уларнинг фаолиятида тафаккур, ирода, қизиқиш ва эҳтиёжларнинг тараққийси билан бирликда тараққий қилиб боради.

VIII БОБ

ТАФАККУР *девшилик*

I. ТАФАККУР ТЎҒРИСИДА УМУМИЙ ТУШУНЧА

Тафаккур — инсон ақлий фаолиятининг юксак формасидир. Тафаккур атрофдаги оламни билиш қуролидир ва инсон оқилона амалий фаолиятининг вужудга келиши учун шартдир.

Тафаккур процессида фикр пайдо бўлади, бу фикрлар инсоннинг онгида ҳукм ва тушунчалар шаклини олади. Тафаккур нутқ — тил билан чамбарчас боғланган. Инсонда тафаккур ва нутқ бўлганлиги туфайли у ҳайвонлардан фарқ қилади ва шу сабабли у онгли мавжудотдир: инсон ўз атрофидаги оламда бўлган буюмлар ва ҳодисаларни онгли равишда идрок қилади, онгли равишда эслаб қолади ҳамда эса туширади ва онгли равишда ҳаракат қилади.

Сезги ва идрокларга, хотира ва тасаввурларга нисбатан тафаккур одамларнинг билиш ва амалий фаолиятида алоҳида аҳамиятга эга.

Чунончи, киши фикр қилиш фаолияти жараёнида ўз идроки, тасавури ва фикрларининг тўғрилигини, аниқлигини ва ҳақиқийлигини белгилаб олади — шуларнинг воқеликка мувофиқлиги ёки мувофиқ эмаслигини белгилаб олади.

Масалан, биз Қуёшнинг ҳар кун шарқдан чиқиб, ғарбга ботаётганлигини ҳаммамиз кўрамиз (идрок қиламиз). Биз Ернинг қимирламай турганлигини, Қуёш эса Ер атрофида айланаётганлигини кўрамиз. Кўп асрлар давомида жуда кўп кишиларнинг қилган фикрий фаолияти натижасидагина, узоқ давом қилган кузатишлар ва тадқиқотлар натижасидагина, ҳақиқатда Қуёш Ер атрофида айланмасдан, балки Ер ўз ўқи атрофида ва Қуёш атрофида айланаётганлиги аниқланди. Демак, Қуёшнинг ҳаракати тўғрисидаги бизнинг бевосита идрокимиз воқеликка, ҳақиқат ҳолга тўғри келмас экан. Воқеликнинг тўғри акс этиши, яъни ҳақиқат ҳол — бунда тафаккур ёрдами билан аниқланди. Юқорироқ босқичларда бундай фикрлаш тафаккур процесларида ҳосил бўлган ҳукмлар ва тушунчаларнинг чинлигини ёки чин эмаслигини аниқлашда ифодалангани.

Воқелик тафаккурда идрок ва тасаввурлардагига қараганда чуқурроқ ва тўлароқ акс этади.

Биз сезги, идрок ва тасаввур воситаси билан билиб олишимиз мумкин бўлмаган нарса ёки ҳодисаларни, бу нарса ёки ҳодисаларнинг хусусиятларини, уларнинг боғланиш ва муносабатларини тафаккур воситаси билан билиб оламиз. Масалан, бизга маълумки, агар ёруғлик нури шиша призма орқали ўтказилса, бу нур спектрнинг етти рангига ажралиб кетади, бу рангларни биз идрок қиламиз (кўзимиз билан кўрамиз). Лекин физикадан бизга шу нарса маълумки, бу нурлардан бўлак, яна бошқа нурлар ҳам бор. Бу нурлар, инфрақизил ва ультрабинафша нурлар деб аталади. Бу нурларни биз кўрмаймиз, идрок қилмаймиз. Бундай нурларнинг борлиги тафаккур ёрдами билан кашф қилинган.

Энгельс бундай дейди: «...Одам кўзининг алоҳида суратда тузилганлиги одамнинг оламни билиш имконияти учун мутлақ чегара эмас.

Бизнинг кўзимизга бошқа сезгирларгина қўшилиб қолмай, балки, шу билан бирга, тафаккуримизнинг фаолияти ҳам қўшилади»¹.

Биз тасаввур қилишимиз мумкин бўлмаган кўпгина ҳодисалар бор, биз бундай ҳодисалар тўғрисида фақат фикр юрита оламиз. В. И. Ленин тафаккурнинг тасаввурдан фарқи тўғрисида гапириб, бундай мисол келтиради: «...Ҳаракатнинг ҳаммасини *мукамал* тасаввур қилиб бўлмайди, масалан, секундига 300 000 км тезликдаги ҳаракатни тасаввур қилиш мумкин эмас, *тафаккурнинг* эса бунга кучи етади ва етмоғи лозим»².

Тафаккур — воқеликнинг умумлаштириб акс эттирилишидир. Биз айрим-айрим нарсаларни ва ҳодисаларни, масалан, алоҳида столни ёки стулни идрок қиламиз ва тасаввур қиламиз, ammo умуман стол ва стул тўғрисида, умуман мебель ва умуман нарса тўғрисида эса фикрлашимиз мумкин. Умумийлаш натижасида бир ҳукмнинг ўзида айни вақтда яқка бир нарса тўғрисидагина фикр қилиб қолмасдан, балки, шу билан бирга нарсаларнинг бутун бир туркуми тўғрисида ҳам фикр қилиш мумкин. Масалан, «СССРнинг ҳамма граждандари қонун олдида тенгдирлар» деган ҳукмда биз айрим бир киши тўғрисида фикр қилмасдан, балки СССРнинг ҳамма граждандари тўғрисида фикр юритаемиз.

Нарса ёки ҳодисалар ўртасидаги энг муҳим боғланишлар ва муносабатлар тафаккур ёрдами билан очилади. Бундай бир мисолни олиб кўрайлик. Сиз қаламни бармоқларингиз билан столдан 20 сантиметр баландда ушлаб турибсиз. Бармоқларингизни очиб юборсангиз қалам стол устига тушади, унинг тақиллагани (товуши) эшитилади. Биз бу ҳодисаларни

¹ К. Маркс ва Ф. Энгельс, Асарлар, XIV том, 493-бет.

² В. И. Ленин, Философия дафтарлари, 199-бет.

И бирин-кетин идрок қиламиз ва уларни худди шу тартибда тасаввур қилишимиз мумкин. Лекин биз бунда ходисаларнинг маълум вақт ичида бирин-кетин содир бўлишини идрок қиламиз, холос, аммо айни вақтда тафаккур ёрдами билан бу ходисаларнинг бир-бирига қонуний боғланишидаги чуқурроқ сабаблар ва бундан келиб чиқадиган натижалар очилади. Биз ходисаларнинг бирин-кетин ўтаётганлигинигина қайд қилиб қолавермаймиз, балки биринчи ходиса бўлгани учун иккинчи ходиса рўй берди, ундан кейинги ходисаларнинг ҳар қайсиси (масалан, товуш) олдинги ходиса рўй берганлиги учун (қалам столга урилганлиги учун) содир бўлди, деб аниқ қилиб айтамеиз ва олдинги ходисанинг рўй берганлиги кейинги ходисани муқаррар келтириб чиқарганлигини англаймеиз. Еу ходисаларда уларнинг маълум бир вақт ичида бирин-кетин содир бўлганлигини идрок қилганимиздан ташқари, улар ўртасида сабаб-натижа боғланиши, яъни қонуний боғланиш бор, деб аниқ қилиб айтамеиз. Биз бу сабаб-натижа тарикасидаги боғланишнинг ўзини бевосита идрок қила олмаймеиз, уни сезги органларимиз воситаси билан ҳис қилолмаймеиз (кўрмаймеиз, ушлаб кўрмаймеиз, эшита олмаймеиз), балки шу боғланиш борлигини идрокимизга асосланиб туриб фикр қилиш йўли билан топамиз.

Сўнгра, айрим ходисалардаги сабаб-натижа боғланишлари очилганлигига асосланиб, умумийлаштириш йўли билан Бокеликнинг умумий қонуниятларини топиб оламиз.

Масалан, бир ҳолда сувнинг яхлаб қолганлигига температуранинг пасайганлиги (0° дан пастга тушиб кетганлиги) сабаб бўлганлиги аниқланган бўлса ва бу ходиса бошқа бир қанча ҳолларда ҳам аниқланган бўлса, ана шу ҳолларни умумийлаштириш натижасида: «Температура 0° дан паст бўлганида сув ҳамиша музлайди» деган ҳукмда ифодаланган қонун топилган. Ходисалар ўртасидаги мавжуд сабаб-натижа боғланишларини билганлигимиз учун, ходисаларнинг узгариш ва таракқийси қонунларини билганлигимиз учун биз ҳозирги пайтда мавжуд бўлмаган ёки ҳозирги пайтда бизнинг олдимизда рўй бермаган ходисаларнинг юз беришини олдиндан айтиб беришимиз мумкин. Масалан, термометрда температуранинг 0° дан паст тушганлигини кўришимиз билан, энди сув музлайди, деб олдиндан айта оламиз. Астрономлар осмондаги жисмларнинг ҳаракат қонунларини билганликлари учун қўёш ёки ой қачон тугилишини расо аниқ қилиб олдиндан айтиб берадилар. Ижтимоий турмушнинг марксизм-ленинизм асосчилари очиб берган қонунларини билиш ижтимоий-сиёсий воқеаларнинг қандай бўлиб боришини олдиндан кўриб туриш имкониятини беради.

Олдиндан кўриш ўз олдимизга мақсадлар қўйишимизга ва шу мақсадларга мувофиқ ҳаракат қилишимизга имкон беради.

мизда ва бошқа шу каби ҳолларда таққослаш процесси содир бўлади.

Таққослаш тасаввур қилинаётган ёки ўйланилган нарсаларни бир-бирига фикран солиштириб кўриш йўли билан ҳам бўлади. Масалан, биз ўзимиз турган бинони бошқа кўчадаги бинолар билан таққослаб кўриб, уларнинг ўртасидаги ўхшашлик ва тафовутни топишимиз мумкин. Психологияни ўрганаётган вақтимизда биз ҳамиша айрим психик ходисаларни бир-бири билан таққослаймеиз ва улардаги ўхшашликни ҳам, тафовутни ҳам топамиз. Айрим кишиларни, бир-бирига таедослаб, уларнинг қобилиятларида, характерида, қарашларида ва ҳоказоларда тафовут ёки ўхшашлик борлигини топамиз. Иккита математик ифодани: $6+2$ билан $10-2$ ни таққослаб, бу ифодалар қиммат жиҳатидан бир-бирига баробар (айнан) эканлигини билиб оламиз.

Воқеликни чуқурроқ ва аниқроқ билиш учун, бир-бирига жуда ўхшаш нарсалардаги тафовутни ва бир-биридан жуда ҳам фарқ қиладиган нарсалардаги бир-бирига ўхшашлик томонларини топа олиш қобилияти, яъни тафаккурнинг мана шундай қобилияти айниқса катта аҳамиятга эгадир.

«Агар сиз,— деб ёзган эди Ушинский,— ташқи табиатнинг бирор нарсасини равшан тушуниб олишни истасангиз, унинг ўзига жуда ўхшаш бўлган нарсалардан бўлган тафовутини топингиз ва унинг ўзидан жуда узоқ бўлган нарсалар билан ўхшашлик томонларини топингиз. Ана шунда сиз Шу нарсанинг энг муҳим ҳамма белгиларини пайқаб оласиз, демак, шу нарсани тушуниб оласиз»¹.

Анализ ва синтез

Анализ — нарсани (буюмларни, ходисаларни, процесси, таркибий элементларга, қисмларга ёки таркибий белгиларга бўлиш демакдир.

Анализ процессида бутуннинг унинг қисмларига, унинг элементларига бўлган муносабати аниқланади.

Бирор моддий нарсани унинг моддий элементларига ажратиб бўлиш энг оддий шаклдаги анализдир. Чунончи, Энгельснинг айтишича, ёнғоқни чақишнинг ўзиёқ бошланғич бир анализдир. Столни айрим қисмларга бўлиш —< унинг қопқоғини, оёқларини, яшиқларини ва бошқа шу қабиларини бир-биридан ажратиб олиш мумкин. Химик сувни водород билан кислородга ажратиб юборади. Мана шу ҳолларнинг ҳаммасида анализ нарсалар ва ходисалар билан қилинадиган иш-ҳаракатларда ифодаланиши мумкин.

¹ К. Д. Ушинский, Избранные сочинения, 11 том, 1939 йил, 436-бет.

Анализ объектларни амалда ажратиб бўлмайдиган элементларга ёки белгиларга бўлишда ҳам ифодаланиши мумкин. Бу фпкрий анализ, яъни ф'лкрда қилинадиган анализдир, Чунончи, столны анализ қилгаа яактимизда биз унинг туей, оғирлиги ва бошқа шу каби белгиларини билиб оламиз. Сувнинг тиниклигини, оғирлигини, буғланишини, температурасини, зичлигини ҳам фикран ажратиш мумкин.

Психологияни ўрганаётганимизда биз ҳар бир психик ҳодисани бир-бири билан таққослабгина қолмасдан, балки, шу билан бирга, анализ ҳам қиламиз.

Уқиш машғулоти вақтида тафаккурнинг анализ қилиш фаолияти катта ўрин тутди. Чунончи, савод ўргатиш, одатда, нутқни анализ қилишдан: гапни сўзларга, сўзларни бўғинларга, бўғинларни товушларга ажратишдан бошланади. Математика масаласини ечиш анализ қилишдан — дастлаб бир қанча маълум сонларни, сўнгра эса номаълум сонларни топишдан бошланади.

Синтез — анализнинг акси ёки тескараси бўлган тафаккур процессидир. Бу процесс объектнинг айрим элементларини, қисмларини, белгиларини бир бутун қилиб қўшишдан иборатдир. Синтез процессида мураккаб бир бутун нарса, ёки ҳодиса таркибига кирган элементлар, ёки қисмлар тарихида олинган буюм ёки ҳодисаларнинг шу мураккаб бир бутун нарса ёки ҳодисага бўлган муносабати аниқланади.

Синтез элементларнинг, нарса ва ҳодисаларнинг қисмларини бир бутун қилиб қўшишдан иборатдир, амалий анализ бўлгани сингари, синтез ҳам амалий бўлиши мумкин. Чунончи, машинанинг айрим деталлари бир-бирига тегишли тарзда бириктирилганда, яъни улар синтез қилинганда, яхлит, бутун машина, масалан, одимловчи экскаватор ҳосил бўлади. Кислород билан водороднинг химиявий бирикishi натижасида сув (H_2O) ҳосил бўлади. Мана шу ва шунга ўхшаш ҳолларнинг ҳаммасида синтез фикр қилиш процессларида ва иш-ҳаракатларда содир бўладики, бу иш-ҳаракатлар натижасида бир бутун, яхлит моддий нарса ҳосил бўлади.

Анализ сингари, синтез ҳам, фикран бўлиши мумкин, яъни синтезда айрим элементларни фақат фикрда бир бутун қилиб қўшиш мумкин. Масалан, биз чет тилнинг ўзимизга маълум бўлган сўзларидан мазмунли гап тузаётганимизда ёки ана шундай маълум сўзлардан таркиб топган тайёр гапни ўқиш тушунаётганимизда худди шундай процесс содир бўлади.

Анализ сингари, синтез ҳам, ўқиш процессида катта ўрин тутди. —Масалан, ўқишга ўргатиш вақтида товушлар ва ҳарфлардан бўғинлар, бўғинлардан сўзлар, сўзлардан гап тузилади. Мана шунинг ўзи — синтездир. Адабий асарлардаги айрим қахрамонларнинг ёки тарихий арбобларнинг қилган кшларини, фикрларини, хисларини тасвирлаш ва анализ' қи-

лиш йўли билан ҳамда синтез қилиш натижасида шу ар" бобларнинг, шу қахрамонларнинг характеристикаси ҳосил бўлади..

Анализ ва синтез йўли билан муайян бир бутун нарсанинг ҳар бир айрим қисмининг, ҳар бир айрим элементининг шу бутун нарсандаги роли ва аҳамияти, шу қисмлар ва элементларнинг бир-бирига боғланиши, нарсанинг асосий (муҳим) белгилари ва иккинчи даражали белгилари аниқланади.

Анализ ва синтез ҳамisha бирликда ўтади. Бир бутун нарса анализ қилинади. Бинобарин, синтез анализни тақозо қилади. Муайян қисмларни, элементларни, белгиларни бир бутун қилиб бирлаштирмак учун аввало шу қисмларни, шу элементларни ва белгиларни анализ натижасида ажратиб олиш лозим. Анализ билан синтезнинг бирлиги тўғрисида Энгельс бундай дейди: «Тафаккур онгимиз қаратилган объектларни таркибий элементларига ажратишдан иборат бўлганидек, зоти бир бўлган элементларни бир бутун қилиб қўшишдан ҳам иборатдир. Анализ бўлмаса, синтез ҳам бўлмайди»¹. Анализ билан синтезнинг бир-бирига боғлиқлигини И. П. Павлов бош мия пўстининг анализ ва синтез қилиш фаолияти тўғрисидаги таълимотида ҳам исботлаб берган.

«Тафаккур,— деб ёзган эди И. П. Павлов,— албатта ассоциациялардан, синтездан бошланади, сўнгра синтезнинг иши шу анализ билан қўшилади. Анализ, бир томондан, рецепторларимизнинг, периферия учларининг анализаторлик қобилиятка, иккинчи томондан эса, бош мия катта ярим шарларининг пўстида такомил топувчи ва воқеликка мувофиқ бўлмаган нарсаларни воқеликка мувофиқ бўлган нарсалардан ажратиш турувчи тормозланиш процессига асосланади»².

Одам бош мияси катта ярим шарларининг пўстида қилинадиган анализ ва синтез ҳам биринчи, ҳам иккинчи сигнал системаларининг сигналларини ўз ичига олади. Биринчи сигнал системаси берган беҳисоб сигналларнинг янги умумлашувлари ҳам иккинчи сигнал системасида юксак анализ ва синтез қилинади.

Абстракция л аш, умумийлаштириш ва конкретлаштириш

Абстракция — шундай бир фикрлаш процессидирки, бунда тафаккурда акс этилаётган бир ёки бир неча объектларнинг бирор белгиси (хусусияти, ҳаракати, ҳолати, муносабати) шу объект ёки объектлардан фикран ажратиб олинади. Бу процесда объектдан ажратилган бир белгининг ўзи тафаккурнинг мустақил объекти бўлиб қолади. Абстракция, одатда, анализ процессида ёки анализ натижасида содир бўлади.

¹ К. Маркс ва Ф. Энгельс, Асарлар, XIV том, 43-бет.

² «Павловские среды», II том, 585—586-бетлар.

Масалан, синфдаги доскани тасвирий анализ қилиш процессида унинг фақат бир белгисини — қоралигини ажратиб олиш мумкин ва қора доска тўғрисида эмас, балки досканинг қоралиги тўғрисида, сўнгра эса умуман қоралик тўғрисида фикр қилиш мумкин. Биз одамлар, самолётлар, сув, от ва ҳоказоларнинг кўз олдимидаги ҳаракатини кузатиб туриб, уларнинг битта умумий белгисини — ҳаракатини фикран ажратиб олишимиз ва умуман ҳаракат тўғрисида фикр қилишимиз мумкин. Чунончи, абстрактлаш йўли билан бизда узунлик, кенглик, миқдор, тенглик, сон, қиймат ва бошқа шу кабилар тўғрисида абстракт тушунча ҳосил бўлади.

Буюмларни бир-бири билан таққослаш чоғида ҳам абстракциялаш процесси содир бўлади. Бирон муайян жиҳатлар ҳаммиша бир-бири билан таққосланади, буюмлар ёки ҳодисаларнинг муайян белгисига (тусига, шаклига, ҳаракатларининг тезлигига ва шу кабиларга) қараб, улар бир-бири билан таққосланади.

И. П. Павлов фикр қилиш фаолиятида абстракциянинг алоҳида аҳамияти борлигини уқтириб, бундай деган эди:

«Умумийлаштиришга кенг имконият очиб берган сўзнинг алоҳида хусусияти бўлмиш абстракция туфайли биз воқеликка бўлган муносабатимизни вақт, макон, сабабият каби умумий тушунчалар формасига солганмиз»¹.

Нутқ, тил бўлганидагина абстракция қилиш мумкин. Сўз бўлмаса, ҳеч бир тушунчани ифодалаб бўлмайди.

Умумийлаштириш — тафаккурда акс этган бир туркум нарсаларнинг ўхшаш, муҳим белгиларини шу нарсалар тўғрисидаги битта тушунча қилиб, фикрда бирлаштириш демакдир. Масалан, олмаларда, нокларда, ўрикларда, апельсинларда ва бошқа шу кабиларда бўлган ўхшаш белгилар битта тушунчада бирлашади, биз буни *мева* деган сўз билан ифодалаймиз. Дарахтлар, ўтлар, гуллар ва бошқа шу кабилар «ўсимлик» деган тушунчада умумийлаштирилади, ўсимлик ва ҳайвонлар «организм» деган тушунчада умумийлаштирилади, ҳарф ва рақамлар «белги» деган бир тушунчада умумийлаштирилади ва ҳоказо.

Умумийлаштириш тафаккурнинг абстрактлаштирувчи фаолияти билан чамбарчас боғлангандир. Абстрактлаштириш процессида айрим нарсаларнинг ўхшаш белгилари аниқланади ва шу ўхшаш белгилар умумийлаштирилади.

Абстрактлаштириш сингари, умумийлаштириш ҳам, сўз ёрдами билан ҳосил бўлади. Ҳар қандай сўз якка бир нарсани ёки ҳодисани эмас, балки ўхшаш якка-якка объектларнинг кўпчилигини ифодалайди. Ҳар қандай сўзнинг (нутқнинг) ўзиёқ, — дейди В. И. Ленин, — у м у м и й л а ш т и р а д и. Чунон-

¹ «Павловские среды», III том, 320 бет.

чи, биз *стол* деган сўзни айтганимизда, бу билан биз якка-якка кўп столларга тааллуқли бўлган фикрни ифодалаймиз.

Фикрдаги абстрактлаштириш ва умумийлаштириш процесслари иккинчи сигнал системасининг специфик, ўзига хос механизмларига таянади. Нутқ сигналлари (сўз) туфайли, — дейди И. П. Павлов, — «...нерв фаолиятининг янги принципи — абстрактлаш ва шу билан бирга, олдинги системанинг беҳисоб сигналларини умумийлаштириш вужудга келадики, бунда ҳам ўз навбатида ана шу умумийлаштирилган янги сигналлар тағин анализ ва синтез қилинаверади...»¹.

Конкретлаштириш бир жиҳатдан қараганда абстракциялаш ва умумийлаштириш процессига қарама-қарши ёки шу процесснинг тескарисидир.

Конкретлаштириш, биринчидан, умумий абстракт белгини якка объектларга татбиқ ёки мансуб қилишда ифодаланди. Масалан, биз «оқ» деганимизда кўз олдимида қор, қоғоз, пахта ва шу кабилар келиши мумкин. Биз «куч» деганимизда одамни, машинани, ёруғликни ва шу кабиларни тасаввур қилишимиз мумкин. «Тўрт бурчакли» деганимизда бу белги квадратга, трапецияга, параллелограммга, китобларга ва шу кабиларга татбиқ қилиниши мумкин. Иккинчидан, конкретлаштириш умумий ва якка белгилари камроқ бўлган умумийликни очишда ифодаланади. Масалан, биз олма, олхўри, узумни мевалар қаторига; стол, стул, диван ва шу кабиларни мебель қаторига қўшамиз. Умумий фикрларни баён қилиш ва изоҳлаш чоғида биз, одатда, келтирадиган мисолларнинг ҳаммаси конкретлаштиришнинг ўзидир.

Классификация ва системага солиш

Атрофдаги оламни билиш учун битта нарсани эмас, балки кўпчилик ва хилма-хил нарсаларни ўрганишга тўғри келади. Шу сабабли ўрганиш учун қулайлик туғдириш мақсадида, шунингдек, амалий мақсадларда мана шу кўпчилик нарсаларни группаларга — туркумларга бўлишга тўғри келади. Кўпчилик нарсаларни (нарсаларни ва ҳодисаларни) группаларга бўлиш **классификация** ёки туркумларга бўлиш деб аталади. Ҳар бир группадаги муайян нарсага хос бўлган бирор белгига қараб, шу нарсалар туркумларга бўлинади. Нарсаларнинг умумий белгиси борлиги уларни бирор жиҳатдан бир-бирига ўхшаш қилиб қўяди. Масалан, кутубхонада китоблар муқовасига, форматига, мазмунига ва шу каби белгиларига қараб туркумларга бўлиниши мумкин. Уқувчиларни, одатда, ёш ёки жинсий белгилари бўйича, улгуришларига ва шу кабиларга қараб туркумларга бўладилар.

¹ И. П. Павлов, Полное собрание сочинений, III том, 2- китоб, 215- бет.

. Туркумларга бўлиш учун асос қилиб олинган белги тур* | кумларга бўлишнинг *асоси* деб аталади.

Системага солиш шундан иборат бўладики, бунда айрим нарсалар, фактлар, ҳодисалар ва фикрлар муайян тартибда ~Ш макондаги, вақтдаги тутган ўрнига қараб ёки мантикий тартибда жойлаштирилади. Шу сабабли маконий хронологик ва мантикий белгилар асосида системага солиш турлари ажратилади. Мебелнинг хонадаги жойлаштирилиши, дарахтларнинг^бокка ўтказилиши маконий система намунаси бўла олади. Утмишда бўлиб ўтган воқеаларнинг хронологик тартибда жойлаштирилиши шу воқеаларнинг вақтига қараб системага солишнинг намунаси бўла олади. Математикага, фалсафага, мантиққа доир дарсликларда илмий материалнинг жойлаштирилиши мантикий системага солишнинг намунасидир.

Системага солиш, одатда, туркумларга бўлиш асосида ўтказилади ва мана шу туркумларга бўлишнинг якуни деса бўлади,

*

Хулоса чиқариш тафаккурнинг специфик фикр юритувчи операциясидир, лекин ҳукмлар масаласини баён қилаётганимизда бу операция тўғрисида гапириш максадга мувофиқ деб бўлади.

ИУЪ /y/' ш . ҲУКМ ВА ХУЛОСА ЧИҚАРИШ


Ҳукмлар

Тафаккур қилиш процессида, айрим фикр юритиш операцияларида бизда пайдо бўладиган фикрлар ҳукм тариқасида изакланади. Ҳукм — бирор нарса (ёки бирор кимса) ҳақида бирор нимани тасдиқлаш ёки инкор қилиш демакдир. Масалан, «Бу стол — ёғоч стол», «Туяқушлар уча олмайди», «Ҳамма фанлар фойдали». Ҳукмда бирор нима ҳақида ёки бирор кимса ҳақида тасдиқланган ёки инкор қилинган нарса ҳукм мавзуи бўлади. Ҳукмларда буюмда бирор белгиларнинг борлиги ёки йўқлиги унинг бошқа буюмлар билан боғланиши ва муносабатлари тасдиқланади ёки инкор қилинади. Шу сабабли ҳукмлар сифатида қараб бир-биридан фарқ қилиниб, тасдиқловчи ҳукм ва инкор қилувчи ҳукм деб айтилади. Шу ҳукмларда тасдиқланган ёки инкор қилинган нарсалар эса ҳукмларнинг мазмунини ташкил қилади.

Ҳукм мавзуи ва унинг мазмуни идрок қилиниши, тасаввур этилиши ва фикрга келтирилиши мумкин, яъни тушунчалар тарзида ифодаланиши мумкин.- Бинобарин, идроклар, тасавгурлар ва тушунчалар икки элементининг (маҳсулларининг) мазмуни ҳукмнинг психологик (субъектив) жиҳатини ташкил

этади. Лекин элементларнинг бу қўшилишини уларнинг ассоциациялар асосида кетма-кет бир-бири билан алмашилиш тариқасидагина тушуниш ярамайди. Бунда шундай боғланиш ҳам бўлиши мумкин. Лекин тасдиқлаш ёки инкор қилишнинг ўзидаги мазкур элементларнинг боғланиши ҳукм (фикр) спецификасини ташкил этади. Ҳукмнинг тузилишини куйидаги схема тарзида тасвирлаш мумкин (39-раем),

Бу ердаги икки тўғарак — S билан P ҳукм элементларидир. S чизиги тасдиқлашни ёки инкор қилишни ифодалайди. Нукта A чизиги бўлиши мумкин бўлган ассоциацияли боғланишни ифодалайди.



39- раем. Ҳукм схемаси.

Юқорида келтирилган мисоллардан кўриниб турибдики, ҳукмлар сўзларда — гапларда ифодаланади. Гапда бўлгани каби ҳукмда ҳам ҳукмнинг икки бўлаги — э г а с и ёки субъекта (S) ҳамда ҳукмнинг кесими ёки предикати (P) бўлади. Ҳукмнинг гапдан фарқи фақат шуки, ҳукмдаги эга ва кесим сўзлардан эмас, балки идроклардан, буюм ва унинг тўғрисида сўз билан ифодаланадиган тасаввур ва тушунчалардан иборат бўлади. Шу сабабли, ҳукмнинг сўз билан ифодаланиши учун ҳам тилнинг грамматик тузуми айниқса катта аҳамиятга эга. Фикр-ҳукм тўғри грамматик формада ифодаланганлиги учун ҳам уни (фикрни) изҳор қилган киши учун ва бошқа кишилар учун аниқ ва равшан бўлиб қолади.

Бизнинг ҳукмларимиз ё бир буюмга, ёки буюмларнинг бутун бир туркумига, ёхуд буюмлар туркумининг бирор қисмига тааллуқли бўлиши мумкин. Бир буюмга ёки бир ҳодисага тааллуқли ҳукмлар яқка ҳукм деб аталади. Масалан: «Москва — СССРнинг пойтахти», «Бугун ҳаво очикх^Буюмларнинг бутун бир туркумига тааллуқли ҳукмлар **умумий** ҳукмлар деб аталади. Масалан, «Металларнинг ҳаммаси электр ўтказида». Буюмларнинг бирон туркуми қисмигагина тааллуқли бўлган ҳукмлар **жузъий** ҳукмлар деб аталади. Масалан, «Баъзи жисмлар электр ўтказмайди».

. Ҳукмлар воқеликка муносабати жиҳатидан ҳам бир-биридан фарқ қилади: ҳукмлар воқеликка мувофиқ қилиниши ёки мувофиқ келмаслиги мумкин. Шу жиҳатдан Караганда, ҳукмлар чинакам ҳукм, нотўғри (хато) ҳукм ва тахминий ҳукм бўлиши мумкин.

Воқеликка мувофиқ бўлган, шу воқеликни тўғри акс эттирадиган ҳукмлар чинакам ҳукмлар деб аталади. Масалан,

«Симоб электр ўтказади», «Тошкент Ўзбекистан ССР пойтахти» деган ҳукмлар чинакам ҳукмлардир.

Бирор буюм тўғрисидаги чинакам ҳукмлар шу буюм тўғрисидаги билимдир. Билим ҳукмларда шаклланади, лекин ҳар қандай ҳукм ҳам билим бўлавермайди.

Воқеликка мувофиқ келмайдиган, уни нотўғри акс эттираётган ҳукмлар ёлғон ёки хато ҳукмлар деб аталади. Масалан, «Симоб — чўкичланмайдиган металл», «Икки қарра уч саккиз» деган ҳукмлар мана шундай нотўғри ҳукмлардир, Бу хато, нотўғри ҳукмлар билмасликни ифодалайди.

Чин ёки ёлғон ҳукм бўлиб чиқиши мумкин бўлган, яъни буюмга мувофиқ келиши мумкин бўлган, мувофиқ келмаслиги ҳам мумкин бўлган ҳукмлар **тахминий** ҳукмлар деб аталади. Масалан, «Эртага ёмғир ёгиши мумкин», «Эхтимол, Марсда ҳаёт бордир» каби.

Теварак-атроф олами билиш процессида тафаккур нарсалар ва воқелик ҳодисалари тўғрисида ҳамиша чин ҳукмлар чиқаришга **йўналган** бўлади.

Фикр юритиш процессларининг натижалари ҳукмларда гзвдалантирилади. Лекин аини вақтда ҳукмлар ҳам тафаккурнинг формасидир: Бизда тафаккур фаолияти, одатда, муҳокама формасида ўтади. Муҳокама эса бир-бири билан боғланган ҳукмлар «занжири»дир, аммо бу «занжир» да айрим ҳукмлар шунчаки бири кетидан бири келавермайди, балки аини вақтда тафаккурнинг бирор муайян нарсасига (ёки масаласига) **гааллукли** бўлиб, бир-бири билан боғлана боради. Шу туфайли муҳокамаларнинг системали, муайян ва мантикий бўлишига эришилади.

Тафаккурдаги система, муайянлик бузилганлигини кўрсатувчи бир мисол келтирамиз.

Бир бемордан: «Ишларингиз қалай?» деб сўраганларида, у бундай деб жавоб берибди: «Ишларим кетяпти, чунки тўхтаб турибди. Сиз қайси иолқда хизмат қилгансиз? Полковник уйдаими? Менинг уйимда, менинг хужрамда. Сиз доктор Кельинни биласизми? Сиз Кохни биласизми? Сиз Вирховни биласизми? Сизнинг касалингиз вабоми ёки тоунми? Соатнинг занжири яхши эканми? Кечикдингизми?»

Беморнинг бу жавобларида биз фақат ассоциатив боғланишлар туфайли бир-бирининг кетидан келаётган бир қанча ҳукмларни (фикрларни) кўриб турибмиз. Лекин бу жавобларнинг ҳаммаси бирон нарсага боғланган эмас — қўйилган са-Еолга жавоб бўлиб тушмаган. Бу беморнинг муҳокамалари номуайян, системасиз, мантиксиздир.

Тафаккур процессларида, қўйилган мақсадга мувофиқ, ҳукмлар шундай бир тартибда кетма-кет келиши (бир-бирига тааллукли бўлиши) мумкинки, ҳукмларнинг бундай тартибда келишининг ўзида янги ҳукмлар пайдо бўлади ва шакллана-

ди, шунингдек, мавжуд ҳукмларнинг чинлиги ёки янглишлиги равшан бўлиб қолади.

Бунда шуни назарда тутиш керакки, ҳукмлар ҳар қанча мантикий бўлса ҳам уларнинг вужудга келишида ва муҳокамаларида ассоциатив процесслар ҳам ҳамиша катта ўрин тутаяди.

Хулоса чиқариш

Таққослаш, анализ ва синтез қилиш, абстрактлаштириш ва умумийлаштириш процессларида аввало бизнинг сезги ор-гапларимиз бевосита сезиб олиши мумкин бўлган ҳодисалар ва нарсаларнинг хусусиятлари, уларнинг боғланишлари ҳам-да муносабатлар акс эттирилади. Шу йўл билан бизда бевосита идрок ва тасаввурларга асосланган ҳукмлар ҳосил бўлади. Масалан, «Кеча бугунгига Караганда иссиқроқ бўлди» (таққослаш), «Дарахт илдизлар, тана, бутоклар, шохлар ва барглардан иборат бўлади» (анализ) деган ҳукмлар мана шундай ҳукмлардир.

Лекин, илгари айтиб ўтилганидек, воқеликни билиш процессида аввал бизнинг идрок ва тасаввурларимизда бевосита акс этмаган нарса ёки ҳодисаларни, бу нарса ёки ҳодисаларнинг хусусиятларини, уларнинг боғланиш ва муносабатларини очиб беришга тўғри келади. Бундай нарса ёки ҳодисалар бевосита, асосан, хулоса чиқариш йўли билан акс эттирилади (билинади).

Хулоса чиқариш — тафаккурнинг тарихан таркиб топган мантикий формасидир, тафаккурнинг шу мантикий формаси воситаси билан бир ёки бир неча маълум ҳукмлар (асослар) дан янги ҳукм — хулоса чиқарилади. Масалан, «Осмондаги ҳамма жисмлар сингари Қуёш ҳам, Ердаги Каби элементлардан таркиб топгандир», «Қуёшда гелий элемента бор» деган иккита ҳукм бор. Мана шу икки ҳукмдан: «Демак, Ерда ҳам гелий бор» деган янги ҳукм чиқарилади.

Ерда гелий борлиги дастлаб худди ана шундай хулоса чиқариш йўли билан кашф қилинган эди. Сўнгра бу хулоса практикада ҳам тасдиқланди.

Хулоса чиқаришнинг уч тури бор. Булар — индуктив хуло* са чиқариш, дедуктив хулоса чиқариш ва аналогияга асосан хулоса чиқаришдир.

Индуктив хулоса чиқариш (ёки индукция)=хулоса чиқаришнинг шундай бир туридирки, бунда бир неча яқка ёки айрим ҳукмлардан битта умумий ҳукм чиқарилади. Масалан, шундай ҳукмлар бор: «Егоч қиздиришдан кенгайди», «Темир қиздиришдан кенгайди», «Сув иситишдан кенгайди», «Ҳаво қиздиришдан кенгайди», ва ҳоказо. Биз мана шу ҳукмлар (Хасослар) дан янги умумий ҳукм (хулоса) чиқариб, демак: «Ҳамма жисмлар қиздиришдан кенгайди» деб айтаемиз.

Ўқитиш процессида, кўпинча, ўқувчиларнинг ўзлари бир қанча айрим ҳодисаларга, айрим ҳукмларга асосланиб, математика ёки грамматикадан умумий қоидалар чиқариб олади-лар. Масалан, ўқувчилар *китоб* деган сўзининг охирида *б* ёзиладими ёки *н* ёзиладими, деб шубҳаланиб қоладилар. Бундай ҳолда ўқитувчи ўқувчиларга аниқ эшитилмаётган ундош товушнинг аниқ эшитилмоғи учун бу сўзни унли товуш билан бошланадиган кўшимча қўшиб турлашни таклиф қилади. Ўқувчилар бу сўзни унли билан бошланадиган кўшимча қўшиб бир неча марта турлаб (*китобим, китобинг, китоби*) машқ қилганларидан кейин, *п* эмас, балки *б* ёзиш кераклигини билиб оладилар. Ўқувчилар, яна *озод, туз, Аҳмедов, Йўлдошев* каби сўзларни ёзишдан ҳам *д, з, в* ундош товушларини аниқлаш учун шу сўзларни худди ҳалигидек турлайдилар (*озода, тузи, Аҳмедова, Йўлдошева*). Сўнгра шундай сўзлардан бир нечасини турлаб машқ қилингандан кейин, ўқувчилар ўқитувчининг ёрдами билан: «Ёзиш вақтида сўзлардаги аниқ эшитилмайдиган ундош товушларни аниқ эшитилмоғи учун шу сўзларни унли товушлар билан бошланадиган кўшимча қўшиб турлаш керак экан» деган хулосага (умумий ҳукмга) келадилар. Мана шунинг ўзи индукциянинг ёки индуктив фикр қилишнинг мисолидир.

Умумий ҳукмдан жузъий ёки якка ҳукмга ўтиш йўли билан хулоса чиқаришни **дедуктив** хулоса чиқариш (ёки дедукция), деб атаймиз.

Масалан:

«Жисмларнинг ҳаммаси қиздиришдан кенгайди». } Асослар
«Ҳаво жисмдир».

«Демак, ҳаво ҳам қиздиришдан кенгайди» — хулоса.

Ўқитиш процессида умумий қоидаларни жузъий, якка ҳолларга татбиқ қилиш вақтида ўқувчилар дедукция йўли билан фикрлайдилар.

Масалан, ўқувчиларга охиридаги ундош товуш аниқ эшитилмайдиган сўз учраб қолади (*китоб, озод* ва ҳоказо). Улар умумий қоида биланликлари сабабли, ўша қоида мана шу жузъий ҳолда татбиқ қиладилар ва аниқ эшитилмаётган ундош товушнинг аниқ эшитилмоғи учун сўзни турлаб, уни тўғри ёзадилар.

Аналогия йўли билан, яъни ўхшашлигига қараб хулоса чиқариш — жузъий ёки якка ҳукмларга асосланиб жузъий ёки якка ҳукм келтириб чиқаришдир. Боқча ёшидаги боланинг қуйидаги муҳокамасини мисол қилиб келтириш мумкин. Бола бундай муҳокама юритади: «Ана, холам келаётир. У менга конфет беради». Агар боланинг шу муҳокамасини анализ қилиб кўрсак, унинг фикр юритиши қуйидаги тарзда борганлигини кўрамиз.

«Ўтган сафар холам келган эди». } Асослар
«Ўшанда холам менга конфет олиб келган эди». }
«Яна холам келаётир». }
«Демак, холам менга яна конфет беради» — хулоса.
Яна бир мисол:
«Ўтган йил июнь ойининг бошида сел ёққан эди». } Асослар
«Июнь келаётир». }
«Демак, тез орада қаттиқ сел ёғса керак» — хулоса.

Хулоса чиқаришга доир келтирилган бу мисоллар кенгайтирилган мантиқий шаклда берилади. Фикр қилиш процессида хулоса чиқаришнинг айрим қисмлари, одатда, тушириб қолдирилади. Кўпинча, айрим асослар ҳаммага маълум ҳукм бўлганлиги, шу сабабли, такрорлаб ўтиришнинг ҳожати йўқлиги туфайли тушириб қолдирилади.

Масалан: «Фанларнинг ҳаммаси фойдалидир. Психология — фандир. Демак, психология фойдалидир, деган мазмундаги кенгайтирилган шаклда хулоса чиқариш ўрнига, биз, одатда, шу хулоса чиқариш йўлини қисқартирилган шаклда ифодалаб, бундай деймиз: «Ҳамма фанлар фойдалидир, демак, психология ҳам фойдалидир», ёки «Психология — фандир, демак, у фойдалидир» ёки: «Психология фойдалидир, чунки ҳамма фанлар фойдалидир».

Биз ўзимизнинг ёки бошқаларнинг фикрларини текшириб кўриш, асослаб бериш, исботлаб бериш лозим бўлгандагина хулоса чиқаришнинг тўлиқ, кенгайтирилган мантиқий формасидан фойдаланамиз.

Ҳукм юритишнинг мураккаб процесслари ҳаммаша туташ хулосалар чиқаришдан иборат бўлиб, бу процессларда хулосаларнинг ҳамма турлари бир-бири билан чатишиб кетади.

Ҳукмнинг ҳақлигига ишонч ҳисси

Тафаккур процесси ҳаммаша объектив дунёда мавжуд нарса ва ҳодисалар тўғрисида чин хулоса чиқаришга, шунингдек, хато хулоса ва ҳукмлардан қутулишга қаратилган бўлади.

Мана шундай чин ҳақиқатни қидираётган кишида, одатда, ўзи тайёр ҳолда уқиб олаётган ёки фикрлаш процессида пайдо бўлаётган ҳукмларнинг чинлигига, ҳақлигига ишонч ёки шубҳа ҳисси туғилади. Ишонч ёки шубҳаланиш даражаси турлича бўлади. Биз бирор ҳукмнинг чинлигига, муҳокамаларимизнинг тўғрилигига тўла амин бўлишимиз, ишонимиз ёки, аксинча, шубҳаланишимиз ёхуд бутунлай ишонмаслигимиз мумкин.

Шундай ҳукмлар, хулосалар борки, уларни уқиб олишда ёки ҳосил қилишда кишида шубҳаланиш ҳислари, яъни ишончдан ишончсизликка ўтиш ва, аксинча, шубҳадан ишончга ўтиш ҳислари пайдо бўлади.

Вокеликни бевосита идрок қилиш, сезишга асосланган ҳукмлар бизда катта ишонч ҳисси туғдиради. Одатда биз бундай ҳукмларни очиқ кўришиб турган, ўз-ўзидан равшан ҳақиқат деймиз. Лекин идрок қилиш вақтида нотўғри идрок қилиш Ҳоллари ҳам бўлганлиги сабабли, мана шундай идрокларга асосланган ҳукмлар бизда баъзан ишончсизлик ёки шубҳаланиш хисларини туғдиради. Баъзан биз «ўз қулоғимизга ва ўз кўзимизга ишонмай қрламиз».

Хотира тасаввурларига асосланган (ўтмишни эсга туширишдаги) ҳукмлар баъзан кишида шубҳа туғдиради ва уларга камроқ ишонч билан қараймиз.

Хулоса чиқариш йўли билан ҳосил қилинадиган ҳукмлар хотира тасаввурларига асосланган ҳукмларга Қараганда кўп даража инобатли, ишончли бўлади, лекин, шундай бўлса ҳам, биз хулоса чиқариш йўли билан ҳосил қилинган ёки шу йўл билан ҳосил қилинадиган ҳукмлардан ҳамма вақт ҳам қаноат ҳосил қилавермаймиз. Бунинг сабаби, биринчидан мана шу чиқарилган хулосага негиз бўлган асосларнинг қанчалик тўғрилигига, яъни шу ҳукмларда вокеликнинг тўғри акс эттирилганлигига қай даражада ишонч борлигига ва, иккинчидан, киши хулоса чиқаришнинг мантикий формаларини қанчалик эгаллаб олганлигига боғлиқ бўлади. Агар киши хулоса чиқариш формаларини тўла эгаллаб олмаган бўлса у тўғри Еа чин асослар бўлган тақДирда ҳам хато хулоса чиқариши ёки чин хулосани нотўғри хулоса деб қабул қилиши мумкин.

Одамнинг мавжуд эҳтиёжлари ва манфаатлари ҳукмнинг қиллигига ва муҳокаманинг тўғрилигига ҳамда қай даражада ишонч билан қарашта таъсир қилади. Бизнинг эҳтиёжларимизга ва манфаатимизга мого келган ҳукмлар дабров чин ҳукм деб қабул қилина беради, бизнинг манфаатимизга мого келмаган ҳукмларни, хулосаларни эса, купинча, биз нотўғри хулосалар деб қабул қиламиз. В. И. Ленин бундай дейди- 4 «Геометрия аксиомалари одамлар манфаатига зид келиб қолса, бу аксиомалар албатта рад қилинган бўлур эди, деган машхур ҳикматли гап бор»,

Ҳукм чиқаришда ишончнинг қай даражада осонлик билан вужудга келиши ҳар бир шахснинг индивидуал хусусияттарига ҳам боғлиқдир.

Одамлар хиссиётга берилиб ёки ўз манфаатларини кўзлаб ҳукм юритишлари мумкин, шу сабабли бир томонлама, ғаразгўйлик билан чиқарилган ва, бинобарин, ҳақиқатни акс эттирмайдиган хато ҳукмлар бўлиши мумкин

Ишонмаслик, шубҳаланиш хислари ҳақиқатни қидираверишга йўллайди. Тажрибада синалган ҳукмлар энг кўп ишонч билан қабул қилинадиган, инобатли ҳукмлардир Шу сабабли, одамнинг фикр қилиш ва билиш фаолияти процесс-

I ларида тафаккур процессларини, айрим ҳукмларни тажрибада синаб кўриш ва танқиддан ўтказиш зарурияти, эҳтиёжи туғилган.

I ” ^т . ж и т”
Ҳақиқатни исбот қилиш, нотўғрини рад этиш эҳтиёжи »уғилган. Шу сабабли, яна кенгайтирилган мантикий Ф⁰Рм^{ан} Даги ҳукм чиқариш, ҳамма далил ва асосларни ^б Р , ^а , ^о и р келтириб хулоса чиқариш зарурияти ҳам туғилган. ^факкурнинг иккиламчи процесслари, яъни контрол қилувчи еки танқидий тафаккур шу тариқа вужудга келади ва ташкил топади. Бу тафаккур кишининг ёши ўсган сари, тароия таъсири остида ўсади. Контрол қилувчи тафаккурнинг усганлиги одамнинг ақли юксак даражада ўсганлигини, одамнинг мустақил фикр юритаётганлигини кўрсатади. Ҳукмларни муфассал туркумларга ажратиш, хулоса чиқаришнинг ҳамма турларига доир қоидалар тузиб бериш, шунингдек, ^ш У ^а ^дирадиган ҳукмларни асослаш ва исботлаш Ф⁰Р[^]Н^{""} ҳамда қоидаларини тузиб бериш билан логика ^манш^ фани шуғулланади. Шу қоидалар ва формаларга мувофиқ келадиган тафаккур мантикий тафаккур деб аталади,

I <

IV. ТУШУНЧА

Юккрида айтиб ўтилганидек, бизда фикрлар ҳукмлар тарзидагиша шаклланиб қолмасдан, шу билан бирга атрофимиздаги олам ва ҳаёт туғрисидаги тушунчалар тарзида шаклланади. Тушунча нарсалар туғрисида — уларнинг хусусиятлар- Р"- Ҳолатлари, боғланишлари ва муносабатлари туғрисида бир-бири билан боғланган ҳукмлардан ҳосил булади.^Бирор нарса туғрисида тушунча ҳосил қилиш — шу нарса туғриси- Д^а ^б Р ^анча ҳукмлар юритиш демақдир. Тушунчани очиб берадиган ҳукмлар жами шу тушунчанинг мазмунини ташкил қилади. Бирор нарса туғрисида қанча кўп ҳукм юрита олсак, тушунчанинг мазмуни ҳам шунчалик бои бўлади. Нарсанинг шу ҳукмларда ифодаланган белгилари қанчалик муҳим бул^са, тушунчанинг мазмуни ҳам шунчалик чуқур булади.

Ш

Ш -

Тушунчанинг икки тури бор: бири— конкрет тушунча, иккинчиси — абстракт тушунча.

I

Бир бутун нарсага тааллуқли булган тушунча, масалан, стол туғрисидаги, одам туғрисидаги, ўсимлик ва бошқа ^шУ- ^{ка} б и ^н а Р ^{са} л а Р туғрисидаги тушунча *конкрет* тушунча- Д^и Р- ..

•

- *

Нарса ва ҳодисаларнинг узига тааллуқли булмасдан, ^б ал ки ^н а Р ^{са} ва Х^с Д^{ис} а л а Р Д^{ан}. - фикран ажратиб олинган айрим хусусият, сифат ва ҳолатларга, шунингдек, айрим ^н а Р ^{са} ва Ходисалар ўртасидаги муносабатларга ва боғланиш- ла Р ^{га} тааллуқли бўлган тушунчалар *абстракт* тушунчалар

I

I

Ш

деб аталади. Масалан, «оклик» тўғрисидаги, «узунлик» тўғрисидаги, «тенглик» тўғрисидаги, «харакат» тўғрисидаги, «қиймат» тўғрисидаги ва бошқа шу каби тушунчалар мана шундай абстракт тушунчалардир.

Тушунчаларнинг идрок ва тасаввурлардан фарқи

Тушунчани идрок ва тасаввурдан фарқ қилмоқ керак. Илгари айтиб ўтилганидек, сезги ва идроклар нарса ва ходисаларнинг бизнинг сезув органларимизга таъсир қилиши процессида ҳосил бўлади. Сезги ва идроклар сезув органлари фаолиятининг махсулидир. Тасаввурлар ё хотиранинг махсули, эки ҳаёлнинг махсулидир.

Тушунча тафаккурнинг махсулидир. «Тушунча,— дейди В. И. Ленин,— бевосита ҳосил бўладиган бир нарса эмас...»¹: Тушунча идрок қилинаётган ва тасаввур қилинаётган нарсалар туррисида тафаккурнинг ишлаши натижасида вужудга келади. Масалан, ойни идрок қилмоқ (кўрмоқ) учун унга қарашнинг ўзи кифоя қилади. Лекин шу ой туррисида тушунчага эга бўлмоқ учун, яна, бунинг устига, тафаккурнинг ишлаши ҳам керак бўлади.

Идрок ва тасаввурлар фақат якка нарсаларнинг образларидир. Тушунчалар эса фақат якка бир нарсага эмас, балки куп нарсаларга, нарсаларнинг бутун туркумига ҳам тааллуқли бўлган, умумийлаштирилган бир мазмунни акс эттиради. Масалан, «стол» (умуман стол) деган тушунча ҳамма столларга тааллуқли тушунчадир.

Тушунча — ўзининг психологик тузилиши жиҳатидан фикран умумийлаштирилган образдир.

Тушунчага тааллуқли объектларнинг миқдори тушунчанинг қўламини (ҳажмини) ташкил қилади. Тушунчалар қўлам жиҳатидан иккига бўлиниб, якка тушунчалар ва умумий тушунчалар деб аталади.

Айрим, якка нарсаларга тааллуқли тушунчалар *якка* тушунчалар деб аталади. Масалан, Амударё тўғрисидаги, На-ЕОИЙ тўғрисидаги, бир стол тўғрисидаги ва ҳоказолар ҳақидаги тушунчаларимиз мана шундай якка тушунчалардир, Аммо якка тушунчаларнинг мазмуни, гарчи битта нарсага тааллуқли бўлса ҳам, умумийлаштирилган тарзда бўлади. Масалан, Амударё тўғрисидаги тушунчада шу дарёни кўп марталаб кузатиш ва унинг ҳақида бир қанча хилма-хил Хукмлар чиқариш натижасида ҳосил қилинган ва умумийлаштирилган мазмун ифодаланади.

Якка тушунчаларнинг хусусияти шуки, бу тушунчаларда

ҳамиша яққол образ мавжуд бўлади, чунки бу тушунчалар бевосита ё идрокка, ёки тасаввурга асосланади.

Бутун бир туркум, бир-бирига ўхшаш тушунчалар *умумий* тушунчалар деб аталади. Масалан: иморат тўғрисидаги, одам тўғрисидаги, ўсимлик тўғрисидаги, организм ва ҳоказолар тўғрисидаги тушунчалар мана шундай тушунчалардир.,

Умумий тушунчалар ҳам тасаввурларга асосланади. Лекин мана шу тушунчаларда пайдо бўладиган тасаввурлар айрим ҳолларда ва айрим кишиларда турлича бўлши мумкин. Масалан, бизнинг фикримизда «хайвон» деган тушунча пайдо бўлганида, бизнинг онгимизда ё от тўғрисидаги, ёки сигир тўғрисидаги, ёки ит тўғрисидаги, ехуд шу хайвонларнинг бутун бир тўдаси тўғрисидаги тасаввур туғилиши мумкин. Конкрет тушунчаларда туғиладиган тасаввур ҳар қанча хилма-хил бўлса ҳам, -шу тушунчалар шу тушунчада ифодаланадиган нарсаларнинг бир турига, бир туркумигагина тааллуқли бўлади.

Абстракт тушунчада ҳаммиша умумий бўлади.

Абстракт тушунчаларнинг хусусияти шуки, бу тушунчаларда идрок ёки тасаввурларга бевосита таянмайди. Бу тушунчаларда яққол образ бўлмайди, абстракт тушунчаларда сезги элементлари бўлмайди. К- Маркс абстракт тушунчаларда яққол образ бўлмаслигини кўрсатиш учун сезув органлари билан бевосита кўриб ва эшитиб бўлмайдиган «қиймат» тушунчасини мисол қилиб келтиради. «Сиз ҳар бир айрим то-, варни ушлаб ва қўлингизда айлантириб кўришингиз, уни хоҳлаганингизча ишлатишингиз мумкин, аммо шу товарни қиймат тарикасида олиб қараганимизда уни асло ушлаб бўлмайди»¹.

Гарчи абстракт тушунчалардан миямизда бирор тасаввур туғилса ҳам, бу тасаввурлар шу тушунчанинг ўзига бевосита тааллуқли бўлмасдан, балки бавосита ва ҳатто жуда олис муносабатда бўлади. Масалан, «чексизлик» деган абстракт тушунча бир одамда узун йўл туррисида тасаввур туғдирса, иккинчи бир кишида бир ғалтак ип туррисида тасаввур туғдиради, учинчи бир кишида осмон тўла юлдузлар тўғрисида тасаввур туғдириши, тўртинчи бир кишида чексизлик аломати бўлган математик белги туррисида тасаввур туғдириши мумкин ва ҳоказо. Абстракт тушунчалар конкретлаштирилгандагина тасаввурлар муайян характер касб этади. Масалан, «баландлик» тўғрисидаги, «оклик» тўғрисидаги тушунчаларда яққол образ йўқ, лекин «иморатнинг баландлиги» тўғрисидаги, «қорнинг оклиги» тўғрисидаги тушунчаларда яққол образ, тасаввур бор.

I

III

¹ В. И. Ленин, Философия дафтарлари, 262-бет,

¹ Д. Маркс ва Ф. Энгельс, Асарлар. XVII том, 54—55-бетлар.

Тушунчалар ўзининг мазмуни жиҳатидан ҳам идрок ва тасаввур образларидан фарқ қилади. Сезги органлари ёрдами билан бевосита акс эттирилган белгилар нарсалар тўғрисидаги идрок ва тасаввурларнинг мазмунини ташкил қилади.

Тушунчанинг мазмунини ҳукмлар синтезининг мажмуи ташкил қилади, бу ҳукмларда ўша идрок қилинаётган белгилар, шунингдек сезиш органларимиз ҳис қилолмайдиган белгилар кўрсатилади. Бунда нарсанинг белгилари унинг бошқа нарсалар ва тушунчалар билан муҳим боғланишларини ва муносабатларини ифодалайди. Тўғри фикр қилинган тақдирда, воқелик тушунчаларда, сезги ва тасаввурлардагига қараганда чуқурроқ, тўлиқроқ ва аниқроқ акс этади. Масалан, биз Қуёшни нур сочиб турган катта доира шаклида идрок қиламиз. Лекин бизнинг Қуёш тўғрисидаги тушунчамиз бир қанча ҳукмларни ҳам ўз ичига олади. Бу ҳукмларда, идрокка нисбатан, кўпроқ билим мавжуддир. Масалан: Қуёш Ердан қарийб бир ярим миллион марта катта, ловиллаб турган шардир. Қуёш билан Ернинг ораси 150 миллион километр. Қуёш — Ер, шунингдек, осмондаги ҳамма жисмлар таркиб топган элементлардан таркиб топган ва ҳоказо.

В. И. Ленин бундай деб ёзади: «...Энг оддий у м у м и й л а ш т и р и ш н и н г ўзиёқ, дастлабки ва энг оддий тушунчанинг (ҳукмнинг, хулосанинг etc) ҳосил бўлишиёқ одамнинг дунёдаги объектив боғланишларини борган сари кўпроқ билиб боришини кўрсатади»¹.

Тасаввурлар билан тушунчалар ўртасидаги тафовутлар тўғрисида айтилган бу гаплардан тасаввурлар бизнинг онгимизда ўзича пайдо бўла берар экан, тушунчалар эса ўз йўли билан ҳосил бўлар экан, деган маъно чиқариш ярамайди. Тасаввурлар билан тушунчалар бир-бири билан чамбарчас боғлангандир.

Ҳамма тушунчалар тажриба асосида ҳосил бўлади; шу сабабли ҳамма тушунчалар — конкрет тушунчалар ҳам, абстракт тушунчалар ҳам — идрок ва тасаввурлар асосида ташкил топади.

Иккинчи сигнал системасининг муваққат боғланишлари тушунчалар ҳосил бўлишини нерв-физиологик механизмларидир; лекин, илгари неча марта лаб айтиб ўтганимиздек, иккинчи сигнал системасининг фаолияти ҳаммиша биринчи сигнал системаси асосида ва бир-бирига ўтказаётган таъсири натижасида содир бўлади. Тушунчалар биринчи сигнал системасининг сигналларини абстрактлаш, умумийлаштириш, юксақ даражада анализ ва синтез қилиш натижасида вужудга ке-

¹ В. И. Ленин, *Философия дафтарлари*, 153-бет.

лади. «Теварак-атрофдаги нарсаларга тааллуқли бўлган сезгиларимиз ва тасаввурларимиз эса,— дейди И. П. Павлов,— биз учун воқеликнинг биринчи сигналларидир, конкрет сигналлардир...»¹.

Тушунча ва сўз

Тушунча билан сўз бир-бирига чамбарчас боғлангандир: сўзсиз тушунча бўлиши мумкин эмас. Сўз тушунчанинг «моддий» ифодаси ва тушунчанинг таянчидир. Тушунчалар ё бир сўз, ёки бир неча сўз билан ифодаланади. Масалан, «одам» деган тушунча бир сўз билан ифодаланган, лекин «совет киши» деган тушунча эса икки сўз билан ифодаланган, «Ўз Ватанини севган киши» деган тушунча тўрт сўз билан ифодаланган.

Кўпинча тушунчалар алоҳида шартли белгилар — символлар воситаси билан ифодаланади. Масалан, математикада + (плюс), — (минус), = (тенглик) ва бошқа шу каби белгилар ишлатилади. Кўп тушунчалар айрим ҳарфлар — *a, e, c, x, y* ва бошқа шу каби ҳарфлар билан ифодаланади. Бундай белгилар, одатда, сўз билан ифодаланадиган ибораларнинг ўрнида ишлатилади ва шартли аҳамиятгагина эга бўлади — сўзлашган вақтда бу ҳарфлар ўрнига оғзаки тилдаги сўзлар ва гаплар ишлатиш мумкин.

Сўзлар ва белгилар фақат тушунчаларнинг ифодасигина бўлиб қолмасдан, балки, шу билан бирга, тушунчалар ҳосил қилиш учун ҳам восита бўлади. Тушунчалар сезги, идрок, тасаввурлар асосида, сўз, нутқ ёрдами билан тафаккур процессида ҳосил бўлади.

Тушунчалар ҳосил қилишда фикрлашнинг асосий процесслари бўлган умумийлаштириш ва абстрактлаш фақат сўзлар ёрдами билангина рўёбга чиқиши мумкин. Сўзлар, терминлар тафаккур процессларида тушунчаларнинг мазмунини ифодалайди, онда тушунчаларнинг «вакили» бўлиб хизмат қилади, сўз биринчи сигнал системасининг ҳамма сигналларининг сигналларидир; шу сигналларнинг ҳаммасини ифодалайди, шу сигналларнинг ҳаммасини умумийлаштиради (Павлов).

Ҳар бир сўз муайян мазмуни ва муайян ҳажмдаги тушунчани ифодалайди, шу сабабли, сўзлар алоқа қилишга ва тушунчаларни англаб олишига хизмат қилади. Ҳар бир тушунча сўзлар воситаси билан бошқа шахсларга билдирилиши мумкин. Тушунчаларни ҳамма англаб олиши мумкин. Биз ўзимиздаги тушунчаларнинг кўпчилигини бошқа одамлардан тайёр ҳолда олганмиз. Одамларнинг ҳамма кейинги

¹ И. П. Павлов, *Полное собрание сочинений*, III том, 2-китоб, 232-бет.

авлодлари ўзларида бўлган тушунчаларнинг катта қисмини ўзларидан олдинги бўғинлардан тайёр ҳолда оладилар. Кейинги бўғиндаги одамлар аввалги бўғиндаги одамлар яратган тушунчаларни уқиб олиб, уларни чуқурлаштирадilar, аниқлайдилар, бойитадилар. Шу билан бирликда, кейинги авлодлар шу тарика уқиб олинган тушунчаларга в ўз тажрибаларига асосланиб, вокеликнинг олдинги бўғиндаги кишилар тушунча яратиб бермаган **нарс**а ва ходисалар тўғрисида янги тушунчалар яратадилар

Укитишнинг моҳияти ҳам тайёр тушунчаларни (билимларни) мана шу тарика бериш ва уқиб олишдан иборатдир, Тушунчаларнинг мана шундай бошқаларга берилиши ва уқиб олиниши бу тушунчаларнинг такомиллашувига **хам** сабабчи бўлади. Вокеликдаги нарс а ва ходисалар тўғрисидаги тушунчалар тарихан — инсоният оламининг тараккиёти давонида ва ҳар бир кишининг болаликдан бошлабто умрининг охиригача онгида такомиллашиб боради Тушунчаларнинг такомиллашиб бориши уларни чуқурлаштиришдан ва уларнинг мазмунини аниқлашдан, шунингдек уларнинг хажмини кенгайтириш ва аниқлашдан иборат бўлади Масалан бундан беш юз йил мукаддам одамларнинг Ер тўғрисидаги' Қуёш тўғрисидаги ва Ер билан Қуёшнинг бир-бири? **Гнисбатк** тўғрисидаги тушунчалари унчалик тўлиқ ва **аниқ тушунчалар** булмаган эди. Уша вақтдаги одамларнинг назарида Қуёш нур сочиб турган бир гардиш бўлиб, осмон гумбази

Қ[^]ш %рр^РисиХ^Рги: ^ИЕ^Д; ^Ва⁰Т^РаТни^ир^б:р^иг^иа
нисбати тўғрисидаги тушунчаларимиз бутунлай ўзгариб кетди. Бу тушунчалар янги мазмун билан бойиди, аниқроқ ва тўғрироқ бўлиб қолди. Энди биз Қуёшнинг **нур** сочиб турган гардиш эмас, балки жуда катта ловиллаб турган газсимон шар эканлигини, Қуёш Ер теварагида айланмасдан, балки Ер ўз ўқи теварагида ва Қуёш теварагида айланаётганлигини биламиз ва ҳоказо.

Қуёшнинг физик, химик ва атом таркиби тўғрисида энди одамлар кўпгина нарсаларни билиб олишди, Қуёш нурларининг Ерга, атмосферада ва космосдаги таъсири ҳақида ҳам одамлар кўп нарсаларни билиб олишди

Ҳар бир кишининг ёшига қараб, тарбия ва таълим таъсири билан ва кишининг фаолияти процессида унинг онгидаги тушунчалар ривожланиб боради. Чунончи, биз болалик чоғимиздаёқ турли ўсимликлар тўғрисида ва умуман ўсимликлар туррида баъзи бир тушунчаларга эга бўламиз Мактабда ботаника ва бошқа табиёт фанларини ўқиш туфайли ўсимликлар тўғрисидаги тушунчаларимиз бойийди ва аниқланади

Ҳукм, хулоса чиқариш ва тушунчалар фикрлаш фаолиятида бир-бири билан чамбарчас боғланган бўлади.. Тушунча-

лар ҳукмларда очиб берилади. Муҳокама юритиш процессида ўзимизда бўлган ҳукмлар асосида хулоса чиқариш, нули билан янги ҳукмларда нарсаларнинг янги (яъни шу вақтгача номаълум бўлган) белгилари очиб берилади ва шу билан бирликда, **бу** нарсалар тўғрисидаги тушунчалар тағин ҳам кўпроқ бойийди, чуқурлашади ва аниқланади..

V. ТАФАККУР ТУРЛАРИ

Одамларнинг эҳтиёжлари, ҳаётий қизиқишлари ва фаолиятлари жуда хилма-хилдир. Шу сабабли, одамнинг тафаккури ҳам турли ҳолларда ҳар хил турда намоен булади. Ўлиш учун ке Р^{ак}б⁶ў^{лган} вазифаларни ва ҳар хил амалий вазифаларни ҳал этишга тўғри келиб қрлинганида, шунингдек бошқа одамларнинг фикрларини нутқ орқали ва амалий муомалада билиб олишга, **тушуниб** олишга тўғри келинганида м^ам³ў³ фикрини ишлатади. Мана шундан **ижодий** тафаккур ва **тушун**иш деб аталадиган тафаккур келиб чиқади. Тафаккурнинг активлиги қай турда булишига қарао, у ихтиер^и ва ихтиёрсиз тафаккурга булинади, тафаккурнинг умийлашганлик даражасига қараб, у конкрет ва абстракт тафаккурга, йўналишига қараб, у назарии ва амалий тафаккур^{га} бўлинади.

Ижодий тафаккур ва тушуниш

Пайдо бўлган саволларнинг жавобини одам ўзи қидириб топса, қўйилган вазифаларни одам узи ҳал қилса одамнинг янги [^]У^км^лар^{ва} тушунчалар пайдо булса, бундай ҳолларда ижодий тафаккур пайдо булади.

Саволларнинг пайдо бўлиши еки қуирилганлиги фикр қилиш - тафаккур процессларидаги бошланғич моментдир (^ёки фазадир).

Идрокларда, тасаввурларда, фикрларда ва нутқда бирор етишмаган, мукамал ифодаланмаган нарс а сезилиб қолган^Д - ўзининг янгилиги, қутилмаганлиги билан эътиборни ^{жа}л^б қиладиган нарс а ва ходисалар идрок қилинганида ва шунга ўхшаш фикрлар пайдо бўлганида бизнинг онгимизда саволлар туғилади. Идрок, тасаввур ва фикрлар бир-бири билан «тўқнаш» келиб қолганида, бир-бирига зид тушиб қолганида саволлар пайдо бўлади. Бундай ҳолларда таажжубла^ьиш, ҳайратда қолиш хисси туғилади ва шу хислар билан бирликда саволлар ҳам ифодаланadi.

Инсон фаолиятининг ҳамма турларида унинг эҳтиёжлари сабабли саволлар пайдо бўлаверади, фаолият жараёнининг ўзида бизда янги саволлар туғилади, янги вазифалар қўйилади..

Нутқ орқали муомала қилганимизда, китобларни ўқиётган вақтимизда, нарсаларни кўздан кечириётганимизда техникага ва механикага доир хилма-хил машиналар билан танишайтганимизда ва шу каби ҳолларда бизда турли саволлар туғилади.

Тафаккур процессининг ўзи ҳам, билиш процессининг ўзи ҳам муттасил ҳар хил саволлар туғилишига сабаб бўлади. Одам қанчалик кўп билаверса, унинг олдида номаълум нарсалар шу қадар кўп пайдо бўлаверади, унда шу қадар куп саволлар туғилаверади ва унинг ўзи шу қадар кўп савол бераверади, Билишга қизиқиш саволлар қўйишда катта роль уйнайди,

Кундалик ҳаётда шундай ҳам бўладики, савол берилиши билан дарров унинг жавоби ҳам топилади. Масалан, «Бугун нима кун?» — «Бугун шанба», «Икки марта уч қанча бўлади?» — «Икки марта уч — олти». Шундай қилиб, бундай тафаккур процессида саволга жавобни идрок қилинаётган якин Базиятнинг ўзи беради ёки ҳаммага маълум очиқ-ойдин ҳақиқатлар жавоб бўлиб хизмат қилади. Кундалик ҳаётимиздаги нутқни бевосита тушунишнинг ўзи ҳам оддий тафаккурга тааллуқлидир.

Буч-тафаккурнинг оддий, элементар процессларидир Бу айрим ҳукмлар бизнинг идрокимизда ифодалангани ҳамда тасаввурлар ва тушунчалар тарикасида хотирамизда мустаҳкам ўрин олади.

Ижодий тафаккур тўғрисида гапирганимизда биз **мураккаб** ақлий процесси назарда тутамиз. Бу процесс бир қанча босқичлар (ёки фазалар) ва м'оментлардан иборат бўлади

Ижодий тафаккур мураккаб процесс бўлиб, бу мураккаб процессда қўйилган савол кетидан (шу саволнинг мураккаблигига қараб дастлаб вазифа ифодалангани, сўнгра эса вазифани, масалани ечиш процесси, яъни қўйилган саволларга жавоб қидириш процесси бошланади.

Вазифа, масала — ечилиши, ҳал қилиниши талаб этилган саволдир. Ифодаланган вазифа *мақсадни* ҳам ўз ичига олади. Бу мақсад номаълумни топишга ва шу тарика ҳайронлик таажжубланиш ва гумон хисларидан цутулишга интилишдан иборатдир. Тафаккурнинг мураккаб процессларида масалани ифодалашнинг ўзи, кўпинча, мураккаб фаолият бўлади Бунда нималар маълум ва номаълумлигини ҳисобга олишга масала қандай вазиятда ечилаётганлигини ҳисобга олишга ечилаётган масаланинг аҳамиятини тушуниб олишга тўғри келади.

Тафаккур процессининг шундан кейинги босқичи — *жа* - вобни излашдан, масалани ҳал этишга олиб келадиган йўлларни, воситаларни, коидаларни, усулларни қидириш ва татбиқ қилишдан иборат бўлади. Қўйилган саволларга берилган

диган жавобларни баъзан идрок қилинаётган теварак-атрофдаги вазиятдан қидиришга тўғри келади. Бундай ҳолларда тафаккур процессларида одамнинг кузатувчилик қобилияти катта аҳамиятга эга бўлади,

Баъзан лозим бўлган жавоб «хотира запаслари» орасидан — тажриба ва билимларимиздан топилади. Имтиҳон бераётган ўқувчининг фикри, кўпинча, шу тарика ишлайди, Кўпинча тафаккур процессларида керакли жавоблар ҳаёл ёрдами билан топилади. Масалан, ҳар хил тахминлар, илмий гипотезалар шу тарика вужудга келади, кўпгина кашфиётлар, техника соҳасида ҳар хил ихтиролар қилинади.

Кўпинча, тафаккур процессларида керакли жавобларни муҳокама қилиш ва ўйлаб кўриш, фараз қилиш, тафаккурнинг мантикий усулларини қўлланиш йўли билан топилади., Масалан, математика масалалари ана шу йўл билан ечилади*

Масала ва вазифаларни ечиш, қўйилган саволга жавоб қидириш процессида биз баъзан янглишамиз, шу масалани ечишга олиб борадиган тўғри йўлдан адашамиз. Олинган жавобнинг ўзи ёки масалани ҳал этиш усулининг узи бизда шубҳа туғдирадиган пайтлар ҳам бўлади. Бундай ҳолларда тафаккур процессида яна бир пайт — шу процесснинг натижаларини танқидий текшириб чиқиш пайти келади. Баъзан бу танқидий текшириш масалани, вазифани ҳал этиш процесси билан айна бир вақтда, баб-баравар бўлаверади. Фикр қилиш процессининг мана шу контроллик қилувчи паитида мантикий процесслар — хулоса чиқариш, исботлаш, рад этиш процесслари айниқса катта ўрин тутайди. Дақиқатнинг охириги ва асосий мезони одамнинг тажрибасидир.

Масалани, вазифани ҳал этиш йўлларини ва қурилган саволларга бериладиган жавобларни кўпинча бошқа одамлардан қидиришга тўғри келади. Фаолиятнинг бошқа турларида бўлгани каби, тафаккур соҳасида ҳам, одам узининг социал мавжудот эканлигини кўрсатади. Турли масалаларни, вазифаларни ҳал этиш вақтидаги тафаккур процесслари, кўпинча, бошқа одамлар билан нутқ орқали алоқа қилиш йўли билан воқе бўлади. Бу алоқа эса суҳбатлашиш, муҳоима қилиш, баҳслашиш ва бошқа шу кабилардан иборат бўлади.

Тарихга кирган ва улуғ кишиларнинг номлари билан оғлиқ бўлган илмий кашфиётлар, фалсафии ва илмий тушунчалар, турли назарияларнинг қўпчилиги аини вақтда куп жиҳатдан коллектив тафаккурнинг, баъзан бир неча буғиндаги одамлар тафаккурининг маҳсулидир.

Тафаккур процессидаги **тушуниш** бошқа бир кишининг оғзаки ва ёзма нутқини идрок қилиш ва ўқиб олиш жараёида содир бўлади. Нутқни тинглаётганимизда еки бирор ёзма текстни ўқиётганимизда, одатда, биз узимиз эшитаетган еки

укиетган сўз бирикмаларини тўғри идрок қилишга («пайқаб олишга») интиламиз.

Хехника буюмлари, машиналар, ишлаб чиқариш корхоналари билан, автомат ва электрон аппаратлар билан, асбоб ва шу кабилар билан танишиш жараёнида ҳам бизда тушунишсодир бўлади.

Бундаи ҳолда тушуниш муайян бир техникавий объектда гавдаланган фикрлар системасини идрок қилишда («пайқаб олишда»), объектнинг масалан, умуман хисоблаш машинасининг ва ундаги айрим деталларнинг маъноси ва вазифаси нималигини тушуна олишда намоён бўлади.

Жумладан, ўзимиз идрок қилаётган ёки тасаввур қилаётган нарсаларни ўзимиздаги мавжуд тушунчалар қаторига утказишнинг ўзи ҳам тушунишимизнинг ифодасидир.

Баъзи шартлар мавжуд бўлганидагина нуткни ёки буюмларни тўғри (адэкуват тарзда) тушуниш мумкин. Чунончи, Хар бир сузнинг маъносини билиш, тилнинг грамматик формаларини эгаллаб олиш, ўзлаштирилаётган соҳада етарли бклимга ва тажрибага эга бўлиш бу тилдаги нуткни тушукишнинг шартидир. Масалан, алгебрага, геометрияга ва физикага доир билимларни ўзлаштириб олмоқ учун ўқувчиларнинг аввало арифметикадан билимлари бўлиши шарт.

Техникани тушунмоқ учун қандайдир техникавий тажрибага эга бўлиш, лоа-қал.бддий асбоблардан фойдалана билиш ва лоақал оддий машиналар билан таниш бўлиш керак.

Тушуниш ижодий тафаккурдан фарқ қилади, гавдалантирувчи хаел бўлгани каби, тушунишни ҳам гавдалантирувчи тафаккур деб таърифлаш мумкин.

Тушуниш асосан, тайёр билимларни ва кўникмаларни ўзлаштиришда содир бўладиган тафаккурдир.

Мактабда ўқитиш процессида тушуниш катта роль ўйнайди. Уқувчиларнинг билимларни укиб олишдаги муваффақиятлари уларнинг шу билимларни қай даражада тушунишларига боғлиқ бўлади.

Одамнинг аклий фаолиятида тушуниш ва мустақил ижодий тафаккур процесслари бир-бирини истисно қилмайди. Шуни назарда тутиш керакки, тафаккурнинг бу иккала тури айни бир хил операциялардир; таққослаш, анализ, синтез қилиш ва шу кабиларда содир бўлаверади.

Баъзан тушуниш процессида ҳам саволлар қўйишга ва масалаларни ҳал қилишга тўғри келади. Оғзаки нуткни идрок қилиш чоғида ёки китобни ўқиётганимизда, ёхуд бирор техника ва механизмларни кўздан кечириётганимизда тушумиб бўлмайдиган, тушуниш қийин бўлган нарсалар учраб қолади. Бундай ҳолларда «буни қандай тушунмоқ керак» деган савол туғилади, бу саволнинг жавобини қидириш бошланади.

Бундан ташқари, бирор вазифани мустақил ҳал қилмоқ учун, бирор масалани мустақил ҳал этмоқ учун бирор нимани тушуниш ҳам керак. Масалан, ҳукм юритишда чин хулосага кёлмоқ учун шу ҳукм юритишга асос бўлган шарт-шароитнинг мазмунини тўғри тушуниб олмоқ керак. Математика уасала сани ечаётган ўқувчи аввало шу масаланинг мазмунини тушуниб олиши, яъни текстда ифодаланган фикрии (хукмни ва тушунчаларни) унинг мантикий боғланишида тўғри укиб олиши, сўнгра эса масалани ечишга киришуви, яъни тушунилган материалга асосланиб туриб, хар хил фикрлаш процессларини татбиқ қилиш йўли билан номаълум сонни қидириши ва топиши лозим бўлади.

Тушуниш (идрок қилишдан иборат фикр юритиш процесси) ва масалани мустақил ечиш (ижодий фикр қилиш) процесслари одам фаолиятида бир-бири билан чамбарчас боғланган ҳолда содир бўлади ва ўтади,

Ш

Ихтиёсий ва ихтиёрсиз тафаккур процесслари

Бошқа аклий процесслар сингари, тафаккур процесси ҳам, ихтиёрий ва ихтиёрсиз содир бўлиши мумкин.

Бошқа аклий фаолият турларига (идрок, эса қолдириш, эса тушириш, хаёлга) нисбатан тафаккур кўпроқ ихтиёрий процессдир. Фикрлаш фаолиятида купинча махсус саволлар қўйилади, масалалар ифодалаб берилади. Жавобларни қидириш, янги масалаларни ечиш вақтида кўпинча биз маълум даражада куч сарфлаймиз, иродамизни ишга соламыз, бунда баъзан катта қийинчиликларни, тўсқинликларни енгилшга тўғри келади.

Ихтиёрий тафаккур муҳокама қилиш тарзида ўтади. Математикадан хар қандай масалани ечиш процесси ихтиёрий тафаккурга мисол бўла олади. Контроллик қилувчи танқидий тафаккур ҳам, асосан, ихтиёрий тафаккур процессидир, !

Тафаккур процесслари ихтиёрсиз тарзда ҳам бўлади. Бунда ихтиёрсиз процесслар купинча ихтиёрий тафаккур билан чамбарчас чирмашиб кетади. Баъзан фаолиятнинг турли соҳаларига: маийшй, амалий, илмий-билиш фаолиятларига доир саволлар беихтиёр туғилиб қолади. Қўйилган саволларнинг жавоблари ҳам, худди шунингдек, баъзан беихтиёр қидирилади ва топилади. Бундай ҳолларда фикрлаш процесслари сезилмасдан ўтаверади, саволларнинг жавоблари эса фаҳмга келгандай бўлади. Баъзан шундай ҳам бўладики, биз каттик фикр қилиб турган вақтимизда бутунлай бошқача фикрлаш бизда беихтиёр (бирор ниманинг таъсири билан) пайдо бўлади, шу фикрлар онгимизга ўрнашиб олиб, бизнинг эътиборимизни асосий ишдан, шу оннинг ўзида онгли равиш-

да қўйилган вазифада четга тортади. Купинча биз бирон бир вазифани ихтиёрий равишда ўз олдимизга Куйиб, уни ҳал этаётганимизда, шу оннинг ўзида бизнинг олдйимизда турмаган бошқа масалаларни ҳам йўлакай ҳал қилиб қўямиз. Шундай ҳоллар ҳам бўладики, ихтиёрий равишда зўр бериб, фикр қилинган вақтда ҳал этилмай қолган масалалар бир оз вақт ўтгач, биз кутмаган ҳолда, ўз-ўзидан ҳдл қилиниб қолади.

Иирик мутафаккирлар беихтиёр фикр қилиб турган пайтлариди илмий кашфиётлар қилганликлари сингари холяяр ҳам оз эмас. Чунончи, шу нарса маълумки, қадимий грек мутафаккири Архимед солиштирма оғирлик қонунини шу масала устида зўр бериб фикр қилган вақтида кашф қилолмасдан, балки ўзи сира кутмаган бир пайтда, ваннада чўмилиб турган вақтида беихтиёр кашф қилган.

Менделеевнинг айтишига қараганда, у элементларнинг даврий системаси жадвалини тузмокчи бўлиб уч кеча-кундуз тинмай ишлаган.. Аммо шунда ҳам бу вазифани ҳал қила олмаган. Шундан кейин жуда чарчаб ўрнига ётган-у, шу онда ухлаб қолган. «Мен тушимда,—дейди Менделеев,—шу элементлар батартиб жойлаштириб қўйилган жадвални қўрдим». Менделеев дарҳол ўрнидан туриб, шу жадвални бир парча қоғозга ёзиб қўйган.

Масаланинг бундай беихтиёр равишда, қутилмаган ҳолда ҳал этилиши илгари зўр бериб қилинган, лекин битмай қолган тафаккур процессининг тугалланиши бўлса керак.

Узлари масалани мана шундай беихтиёр ҳал этган ва шу процесси кузатган кишилар бу процесси мана шу тарика изохлаб берганликларини кўрамиз. Масалан, профессор Бехтеревнинг айтишига қараганда, у тушида ёки эрталаб уйғониши биланок, масалани тўсатдан ечишга муваффақ бўлар экан. Бундай ҳолларда ўрганилаётган масала устида ухладан олдин ҳам қаттиқ, ўйлаш ва дик.қат-эйтиборни шу масалага тўплаш катта роль ўйнаса керак.

Беихтиёр тафаккур процессларида муваққат боғланишларнинг вужудга келишида ориентировка рефлекслари катта роль ўйнайди, ориентировка рефлекслари мана шу боғланишларни активлаштиради ва шу боғланишларнинг йўналишига таъсир қилади,

Таажжубланиш ва хайратда қолиш хислари, кизиқиш хисси, ишонч, ишонсизлик хисси, шубҳаланиш хисси ва айниқса янгилликни сезиш хисси ихтиёрсиз тафаккур процессларини активлаштиришда катта аҳамиятга эгадир.

Бу хиелар фикрлаш процессларининг туғилишига сабаб бўлади ёки шу хисларнинг ўзи тафаккур процесслари сабабли туғилади ва ўз навбатида шу процессларнинг боришига таъсир қилади,

1 \ Конкрет ва абстракт тафаккур 1
- • \ < I u
] Тафаккур — конкрет тафаккур ва абстракт Тафаккур деб иккига >бўлинади.
/ биз фикр юритилаётган нарсани идрёк қилсак еки тасаввур қилсак, бу тафаккур конкрет тафаккур деб аталади,
Я Бизнинг ўзимиз шу онда турган хонамиз тугрисидаги мухокамаларимиз мана шундай конкрет тафаккурнинг бир ми_ солидир. Биз тасаввур қилишимиз мумкин бўлган бирор дарё тўғрисидаги, бирор қурилиш тўғрисидаги, бирор тарихии воқеалар тугрисидаги мухокамалар ҳам конкрет тафаккурга мисол бўла олади,
§' Бу — нарсаларнинг образларига бевосита таянувчи тафаккурдир. Бу —яққол тафаккурдир.
Щ Конкрет тафаккур ҳам предметли-яққол^ тафаккур деб ва яққол-образли тафаккур деб икки хилга бўлинади,
Тафаккур объекти бевосита идрок қилинадиган тафаккур предметли-яққол тафаккур деб аталади.
Узимиз турган хона тўғрисидаги, биз деразадан куриб турган дарахт тугрисидаги мухокамаларимиз мана шундай предметли-яққол тафаккурга мисол бўла олади.
Дарё вақтида ўқитувчи бирор гулнинг тузилишини изоҳ» лаш билан бирга шу гулни ўқувчиларга курсатаётганида уки» тувчининг ва ўқувчининг тафаккури п-предметли •=* яққол та* факкур бўлиши мумкин.
Тафаккурнинг бу тури, аеосан, идрокка таянган ҳолда воқе бўлади.
Предметли-яққол тафаккур фақат мухокамалардагина эмас, шу билан бирга бевосита ҳаракатларда ҳам намоён бўлади. Бундай тафаккур предметли — ҳаракатли тафаккурдир,
Тафаккурнинг бу турини, масалан, кубикларни у еки бу тартибда тераётган ёки жойлаштираётган болаларда куриш мумкин.
Катта ёшдаги кишилар рўзғорга тааллуқли турли буюмлар билан ва хилма-хил меҳнат куруллари^ билан иш олиб бо* раётганларида уларнинг кундалик амалий фаолиятида ҳам мана шундай тафаккур ишга солинади.
я Тафаккур қилинаётган нарсани идрок қилмасдан, балки фақат тасаввур қилган вақтимиздаги тафаккур образлк-яққод тафаккур деб аталади.
Бундай тафаккур хотира тасаввурига еки хаел тасаввурига таянади.
I Кеча бўлиб ўтган воқеалар тугрисидаги мухокамалар, Марсда ҳаёт бормикин деб қилаётган бизнинг мухокамаларимиз яққол-образли тафаккур намуналари деб ҳисобланиши мумкин, ,

Даре вак)тида ўқитувчи бирор гулнинг тузилишини/ўқувчиларга тунДунтираётган бўлса-ю, лекин бу гул ўқувчиларга ўз тажрибаларидан маълум ва шу сабабли ўқувчилар шу гул кўрсатилмасам ҳам, уни тасаввур қилишлари мумкин деб хисоблаб, ўз ^арсини давом эттираётганида ўқиУувчи ва ўқувчилардага тафаккур якқол-образли тафаккур бўшади.

Ҳар бир киши мураккаб нарсаларни (масалан, /машиналарни, табиат хрдисаларини) бевосита идрок ва ,тасаввур қилган ҳамма ҳолларда ҳам шу киши конкрет тафаккур қйлади.

Абстракт тафаккур умумий ва абстракт тушунчаларга асосланади.^ Бу — тушунчалардан таркиб топган тафаккурдир, умумийлаштирилган тафаккурдир, бу тафаккур, асосан, иккинчи сигнал системасининг, нутқ сигнал системасининг фаолияти туфайли вужудга келади.

Бизнинг алгебра масалаларини ечиш вақтидаги муҳокамаларимиз абстракт тафаккурга мисол бўла олади.

Маълумки, алгебрада биз умуман миқдорларни ва уларнинг турли нисбатларини ишлатамиз, масалан: $a + v = c$. Бунда a ва v харфлари қандайдир бир миқдорни ифодалайди, уларни қўшган вақтда янги миқдор — c ҳосил бўлади. Шу миқдорларни жуда хилма-хил конкрет нарсаларга, масалан, фалон миқдор пулга, фалон килограмм нонга ва фалон километр масофага ва бошқа шу кабиларга татбиқ қилишимиз мумкин. Лекин биз бунда (алгебра мисолида) мана шу нарсаларнинг айрим конкрет миқдори тўғрисида фикр юритмасдан, балки мана шу нарсалар ўртасида бўлган умумий миқдор муносабатлари тўғрисида фикр юритамиз. Бунда биз якка образлар ёрдами билан эмас, балки умумийлашган тушунчалар ёрдами билан фикр қиламиз.

Абстракт тафаккур конкрет тафаккурдан ўзининг ғоят кенглиги билангина фарқ қилиб қолмасдан, балки, шу билан бирга, воқеликни жуда чуқур билишга имкон бериши билан ҳам фарқ қилади. Бунда биз бир ҳукмнинг ўзида ҳамма нарсаларга ва ҳодисадарга алоқадор боғланишлар ва қонунлар тўғрисида фикр юритишимиз мумкин. Айрим абстракт муҳокамаларда биз идрок ҳам қилиб^ бўлмайдиган, тасаввур ҳам қилиб бўлмайдиган нарсалар тўғрисида фикр юритишимиз мумкин. Биз табиат тўғрисида, умуман қонун тўғрисида, миқдор тўғрисида, сифат тўғрисида, тенглик тўғрисида, борлик туррисида абстракт фикр юритишимиз мумкин (ва фикр юритамиз). Биз чексизлик тўғрисида ҳам фикр юритишимиз мумкин.

Абстракт тафаккур ҳақиқатга эришишга ва воқеликни таРИН ҳам чуқурроқ ва тўлароқ билишга олиб борадиган йўлдир, «Тафаккур конкретдан абстрактга ўтиб,— деб ёзади В. И. Ленин,—агар у тўғри тафаккур бўлса.., ҳақиқатдан

узоклашмайди, балки унга яқинлашади. *Материя*, табиат *қонуқи* абстракцияси, қиймат ва шу кабиларнинг абстракцияеш хуллас *барча* илмий (тўғри, жиддий; бемаъни бўлмаган) абстракциялар табиатни чуқурроқ, тўғрироқ, тўлароқ акс эггиради»¹.

АмҚо биз абстракт тафаккурнинг хусусиятлари тўғрисида гапирганимизда шуни назарда тутишимиз лозимки, бу тафаккур Iва конкрет тафаккур одамнинг яхлит тафаккурини ташкил қилади, бу иккала тафаккур бир-бирига чамбарчас боғланган|ндир.

Бу бфғланиш аввало шундаки, абстракт тафаккур тарихан конкрет тафаккур асосида тараққий қилган. Худди шунингдек, ҳар бир кишининг индивидуал ҳаётида ҳам абстракт тафаккур конкрет тафаккур асосида тараққий қилган. Боланинг энг дастлабки тафаккури конкрет тафаккурдир. Боланинг конкрет тафаккури жараёнида тушунчалар ҳосил бўла бошлаганида ва шу тушунчалар ўзлаштирила бошлаганида, ана шу пайдан бошлаб, болада абстракт тафаккур ҳам пайдо бўлади.

Иккинчидан, абстракт тафаккур билан конкрет тафаккур*нинг бирлиги шундаки, ҳар қандай конкрет фикр абстракт фикрга муайян бир даражада киради ва ҳар бир абстракт тафаккур процесси конкрет тафаккурга таянади. Ҳатто энг оддий якка конкрет муҳокамаларда ҳам абстрактлик моменти бор. Масалан, «Бу— тўртбурчак стол» ва «Бу — тўртбурчак кути» деган конкрет муҳокамаларда «*тўртбурчак*» деган сўзнинг ўзи абстракт тушунчадир,

Шу мисолларда биз идрок қилаётган нарсалар — стол ва кути — бизда мавжуд бўлган «*тўртбурчак*» деган тушунчага татбиқ қилинади, холос. Бунда абстракт, умумийлаштирилган тушунча конкрет (идрок қилинаётган ёки тасаввур қилинаётган) тушунЧани ўз ичига олади.

Шунингдек, абстракт тафаккур ҳам конкрет тафаккур билан чамбарчас боғланган ҳолда содир бўлади.

Ҳар қандай абстракт фикр жуда кўп конкрет фикрни албатта ўз ичига олади ва шу конкрет фикрга таянади. Масалан, шундай бир абстракт коидани олиб кўрайлик: «Якка-якка ҳолида учинчи миқдорга тенг бўлган икки миқдор бир-бирига тенгдир». Муҳокама конкрет мазмун олиши мумкин^ бўлган тақдирдагина бу фикр чинакам фикр бўлади. Акс ҳолда бу коида қуруқ гап, «ёдлаб олинган коида» бўлиб қолади, холос. Бу коидани айтган киши ҳақиқатан ҳам чин бир фикрни ифодалаётганлигини исботламоқ учун, шу умумий

¹ В. И. Ленин, *Философия* дафтарлари, 146-бет.

ва абстракт коида таркибига кирадиган якка ва конкрет холлардан бир қанча мисоллар топиб бера олиши лозда.

«Умумият,—деб ёзади В. И. Ленин,— фақат айрий ^нар-саларда, айрим нарсалар орқали мавжуддир. Хар бир/ айрим нарса (хар холда) умумийдир. Хар қандай умумият/ нарса-нинг айрим бир томони (қисми ёки жиҳати, ёки моҳияти) дир»¹,

Диалектик тафаккур конкрет ва абстракт тафаккурни албатта бирликда ўз ичига олади.

Конкрет (мушоҳадавий) тафаккур билан абстракт тафаккурнинг бирлиги туфайлигина воқеликни В. И. Ленин айтган тарзда билиб олиш мумкин. Бу хусусда В. И. Ленин бундай деган эди: «Жонли мушоҳададан абстракт тафаккурга ва ундан практикага—ҳақиқатни билишнинг, объектив реалликни билишнинг диалектик йўли мана шу»².

Биз конкрет тафаккурни абстракт тафаккурдан айриб гапирсамиз ҳам, лекин аслда биз одамнинг тафаккурида ё конкрет, ёки абстракт элементларнинг устунлик қилишини казарда тутамиз.

Назарий (изоҳловчи) ва амалий тафаккур

Тафаккурнинг йўналишига қараб назарий ва амалий тафаккур турлари ажратилади.

Ҳодисаларни изоҳлашга қаратилган тафаккур *назарий* тафаккур деб аталади. Бирор нарсани изоҳлаб бериш но маълум нарсани маълум қилиш демакдир. Бунинг учун эса но маълум нарсани маълум нарса билан боғлаш лозим. Демак, турли ва айрим тушунчалар ўртасидаги боғланишларни ва муносабатларни очиб бериш ҳамда *шу* боғланишларни мухокамаларда изоҳлаб бериш керак бўлади.

Жумладан, изоҳлаб бериш изоҳланаётган ҳодисанинг сабабини топиш демакдир; бундай изоҳлаш изоҳланаётган нарсани шу нарса мансуб бўлган туркум тугрисидаги тушунча доирасига киритиб, унинг фарқ қиладиган белгиларини кўрсатиб бериш демакдир; бирор ҳодисанинг мақсадини, унинг нима учун мавжудлигини, унинг аҳамиятини ва вази* фасини кўрсатиб бериш демакдир.

Изоҳловчи тафаккур процесларида бир қанча саволларга, масалан: «Бунинг ўзи нима?», «Нега?», «Нима сабабдан?», «Нима учун?» «фалон хил ҳодисалар ёки тушунчалар ўртасида қандай ўхшашлик ёки фарқ бор?» деган ва^шу каби саволларга жавоб берилади. Масалан: «гул — ўсимликдир», «Психология — фандир», «Кўча ҳўл, чунки ёмғир ёғди», «б—1

¹ В. И. Ленин. Философия дафтарлари, 329- бет, 3В. И. Ленин, Асарлар, 38- том, 449- бет,

ва 3 + 2 мқдорлари бир-бирига тенг». Мана шу мисоллар* нинг ҳаммасида биз ҳодисалар ўртасидаги боғланишлар ва муносабатларни қайд қиламиз ва очиб берамиз, изоҳлаймиз.

Агар изоҳловчи тафаккур умумий (абстракт) ҳукмларда кфодалинса, бундай тафаккур *назарий* тафаккур деб аталади. Назрий тафаккур айни вақтда абстракт тафаккур ҳамдир. Магадан, «Хамма жисмлар киздирилганида кенгайди», «Айрим Ёлганда учинчи миқдорга тенг бўлган икки миқдор бир-бирига тенгдир», «Хар қандай механик ҳаракат ишқалаш натижасида иссиқликка айлана олади» деган муҳокамалар айни вақтда ҳам назарий, ҳам абстракт тафаккурдир. Арифметика, ёки грамматиканинг хар қандай коидаси назарий тафаккурга мисол бўла олади.

Назарий тафаккурда воқеликда мавжуд бўлган умумий, муҳим боғланишлар ва муносабатлар акс этади. Шу туфайли биз у ёки бу хил айрим ҳодисаларнинг қилишини (масалан, кўёш ва ой тутилиш вақтини) **олдиндан кўриш** имкониятига эга бўламиз.

Бирор соҳадаги ҳодисаларнинг муҳим қонуниятларини, боғланишларини ва муносабатларини акс эттирувчи фикрлар (ҳукмлар ва тушунчалар) системаси назария деб аталади.

Назарий тафаккур — **олдиндан кўриш имкониятини берадиган умумлаштирилган тафаккурдир.**

Теварак-атрофдаги воқеликни ўзгартириш йўли билан ўзимизга керакли реал нарсаларни ва ҳодисаларни олишга ёки яратишга қаратилган тафаккур *амалий* тафаккур деб аталади.

Амалий тафаккур процеслари бир қанча саволлар бе* ришдан, масалан: қўйилган мақсадга эришмоқ учун «нималар қилиш керак?», «қандай қилиш керак?», «қай тарзда?», «бунинг учун нималар қилиш лозим?» деган саволлар туғилиши билан бошланади. Амалий тафаккурнинг шундан сўнгги процесси иш-ҳаракатларда ёки қўйилган саволларга жавоб берувчи иш-ҳаракатларни тасаввур қилиш ва ўйлашда ^{р/о}ке бўлади. Масалан, ишлаб чиқаришни рационаллаштириш, машинани такомиллаштириш керак бўлганида, биз фалон хил парракни секундига ўн марта айланадиган қилишимиз лозим. Бунинг учун шу парракни трансмиссия орқали ёки тишли паррак орқали диаметри каттароқ бўлган бошқа парракларга туташтирамиз ва шу тарика ўша парракни ўзимиз хоҳлаганимиздек, секундига ўн марта айланадиган қиламиз.

Теварак-атрофдаги воқеликни биз асосан меҳнат қуролдари ёрдами билан, асбоблар ёрдами билан ўзгартирамиз, Шу сабабли амалий тафаккур, бошқача қилиб айтганда* *техник тафаккур* деб ҳам аталади.

Воқеликни ўзимиз хоҳлаганимиздек ўзгартиришимиз натижасида янги бир ҳодиса пайдо бўлганлиги, воқелик қайта

курулганлиги, бирор реал махсулот вужудга келтирилганлиги, масалан, стол, машина, уй ва шу кабилар вужудга келтирилганлиги сабабли, амалий тафаккур *конструктив* /тафаккур ҳам деб аталади.

«Амалий тафаккур» деган терминни «амал», «пр/актика» деган термин билан қориштириб юбормаслик керак. Амал, практика деганимизда, одатда, одамларнинг хилма-хил моддий бойликлар яратишига ёрдам берадиган ҳаракатлари системасини — бунинг учун керак бўладиган кўникма, малака ва усулларни тушунамиз. Одамнинг амалий фаолияти тафаккурсиз вужудга кела олмайди. Аммо субъектив процесс бўлган амалий тафаккур эса амалий ҳаракатлар бўлмаса ҳам рўй беравериши мумкин).

Назарий тафаккур каби, амалий тафаккур ҳам муҳокамаларда ифодаланади. Лекин бу муҳокамаларнинг тузилишида ўзига хос хусусиятлар бор.

Назарий муҳокамаларда, одатда, объектларда бирор белгиларнинг, боғланишларнинг, қонуниятларнинг борлиги қатъий қилиб тасдиқланади ёки рад қилинади.

Бу муҳокамаларда субъект (эга) билан предикат (кесим) «бор» ёки «йўқ» деган маъно билан қатъий равишда боғланади.

Амалий муҳокамаларда одамнинг объектларга муайян мақсадда таъсир ўтказиш йўли билан шу объектларни ўзгартириш мумкинлиги қатъий қилиб айтилади ёки рад қилинади.

Бундай муҳокамаларда субъект билан предикат ўртасидаги боғланиш одатда «бу мана шундай қилинади», «буни бундай қилиш мумкин ёки бундай қилиб бўлмайди» деган жумлаларда ифодаланади.

Амалий тафаккур одамнинг хаёл қилиши ва ўзи мўлжаллаганидек ҳаракат қилиши, иродаси билан чамбарчас боғланган.

Тафаккурнинг мана шу икки турини — назарий ва амалий тафаккурни, шунингдек, конкрет ва абстракт тафаккурни, фақат тафаккурни ўрганиш учун бир-биридан ажратишимиз мумкин. Тафаккурнинг мана шу икки тури ҳақиқатда бирликка эга бўлган тафаккурдир. Лекин уларнинг пайдо бўлиши жиҳатидан қараганимизда, амалий тафаккур бирламчидир. Назарий тафаккур практикада, одамнинг меҳнат фаолиятида ривожланиб келди ва ривожланади.

Назарий тафаккур билан амалий тафаккурнинг бирлиги яна шу нарсада ҳам ифодаланадики, билиш ва практика процессида уларнинг аҳамияти бир-биридан қолишмайди. Идрок қилинаётган нарсалар ва ҳодисаларнинг хоссаларини, сифатларини ва муносабатларини биз практикада билиб оламиз. Шу сабабли назарий тафаккурнинг кўпгина қои-

далари узоқ давом қилиб келган инсоний практиканинг махсулидир.

Шу билан бирга, инсоннинг амалий тафаккурини ўзида намоён қилувчи ва муайян мақсадга йўналтирилган фаолияти ҳам практикада ўзгартирилаётган нарсаларнинг хоссалари ва сифатлари тўғрисида аввал назарий билимларга эга бўлишни талаб қилади.

Практика муҳокамаларимизнинг чинлигини билдирувчи асосий мезондир, критерийдир.

«Инсон,—деб ёзади Ленин,—ўз идеяларининг, тушунчаларининг, илмий билимларининг объектив тўғрилигини ўз практикасида исбот қилади»¹.

Оқилона ҳаракатлар системаси бўлган практикани биз теваарак-атрофдаги воқеликни ўзгартириш ва бирор нарсаларни вужудга келтириш мақсадидагина татбиқ қилиб қолмасдан, шу билан бирга, воқеликни билиш, тайёр билимларни ўзлаштириш ва шу билимларни эслаб қолишда ҳам татбиқ қиламиз.

Эксперимент ёрдами билан ўтказиладиган илмий тадқиқотларда ҳам ўрганилаётган нарса ва ҳодисаларни ўзгартиришга тўғри келади.

Бу ҳолда ҳам «нима қилмоқ керак?», «буни қандай қилмоқ керак?» деган саволларга жавоб кидирилади.

Экспериментлар қилиб ўтказилаётган тадқиқотлар вақтида бу ўзгаришлар воқеликни билиш мақсадида, бирор фактларни ва қонуниятларни белгилаб олиш мақсадида вужудга келтирилади.

Даре вақтида ҳам математика, физика масалаларини ечиш учун амалий усулларни топишга тўғри келади.

Бу ҳолда ҳам «нима қилмоқ керак?», «буни қандай қилмоқ керак?» деган саволларга жавоб кидирилади.

Бу амалий машғулотлар билимларни яхши ўзлаштириб олиш ва мавжуд билимларнинг тўғрилигини текшириб қўриш мақсадида ўтказилади.

Шундай қилиб, практика атрофимиздаги воқеликни ўзгартириш воситасидир, шунингдек, билиш усулидир ва ҳақиқатнинг мезонидир.

VI. ТАФАККУР ВА БОШҚА ПСИХИК ПРОЦЕССЛАР

Тафаккур бошқа психик процесслардан ажралган ҳолда воқе бўлмайди, балки, аксинча, тафаккур идрок билан, хотира билан, хаёл ва нутқ билан, диққат, ҳис, ирода билан чамбарчас боғлангандир. Тафаккур қанчалик мураккаб бўлса, унда бошқа психик процесслар шунчалик кўп жой олади!

¹ В. И. Ленин, Философия дафтарлари, ОГИЗ, 1947, 164- бет.

Айрим психик процесларнинг тафаккурдаги аҳамияти, жумладан, қуйидагилардан иборатдир.

Биз идрок қилаётган воқелик, биз турган вазият тафаккурнинг биринчи ва доимий мавзуидир. Идрок қилиш чоғида турли саволлар пайдо бўлади, саволлар эса тафаккур фаолиятини янада давом эттиради. Бизнинг биринчи фикрларимиз, биринчи муҳокамаларимиз — идрок -қилинаётган нарсалар тўғрисидаги муҳокамалардир. Баъзан одам хатто абстракт масалаларни ҳал қилиш пайтида ҳам нарсаларни бевосита идрок қилишга ёки шу нарсалар тўғрисидаги тасаввурларига мурожаат қилади ва бундай қилиш иш учун катта фойда келтиради.

Бирок, одамнинг тафаккури фақат идрок доирасидагина содир бўлиб қолмайди. Одам ўзи идрок қилаётган нарсалар тўғрисида ҳам ўзидаги тажрибага таяниб, мавжуд тасаввурларга таяниб, фикр қилади.

Шу сабабли тафаккур процессларида хотиранинг фаолияти, жумладан, эсга тушириш процесси катта ўрин олади.

Хотира тасаввурлари, шунингдек, илгари ўзлаштириб олинган фикрлар ва билимлар шундай материалдирки, тафаккур процесслари шу материал ёрдамида воқе бўлади, Биз эслаб қолган ва тасаввур қилган воқелик, шунингдек, биз идрок қилаётган воқелик тафаккуримизнинг мавзу бўлиб хизмат қилади. «Бизнинг тафаккуримиз образеиз тафаккур эмас, яъни воқеликнинг ҳеч бир изи бўлмаган тафаккур эмас»¹.

Турли тасаввур ва фикрларни эсга тушириш ва тўқнаштириш процессида янги саволлар пайдо бўлади ва тафаккурнинг янги процесси тугилади.

Қўйилган саволларга одатда хотирамизга мурожаат қилиб жавоб қидирамиз ва шу жавобларни топамиз. Узлаштириб олинган қодалар, усуллар, схемалар турли вазифаларни ечишда катта аҳамиятга эга ва айни вақтда тафаккур процессларида эсга тушади.

Илгари ҳосил бўлган муваққат боғланишлар² ассоциациялар тафаккур процессларида катта роль ўйнайдилар. Хотирада мустақамланиб қолган тажриба³ ва билимлар одам тафаккурининг мазмунли ва самарали бўлишини хийла даражада белгилайдилар.

Тафаккур процессларида ҳаёл⁴ (фантазия) катта ўринни олади. В. И. Ленин айтганидек, «...энг оддий умумлаштиришнинг ўзида, энг элементар умумий идея (умуман «стол») нинг ўзида фантазиянинг маълум бўлакчаси бор»².

Тафаккур учун керакли конкрет образли материал хоти-

радан олинганидек, фантазиядан ҳам олинади. Бу ҳаёл образларидир. Масалан, келажакка қаратилган тафаккур процесслари ҳаёл яратиб бераётган образларга таянади. Бизнинг кўпгина тушунчаларимиз ҳам ҳаёл яратиб берган тасаввурларга таянади. Ҳаёл фаолияти, масалан, умумлаштириш, тахмин қилиш, фараз (гипотеза), абстракциялаш сингари фикрлаш операцияларида намоён бўлади. Шу процессларнинг ҳаммаси ҳаёлнинг иштирокисиз рўёбга чиқмаган бўлур⁵ эди.

Ҳаёл тафаккурнинг кенглигига ва сермахсул бўлишига таъсир қилади, тафаккурга ижодий ва оригинал тую беради. Ҳаёл қилиш қобилияти сует ривожланган кишиларда, тафаккур уларнинг ўзларида бўлган тажриба ва билимлар доирасида воқе бўлади. Бу тафаккур атрофдаги нарсаларга «ёпишиб қолганлиги», кам махсуллиги, ўзининг оригинал бўлмаслиги ва бирон нимани ихтиро қилмаслиги билан фарқ қилади, кўпинча юзаки ва майда-чуйда нарсалар тўғрисида фикр юритиш билан чекланади. Шу сабабли, кенг, кучли, ва реал фантазияни ривожлантириш кенг, мазмунли, оригинал ва ижодий тафаккурни ривожлантиришнинг энг муҳим шартларидан биридир.

Дикқат фикрлаш фаолиятининг зарур шартидир.

Тафаккур процессларининг бирлиги, барқарорлиги ва бартриблиги дикқатга боғлиқдир. Ҳар бир фикрлаш операцияси фақат дикқат бўлганидагина рўёбга чиқади. Дикқат суст, заиф бўлганида фикрлаш процесси секинлашади ёки тўхталиб қолади. Агар дикқат заиф бўлса, фикрлаш тез узилади, ўзининг ипини йўқотиб қўяди, чалғийди. Одамнинг дикқати узок вақт давомида муайян вазифага қаратилган тақдирдагина ва дикқат ўзгариб турувчи ва шу мақсадни ҳал қилишга олиб келувчи кўпгина муҳокамалар, тушунчалар ва тасаввурлар устида ўз ичига тўпланиб турганидани, мураккаб тафаккур процесси рўёбга чиқади.

Баъзан, айрим ўқувчилар математик амалларни ечишни билмаганликлари ёки бунга ўқувлари бўлмаганлиги натижасида эмас, балки уларнинг дикқати етарли равишда кучли, барқарор, кенг равишда ривожланмаганлиги натижасида бир неча амалдан иборат бўлган баъзи математик масалаларни ечолмай қоладилар. Шу сабабли тафаккурни ривожлантириш кучли ва барқарор дикқатни тарбиялашга кўп жиҳатдан боғлиқдир.

Тафаккур процесслари ҳайратда қолиш, таажжубланиш, қизиқиш, билишга интилиш, янгиликни сезиш сингари эмоционал кечинмалар билан боғланган. Мана шу ҳисларнинг ҳаммаси тафаккур процессларини туғдиради ва рағбатлантиради, бу процессларни марокли, завкли қилади ва жонлантиради.

¹ «Павловские среды», И том, 515-бет.

² В. И. Ленин, Философия дафтарлари, 308-бет.

Юкорида айтиб ўтилганидек, айрим муҳокамаларнинг чинлиги ёки чин эмаслигига, муҳокамаларимизнинг тўғри ёки нотўғрилигига бўлган ишонч ёки шубҳаланиш ҳисси тафаккур процессларида катта ўрин олади.

Фикрлаш фаолияти пайтида одамдаги умумий эмоционал Холат ёки кайфият ҳам тафаккур процессларида анча аҳамиятга эга. Ҳар қандай ижобий (кувончли, ёқимли) кайфият одатда одамнинг фикрлаш фаолиятини ҳам оширади. Одам ёмон, нохуш кайфиятда бўлганида (хафа бўлиб, кўркиб турганида) унинг фикрлаш процесслари ҳам пасайиб кетади, Бирок, агар ижобий ҳислар жуда кучайиб кетса, бу ижобий ҳислар ҳам тафаккур процессларини бўшаштириб юбориши мумкин. Одамда кучли ҳислар пайдо бўлганидан кўпинча унинг фикри «чувалиб кетади», «тўхталиб қолади».

Эмоционал ҳолат фикрларимизнинг йўналишига таъсир қилади. Кайфиятнинг ва шахсий манфаатнинг таъсири остида бизнинг айрим нарсалар тўғрисидаги муҳокамаларимиз ғаразли, бир томонлама бўлиши ва шу сабабли ҳақиқатни акс эттирмайдиган хато муҳокамалар бўлиши мумкин.

Одамнинг иродаси баъзи ҳисларнинг тафаккур процессларига салбий таъсирини босиш, йўқотишда катта роль ўйнайди. Тафаккур процессларида ирода аввало у ёки бу вазифани ҳал қилишга, қўйилган саволга жавоб топишга интилишда, у ёки бу нарсалар тўғрисида чин ва тўла равишда асосли муҳокамалар ҳосил қилишга интилишда намоён бўлади,

Бирок, вазифани ҳал қилмоқ учун, ҳақиқатга эришмоқ учун биргина истакнинг ўзи кифоя қилмайди. Вазифани ҳал қилиш, қўйилган саволга жавоб топиш, тушуниш процессида муҳокамаларнинг тўғрилигини белгилаб олиш, фикрларни шакллантириш ва сўз билан ифодалаш пайтларида бир талай қийинчиликлар, баъзан катта тўскинликлар учрайди, уларни бартараф қилмоқ учун иродани ишга солишга, сабот ва матонат билан ҳаракат қилишга тўғри келади.

Ирода, асосан, одамнинг практик фаолиятида намоён бўлади. Практика эса муҳокамаларимизнинг чинлигини курсатиб берувчи асосий мезондир.

Тафаккур нутқ, тил билан чамбарчас боғланган. Бу ҳақда қуйидаги бобда гапирамиз,

VII. ТАФАККУРНИНГ СИФАТЛАРИ

Айрим кишиларнинг тафаккури узининг мазмундорлиги, чуқурлиги ва кенглиги жиҳатидан, мустақиллиги, самаралилиги ва тезлиги жиҳатидан турли ҳолларда турлича намоён бўлади, Булар тафаккурнинг сифатини ташкил қилувчи белгилардир,

Тафаккурнинг **мазмундорлиги** аввало у ёки бу нарсалар ёки ходисалар тўғрисидаги, воқеликнинг у ёки бу соҳалари тўғрисидаги муҳокамалар ва тушунчалар одамнинг онгида қанчалик ўрин олганлигидан келиб чиқади. Одамда фикр нечоғли кўп бўлса ва бу фикрлар нечоғли хилма-хил бўлса, унинг тафаккури шу қадар мазмунли бўлади, унинг ақли шу қадар бой бўлади. Лекин тафаккурнинг мазмундорлиги мавжуд фикрларнинг миқдори билангина белгиланмайди, тафаккурнинг мазмундорлиги шу фикрларда нималар акс эттирилганлиги билан ҳам белгиланади. Шу сабабли тафаккур фақат бой бўлганидагина эмас, шу билан бирга, у ҳам чуқур бўлганида, бундай тафаккур мазмундор тафаккур деб ҳисобланади.

Воқеликнинг энг муҳим хоссалари ва сифатлари, энг муҳим боғланишлари ва муносабатлари тафаккурда акс этганида бундай тафаккур *чуқур* тафаккур деб айтилади.

Тафаккурнинг мазмундорлиги (бойлиги ва чуқурлиги) одамнинг фаолиятига, билимига ва тажрибасига, одамда ҳаёлнинг қай даражада ривожланганлигига ва одамда қизиқиш-ҳавасларнинг борлигига боғлиқдир.

Тафаккурнинг мазмундорлиги ва чуқурлиги унинг **кенглиги** билан чамбарчас боғланган. Воқеликнинг энг кўп соҳаларини ўз ичига олган, ҳозирги вақтии, узок ўтмишни ва узок келажакни ўз ичига олган тафаккурни биз кенг тафаккур деб ҳисоблаймиз, Тафаккури кенг бўлган кишиларни одатда биз ақли кенг, савияси баланд ва назар доираси кенг кишилар деб, хилма-хил маълумотли кишилар деб атаيمиз. Кенг тафаккур баъзан унчалик чуқур бўлмалиги, юзаки бўлиши мумкин. Шундай одамлар ҳам бўладики, улар ҳамма нарса тўғрисида ф_{икр} юритаверадилар, лекин уларнинг муҳокамаларида кундалик тажрибадан ҳар бир кишига маълум бўлган нарсаларга нисбатан янгилик жуда кам бўлади.

Воқеликнинг асосан бирор кичик (тор) қисмини ўз ичига олган тафаккур **тор** тафаккур деб аталади. Тор тафаккур ҳам мазмули, хатто чуқур бўлиши мумкин. Бундай тафаккур бирор «тор ихтисос»га эга мутахассисларда учрайди. Лекин тор тафаккур баъзан ўз мазмуни жиҳатидан айни бир вақтда но-ч_{ор}, майда ва юзаки бўлади.

Фикрнинг кенглиги ҳам одамнинг тажрибасига ва билимига ҳамда шуларга боғлиқ бўлган қизиқиш ҳавасларига ҳам боғлиқдир.

Тафаккур ўзининг **мустақиллиги** жиҳатидан турлича бў-ли-ш-и-м-ум-кин: тафаккур мустақил ва номустақил бўлиши мумкин.

Одам янги вазифаларни қўйишда ўзи ташаббус кўрсатиб шу вазифаларни бошқа одамларнинг ёрдамисиз, ўзининг **ало-ида** йўллари билан ҳал қилаверса, шу одамнинг тафаккури

мустақил тафаккур бўлади. Жумладан, тафаккурдаги мустақиллик аклнинг серташаббус, бўлишида, пишиқ бўлишида ва танқидий фикр юритишида ифодаланади.

. Аклнинг **серташаббуслиги** янги, ўзининг масала ва вазифаларини ўзи қўйишда ҳамда шу вазифаларни ҳал қилиш учун **ўзининг** йўллари ва воситаларини ўзи қидиришга ва топишга интилишда ифодаланади.

Бирор ижтимоий фойдали назарий ва амалий вазифаларни коллектив бўлиб ҳал этишда актив иштирок этган одамнинг ҳам тафаккур қилишида мустақиллик намоён бўлади.

Аклнинг **пишиқлиги** вазифаларни ҳал қилишдаги одат қаторига кирган, шаблон бўлиб қолган (қўпинча, эскириб қолган) усуллардан холи бўла билишда, вазифаларни ҳал қилишнинг янги усулларини тез топа олишда ёки танлай олишда ва шу усулларни жой-жойига қараб ишлата билишда ифодаланади.

Аклнинг **танқидийлиги** ўзининг ёки ўзгаларнинг фикрларини, ҳақиқатга мое бўлиш-бўлмаслик жиҳатидан текшира билишда ва шу фикрларга баҳо бера билишда ифодаланади. Аклнинг танқидийлиги айtilган фикрларнинг турмуш учун амалий қийматини аниқлай билишда ҳам ифодаланади, Аклнинг «танқидийлиги» одамнинг ўз фикрларига ва ўзгаларнинг фикрларига танқидий назар билан қараши демакдир.

Фикрлаш вазифалари бошқа кишилар томонидан қўйилганидагина ва қўйилган вазифалар фақат тайёр формаларга асосланиб ва бошқа кишиларнинг бевосита ёрдами билан ҳал қилинаётганидагина озми-кўпми актив равишда ишга солинган тафаккур **номустақил тафаккурдир**.

Тафаккурнинг мустақиллигини, унинг бошқа кишиларнинг тафаккурдан тунда равишда мустақил ва ажралган тафаккур тариқадида тушуниш ярамайди, албатта. Тафаккурнинг мустақиллиги ҳақиқатга олиб келганидагина, одам ўзининг фикрлаш фаолиятида илмий асосларга, прогрессив ташаббусларнинг ҳаммасига таянгандагина бундай мустақиллик қимматга эга бўлади. Шу сабабли тафаккурнинг мустақиллиги авторитетни, обрўни, нуфузни эътироф этишни истисно қилмайди. Тафаккурнинг мустақиллиги одамнинг ўз фаолиятида илгор фикрларни, улуг кишилар тафаккурининг маҳсулларини ўзлаштира ва фойдалана билишда ҳам ифодаланади. Марксизм-ленинизм асосчиларининг таълимоти ҳар бир мустақил фикр қилувчи илгор киши учун мўътабар қўлланмадир.

Фикрнинг мустақиллиги унинг **маҳсулдорлиги** билан чамбарчас боғланган.

Фикрнинг **маҳсулдорлиги** бирор вақт давомида бирор жиҳатдан қимматли бўлган ва мустақил равишда вужудга келтириладиган фикрларнинг миқдоридан ифодаланади, Тафак-

курни биз сермаҳсул ва кам маҳсул ёки маҳсулсиз тафаккур деб айтишимиз мумкин.

Агар одам муайян бир вақт ичида бирор жиҳатдан қимматли ва янги фикрларни (масалан, илмий соҳада) кўп яратётган бўлса, агар у ижтимоий аҳамиятга эга бўлган янги назарий ва амалий вазифаларни ҳал қилаётган бўлса, бундай кишининг тафаккурини биз сермаҳсул, оригинал тафаккур деб атаймиз,

Тафаккурнинг **тезлиги** қўйилган саволга узил-кесил жавоб олинган вақт билан белгиланади. Албатта, бу вақт оддий тафаккур процессларида анча қисқа бўлади ва мураккаб тафаккур процессларида узунроқ бўлади. Оддий тафаккур процесслари шу билан фарқ қиладики, бундай тафаккур процессларида саволлар қўйилиши биланок дарҳол шу саволларнинг жавоби келиб чиқади. Шундай кишилар борки, уларда, мураккаб фикрлаш операциялари ҳам жуда тез ўтади. Бундай кишиларни ҳозиржавоб, зехни ўткир кишилар деб атаймиз. Айрим кишиларда тафаккур процесси секинроқ ўтади. Ҳатто оддий тафаккур процессларида ҳам бундай одамлар қўйилган саволга тайёр жавобни бирмунча вақт ўйлаб туриб жавоб берадилар, баъзан саволни қайтариб сўрайдилар. Тафаккурнинг тезлиги бир қанча факторларга: фикрлаш учун керакли материалнинг хотирада мустаҳкам ўрнашиб қолганлигига ва шу материални қанчалик тез эсга тушира олишга, жумладан, ассоциатив процессларнинг тезлигига, одамдаги ҳисларнинг мавжудлигига, одамнинг диққатига, қизиқишига, шунингдек, нерв системасининг ҳолатига ҳам боғлиқдир. Тафаккурнинг тезлиги одамнинг билимларига, илмига, мантикий формаларни ва тафаккур қоидаларини қай даражада эгаллаб олганлигига, фикрлаш фаолиятининг эпчиллигига, фикрлаш кўникмаларининг қай даражада ривожланганлигига боғлиқдир.

Тафаккурнинг тезлиги фақат шу шартларгагина боғлиқ бўлиб қолмасдан, шу билан бирга, ҳал қилиниши лозим бўлган вазифанинг характери, мазмунига ва қай даражада мураккаблигига ҳам боғлиқдир. Юқорида айтиб ўтилганидек, мураккаб тафаккур процесслари баъзан бир неча йил давом қилади. Чунончи, юксак нерв фаолиятининг асосий проблемаларини зўр фикр ишлатиб ҳал қилмоқ учун И. П. Павловга кўп йиллар керак бўлди. Маълумки, Ньютон, Павлов ва бошқа улуг кишилар ўз тафаккурларининг тезлиги билан фарқ қилар эдилар (Ломоносов Ньютонни зехни жуда ўткир киши" деб айтган эди). Уларнинг фикрлаш иши узокқа чўзилиб кетганлигига, фикрлаш операцияларининг сустлиги эмас, балки мана шу улуг кишилар ҳал қилган проблемаларнинг мураккаблиги сабаб бўлди. Агар улар ҳал қилган вазифаларнинг катталигини ва улар эришган натижаларнинг катталигини

этиборга олсак, уларнинг акли нақадар тез ишлаганлигига таажжубланишимиз керак. Одамдаги тафаккур процессларининг тезлигига асосан шу процессларнинг муайян бир вақт кчида қанчалик сермахсул бўлганлигига қараб баҳо берилади.)

VIII. ТАФАККУРНИНГ УСИШИ

Бола туғилган кундан бошлаб баъзи нарсаларни сезиш ва баъзи ҳисларни кечириш қобилиятига эга бўлади. Лекин ҳали бу болада фикр қилиш бўлмайди; бола ўсган сари, тажриба тўплай борган сари, нутқ орқали алоқа қилиш имконияти кенгайиб, фаолияти ўсиб борган сари таълим ва тарбия процессида унинг тафаккури ҳам ўса боради.

Ясла ёшидаги болаларнинг тафаккури

Болалар тили чиқиб, яхши гапира борган сари, уларда фикрлар — яъни муҳокамалар ва тушунчалар шаклида ифодаланадиган тафаккур процесслари ҳам ўсиб боради. Лекин идрок ва тасавурларнинг образларига таянувчи ҳамда иш-ҳаракатларда ифодаланувчи бошлангич конкрет тафаккур болаларда тили чиқмасдан олдин пайдо бўла бошлайди.

Боладаги мана шундай бошлангич тафаккури унинг ўза ўйинчоқлар, баъзи буюм ва идишлар билан қилаётган баъзи ҳаракатларида ҳам кўриш мумкин. Масалан, саккиз-тўққиз ойлик бола шакилдоқни, кўнғироқчани қўлига олиб, уларни товуш чиқарадиган қилиб кимирлатади. Болани катталар овқатлантормоқ учун овқат тепасига олиб келганларида, у қошиқни олиб, косага тикмоқчи бўлади, сўнгра эса қршиқни оғзига олиб боради.

Болалар бир ёшга етганларида катталарнинг айтган сўзларини тушуна бошлайдилар. Катталарнинг: «Қани қошиқ?», «Қани коса?», «Соат қани?» деган саволларига жавобан, бола шу нарсаларга қайрилиб қарайди ёки қўли билан шу нарсаларни кўрсатади. Боланинг атрофидаги кишилар айтган сўзларни тушунаётганлиги унинг энди фикр қила бошлаганлигини кўрсатади.

Бола икки ёшга етганида унинг тафаккури ҳукмларда ифодалана бошлайди, бу даврда унинг тили чиқиб, яхши гапира оладиган бўлади. Бола ўз атрофидаги одамлар билан нутқ орқали алоқа қилиб, тафаккурнинг мазмунини ва формаларини кўпроқ эгаллай боради. Кейин боланинг тафаккури нутқнинг ўсиши билан бирликда ўсиб боради.

Ясла ёшидаги болаларнинг тафаккури ҳали жуда чекланган бўлади, Ясла ёшидаги бола, асосан, ўзи шу онда идрок қилган нарсалари тўғрисида фикр қилади. Ушинский деган эдики, «Бола, агар шундай деб айтиш мумкин булса,

формалар, бўёқлар, товушлар, умуман сезгилар орқали фикр қилади»¹.

Ясла ёшидаги болаларда фикр қилиш процесслари уларнинг ҳали содда нутқларида ифодаланadi. Бу нутқ, кўпинча, бошқа кишиларга мурожаат қилмай, ўзига гапиришдан иборат бўлади. Бу фикр қилиш процесслари айна вақтда идрок қилинаётган нарсалар билан қилинган иш-ҳаракатларга боғлиқ бўлади.

Бу ёшдаги бола нарсаларни бирининг устига бирини қўйиб ёки ёнма-ён қўйиб таққослайди: масалан, ўз ўйинчоғини бўлак-бўлак қилиб синдириб, уни анализ қилади; кубиклардан ёки чўплардан «уй» ясаб, синтез қилади; кубикларни рангига қараб териб, уларни туркумларга ажратади ва умумийлаштиради. Бу ёшдаги бола ҳали ўз олдида бирор мақсад қўймади ва ўз ҳаракатларини планлаштирмайди. Бола идрок ва ҳаракат қилар экан, айна вақтда фикр ҳам қилади.

Болага бирор нарсани кўрсатиб ва «Бу нима?» деб савол бериб, шу нарсанинг номини айтиш таклиф қилинганида, у: «Стул» деб жавоб беради, яъни ўз ҳукмини айтади. «Қани айт-чи, бу нима?» дейилган саволга, «Бу коса» деб жавоб беради ва ҳоказо. Агар бола нарсанинг номини билмаса, у савол берган кишига бурилиб, одатда, унинг шу нарса номини айтиб беришини кутади. Идрок қилинаётган нарсанинг номини айтишнинг ўзиёқ ҳукмдир. Лекин болалар нарсалар туррисида мана шундай бевосита ҳукмлар айтиш (шу нарсаларнинг номини айтиб бериш) билангина чекланмайдилар, болалар нарсаларнинг айрим белгиларини: сифатини, ҳаракатини, яъни ўзлари.ўз тажрибаларида танишган, ўзлари идрок қилган белгиларини ҳам айтиб берадилар.

Ясла ёшидаги болаларда дастлабки хулосалар чиқариш ҳолларини ҳам кўриш мумкин. Масалан, икки<яшар-у саккиз ойлик бола намойишга чиқмоқчи бўлиб, отасига эргашганида, отаси унта намойишга фақат катталар боради, деб айтган. Бола отасининг бу гапидан ўзича мустақил хулоса чиқарган: «Менинг отим татта (катта ёғоч от), отим бояди, ман бояман» (отим катта бўлгани учун, мен уни миниб борсам менга ҳеч ним ҳеч нарса демайди, деган гапни айтган). Шу бола икки ёш-у ўн ойга етганида, кунларнинг бирида унга «Болалар тузланган балиқ емайди» деб айтишган. Бола бунга жавобан: «Ман таттаман, дедамдан таттаман, ойимдан таттаман, балик есам бўяди» деб айтган².

Ясла ёшидаги болаларда амалий тафаккур процессларида ва сўзларни ўзлаштириб олиш йўли билан тажриба тўплана

¹ К. Д. Ушинский. Избранные педагогические сочинения, II т. Учпедгиз, 1939, 156- бет.

² Н. А. Менчинская, «Дневник матери».

борган сари, уларда бошланғич тушунчалар таркиб топиб боради. Ясла ёшидаги бола бир суз билан шу сўз ифодалаган нарсаларга ўхшаш ҳамма нарсани атай беради, яъни умумийлаштиради, масалан, у ўзи кўрган столларнинг қандай шаклда ва •қандай ишга мўлжалланганидан катъи назар, уларнинг ҳаммасини у «*амак*» деб атайди, бегона эркакларнинг ҳаммасини у «*амак*» деб атайди. Бола сўзни ва унинг умумий маъносини катталардан ўрганиб олади. Лекин бола тушунчанинг бутун мазмунини хали ўзлаштириб олиши мумкин эмас, албатта.

Ясла ёшидаги бола ўзи ўзлаштириб олган сўзлардан фойдаланиб, ўзи ҳам умумийлаштира бошлайди. Лекин у хали нарсаларнинг муҳим белгиларини умумийлаштира билмайди. Бола кўп вақтгача нарсаларнинг ташқи, кўпинча, унчалик аҳамияти бўлмаган белгиларига қараб, яъни ўзи идрок қилаётган, ўз тажрибасида танишиб олган белгиларига қараб умумийлаштиради. Шуниинг учун ҳам, масалан, шу ёшдаги кўп болалар фақат хар бир мушукнигина эмас, шу билан бирга, мўйна пўстинни ҳам, мўйна телпакни ҳам *миёв* деб атайверадилар.

Ясла ёшидаги бола айна ўзи идрок қилаётган нарсалар тўғрисида фикр қилади. Ясла ёшидаги боланинг тафаккури, асосан, конкрет-яккол тафаккурдир.

Мактабгача тарбия ёшидаги болаларда тафаккурнинг ўсиши

Мактабгача тарбия ёшидаги боланинг тафаккури ҳам, асосан конкрет-амалий **ва** конкрет-яккол тафаккур бўлади.

Лекин тарбия таъсири билан тажриба **ва** билимлар тўпланиши сабабли **ва** умуман ақл-идрокнинг бирмунча ўсганлиги сабабли, мактабгача тарбия ёшидаги боланинг тафаккури ясла ёшидаги боланинг тафаккурига нисбатан анча мазмунли бўлиб қолади. Унинг фикрлаш процесслари ҳам анча такомиллашади: унинг таққослаши анча аниқроқ, бўлади, анализи анча муфассалроқ, умумийлаштиришлари анча аниқ **ва** кенгроқ бўлади.

Мактабгача тарбия ёшидаги бола бирор ишни қилаётганида шу ишнинг максadini олдиндан белгилаб қўяди. Мактабгача тарбия ёшидаги боланинг мана шундай фикрлаш процесси анча мураккаброқ бўлган ўйин фаолиятида ва унинг уйдаги ўзи уддалайдиган меҳнат фаолиятида намоён бўлади ка ўсиб боради. Мактабгача тарбия ёшидаги бола ўйинда ва меҳнатда бошқаларнинг ҳаракатларпта кўпинча тақлид қилиб колмасдан, балки, шу билан бирга, баъзи вазибаларни ўзи ҳам мустақил ҳал қиладиган бўлиб қолади.

Мактабгача тарбия ёшидаги бола нутқининг ўсиб бориши ва унинг катталар билан нутқ орқали қилаётган алоқаси кенгайиб бориши ундаги тафаккурнинг шаклланишида, айниқса катта аҳамиятга эга бўлади.

Мактабгача тарбия ёшидаги боланинг фикр қиладиган нарсалар доираси ҳам кенгая боради. Бу нарсалар доираси бела ўзи бевосита идрок қилинаётган нарсалар чегарасидан ҳам четга чиқадиган бўлиб қолади. Мактабгача тарбия ёшидаги бола ўзи шу онда идрок қилаётган нарсалар тўғрисидагина фикр қилиб колмасдан, ўзи илгари идрок қилган нарсалар тўғрисида ҳам фикр қилади. [Мактабгача тарбия ёшидаги бола хаёлининг ўсиб бориши сабабли у яқин келажак тўғрисида ҳам, яъни эртаги кун тўғрисида, бўладиган байрам тўғрисида, яқинда ёз бўлиши тўғрисида ва бошқа шу кабилар хақида фикр қиладиган бўлиб қолади.]Эртаклардаги воқеаларни хаёл қилиш ҳам мактабгача тарбия ёшидаги боланинг тафаккури учун материал бўлади.

Мактабгача тарбия ёшидаги бола ўз ҳукмларида фақат идрокларгагина таяниб колмасдан, балки, шу билан бирга, тасавурларга ҳам таянади. Мактабгача тарбия ёшидаги боланинг тафаккурида бошқа кишилардан тайёр холда олинган ҳукмлар катта ўрин олади, шу билан бирга, бу ҳукмлар инобатли ҳукмлардек хис қилинади. Мактабгача тарбия ёшидаги бола катта ёшдаги кишиларнинг (масалан, отаси ёки онаси ва хрказо) бирон бир фикрини кўпинча чин деб қабул қилади, чунки у бу фикрнинг катъийлиги учун шу кишининг эътиборига суянади («Ойим шундай деган» важи келтиради). Бу ёшдаги болаларда танкидий тафаккур хали унча ўсмаган бўлади; бу ёшдаги болаларнинг ҳаммага ва ҳамма нарсага ишонавериши маълум. Лекин мактабгача тарбия ёшидаги бола ўзи тушуна оладиган материаллар доирасида тўғрени нотўғридан фарқ қилади/, у ўзи идрок қилаётган сўзларнинг реал воқеликка мувофиқ келиши ёки келмаслигини айтиб бера олади, ёпишмаган бирор нарса ёки ходисанинг бемаънилигини пайқаб олади. Масалан, тўрт яшар қиз суратга қараб туриб, бундай дейди: «Урмондан арча олиб келишяпти, нега арчада кзлдуз бор? Юлдуз арчага уйда тақилади-ку?». Яна бир мисол: отаси қизига поезднинг суратини чизиб берди. Вагоннинг эшигини суратга чизди-ю, аммо зинанинг суратини еолмади. Қиз отасидан сўрайди: «Вагоннинг зинаси қани?» — «Нариги томонида». — «Ундоқ бўлса нега бу ерда эшиги бор?».

Боғланишли нутқ ўсиб борган сари мактабгача тарбия ёшидаги боланинг тафаккури фақат айрим-айрим ҳукмлардагина ифодаланиб колмасдан, балки, шу билан бирга, муҳкамалар тарикасида ҳам ифодаланади. Лекин бу муҳкамаларда ҳамиша ҳам муайянлик ва изчиллик бўлавермайди, мактабгача тарбия ёшидаги бола ўз муҳкамаларида кўпинча

бир нарсдан иккинчи нарсага «сақраб» ўтаверади, ўзининг тасдиқлаб ва инкор қилиб айтган сўзларида зидлик борлиги-ни пайқамайди.

Мактабгача тарбия ёшидаги болалар ўз муҳокамаларида, асосан, аналогия (бир-бирига ўхшатиш) йўли билан хулоса чиқарадилар. Мактабгача тарбия ёшидаги болалар мактаб ёшига етай деб қилганларида, уларда дедукция ва индукция йўли билан хулоса чиқариш қобилияти ўса бошлайди. Болалар бундай хулосалар чиқариш формасини катталардан нутқ билан бирликда ўрганиб оладилар.

Мактабгача тарбия ёшидаги боланинг миясида кўпгина конкрет тушунчалар тўпланади, бу тушунчалар мактабгача тарбия ёшидаги боланинг турмуш тажрибасида ва катталар билан нутқ орқали қилинган алоқа процессида хосқш бўлади.

Ясра ёшидаги боланинг тушунчаларига нисбатан мактабгача тарбия ёшидаги боланинг тушунчаси анчагина сермазмун бўлади, яъни унинг тушунчасида нарсанинг белгилари кўпроқ акс этган бўлади. Лекин, шу билан бир вақтда, мактабгача тарбия ёшидаги боланинг тушунчаларида нарсаларнинг унчалик аҳамиятли булмаган белгилари ҳам бўлади: бу белгилар, асосан, ўзининг ёркинлиги, чиройлилиги, ҳаракатчанлиги ва бошқа шу каби хусусиятлари билан боланинг диққатини ўзига тортган белгилардир. Масалан, мактабгача тарбия ёшидаги боладан «Капалак қанақа бўлади» деб сўралса, у «Капалакнинг қаноти бор, учиб юради» деб жавоб беради. Мактабгача тарбия ёшидаги бола, одатда, нарсанинг истемол қилинишини шу нарсанинг энг муҳим белгиси қилиб кўрсатади; масалан, пиёла нима, ўт нимага керак, деган саволга мактабгача тарбия ёшидаги бола бундай жавоб беради: «Пиёлада чой ичилади», «Ўт ерда ўсади, ўтни қўй ва сигир ейди».

Мактабгача тарбия ёшидаги бола фақат ўзи идрок қилган ва ўзи тасаввур қилиши мумкин бўлган нарсалар тўғрисидагина тушунчага эга бўлади. Мактабгача тарбия ёшидаги бола ҳали абстракт тушунчалар бўлмайди, масалан, у яхши буви тўғрисида, чиройлик гул тўғрисида, бир-бирига тенг кубиклар ёки чўплар тўғрисида фикр қилиши мумкин, лекин у яхшилик тўғрисида, гўзаллик туррисида, тенглик тўғрисида фикр қила олмайди. Мактабгача тарбия ёшидаги бола конкрет нарсалар тўғрисида фикр қилади.

Мактабгача тарбия ёшидаги бола (тахминан тўрт ёшдан бошлаб) ходисаларнинг сабабини кўрсатиб, изоҳлашга интилиш кучаяди. Мактабгача тарбия ёшидаги бола катталарга ҳамиша: «Нега шундай?», «Нема учун?», «Нега?» деб савол бераверади. Лекин, шу билан бирга, у катталарнинг берган жавоблари билангина қаноатланиб қолмайди, ўзи ҳам ыаълум бир ходисаларнинг сабабини топишга интилади, шу

ходисаларнинг сабабини ўзига яраша изоҳлашга ҳаракат қилади. Мактабгача тарбия ёшидаги боланинг ҳали табиат қонунларини ўзи очиши ва шу қонунлар тўғрисидаги билимларни ўзлаштириши мумкин эмас, албатта. Лекин у бир-бирига боғлиқ бўлган баъзи сабабларни пайқай бошлайди ва тушуна бошлайди. Масалан, мактабгача тарбия ёшидаги бола қор. ИССИҚ уйга олиб қирилганида эриб кетишини, усимлик иссиқда яхши ўсишини ўз тажрибаси асосида билади.

Умуман, мактабгача тарбия ёшидаги бола теварак-атрофдати нарсаларга кўпроқ қизиқади ва уларни кўпроқ билишга ийтилади, бу эса унинг тафаккурини активлаштиради. У янги нарсаларни томоша қилиш ва ушлаб қуришни яхши кўради, ўзи тушунадиган нарсалар туррисида айтиб берилган ёки ўқилган ҳикояларни тинглашни яхши кўради.

Тўғри тарбия қилинган тақдирда бола етти ёшга етганида мантикий тафаккурнинг элементар формаларини — ҳўкм ва хулоса чиқаришнинг асосий турларини ўзлаштириб олади, Энди у мактабда ўқиши мумкин.

Мактабда таълим процессида тафаккурнинг ўсиши

Болаларга бериладиган ва асосан мактабда амалга ошириладиган таълим болалар тафаккурининг ўсиши учун ҳоят катта аҳамиятга эгадир.

Таълим ва мактабда бериладиган билимларни ўзлаштираш процессида, қузатувчанлик, хотира ва ҳаёл ўсиб бориши билан мактаб ёшидаги болалар тафаккурига материал бўладиган нарсалар доираси қенгая боради, болаларда мантикий тафаккур ва танкидий фикрлаш ўсиб боради. Таълим процессида тафаккур катта ўсиш йўлини — конкрет тафаккурдан абстракт — назарий тафаккурга ўсиш йўлини ўтади.

Мактаб ёшидаги кичик болаларнинг тафаккури ҳали ҳам амалий, конкрет тафаккур бўлади, лекин таълим процессида бундай болаларнинг конкрет тафаккури, мактабгача тарбия ёшидаги болаларнинг конкрет тафаккурига қараганда, мураккаброқ ва мазмунлироқ бўлиб қолади, улардаги фикрлаш процессларининг ҳаммаси такомиллаша боради. Мактабда ўқувчи бола тобора мураккаброқ нарсаларни ва ўзи идрок қилаётган нарсаларни ҳамда ходисаларнигина эмас, балки, шу билан бирга, тасаввур қилаётган нарсалар ва ходисаларни ҳам бир-бирига таққослашни, анализ қилишни ва синтез қилишни ўрганиб олади!

Болани мактабда ўқитиш процессида унда абстрактлаш қобилияти ўса бошлайди. Арифметика ўқитиш вақтида, амалий, конкрет санашдан абстракт ҳисоблашга ўтилган вақтда шунингдек, она тили дарсларини ўқиш даврида бу қобилият, айниқса сезиларли суратда ўсади; сўнгра-мактабда таълим ҳамма

фанларни ўқитиш даврида бу қобилият янада ўсади. Ушунча бола анализ қилиш, абстрактлаш ва таққослашни, машқ қилиш йўли билан нарсаларнинг муҳим белгилари билан аҳамиятсиз белгиларини бир-биридан фарқ қилишни ва муҳим белгиларга қараб тўғри хулосалар чиқаришни ўрганади.

Бошланғич мактабнинг ўзидаёқ болалар биринчи синфдан бошлаб кўп микдорда хилма-хил тушунчаларни — грамматикага, арифметикага, табиётга дойр ва ижтимоий-сиёсий тушунчаларни ўзлаштириб оладилар. Уқувчилар ўзлаштириб оладиган тушунчалар доираси, асосан, ҳар қайси синф учун ҳар қайси фан юзасидан тузилган ўқув программаси билан белгиланади. Муайян илмий мазмунга эга бўлган тушунчалар ўқувчиларга мантикий ифодаланган формада баён қилиб берилади. Уқувчиларнинг ўзлари ҳам тушунчаларни мантикий таърифлаб, уларнинг жинс ва турларига дойр белгиларини кўрсатиб, айтиб беришни ўрганадилар. Уқувчилар тушунчага қоидаларни таърифлаб беролмай қолганларида ёки таърифлаш мумкин бўлмаган пайтларда тасвирлаб, таққослаб, характерлаб, мисоллар билан кўрсатиб берадилар.

Ўқитиш процессида ўқувчиларнинг фикр қилиш фаолиятининг у ёки бу томонини активлаштирадиган махсус усуллар қўлланилганида ўқувчиларнинг тафаккури самаралироқ ривожланади.

Бундай бир мисол келтириш мумкин. Н. Н. Неъматов биринчи синф ўқувчиларида тафаккурнинг умумлаштириш фаолиятини ривожлантиришга дойр иш олиб борди.

Шу мақсадда тажриба ўтказилаётган синфда дарё бериш чоғида махсус усуллар қўлланилди. Уқувчиларга саволлар бериб, уларнинг диктат-этиборини китоб ўқиш вақтида, суҳбат чоғида, суратларни идрок қилиш вақтида, теварак-атрофдаги вазиятни кузатиш чоғида учрайдиган нарсаларни умумийлаштиришга қаратадиган махсус усуллар қўлланилди.

Шу тажрибалар натижасида ўқув йилининг охирига бориб, муайян кўрсалкичларга эришилди, яъни тажриба ўтказилиб келган синфда ўқувчиларнинг умумийлаштириш фаолияти даражаси бошқа синфлардаги ўқувчиларнинг умумийлаштириш фаолиятига нисбатан кжорирок бўлиб чиқди. Буни қуйидаги жадвалдан ҳам билиш мумкин.

Умумийлаштирилган нарсалар	Ўқув йилининг бошидагига нисбатан умумийлаштириш фаолиятининг ошиш проценти	
	тажриба ўтказилган синфда	оддий синфда
Идрок қилинаётган нарсалар	40	20
Оғзаки (тасаввур қилинадиган) материал	34	17
	26	10

Бунда шу нарса маълум бўлдики, ўқувчиларнинг фикр қилиш фаолиятини активлаштириш мақсадида қўлланилган усуллар айни вақтда тажриба синфдаги ўқувчиларнинг дарелардан улгуриш даражасини оширишга ҳам ёрдам берди: шу синфда ўқувчиларнинг дареларни ўзлаштиришда

олган бахслари бошқа оддий синфдаги ўқувчиларнинг билимларига қўйилган бахолардан юқорирок бўлиб чиқди.

Иккинчи синфда шу тартика тажрибалар ўтказилганида ҳам айнаи шундай натижаларга эришилди.

Уқувчилар онгида мустақкам ўрнашган тушунчалар асосида абстракт тафаккур усади. Урта мактаб ўқувчиларида абстракт тафаккур айниқса тез усади. Бунда тафаккурнинг ўсишга грамматика, алгебра, геометрия, физика, тарих, СССР Конституцияси сингари фанларни ўрганиш айниқса ёрдам беради. Юқори синфларнинг ўқувчилари шу фанлар билан шугулланиб энг умумий, абстракт тушунчаларнинг қўлини ўзлаштириб оладилар ва ўзларининг фикрлаш фаолиятларида шу тушунчаларга таянадилар.

Ҳар бир ўқувчи ўқиш процессида ва турмуш тажрибасида хилма-хил масала ва вазифаларни ҳал қилишга мажбур бўлади. Мактаб ўқувчисининг ўзи саволларни тўғри қўйишни ва вазифалар белгилашни, тўғри муҳокама юритишни ўрганади. Ёш ошган сари бу муҳокамалар тобора кўпроқ мантикий муҳокамалар бўлиб қолади. Уқиш-ўқитиш ишлари тўғри йўлга қўйилганида ўрта мактаб ўқувчиларининг муҳокамаларида муайянлик ва изчиллик бўлади.

Мактаб ўқувчиси муҳокама юритиш йўли билан тўғри хулосалар — дедуктив ва индуктив хулосалар чиқаришни ўрганади. Масалан, улар математика машгулотларида доимо умумий қоидаларга асосланиб, хулосалар чиқарадишар, тил дареларида ўзлаштириб олинган қоидаларни имлонинг айрим ҳолларига татбиқ қилишга тўғри келади ва ҳоказо. Уқувчилар бир қанча мисоллар асосида (албатта, ўқитувчининг ёрдами билан) грамматика ва арифметикага дойр қоидалар чиқариш йўли билан индуктив хулоса чиқариш йўллари эгаллаб оладилар. Юқори синфларнинг ўқувчилари табиёт, физика ва химия фанларини ўрганиш процессида умумийлаштирилган анча кенг хулосаларни ўзлари мустақил равишда чиқарадилар.

Юқори синф ўқувчилари индукция ва дедукцияни эгаллай бориш натижасида кузатишлар ва тажрибаларга асосланиб туриб, айрим ҳодисаларнинг сабабларини мустақил қидириб топишлари, сўнгра эса табиатнинг айрим қонунларини ҳам фахмлаб олишлари мумкин. Юқори синф ўқувчилари айрим ҳодисаларни кзохлаётган вақтларида, ўзларига маълум бўлган қонунларни далил қилиб кўрсатадилар.

Ўқитиш процессида абстракт ва мантикий тафаккур ўсади, шу билан бирга ўқувчиларнинг танкидий тафаккури ҳам усади. Бошланғич мактабдаёқ ўқувчилардан саволларга фақат тўғри жавоблар беришнигина талаб қилиб қолмасдан, шу билан бирга улардан «нега шундайлигини» ҳам изохлаб бериш талаб қилинади. Агар ўқувчининг берган жавоби нотўғри бўл-

са, синфнинг ўзида унинг хатоси. нимадан иборат эканлиги аниқланади, шу хатони қандай қйлиб тузатиш кераклиги тушунтириб берилади.

Мактаб ўқувчилари билимларни ўзлаштира борганлари сари, турли коидаларни асослашни, исботлашни, рад қилишни, текшириб қўришни ҳам ўрганиб бордилар. Жумладан, улар мисоллар, фактлар, умумий коидалар ва аксиомалардан далиллар тарикасида фойдаланишни ўрганадилар. Урта мактаб ўқувчилари, айниқса юқори синфларнинг ўқувчилари, бошқа кишиларнинг мураккаб муҳокамаларидаги, шунингдек ўзларининг ҳам муҳокамаларидаги зиддиятларни, мантиксизликни, асосланмаган жиҳатларни очиб бера оладилар. Она тили, арифметика машғулоти, танқидий, исботли тафаккурнинг ўсиши учун, айниқса катта аҳамиятга эга. Урта мактаб ўқувчилари ижтимоий-тарихий фанларга дойр ва дарвинизм асосларига доир машғулотларда исботлайдиган ва рад қиладиган далиллардан ҳар доим фойдаланадилар.

Мактаб ўқувчиларининг ҳаваскорлик тутаракларида иштирок қилишлари, туғилган масалаларни муҳокама қилишда актив қатнашишлари. танқидий, исботли ва мустақил тафаккурнинг ўсишида ва ривожланишида катта роль ўйнайди.

Совет болаларини ўқитиш даврида уларда назарий тафаккур билан бирликда амалий тафаккур ҳам ривожлантирилади. Бунга аввало шу йўл билан эришиладики, мактабда кўпгина фанларни (масалан, физика, химия, ботаника, зоология фанларини) ўқитиш ўқувчиларнинг одинган билимларни саноатда, кишлок хўжалигида татбиқ қилишлари билан боғлаб олиб борилади.

Бизнинг мактабларимизда умумий назарий фанлар билан бир қаторда политехника, ишлаб чиқариш ва профессионал малакалар таълимоти айниқса катта урин олиб турибди. Шу сабабли ҳозирги вақтда бизнинг мактабларимиз ўқувчиларда конструктив-техника тафаккурининг ўсиш ва ривожланишига ҳам ёрдам бериши лозим.

Политехника ва ишлаб чиқариш таълими, албатта, ўқувчилардан тегишли конструктив-техника тафаккури бўлишини талаб қилади, лекин шу билан бир вақтда бу тафаккур асосан политехника ва ишлаб чиқариш таълими процессида ўсиши ва ривожланиши мумкин. Бундай таълим беришнинг вазифаси фақат тегишли техника билимлари ва малакаларини беришдангина иборат бўлиб қолмаслиги, шу билан бирга ўқувчиларда конструктив-техника тафаккурини ҳам ривожлантириши лозим. Ўқувчиларимизнинг техника масалаларига ва ихтирочиликка, саноат ва кишлок хўжалиги масалаларига қизиқишлари ва уларда мана шундай қизиқишнинг кўплиги амалий тафаккурнинг ривожланишини активлаштиради.

Совет мактабларининг ўқувчилари моделлар, конструк-

тивлар ясаш билан, электр техника билан шуғулланадилар, дала ишларида, кўчатлар ўтказиш ишларида ғоят қизиқиб қатнашадилар. Мана шуларнинг ҳаммаси уларда амалий ва конструктив тафаккурнинг техник ўсишига ва ривожланишига ёрдам беради.

Бошланғич ва ўрта мактабда ўқувчиларнинг ҳаммасида ҳам тафаккурнинг ўсиши ва ривожланиши бир текис ва бир хил бўлавермайди, албатта. Ўқувчиларнинг индивидуал хусусиятлари кўп даражада бошқа психик процессларнинг — хотира, хаёл, нутқ, диққат, ироданинг ўсиши билан белгиланади; бу индивидуал хусусиятлар ўқувчиларнинг қизиқишларига, таълим ва амалий ишлардаги активликларига, шунингдек, ўқувчиларнинг ўз-ўзларини тарбиялашларига боғлиқ бўлади.

Совет мактабларимизнинг планлари ва программалари марксизм-ленинизм методологиясига таяниб, илмий асосда тузилади. Бизнинг мактабларимиздаги барча таълим-тарбия ишлари ўқувчиларнинг актив, онгли иштирокида олиб борилади, Шу сабабли бизнинг совет мактабимиз болаларда кенг, мазмунли, мустақил ва мантиқий жиҳатдан тўғри тафаккурнинг ўсишига кўп даражада ёрдам беради,

IX БОБ

НУТҚ

/ I. НУТҚ ТУҒРИСИДА УМУМИЙ ТУШУНЧА

Нутқ — одамлар тил орқали бир-бири билан муомала ва алоқа қилишининг алоҳида усулидир. Одам ўз нутқи ёрдами билан ўзининг билимлари, фикрлари, ҳислари ва истакларини бошқа кишиларга айтиб бера олади ва бошқа кишиларнинг фикрларини ўзлаштириб олади, [бошқа кишиларнинг ҳислари ва истакларини билиб олади.

Одамлар ўзларининг фаолиятлари ва кундалик ҳаётларида бир-бирлари билан шу тарзда алоқа қилиб турадилар.

Нутқ воситаси билан алоқа боғлаш процессида ҳар бир киши билимларнинг кўп қисмини бошқа кишилардан олади.

Нутқ воситаси билан алоқа боғлаш одамнинг доимий эҳтиёжи бўлиб, бу алоқа фикр олишувга хизмат қилади.

Одам бошқа кишилар билан нутқ орқали муомала қилмай яшай олмайди. Одам яққа ўзи қолганида, кўпинча, ҳаёлидаги суҳбатдошлар билан «ўз ичида» гаплашади. Одам ўзига нотаниш бўлган бир ёки бир неча киши ўртасига тушиб қолса, унда нималарнидир айтиш ёки шу кишилардан нималарнидир эшитиш эҳтёжи албатта пайдо бўлади. Бу эҳтиёж қондирилмай қолса, одамни маънос қиладиган «ўнғайсизлик» ҳисси туғилади. Одамнинг «айтадиган ҳечбир гапи» бўлмаган тақ-

Дйрда ҳам шундай эхтиёж пайдо бўлади. Бундай ҳолларда у «нима қилишини» билмай қолади. Бундай ҳолларда унда «нимани гапирсам экан?», «нимадан гап бошласам экан», «қандай гап бдшласам экан!» деб гап мавзуини қидириш бошланади.

Учинчи бобда айтилганидек, нутқ тарихий тараққиёт процессида, онг билан баравар, инсонларда тил воситаси билан алоқа боғлаш, бир-бирларига бирон нарса айтиш эхтиёжи туғилиши натижасида пайдо бўлган. Энгельс ўзининг «Маймуннинг одамга айланишида меҳнатнинг роли» деган асарида. меҳнат нутқ органига эхтиёж туғдирди ва узок давом қилган тарихий тараққиёт процессида маймуннинг ҳалқуми одамнинг нутқ органига айланди, деб кўрсатиб ўтган эди. Киши нутқи меҳнат процессида ўсиб борган.

Ҳар бир кишининг нутқи болалик чоғидан бошлаб ўсиб боради, бунинг сабаби ҳам бошқа кишилар билан алоқада бўлиш эхтиёжидир.

Нутқ тўғрисида, шу билан бирга тил тўғрисида гапирганимизда қуйидагиларга эътибор беришимиз керак.

«Нутқ» ва «тил» деган терминлар кўпинча бир хил маънода ишлатилади. Аммо бу терминларнинг маъносини бир-бирига аралаштириб юбориш ярамайди. Гарчи нутқ билан тил бир-бирига чамбарчас боғланган бўлса ҳам, лекин уларнинг иккови битта нарса эмас.

Биз бирор кишига: «Сиз қайси тилда (ёки тилларда) гапласиз?» деб савол берганимизда, биз шу кишининг нутқи, гапи билан унинг ўз нутқида қандай тил (ёки тиллар)дан фд-йдалаадшини аниқ фарқ қиламиз.

Ҳар бир кишининг ёшига, билимига, умумий маданий саяси сизга караб, унинг нутқи ўзига хос хусусиятларга эга бўлади. Айрим кишилар касбининг хусусиятлари, шу кишиларнинг нималарга қизиқиши, мижози ва шу каби хусусиятлари уларнинг нутқларида намоён бўлади. Ҳар бир киши бкр ёки бир неча тилдан фойдаланиб, ўзича гапиради. Ҳар бир кишиндннг ўз нутқи бор.

Одам онгининг алоҳида функцияси бўлган нутқ психология фани томонидан ўрганилади

Тил эса ижтимоий ходисадир. Тил айрим кишида мустақил равишда мавжуддир. Тилнинг ижодкори эса халқнинг ўзидир, тарихан таркиб топган миллатнинг ўзидир. Рус тили, узбек тили, хитой тили, немис тили ва ҳоказо деганимизда, биз мана шу маънода гапирамиз¹. Ҳар бир авлод ўздан олдин ўтган аЕлодлар ишлаб чиккан тилга дуч келади ва шу тилни эгал-

¹ Баъзан айрим кишининг тили тўғрисида, масалан, фалон ёзуЕчининг тили тўғрисида гапирилади. Бундай ҳолларда; одатда, шу ёзувчига хос булган услуб, ифодалаш усулларидаги хусусиятлар назарда тутилади. Ёзиш процесси — ёзувчининг нутқидир. Аммо ёзувчи муайян бир тилда — рус ёки узбек ва шу каби тилларда ёзади.

лаб олади, яъни ўзининг нутқ орқали қиладиган муомаласида шу тилдан фойдаланади.

Нутқ билан тил бир-биридан фарқ қилади, лекин айна вақтда уларни бир-биридан ажратиб бўлмайди; нутқ ҳам, тил ҳам бир-бирига боғланган, улар бирликда мавжуддир. Бу бирлик шундан иборатки, ҳар бир тил тарихий тараққиёт давомида одамларнинг нутқ воситаси билан алоқа боғлаш процессида вужудга келган ва ўсиб борган. Ҳар бир тилнинг яшаб туриши кишиларнинг шу тилда гаплашувларига боғлиқ. Агар одамлар бирор тилда гаплашмай қўйсалар, бу тил ҳам йўқ бўлиб кетади: у «улик тил» бўлиб қолади. Биз «улик» тиллар борлигини шу тил акс эттирилган ёзма ёдгорликлардан билемиз. Масалан, қадимги грек (юнон), латин тиллари мана шундай «улик» тиллардир.

Тил билан нутқнинг бирлиги яна шундан ҳам намоён бўладики, ҳар бир киши ўз нутқида бирор тилдан фойдаланади, баъзилари эса бир неча тилдан фойдаланадилар.

Гапириш ва бошқа одамларнинг нутқини тушуниш учун тил билиш, шу тил системасини билиш, шу тилнинг тузилишини билиб олиш керак,

И. НУТҚНИНГ ХУСУСИЙ ФУНКЦИЯЛАРИ

Одамларнинг ўзаро алоқаларида уларнинг нутқлари турли маъноларда ёки функцияларда намоён бўлади.

Нутқнинг асосий вазифаси, демак, унинг асосий функцияси — одамларнинг бир-бирлари билан алоқа қилиш воситаси бўлишдир.

Бу алоқа асосан одамларнинг ўз фикрларини бир-бирларига айтишларидан иборат бўлади. Алоқа процессида фикрлар нутқ ёрдамида шаклланади, ифодаланади, айтилади ва тушуниб олинади. Оғзаки ёки ёзма нутқда ифодалаб берилган фикрлар шу фикрларни айтувчи киши учун ҳам равшанроқ бўлиб қолади. Шундай қилиб, нутқ алоқа процессида тафаккур қуроли бўлиб хизмат қилади.

Шу билан бирга мана шу алоқа процессида нутқ ифодалаш воситаси бўлиб, бирор нима билдириш воситаси бўлиб Еа таъсир ўтказиш воситаси бўлиб ҳам хизмат қилади,

Нутқ — ифодалаш воситаси

Нутқда бизнинг фикрларимиз билан бирликда туйғу-хисларимиз ҳам ифодаланади. Оғзаки нутқда хиссиётларимиз (эмоционал кечинмаларимиз) сўз ёрдами билан қилинган тасвирларда, оҳангда, қофияда, хитоб ва саволларда, гаплашиш вақтидаги паузаларда ва айникса интонацияларда намоён бўлади. Чунончи, биз бирон кишининг исмини атаганимизда, шу кишига бўлган турли хисларимизни ва муносабах-

даримизни: ўзимиздаги меҳрни,-ғазабни, кўрцувни, муҳаббатни, хурматви, нафратни, менсимасликни ва бошқа шу кабиларни атайин ёки беихтиёр намоён қилишимиз мумкин. Шу билан бирга, гапирувчининг интонациясида унинг холати ҳам: чарчаганлиги, умумий хаяжони, ўзига бўлган ишончи ёки ишончсизлиги ва шу кабилар ҳам ифодаланadi.

Лирик шеърлар, ашулалар, романлар, ариялар сингари нутқ формаларида-одамларнинг асосан хилма-хил хис ва туйғулари ифодаланadi.

Турли ҳиссиётлар бизнинг оғзаки нутқимиз билан бирликда, одатда, юз ҳаракатларимизда ва имо-ишораларимизда ҳам ёрқин намоён бўлади.

Нутқда бизнинг иродамиз: мақсад-муддаомиз, истагимиз, ниятимиз, қароримиз ҳам," шунингдек, ирода процессларининг айрим сифатлари — қатъият ва қатъиятсизлик, дадиллик, кишининг ўзини тута билиши, кишидаги қунт ва бошқа шу кабилар ҳам намоён бўлади.

Нутқ — бирор нимани билдирувчи восита

Одамнинг нутқида унинг фикрлари ва хилма-хил ички холати — эмоционал кечинмалари ва иродасигина ифодаланиб қолмасдан, шу билан бирга хамиша бирор объектив нарса ҳам билдирилади.

Сайраш ва қичқириш тарзидаги хилма-хил товуш бирикмалари ҳайвонларда ҳам бўлади, лекин бу товуш бирикмалари фақат туғма реакциялардир—-ташки ёки ички таъсир сабабли туғиладиган шартсиз рефлекслардир.

Кушларнинг сайраши ва ҳайвонларнинг қичқириши, шунингдек уларнинг хилма-хил ҳаракатлари (масалан, итнинг думини ликиллатиб туриши) улардаги инстинктларнинг ва шу инстинктлар билан боғланган хисларнинг ифодаси ва таркибий элементидир, холос.

Бу товуш бирикмалари ва ҳаракатлар ифодаси бошқа ҳайвонлар учун сигнал вазифасини ҳам бажаради. Масалан, ҳайвон бирор хатарни еезганида алоҳида товуш билан қичқиради, бу қичқирик унинг болаларида инстинктив равишда мудофаа ҳаракатини (яшириниш ёки онасининг олдига югуриб келиш ҳаракатини) вужудга келтиради.

Худди шу ҳайвоннинг қулай вазиятдаги қичқириқлари бошқача характерга эга бўлиб, бу қичқириқлар фароғатни, хавфсизликни, овқат топилганлигини ва шу кабиларни билдирувчи сигналлар бўлиб хизмат қилиши мумкин.

Ҳайвонларга хос булган хилма-хил товуш бирикмалари ва ҳаракатлар асло нутқ эмас. Ҳайвонларда нутқ бўлмайди.

Одамнинг нутқида намоён бўладиган хилма-хил товуш бирикмалари унинг ички холатини ифодалабгина қолмасдан,

шу билан бирга объектив равишда мавжуд бўлган нарсалар ва ходисаларнинг нималигини билдирувчи воеита бўлиб ҳам хизмат қилади. Ҳар қандай сўз бирон нарсанинг маъносини билдиради. Масалан, сгол деган сўз бирикмаси шунинг учун ҳам нутқ бўлаги бўлиб қоладики, шу товуш бирикмаси ёрдами билан муайян буюмнинг маъноси билдирилади. Сўзлар бизнинг онгимиздан ташқарида мавжуд бўлган буюмлар ва ҳдисаларнинг ҳамда уларнинг хислатлари, холатлари, боғланишлари, муносабатлари ва шу кабиларнинг онгимиздаги бамисоли бир вакиллари дир.

Якка бир нарсани, масалан, Ленинград, Волга, Тошкент вэ шу кабиларни билдирадиган сўзлар бор. Лекин сўзларнинг кўпчилиги бир-бири билан бирор муносабатда боғланган буюмлар ва ходисаларнинг бутун бир туркумини билдиради. Бизнинг онгимизда воқелик инъикос этганида сўз шу инъикоски умумлаштирувчи восита дир. Сўз билан хамиша умумийликни ифодалаймиз. Шу сабабли *стол* деган сўзни айтганимизда, бу сўз билан биз худди шу оннинг ўзида бизнинг кўз ўнгимизда турган битта столнигина ифодалаб қолмасдан, балки умуман «стол» тушунчасини ифодалаймиз. Узимиз идрок цилаётган ёки тасаввур қилаётган битта столнинг номини айтганимизда, биз мана шу битта стол деган сўзда умуман «стол» тўғрисидаги ўзимизда бўлган умумий тушунчани назарда тўтаммиз. Шу сабабли умумлаштирилган маънога эга бўлган сўз фақат якка нарсаларга мансуб бўлмасдан, шу билан бирга нарсаларнинг бутун бир туркумига ҳам мансуб дир.

Нутқ ва айрим сўзлар нарсаларнинг фақат белгилари — «ёрликлари» гина эмас. Нарсаларни ифодаловчи номлар нутқнинг хусусий функцияларидан биридир, холос. Ҳар бир сўзнинг бундан ташқари яна ички мазмуни ҳам бор, ҳар бир сўз •М-аълум тушунчани ифодалайди.

Нутқ — таъсир кўрсатиш воситаси

Нутқ — таъсир кўрсатиш воситаси бўлиб хизмат қилади. Таъсир кўрсатиш — биз нутқимизни кимга қаратаётган бўлсак, шу кишида биз истаган хислар, интилишлар ва ҳаракатларни туғдириш, /уларнинг фикрини биз истаган томонга буриш, уларни ўзимиз хоҳлаганимизча ўйлашга мажбур этиш, уларни ишонтириш демақ д ир. Маълумки, нутқ ёрдами билан бошқаларда хурсандлик, кўрқув, ғазаб, рухланиш хисларини туғдириш мумкин, бошқаларда биз истаган интилишларни, ҳаракатларни қўзғатишимиз мумкин. П. Вершигора партизан отрядининг комиссари Руднев тўғрисида қилган ҳикоясида одам нутқининг қанчалик зўр таъсир кўрсата олиши ҳақида бундай дейди: «у ўзининг қатта ишини амалга ошираётганида унинг асосий қуроли нутқ эди». У жангчилар билан гаплаша-

ётганида... мен одамнинг сўзи нималар қилиши мумкинлигини биринчи марта ўз кўзим билан кўрдим ва билиб олдим».

Ёзувчи бадиий асар яратаётганида одамларда муайян фикр, хис, интилиш тугдиришни, турмушга муайян қараш ҳосил қилишни назарда тутди. Агитатор ўз нутки билан одамларда муайян сиёсий кайфият, қарашлар, муайян йўлда ҳаракат қилиш истагини туғдиришга интилади.

Нутқ таъсир воситаси бўлиб, у медицина тажрибасида катта роль ўйнайди. Шу нарса ҳаммага маълумки, врачнинг сўзи, яъни унинг бемор билан бевосита нутқий алоқаси кучли суратда таъсир қиладиган воситаларидан биридир. Сўз оғриқни босадиган, дармон киритадиган ва бошқа шу каби шифобахш воситадир. Тажрибадор врачларнинг айтишларига Қараганда, сўз касалнинг жисмоний ва маънавий аламларини баъзан доридан ҳам яхшироқ енгиллаштирар экан. Масалан, врачнинг маслаҳатлари, касалнинг хавфсизлиги ва тезда тузалиб кетишига беморда ишонч ва эътиқод ҳосил қилиши ҳам ана шундай таъсир кўрсатадиган нутқий воситалар жумласига киради.

Ўқитувчи ва тарбиячи сўз орқали таъсир кўрсатиш йўли билан ўқувчиларда муайян интизом ва хатти-ҳаракат вужудга келтиради. Таъсир кўрсатиш воситаси бўлган нутқ таълим ва тарбиянинг асосий куралидир.

Амр-фармон бериш, ўтиниб сўраш — илтимос қилиш, маълаҳат бериш, ўғит-насихат қилиш, гапга уятиш, далил-исботлар келтириш ва бошқа шу кабилар сўз воситаси билан таъсир кўрсатиш формаларидир. Нутқ таъсир кўрсатиш воситаси бўлиб хизмат қилади, чунки сўзлаб турган кишининг нутқида унинг хисси, интилишлари, ирода ва эътиқоди акс этади,

Нутқнинг таъсир ўтказувчи функциясида интонация катта роль ўйнайди. Интонацияда нозик ва мураккаб ҳислар ва ирода хусусиятлари — норозилик, истак, талаб ҳислари ва шу кабилар намоён бўлиши мумкин. Шу сабабли, ўқувчиларда табиат ва турмушдаги бирор ҳодисага кизиқиш пайдо қилиш, билимни янада мустаҳкамроқ билиб олишга иштиёқ уйғотиш учун, шунингдек, уларни маълум бир ҳаракатга йўллаш учун ўқувчиларга таъсир кўрсатмоқчи бўлганида ўқитувчи ўз нутқида талаффузга айниқса алоҳида эътибор бермоғи лозим.

^ ____ III. ТИЛ ВА НУТҚНИНГ ТУЗИЛИШИ

Ҳар бир киши аввало ўз атрофидаги кишилар сўзлашадиган тилни билиб олади. Лекин одам махсус ўқиб ўрганиш йўли билан ёки бошқа миллат кишилари билан муттасил алоқада бўлиб туриш натижасида бошқа халқларнинг тилларини ҳам билкб олиши мумкин^

Тилни билиб олиш (масалан, рус, ўзбек, украин ва хоказо тилларни билиб олиш)—шу тилнинг фонетикасини, луғат составини ва грамматик тузилишини билиб олиш демакдир.

Тил ва нутқнинг фонетика жихати

Одам ўз фикрларини бошқаларга билдирмоқ учун шу фикрларни сезиладиган, яъни сезги органлари орқали таъсир қиладиган моддий воситаларда ифодаланиши лозим. Одам овозининг товушлари ва товушлар бирикмаси нутқнинг мана шундай моддий воситаларидир.

Одамлар нутқ орқали бир-бирлари билан муомала қилишда фойдаланадиган тилларнинг ҳаммаси товуш тилидир.

Одам нутқининг товушлари одатда фонемалар деб аталади.

Бу товушларнинг алоҳида белгилари бор. Масалан, **а** фонемасининг ўз белгилари, **б** фонемасининг ўз белгилари, **ш** фонемасининг ва хоказоларнинг ҳам ўз белгилари бор, биз шу белгиларга қараб, айрим сўзларни фарқ қиламиз. Бу белгилар, одатда, фонематак белгилар деб аталади.

Биз гапираётганимизда, одара, мимика ва имо-ишоралардан фойдаланамиз. Лекин мимика ва имо-ишораларни алоҳида тил деб ҳисоблаб бўлмайди.

Мимика ва имо-ишоралар — нутқнинг эмоционал (хиссиёт) томонларини ифодалаб берадиган ихтиёрсиз ҳаракатлардан иборат бўлади, ёки гапирувчи одам ўз нутқининг айрим жойларини уқтирмак, бўрттириш кўрсатмоқчун атайин ихтиёрий равишда қиладиган ҳаракатларидан иборат бўлади.

Баъзан одамлар, вазиятга қараб, мимика ва имо-ишоралардан нутқнинг қўшимча воситаси тариқасида фойдаланадилар. Масалан: зарур жимликни бузмай бирор фикрни билдирмоқ учун ёки нутқни эшиттириш қийин бўлган, лекин ўзи кўриниб турган масофага бирор фикрни хабар қилмоқ учун мимика ва имо-ишоралардан фойдаланилади. Лекин бу ҳолларда мимика ва имо-ишоралар товуш тилининг сўз ва гапларини ифодаловчи фақат белги бўлиб, айрим сўзлар ва гапларнинг ўрнида ишлатилади.

Одамларнинг имо-ишораларини, мимикасини ва пантомимасини эслатувчи хилма-хил ҳаракатларни биз хашиша ҳайвонларда, айниқса олий ҳайвонларда — маймунларда ҳам борлигини кўрамиз. Бироқ, ҳайвонларнинг бу ҳаракатларини одамларнинг имо-ишоралари, мимикаси билан бир хилдаги ҳаракатлар деб ҳисоблаш мумкин эмас. Одамлар ўзларининг имо-ишораларида, мимикаларида ва ўзларининг айрим товуш бирикмаларида ўзларининг йчки хис ва туйғуларини ифодалайдилар, лекин, шу билан бир вақтда, одам бу ҳаракатлардан нутқ элементлари тариқасида ҳам фойдаланиши мумкин, жумладан, одам шулар орқали нарсаларнинг маъносини

ифодалаши, у ёки бу нарсаларни кўрсатиши, нарсаларни тас-Еирлаб бериши мумкин. Хайвонларда шу тарздаги имо-ишоралар ва мимика ҳаракатлари бўлиши мумкин эмас. Бу тажрибада ҳам исбот қилинган. Совет психологлари Войтонис ва Тих маймунларни лоақал нарсаларни оз-моз бўлса ҳам ифода-лаб берадиган тасвирловчи имо-ишораларга ўргатиш тажриба-ларини ўтказган эдилар. Лекин маймунларда мимика ва имо-ишора ҳаракатлари ғоят кўп бўлишига қарамай, улар бундай тасвирловчи имо-ишораларни ўргана олмади. Бошқа хайвонларда бўлгани каби, маймунларда ҳам мимика, имо-ишоралар ва товуш сигналлари ҳаракат активлигининг умумий ажралмас комплексидан иборат бўлиб, воқелик буюмларини ифодаловчи восита тариқасида хизмат қилмайди.

Кар-соқов (гунг) одамлар имо-ишора ва мимикадан алоқа воситаси тариқасида фойдаланишга мажбурдирлар, чунки улар оғзаки нутқ товушларини эшитмайдилар.

Ёзув ҳам нутқнинг Моддий воситасидир. Лекин ёзув— тилнинг қандайдир алоҳида тури эмас, ёзув — тилдан фойдаланишнинг фақат алоҳида усулидир. Оғзаки нутқда ҳам, ёзма нутқда ҳам биз айна бир товуш тилидан фойдаланамиз. Оғзаки нутқ эшитиш органлари воситаси билан идрок қилдиришга мўлжалланган нутқдир. Ёзма Нутқ эса харфлар ва белгилар ёрдами билан товушларни, сўзларни, гапларни кўз билан идрок қилдиришга мўлжалланган нутқдир.

Кўрлар учун ўйлаб чиқарилган махсус ёзув (Брайль системаси) бор, у мускул-тери сезгиси органлари ёрдами билан идрок қилдиришга мўлжалланган нутқ воситасидир. Бу ёзув ҳам товуш тили асосига қурилган ёзувдир.

Кар-соқовлар (гунглар) ҳам ўқитиш натижасида ёзма нутқни билиб оладилар, улар шу нутқ воситаси билан товуш тилининг бутун бойлигини ҳам билиб оладилар. Улар ёзма нутқдан фойдаланиб, бошқа кишилар билан тугал-тўқис алоқа боғлайдиган бўлиб қоладилар ва ҳамма нормал кишилар сингари камол топаверадилар.

Нутқнинг фонетика жихатини билиб олиш маълум бир тилдаги ҳар бир товушни ва ҳар бир сўзнинг оғзаки нутқда тўғри, аниқ ва равшан қилиб айта олиш демақдир, ёзма 'нутқда эса шу тилдаги ҳар бир сўзни тўғри ёзиш демақдир,

Тилнинг луғат состави

Тилда бўлган ҳамма сўзларнинг жами тилнинг луғат состави деб аталади.

Бирор тилнинг луғат состави нақадар бой ва хилма-хил бўлса, бу тил шу қадар бой ва ривожланган тил бўлади. "•

Ҳар бир киши фойдаланаётган ва фойдаланиши мумкин бўлган луғат состави қанчалик бой ва таракқий қилган бўл?";

унинг нутқи ҳам шунчалик бой ва таракқий қилган бўлади.

Одам ўз нутқида фойдаланаётган сўзларнинг миқдори шу одам-нутқининг луғат (ёки лексика) жихатини, нутқнинг луғат составини ташкил қилади.

Ҳар бир сўзнинг ўз маъноси бор, яъни: ҳар бир сўз муайян бир нарсага ёки нарсалар туркумига, шунингдек, нарсаларнинг муайян бир белгиларига — уларнинг хусусиятларига, боғланишларига, муносабатларига ва бошқа шу каби белгиларига тааллуқлидир. Сўзнинг маъноси одамларнинг нутқ практикасида бир-бири билан бўлаётган ўзаро алоқасида маълум бўлади. Сўзнинг маъноси одамларнинг бир-бирларини тўшунишларини ҳам таъминлайди. Бир-бири билан гаплашаётган икки киши бир-бирини тушунади, чунки гаплашаётган кишиларнинг ҳар бири муайян бир нарса тўғрисида муҳокама юритади ва ҳар қайси сўзни муайян бир маънода ишлатади,

Аристотель ҳам ўз вақтида бундай деган эди: «Баҳслашаётган ҳар иккала томонини бир фикрни тушунмоқлари учун аввало ишлатилаётган сўзларнинг мазмуни ва маъноси ақида келишиб олмоқ керак».

Кишининг ўз нутқида ҳар бир сўзнинг маъносини аниқ тушуниб фойдаланаётган ва фойдаланиши мумкин бўлган луғат состави шу кишининг нутқи қай даражада ўсганлигини кўрсатади.

Тил ва нутқнинг грамматика тузилиши

Ҳар бир киши нутқининг луғат состави тилнинг грамматика тузилишидан ажралган ҳолда мавжуд бўлиши мумкин эмас. Худди шунингдек, ҳар бир киши ўз тилининг луғат составини шу тилнинг грамматика тузилиши асосида эгаллайди.

Ҳар бир сўзнинг ўз маъноси бор, лекин ҳар бир сўз ўз формасини ўзгартириб, грамматика қоидалари асосида тузилган бирор гап таркибига кирганидагина муайян бир маъно олади.

Грамматика қоидалари асосида тузилган нутқ сўзлардан иборат бўлади. Лекин бундан, гапларда ифодаланган фикр шу гаплар таркибига кирган сўзлар маъносининг жамидан иборат бўлади, деган маъно чикмайди. Гапда ифодаланган фикр: ёки бошқача қилиб айтганда, нутқнинг маъноси, шу гапни ташкил этган сўзлар маъносининг жамида ҳаммиша кенг ва бой бўлади. Сўзларнинг маъноси билан нутқнинг мазмуни бир-бирига айнан тенг бўлмайди. Буни шундан билиш мумкин, муайян бир маънодаги сўзлар, уларнинг формалари ва гапдаги ўринлари ўзгаришига қараб, турли маъно олади. Масалан: *ўқитувчи, ўқувчи, гапирмоқ* деган сўзларнинг ҳар бирининг ўз маъноси, бор. Лекин бу уч сўз ҳали ҳеч қандай фикрни ифодаламайди. Энди бу сўзларни бириктириб, бундай бир гап тузайлик: *ўқитувчи ўқувчига гапирди*. Бунда биз сўз «лар маъносининг жаминигина тушуниб қолмай, балки шу би»

лан бирга, нутқдаги фикрни ҳам тушунамиз. Шу сўзларни бошқа бир тартибда ўзгартириб бириктирсак бошқача фикр ҳосил бўлади: *ўқувчи ўқитувчига гапирди*.

Ўзбек тилида гапдаги сўзларнинг ўрнини ўзгартирмасдан, битта сўзнинг шаклини салгина ўзгартариш билан нутқнинг ва ҳар қайси сўзнинг маъноси ҳам ўзгаради. Масалан: «*У акасидани юборди*», «*У акасига юборди*».

Бошқа бировнинг нутқини эшитган вақтингизда баъзан шундай гаплар учрайдики, бу гаплардаги ҳар бир сўзнинг маъноси тушунарли бўлса ҳам, лекин ганда ифодаланган фикр ноаниқ бўлиб, тушунилмай қолади. Мана шу мисолнинг ўзи ҳам маълум бир гап таркибидаги сўзлар маъносининг жами билан шу гапда ифодаланган фикр бир-бирига тенг эмаслиги кўрсатади.

— Тўғри грамматика тузилишининг аҳамияти шуни кўрсатадики, яқка одам нутқининг қай даражада ўсганлиги, қай даражада такомиллашганлиги фақат сўз запасининг бойлигига ва хилма-хиллигигагина боғлиқ бўлиб қолмасдан, балки аввало, шу кишининг ўзи гаплашадиган тилининг грамматикасини (морфологиясини ва синтаксисини) қай даражада билиб олганлигига боғлиқдир. Одам нутқининг силлиқ ва тушунарли бўлиши унинг грамматикани қай даражада билиб олганлигига боғлиқ бўлади, гапларда ифодаланган фикрнинг тушунарли бўлиши ишлатилаётган сўзларнинг маъноси қай даражада тушуниб ишлатилганига боғлиқ бўлади. Фикрларимизни тўғри ёки нотўғри ифодалаб беришимиз ва бу фикрларни моддий қобикда, яъни тил билан ифодалаб беришимиз, грамматикани қай даражада билиб олганлигимизга боғлиқ бўлади. Бизнинг нутқимизни бошқа одамларнинг тўғри ёки нотўғри тушуниши ва бошқа одамларнинг нутқини биз ҳам тўғри ёки нотўғри тушунишимиз шунга боғлиқ бўлади.

Умуман биз одам нутқининг қай даражада ўсганлигига шу одамда бўлган луғат составининг бойлигига қараб баҳо бериб қолмасдан, балки, шу билан бирга, шу нутқнинг тўғрилигига, яъни шу одамнинг нутқида ўзи гаплашаётган тилнинг грамматика формалари ва қоидаларига қанчалик риоя қилаётганлигига қараб ҳам баҳо берамиз.

IV. НУТҚНИНГ АНАТОМИК-ФИЗИОЛОГИК АСОСЛАРИ

Бош.м.ия пўстидаги алоҳида марказларнинг фаолияти ва нутқда оид мускул аппарата нутқнинг анатомик-физиологик асосини ташкил қилади.

Товуш нутқининг (фонетик нутқнинг) **мускул аппарати** уч қисмдан—нафас олиш, овоз ва артикуляция аппаратларидан иборат.

Нафас олиш аппарати диафрагмадан, ўпкадан, ўпкани, бронхни ва бўғизни ҳаракатга келтирувчи мускуллардан иборат. Нафас олиш аппаратининг вазифаси нутқ аппаратининг овоз қисмига ҳаво киритиб туришдан иборат.

Овоз аппарати — нафас олинадиган бўғизнинг давома бўлган кекирдик бўлиб, тўртта тоғайдан иборатдир (40-расм).

Шу тоғайлар ўртасидаги бўшлиқда иккита горизонтал эластик мускуллар бор, бу овоз мускуллари деб аталади. Нафас бўғизидан чиқиб турган ҳаво бу мускулларни ҳаракатга келтириб, тебратиб туради.

*Тоғайлар мана шундай тебраниб туриши туфайли овоз мускуллари таранглиги ёки сусайиши мумкин: бу мускуллар бир-бирига ёпишиб ёки бир-бирдан ажралиб туриши натижасида уларнинг ўртасида овоз тешиги деб аталган бўшлиқ, ҳосил бўлади.

Агар овоз мускуллари таранг бўлиб турса ёки бир-бирига яқинлашиб қолса (яъни овоз тешиги ёпилиб қолса) у ҳолда нафас йўлидан чиққан ҳаво шу тешикка кириб, овоз мускулларининг четларини тебратади (вибрация қилади), натижада товуш ҳосил бўлади. Агар овоз мускуллари бир-бирига етарли равишда яқинлашмаган бўлса, нафас оладиган бўғиздан ўтаётган ҳавонинг овоз мускулларига енгил ишқаланиб ўтиши натижасида пичирлаган товуш ҳосил бўлади. Эркин, товушсиз нафас олинганида овоз мускуллари таранг бўлмасдан қолади, овоз тешиги эса тўла равишда очик бўлиб қолади.

Артикуляция аппарати оғиз бўшлиғидан ва бурун бўшлиғидан иборатдир. Бу бўшлиқлар бўғиз устидаги товушга бамисоли сайқал берувчи труба каби бир нарсадир (резонатор-Дўр).


Оғиз бўшлиғи бўғизда пайдо оулган товушларнинг асосии резонатори бўлиб хизмат қилади. Агар товуш тўлқинлари оғиз бўшлиғи орқали ҳеч бир тўсикка учрамай ўтаётган бўлса, унли товушлар ҳосил бўлади. Унли товушларнинг (*а, е, и, о, у*) фарқи оғиз бўшлиғининг катта-кичик бўлишига ва формасининг ўзгаришига боғлиқ бўлади. Оғиз бўшлиғининг формаси кўп жиҳатдан тил ва лабларнинг ҳолатига ва оғизнинг қай даражада очилишига боғлиқдир. Тил — нутқнинг энг серҳаракат органидир: тил кўтарилиши, туширилиши, олдинга чўзилиши ва орқасига қайтарилиши мумкин. Лаблар чўзилиши ашдайтирилиши мумкин.

Ундош товушлар товуш тўлқинларининг оғиз бўшлиғидан бемалол ўтишига катта ёки кичик бирор тўсик пайдо бўлиш натижасида ҳосил бўлади. Бу тўсиқлар лабларни юмиш йўли билан вужудга келтирилганида *п, б, м* товушлари ҳосил бўлади, пастки лаб ва юқори тишлар билан вужудга келтирил-

ганида *ф, в* товушлари хосил бўлади, тил ва устки тишлар билан вужудга келтирилганида *т, д, н, с, з* товушлари хосил бўлади, тил ва танглайнинг бирор қисми билан вужудга келтирилганида *р, ш, к* товушлари хосил бўлади. Бурун бўшлиғи товушларни хосил қилишда турлича роль ўйнайди. Бурун бўшлиғи очик ёки ёпиқ бўлишига қараб, турлича товушлар хосил бўлади. Агар бурун бўшлиғи ёпиқ бўлса, бурундан чикмайдиган товушлар (*а, у, ю*), агар бу бўшлиқ очик бўлса, бурундан чиқадиган ундош товушлар (*м, н*) хосил бўлади.

Говушлар~турли равишда бир-бирига қўшилганда бўғин-ва сўзлар хосил бўлади, сўзлардан- эса гап хосил бўлади. Бизнинг оғзаки, нутқимиз шу тариқа вужудга келади.

Нутқ ёзув воситаси билан ифодаланганда сўзларнинг товуш тузилиши ёзма, график белгилар системасига кўчирилади. Нутқнинг ёзма ифодаси қўл ва бармоқ мускуллари ёрдами билан хосил қилинади. Лекин бунда ёзиш процесси артикуляциядан ажралган ҳолда эмас, балки артикуляция асосида Боқе бўлади. Ёзишнинг артикуляция билан бундай боғланганлиги савод чиқаришнинг дастлабки босқичларида айниқса сезиларли бўлади. Эндигина савод чиқараётган ўқувчи ҳар бир сўзни ёзаётганида шу сўзни албатта гапириб ёки пиширлаб айтиб туради. Ёзиш малақаси ривожланиб кетганида (автоматик туе олгднида) ҳам бўғизнинг енгил ҳаракат қилиши давом этаверади, буни алоҳида асбоблар ёрдами билан қайд қилиш мумкин.



40- раем. Бўғизнинг узунасига кесиги.

Ўкинчи сигнал системасининг механизмлари тафаккурнинг асоси бўлгани каби, нутқнинг ҳам нерв-физиологик асосидир (учинчи бобга қаралсин). Ҳайвонларнинг ташки дунё билан муносабати уларнинг фақат бевосита таассуротлари орқали воқе бўлади. Одамнинг тарихий ривожланиши нати-



41- раем. Бўғизнинг қўнда-лангига кесиги.

жасида эса унда «иккийчи сигнал системалари, ана шу бир» ламчи сигналларнинг сигналлари сўзлар тарикасида рай до бўлди, ривожланди ва ниҳоят даражада такомиллашди¹ Куз~ғовчи восита сифатида, сўз уч формада намоён бўлди: мумкин: 1) эшитиш органики кўзғовчи формада — эшитиладиган сўз, 2) кўриш органини кўзғовчи формада — ёзилган сўз ва 3) кинэстетик кўзғовчи форма сифатида — айтиладиган сўз ёки ёзиладиган сўз. Шу формалар орасида И. П. Павлов нутқ органларининг кинэстетик кўзғалиши алоҳида аҳамиятга эга эканлигини таъкидлайди: «нутқ, аввало нутқ органларидан бош мия пўстига ўтувчи махсус кинэстетик кўзғалишдир, нутқ ўкинчи сигналлардир, сигналларнинг сигналидир»¹. Эшитилиб турган, айтиладиган ва кўриниб турган (ёзув) сўз кўзғовчи бўлибгина хизмат қилмасдан, шу билан бирга, кўзғалишга жавоб реакцияси бўлиб ҳам хизмат қилади. Бунда жавоб реакцияси бўлган сўз ўз навбатида ўкинчи сигнал системасидаги процессларни вужудга келтирадиган кўзғовчидир.

КўзТовчи нутқ ва жавоб сўз реакцияси бўлган нутқ бош мия пўстининг махсус участкалари билан—нутқ марказлари билан боғланган. Нутқ марказлари эшитиш маркази, ҳаракатлантириш маркази ва кўриш маркази деб уч хил марказга бўлинади.

Эшитиш маркази сўл чакканинг орқа бўлимида жойлашган. Мианинг бу участкаси эшитилган сўзларни идрок қилади, бошқаларнинг нутқини тушуниш ва ўзлаштиришни вужудга келтиради. Бу марказ бузилиб қолганида нутқ чувалиб кетади, буни сенсорли афазия деб аталади. Бундай касалга дучор бўлган киши ўзгаларнинг нутқини тушунмайди: товуш ва сўзларни эшитади-ю, лекин сўзларнинг маъносини билмайди, гапнинг маъносини тушунмайди.

Нутқнинг ҳаракатлантириш маркази чап ярим шарнинг учинчи манглай қисмида жойлашган. Бу марказ гапирувчи кишининг актив нутқини вужудга келтиради. Бу марказ бузилиб қолганида одам гапиролмайдиган бўлиб қолади. Нутқнинг бундай бузилиши ҳаракат афазияси¹ деб аталади.

Нутқнинг кўриш маркази бош мианинг орқа қисмига жойлашган. Ёзилган хатни ўқиганда ва ёзган вақтда ёзув белгилари шу марказ тўғрисида идрок қилинади. Бу марказ бузилиб қолган тақдирда одам ҳарфларни танимади, ўқий олмай қолади (алексия касаллиги), ёзолмай қолади (аграфия касаллиги).

Бирок, академик И. П. Павловнинг тадқиқотлари шуни кўрсатдики, бош мия пўстининг бошқа марказлари каби бу нутқ марказларининг қатъий чегаралари йўқ ва бир-биридан

¹ И. П. Павлов, Полное собрание сочинений, т. III, кн. 2, 232-бет.

ажралган холда ҳаракат қилмайди. Бу марказлар бир-бири билан қўшилаверади ва бир-бирининг вазифасини бажараверади, бош мия пўстининг бошқа марказлари билан ҳам қўшилаверади. Нутқ марказлари деб ном берилган марказлар бош мия пўстининг у ёки бу хил нутқ процессларида кўпроқ аҳамиятга эга бўлган участкаларидир, холос. Узгаларнинг нутқини ва гапираётган кишининг ўз нутқини идрок қилиш бош мия пўстининг фаолиятига ва, асосан, бош, мия пўстининг иккинчи сигнал системаси билан боғлиқлиги вужудга келтирувчи қисмига боғлиқдир.

С*

У_ V. НУТҚ ВА ТАФАККУР

Нутқ тафаккур билан чамбарчас боғлангандир. Одам нутқ бўлмаса, тил воситалари бўлмаса фикр, қилолмайди, Юқорида айтиб ўтилганидек, нутқ фикрлаш кулолидир. Тафаккур бўлмаса нутқ, тил бўлиши ҳам мумкин эмас.

Фанга хилоф бўлган буржуа идеалистик таълимот учун характерли нарса шуки, у тафаккурни нутқдан, тил формаларидан ажратиб қўяди. Масалан, психологларнинг Вюрцбург мактаби деб аталган идеалистик психология намояндлари (Бюллер, Мессер, Кюльпе, Ах ва бошқалар) одамдаги тафаккур процесслари образлардан — идроклар ва тасаввурлардан мустақил равишда, шунингдек, нутқ, тилдан мустақил равишда содир бўлади деб исбот қилмоқ. учун, буни ҳатто тажриба қилиб кўрсатишга ҳам уриниб кўрдилар.

Образлардан ва нутқдан мустақил мана шундай «соф» тафаккур бўлиши мумкин, деган идеалистик таълимот бутунлай асоссиз таълимотдир. Тафаккур идрок ва тасаввурлардан мустақил суратда ўса олмайди. Нутқ бўлмаса, тафаккур ҳам бўлмайди, тил материали бўлмаса фикрни ифода-лаб бериб бўлмайди.

Бизнинг ҳукларимиз, мантикий таърифларимиз, хулосаларимиз тил материаллари ва гаплар ёрдами билан ифодаланган. Тил материаллари ва гаплар воситаси билан анализ ва синтез қилинади, абстракция қилинади ва умумийлаштирилади.

Тил материаллари бўлмаса, биз ҳатто энг оддий ҳукмни ҳам ўзимиз учун ифода қилолмаймиз — биз шу оннинг ўзида идрок қилиб турган буюмлар тўғрисида ҳам бирор нимани тасдиқ қилиб ёки инкор қилиб айтолмаймиз. Биз сўзлар бўлмаса, би'тга ҳам тушунчани фикримизга жойлаштира олмаймиз. ; ; •

Фақат тил ёрдами билангина одамлар бир-бирларига ўз фикрларини айта оладилар. Одамлар нутқ орқали бир-бирлари билан алоқа боғлаганларида, тафаккур натижаларини ва утмиш аждодларнинг билиш соҳасида эришган муваффа-

қиятларини тил ёрдами билан ўзлаштириб оладилар ва айни вақтда ўз фикрларини ва билимларини авлодларига топширадилар.

Инсон тафаккури ҳам тарихий тараққиёт процессида, тил ёрдами билан бўладиган нутқ алоқаларида ўсди — тафаккурнинг мантикий формалари ишлаб чиқилди.

Ҳар бир кишининг тафаккури унинг бутун умри давомида тил ёрдами билан бўладиган нутқ алоқалари процессида ўсиб боради.

Лекин биз тафаккур, нутқ ва тил бир-бирига чамбарчас боғланган деганимизда шуни ҳам назарда тутишимиз керакки, нутқ билан тафаккур айнан бир нарса эмас: нутқ билан тафаккурни, фикр билан тилни бир-бирига айнан тенг дейиш ярамайди. Биз баъзи буржуа психологларнинг тафаккур билан нутқ айнан бир нарса деб даъво қилувчи сохта таълимотини қатъиян рад қилишимиз лозим.

Америка психологияси деб аталган оқимнинг намояндлари бўлган бихэвиористлар нутқ билан тафаккур бир-бирига айнан тенг бир нарса деган мана шундай нуқул механистик таълимотни, фанга бутунлай хилбоф бўлган таълимотни тарғиб қилишга айниқса зўр бериб уриндилар.

Уларнинг таълимотига кўра, тафаккур нуқул нутқдан иборат бўлади. Фақат нутқнинг ўзигина реал мавжуддир. Тафаккур эса у ҳам ўзи бир нутқдир, лекин товушсиз, ёки тормозлантирилган нутқдир. Бихэвиористларнинг таълимотига кўра, нутқ нерв-мускул ҳаракатларидан таркиб топади, у алоҳида кўникмалардан иборатдир, демак, тафаккур ҳам фақат мана шу малакалардан иборат бўлиши лозим. Шу таълимотга қараганда, биз мускуллар ёрдами билан фикр қиладиган бўлиб чиқамиз. Бихэвиористларнинг шу таълимотига кўра, тафаккур проблемасининг ўзи ҳам бўлиши мумкин эмас: тафаккур масаласи батамом нутқ масаласининг ўзи бўлиб қолади.

Нутқ билан тафаккур айнан бир нарса, деган таълимотни буржуа психологлари тафаккурнинг реаллигини рад қилмоқ учун, шу билан бирликда, меҳнаткаш кишиларнинг фаолиятида онгнинг актив роли борлигини ҳам рад қилмоқ учун ўйлаб чиқардилар. Бихэвиористларнинг тафаккур нутқдан иборат, деган бу таълимоти воқеликка бутунлай зид таълимотдир. Нутқ билан тафаккур айнан бир нарса эмаслигини кўрсатадиган жуда кўп фактлар бор.

Масалан, маълумки, бошқа бировнинг нутқини тушуниб олишда баъзан бирмунча қийналамиз. Одатда, биз, бошқа бировнинг нутқини эшитаётганимизда ёки ёзма нутқни ичимизда ўқиётганимизда, шунингдек, бошқа бировнинг нутқини баланд овоз билан такрорлаётганимизда, бу нутқларда ифодаланган фикрларни айни шу вақтда тушуниб ололмай-

миз. Кўпинча, ҳамма нутқ органлари тўла-тўқис ҳаракат қилади (тўғри талаффуз қилади), лекин бунда ҳам нутқдаги фикрни айти шу вақтда дарров тушуниб бўлмайди. Баъзан нутқни тушунмоқ, яъни унинг маъносини билиб олмоқ учун аниқ таърифларни (оғзаки ёки ёзма) бир неча марта такрорлашга тўғри келади. . . .

Агар нутқ билан тафаккур айнан бир нарса бўлганда эди, бошқа бировнинг нутқини фақат эшитиш ёки биринчи такрорлаш биланоқ тушуниб олинган бўлур эди. Модомики, бировнинг нутқини фақат эшитиш ёки биринчи такрорлаш биланоқ тушуниб бўлмас экан, бинобарин, тафаккур билан нутқни ҳам айнан бир нарса деб бўлмайди.

Шундай ҳам бўладики, айти бир фикрнинг ўзини турли одамлар ва айти бир кишининг ўзи турли ҳолларда, турли сўзларда, турли ибораларда, ифодалайди. Мисол учун математиканинг қуйидаги таърифини кўрсатиш мумкин: плюсга кўпайтирилганида ва минус-минусга кўпайтирилганида плюс ҳосил бўлади, плюс.минусга кўпайтирилганида эса минус ҳосил бўлади. Шу фикрнинг ўзи бошқа бир иборада ифодаланиши мумкин; бир хилдаги"- аломатларга эга бўлган рақамлар бир-бирига кўпайтирилганда мусбат рақам. ҳосил бўлади, аломатлари. турлича бўлган рақамлар бир-бирига кўпайтирилганида манфий рақам. ҳосил бўлади. Нутқ билан тафаккур айнан бир нарса бўлганида эди, бундай ҳодисаларнинг бўлиши мумкин бўлмас эди.

Тафаккур билан нутқ ўртасида, фарқ борлигини шу фактдан ҳам билиш мумкинки, айти бир фикрни грамматика тузилиши турлича бўлган турли тилларда (масалан, рус, узбек, хитой ва бошқа тилларда) айнан бир маъно билдирадиган қилиб ифодалаш мумкин.

Агар тил билан тафаккур айнан бир нарса бўлганида эди, у ҳолда ҳамма тилларда грамматика тузилиши ҳам айнан бир-бирига ўхшаш бўлиши керак эди, ёки ҳар қайси миллатда шу миллат тилининг грамматика тузилишига мувофиқ равишда, тафаккур формаларининг тузилиши ҳам турлича бўлиши керак эди. Ҳар-бир халқда ўзига хос мантик бўлиши лозим бўлиб қолур эди. Лекин бундай ҳолда, турли миллат одамларининг бир-бирларини тушунишлари мумкин бўлмай қолур эди, айнан бир фикрни бир тилдан иккинчи тилга таржима қилиш мумкин бўлмай қолур эди.

Марксизм-ленинизм асосчилари тил билан тафаккур бир-бирига боғлиқдир деганларида, тил билан тафаккурни ҳеч қачон айнан тенг, бир хил нарса деб айтган эмаслар. Марксизм-ленинизмнинг тил билан, тафаккурнинг ўзаро муносабати. тўғрисидаги таълимоти бихэвиористларнинг сохта даъволари бутунлай пуч. эканлигини аниқ далиллар билан кўрсатиб беради,.

2 "

Тил билан тафаккурнинг бевосита алоқаси фақат тилнинг тафаккур учун бўлган аҳамиятидагина ифодаланиб қолмасдан, балки, шу билан бирга, тафаккурнинг тил учун бўлган аҳамиятида ҳам ифодаланади.

Тафаккурнинг тараққиёт тарихида тилнинг роли қанчалик катта бўлса, тилнинг тараққиёт тарихида ҳам тафаккурнинг роли шунчалик каттадир. Грамматика қонунларини, формаларини ва қоидаларини тузишда ва уларнинг такомиллашиб боришида тафаккур айниқса катта аҳамиятга эга бўлади.

Ҳар бир кишидаги тафаккурнинг ўсиши шу киши нутқининг ўсиши билан баб-баравар бўлганидек, шу киши нутқининг ўсиши ҳам ундаги тафаккурнинг ўсишига боғлиқ бўлган. Грамматика формалари ва қоидаларини ўзлаштириш процессининг ўзи одамнинг ўз тафаккурини зўр бериб ишлаши талаб қиладики, бу ҳаммага маълумдир.

Шундай қилиб, тафаккур билан нутқ турли ҳодисалардир, лекин айти вақтда бу икки ҳодиса бир-бири билан ҳамбарчас боғланган, бир-бирини тақозо қилувчи ва бир-биридан ташқарида воқе бўлмайдиган ва ўса олмайдиган ҳодисадир, Нутқ ва тафаккур бир-бири билан диалектик бирик асосида боғлангандир.

Нутқ билан тафаккурнинг бирлигини Павловнинг иккинчи сигнал системаси тўғрисидаги таълимоти ҳам исботлаб беради, иккинчи сигнал системаси биринчи сигнал системаси билан бир-бирига, ўзаро таъсир қилган ҳолда нутқнинг ҳам, тафаккурнинг ҳам нерв-физиологик негизини ташкил қилади.

Ч VI. НУТҚ ТУРЛАРИ

Нутқ ўзининг ташқи ифодаланиши[^]-ус[^]аига қар[^]й-брлаки^{""*^} ва ёзма нутққа ажралиб қолмасдан шу билан бирга, қандай вазифани бажаришига ва синтактик тузилишининг хусусиятларига қараб ҳам бир-биридан фарқ қилади.

Иутқ ўзининг бажарадиган вазифасига қараб, ички ва ташқи нутққа бўлинади.

Ички нутқ

Ички нутқ шундай бир нутқдирки, унинг ёрдами билан фикрлар башқа одамларга маълум қилинмасдан олдин ичда ифодаланади.

Ички нутқнинг ўз хусусиятлари бор. Бу нутқ кўпинча товушлар овоз чиқариб айтмайдиган нутқдир, бу нутқ одам «ўз ичида гапирадиган» нутқдир. Баъзан ички нутқ «ташқарида» чиқади, яъни- товушлар овоз чиқариб айтилади. Бирор нимани фикр қилаётган одам қандайдир к,ийинчиликка учраб

крлганида, шунингдек, хиссиёти қаттиқ кўзғалиш натижасида хаяжонланиб кетганида ёки ўзининг олдида бошқа одамлар бўлмаган вазиятда у, ўзи сезмаган ҳолда, «овоз чиқариб ўйлайди» — овоз чиқариб ўз-ўзи билан гаплаша бошлайди. Одам якка крлиб, ўз ичида ўйлаб ўтирганида кўпинча имо-ишора ва мимикадан ҳам фойдаланади. Кичкина болалар кўпинча «овоз чиқариб ўйлайдилар», гаплашиб ва ҳаракат қилиб туриб фикр қиладилар.

Форма жиҳатидан ички нутқ кўпроқ монолог тарзида со-дир бўлади, ички нутқни одамнинг ўз-ўзи билан ва ўзича ган-лашуви дейиш мумкин. Лекин баъзан ички диалог шаклида, хаёлдаги суҳбатдош билан гаплашиш ёки мунозара қилиш тарзида ҳам содир бўлади.

Синтаксис тузилиши жиҳатидан кўпинча ички нутқ қис-қартирилган, бўлак-бўлак гаплардан иборат бўлади. Ички нутқда гапнинг фақат айрим бўлақларигина, асосан эга бир-мунча аниқ қилиб ифодаланади («ичдан, ўз-ўзига» айтилади). Ички нутқ овоз чиқариб «айтиб юборилганида» ҳам ўзи-нинг шу хусусиятини сақлаб крлади. Масалан, поезддан кеч-га крлган пассажир вокзалга яқинлаша туриб соатга қарай-ди ва шу оннинг ўзидаёқ, ўзига керакли поезднинг кетган ёки кетмаганлигини ўзича ҳал қилиб, ўз фикрини овоз чиқариб айтилган «Эҳ, кетиб крлибди-я!» деган сўз билан ифодалаб юборади. Бунда фақат кесимнинг ўзигина ифодаланади. Ле-кин шу кишининг ички нутқида (ичида, ўз-ўзича нутқида), албатта, гапнинг бўлақлари, бошқа рўзлар ҳам бўлади, фа-қат гапнинг шу бўлақлари унчалик шаклланмаган бўлади, шу сабабли, гапнинг шаклланмаган шу бўлақлари дарҳол ташқарига чиқмайди, эшиттирилиб айтила крлмайди. Бу ҳслда фақат биргина кесим билан айтилган фикр поездга худди шу кишидек шошилиб келаётган ва мана шундай шуб-хага тушиб крлган бошқа кишиларгагина тушунарли бўлади.

ГТТчки нутқнинг тўлиқ бўлмаслигига, бўлак-бўлак бўлиши-хк сабаб шуки, тафаккур объекти ва шу тафаккур содир бў-лаётган вазият фикр қилувчи кишининг ўзига равшандир ва тўлиқ гап билан қайд қилинишини талаб этмайди. Нутқ та-факкур объектида тасдиқланадиган ёки инкор қилинадиган нарса устидагина тўхталади.

Ички нутқ, одатда, ихтиёрсиз равишда ўтади. Бунда та-факкур пронессларининг ўзи ихтиёрий равишда, маълум куч сарфлаш йўли билан ҳам бориши мумкин. Лекин ихтиёрий тафаккур процессининг боришига ёрдам берган ички нутқ ихтиёрсиз равишда ўз-ўзича майдонга чиқади дейиш мумкин.

Ички нутқ диалог шаклида содир бўлган ҳоллардагина уқда ихтиёрийлик моментлари пайдо бўлади. Бундай ҳоллар-да ички нутқ ўзининг синтаксис тузилиши жиҳатидан ҳам ташқи нутқ тузилишига яқинлашиб крлади.

Ички..нутқнинг характерли белгиси шуки, бунда нутқ товушларининг артикуляцияси кўзга кўринмайди. И. М. Сече-нов, буни қуйидагича тасвирлайди: «Мен фикр қилаётганим-да жуда кўп вақт оғзимни очмай ва ёпиб туриб, гапира бера-ман, яъни оғиз бўшлиғидаги тил мускуллари ҳаракат қилаверади. Бирор фикрни, Засосан, бошқаларга уқтирмакчи бўлиб, ифодалашга уринган ҳолларнинг ҳаммасида эса шу фикрни албатта пичирлаб тақрорлаб тураман»¹,

Ички нутқнинг кўзга кўринмзйдиган мана шундай арти-куляцияси борлиги ҳрзирги вақтда экспериментал йўл билан ҳам исботланган. . -V

Ташқи нутқ /04

' Ташқи нутқ[^]—бошқа одамлар билан алоқа қилишмизда фойдаланиладиган нутқдир. • -..

Бу нутқ бирон кишига қаратилган.; бирон нимани хабар қиладиган нутқдир.

Ташқи нутқнинг ўзи ҳам оғзаки ва ёзма нутққа бўлинади.

Оғзаки нутқ

Оғзаки нутқ—бошқа кишилар билан бевосита қилаётган алоқамизда фойдаланилаётган нутқдир. Бу нутқ одатдаги гапдашув нутқидир. Бу нутқ ҳамиша бошкр кишиларнинг эшитиш органлари ёрдами билан идрок қилишлари учун мўл-жалланган «товушли.» нутқдир. Шу сабабли, одатда, оғзаки нутқ овоз билан ва (баъзан) шивирлаб айтилади. Оғзаки нутқ вақтида, одатда, гапираётган киши бу нутқни мимика ва имо-ишоралар билан ишлатади.

Оғзаки нутқнинг характерли хусусияти шуки, бу нутқ суҳ-батдошлар ўртасида бўлади. Суҳбатдошнинг ёки суҳбатдош-ларнинг бундай иштирок қилиши уларнинг гапираётган ки-шининг нутқига диктат қилиб туриши, саволлар бериб тури-ши, сўз ташлаб туришидан иборат бўлади; суҳбатдошлар га-пираётган кишининг фикрига эътироз билдирадидлар, ёки бу фикрга ўзларининг рози бўлганликларини изхрр қиладилар, ёхуд шу фикрни кенгайтирадидлар.

Суҳбатдошларнинг оғзаки нутқда қатнашишлари қай ха-рактерда ва қай даражада бўлишига қараб, оғзаки нутқ икки шаклга бўлинади. Буларнинг бири диалог нутқ (диалог) ва иккинчиси монолог нутқ (монолог) деб айтилади.

Икки ёки кўп суҳбатдош ўртасидаги гаплашиш тариқаси-да бўладиган нутқ. *диалог* деб айтилади. Суҳбатдошлар нав*

/ ¹ И. М. Сеченов. Избранные философские и психологические про-изведения, Госполитиздат, 1947, 142-бет.

батма-навбат гаплашаверадилар — бири сўрайди, бирор нарсани айтади, бошқалар эса уни тинглайдилар, жавоб берадилар.

“^чОдЯм” битта ўзи. гапирса-ю, бошқа кишилар бу гапга актив қатнашмай фақат унинг нутқини тинглаб турсалар, нутқнинг бу формаси *монолог* деб айтилади. Масалан, лекторнинг, докладчининг нутқи, судда, кенгашларда ва бошқа шу каби жойларда сўзланадиган нутқ монолог нутқдир ёки монологдир.

Оғз“аТш~йутқ сўзлаётган киши ўз фикрини суҳбатдошлари тўғри тушуниб олишига ҳаракат қилади. Шу сабабли, оғзаки нутқда эгани ҳам, кесимни ҳам, аниқловчи, тўлдирувчи сўзларни ҳам тўла айтишга тўғри келади. Дуруст, баъзи оғзаки нутқ ҳам қисқартирилган ҳолда, айрим гап бўлақларини тушириб қолдирган ҳолда гапирилади. Баъзи ҳолларда гаплашув, диалог ҳам фақат кесимлар билангина ифодаланиши мумкин. Масалан, ярим кечада бир неча киши тўпланишиб, трамвай келишини йутмоқда, уларнинг ҳаммаси трамвай келадиган томонга кўз тикиб турибди. Улар ўртасида тахминан шундай гаплар бўлади: «Курияптими?» — «Йўқ, кўринмаяпти». Орадан бир оз ўтгач: «Келяптими?» — «Ҳа, келяпти». Бу гаплар фақат кесимларнинг ўзидангина иборат гаплардир. Аммо, шундай бўлса ҳам, гаплашаётган кишиларнинг ҳаммаси бир-бирларининг фикрларини тушунадилар.

Оғзаки нутқнинг синтаксис жихатидан тўлиқ, бўлмаслигига аввало сабаб шуки, гап мавзуи ҳам, шу гап содир бўлаётган вазият ҳам, одатда, гаплашиб турган кишиларга аниқ ва равшандир. Шу сабабли, оғзаки нутқ вақтида гап бўлақларининг ҳаммасини, эга, кесим, аниқловчи, тўлдирувчи ва ҳоказоларни гапда ҳар сафар тўлиқ айтишга ҳожат қолмайди. Бундан ташқари, мимика ва имо-ишоралар, интонациялар, паузалар, мантикий урғулар ва шу қабилар, ҳуллас нутқимизни жонлантирадиган воситаларнинг ҳаммаси оғзаки нутқни бойитади. Жонли нутқ тингланибгина қолмасдан, уни одамлар кўриб ҳам турадилар, ҳис ҳам қиладилар. Бундай нутқ, кўпинча, оғиздан чиқиши биланок туштаилаверади!

уОғзаки нутқ ихтиёрсиз ёки ихтиёрий бўлади/Гапираётган киши сўз ва грамматика формаларини махсус танламай, оғзига келганича сўзлашса, бу ҳолда нутқ ихтиёрсиз нутқ бўлади. Гапираётган киши ўз сўзлари учун алоҳида масъулият сезиб гапирганида, шу нутқни тинглаётган киши гапираётган киши учун алоҳида аҳамиятга эга бўлганида, бундай ҳолларда нутқ ихтиёрий характерга эга бўлиб қолади. Масалан, ўқувчининг ўз ўқитувчиси билан гаплашаётган вақтидаги нутқ мана шундай ихтиёрий нутқдир. Бундай ҳолларда гапираётган киши лозим бўлган сўзларни танлаб, жой-жойигд кўйиб ишлатишга, грамматика қоидаларига риоя қилишга интилади ва ҳаракат қилади, . . .

Диалог — икки ёки бир неча одам ўртасида бўладиган гапдир, бунда суҳбатдошларнинг гапи бир-бирига боғланади, уланиб кетади; яъни гаплашиб турганлар бир-бирларига савол-жавоб қилиб, бир-бирларига эътироз қилиб гапни улаб, давом эттирадилар. Шунинг учун диалог маъноси бир-бирига уланган нутқни анча осонлаштирадй. Монолог нутқ эса анча оғир кўчади. Монолог — гапираётган кишидан жуда кўп диққат-эътибор беришни талаб қилади: гапираётган кишининг фақат ўз нутқининг мазмунигагина диққат-эътибор бериб қолмай, балки, шу билан бирга, бу нутқнинг ташқи тузилишига ҳам, фикрларни ифодалашда муайян система, тартиб бўлишига ҳам риоя қилиши лозим бўлади.

Монолог нутқ •тузилиши жихатидан ёзма нутққа яқиндир.

Оғзаки нутқ (диалог ҳам, монолог ҳам), ички нутқ сингари, тафаккур кулолидир. Бунда бошқалар билан гаплашиш процессида гапираётган кишининг ўз фикрлари ҳам ўзига равшан бўлиб қолади.

Кўпинча мана бундай бўлади: миямизда пайдо бўлган, лекин унчалик равшанлашмаган фикр ўзимиз муҳокама қилиб кўришимиз ва бошқаларга баён қилишимиз процессида ўзимизга ҳам равшан бўлиб қолади,—пишиб етилади. Баъзи бир фикрларимизни пишитиб етиштиришда, бошқаларнинг фикрини уқиб билиб олиш (тушуниб олиш) вақтида биз кўпинча бу фикрларни гўё бирон суҳбатдошга айтаётгандек ёки ўз-ўзимизга овоз чиқариб ифодалашимизнинг сабаби ҳам ана шунда.

Бундай ҳодисалар ички нутқ билан ташқи нутқ ўртасида ажралиш йўқлигини кўрсатади: фикрни нутқ билан ифодалаш фаолиятида ҳамиша ички нутқдан ташқи нутққа ва, аксинча, ташқи нутқдан ички нутққа ўтиш ҳоллари бўлиб туради.

Ёзма нутқ /3

Ёзма нутқнинг хусусияти шуки, бу нутқ бевосита алоқа боғлаш воситаси бўлмасдан, балки, кўпинча, бошқа вазиятда, бошқа бир жойда турган ёки туриши мумкин бўлган одамлар билан алоқа боғлаш воситасидир. Масалан, биз ўз дўстимизга ёки қариндошимизга хатимизда ёзиб юборган хабаримизки у эҳтимолки бир кундан кейин, икки кундан кейин, бир ҳафтадан кейин, бошқа шаҳарда ёки бошқа қишлоқда ўқиб билиши мумкин. Биз бундан ярим йил, бир йил, ҳатто бир неча ўн ва юз йил муқаддам ёзиб қолдирилган китобларни уқиб, шу китоблардаги билимларни билиб оламиз.

Ёзма нутқ ҳам монолог шаклида ва диалог шаклида бўлади. Масалан, илмий асарлар ҳамиша деярли монолог шаклида ёзилади. Бадий-адабий асарлар диалог шаклида ҳам, моно-

лог шаклида ҳам ёзилади. Баъзан оддий мактублар ҳам диалог шаклида ёзилади, шу мактубни ёзаётган киши уни ўқийдиган кишини тасаввур қилиб, унга мактубда ўзи саволлар беради ва шу саволларга ўзи жавоб қайтаради.

- *- • Синтаксис жиҳатидан қараганда ёзма нутқ энг тўлиқ ва мукамал нутқдир. Ҳар бир киши оддий мактубни ёки илмий мақрални ёзаётганида грамматика қридаларига, оғзаки нутқдагига Қараганда-, кўпроқ -риоя қилади. Ёзма нутқда гап-бўлақларидан бири тушиб қолса, бу ёзма нутқини ўқиган кишилар уни қийнаиб тушунадилар ёки бутунлай тушунолмайдилар, Ёзма нутқнинг синтаксис жиҳатдан тўлиқ бўлиши шунинг учун ҳам зарурки, оғзаки нутқ учун характерли бўлган мимика, имо-ишоралар, интонациялар ва бошқа шу каби қўшимча элементларни ёзма нутқда ишлатиб бўлмайди. лУЁзма нутқ, асосан, ихтиёрий нутқ бўлади. Мактуб, доклад, мақола ва бошқа шу кабиларни ёзаётган киши сўзларни онгли равишда танлайди, гапларни яхшироқ кўриб тузиш-
- Л_^^ЩТШ_ади.^г^инча ўз фикрларимизни ўқийдиган кишиларга сўзлар воситаси билан РОЯТ равшан ва тушунарли қилиб ифодаламоқ учун.анча-мунча куч сарфлашимиз лозим бўлади.

Ёзма нутқ фикрларимизни ифодалаб беришнинг энг яхши воситасидир. Ёзма нутқда фикрнинг мазмуни ва формасидаги айрим камчиликлар очик кўриниб қрлади ва фикрнинг ўзи мазмун ва форма жиҳатидан энг равшан, аниқ қилиниб ифодаланади. Шунинг учун ҳа"м биз аклий иш билан шугул ланаётганимизда, бирор масалани ҳал қилганимизда ёки тайёр билимларни ўзлаштираётганимизда иш натижасини ёки олган билимимизни, кўпинча, хатга ёзиб қўямиз, баъзан эса бир неча марта кўчириб ёзамиз. Шу сабабли, ҳар хил ёзма ишлар — ҳикоя қилиб ёзиб бериш, иншо ёзиш, конспект олиш — тафаккурнинг ўсиши учун катта аҳамиятга эгадир.

Шу билан бирликда, ёзма нутқни эгаллаш кишининг оғзаки нутқини такомиллаштирашга ҳам ёрдам беради, натижада оғзаки нутқ ўзининг луғат состави жиҳатидан бойроқ бўлиб қолади, грамматика Жиҳатидан тўғрироқ ифодала-на-, диган бўлади, анча мунтазам ва системага тушган. нутққа айланади. Мана шунинг ўзи оғзаки нутқ билан ёзма нутқ ҳамиша бир-бири билан боғлиқ эканлигини кўрсатади.

Оғзаки нутқ бил-ан ёзма нутқ/ ўртасида ўртача жой оладиган нутқлар борки, бу нутқлар монологнинг алодида турларидир. Оғзаки докладлар, лекциялар, нутқлар, ўқитувчининг; дарсни тушунтириб бериши ва бошқа шу кабилар монолог; нутқнинг мана Шундай алоҳида турларидир. Бу нутқлар ўзининг синтаксис тузилиши жиҳатидан ёзма нутққа яқинроқдир: одатда, лекция, доклад қилмоқчи, нутқ сўзламоқчи, *даре* бермоқчи бўлган киши буНинг учуй' тайёргарлик қўради.

Мана шу тайёргарликнинг ўзи, кўпинча, қилинадиган докладларни, лекцияларни ва бошқа шу кабиларни олдин ёзма баён қилишдан иборат бўлади. Аммо бу нутқлар амалга оширилиш техникаси жиҳатидан, кўпинча (агар ёзилган материал: ни ўқиб берилмаса), оғзаки нутққа яқинлашади. Бундай ҳолларда бу хилдаги нутқлар ўзининг синтаксис тузилиши жиҳатидан ҳам оғзаки нутққа яқинлашади. Одатдаги оғзаки гаплашув нутқида бўлганидек, монолог нутқнинг бу турларида ҳам мимика, имо-ишоралар, интонация ва бошқа шу кабилардан фойдаланилади. Шу сабабли, бу хил нутқ ўзининг «жонли» бўлиши жиҳатидан ҳам оғзаки гаплашув нутқига яқинлашади.

Актив ва пасив нутқ

Нутқ воситаси билан боғланидиган алоқада ҳамиша икки ёки бир неча киши иштирок этади, булардан биттаси бирои нарсани ё оғзаки, ёки ёзма баён қилувчи киши бўлса, қолгани, ёки қолганлари шу нутқни идрок қилувчи — эшитувчи ёки ўқувчи киши, ёки кишилар бўлади. Шунинг учун ҳам нутқни актив нутқ ва пасив нутқ деб ажратилади.

«Биз бирор нарсани ифодалаб, бошқа кишиларга оғзаки ёки ёзма баён қилсак, бизнинг бу нутқимиз актив нутқ деб аталади. Актив нутқ бирор нарса гапираётган ва ёзаётган кишининг нутқидир. Шунингдек, киши бирор шахсга мактуб ёзаётган, олим мақола, китоб ёзаётган, ёзувчи ўзининг адабий асарини яратаётган вақтидаги нутқ ҳам актив нутқ бўлади.

Бошқа бировнинг актив нутқини идрок қилиш ва тушуниш процесси пасив нутқдир. Гапираётган кишининг сўзини тинглаб турган ёки ёзилган нарсани ўқийдиган киши бошқа бир кишининг актив нутқини ўзича такрорлагандек бўлади. Масалан, ўқитувчи дарсни тушунтириб бераётганида, ўқувчилар эса унинг дарсини эшитаётганларида ўқитувчининг нутқи актив нутқ бўлади, ўқувчиларнинг шу нутқни идрок қилиш, яъни тушуниш процесси эса пасив нутқ бўлади.

Бошқа бировнинг нутқини, шу нутқ сўзланаётган тилни ўзимиз билганимиз тақдирдагина бу нутқни идрок қилишимиз ва ўзлаштиришимиз мумкин. Аммо шунда ҳам ўша нутқни идрок қилишимиз ҳамиша баён қилинадиган нутққа айнан тенг ва мувофиқ бўлавермайди. Баъзан бошқа бир кишининг нутқини тушунмаслик, бу нутқни бир томонлама, нотўғри тушуниш, сўз иллюзиялари ва бошқа шу кабиларнинг ҳосил бўлишига сабаб ҳам шудир. Пасив нутқнинг бу хусусиятлари идрок қилаётган кишининг ақли қай даражада етуклигига боғлиқ бўлади. Гапираётган киши- ўз нутқининг мазмуни ва формасини шу нутқни тингловчиларнинг қай даражада идрок қилишини кўзда тутиб тузади. Чунончи, ўқитув-

чи ўз нутқининг ўқувчилар қанчалик тушуна олишини назарда тутиб, сўзлаётган нутқини шунга қараб тузади.

Хар бир киши пассив нутқни, актив нутққа қараганда, бирмунча олдинроқ эгаллайди: Еш бола олдин катталарнинг гапини тушунадиган бўлади, сўнгра ўзи ҳам тилга кириб, гапира бошлайди. Худди шунингдек, бошқа бир тилни ўрганиш вақтида ўрганилаётган тилда актив нутқни эгаллаш пассив нутқни эгаллашга қараганда бирмунча кейинда қолиб болади.

II. НУТҚНИНГ УСИШИ

Болалар, одатда икки ёшга ўтганида, • ўрта ҳисобда ўн етти-ўн саккиз ойлик бўлганида актив нутқни эгаллай бошлайдилар. Боланинг нутқий эгаллаш вақтигача бўлган даврни ва шу даврдаги ўсиб бориш вақтини унинг тили чиқмаган даври ёки тил чиқмаган босқич деб айтилади. Боланинг ўсишидаги бу давр нутқни эгаллашга тайёргарлик даври бўлади.

Тайёргарлик даври

Бола нутқи ўсишининг тайёргарлик даврида учта босқич: чинқириш босқичи (ингалаш), гувраш босқичи, тил чиқа бошлаш босқичи борлигини кўриш мумкин.

Маълумки, чақалоқ тузилган пайтдан бошлаб, чинқири бошлайди: у йиғлайди. Чақалоқнинг чинқириб йиғлаши унинг ўзини безовта қилаётган органик ва ташқи кўзғовчиларнинг таъсирига — очликка, оғриққа, совуққа, таги ҳўлликка ва шу кабиларга бўлган реакциясидир. Чақалоқларнинг чинқириб йиғлаши уларнинг ўсишида ижобий аҳамияти ҳам бор: чинқириб йиғлаш туфайли чақалоқнинг нафас олиш ва нутқ аппарати ўсади ва мустаҳкамлаилади. Шу сабабли, болаларнинг чақалоқлик вақтидаги чинқириб йиғлашларни кейинчалик улар нутқининг ўсиши учун зарур шартларнинг биридир.

Чақалоқ икки ё уч ойлик бўлганида, одатдаги чинқириб йиғлашдан ташқари «а», «у», «ув-ув», «ғув-ғув», «га», «агу-гув», «бу» ва бошқа шу каби товуш бирикмаларини чиқара бошлайди. Бу товушлар гуврашнинг бошланишидир. Бу хил товушларни чақалоқ яйраб ётганида чиқаради: чақалоқ гўё ўз нутқи аппарати билан «ўйнашаётганидан» хузур қилгандек бўлиб, шундай товушларни чиқараётгандек кўринади. Бу вақтда чақалоқ товушларга тақлид қилишни ҳали билмайди. Чақалоқнинг мана шундай айрим товушлар чиқариши унинг нутқ аппаратини ўстиради, мустаҳкамлайди, шунингдек унда бйр қанча янги товушлар ҳосил бўлади.

Чақалоқ уч-тўрт ойлик бўлганида у тил чиқара бошлайди. Чақалоқда, масалан, «був-ва», «нан-нан-нан», «гн-ги-гн»,

«дад-дад-да» ва бошқа шу каби товуш бирикмалари пайдо бўлади.

• •

Чақалоқнинг тил чиқаришида бошқа одамлар нутқининг таъсири сезила бошлайди. Гўдак теваарак-атрофдаги кишиларнинг нутқини эшитиб, шу нутқ товуш бирикмаларига ўзи англамаган ҳолда тақлид қила бошлайди. Гунг (кар-соқов) болаларда ҳам кичқириш ва гувраш бўлади, лекин фақат нормал болаларгина тил чиқара бошлайди. Болаларнинг тил чиқара бошлаши нутқнинг ўсиши процессида тайёргарлик ролини ўйнайди: тил чиқара бошлаш вақтида товушлар ва бу товушлар бирикмаси ҳосил бўлади, нутқ, аппарати мустаҳкамланади.

Болалар етти-саккиз ойлик бўлганида уларнинг бошқалардан эшитган сўзлари билан шу сўзларда ифодаланган нарсалар ўртасидаги дастлабки боғланишлар ҳам ҳосил бўлади. Болалар ўзларига айтилган-сўзга жавобан ҳаракат қиладилар. Масалан, «тик-так» дейилган вақтда боланинг кўзи ссатга бурилади, «ая» деган сўзни айтганимизда бола ббшики онаси томонга буради. Бу — пассив нутқни эгаллашнинг бошланғичидир.

Кейинроқ бола тўккиз ёки ўн ойлик бўлганида, ўзи оғзидан чиқараётган товушлар бир Икмасини маълум бир нарса билан боғлайди. Чунончи: бола' соатга қараб «тик-тик» деб айта бошлайди. Бола бу товуш бирикмасини тақлид йўли билан айтади, лекин шу товуш бирикмаларининг ўзида актив нутқ бошланғичи борлигини кўриш мумкин.

Ясла ёшидаги ва мактабгача тарбия ёшидаги болаларда нутқнинг ўсиши

Бола товушларни бирга кўшиб, нарсаларнинг номини ва ўз фикрларини ифодалашга қадам кўйишидан бошлаб, у том маъноси билан нутқни эгаллай бошлайди.

Абстракциялашга ва умумийлаштиришга имкон берадиган иккинчи сигнал системаси ўса бориши билан маъноли нутқ пайдо бўла бошлайди.

Тарбиянинг белгиловчи • таъсири остида тафаккур ўса бошлайди ва шу билан чамбарчас • боғланган ҳолда нутқ ҳам ўсади.

• -

Нутқнинг фонетика (товуш) жихатидан ўсиши. Бола тилга кира бошлаган дастлабки Пайтларда у нутқ товушларини Ҳали муқаммал айта олмайди. Болалар баъзи товушларни нотўғри талаффуз қиладилар. Масалан, *p*—ўрнига *л*, *ш* ўрнига *с*, *к* ўрнига *т* товушини талаффуз қиладилар. Масалан, *оёк* деган сўзни *олок*, *Карим* ўрнига *Тайим*, *канд* ўрнига *ант*, *ош* ўрнига *ос*, *Рахим* ўрнига *Лайим* дейдилар ва хрказо, Кўпинча сўзлардаги айрим товушларни ва хатдо

бутун-бутун бўғинларни тушириб крлДирадилар, масалан,--; бер дейиш ўрнига *бе*, *олиб кел* дейиш ўрнига *опте* деб айтадилар ва хоказо, Купинча товушларнинг ўрнини алмаштириб юборадилар, масалан, *ҳолва* ўрнига *ҳавла*, *сарёғ* ўрнига *сайроғ* дейдилар ва хоказо.

Энди тили чиқиб келаётган болалар нуткининг фонетик жихатдан тўлиқ бўлмаслигининг (нутқ. товушларини тўла айта олмасликнинг) сабаби шуки, бундай болаларда нутқ (артикуляция) аппарата етарли суратда ўсмаган бўлади. Шунингдек, бунга юксак нерв фаолиятининг ўсишидаги хусусиятлар ҳам сабаб бўлади. Фонетика камчиликларига яна бир сабаб шуки, бола айрим сўзларда ўзи идрок қилаётган товушларни ҳали етарли фарқ кила олмайди, умумийлаш-ткра ва сўз таркибига кирита олмайди.

Бола беш ёшга тўлиб, олти ёшга ўтганида, одатда, у ўз она тилининг фонетикасини эгаллаб олади.

. Баъзан товушларни талаффуз этишидаги нуқсонлар мактаб ёшидаги болаларда ҳам учрайди. Бу нуқсонлар айрим ҳолларда нутқ аппаратининг нуқронларига "боғлиқ бўлади. Бундай ҳолларда нутқни тўғриламак учун мутахассис врачга мурожаат қилмоқ керак. Купинча эса нотўғри тарбия бола нушидаги мана шундай фонетика нуқсонларининг анча вақтгача сакланиб қолишига сабаб бўлади. Катта ёшдаги кишиларнинг ўзлари ҳам жуда кўп ҳолларда болаларнинг чучук тилига тақлид қилиб, худди шу болалардек, фонетика жихатидан нуқсонли тил билан гаплаша бошлайдилар ва болаларнинг нутқ товушларини талаффуз қилишидаги камчиликларни ўз вақтида тузатмайдилэр. Натижада болаларнинг нутқлари, нутқидаги камчиликлар уларда каттиқ ўрнашиб крлади. Болаларнинг нутқи тўғри усиб бориши учун болалар билан ва болалар олдида тўғри гапириш ва уларнинг нутқидаги камчиликларни ўз вақтида тузатиб туриш керак; Бундай қилинганда болаларнинг нутқи ҳамиша контрол қилиниб туради, болалар катталарнинг тўғри нутқига тақлид қилишга интиладилар, шу тариқа, ўз нутқларидаги камчиликларни ҳам тез тўғрилаб ва тузатиб оладилар.

Болалар нутқида луғат составининг ошиб бориши. Болаларнинг тили чиққанидан бошлаб, уларнинг ўз нутқларида фойдаланаётган сўзлар тез кўдая бошлайди. Айни бир ёшдаги болаларда сўз запаси турлича бўлади. Масалан, баъзи психологларнинг қилган ҳисобларига қараганда, икки яшар болаларнинг сўз запаси 250—400 сўзга етади, болалар етти ёшга етганларида улардаги сўз запаси 3000—3500 га боради..

Швед тадқиқотчиси Тогд Эргазмнинг айтишига қараганда, тўрт ёшли болани дунёда энг «махмадона» одам дейиш. мумкин, бу ёшдаги бола сўзларни худди ўйинчоқлар каби ўйнайди. Эргазмнинг қилган ҳисобита қараганда, шу ёшдаги

бола ҳар купи 12 мингга яқин сўз гапиради, ваҳолонки у тушуниб кшлатган сўз 920 тадан ошмайди.

Шу олим тўрт ёшдан олти ярим ёшгача бўлган 156 болани текшириб чиқиб, куйидати хулосаларга келди: бола бир ёшга етганида уч сўз гапирса, ярим йилдан кейин 26 сўз гапирадиган бўлиб крлади. Бола тўрт ёшдан тўрт ярим ёшга етгунча унинг сўз запаси кўпайиб, (луғат запаси) 920 тадан 1.240 тага етади. Олти ярим яшар болалар гаплашганда" 2.000 сўздан фойдаланади, аммо 6.000 сўзнинг маъносини билади.

Айни бир ёшдаги болаларнинг сўз запаси шу болалар, асосан, қандай муҳитда (қандай оилада, ясида, болалар боқчасида) тарбияланганлигига, шунингдек, ҳар бир боланинг ўсишидаги ўзига хос хусусиятларга ҳам боғлиқ бўлади.

Н. А. Тих ўз тадқиқотларида шуни аниқлаганки, теваарак-атрофдаги одамлар билан камроқ сўзлашадиган болалар икки ёшга етганида нутқида ишлатадиган сўз запаси ўрта ҳисобда 26 сўздан иборат бўлади, уч ёшга етганида эса уларнинг нутқидаги сўз запаси 195 тага етади. Теваарак-атрофдаги одамлар билан доимий гаплашиб туриш шароитида тарбияланган болаларнинг нутқидаги сўз запаси эса улар икки яшар чоғида 285 тага, уч яшар чоғида эса 2.050 тага етади.

Болаларда сўз запаси купая борган сари улар нуткининг семантик жихати ҳам ривож топаверади, сўзларнинг маъносини тушунишлари ҳам ривож топаверади. Болалар ўз нутқларининг ўсиб боришининг дастлабки босқичларида, купинча, сўзларни нотўғри маънода ишлатадилар. Купинча бола тасодифий белгиларига қараб, баъзи сўзларга бутунлай бошқача маъно беради.

Чунончи, супурги билан полни супураётган икки яшар қиздан «Нима қилаётибсан?» деб сўралганида, у «чангитаётибман?» деб жавоб берган. «Нега чангитаётибсан?», «Тоза бўлсин, пол ифлос», яъни «Полнинг ифлосини тозаламоқ учун чангитаётибман» деб жавоб берган. Бу қизча чангитиш сўзини «супуриш» маъносида ишлатган. Кейин маълум бўлишича, қизча онасига тақлид қилиб, супурги билан супура бошлаганида онаси ҳамиша «Чангитма, чангитма» деб уни койиб, қўлидан супургини олар экан. Шу сабабли, қизчада *чангитиши* деган сўз супуриш деган нотўғри маънода ўрнашиб қолган.

: Дастлаб бола бир сўзни фақат битта нарсанинг ифодаси деб ва бир маънодагина тушунади. Чунончи, у стол деган сўзни фақат ўзи билган битта *стол* деб, *пиёла* деганда ўзининг пиёласини тушунади. Лекин бола сўзларнинг умумийлаштирилган маъносини жуда барвақт (икки ёшга кирганидан бошлаб) эгаллай бошлайди. Бир сўз билан бир-бирига ўхшаш кўп нарсалар ифодалана берганлиги ва шу сўз кайта-

кайта шу маънода такрорлана берганлиги таъсир килиб, шу туфайли, болада сўзларнинг умумийлаштирилган маъносини тушуниш ўса бошлайди. Нутк. орқали алоқа боғлаш туфайли, бола, масалан, битта столнинг ўзигина эмас, балки ҳамма столнинг ҳам *стол* деб айтилишини, пиёла деб битта пиёланинг ўзинигина эмас, балки ҳамма пиёлаларнинг ҳам айтилишини билиб олади. Шу тариқа, боланинг нутқи ўса бориши, ўз атрофидаги кишиларнинг тилини ўзлаштира бориши билан уқда фақат нарсалар тўғрисида идрок ва тасаввурлар пайдо бўлиб ва ўсибгина қолмасдан, балки, шу билан бирга, тушунчалар ҳам ҳосил бўла бошлайди.

Болалар нутқи грамматика тузилишининг ўсиши. Тилга кира бошлаган бола ўз нутқида дастлаб, бош келишиқда келадиган бир неча отларни ва инфинитив ҳамда буйрук формада келадиган баъзи феълларни ишлатади.

Болаларнинг дастлабки гаплари бир сўздан иборат бўлади. Шу билан бирга, боланинг айтган битта сўзи — гапи бир неча маънога эга бўлиши мумкин. Масалан, бола: сут (шут) деявр экан, бундан: «Сут бер», «Сут ичаман», «Ана сут» деган ва бошқа шу каби маъноларни ифодалаш мумкин. Шунингдек, бола: мушук деявр экан, бу билан: «мушук мени тимдалади», «мушукни менга бер», «мушук билан ўйнаётиман» деган гапларни айтаётган булиши мумкин.

Болаларнинг тили чиқилишининг мана шу дастлабки босқичида баъзан уларнинг гапи бир неча (икки-уч) сўздан иборат бўлиши мумкин. Лекин бу сўзлар бириктирувчи юкламалар ёрдами билан ёки шу сўзларнинг формасини ўзгартириш йўли билан боғланмаган бўлади. Масалан, бола қўлига қозу ушлаб олиб онасига: «Сулат, қайпоқ», деб мурожаат қилади. Боланинг онаси илгари унга шунақа қозга сурат сслиб берган, ёки қоздан қалпоқ ясаб берганлиги учун ҳам, у боласининг нима дем.оқчи бўлганини тушунади. Бола «Ойи, менга қоздан қалпоқ килиб бер, қозга сурат солиб бер» деган маънрни ифодалаб, шунчалик узун гапни иккита сўз билан айтиб қўя қолади, яъни: *сурат, қалпоқ* деб қўя қолади. , • .

Бола бир ёки бир неча сўздан иборат гапни айтиш билан ўз фикрида бўлган ва айтмоқчи бўлган нарсасини қўл ёки имо-ишора билан кўрсатиб берганидагина боланинг олдида турган кишилар унинг мана шу чала-чулпа гапини тушунишлари мумкин. Тилга кирган бола билан бир вазиятда турган вақтингиздагина унинг гапини тушуниш мумкин.

Лекин бола бир ярим ёшга тўлгандан кейин, айниқса уч ёшга қадам қўйганда она тилининг грамматика **тузилиши** тежазгаллай бошлайди.

Бола *оз* ва *қуп* тушунчасини жуда эрта фарқ қила бошлайди. Бола икки ёшга тўлгунича *катта*- ва *кичик* тушунчаси-

ни ҳам фарқ қила бошлайдиган бўлиб қолади (ака, опа, «нинни», ука). Шунингдек, бола келишиқларни ҳам жуда эрта (икки ёшгача) фарқ қила бошлайди. Аммо қаратқич келишиги ўрнида, кўпинча, тушум келишиги ишлатади (бизани уйимиз). Болалар бу ёшда феълларни шахе ва замон эътибори билан ҳам бирмуича тўғри ишлатадиган бўлиб қолади. Болалар буйрук феълани анча тез ва барвақт ўзлаштириб оладилар.

Бола икки ёшга тўлиб, уч ёшга ўтганида содда гапларни тўғри тузиб гапиришни ўрганайди. Бола: «Сут бер». «Бобов суяк ейди», «Сурат килиб бер», «Уйқим келди» деб гапирадиган бўлиб қолади. Энди бола нутқи бевосита ўзи турган вазиятдан ташқаридаги: нарсалар, шу пайтдаги бирон иш-ҳаракат билан бевосита боғланмаган нарсалар ҳақида ҳам гапира бошлайди, яъни ўзи бевосита кўриб турмаган нарсалар тўғрисида гапира бошлайди.

Бу хилдаги нутқ эса тасаввурларга асосланиб фикр билишнинг ифодасидир.

Икки ярим ёшдан беш ёшгача бўлган болаларнинг ўзича сўз ясай бошлаши мактабгача тарбия ёшида бўлган боланинг катталардан эшитган сўзларинигина такрорлаб қолмасдан, балки, шу билан бирга, грамматика формаларини ҳақиқатан эгаллаб борганликларни кўрсатувчи белгидир. Бу сўз яшаш шундан иборат бўладики, шу ёшдаги болалар ўзлари билган сўзларнинг шакллариға ўхшатиб сўз туза бошлайдилар: «нон»—«нанна», «ош»—«ошша», «у ерга»—«уттага» ва хрказо,

Болалар тўғри тарбияланиб борганларида, айниқса мактабгача тарбия ёшига етганларида, уларда тилнинг грамматика формаларини амалий равишда эгаллаш жуда тез қадам билан олға қараб боради. Шу ёшда болалар мураккаб гап синтаксисини ҳам эгаллаб оладилар. Боланинг нутқида бири-бири билан боғланган қўшма гаплар пайдо бўлади. Болаларнинг нутқида содда гап, бош гап, эргаш гап ва ҳоказолар аниқ кўрина бошлайди. Уларнинг нутқларида мураккаб гаплар ишлатилади. Бу гапларда бирор сабабият, максд, хулоса, изоҳ, шарт ва шу кабилар акс эттирила бошлайди. Нутқнинг тузилишидаги бу мураккаб формалар тафаккурнинг мураккаброқ формалари ўсиб боришига боғлиқдир. Болаларда нутқ ўсишининг ана шу босқичида ҳодисаларнинг сабаблари ва бир-бирига боғланиши тўғрисида турли саволлар туғила беради. Шу ёшдаги болалар катталардан муттасил: «Нега?», «Нима учун?» деб сўрай берадилар.

Бола етти ёшга етганида оғзаки нутқнинг грамматикасини амалий йўл билан эгаллаб олади дейиш мумкин. Боланинг нутқни ана шундай амалий эгаллаб олиши кейинчалик савод чиқариш ва тилнинг грамматикасини ўрганишга имкон беради.

Мактабда таълим процессида нутқнинг ўсиши

Болалар нутқининг ўсишида уларнинг мактабда ўқиши айниқса катта роль ўйнайди.

Бола мактабга кирмасдан олдин ўзи қандай гапираётганлиги устида ўйлаб ўтирмасдан, ўз нутқидан алоқа ва билиш воситаси тариқасида фойдаланади.

Мактабда эса бола гаплашаётган тил ўқитиладиган ва ўрганиладиган илм бўлиб қолади. Мактабда ўқиётган бола ўз она тилининг грамматикаси билан шуғулланиш натижасида, ўз нутқини грамматика қридаларига мувофиқ суратда онгли равишда тузишни ўрганади. Грамматикани ўқиб ўрганиш процессида бола нутқининг фонетика жиҳати аниқланади, нутқнинг морфология жиҳати тўғри бўлиб боради, нутқнинг синтаксис тузилиши анча такомиллашади.

Нутқнинг айрим жиҳатларига хос бўлган бу сифатлар фақат грамматикани ўқиб ўрганиш натижасидагина ўсиб қолмасдан, балки, шу билан бирга, мактабда ўқитиладиган бошқа фанларнинг таъсири остида хим усади.

Мактабда ўқитиладиган ҳамма фанларни ўрганиш ва шу фанлар билан шуғулланиш процессида ўқувчи нутқининг луғат запаси бойийди, сўзларнинг мазмуни чуқурлашади ва кенгайди, ҳар қайси сўзнинг, ҳар қайси терминнинг маъноси аниқланади. Адабиёт дарслари билан шуғулланиш ўқувчилар нутқининг ўсишига айниқса катта* таъсир қилади. Ўқувчилар адабиёт дарсларида тўғри тузилган нутқнинг энг яхши намуналари билан танишадилар.

Тилга дойр махсус машғулотларда, шунингдек, бошқа фанларни ўқитиш вақтида, ўқитувчилар ўқувчилар олдида ўз нутқларини муайян талабларга жавоб берадиган қилиб тузиш, масалан, муайян саволга тўлиқ ва кенг жавоблар бериш, муайян план асосида ҳикоя қилиб бериш, бир нарсани ҳадеб такрорлай бермаслик, равон тузилган, тўлиқ гаплар билан тўғри гапириш ва бошқа шу каби вазифаларни қўядилар.

Болаларнинг ёзма нутқни эгаллашлари уларнинг нутқини ўстиришда муҳим босқич бўлади. Ўқувчи ёзма нутқни тўғри тушунишни ўрганиб олади, ўз фикрларини ёзма нутқ хОлида баён қилиш ва бошқаларга тушунтиришни ўрганади. Китоб ўқиш ва айниқса ўзидаги фикрларни ёзма тарзда ифодалаб, баён қилиб бериш тилнинг грамматика тузилишини эгалламоқ учун катта аҳамиятга эгадир. Ёзма баён қилиш вақтида фикрни тўлиқ тушунтириб бериш зарурлиги ўқувчини ўзи ёзаётган нарсанинг мазмунигагина диққат бериб қолмасдан, балки, шу билан бирга, ўзининг қандай қилиб ёзаётганига ҳам эътибор беришга мажбур қилади, уни

ўзи ёзган фикрни қайта-қайта ўқиб, ўз нутқини анализ қилиб қўришга мажбур қилади. Ўқувчи ёзиб баён қилаётганида, кўпинча, бу ишини бир неча марта қайта қўриб чиқишга, ўзгартиришга, тўлдиришга, қайтадан ишлаб чиқишга мажбур бўлади.

Ўқувчи ўқитувчининг топшириғига биноан ёзма ишлар баъжараётганида ўзининг шу ишига баҳо берилишини, аммо бу баҳо ишнинг фақат мазмунига қарабгина берилиб қолмасдан, балки, шу билан бирга, ўз фикрининг «қандай тил» билан баён қилинганига қараб ҳам баҳо берилишини олдиндан билиб туради. Мана шу ҳрларнинг ҳаммаси болани ўз нутқини грамматика ва логика талабларига мувофиқ келадиган қилиб, онгли равишда тузишга мажбур этади..

Ёзма нутқни эгаллаш оғзаки нутқни ва айниқса монолог нутқни тўғри ва кенгрок қилиб тузишга ёрдам беради.

Ўқувчи мактабда берилган топширикни тайёрлаш вақтида шу топширикни ўзига-ўзи гапириб беришни муттасил машқ қилиб туриши ўқувчи нутқининг ўсишига катта таъсир қилади. Ўқувчи дарсларни тайёрлаётган вақтда шу дарсларни китобдан ўқибгина қолмасдан, балки, одатда, у китобдан ўқиган нарсаларини китобни ёпиб қўйиб, ўз-ўзига ёки ёнидаги шеригига сўзлаб ҳам беради. Бундай ҳолларда ўқувчи ўзи тайёрлаётган дарсни грамматика қоидаларига тўғри риоя қилган ҳрлда айниқса тушунарли қилиб оғзаки гапириб беришга интилади.- Ўқитувчи ўқувчининг нималарни билганлиги ва билганларини қандай гапириб бериши билангина қифоя қилмасдан, балки, шу билан бирга, шу билган нарсасини қандай қилса ва қай тариқа гапириб бераётганига ҳам эътибор беришичи ўқувчи яхши билади.

Ўқувчи овоз чиқариб, айнан, ёки ўз сўзлари билан — такрорлаш йўли билан ўзикинг артикуляция аппаратини машқ қилдиради, ўз нутқининг қай даражада тўғрилигини контрол қилади, шу билан бирга ўзи ўзлаштирган билимларнинг тўғрилигини ва мустаҳкамлигини ҳам контрол қилади.

Албатта, ўқувчи нутқининг ўсишида ўқитувчининг нутқи катта роль ўйнайди, чунки ўқитувчининг нутқи ўқувчилар учун намунали нутқ ҳисобланади. Шу сабабли, ҳар бир ўқувчи «*увчи ўқувчилар нутқини ўстиришга интилиб, ўзи ҳам ўз нутқини такомиллаштириш устида тўхтовсиз ва тинмай ишлаши лозим.

Мазмунли, тўлиқ фикрли, тўғри тузилган ва услуб жиҳатидан чиройли бўлган нутқни ўстириш совет мактабида болаларни ўқитиш соҳасида қўйилган муҳим вазифаларнинг биридир.

Х Б О Б ДИҚҚАТ ғ

1. ДИҚҚАТ ТУҒРИСИДА УМУМИЙ ТУШУНЧА

Биз бундан олдинги бобларда аклий фаолиятнинг айрим турларини баён қилганда диққатнинг аҳамияти ҳақида гапириб ўтган эдик. Аклий фаолиятнинг барча турларида диққат иштирок қилади. Бизнинг иш-ҳаракатларимиз ҳам диққат иштироки билан содир бўлади.

*1 **Диққат део онгни бир нуктага тўплаб, муайян бир объектга актив қаратилишини.** айтамыз; биз ўз фаолиятимиз процессида идрок ва тасаввур қиладиган ҳар бир нарса, ҳар бир ходиса, ўзимизнинг қилган ишларимиз, ўй ва фикрларимиз диққатниш объекти бўла олади.

\\Диққат пайтида **онгнинг бир нуктага тўпланиши онг доирасининг торайишидан иборатдир;** бунда гўёки онг доираси анчагина тигизланади. Ана шундай торайиш ва тигизланиш туфайли онг доираси жуда ҳам ёркинлашади. Онгнинг энг тигизланган ва бинобарин энг ёркин нуктаси диққатнинг фокуси (яъни маркази) деб аталади. Ана шу фокусга тушган барча нарсалар (идрок қилинаётган предметлар, тасаввурлар, фикрлар) жуда тўла ёркин ҳамда жуда аниқ акс этти-

Диққатга ҳамма вақт у ёки бу даражадаги активлик хосдир. Бундай активлик онгнинг бир нуктага тўпланишининг кучайиши ва маълум вақт мобайнида диққат қаратилган нарсага Ёнгнинг актив йўналтирилишини сақлаб туришдан иборатдир.

Диққатимиз қаратилган объектлар онгимизнинг тўпланган «гонасида» жуда аниқлик ва яққоллик билан акс эттирилади. Еу ерда яна шуни ҳам назарда тутиш керакки, диққат — идрок, хотира, хаёл, тафаккур ва нутк. сингари алоҳида психик процесс эмас. Диққат ҳамма психик процессларда кўринади. Биз «шунчаки» диққатли бўла олмаймиз, балки биз диққат билан идрок қиламиз (қараймиз, эшитамиз), диққат билан эсда олиб қоламиз, ўйлаймиз, диққат билан муҳокама черитамиз, гаплашамиз.

Диққат аклий процессларнинг сифатини таъминлайдиган ички активликдир.

Диққат ҳар қандай фаолиятнинг зарурий шартидир. Мана шу хол француз олимларидан Кювьени ўз замонасида гениалликни чидамли диққат деб таърифлашга ундаган эди. Масалан, у Ньютоннинг гениаллиги диққатининг кучи ва барқарорлигидир, деб кўрсатади. Ньютоннинг ўзи «Сиз бутун дунё тортилиш конунини очишга нима туфайли муяссар бўлдингиз» деб берилган саволга «Фикри-зикрим доимо шу

масалага қаратилганлигидан муяссар бўлдим»,— деб жавоб берган.

Албатта, диққатга бундай баҳр бериш унинг аҳамиятини ҳаддан ташқари ошириб кўрсатишдир. Лекин бу баҳо диққатнинг инсон фаолиятининг барча турлари учун аҳамияти катта эканлигини кўрсатиб беради. Дарҳақиқат, ўтин ёриш, ер чопиш каби энг оддий ишларни ҳам, машиналар билан ишлаш, илмий текширишлар олиб бориш каби энг мураккаб ишларни ҳам диққатнинг иштирокисиз бажариб бўлмайди.

Диққат ўқиш ишининг ҳам зарурий шартидир. Уқувчиларнинг дарс материалларини муваффақият билан ўзлаштиришлари, даставвал диққатнинг мавжуд бўлишига боглиқдир, К. Д. Ушинскийнинг айтишича: «Диққат руҳий ҳаётимизнинг, шундай ягона бир эшигидирки, онгимизга қирадиган нарсаларнинг барчаси шу эшик орқали ўтиб қиради»¹,

Айрим ўқувчиларда учрайдиган ўзлаштира олмаслик холатининг сабабини аввало улар диққатининг етарли эмаслигидан кидириш керак. Хотиранинг бўшлиги, ўқув материалларини ўзлаштиришнинг бўшлиги, асосан, диққатнинг бўшлигидан келиб чиқади.

Мана шунинг учун ҳам педагог ўқитиш ишида юксак муваффақиятга эришишни истар экан, ўқувчилар диққатини ва, хусусан, энг барқарор ва энг кучли диққатини уюштириш ҳамда тарбиялаш ҳақида жон куйдириши лозим,

§ 2. ДИҚҚАТНИНГ ФИЗИОЛОГИК АСОСЛАРИ

Диққатнинг физиологияси асосини бош мия пўсти қисмидаги «оптимал кўзғалиш нуктаси» ташкил қилади. Бундай жойни яққол қилиб кўрсатиш учун И. П. Павлов шундай тасвирлайди:

«Згар бош суягига қараганда унинг ичидаги мия кўринадиган бўлса, агар катта мия ярим шарларида оптимал кўзғалиш учун энг яхши шароит тугилган нуктаси йилтиллаб кўринадиган бўлса эди, онги соглом бўлиб, бир нарсани ўйлаб турган одамнинг миясига қараганимизда, унинг миясининг катта ярим шарларида жуда ғалати жимжимадор форма бўлиб, сурати ва ҳажми ҳар лахзада бир ўзгариб, турланиб, жимир-жимир қилиб турувчи ёруғ нарсанинг у ёқдан-бу ёққа югуриб қимирлаб турганини ва мия ярим шарининг бу ёруғ нарса атрофидаги бошқа ерлари бирмунча хира тортиб турганини кўрар эди»²,

¹ К. Д. Ушинский, Педагогика курси программасининг проекта, «Совет педагогикаси», 1938, № 5, Учпедгиз, 109-бет.

² И. П. Павлов, Полное собрание сочинений, III том, 1-китоб, 248-бет.

Оптимал кўзғалиш нуктаси манфий индукция қонунига кўра, бош мия пўстининг бошқа жойларида тормозланишни вужудга келтиради.

«Мия ярим шарларининг оптимал кўзғалишга эга бўлган қисмида,— дейди И. П. Павлов,— янги шартли рефлекслар енгиллик билан ҳосил бўлади ва дифференцировкалар музаффақиятли равишда пайдо бўлади. Шундай қилиб, оптимал кўзғалишга эга бўлган жой айни чоғда бош мия ярим шарларининг ижодга лаёқатли қисми деса бўлади. Мия ярим шарларининг сует кўзғалган бошқа қисмлари бундай хусусиятга қобил эмас. Уларнинг айни чоғдаги функцияси, жуда пари борганда, тегишли кўзғовчилар асосида илгари ҳосил қилинган рефлексларни бир тартибда қайта тиклашдан иборатдир. Бундай қисмларнинг фаолияти биз онгеиз, автоматлашган фаолият деб атайдиган субъектив фаолиятдан иборатдир»¹. Бош мия ярим шарларининг тормозланган қисмига таъсир қилувчи кўзғовчилар идрок ва тасаввурнинг ёркин образларини туғдира олмайди.

Мия пўстининг оптимал кўзғалган жойи («йилтиллаб турган нуктаси») ўз ўрнини алмаштириб туриши диққатнинг бир нарсадан йқинчи нарсага кўчишини ва шунинг билан бирга, оигимизнинг маълум нарса, маълум фаолият турига қарата йўналтирилиши ва тўпланишини шартлайди.

Диққатнинг физиологии асоси бўлмиш оптимал кўзғалиш ўчоғи ҳақидаги И. П. Павлов таълимоти билан академик А. А. Ухтомскийнинг олиб борган текширишлари бир-бирига тўғри келди. Бу текширишлар натижасида қуйидагилар маълум бўлди. Агар нерв системасига бир қанча кўзғовчилар бир вақтда таъсир этеа, бош мия пўстида шу оннинг ўзида бир неча кўзғалиш ўчоқлари пайдо бўлади. Шу билан бирга, ҳар бир кўзғалиш ўчоғи бош мия пўстининг ҳамма ёғига тарқалишга, иррадиацияланишг мойилдир. Шунинг учун айрим кўзғалиш ўчоқлари уртасида тўқнашиш ва «кураш» содир бўлади. Бу кураш натижасида кўзғалиш ўчоқларидан бири ҳукмрон (доминанта) бўлиб олади. Мана шу ҳукмрон бўлиб олган кўзғалиш ўчоғини академик Ухтомский «доминанта» деб атайди. Ухтомскийнинг берган таърифига кўра, доминанта — бу айни чоғда марказда содир бўладиган реакциялар характерини бир қадар белгилаб берувчи ҳукмрон кўзғалиш ўчоғидир.

Доминанталар мавжуд бўлган пайтда бошқа кўзғалиш ўчоқлари («субдоминанталари» — нисбатан кучсиз кўзғалиш ўчоқлари) кўпинча йўқолиб кетмайдилар. Улар доминантага кўшилиб, уни кучайтирадилар ёки доминанта билан кураша бошлайдилар. Бу кураш процессида субдоминанта доминанта

¹ И. П. Павлов, Полное собрание сочинений, III том, 1-китоб,

бўлиб олиши мумкин, илгариги доминанта эса — субдоминанта бўлиб қолиши мумкин. Ҳукмрон кўзғалиш ўчоғи бўлган доминанта диққатимизнинг маълум нарсага йўналтирилиши ва тўпланишининг физиологии асосидир.

Диққатнинг сиртки аломатлари, одатда, организмнинг алоҳида мослашув ҳаракатларида ташқаридан кўринади. Масалан, муайян бир нарсани эътибор билан идрок қилганимизда, биз бу нарсага алоҳида тарзда разм соламиз; бунда биз нарсага анчагина синчиклаб қараймиз, дидлаб кўраимиз ва унга диққат билан тикиламиз. Бирон нарсани диққат билан эшитишда ўнг ёки чап қулоғимиз орқали яхши уқиб олиш учун бошимизни шунга мослаган ҳолда бурамиз. Бунда биз гапга қулоқ солиб, диққат билан тинглаймиз. Агар диққатимиз ўз фикримизга қаратилган бўлса, у пайтда кўзларимиз бир қадар чўкиб, гўёки «чуқурлашиб» кетгандай бўлади. Агар диққатимиз ижодий ҳаёл билан боғлиқ бўлса, бунда кўзларимиз «узокларга» тикилган бўлади.

Диққатнинг орта бориши билан нафас олиш ҳам ўзгаради. Бундай ҳолатда нафас олиш бир оз сусайиб, ҳаво олиш ва чиқариш гоҳо секинлашади, гоҳо чуқурлашади. Баъзан нафас олишимиз тўхтаб ҳам қолади. Бирон нарсани эшитаётган ёки кўраётган пайтимизда «нафасимиз ичимизга тушиб кетади».

Диққат пайтида мускуллар системасида ҳам ўзгариш пайдо бўлади. Барча ортиқча ҳаракатлар тўхтатилиб, организм қимирламай қолади. Мускуллар системаси айрим бир таранг ҳолатда бўлади. Диққат пайтида организм алоҳида вазиятда бўлади. Аммо бу вазият диққатнинг фақат ташқи ифодаси бўлибгина қолмай, балки унинг маълум йўналиши ва барқарорлигини сақлаб турувчи шартлардан бири ҳамдир. Одатда, биз ишимизда организмнинг диққат пайтида сиртдан мослашувига эътибор берамиз. Шунинг учун кўпинча, бирор ишни бошлашдан олдин организмимизни шу ишга мослаб, муайян бир вазиятда туриб оламиз,

| 2у III. ДИҚҚАТНИНГ ТУРЛАРИ

Диққат даеааввал ўзининг активлиги жиҳатидан — ихтиёрсиз ва ихтиёрй деб фаркланади.

Диққат асосан икки турга, яъни ихтиёрсиз ва ихтиёрй Диққат турига ажратилади.

Бирон ташқи сабаб билан ва бизнинг хошишимиздан ташқари ҳосил бўладиган дивдатни *ихтиёрсиз* диққат дейилади.

Ихтиёрсиз диққатни туғдирувчи сабаблар, аввало, бизга таъсир қил[^]ВдЧИ. кўзғовчиларнинг қандайдир машхур хусусиятларидир[^]учунончи,-уларнинг гўзаллиги, ёркинлиги, қучи, қат[^]талиги, ҳаракатчанлиги, узок, давом этиши, тўсатдан содир

риали мазмунининг баъзи хусусиятлари (масалан, унинг маънодорлиги, кизиқтирарлиги) туфайли ёки баён қилишнинг хусусиятлари — кўргазмалари бўлиши, жонлилиги ва шунинг билан 'бирга, ўқувчиларнинг ўқиш материаллари мазмунига кизиқишлари туфайли содир бўлади. Ихтиёрий диққатнинг ихтиёрсиз диққатга мана шундай ўтиб кетиши билимларни ўзлаштириш процессини анча енгиллаштиради.

Бунинг аксинча ҳолати ҳам бўлади. Агар бирон фаолият процессида (масалан, билим эгаллаш процессида) қандайдир кийинчилик учраб қолса, бундай пайтда ихтиёрсиз диққат ихтиёрий диққатга ўтиб кетади.

Фаолият процессида, кўпинча, диққатнинг ихтиёрсиз равишда асосий ишдан бўлак нарсаларга кўчиб туриши учрайди. Бундай ҳодисани диққатнинг **чалғиши** деб аталади. Диққатнинг чалғиши ишга ёмон таъсир қилади. Шу сабабли, диққатни, гарчи салгина бўлса ҳам чалғитмаслик учун, иш процессида ора-сира ихтиёрий диққатни кучайтиришга ҳамда беихтиёр пайдо бўлиб, ишга алоқаси булмаган идрок тасаввур ва фикрларни босмоқ учун зўр беришга тўғри келади.

Ихтиёрсиз диққат ҳам ва ихтиёрий диққат ҳам ўзининг йўналишига кўра ташқи ва ички бўлиши мумкин.

Мэнбъя бизн^рг ГШГНМТП?" ^"^^р^т^ бўлган диққатга **ташқи** диққат деб аталади. Ташқи диққат даставвал бизнинг идрокларимиз жараёнида намоён бўлади. Шофёр, вагон ҳайдовчиси, тикувчининг ишида содир бўладиган диққат ташқи диққатга мисол бўлади. Уқувчининг ўқитувчи баёнини тинглашдаги, китоб ўқишдаги, суратларни кўришдаги ва табиат ҳодисаларини кузатишдаги диққати ҳам ташқи диққатдир.

Нарса ва ҳодисаларни қайси сезги аъзоимиз билан идрок қилаётганимизга қараб, ташқи диққатни кўриш ва эшитиш на, шунинг билан бирга, тўйиш, ҳид билиш ва таъм билиш турларига ажратиш мумкин.

Ташқи диққат фақат идрок қилишимиз жараёнидагина намоён бўлади деб ҳисоблаб бўлмайди. Ташқи диққат биз тасаввур қилаётган ва фикр қилаётган нарсаларимизга ҳам қаратилиши мумкин. Масалан, инженер ўз хонасида ишлаб ўтириб, қурилаётган бинонинг кўринишини тасаввур қилаётганида ва бу бинонинг қурилиши билан боғлиқ бўлган математик ҳисобларни чиқараётганда унинг диққати ташқи диққат тарзида намоён бўлади.

Манбаи бизнинг тасаввурларимиз, фикрларимиз, ҳиссиётларимиз ва майлларимиздан иборат бўлган диққатга **ички** диққат деб аталади.

Биз онгимизнинг ўзида содир бўлаётган процессларни кузатаётганимизда, яъни ўз ҳиссиётларимизни, фикрларимизни, истакларимизни ва шунинг кабиларни кузатаётганимизда

ички диққат намоён бўлади. Масалан, биз ўз фикрларимизни кузатаётганимизда, бу фикрларни текшираётганимизда, пуншаймон қилиш ҳиссини бошимиздан кечираётганимизда, ўз ўзимизни танқид қилаётганимизда ва ўз истакларимизни мулоҳаза қилаётганимизда ички диққат намоён бўлади.

Таълим процессида ўқитувчи дарсининг бпритини ва ўз фикрларининг баён этилиш системасини кузатиб боришида ички диққат намоён бўлади. Уқувчиларда ички диққат ақлий ҳисоблаш иши билан шуғулланаётганларида ва хусусан улар қандайдир кийинчиликларга дуч келганларида намоён бўлади. Диққатнинг бу тури одамнинг ўз-ўзини тарбиялаш ишида жуда яққол кўринади. Ички диққат одамнинг ўз-ўзини тарбиялаш билан узвий боғлиқдир. Ички диққат ўз-ўзини тарбиялашнинг таркибий қисмлардан бири ҳисобланади.

Ички диққат ташқи диққатдан ўзининг ортиқ кучлилиги билан фарқланади ва кўпроқ ихтиёрий бўлади,

/Зс>ч' диққатнинг хусусиятлари

Диққат бир қанча хусусиятларга эга бўлиб, улардан асосийлари — диққатнинг кўчувчанлиги, бўлиниши, кўлами, кучи ва барқарорлигидир.

Бу хусусиятларнинг қанчалик яққол ифодаланишига қараб, ҳар турли фаолият жараёнида айрим одамлар диққатининг маълум бир (ижобий ёки салбий) сифатлари белгиланади.

Диққатнинг кўчувчанлиги -

Диққатнинг кўчиши деганда биз унинг бир нарсадан йқинчи бошқа бир нарсага, фаолиятнинг бир туридан бошқа турига ўтишини тушунамиз. Масалан, одам ўз диққатини китоб ўқишдан сурат кўришга, сурат кўришдан эса ўз фикрларини баён этишга кўчириши мумкин. Уқувчилар ўз диққатларини бир фанни ўқишдан бошқа фанга кўчирадilar, чунончи, математикадан тарихга, тарихдан рус тилига ва шунинг кабилар. Диққатнинг кўчиши ихтиёрсиз ва ихтиёрий тарзда содир бўлиши мумкин.

Диққатни кўчиришнинг нерв-физиологик асоси, асосан, йқинчи сигналлар системасининг сигналлари орқали бош миянинг пўстида пайдо бўлган оптимал кўзғалиш ўчоғининг ўрин алмаштиришидир.

Диққатнинг кўчирилиши кўп ҳолларда кийинчиликлар билан боғлиқ бўлади. Масалан, баъзан диққатни бундан олдинги объектдан ажратиш кийин бўлса, бошқа ҳолларда олдинги ишнинг кетидан қалинадиган янги ишга киришиб кетиш кийин бўлади. Диққатни кўчиришнинг енгиллик ёки кийинлиги бир

қанча сабабларга боғлиқдир.¹ Бу сабаблардан бири — кетма-кет қилинадиган иш мазмунлари ўртасида боғлиқлик бор ёки йўқлигидир; агарда бундай боғлиқлик бўлса, диққат тез ва енгиллик билан кўчиши мумкин. Диққатни кўчиришнинг енгиллик ёки қийинлик сабабларидан яна бири диққат қаратилган нарсаларга ва бажарилаётган ишларга нисбатан кишининг муносабатидир. Масалан, агар киши илгарги қилган ишига зўр қизиқиш билан қараб, ундан кейинги қилинадиган ишга айтарли қизиқмаса, бундай пайтда илгариги ишдан диққатни кўчириш қийин бўлади ва секинлик билан амалга оширилади. Аксинча, агар кейинги қилинадиган иш олдингисига қараганда қизиқарли ва ёқимлироқ бўлса, диққат тез ва осонлик билан кўчади. Агар қилинаётган иш тўла тугалланса, у пайтда киши ўз диққатини бир фаолиятдан иккинчисига енгиллик билан кўчира олади, аксинча, агар олдинги ишни охиригача етказмай туриб, қандайдир сабабга кўра, диққатни янги бир фаолиятга кўчириш лозим бўлиб қолса, бу нарса анча қийин бўлади.

Энг яхши диққат, албатта, бир нарсдан иккинчи нарсага тез кўча оладиган диққатдир. Диққатнинг мана шундай хусусияти туфайли, киши атрофидаги муҳитга тез мослаша олади ҳамда ўзгарувчан шароитдаги турли элементларнинг аҳамиятларини тезлик билан белгилай олади. Диққатнинг тез кўчувчанлиги кишининг ишини ҳам тезлаштиради.²

Диққатнинг тез кўчувчанлиги, унинг бошқа сифатлари каби кишининг амалий фаолияти жараёнида тараққий этади.

Диққатнинг бўлиниши

Маълум фаолият процессида диққат фақат биргина нарсага эмас, балки икки ва уч нарсага ҳам қаратилиши мумкин. Диққатимиз айтилиб вақтда айрим фаолият турларига бўлина олади.

Фақат биргина нарсага қаратилган диққатни **концентрациялашган** (йиғилган) ёки **тўпланган** диққат дейилади. Масалан, нинага ип тақишдаги, қўлда бирор нарса тикишдаги, математик масала ечишдаги, лекция эшитишдаги диққатимиз шундай диққатдир. Агарда диққат фақат бир мураккаб иш процессининг ўзида икки ёки уч нарсага қаратилган ва фаолиятнинг турли усуллари билан боғлиқ бўлса, бундай диққатни **бўлинган** ёки **тақсим қилинган** диққат дейилади.³ Масалан, трамвай ҳайдовчи ўз иши давомида диққатни айтилиб вақтда пиёда юрувчилар, автомобиллар ва бошқа трамвайлар ҳаракатини ҳамда, шунинг билан бирга, моторнинг ишлашини ва **кондукторнинг** сигналларини кузатиб борадиган қилиб тақсимлаши лозим. Шофёр ҳам ўз диққатини худди шундай тақ-

симлаши керак. Уқитувчи дарсни тушунтириш пайтида ўз диққатини ўқувчилар хулқига, кўргазма қуролларни кўрсатишга, синф доскасига ва шу кабиларга тақсимлаши лозим.⁴

Концентрацияланиш ва бўлинишлик ҳар қандай диққатга хос бўлган хусусиятдир. Бўлинган диққат айнан бир вақтнинг ўзида бир неча нарсаларга қаратилган бўлмаса керак, деб ўйлаш лозим. Бўлинган диққат бу диққатнинг бир нарсдан иккинчи нарсага жуда тезлик билан кўчишидир.⁵

Юлий Цезарь ҳақида шундай қисса сақланиб қолган. У гўёки бир вақтнинг ўзида бир нарсани ёзиб, бошқа нарса ҳақида ўйлаш, учинчи нарсани эшитиш ва тўртинчи нарса ҳақида гапириш каби мураккаб ишларни бажара олган эмиш. Психология нуқтаи назаридан, бундай ҳодисанинг бўлиши мутлақо мумкин эмас. Ҳар ҳолда Юлий Цезарь диққатини бир нарсдан иккинчи нарсага тез кўчириш қобилиятига эга бўлган бўлса керак. Шу сабабли, Юлий Цезарь ўз диққатини бир вақтнинг ўзида тўрт хил фаолиятга қарата олади, деб ўйланганлар.

Шундай ҳоллар ҳам бўладики, бунда киши бирон доклад ёки лекция эшитиб ўтирар экан, айтилиб шу вақтнинг ўзида хаёли суриши, қандайдир бошқа нарсалар ҳақида ўйлаш, китоб ёки газета ўқиши мумкин. Бу нарса ҳаммага ўз турмуш тажрибасидан маълум. Бундай ҳолларда диққат бир нарсдан (доклад эшитишдан) бошқа бир нарсага (китоб ёки газета ўқишга) тезлик билан «ўтиб туради». Бизга эса икки хил онгли фаолият бир вақтда бажарилаётгандай туюлади.

Киши фақат шундай ҳолда иккита ишни бирданига бажара олиши мумкинки, бунда қилинаётган ишлардан бири маълум даражада автоматлашган бўлиши керак. Масалан, биз айтилиб бир вақтнинг ўзида доклад ёки лекцияни ҳам эшитиб, ҳам ёзиб боришимиз мумкин. Бунда лекцияни деярли автоматик равишда ёзиб борилади; лекин вақт-вақти билан онгимиз контроллик қилиб туради. Диққатнинг бундай бўлинишида унчалик зўр беришни талаб қилмайдиган, яъни одат бўлиб қолган иш, мия пўстининг маълум даражада тормозланган қисмлари орқали «бошқарилиши» мумкин. «Биз, асосан, бир иш, бир фикр билан банд бўлганимизда, албатта, шу асосий ишимизга алоқаси бўлган мия ярим шари нуқтаси кучли қўзғалган ҳолда бўлганда, айтилиб замонда биз жуда яхши кўниккан бир ишни бажара олишимиз, яъни мия ярим шарларининг ташқи тормозланиш механизми асосида тормозланган қисмлари билан ишлай олишимиз оддий бир нарса эмасми, ахир»¹, — дейди И. П. Павлов.

¹ И. П. Павлов, Полное собрание сочинений, IV том, 428-бет.

⁴ Инсон диққатининг ижобий хусусияти ўз диққатини бир нарса устида тўплай олиш ва фаолият характериға қараб, уни тегишли равишда бўла олишдадир!


Айрим кишилар бу жихатдан бир-биридан шу билан фарк қиладиларки, уларнинг биттасида асосан, концентрациялашган диққат тараққий қилган бўлса, бошқасида бўлинган диққат тараққий қилган бўлади. Одамлар диққатидаги бу айирма хдр бир кишининг қиладиган фаолияти ва касбига қараб, амалий иш жараёнида ҳосил бўлади,

Диққатнинг кўлами

> Диққатнинг кўлами — диққатга энг қисқа вақт ичида (гўёки бирданига) сиғиши мумкин бўлган нарсалар сони билан белгиланади. Диққат кўлами жихатидан тор ёки кенг бўлиши мумкин.

^Тажриба қилиб текширишда диққатнинг кўлами, одатда текшириладиган одамга айна бир вақтнинг ўзида бир қанча ўзаро боғланмаган ҳарфларни, сўзларни, нарсаларни ва турли шаклларни кўрсатиш йўли билан аниқланади.

Текшириладиган киши бу нарсалардан айна вақтда қанчалик кўпини бирданига идрок эта олса (диққат доирасига сиғдира олса), унинг диққат доираси шунчалик кенг бўлади.г



Диққатнинг кўламини аниқлаш учун тахистоскоп деган махсус асбоб қўлланилади (42-раем). Бу асбоб ёрдамида кишига идрок этириладиган нарсалар жуда тез кўрсатилади. Бунда идрок қилинадиган нарсалар тахистоскопнингэкранидаги тешикдан кўрсатилади ва бу тешик жуда қисқа вақт ичида бекилиб қолади.

Тахистоскоп воситаси билан ўтказилган тажрибалар кўрсатишича, катта ёшли одам айна вақтнинг ўзида диққат доира боғлиқ булмаган нарсаларни, масалан, ундош ҳарфларни, шаклларни сиғдира олади.

Лекин идрок қилинадиган нарсалар маъно жихатидан бири-бири билан боғлиқ бўлса ва ёки бу нарсалар яхлит бир нарсанинг элементлари бўлса, бунда диққат доирасига шу каби нарсаларнинг купи сиғиши мумкин. Масалан, тахистоскопда алоҳида-алоҳида ҳарфлар эмас, балки уч-тўрт ҳарфлардан тузилган сўзлар кўрсатилса, саводли киши бундай сўзлардан уч-тўрттасини, яъни тўққизтадан тортиб, то ўн олтигагача ҳарфни идрок эта олади, чунки саводли кишилар айрим-ай-

рим ҳарфларни доналаб ўқимамай, балки бутун сўзларни бирданига ўқийди.

Тахистоскоп воситаси билан диққат кўлами юзасидан ўтказиладиган экспериментал текширишларда диққатнинг айрим индивидуал хусусиятлари ҳам аниқланган.

Масалан, шундай одамлар борки, уларга тахистоскопдан нима кўрсатилса, шуни ўзларидан ҳеч нарса қўшмай, аниқ, идрок этадилар. Бундай одамлар «объектив» типдаги одамлардир. Яна шундай одамлар ҳам бўладики, уларга бир нарса кўрсатсанг, бунга ўзидан бошқа нарсаларни қўшиб идрок этади. Бундай одамлар «субъектив» типдаги одамлардир. Лекин машқ қилдириш йўли билан субъектив типдаги одамларни тахистоскопда кўрсатилган нарсани аниқ идрок қилишига эршчеа бўлади.

• «Диққат кўламининг кенглиги аниқ идрок этиш билан бирга қўшилган тақдирдагина яхши сифатлардан х^{тс} бланади. Диққат кўламининг кенг бўлиши, масалан, синфда машғулотлар ўтказилаётган пайтда ўқитувчи учун зарурдир; ўқитувчи синфда ўтирган барча ўқувчиларга назар солиб туриши лолим. Лекин диққат кўламининг торлиғи ҳам ҳамма вақт ёмон бўла бермайди. Фаолиятнинг айрим турларида диққат кўламининг тор бўлиши, лекин шу билан бир вақтда, чуқур ва концентрациялашган бўлиши талаб этилади. Масалан, бундай диққат одамга микроскоп билан иш қилганда зарурдир/

Диққат кўламининг физиологияси асоси мия пўстида оптимал кўзғалган жойнинг кенгайиши ёки торайишидан иборат. Бунда мия пўстидаги оптимал кўзғалган жой айна вақтда таъсир қилиб турувчи бошқа кўзғатувчилар билан ҳосил қилинган кўзғалиш процессларининг қўшилиши туфайли кенгайди, ички тормозланиш процессларининг кучайиши натижасида эса бу жой тораяди,

^ Диққатнинг кучи ва барқарорлиги

Диққатнинг кучи ва барқарорлиги унинг айниқса муҳим хоссасидир. Диққатнинг кучи турли даражада бўлиши — диққат кучли ва кучеиз бўлиши мумкин. Диққат қанчалик кучли бўлса, у диққат объектига шунчалик кўп тўпланади, бошқа, айна вақтда кераксиз бўлган нарсаларга шунчалик кам чалғийди. Биз ташқи томондан диққатнинг кучи тўғрисида асосан, унинг чалғиш даражасига қараб ҳукм чиқарамиз. Ўқувчининг диққати ҳар хил, ҳатто кучеиз даражадаги четки кўзғовчилардан, чунончи, қаламнинг тушиб кетишига, қўшни партадаги ўртоқларининг пичирлашганига, коридорда бўлаётган гапларга чалғиб кетаверса — бу айна вақтда ўқувчининг диққати кучсизлигидан далолат беради. Агар ўқувчи бундай четки кўзғовчилар (баъзан ҳатто кучли кўзғовчилар) таъсирини ҳам

гўё «сезмай», балки муайян бир ишга берилиб кунт билан ий> ласа, бу айни вақтда ўқувчи диққатининг кучлигидир. /

Энг кучеиз диққат, одатда, **тарқққ диққат, паришон** диктат ёки тўғридан-тўғри **паришонлик** дейилади. Паришонлик одамнинг ўз диққатини бирон-бир муайян ишда тутиб тура олмаслигидир. Паришонликда одамнинг диққати бир нарсадан бошқа бир нарсага беихтиёр равишда ўтиб туради, бу нарсалардан биронтасида ҳам тўхтаб турмайди/ Паришонлик ҳолатини биз болалар ҳаётининг дастлабки кунларида учратишимиз мумкин: ёш бола диққатини ҳали ҳеч бир нарса устида тутиб тура олмайди^ Паришонлик ҳолати катта ёшдаги одамларда ҳам бўлади, масалан, чарчаганда, нерв касаллигига дучор бўлганда, нерв системаси захарланганда катта ёшдаги одамлар ҳам паришон бўлиб қолади. Мактабда паришонхотир ўқувчилар учраб туради. Бундай ўқувчилар ҳамиша ҳамма ёқда «аланг-жаланг» қилаверади, бирон нарса устида диққатини тутиб тура олмайди. ^Болаларни паришон бўлиб қрлишларига, кўпинча, оила ва мактабда улар диққатини етарли даражада тарбияламаслик сабаб бўлади/'

Паришонликни одамнинг ҳеч бир нарсага диққат қила олмаслиги деб тушуниш ярамайди. Одам ҳамиша диққат қила олиш қобилиятига эгадир, лекин одам диққатининг тўпланиш даражаси ҳамма вақт бир хил бўлавермайди. Паришонлик— бу энг кучеиз диққатдир, мия пўстида қўзғалган жойнинг кучеиз бўлишлигидир.

Диққат ҳаддан ташқари кучли бўлганида ҳам алоҳида паришонликни кўриш мумкин. -Энг кучли диққатда онгимиз диққат қратилган нарсага батамом тўпланади ва кам чалғийди ёки ҳатто бошқа кучли қўзғовчилар таъсир қилиб турганида ҳам сира чалғимайди. Одам нарсага жуда берилиб кетганда вазиятни унутиб қўяди, теварак-атрофдагиларнинг гапи қулоғига кирмайди, ўзининг одатланган иш-ҳаракатларини сезмай қрлади!' Диққат кучли бўлган вақтда одамнинг паришон бўлиб қолишини ҳар бир киши ўз тажрибасидан ёки бошқа одамларда кўрганларидан яхши билади. Масалан, одам ҳаддан ташқари қувонган вақтда мана шундай паришон бўлиб қрлади.' Одамнинг қувонишига сабаб бўлган нарса-ҳодисалар баъзан одам онгини ўзига шу қадар жалб қилиб оладики, бошқа ҳеч бир нарса унинг онгига бориб етмайди ёки етса ҳам, жуда қийинчиликлар билан бориб етади. Одам ҳаддан ташқари хурсанд вақтида шу хурсандчилик уйғотган объектга тааллуқли нарсаларнигина идрок қилади, фақат шу нарсалар тўғрисидагина ўйлайди. Баъзан бирон-бир жуда қизиқарли роман ўқиганда, математикадан мураккаб бир масалани ечганда ва умуман бирон фаолиятга жуда берилиб кетган вақтда бизда ҳам шундай паришонлик ҳолати содир бўлади.

\И. П. Павлов бундай паришонликнинг физиологгии асосини кўрсатиб берган: «Уйга чўмиб кетганимизда, бирор ишга жуда берилганимизда теварак-атрофимизда бўлаётган нарсаларни кўзгиз кўрмайди, қулоғимиз эшитмайди — бу яққол манфий индукциянинг юз беришидир»¹. Бунинг маъноси, бош-мия пўстининг бир участкасида содир бўлган қўзғалиш пўстининг бошқа к'частқаларини тормозлайди, демакдир.

Диққатнинг барқарорлиги. Диққат маълум даражада барқарор ва бекарор бўлиши мумкин.

/ Узоқ муддатгача бир нарсанинг ўзига қаратилиб тура оладиган диққат **барқарор диққат** дейилади. Агар диққат бирон-бир фаолият процессида бошқа нарсаларга, кераксиз нарсаларга чалғийверса ёки тез сушлашиб ва сўниб қолса. бундай диққат **бекарор диққат** дейилади. Масалан, ўқувчи бутун даре давомида дарснинг боришига диққат қилиб ўқитувчининг тушунтиришларини бошқа нарсаларга чалғимай тинглаб борса, биз у ўқувчининг диққатини барқарор диққат деймиз. Борди-ю, ўқувчи ўқитувчининг тушунтиришларига аввал бошда қулоқ солиб бориб, лекин 10—15 минутдан кейин бсшқа нарса билан шугулланса ёки бошқа нарсалар туррисида ҳаёлга берилиб кетса, ёки ўқитувчининг тушунтиришидаги айрим моментларни «эшита олмай қолибман» деса, ё бўлмаса китоб ўқиса-ю, унинг мазмунининг айрим моментларига «эйтибор бермабман» деса, бундай диққат бекарор диққат дейилади.'

Диққатнинг барқарор диққат ёки бекарор диққат турига киришини кўрсатувчи-қатъий белгиланган бирон-бир меъёр, кўрсаткич йўқ ва бундай меъёр, кўрсаткичнинг бўлиши мумкин ҳам эмас. *Диққатнинг барқарорлигини диққатнинг тури —* ихтиёрий ва ихтиёрсизлигига қараб, шунингдек, бирон-бир турдаги диққат билан бажарилаётган ишнинг мазмуни ва характерида қараб ҳар хил баҳо бериш мумкин.


«Ҳар бир кишининг диққати практикада, фаолият процессида, тарбия қилиш ва ўз-ўзини тарбиялаш йўли билан ўсиб, маълум даражада кучли ва барқарор диққат бўлиб қолади.-

V. ДИҚҚАТНИНГ КУЧИ ВА БАРҚАРОРЛИГ'ИНИ ТАЪМИН ЭТАДИГАН ШАРТ-ШАРОИТЛАР

Одам фаолиятининг барча турида, албатта, ниҳоятда кучли (энг кўп тўпланадиган) ва ниҳоятда барқарор диққатнинг аҳамияти жуда каттадир.

Диққатнинг кучли ва барқарор бўлиши бир қдтор шартларга: диққат объектининг мазмундорлигига, фаолиятга, иш <•

¹ И. П. Павлов. Полное, собрание сочинений, III том, 2-китоб, 335-бет.



43-расм,

бажарилаётган вазиятда, одамнинг рухий ҳолатига, иродасига ва кизиқишларига боғлиқдир.

Дикқат объектининг характери ва ишнинг мазмундорлиги: Дикқатнинг кучли ва барқарор бўлиши дикқат объектининг мазмундорлигига кўп жиҳатдан боғлиқдир. Дикқат объекти қанчалик мазмундор бўлса, **дикқат** ҳам шу қадар кучли ва барқарор бўлиши мумкин. Мазмунсиз нарсаларга дикқатни қаратиш ва тутиб туриш анча маҳрл иш. **Масалан**, бир **варақ** тоза қоғозга чизилган

доирага узок **вақт дикқат билан қараб** туриш ёки қимирламай турган нуқтага тикилиб қараб туриш анча қийиндир.

Шунингдек, тинимсиз бир хил баландликда ва бир хил куч билан чиқётган товушни анча муддатгача зшитиб туриш ҳам қийин (баъзан мумкин ҳам эмас). Бу сингари мазмунсиз нарсалар устида дикқатни тўхтатиб туришликка уриниб кўрсак, дикқатимиз ҳар 3—5 секунддан кейин бошқа нарсаларга чалғийди ёки тебраниб туради, яъни ҳар 3—5 секунд оралигида одам гоҳ кунт билан дикқат қилади, гоҳ дикқати сустрлашади бу икки ҳол биридан-иккинчисига ўтиб туради.

Дикқатнинг тебраниш ҳолатини, масалан, қуйидаги мисолда кўра оламиз. Агар кесик пирамиданинг расмига бир неча вэкт тикилиб қараб турсак (43-расм), бунда пирамидадаги кичик тўртбурчак гоҳ юқорига бўртиб, гоҳ ичкарига ботиб бўлиб кўринади.

Дикқатнинг шунга ўхшаш тебранишини жимжит шароитда чўнтак соатининг чиқиллашига қулоқ солиб кўрилганда кузатиш мумкин: соатнинг чиқиллаши гоҳ секинлашади, гоҳ тўхтаб қолади; гоҳ соат яна чиқиллай бошлайди. Идрок қилишдаги бундай ўзгаришлар — дикқат тебранишининг натижасидир. Дикқатнинг тебраниши, яъни кунт билан дикқат қилиш ва дикқатнинг сустрлашиши баъзан бир минут ичида 25—30 мартагача бўлади. Рус психолог* **Н. Н. Лангенинг** текширишларида кўрсатилишича, дикқат ТГ^Зеекундгача, купи билан 12 секундгача тебранмай тура олади. Одам чарчагая вақтида дикқат тебранишининг тезлиги ортади.

Аммо дикқат қаратиладиган нарсанинг мазмуни ҳар хил бўлса ва айниқса бу нарса ҳаракат қилиб турса, дикқат анча барқарор бўлади. Одам мазмундор ишга дикқат қилганида, унинг дикқати 15—20 минут ва ундан кўп вақт ҳеч бир нарсага бўлинмай ҳамда чалғимай тўхтаб тура олади. Дикқатнинг муттасил 20 минут қаратилгандан кейин бошқа ёққа бир неча секунд чалғиши ишнинг боришига деярли ёмон таъсир этмай-

ди. тЗунда оз-моз 2—3 секунд дам берилиши билан дикқат бир неча соат давомида барқарор туриши мумкин.

Шу билан бирга, иш қанчалик мазмунли бўлса, бу ишда хотира, хаёл ва фикрлаш процесслари қанчалик самарали ва хшЦа-хил бўлса, одамнинг шу ишга қаратилган дикқати шунчалик кучли ва барқарор бўлади. Идрок, эсга тушириш ва шунинг каби ҳиссий фаолиятларга нисбатан ташқи ҳаракатлар билан боғлиқ бўлган фаолиятларда дикқат кучли ҳамда барқарор тарзда намоён бўлади.

Иш шароити ва дикқати. Дикқатнинг кучи ва барқарорлиги бирор юмуш бажарилаётган ва одам идрок қилиб турган шароитга боғлиқдир.

Бу шароитда бирон-бир нарса одам дикқатини беихтиёр равишда жалб қилса, дикқатнинг барқарорлигига ҳалал етиши, дикқат кучи эса заифлашиши мумкин. Масалан, синфнинг эшиги очилиб-ёпилиб турса, синфда икки-уч ўқувчи гаплашиб утирса ёки коридорда тўполон бўлиб турса ва шунга ўхшаш ҳолларда ўқув иши процессида дикқатнинг барқарорлигига ҳалал етади ва дикқат кучи заифлашади. Шунингдек, синф доскасидаги муайян дарсга бевосита алоқаси бўлмаган ҳар хил ёзувлар, расмлар ҳам дикқатни чалғитади. Буларнинг ҳаммаси ўқувчиларнинг зарур нарсаларга қаратилган дикқатини бўшаштирадиган иккинчи даражали таъсиротлардир,

Албатта, дикқатни сира чалғитмайдиган шароит кам учрайди. Фабрика ва завод цехларидаги машиналарнинг шовқин-суронлари орасида гоҳатда кучли ва барқарор дикқатни талаб қилувчи ишни бажаришга тўғри келади. Бундай шароитда дикқатнинг тўпланиши ва барқарорлигини сақлаб туриш учун уни чалғитадиган кўзғовчилар таъсирини енгишга тўғри келади. Дикқатнинг кучсизлиги, унинг бекарорлиги, жумладан, одам дикқатини чалғитувчи кўзғовчилар таъсирини енга олмаслигида кўринади.

Яна шу нарсани ҳам кўзда тутиш керакки, ҳар қандай ўзга кўзғовчилар дикқатнинг кучи ва барқарорлигига ҳамма вақт ҳам ёмон таъсир қилавермайдилар. Жуда кўп ҳолларда унчалик кучли бўлмаган иккинчи даражали кўзғовчининг тўхтовсиз бир текисда таъсир этиб туришини биз пайқаймаймиз. Бундай кўзғовчининг таъсири дикқатимизни чалғитмайди ҳамда унинг кучи ва барқарорлигини бузмайди. Масалан, биз китоб ўқиб ёки ҳикоя эшитиб турган пайтимизда соатнинг чиқиллашини, ўзимиз тушиб кетаётган трамвай ёки поезднинг шовқинини пайқаймаймиз. Маълумки, мана шундай йккинчи даражали кўзғовчилар баъзан, ҳаттоки дикқатимизни кучайтиради., Баъзи вақтда шамолнинг овози, секин эшитилиб турган музыка садосининг таъсири остида бирон нарсани ўқир ёки фикр горитар эканмиз, бизда гоҳат тўпланган дикқат юз беради. Бундай ҳолат иккинчи даражали кўзғовчи таъсири билан

туғилган кўзғалишнинг диққат марказида турган нарса/дан келадиган кўзғалишга қўшилиши туфайли содир бўлса керак, лекин кўзғалишнинг бундай «кучайиши» иккинчи даражали кўзғовчи «сезилиб» туришига қарамай, унинг таъсири диққат марказида турган нарсанинг таъсирдан анчагина сует бўлгандагина юз бериши мумкин.

Хиссиёт ва диққат. Диққатнинг кучи ва барқарорлиги хиссиётга боғлиқ. Бу ерда хиссиётнинг роли икки турли — ижобий ва салбий бўлиши мумкин.

Хиссиёт диққат қаратилган нарса билан боғлиқ бўлган тақдирдагина диққат учун ижобий аҳамиятга эга бўлади: бундай хиссиёт канчалик кучли бўлса, диққат ҳам шунчалик кучли ва барқарор бўлади. (Ихтиёрсиз диққатнинг кучи ва барқарорлиги, асосан, хиссиётга боғлиқ). Кишининг фаолияти билан боғлиқ бўлган ҳислар, эмоциялар ҳам ихтиёрий диққатнинг кучи ва барқарорлигини мустаҳкамлайди ва зўрайтиради. Билиш ва амалий фаолият процессида кишининг онги тобора кўпроқ янги нарсалар билан бойиб борар, билмаган ва оз билган нарсаларини билиб борар экан, диққатнинг тўпланиши ва барқарорлиги ҳам ортиб боради. Янгиликни сезиш хисси кишининг билиш фаолиятини кучайтиради, активлаштиради, шу билан бирга, диққатнинг кучини ва барқарорлигини мустаҳкамлайди.

Диққатнинг кучи ва барқарорлигига кишининг айна пайтдаги умумий кайфияти ҳам таъсир қилади. Яхши кайфият ҳар қандай ишда диққатимизнинг кучини оширади.

Диққат объектдан бўлак сабаблар туфайли кўзғалган туйғу-хиссиёт диққатнинг кучи ва барқарорлигига салбий таъсир қилади. Бундай туйғу-ҳислар диққатни чалғитади ва кучсизлантиради ҳамда унинг барқарорлигини бузади. Масалан, қўшни синфдаги музика ёки ашула овози туфайли туғилган хиссиёт ўқувчиларнинг дарсга қаратилган диққатларини бўшаштиради.

Ирода ва диққат! Ихтиёрий (иродавий) диққатнинг кучи ирода кучи билан сақлаб турилади. Кўпинча, ихтиёрсиз диққатнинг барқарорлиги ҳам фаолият процессида ироданинг зўри билан ушлаб турилади. Шунинг учун ирода, асосан, диққатда кўринади, — деса бўлади". Агарда киши диққатли бўлишни хохлаб, бунинг учун зўр берса, диққат кучли ва барқарор бўлади; бунда киши ихтиёрсиз равишда пайдо бўладиган ва диққатнинг объектга муносабати бўлмаган таассуротлар, тасаввурлар, фикр ва хиссиётларни сиқиб чиқариш ва йўқ қилиб юбориш учун зўр ҳаракат қилади.

Ироданинг ишга солинишида кишининг бир мақсадга интилиши, унинг ишга шайланиб, ҳозирлашиб туриши катта аҳамиятга эгадир. Шунинг учун, кучли ва барқарор диққат ҳосил қилишда маълум ишга мойиллик ва тайёр бўлишлик

катта роль ўйнайди. Бу ишга шайланиш, йўл тутишдир. Чунончи, агарда ўқувчи уй вазифасини тайёрлашга шайланса, ўкиш ишига ҳафсала қўйса, унинг диққати бутун иш давомида унчалик зўр беришни талаб қилмайди. Шунинг билан бир вақтда, унинг диққати кучлироқ ва барқарорроқ бўлади.

Диққатнинг ғоят даражада мужассамлигини ва барқарорлигини сақлаб туриш учун кишининг ишга мувофиқлашиши, ишлашга одатланиб қолганлиги катта аҳамиятга эгадир. Маълумки, деярли ҳар қандай иш бошда қийинчиликлар билан боғлиқ бўлади, кишидан алоҳида куч билан зўр беришликни талаб қилади. Биронта янги ишнинг бошланишида унга царата бирдангина диққатни тўплаш қийин бўлади. Биз, кўпинча, ўзимизни маълум бир иш билан «шуғулланишга» мажбур қиламиз, масалан, фаннинг биз учун қандайдир янги бўлган соҳаси бўйича китобларни системали равишда ўқиймиз. Бундай ҳолларда диққатимизни тўплаш учун, кўпинча, анчагина зўр беришга, кўп куч сарф қилишга тўғри келади. Лекин, маълум бир вақт давомида, айнан бир шароит ва айна бир вақт ичида маълум иш билан шуғулланар эканмиз, натижада бундай ишга ўрганиб қоламиз. Масалан, китоб билан ишлашни олсак, унда ўрганиб қолган шароитимизда столга ҳамма вақтдагидек жойлашиб ўтириб олишимиз биланок айтарли зўр бермай ва унчалик куч сарф қилмай ўқий бошлаймиз. Фаолиятнинг бошқа турларида ҳам диққат бериб туриш учун бизда ҳосил бўлган одатлар худди шундай аҳамиятга эгадирлар.

Шундай йўл билан биз учун мисли одат бўлиб қолган диққат, яъни маълум бир ташқи ифодага эга бўлган ва организмнинг айна иш шароитига одатланиб кўникиши туфайли доимо ишга тайёр диққат ҳосил бўлади.

Бундай диққат психологияда, бошқача қилиб айтганда одат бўлиб қолган диққат деб аталади.

Бундай одат бўлиб қолган диққатнинг ҳосил бўлишида ишдаги саранжомлик, жумладан, маълум иш жойининг тайин бўлишлиги, муайян иш ишнинг маълум режа билан қилиниши (ўқиш машғулотларининг қатъий жадвалига риоя қилиниши), меҳнат асбобларининг ва материалларининг жой-жойида бўлиши катта аҳамиятга эгадир. Мактабда партадаги ўринни тез-тез алмаштириб туриш, уйда доимий иш жойининг бўлмаслиги — буларнинг ҳаммаси ўқувчининг диққатига салбий таъсир қилади.

Одат бўлиб қолган диққат ишда саранжомлик бўлиши учун жуда муҳимдир. Биздаги одатлар машқ натижасида ҳосил бўлади. Шунинг учун, кучли ва барқарор диққат ҳам машқнинг маҳсулидир.

Қизиқишлар ва диққат. «Диққатнинг тўпланиши ва барқарорлигини сақлаб туришда кишининг қизиқишлари катта

ахамиятга эгадир. Ихтиёрсиз диққатнинг барқарорлиги, асосан, кишининг айна фаолиятига бевосита қизиқишига, иштиёқига боғлиқ. Бевосита қизиқиш — бу айна иш процессининг, иш-харакатларнинг ўзига, иш усулларига бўлган қизиқишдир»

Ихтиёрий диққатнинг кучи ва барқарорлиги, асосан востали қизиқишга, яъни фаолиятнинг мақсади, ишнинг, натижаси билан қизиқишга боғлиқ. Ихтиёрий диққат асосида Қилинадиган иш процессининг ўзи зўр беришни талаб қилиши туфайли нохуш бўлиши мумин. Бундай иш давомида диққатнинг тўпланиши ва барқарорлиги эришилган мақсадни, иш натижаларининг зарурлиги ва ахамиятини англаш орқали сақлаб турилади. Совет кишиларининг қизиқишлари уларнинг асосий ва ҳаётий мақсадлари — коммунистик жамият қуришга интилишлари билан ажралмас боғлиқдир. Совет кишиси ўз фаолиятини коммунизм жамиятини қуриш учун барча совет халқи томонидан олиб борилаётган ғоят катта ишнинг бир қисми деб билади. Бундай мақсадларни англаш ўз иши процессида совет кишиси диққатининг ғоят даражада тўпланиши ва барқарорлигини таъмин этувчи энг муҳим шартлардандир,

VI. ДИҚҚАТНИНГ ТАРАҚҚИЙСИ

* Болалар диққати жуда эрта — ҳаётларининг биринчи ойларидаёқ кўрина бошлайди. Даставвал ихтиёрсиз диққат намён бўлади. Бола ўз диққатини бирон жиҳати билан — ранг-баранглиги, оҳангдорлиги, х^аР^{ақатчанлиги} билан ажралиб турувчи маълум бир нарсаларга (товушларга ва шунинг қабиларга) қаратади. Болаларнинг ёшлари улгайган сари, ўйин фаолиятлари давомида, тарбия таъсири билан **ихтиёрсиз диққатлари** тараққий қила боради. Ихтиёрсиз диққатнинг тараққийси ўсиб бораётган хиссиёт, эҳтиёж ва қизиқишлар билан боғлиқдир. Ихтиёрсиз диққатнинг тараққийси шундан иборатки, бунда ихтиёрсиз диққатни туғдирувчи нарсалар доираси орта боради. Бундан ташқари, ихтиёрсиз диққат анчагина кучли ва барқарор бўла борадил

Ихтиёрсиз диққат инсон фаолиятининг барча турларида катта ўрин олади. Жумладан, ихтиёрсиз диққат ўқиш процессида катта ахамиятга эгадир. Ихтиёрсиз диққат ўқиш материални ўзлаштиришни енгиллаштиради ва ўқувчиларни унчалик толиқтирмайди. Бундай материал енгил ва кўпинча жуда пухта ўзлаштирилади. Шунинг учун, ўқиш процессида ўқувчиларнинг ихтиёрсиз диққатларидан мумкин ҳадар фойдаланиш лозим. Уқитишнинг кўргазмали за жонли бўлиши, ўқиш материални ўқувчилардаги бор билимлар билан боғ-

лаб, бевосита қизиқарли қилиб бериш ихтиёрсиз диққатни сақлаб туришга ёрдам беради.

Лекин ўқиш процессининг ҳаммаси Ини фақатгина ихтиёрсиз диққат асосида олиб бориш ярамайди.

«Бироқ пассив диққатнинг бир ўзи кифоя қилмайди, хатто унинг жуда эрта ва ҳаддан ташқари Тез 'ҳамда актив диққатнинг ёрдамисиз ўсиши бир хил/рухий дардга айланиб кетиши мумкин. Бунда рух кучсизланиб, ялқовланиб, хамиша. қизиқ-қизиқ ҳикоялар ёки қизиқ-қизиқ китоблар билан таъсирланиб туришни талаб қиладиган бўлиб қолади»¹.

Таълим ва умуман инсон фаолиятининг барча турлари, асосан ихтиёрий диққат билан амалга оширилади..

'«Ихтиёрий диққат ихтиёрсиз диққат асосида ўсиб боради. Ихтиёрий диққат ёш улгайиши билан, инсон фаолияти давомида ва асосан тарбиянинг таъсири. остида ўсиб боради..

Дастлаб катта кишилар болаларнинг диққатини бирон бир' насага қаратадилар. Одатда, болаларга шундай дейдилар: «бу ёққа қара», «менинг гапимни эшит», «ашулага қулоқ сол» ва шунинг қабилар. Катталар томонидан қаратиладиган мана шу тарздаги ихтиёрий диққат боланинг икки ёшга қадам кўйиши биланоқ кўрина бошлайди. Бунда бола диққатининг тўпланишини ва бир қадар барқарорлигини сақлаб туриши учун ёшлик пайтидан бошлаб беихтиёр равишда ўзига жалб қиладиган кўзгатувчиларнинг таассуротини енгиллаштиришга келади. Катта кишилар болани тозалликка, тартибли-, Бикка, интизомли бўлишга ва жамият ичида яшаш қоидаларига ўргатадилар. Буларнинг ҳаммаси ихтиёрий диққатни тараққий қилдиради. Кейинчалик, 3—5 ёшлардан бошлаб, ихтиёрий диққат боланинг ўз ташаббуси билан х^{а.м} ўса бошлайди.

Боланинг мана шу ёшларида ва бутун бокча ёши даврида ихтиёрий диққатнинг ўсиб бориши учун ўйин жуда катта ахамиятга эга. Уйин пайтида болалар диққатларини бир жойга тўплаб, ўз ташаббуслари билан маълум мақсадларни илгари сурадилар. Маълум бир ўйин қоидаларини болаларнинг ўзлари танлаб оладилар, бунга ўз ҳаракатларини мослаштирадилар ва бир-бирларининг ҳаракатларини кузатиб борадилар. Мана шуларнинг х^{аммаси} Д^а фзқат ихтиёрсиз диққат эмас, балки болалардаги ихтиёрий диққат ҳам кўринади, бокча ёшидаги болаларда ихтиёрий диққатнинг ўсиб бориши учун уйин билан бир қаторда, уларнинг уйдаги ишларнинг баъзи бирларида қатнашишлари, жумладан, ўзларига тегишли ишларни ўзлари бажаришлари катта ахамиятга эга.

Болалардаги ихтиёрий диққат, мактаб ёшидан бошлаб,

¹ К. Д. Ушинский, Избранные педагогические сочинения, II том, Учпедгиз, 1939, 171-бет.

хусусан тез ўса бошлайди. Уқиш ишида — дарсни эшитиш, китоб ўқиш, масалаларни ечишда, асосан, ихтиёрий диккат талаб қилинади. Шунинг билан бирга, ўқиш процессининг ўзя ихтиёрий диккатнинг ҳамда унинг тўпланиши ва барқарорлигининг ўсишига ёрдам беради.'

Болаларда ихтиёрий диккат билан ишлаш қобилиятини ўстириб бориш махсус тарбия вазифаларидан биридир. Мактабда таълим-тарбия ишлари соҳасидаги вазифаларга, жумладан, ўқувчилар иродаси ва интизомини тарбиялаш билан боғлиқ бўлган ихтиёрий диккатни тарбиялаш вазифаси ҳам киради.

• Болаларнинг ёшлари улгайган сари, диккатнинг айрим сифатлари, унинг кўлами, кўчувчанлиги, бўлинувчанлиги, кучи ва барқарорлиги ўса боради.

Болаларнинг диккати аввало кўламнинг торлиги, бир нарсадан иккинчи нарсага секинлик билан кўчиши ва зўрға бўлиниши билан ажралиб туради. Бир ёшгача бўлган болаларда биз, фақатгина жуда тор концентрациялашган диккатни кўришимиз мумкин. Масалан, агар бир кўлида олма ушлаб турган боланинг иккинчи кўлига ҳам олма берсак, у пайтда иккинчи олмани олиши биланоқ, аввалги ушлаб турган олмасини ташлаб юборади. Демак, бунда боланинг диккати ўз кўлида ушлаб турган иккита нарсага ҳам тақсимлана олмайди. Кейинчалик диккатнинг бўлинувчанлиги катталар ёрдами билан болаларнинг ўйин фаолиятларида, ўқиш процессида ва амалий меҳнат жараёнида ўсиб боради.

Болаларнинг ёшлари улгайган сари, диккатнинг кучи вар барқарорлиги ўса боради. Диккатнинг бу хусусиятлари болаларнинг ўйин фаолиятларида, меҳнатда ва асосан ўқиш процессида усади.'

Уқиш процесси учун диккатнинг маълум даражада кучли ва барқарор бўлишлиги талаб қилинади. Диккат барқарорлигининг ўсишига болалар онгининг мазмунан бойиши ва, хусусан, улар тафаккурининг ўсиши катта ёрдам беради.

Мактабгача тарбия ёшидаги болалар диккатининг кучи ва барқарорлиги уларнинг табиатидаги хиссиётчанлик билан кўп жиҳатдан боғлиқ. Бу ёшдаги болаларнинг хиссиётлари давомли ва барқарор бўлмаганидек, уларнинг диккатлари ҳам айтарли барқарор бўлмайди. Лекин болаларнинг хиссиётлари кўпинча жуда кучли бўлади. Шунинг учун уларнинг диккатлари, гарчи қисқа вақт ичида давом этса ҳам, кучли бўлади.

Мактаб ёшидаги болаларнинг хиссиётлари анчагина барқарор бўла бошлайди. Шунинг учун педагог ўқиш материалини хиссий моментлар билан бойитар экан, бунинг билан диккатнинг барқарорлиги ва кучини сақлаб туришга ёрдам беради.

Ирода диккатнинг барқарорлигини ва кучини сақлаб турвучи асосий фактордир. Шунинг учун диккатга дойр бу сифатларнинг кейинги тараққиёти ҳам ироданинг тараққиёти билан боғлиқдир.

XI БОБ

ХИССИЁТ (ЭМОЦИЯЛАР)¹

I. ХИССИЁТ ТУҒРИСИДА УМУМИЙ ТУШУНЧА

Киши бирор нимани идрок ва тасаввур қилганида, эслаб бўлганида ва эсга туширганида, фикр қилганида ва гапирганида ҳамда ҳаракат қилганида бирор ёқимли (хуш) ёки ёқимсиз (нох'уш) ҳолатни кечиради, бу ҳолат хузур қилиш ёки ранжишдан, маза қилиш ёки қийналишдан иборат бўлади. Бу кечинмаларда одамнинг ўз теварак-атрофидаги нарсаларга (ходисаларга), одамларга ва ўзига нисбатан субъектив муносабати ифодаланади. Ёқимли ёки ёқимсиз кечинма хиссиётимизнинг (эмоцияларимизнинг) биринчи белгиси ва эдементидир.

Вокеликнинг айрим ходисалари кишини қувонтиради, айрим ходисалар хафа қилади; баъзи ходисаларга киши қойил қолади, баъзи ходисалардан газабланади, одам баъзи ходисаларни кўриб жаҳли чиқади, баъзиларидан кўрқади. Хурсандлик, хафалик, қойил бўлиш, газабланиш, қаҳр, кўркув ва шу кабиларнинг ҳаммаси эмоционал кечинмаларнинг хилма-хил турларидир, одамнинг вокеликка бўлган турли субъектив муносабатидир, одамнинг ўзига таъсир қилаётган ва унинг ўзи таъсир қилаётган нарсалардан туғиладиган кечинмалардир.

Ёқимли кечинмаларда одамнинг вокеликдаги айрим нарсаларга, ходисаларга ва ўзига нисбатан ижобий муносабати ифодаланади, ёқимсиз кечинмаларда эса бунга одамнинг салбий муносабати ифодаланади. Шунинг учун ҳам субъектив кечинмалардан иборат бўлган хиссиётлар **ижобий ва салбий хиссиётлар** деб ажратилади. Лекин хиссиётлар ёқимли ёки ёқимсиз субъектив кечинмалар бўлиш жиҳатидангина эмас, шу билан бирга объектив, социал аҳамиятлари жиҳатидан ҳам ижобий ва салбий хиссиётлар деб фарқ қилинади. Хиссиётларга шахсий нуқтаи назардан бериладиган баҳо билан социал нуқтаи назардан бериладиган баҳо хаамиша бир-

¹ Биз хиссиёт ва эмоция деган терминларни айна бир маънода ишйатамиз.

бирига мувофиқ бўлавермайди. Субъектив равишда нохуш, кишини ранжитадиган кечинмалар тарикасидаги кўпгина хиссиётлар, социал нуктаи назаридан қараганда, ижобий хиссиётлар ҳисобланади. Масалан, кишидаги уялиш ва виждон азоби ёқимсиз ва хатто қаттиқ азоб хисси билан кечиради. Лекин ижтимоий нуктаи назардан Қараганда, бу хислар юксак, ижобий ахлоқий хислардир. Ҳазаб ва қаҳр хисси ҳар бир кишида салбий, нохуш кечинма ҳрлатида ўтади. Аммо социал нуктаи назардан қараганда, бу хиссиёт нима сабабдан туғилганлигига ва нимага йўналганлигига қараб ижобий ёки салбий хиссиёт бўлиши мумкин. Агар бу хиссиётлар коммунистик ахлоқ принципларига "тўғри келмайдиган ноҳўя иш қилиб қўйган кишига нисбатан туғилган бўлса, бу хиссиёт ижобий-ахлоқий хиссиётдир. Аммо бу хиссиёт бирор шахсий норозилик сабабли, масалан, мажлисда қилинган ҳақли танқид сабабли туғилган бўлса, бундай хиссиёт совет кишига номуносиб, паст хиссиётдир.

Хиссиёт биз идрок қилаётган, тасаввур қилаётган ва фикр қилаётган ҳодисалар ва тасаввурлар, шунингдек, бизнинг ҳаракатларимиз ва қилиқларимиз таъсири билан туғилади. Нарсалар идрок, тасаввур ва фикр қилинаётганлиги учунгина бизда айрим туйғулар туғилиб қолмасдан, балки, асосан, бу нарсалар бизнинг эҳтиёжларимиз, манфаатларимиз билан маълум бир даражада боғланганлиги учун ҳам бизда турли туйғулар туғдиради. Биз идрок, тасаввур ва фикр қилаётган нарсалар бизнинг эҳтиёжларимизга ва манфаатларимизга алоқаси бўлмаган тақдирда бизда сезиларли хиссиётлар туғилмайди. Бундай нарсалар кўпинча эътиборимиздан четда қолаверади.

Шундай қилиб, хиссиётларнинг манбалари (ёки сабаблари), бир томондан, бизнинг онгимизда акс этаётган товаркатрофдаги воқеалик бўлса, иккинчи томондан, бизнинг эҳтиёжларимиздир.

Кўп ҳолларда эмоционал кечинмаларимизнинг мазмунига бизнинг интилишларимиз ҳам қиради. Интилишлар эса ҳамиша эҳтиёжни ифодалайди. Лекин хиссиётлар эҳтиёжлар сабабли пайдо бўлиши туфайли, интилишлар билан хиссиётлар бир-бирига «қўшилиб кетиб». битта туйғу, кечинма ҳолда намён булади, Бундай ҳолларда хиссиётлар, одатда, интилишларни туғдиради ёки мавжуд интилишларни кучайтиради, шунинг учун эҳтиёжларнинг ўзи ҳам актив кечинмалар бўлиб қолади. Хиссиётларнинг йўвалиши, активлиги интилишларда намён бўлади.

Шундай эмоционал ҳолатлар ҳам бўладики, бунда иштилоқ жуда суёт бўлади ёки бутунлай бўлмайди. Бу хил сама-, расиз, пассив хиссиётларни, одатда, сентименталлик деб атайдилар. Сентименталлик—ҳаракатсиз хиссиёт бўлиб;

одатда, фақат сўз билан чекланиб, оҳ-воҳлар қилиш, баъзан кўз ёши тўкишдан нарига бормайди.

I Хиссиётларнинг активлик даражаси кишидаги кўзғалиш ва кучланиш ҳолатида ёки тинчиш ва бўшашиш ҳолатида, ёки кишидаги ҳамма кучлар ғайратга кирган ҳолатда, ёхуд бу кучлар заифлашган ва бўшашган ҳолатда намён бўлади. Хиссиётларнинг мана шу активлик даражасига қараб, улар **стеник** ва астеник хиссиётларга бўлинади.

Кишининг ҳаётий фаолиятини оширадиган, ғайратини орттирадиган хиссиётлар **стеник** хиссиётлар деб аталади. Масалан, ниҳоятда хурсандлик, ғазабланиш хислари. **стеник** хиссиётлар қаторига қиради. Кишининг ҳаётий фаолиятини пасайтирадиган, ғайратини сусайтирадиган хиссиётлар **астеник** хиссиётлар деб аталади. Ғам, ғусса, маъюслик, афсусланиш каби хиссиётлар мана шундай астеник хиссиётлардир,

«Хис» деган термин кўпинча «сезги» деган термин билан бир маънода ишлатилади. Масалан, баъзан: «Мен ёруғликни хис қиламан, мен иссиқликни хис қиламан» дейиш ўрнига: «Мен ёруғлиКни сезяпман, мен иссиқликни сезяпман» деб ҳам айтишади. Шу вақтгача биз психологияда ҳам сезги органлари дейиш ўрнига хис қилиш органлари деб айтишга одуланиб қолганмиз.

Тезги билан хисни бир-бирдан фарқ қилмоқ керак. Сезги одамдан мустақил равишда мавжуд бўлади, у нарсалар ва ҳодисаларнинг инъикосидир, хиссиёт эса одамнинг шу нарсаларга ва ҳодисаларга муносабатини ифодаловчи туйғулар, кечинмалардир. Сезгилар бизга нарсалар ва ҳодисаларнинг ўзини билдиради, аммо хиссиёт эса одамнинг шу нарсаларга ва ҳодисаларга муносабатини, бу нарсалар ва ҳодисалар одамда қандай ҳолат туғдирганлигини (хуш ёки нохуш ҳолат туғдирганлигини) билдирадиГ

II. ХИССИЕТНИНГ ФИЗИОЛОГИК АСОСЛАРИ

Эмоционал кечинмалар организмдаги алоҳида физиология процесслар, ўзгаришлар билан боғлиқ эканлиги ҳар қанга тажрибада кўришиб турибди. Масалан, эмоционал кечинмалар чоғида қон айланиши ўзгаради, юрак уриши тезлашади ёки сусаяди. Бир хил эмоционал кечинмалар чоғида одам қизаради, бошқа бир хил эмоционал кечинмалар чоғида эса одам оқаради ёки бўзаради. Эмоционал процессларнинг юрак фаолиятидаги ўзгаришлар билан боғлиқ эканлиги шу қадар аён сезилиб турадики, хатто оддий тилда *«цис»* билан «юрак» деган сўз бир-бирига ухшаш маънода ишлатилади. Одатда, «юрагим орзиқиб кетди», «юрагим орқамга тортиб кетди», «юрагим ёрилай деди» деб гапирилганида, «юрак» сўзи билан кўриб кетиш, севиниш каби хислар ифодаланади.

Эмоционал кечинмалар вақтида нафас олиш ҳам ўзгаради: айрим кечинмалар вақтида нафас олиш тезлашади, айрим кечинмалар вақтида эса нафас олиш сусаяди. Шунингдек, овқат ҳазм қилиш процесслари ва ички секреция без-

ларининг фаолияти ҳам ўзгаради. Эмоционал процесслар бутун организмнинг фаолиятига таъсир қилади.

Одамдаги ҳиссиётнинг физиологии асоси аввало бош мия пўстида содир бўладиган процесслардир.

Бош мия пусти ҳиссиётларнинг кучини ва барқарорлигини идора қилиб туради. Буни шу билан исбот қилиш мумкинки, мия ярим шарлари олиб ташланган ҳайвонлар энг арзимас сабаблар билан муттасил ва шу билан бирга кучли равишда хаяжонга кела беради. Мия пусти заифлангани натижасида бет мускуллари фалаж бўлган кишилар ҳар хил нарсаларга ва ҳатто жуда арзимас нарсага ҳам хамиша ва қаттиқ кула берадилар. Бош мия пўстининг фаолияти бузилиши натижасида баъзи кишиларда ҳар хил таъсирот бу таъсиротга бутунлай мувофиқ бўлмаган тескари эмоционал аломатларни кўзга таъди — қулдиради ёки йиғлатади. Бундай ҳолларда бемор кишилар кўпинча ўзлари қулиб турса бар ҳам, аслида ғамгин бўладилар, кўз ёши тўқа туриб эса хурсандлик ҳис қиладилар.

И. П. Павлов таркиб топган динамик стереотип фаолиятидаги бузилишлар кўпгина ҳиссиётларнинг физиологик асоси эканлигини кўрсатиб ўтган. У динамик стереотипдаги бузилишларни кўп кузатиш натижасида чиқарилган хулосани таъкидлаб бундай деб ёзади: «Менинг фикримча, қатта мия ярим шарларидаги боя баён қилинган физиологик процессларни, одатда, ўзимизча субъектов тарзда, умуман ижобий ва салбий деб атайдиган *ҳисларга* мувофиқ келади, деб ўйлаш учун етарли асос бор... Булар қийинлик ва енгил тортиш ҳисси, тетиклик ва чарчаш ҳисси, мамнунлик ва норозилик суюниш, тантана ва умидсизлик ҳисси ва хоказо.

Менингча, кўпинча одатдаги турмуш тартибининг ўзгарган пай-Ғларида, одат бўлиб қолган биронта машғулот тўхтатилганида, яқин кишидан жудо бўлганда, ақлий изтироб чоғида, маслак ва эътиқодларда кескин бурилишлар рўй берган чоғда кечириладиган оғир ҳиссиётларнинг физиологик асоси худди эски динамик стереотипнинг ўзгариши, унинг йўқолиши ва янги динамик стереотипнинг қийинлик билан ҳосил бўлишидан иборат бўлса керак»¹.

Ҳиссиётлар бош мия пўстининг остки қисмлари фаолияти билан ҳам боғлангандир. Жумладан, кўриш бўртиги ҳисларни ифодаладиган ихтиёрсиз ҳаракатларнинг марказларидир. Буни шу билан исбот қилиш мумкинки, кўриш бўртигининг шикастланиши натижасида, ҳиссиётни ифодаловчи юз ҳаракатлари ҳам издан чиқади. Бош мия пўсти остидаги мар-

казлардан махрум бўлган ҳайвонларда ҳиссиётларни ифодаловчи ҳаракат белгилари бўлмайди.

Бош мия пўсти остидаги қисмларда вегетатив нерв системасини бошқарувчи марказлар бор. Бу марказлар эмоционал кечинмалар билан мустаҳкам боғлангандир.

Баъзи ҳиссиётлар вегетатив нерв системаси фаолиятининг ҳамда бу система бошқараётган органлар фаолиятининг ошиб кетганлиги сабабли туғилади. Шу сабабли, баъзи эмоционал кечинмалар вақтида кон айланиш органларининг фаолияти, овқат ҳазм қиладиган органлар фаолияти кучайганлигини, нафас олиш ўзгарганлигини, кўзнинг нурланишини, рангининг кизарганлигини кўрамиз ва хоказо. Бундай ҳолларда ички секреция безларининг фаолияти ошиб кетиб, улар нерв системасини озиклантирувчи ва қўзғатувчи керакли моддаларни организмга ажратиб беради. Бундай эмоционал ҳолат чоғда биз ғайратимиз ошиб кетганлигини сезамиз, ўзимизни бардам, ишчан ҳис қиламиз.

Аксинча, бошқа баъзи бир ҳиссиётлар вегетатив нерв системаси фаолиятининг ва шу система бошқараётган органлар фаолиятининг пасайиши сабабли туғилади. Қайғу, ғам, кўрқув сингари мана шундай салбий эмоциялар чоғида кон айланиш, овқат ҳазм қилиш, нафас олиш ўзгаради, кишининг ранги оқариб-бўзариб кетади, унинг кўзлари нурсизланади ва хоказо.

Баъзи салбий ҳиссиётлар, масалан, ғазаб, ваҳима баъзан вегетатив нерв системасининг фаолиятини ошириб юборади. Лекин бундай ҳолларда ҳам шу ҳиссиётларнинг салбий характери шу нарсада намоён бўладики, бундай ҳиссиётлар тугаши билан организм бўшашиб кетади, кишининг тинкаси қурийди, баъзан эса кишида алоҳида асабий бетоблик вужудга келади.

Биз ўзимиз сабабини англамаган эмоционал ҳолатнинг, яъни бизга сабаби маълум бўлмаган туйғуларнинг бизда туғилиши вегетатив нерв системасида ва бу система бошқарилган органларда бўладиган ўзгаришлар билан изоҳланади. Чунотчи, одамда баъзан бесабаб хушқачқаклик, бесабаб ҳавотирланиш, кўнгил ғашлик ва шу каби ҳолатлар пайдо бўлади.

Бирок шуни назарда тутиш керакки, вегетатив нерв системаси бош мия пусти билан боғланган бўлиб, одам организмда бўладиган вегетатив процессларнинг ҳаммаси бош мия пўстига бўйсунди. И. П. Павлов таълимотига кўра, нерв системасининг олий бўлими бўлган бош мия «баданда бўладиган моддаларнинг ҳаммасини идора қилиб туради». Бундан 410-бет!

чикдиган хулоса шуки, эмоционал кечинмаларнинг ҳаммаси бош мия пўстининг фаолияти билан маълум даражада боғлангандир.

Иккинчи сигнал системаси одамнинг эмоционал кечинмаларида катта роль ўйнайди. Иккинчи сигнал системасидаги боғланишлар инсоний олий хисларнинг — интеллектуал, ахлоқий, эстетик хисларнинг.— нерв-физиологик ассидир. Иккинчи сигнал системаси биринчи сигнал системаси билан узилмас равишда боғланганлиги ва шу орқали бош мия пусти остидаги қисмининг фаолиятига таъсир қилиб туриши сабабли, одам ўз хиссиётларини онгли равишда ўзи боншариб тура олади,

III. ХИССИЁТНИНГ ТАШҚИ ИФОДАЛАНИШИ

Психик процессларнинг ҳаммаси организмнинг ташқи ўзгаришларида ва ҳаракатларида маълум даражада ифодаланади. шЯ-екин одамнинг хиссиётлари айниқса яққол ифодаланади. иЗ^ционал кечинмалар организмнинг ташқи ўзгаришларшга шуқадар яққол аломатларда ифодаланадики, одатда, биз одамнинг ташқи кўринишига қараб унда қандай хиссиётлар юз бераётганлигини — у хурсандми, ёки хафами, ғазабланганми ёки бирор нимадан қўрқиб турганми, унда муҳаббат пайдо бўлганми ёки нафрат пайдо бўлганми, шодлик пайдо бўлганми ёки уялиш пайдо бўлганми, хуллас, мана шу хисларнинг кўпини айтиб бера оламиз. Ранг кўр, ҳол сўр, деган ҳикматли сўзнинг психологик маъноси бунга мисол бўла олади. Хиссиётларнинг ташқи аломатларини *ифодали ҳаракатлар* деб. аталади.]

Эмоционал кечинмалар аввало мускулларнинг ихтиёрсиз бўладиган ҳаракатларида ифодаланади. Ижобий хиссиётлар вақтида бу ҳаракатлар, одатда, шу хисларни туғдирган нарса томонга йўналган бўлади, салбий хиссиётлар вақтида эса бу ҳаракатлар шу хисларни туғдирган нарсдан тесқари томонга йўналган бўлади. Масалан, биз бир бадиий суратни кўриб ундан завқлансак, бизда ёқимли хис туғилади, шунинг учун беихтиёр шу суратга яқинлашамиз. Шунингдек, цалин дўстимиз билан тўсатдан учрашиб қрланимизда,. биз шу дўстимизга томон беихтиёр ҳаракат қиламиз, яъни унта яқин бориб қрлганлигимизни ўзимиз ҳам сезмай қоламиз.

Айрим салбий хиссиётлар вақтида бизнинг ҳаракатларимиз шу хисни туғдирган нарсдан четлашишга интилади. Бошқа. баъзи салбий хиссиётлар вақтида, масалан, ғазаб, нафрат хислари вақтида бизнинг ҳаракатларимиз шу эмоционал кечинмаларга сабаб бўлган нарса томонга йўналади. Бунинг сабаби шуки, бизда шу нарсани йўқ қилиш ёки унинг ҳаракатини бостириш ҳаракати туғилади ва биз шунга. ин-

тиламиз. Социалистик ватанимизнинг душманларига нисбатан биздаги ғазаб ва нафратнинг ижобий аҳамияти бор, чунки бу ғазаб ва нафрат душманни абжак қилиб ташлашга, нўқ. қилишга қаратилган эмоционал кечинмалардир.

Шизнинг эмоционал кечинмаларимиз мимикада, гавда ҳаракатларида ва имо-ишораларда айниқса яққол ифодаланади. Кишининг эмоционал кечинмалари физиологик процессларда ва йиғи қулги, бошқа шу қабиларда х^ам яққол намоён буладиГ]

Хиссиётларнинг ҳаракатларда, мимикада, гавда х^аракатида, имо-ишоралар ва маъноли кўз қарашларда, бошқа шу қабиларда мана шу тариқа ташқи ифодаланишларининг ҳаммаси суратга ва кинога олиш йўли билан қайд қилиниши мумкин.

Кишининг эмоционал кечинмалари унинг нутқида ҳам ифодаланади. Турли эмоционал кечинмалар вақтида нутқнинг тезлиги ўзгаради, кўпинча, нутқнинг синтаксис тузилиши бузилади, ритмика ва интонация ўзгаради. Утқазилган текширишлар шунини кўрсатдики, ғамгинлик ва маъюслик ҳасларини ифодаловчи нутқ вақтида шу нутқни сўзловчи кишининг овози беихтиёр пасайиб кетади, нутқнинг ўзи сусайиб қрлади, сўзлаётган кишининг товуши ҳам бўлиниб-бўлиниб чиқади. Хурсандлик ҳолатда бир нима сўзлаётган кишининг нутқида бунга бутунлай тесқари х^олат намоён бўлади. Турли эмоционал кечинмалар вақтида овознинг титраши (вибрацияси) ва унинг паст-баландлиги турлича ўзгаради.

.. Хиссиётларнинг мана шу ташқи ифодалари, одатда, ихтиёримиздан ташқари намоён бўлади. Шунинг ҳам айтиб ўтиш керакки, айрим хислар ўзига хос формада ифодаланади. Масалан, кўрқув вақтида кишининг кўз қррачиклари кенгайиб кетади, бадани қалтйрайди, юзи оқариб-бўзариб кетади. Хурсандлик хисси вақтида кишининг кўзи ярқираб кетади, юзида кизариш пайдо бўлади, ҳаракатлар тезлашади ва х^оказо.

Аммо одам ўзининг ифодали ҳаракатларини ўзгартириши мумкин: у баъзи ҳаракатларни тийиб туриши, баъзиларини эса қучайтириши мумкин. Одам сунбий равишда янги ифодали ҳаракатлар яратиши ва шу ифодали ҳаракатлар ёрдами билан ўзидаги эмоционал кечинмаларни тўлиқ ва хилма-хил қилиб очиб бериши мумкин.

Одам ўзининг мимикаси ва гавда ҳаракатини, шунингдек, товушини атайин чиройли қилиб кўрсатиши мумкин. У гарчи ўзи муайян хиссиётларни кечинмаётган бўлса ҳам, аммо шу хксссиётларни ифодалайдйган ҳаракатлар яратиши мумкин.

¹ Ибтидоий қулги, шунингдек, кўз ёши тўкиб йиғлашнинг ибтидоий кўринишлари баъзи кжсак гашкил топган хайвонларда—итларда, маймунларда ҳам бор.

Чунончи, артистлар сахнада ўз хисларини эмас, балки сунъий мимика, имо-ишоралар, нуткнинг интонацияси ва шу кабиларни яратиш йўли билан муайян ифодали ҳаракатларни тасвирлаб кўрсатишлари лозим бўлади. Ҳар бир киши ҳам ўз хиссиётларининг ташқи ифодаларини маълум даражада ўзгартириши мумкин.

Мана шу ўзгартириладиган ва янгидан вужудга келтириладиган ифодали ҳаракатлар, яъни эмоционал кечинмаларнинг ташқи аломатлари кишида мустақкам ўрнашиб қолиши, кўникма ва одатга айланиши, сўнгра эса хисларнинг табиий ифодаси тариқасида беихтиёр намоён бўлиши мумкин.

Ифодали ҳаракатларнинг аҳамияти. Дарвиннинг айтишича, ифодали ҳаракатлар одамнинг хайвон аждодлари яшаш учун кураш олиб борган вақтида максадга мувофиқ бўлган ҳаракатларнинг маълум даражада такрорланишидир. Бу ўз биологик аҳамиятини йўқотган, яъни рудиментар ҳаракатлар бир вақтлар инстинктив ҳаракатлар билан биргаликда намоён бўлган. Масалан, тишни гижирлатиш, бурун катакларининг керилиши ва каттик ғазаб вақтида қўлни мушт қилиш, Дарвиннинг фикрича, бир вақтлар жуда максадга мувофиқ бўлган, чунки одам аждодлари ғазабланиб, курашга тушган вақтларида ўз муштларини ва тишларини ишга солганлар.

Аммо ифодали ҳаракатларнинг сабабини бу тариқа изоҳлашни фақат қисмангина тўғри дейиш мумкин. Ифодали ҳаракатларнинг ҳаммасини фақат рудиментар, инстинктив ҳаракатлар деб бўлмайди.

Кишининг тарихий тараққиёти процессида унинг ифодали ҳаракатлари инстинктлар билан бўлган ўзининг илгариги боғланишини йўқотиб, бошқача вазифани — социал вазифани бажарадиган бўлиб қолган: одамларнинг социал алоқалари кўпинча мана шу ифодали ҳаракатлар воситаси билан бажарилади. Масалан, одам қандай хиссиёт кечириётганлигини биз унинг ифодали ҳаракатларидан билиб оламиз. Бир кишининг хислари ифодали ҳаракатлар орқали бошқа кишиларга ҳам кўчади. Шу тариқа **хайрихоҳлик** хисси вужудга келади, яъни хурсандлик ёки хафалик бир кишида тугилиши билан бу туйғу ифодали ҳаракатлар воситаси билан бошқа кишига ўтади. Айрим кишиларнинг кулгиси бошқаларнинг кулгисини кистатади. Шу тариқа биз бошқа кишиларнинг хиссиётлари, қалби ва онгининг «ичига қириб» олгандай бўламыз. Ифодали ҳаракатлар воситаси билан оммавий эмоционал ҳолат — кўпчилик ўртасида хурсандчилик, ваҳима ва шу сингари ҳолатлар вужудга келтирилади.

Ифодали ҳаракатлар ёрдами билан биз ўзимиздаги эмоционал кечинмаларнигина **бошқа** кишиларга ўтказиб қолмасдан, балки, шу билан бирга, **бошқа** кишиларда бошқача эмо-

ционал кечинмалар ҳам тугдиришимиз мумкин. Масалан, бир одамнинг ғазабга келиши ёки мардлик кўрсатиши бошқаларда кўрқув хиссини тугдириши мумкин. Бир кишининг кулгиси бошқаларда уялиш ва айрим кишиларда эса хижолат хисси тугдириши мумкин.

Шу тариқа ифодали ҳаракатлар бошқа одамларга таъсир ўтказиш воситаси бўлиб ҳам хизмат қилади.

Шу билан бирга, ифодали ҳаракатлар одамнинг ўз туйғуларига ҳам таъсир қилади. Бу ҳаракатлар шахсий туйғуларни кучайтиради . ёки сусайтиради. Масалан, артистнинг сунъий яратган ифодали ҳаракатлари шу артистнинг ўзида шу ҳаракатларга мое бўлиб тушадиган шахсий туйғу тугдириши мумкин.

Бу фактлар ифодали ҳаракатлар эмоционал кечинмаларнинг ташқи аломати бўлибгина қолмасдан, балки, шу билан бирга, ифодали ҳаракатлар шу кечинмалар билан табиий раёишда боғланганлигини ҳам кўрсатади. Демак, одамнинг ифодали ҳаракатларда намоён бўладиган туйғулари айни вақтда бу туйғуларнинг пайдо бўлиши, кучи жиҳатидан ҳам, ўзининг барқарорлиги жиҳатидан ҳам шу ҳаракатларга маълум даражада боғлиқ бўлади.

IV. ЭМОЦИОНАЛ ҲОЛАТЛАР ВА УЛАРНИНГ ТУРЛАРИ

Хиссиётлар пайдо бўлиш тезлиги, кучи ва давомийлиги (барқарорлиги) жиҳатидан бир-биридан фарқ қилади.

Хиссиётнинг пайдо бўлиш тезлиги. Эмоционал кечинмалар турли ҳолларда турлича тезлик билан пайдо бўлади. Баъзан хиссиётлар жуда тез, тўсатдан, дарҳол пайдо бўлади, масалан, киши бирдан хурсанд бўлиб кетади, дарҳол ғазабга келади, дарҳол аччиқланади ва ҳоказо. Лекин баъзан шу хиссиётларнинг ўзи дафъатан кўзғалмайди, балки аста-секин тугила бошлайди. Хурсандлик ҳам, ғазаб ҳам, кўрқув ҳам аста-секин кўзғалади. (Бундай ҳолатни биз «кўркканлиги» ёки «суюнганлиги дарров бидинмади» деб айтамыз.)

Лекин шундай эмоционал кечинмалар борки, уларнинг қай даражада тез пайдо бўлганлигини белгилаш қийин ёки бутунлай белгилаб бўлмайди. Масалан, биздаги кайфиятларнинг кўпчилиги шулар жумласига қиради.

Хиссиётнинг кучи. Эмоционал кечинмаларнинг кучи турлича бўлиши мумкин. Хиссиётнинг кучи аввало ёқимли ёки ёқимсиз туйғуларнинг нақадар кучли бўлишидадир. Шунинг учун ҳам «жуда хурсанд бўлдим», «унчалик ёқмади» ва шу каби иборалар ишлатилади. Субъектив жиҳатдан олганда, **хиссиётнинг** кучи шу хиссиётни шахнининг нақадар эҳтирос ила кечириётганлиги билан ҳам белгиланади,

Хиссиётнинг кучи интеллектуал (акл-идрок) процессларга ҳам сезиларли равишда таъсир қилади. Эмоционал кўзғалишнинг маълум бир даражасида интеллектуал процесслар кучаяди: идрок ва тасаввур яққрлроқ бўлади, тафаккур процесслари жадаллашади. Лекин баъзан — айникса кучли эмоционал кечинмалар вақтида — интеллектуал процесслар чекланади, сустлашади ва х^{атт}о акл-фаросат қочади. Одам ўз Хиссиётларини тийиб тура олмаган пайтларда кўпроқ, шундай бўлади. Пайдо бўлган тасаввурлар ва фикрлар тўхталиб қрлади ёки йўқолади, мантикий боғланишлар сусаяди, тафаккурнинг контроллик қилувчи, танкидий фаолияти бўшашади ёки бутунлай тўхтаб қолади. Одам мана шундай қаттиқ эмоционал изтироб ҳолатида қаттиқ хаяжонга тушган ёки х^{об}ликқан пайтларида кўпинча ножўя ишлар қилиб қўяди, мантиққа сизмайидиган, субъектив, ҳақсиз, ғаразли хулосалар чиқаради, энг оддий масалаларни ҳам хал қила олмай қийналиб қолади, ўз атрофидаги вазиятни яхши пайқай олмайди..

Агар кучли хиссиётларни бизнинг онгимиз бошқариб турса, бу хиссиётлар бизнинг принципларимиз туфайли туғилган бўлса, бундай кучли хиссиётлар ижобий ахамият касб қилади. Ифодаловчи ҳаракатларнинг мускул-ҳаракатлантирувчи соҳадаги ва нутқдаги энг сезиларли ўзгаришлар билан бирга кучайиши ёки кучсизланиши сиртдан қараганда х^{сс}ётларнинг кучи қай даражада эканлигини билдириб туради. Хиссиёт нақадар кучли бўлса, унинг сиртки кўриниши шу қадар ифодали бўлади.

Муайян нарсага зўр интилиш билан намоён бўладиган кучли хиссиётлар катта-катта тўсиқларни енга оладиган кучли ҳаракатларда ифодаланади.

Сенсор х^{исси}ётдан фарқи бўлган эмоционал х^{сс}ёт с и ё т хис-туйғулар пайдо бўлишининг тезлиги ва кучи билан белгиланади (353-бетга қаралсин).

Хис-туйғуларнинг барқарорлиги. Эмоционал кечинмалар қанчалик узоқ давом қилиши (барқарорлиги) билан ҳам бир-биридан фарқ қрлади. Пайдо бўлган кечинмалар узоқ, вақт давом қилса, бундай х^{сс}Уйғулар барқарор кечинмалар деб аталади. Хис-туйғулар пайдо бўлиши билан дарров сўниб қолса, ёки бошқа бирор эмоционал кечинмага тез ўтиб кетса, бундай х^{сс} туйғулар бекарор х^{сс}уйғулар деб аталади,

Хис-туйғуларнинг кучи ва барқарорлигини уларнинг чуқурлигидан фарқ қилмоқ керак. Хис-туйғуларнинг чуқурлиги, одатда, тасаввурлар ва фикрларнинг, шунингдек мана шу конкрет эмоционал кечинма сабабли пайдо бўлган ва шу кечинмаларга муайян бир маъно бераётган интилишларнинг хилма-хиллиги ва бойлиги билан белгиланади, Одамнинг эътиқрдлари, дунёқараши, қизиқишлари ва майл-

лари билан алоқадор тасаввурларга, фикрларга ва интилишларта бой бўлган х^{сс}уйғулар чуқур хис-туйғулардир. Чуқур хис-туйғулар ўтиб кетганидан кейин х^{сс}. одатда, уларнинг изи узоқ вақт сақланиб қрлади. Кўпинча тасодифий идрок қилишлар ва тасаввурлар билан боғлиқ бўлган бекарор хис-туйғулар, яъни «хавас» деб аталадиган хис-туйғулар чуқур бўлмайди. Бундай вақтинча х^{сс}Р> одатда, одамнинг хотирасида бирор сезиларли из қолдирмайди.

Хис-туйғуларни кўзғатувчи эмоцияларнинг хусусияти → пайдо бўлиш тезлиги, кучи ва барқарорлиги бир қанча сабабларга, яъни нерв системасининг х^{олатига} муайян пайтда пайдо бўлиб қрлган эҳтиёжларнинг кучига, шу хисларнинг пайдо бўлишига сабаб бўлган ходисаларнинг шахсий ва ижтимоий ахамиятини одам қай даражада англаганлигига, шу Хис-туйғулар пайдо бўлаётган ва ўтаётган вазиятга, шахснинг индивидуал хусусиятларига боғлиқдир.

ЎДиоларнинг айна вақтда нақадар тез, кучли ва барқарор бўлишига қараб, **эмоционал ҳаракатларнинг турлари** фарқ қилинади, Эмоционал ҳолатларнинг асосий турлари — кайфият, эхтирос, рухланиш ва аффектлардир[^]]

Кайфият

Кайфият и заиф ёки ўртача кучга эга бўлган ва, одатда, анча барқарор эмоционал ҳолатдир. Одамдаги баъзи бир кайфият бир неча кун, бир неча ҳафта, бир неча ой ва ундан ҳам кўпроқ давом қилиши мумкин. Қувноқ кайфият, маънос кайфият, ғамгинлик кайфияти, ғазаб кайфияти ва шу каби кайфиятлар, яхши ёки ёмон кайфиятлар бўлиб туриши ҳаммага маълум. Биз бирор кишидан, ахволларингиз қалай, деб сўраганимизда, биз, асосан, унинг кайфиятини назарда тутамиз.

Одамдаги турли кайфият турлича сабаблар туфайли туғилиши мумкин. Одамнинг шахсий ёки ижтимоий ҳаётида содир бўлган ва шу одам учун катта ахамиятга эга бўлган бирор воқеа мана шу хилдаги кайфиятнинг туғилишига сабаб бўлиши-мумкин. Бирор ишнинг муваффақиятли бажарилганлиги одамда бир неча кун давом қиладиган хурсандлик, шодлик кайфиятини туғдириши мумкин. Бирор ишнинг муваффақиятли бажарилганлигига мўътабар киши ёки муассаса томонидан берилган юксак баҳо одамнинг кайфини чоғ қилиб юборади, Ишдаги чатоқлик, муваффақиятсизлик, одамнинг қрлган ишига паст баҳо берилганлиги унинг руҳини тушириб юборади, унда маъносилик туғдиради, унинг ўз кучига ишончсизлик вужудга келтиради.

Одамдаги нерв системасининг х^{олати} ва умуман одам соғлигининг ҳолати одамда маълум бир кайфиятнинг туғилишига сабаб бўлиши мумкин. Баъзан киши ўзида муайян кай-

фият туғдирган сабаб нималигини англамайди. Бундай ҳодиса кўпинча организмнинг ҳолати, жумладан, нерв системасининг, ҳолати сабабли вужудга келади.

Одатда, муайян кишида у ёки бу хил кайфият устунлик қилиши мумкин. Одамда қай хилдаги кайфиятнинг устунлик қилганига қараб, биз баъзи кишиларни қувноқ, хушчақчақ, бардам кишилар деймиз, баъзи кишиларни эса гамгин, маъюс ски бепарво кишилар деймиз. Мана шундай устунлик қилган кайфият одам характерининг хислати бўлиб қолади.

Одамнинг барча психик процессларида ва фаолиятида кайфият катта роль ўйнайди. Тасаввурлар ва фикрларнинг ўтишидаги тезликка, шунингдек, тасаввур ва фикрларнинг мазмунига ҳамда йўналишига кайфият таъсир қилади. Одамдаги бошқа эмоционал кечинмаларнинг ҳаммасига кайфият, одатда ўзининг таъсирини ўтказиб туради, бу кечинмаларнинг, интилишларнинг ва ҳаракатларнинг активлигида шу кайфият ўзини кўрсатади. Масалан, одамнинг кайфи чоғ бўлса, у анча активрок. булади. одам маъюс бўлса, унчалик актив бўлмайди, Сдамнинг кайфияти унинг теварак-атрофдаги кишиларга ва нарсаларга муносабатига таъсир қилади. Чунончи, одам хурсанд бўлиб турганида унинг «ўзига ҳамма нарса яхши бўлиб кўринади, одам хафа ва маъюс бўлиб турганида, унинг кузига ҳамма нарса ёмон кўринади. Ижобий кайфият, хушчақчақлик ва хурсандлик кайфияти устун бўлиб турганида, одам вақтинча муваффақиятсизликларни ва хафагарчиликни ҳам осонлик билан ўтказиб юборади.

Одамзод онглидир, бинобарин, у салбий кайфият билан курашмоғи: маъюсликка, бўшангликка, сабабсиз тажангликка берилмаслиги мумкин ва лозим. Одамнинг ўзида ва бошқа кишиларда бардамлик, хурсандлик, хушчақчақлик кайфияти тугдира билиши унинг энг яхши хислатидир.

Одамнинг ўзидаги эътикод, маслак, қизиқиш ҳамда ўзи яшаб ва ишлаб турган вазият ундаги муайян кайфиятнинг давом эттирилиши учун катта аҳамиятга эгадир.

Еардамлик ва хушчақчақлик кайфияти совет кишиларининг асосий кайфиятидир. Совет кишида коммунистик маслак ва мақсад бордйғй, у"ўз меҳнатининг эркинлигини англаб ишлаётганлиги туфайли, унда мана шундай кайфият вужудга келади. Бизнинг мамлакатимизда ҳар бир киши ўзининг нима учун яшаётганлигини ва нима учун меҳнат қилаётганини билади. Масалан, Саратов областидаги колхозлардан бирининг раиси, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Ф. Головатий колхозчиларнинг кайфияти ўзгарганлиги тўғрисида қуйидагиларни айтади:

«Одамларимизнинг ишлаётганликларини кўриб мен кўпинча завкланаман. Улар омов кетидан судралиб машаққат тортаётгани йўк, балки бундан ййгирма йил муқаддам отини ҳам

эшитмаган машиналарни бошқармоқдалар. Укубатли меҳнатнинг йўлдоши бўлган ғам-ғуссани энди деҳқонларимизнинг чеҳрасида кўрмайсиз. Одамлар кадрларини ростлаб олдилар, инсон учун энг катта бахт бўлган эркин меҳнат қилиш бахти нималигини англаб, тушуниб олдилар».

Совет кишисининг кайфияти мана шундай бўлгач, у ҳар қандай кийинчиликларга қарши катъият билан курашишга ва шу кийинчиликларни кунт билан енгишга ҳамиша тайёрдир.

Эҳтирос

Эҳтирос ҳам узоқ давом қиладиган ва барқарор бўлган эмоционал ҳолатдир. Лекин кайфиятдан эҳтироснинг фарқи шуки, эҳтирос муайян ҳаракатга, муайян объектга мутгасил интилишда кучли\суратда ифодаланган кучли эмоционал ҳолатдир. Эҳтирос ҳамиша конкрет бир нарсага қаратилган бўлади. Масалан, одамларда билимга, ихтирочиликка, музыкага бўлган эҳтирос, меҳнатга бўлган эҳтирос мана шундай конкрет эҳтиросдир. Будар — илсобиий эҳтиросларга мисол бўла олади.

Бизнинг ахлоқимиз нуктаи назаридан қараганда, салбий эҳтирослар ҳам бор. Масалан, ичкиликбозликка, алкоғолга, киморга, картабозликка хирс кўйиш, пулпарастлик мана шундай салбий эҳтирослардир.

Ижобий эҳтирослар одамни улкан ижодий фаолият йўлига етакловчи кучдир.

«Эҳтирос,— дейди К. Маркс,— одамнинг ўз олдига қўйган мақсадига эришмоққа ғайрат билан интилишидан иборат бўлган зўр кучдир»¹,

К. Э. Циолковскийда космосга учиш масалаларини илмий жиҳатдан ишлаб чиқишга худди мана шундай катта эҳтирос бор эди. У бутун умр бўйи мана шундай эҳтирос билан яшади.

И. П. Павлов ёшларга ёзган ўзининг машҳур хатида илмий тадқиқот соҳасидаги эҳтироснинг улуғ аҳамияти борлигини кўрсатиб бундай деган эди: «Илм-фан одамдан кўп куч сарфлаб, зўр эҳтирос билан ишлашни талаб қилади. Узларингизнинг ишингизда ва қидиришларингизда эҳтиросли бўлингиз»²,

Рухланиш

Эмоционал ҳолатнинг бир тури бўлган рухланиш хилма-хил фаолиятларда намоён бўлади. Кишидаги рухланиш муайян мақсадга, муайян фаолиятга катта куч ва истак билан интилишдан иборатдир.

¹ К Маркс ва Ф. Энгельс, Асарлар, III том, 644-бет.

² И. П. Павлов, Избранные произведения, СССР Фанлар Академияси, 1949, 20- бет.

Фаолиятдан кузатилган мақсад равшан бўлганида ва бу фаолиятнинг натижаси очик кўришиб турганида ҳамда керакли, қимматли натижа эканлиги билиниб турганида бирданга ва тез рухланиш пайдо бўлиши мумкин. Фаолият жараёнининг ўзида шу фаолиятнинг қимматли ва ижтимоий аҳамиятли эканлиги аниқлашиб қолган ҳолларда ҳам бундай эмоционал ҳолат аста-секин вужудга келиши мумкин.

Рухланиш баъзан қисқа муддат, баъзан эса узоқ муддат давом этади. Рухланиш ижобий эмоционал ҳолатдир. Рухланиш фақат айрим кишининг ўзигагина хос ҳолат бўлмасдан, шу билан бирга, жуда кўп вақт бутун бир коллективга муштарак кечинма тарикасида ҳам намоён бўлади. Бир хилдаги вазиятда, битта фаолиятнинг ўзи билан шуғулланаётган вақтда, битта муайян идеяни амалга ошираётган вақтда бир кишида ёки бир гуруҳ одамларда пайдо бўлган рухланиш бошқа одамларга тез ўтиши мумкин.

Бундай ҳолларда шу тариқа рухланган одамлар қанчалик кўп бўлса, шу гуруҳдаги ҳар бир айрим кишида бу рухланиш хисси шунчалик кучли бўлади.

Инсон фаолиятининг ҳамма турларида ўзига хос рухланиш Еоке бўлиши мумкин: бундай фаолият жамият учун ва айрим шахе учун алоҳида аҳамиятга эга бўлган ҳолларда ҳам, фаолият натижалари ғоят мароқли бўлган ҳолларда ҳам одамларда мана шундай рухланиш пайдо бўлади. Бу эмоционал ҳолат одамларнинг ижодий фаолиятида айниқса тез-тез ва ғоят ёрқин намоён бўлади. Рухланиш — одамнинг ўзидаги энг яхши руҳий кучларнинг ҳаммасини сафарбар қилиши демасдир. Бу хис меҳнат ва ижодий фаолиятда муваффақият қозонишни ва душманга қарши курашда муваффақият қозонишни таъминлайдиган ҳал қилувчи факторларнинг биридир.

Социалистик қурилишнинг турли соҳаларида совет халкида оммавий рухланиш пайдо бўлганлигини кўрсатувчи мисоллар жуда кўп. Бундай оммавий рухланиш новаторларда, ишлаб чиқариш илғорларида айниқса яққол ифодалангани, буни ҳар бир киши яхши билади,

Аффектлар

Тез пайдо бўладиган, ниҳоят даражада кучли, ғоят жўшқинлик билан ўтадиган қисқа муддатли эмоционал ҳолатлар **аффектлар** деб айтилади. Масалан, бирданга аччиқланиш, ғазабланиш, тўсатдан кўрқиб ва шу каби ҳолатлар аффектларнинг бир кўринишидир. Аффектлар кўпинча тўсатдан пайдо бўлади ва баъзан атиги бир неча минут давом қилади, Аффект ҳолатида кишининг онги, тасаввур қилиш ва фикр қилиш қобилияти тораяди, сусайиб қолади. Мана шундай кучли эмоционал қўзғалиш шиддатли ҳаракатларда, тарғиб-

сиз гапларни гапириб юборишда, кўпинча, бақриб юбориш тарзида намоён бўлади. Аффектлар вақтида одамнинг ҳаракатлари қутилмаган тарзда, «портлаш» сингари, бирданга бошланиб кетади.

Баъзан аффектлар тормозланиш ҳолати тарикасида намоён бўлади ва бундай ҳолатда организм бўшашиб, ҳаракатсиз бўлиб ва шалвираб қолади. Чунончи, қутилмаган бир қувончли ҳолатни кўриб суюниб кетган киши «ўзини йўқотиб қўяди» ва «нима дейишини билмай қолади». Бундай ҳолат кўпинча одам бирданга кўрқанида, тўсатдан қувонганида, бирданга газабланганида ва шу каби ҳолларда айниқса яққол намоён бўлади.

Аффектлар кишининг иродаси бўшашган вақтда пайдо бўлади, аффектлар одамнинг ўзини тия олмаслигини, ўзини тута билмаслигини кўрсатадиган аломатдир. Аффект—эмоционал хатти-ҳаракатнинг ибтидоий формасидир.

Лекин ҳар бир киши ўзи етарли даражада онгли бўлганлиги учун, ўзида аффект пайдо бўлишига йўл қўймаслиги ёки аффект пайдо бўлиши биланоқ ўзини дарҳол босиб олиши мумкин. Одам аффект жуда зўр куч билан пайдо бўлган вақтда ҳам «ўзини тутиб қолиши» мумкин. Албатта, бунинг учун кишида кучли ирода бўлиши, унда ўзини тута билиш, ўзини тия билиш сингари ирода сифатлари мавжуд бўлиши керак. Одамда бу сифатлар тарбия ва ўз-ўзини тарбия қилиш йўли билан пайдо қилинади.

V. ОДАМ ҲИССИЁТЛАРИНИНГ МАЗМУНИ

Ёқимли ва ёқимсиз кечинмалар одамдаги ҳиссиётларнинг биринчи белгиси эканлиги юқорида айтиб ўтилган эди. Лекин ҳиссиётларни фақат шу кечинмалардангина иборат деб бўлмайди. Ҳар бир кишига маълумки, ёқимли ва ёқимсиз кечинмалар, завқланиш, ҳузур қилиш ёки завқланмаслик ҳолати турли ҳолларда кишида турлича ўтади. Одам ўзининг очлигини ёки чанқовини қондирганида ҳузур қилади, аммо шу одамнинг ўзи музика тингшаганида, дўстлари билан учрашганида, бирор маънавий завқ бағишлайдиган иш қилганида ва шу каби ҳолларда бошқача ҳузур қилади. Сувсаш одамда ёқимсиз бир хис туғдиради, лекин шу одам бирон қийин вазифани бажара олмай қолганида, унда бошқача бир ёқимсиз хис туғилади, аммо айни шу одам ахлоқ доирасига сигмайдиган бирон ёмон иш қилиб қўйганида ва бирор нарсадан ёки ишдан уялганида, ёждон азобим тушиб қолганида эса унда бутунлай бошқача ёқимсиз ҳо ҳо туғилади ва ҳоказо. Ҳиссиётларни бир-бирдан фарқ қиладиган мана шу хусусиятларнинг ҳаммаси ҳиссиётларнинг мазмунини ташкил қилади.

-. Ҳиссиётларнинг мазмуни, бир томондан, одамнинг эҳтиёжлари билан белгиланса, иккинчи томондан, шу ҳиссиётларнинг туғилишига сабаб бўлган фаолият ва идроклар, тасавурлар, фикрлар билан белгиланади.

Одамга аввало биологик (табиий) эҳтиёжлар хосдир, шу сабабли одамга биологик эҳтиёжлар билан боғлиқ бўлган ҳислар ҳам хосдир. Очликни, чанқашни ва тўйишни ҳис қилиш, соғлиқни, тетикликни, чарчашни ҳис қилиш, оғрикни ҳис қилиш, шунингдек организмнинг ҳолати ва фаолияти билан боғлиқ бўлган бошқа ҳислар ҳам мана шундай эҳтиёжларга боғлиқ (ижобий ва салбий) ҳислар жумласидандир.

Одамга тарихан ривожланган юксак ёки маънавий эҳтиёжлар хос бўлганлиги сабабли, бу эҳтиёжлар билан боғлиқ бўлган юксак ҳислар — интеллектуал, маънавий, эстетик ва бошқа шу каби ҳислар ҳам унга хосдир.

Юксак ҳислар туфайли одамнинг табиий (биологик) ҳислари ҳам маънавий тус олади деса бўлади: бу ҳислар интеллектуал ва ахлоқий ҳисларни ҳам, эстетик ҳисларни ҳам қисман ўз ичига олади, ҳатто органик, биологик эҳтиёжлар ва процесслар сабабли туғилган ҳиссиётларни — очлик ва тўйиш ҳисси, соғлиқ, касаллик ва чарчаш каби ҳисларни ҳам одам социал мавжудот сифатида, шахе сифатида кечиради.

«Очлик, албатта, очликдир,— деб ёзади К. Маркс,— аммо пиширилган гўшти пичок ва вилка ёрдами билан еб қондириладиган очлик бошқа-ю, хом гўшти қўл, тирноқ ва тиш ёрдами билан ямлаб ютишга мажбур қиладиган очлик бошқа-ча очликдир»¹.

Одамнинг бошқа органик эҳтиёжлари сингари очликни қондириши унинг маънавий ва эстетик ҳислари билан чамбарчас боғлангандир.

Одамнинг тарихий ривожланиш жараёнида унинг ҳиссиётлари ҳам ўзгараверади. Хузур қилиш ва ранжиш, севги, ғазаб ва нафрат, хурсандлик ва ғамгинлик сингари ҳислар ҳамма одамларга хос ҳислардир, албатта. Лекин шу ҳисларни кечинишга, сабаб бўладиган нарсаларнинг ҳаммаси, шу ҳислар йўналган нарсаларнинг ҳаммаси одамнинг ижтимоий турмуши билан белгиланади. Ишлаб чиқариш усуллари ўзгараверди, одамларнинг ишлаб чиқариш муносабатлари ўзгараверди, уларнинг қарашлари, уларнинг дунёқараши ўзгараверди, эҳтиёжлар ўзгара ва ривожланаверди, шулар билан бирликда одамларнинг ҳислари ҳам ўзгараверди.

Ижтимоий турмуш шароитида ҳиссиётларга ижобий ҳиссиётлар ва салбий ҳиссиётлар деб бериладиган баҳо ҳам ўзгарди. Энди бундай баҳолар фақат субъектив шахсий жи-

ҳатдан қарабгина берилмасдан, шу билан бирга объектив, социал қийматига қараб ҳам берилади.

Одамларнинг тарихий тараққиётида улардаги ҳисларнинг айрим турлари йўқола борган ва янги ҳислар пайдо бўлган. Аёвалан, синфеиз жамиятга ўтиш билан совет кишиларида мулкпарастлик ҳислари, майда-чуйда шахсий рашк қолиб бормоқда. Одамнинг энг юксак ҳислари — интеллектуал, маънавий, эстетик ҳислари бизнинг шароитимизда ўзгарди. Совет кишиларининг ўзаро муносабатларида ўртоқлик ва дўстлик ҳислари кенг ривожланди, меҳнатга муносабат ўзгарди, чунки меҳнат эҳтиёжни қондириш воситасидан ҳаётий эҳтиёжга айланди ва меҳнатнинг ўзи хилма-хил ижобий ҳисларни туғдирувчи манба бўлиб қолди, бизда янги ҳислар — совет ватанпарварлиги ҳисси, совет миллий ифтихори ҳисси, социалистик инсонпарварлик, гуманизм ҳисси пайдо бўлди.

VI. ИНТЕЛЛЕКТУАЛ ҲИСЛАР,

Одамнинг аклий фаолияти билан боғлиқ бўлган ҳислар интеллектуал ҳислар деб аталади. Билишга қизиқишлик, таажжубланиш ва ҳайрон қолиш ҳислари, ишонч, ишончсизлик ва шубҳаланиш ҳислари интеллектуал ҳислар қаторига қиради. Бундай ҳиссиётлар ҳар хил назарий ва амалий саволлар туғилганида, вазифа ва масалаларни ҳал қилиш чоғида, кашфиётлар, ихтиролар қилинаётган чоғда, бирор янгиликни ўзлаштириш ва билиш чоғида пайдо бўлади ва ҳис қилинади.

Интеллектуал ҳисларнинг баъзи бир айрим кўринишларида тўхталиб ўтамай.

Уринчоқлик. Бу ҳиснинг номидан кўриниб турибдики, бундай ҳис одамнинг билимларга ижобий муносабатида ифодаланади. Бирор соҳада ёки турли соҳаларда энг чуқур ва аниқ билим олишга интилишдан иборат бўлган бу ҳис жуда узоқ (айрим одамларда умрбод) давом этади. Уринчоқлик билишнинг турли йўллари ва воситаларини излашга (махсус адабиётларни ўқишга, радио ва телевидение эшиттиришларини, лекцияларни тинглашга, мутахассислар билан суҳбатлашишга, тажрибалар ўтказиб туришга) ҳамда шу йўллар ва воситалардан фойдаланишга рағбатлантиради. Айни вақтда бў мураккаб ҳислар олинган билимларнинг одамнинг ўзи учун ва бошқалар учун (жамият учун) нақадар ахамияти борлигини ижобий баҳолашга ёрдам беради.

Билишга қизиқиш уринчоқликнинг алоҳида бир туридир, баъзан бу икки термин (уринчоқлик ва билишга қизиқиш терминлари) ҳатто бир хил маънода ишлатилади. Билишга қизиқиш баъзан бирор нимадан хабардор бўлишга қучли интилиш тарикасида ва шуни билиб олгач, ундан мамнун бўлиш тарикасида намоён бўлади, Лекин бунда (билишга қизиқиш-

¹ К. Маркс ва Ф. Энгельс, Асарлар, XII том, 1-қисм, 182-бет.

завклантирмайдиган нутқ бизда ёқимсиз, салбий ҳис тўғди-
ради.

• Умуман, интеллектуал ҳиссиётлар ўзининг мураккаблиги на хилма-хиллиги билан фарқ қилади, зотан одамнинг ақлий фаолияти ҳам мураккаб ва хилма-хилдир.

Ч[^]Аш. МАЪНАВИЙ ҲИССИЕТЛАР / % Ъ

[_ Одамлар ўзлари яшаб турган жамият томонидан қабул қилинган ахлоқий принципларни адо этишлари ёки бузиш-лари сабабли одамларда пайдо бўладиган ҳислар *маънавий* ёки *ахлоқий* ҳислар деб аталади. Бу принциплар, шунингдек, одат қаторига кириб қолган ахлоқий нормалар ва қоидалар нималарни «яхши» ва «ёмон», нималарни «адолатли» ва «адо-
лътсиз», нимани «хақ» ва «ноҳақ» деб ҳисоблаш кераклигини белгилаб беради.

Одамларнинг ахлоқий қоидаларга ва қарашларга мувофиқ бўлган ҳаракатлари ва қилиқлари маънавий, ахлоқий ҳаракатлар ва қилиқлар деб ҳисобланади, шу ахлоқий қоидаларга ва қарашларга тўғри келмаган, шу қоидалар ва қарашларки бузадиган ҳаракатлар эса ахлоққа тўғри келмайдиган ҳаракатлар ёки ахлоқсизлик деб ҳисобланадиГ}

Одамларнинг ахлоқий нормалари, қоидалари ва қарашлари тарихан вужудга келган ва таракқий қилиб келган.

Синфий жамиятда ахлоқ ҳам синфийдир. Турли синфларнинг намояндаларида ахлоқ бир хилда бўлмаган ва бўлиши ҳам мумкин эмас. Ҳар бир синфнинг ўз ахлоқи бор; ахлоқий қарашлар ва тушунчалар ўзгариши билан одамларнинг ахлоқий ҳислари ҳам ўзгариб боради.

Коммунистик ахлоқ юксак ахлоқдир. Бу ахлоқ буржуа ахлоқидан тубдан фарқ қилади.

Ишлаб чиқариш қуроллари ва воситаларининг хусусий мулкчилиги буржуа ахлоқининг асосидир. Буржуа ахлоқи одамнинг одам томонидан эксплуатация қилинишини қонуний бир ҳол деб ҳисоблайди ва капиталистларнинг миллион-миллион меҳнаткашларни эзиб, уларга зулм қилишини оқлайди. Буржуа ахлоқининг нормалари ва қоидалари ҳукмрон синф намояндаларидаги ашаддий индивидуализм, эгоистик ҳисларнинг, бошқа кишиларга жирканиб қараб, уларни одам ўрнида қўрмаслик ҳисларининг манбаидир.

Коммунистик ахлоқ бутун меҳнаткаш инсониятнинг майфаатларини ва идеалларини ифодалайди. «Коммунизмни мустаҳкамлаш ва батамом қуриш учун курашиш,— деб таълим беради В. И. Ленин,— коммунистик ахлоқнинг асосидир»¹. Шу сабабли, янги, коммунистик жамиятни тез қуришга ёрдам

¹ В. И. Ленин, Асарлар, 31-том, 303-бет.

берадиган нарсаларнинг ҳаммаси коммунистик ахлоқ, нуктаи назаридан ахлоққа мувофиқ деб ҳисобланади.

Коммунистик ахлоқ принциплари марксизм-ленинизм дунёқараши билан чамбарчас боғланган, яна тўғриси унинг ажралмас қисмидир. ;

Коммунистик ахлоқ принциплари Совет Иттифоқи Коммунистик партиясининг тарихий XXII съездида қабул қилинган партия Программасида жуда аниқ ва равшан қилиб таърифлаб берилди. Бу принциплар Коммунизм қураётган совет кишиларининг ахлоқ кодексида. Ахлоқ кодекси баъми-соли шундай бир ойнадики, ҳар сафар одам унга қараб, ўзининг маънавий қиёфаси ва ўзининг айрим хатти-ҳаракатлари коммунистик ахлоқ талабларига қанчалик мувофиқ, эканлигига баҳо бериши мумкин.

Коммунистик ахлоқ талабларини бажариш совет киши-скнинг бурчидир, яъни ташқи мажбурият ёки буйруқ сабабли бажариладиган вазифа эмас, балки, аввало, ҳар бир совет кишисининг жамият олдидаги ва ўз олдидаги ахлоқий масъулият сабабли бажарилиши лозим бўлган вазифадир.

Дилга жо бўлган маънавий эътиқодлар таъсири остидагина қилинадиган ҳаракатлар *маънавий бурчнинг*- олий кўринишидир, бундай ҳолда мана-шундай ҳаракатлар қилиш киши-рўчун маънавий *эҳтиёж* бўлиб қолади.

Ахлоқ принципларини ёки айрим қоидаларини бажариш ёкибузиш одамларда хилма-хил ахлоқий ҳислар вужудга келтиради. Одамнинг бошқа одамларга муносабати, меҳнатга муносабати, айна ʼақтда ўз-ўзига ҳам муносабати мана шу ҳисларда. Ифодаланади.

Кишининг бошқа одамларга муносабатини ифодаловчи ҳислар

Кишининг бошқа одамларга муносабатини ифодайдиган Ҳислар жуда хилма-хилдир. Кишининг бошқа одамларни ёқтириш ёки ёқтирмаслик ҳислари, яъни ижобий ёки салбий муносабати мана шу ҳисларнинг асосий. бошланғич моменти-дир (ўзига хос элементидир).

Баъзан, айрим шахсларга *бепарво* муносабатда бўлинди, Деб ҳам айтилади. Ҳақиқатда эса бунда «бепарво» деган сўз, кўпинча, ёқтирмаслик ҳисларининг салкам ифодасидир.

Мана шу бошланғич эмоционал ҳислар асосида мураккаб, сермазмун ва кучли ҳислар — социалистик коллективизм, ўртоқлик ва дўстлик ҳислари, муҳаббат, рашқ, ёқтирмаслик, нафрат ҳислари, социалистик инсонпарварлик, ватанпарвар-Л'йк ҳислар пайдо бўлади.

Социалистик инсонпарварлик ҳисси совет кишиларининг ўзаро муносабатларида намоён бўлаётган асосий маънавий

хисдир. Бу хис ҳар бир меҳнаткаш кишининг кадр-киммати» ни иззат ва ҳурмат қилишда ифодаланади.

Ҳар бир меҳнаткаш кишининг турмуши ва фаровонлигига баҳо беришлар билан боғлиқ бўлган инсонпарварлик ҳисси совет кишиларининг бутун дунёда тинчлик учун олиб бораётган курашига асосланади.

«Киши — кишига дўст, ўртоқ ва биродар» деган юксак ахлоқий принцип, одамларнинг бир-бирларини ҳурматлаш принципи ҳрзир бизда ҳамма жойда турмушга сингиб бор* моқда.

Коллективизм ҳисси

Совет кишиларининг кечирадиган маънавий ҳиелари нукул индивидуал туйғулар, яъни совет кишисининг шахсий (ўз) хатти-ҳаракатига боғлиқ бўлган ҳислар билангина чекланиб қолмайди. Совет кишисидаги маънавий ҳисларнинг хусусияти шундан иборатки, бошқа кишиларнинг хатти-ҳаракати ахлоқ» ка мувофиқ бўлган тақдирда, у хурсанд бўлади, бу хатти-ҳаракатлар ахлоққа номувофиқ бўлганда ғазабланади.

Бир киши юксак маънавий хатти-ҳаракат қилганида шу коллективнинг ҳамма аъзоларидагина эмас, кўпинча, бутун совет халқида ҳам юксак маънавий қониқиш ва шодлик ҳислари туғилади.

Совет кишиларидаги коллективизм уларнинг бошқа одамларда туғилган ҳисларни ўзларидек хис қила билиш қобилият» ларида ифодаланади: совет кишиси бошқа кишиларга хайри» хоҳ бўлади, уларнинг хурсандлигига ҳам, ғам-ғуссасига ҳам шерик бўлади, бошқа кишиларнинг душманга ғазаби, нафратига шерик бўлади. Шу сабабли, коллектив турмушда одам» лар бир-бирларига. хайрихоҳ бўлганларида уларнинг хурсандликларига хурсандлик қўшилади, ғам-ғуссани биргаликда тортиб, бу билан уларнинг ғамлари ҳам, кулфатлари ҳам ен» гиллашади.

Мана шу хилма-хил ҳислар ва уларнинг роли коллектив» да — оилада, мактаб синфида, муассасада, корхона ва шу қабиларда айниқса яққол намоён бўлади.

Ҳозирги вақтда бизнинг мамлакатимизда коллективнинг янги формалари — коммунистик меҳнат бригадалари кенг ёйилди. Бу коллективларнинг аъзолари коммунистчасига яшаш ва ишлашни ўз олдларига вазифа қилиб қўймоқдалар.

«Бир киши ҳамма учун ва ҳамма бир киши учун», деган шнор совет коллективизмининг асосий шиоридир. Бу шиор коллектив аъзолари кечинаётган маънавий ҳисларнинг хусусиятларига ҳам асос бўлмоқда.

Коллективизм ҳислари шу коллектив ҳаётидаги ва фаолиятидаги умумийликни англашда, ўзаро ёрдамлашишда, ўзаро масъулиятни хис қилишда, бутун коллективнинг ва шу

коллективдаги ҳар бир аъзоинг фаровонлиги тўғрисида ғамхўрлик қилишда, шу коллектив олдида турган вазифаларни муваффақиятли бажариш истагида ифодаланади.

Коллективизм ва социалистик гуманизм ҳисси одамлар» нинг ўртоқлик ва дўстлик сингари ўзаро муносабатларида тағин ҳам ёрқинроқ намоён бўлади.

Ўртоқлик ва дўстлик ҳисси

М. И.-Калининнинг сўзи билан айтганда, ўртоқдйк ҳисси «жуда юксак социалистик хислатларнинг биридир». [Ўртоқлик ва дўстлик ҳисси кишиларнинг бир-бирига хайрихоҳ бўлиб бир-бирини ҳурмат қилишида ифодаланади. Бу ҳислар одам» ларнинг умумий меҳнат ва ўқиш фаолиятидаги ўзаро муноса» батларда туғилади ва намоён бўлади.

Ўртоқлик ва дўстлик муносабатлари, одатда, кишининг болалик чоғидан бошланади. Болалар бир-бирларига^ ўртоқдирлар, чунки улар бир-бирлари билан бир хилдаги ўйинлар» ни ўйнайдилар, бир хилдаги вазиятда бирга бўладилар ва шу сабабли уларда умумий кизиқиш туғилади. Улар бир-бирларини кўриб ва бир-бирларини эслаб шодландилар,

Мактабда ўқувчилар бир-бирларига ўртоқдирлар, чунки улар бир мактабда, бир синфда ўқийдилар, улар учун ўқитувчилар ҳам, дарсликлар ҳам умумийди^А Совет мактаби болаларда ўртоқлик ва дўстлик ҳисларини тарбиялаш соҳасида катта иш олиб бормоқда, совет мактаби болаларни бир-бирига, бир синфда ўқийдиган болаларни бошқа синфда ўқийдиган болалар билан ўртоқ, дўст қилиб тарбияламоқда. Комсомол ва пионер ташкилотлари совет мактабида ўқувчи болаларда шундай ҳисларни ўстиришда катта роль ўйнайди. |Мактаб ўқувчилари билимларни эгалламоқ учун биргаликда курашади. лар, бир-бирларининг муваффақиятлари ва муваффақиятсиз» ликлари учун шодлик ва қайғуриш ҳисларини бирга кечирадилар, бир-бирларига ўртоқларча ёрдамлашадилар. Шу тариқа, уларда ўртоқлик ва дўстлик ҳисси мустаҳкамланади. Мактабда вужудга келган ўртоқлик ҳисси кўпинча умрбод сақланиб қрладиТ]

Бир корхонда, бир колхозда, бир муассасада ишлаётган совет кишиларида ўртоқлик ҳисси вужудга келади. Партия ва ҳукумат ҳар қандай шароитда ишлаётган совет кишиларига ўзаро муносабатларида ўртоқлик ва дўстлик ҳисларини намоён қилишлари учун бутун шарт-шароитни яратиб берган.

Бизнинг Совет Иттифоқимизда дўстлик ҳислари айрим кишилар ўртасидаги муносабатлар доирасида чекланиб, қолмайди. Ленинча миллий сиёсат туфайли мамлакатимиздаги ҳамма халқлар ўртасида бўлган муносабатлар ҳам дўстлик ҳисларига асосланган.

Уртоқлик ва дўстлик хисларининг пайдо бўлишита аввало сабаб шуки, совет кишиларининг турмушга қарашлари бирдир, улар марксча-ленинча дунёқараш руҳида тарбияланиб келмоқдалар, уларнинг ижтимоий манфаатлари, истаклари ҳам бирдир, уларнинг мақсади коммунизм куриш, бутун дунёда тинчлик ўрнатишдир.

Бундан, ҳамма жихатдан бир-бирига ўхшаш бўлган одамлар орасидагина дўстлик бўлиши мумкин, деган маъно чиқмайди. Қобилияти турлича бўлган, турли касбдаги, турли маданий савиядаги одамлар ҳам бир-бирларига дўст бўлишлари мумкин. Лекин умумий қарашлари, умумий интилишлари бўлмаган кишиларнинг бир-бирлари билан дўст бўлишлари мумкин эмас.

Совет кишиларида- ўртоқлик ва дўстлик хислари коммунистик ахлоқ асосида, коммунистик жамият куришга қаратилган умумий вазифалар ва интилишларни англаш асосида тугилади.

Совет кишиларидаги ўртоқлик ва дўстлик хислари бир-бирларини муттасил қўллаб-қувватлашда, ўз ишларида бир-бирларига ёрдамлашиб ва қўмаклашиб туришларида намоён бўлади.

«Биз,— дейди В. И. Ленин,— «хар ким ўзини дейди, бир худо ҳаммани дейди» деган лаънати қоидани барҳам бериш учун... ишлаймиз. Биз секин-секин, лекин огишмай, коммунистик меҳнат ва коммунистик интизом киритиш мақсадида. «ҳамма бир кишини дейди ва бир киши ҳаммани дейди»... деган қоидани, одатни, оманинг онгига сингдириш, унинг кундалик ҳаётига киритиш учун ишлаймиз»¹.

В. И. Лениннинг бу қоидаси эндиликда совет кишиларининг ўртоқлик ва дўстлик хисларининг фаоллиги ва амалий натижа беришида кенг намоён бўлмоқда.

Биздаги заводларда, колхозларда, муассасаларда, мактабларда яхши ишлаётган ва айна вақтда ўз коллективи аъзоларига ёрдамлашиб, уларни яхши ишлашга ўргатаётган кишилар энг ҳурматли кишилар ва чинакам ўртоқ деб ҳисобланадилар. Орқада қолганларга ёрдамлашмоқ учун ўзининг кучини ва вақтини аямаган кишигина чин ўртоқ ва дўстдир. 3. Запорожец «Тинмай кўмир қазиймиз» деган ўзининг китобида бундай деб ёзади: «Биз ўзимизнинг аҳиллигимиз, ўзимизнинг дўстлигимиз билан кучлимиз. Агар сен хато қилиб қўйсанг, бу хатони коллектив дарров пайқаб, ўз вақтида тuzатади, агар сен қокилсанг, орқада қолсанг, коллектив сени қўллаб-қувватлайди, агар сен фидокорлик билан ҳалол меҳнат қилаётган бўлсанг, сени ҳаммадан баланд кўтаришади, бошқаларни сен билан тенглашишга даъват қилишади».

¹ В. И. Ленин, Асарлар, 3Б том, 115—116-бетлар.

\ Бизнинг ҳарбий қисмларимизда ўртоқлик ва дўстлик хислари бир-бирига ёрдамлашишда яққол ифодаланади. Бизнинг ҳарбий қисмларимизда Суворовнинг «Узинг ўлсанг ҳам, ўртоғингни қутқариб қол» деган қоидаси асло бузилмайди. Краюнодон қахрамонлари бўлган ёш гвардиячилар ўз умрларининг охириги дақиқаларигача ўзларига қараганда ўртоқлари тўғрисида кўпроқ ғамхўрлик қилиб турдилар. Улардаги мардликнинг манбаларидан бири шу эди.

Дўстинг кимлиги бошинга кулфат тушганида билинади, деб бежиз айтилмаган.

Совет кишиларидаги ўртоқлик ва дўстлик уларнинг бир-бирлари билан қилаётган муомалаларидаги ўзаро самимиятда, бир-бирларини тушуниб, иззат-ҳурмат қилишларида намоён бўлмоқда.

Дўст билан учрашиб, гаплашиб ва суҳбатлашиб, у билан бир қанча масалаларни бамаслаҳат ҳал қилиб олиш, бошинга бирор бахтсизлик тушганда дўстдан маслаҳат олиш ёки унинг хайрихўшлик билдириши, бирор иш ўнгидан келганида дўст билан бирликда қувониш, зарур бўлиб қолганида дўстдан бирор ёрдам олиш, дўстни бирор муҳим ишга тортиш кишига ҳузур ва нашъа бағишлайди.

Бир-бирига чинакам дўст бўлган кишилар бир-бирдан сир яширмайди. Баъзан кишида ўз кўнглини дўстига очиш, кўнглидаги ҳамма гапларни унга бирма-бир айтиб бериш эҳтиёжи тугилади. Дўстлар бир-бирларини «тушунишга» қобил бўлганларидагина улар бир-бирлари билан мана шундай дилкашлик қиладилар. Шу сабабли, киши ўз дўстига ўзи-ЕИНГ шубҳаларини ва ўзининг қилиб қўйган хатоларини ошқора айтиб беради, чунки ўзи нима демоқчи бўлганлигини дўсти тушуниб, шунга яраша маслаҳат беришини ва ёрдамлашувини билади, гарчи дўст киши бошқаларга қараганда қаттиқроқ қораласа ҳам, лекин шу хатоларни тuzатишга ёрдам беради, сени қўллаб-қувватлайди, мушкул аҳволдан қутулиш йўлларини ва воситаларини кўрсатиб беради. Совет кишиси ўз дўстларининг камчиликларини ва хатоларини яширмайди, бу камчиликларни кўрсатиб беради, бу камчиликларга баҳо беради. Совет кишиси ўз дўстининг ўсишига ёрдам беради, унда яхши, янги сифатлар пайдо бўлганлигини кўриб қувонади.

Дунёқарашнинг бирлиги, идеалларнинг бирлиги, умумий фаолият, ўзаро ёрдамлашиш ва бир-бирига бўлаётган муносабатлардаги самимият кучли, мустаҳкам ва барқарор ўртоқлик ва дўстлик хисларининг негизидир. К. Маркс билан Ф. Энгельснинг, В. И. Ленин билан Н. К. Крупскаянинг дўстлиги мана шундай дўстлик эди.

Уртоқлик ва дўстлик хисларида фаоллик ва амалий натижа бериш хусусияти жуда кучли бўлади. Бу хислар одам-

ларни бирлаштиради ва уларни қахрамонлик ва новаторлик қилишга руҳлантиради, одамнинг ғайратига ғайрат қўшади, меҳнат унумдорлигини оширишга ёрдам беради. В. П. Чкалов ўзининг Байдуков ва Беляков билан шахсий дўстлиги нақадар қимматли бўлганлигини таърифлаб, бундай деган эди: «Албатта, ҳар қайсимизнинг ҳам қўлимиздан ўзимизга яраша бирор иш келади, лекин биз ҳаммамиз биргалашсак, уч барабар эмас, балки ўн барабар кўпроқ ишни уддалай оламиз».

«Олти станокда» деган китобнинг автори токарь А. Кувшинова «Молодой дальневосточник» газетасига ёзган хатида совет коллективидаги улуғ ўртоқлик ҳисси тўғрисида, бу ҳис коллектив аъзоси бўлган ҳар бир кишининг кучига қандай қилиб куч қўшаётганлиги тўғрисида муфассал гапирган. У ўз турмушидан ибратли бир мисол келтириб, ўртоқларининг қўллаб-қувватлаши натижасида, уч ярим йил ичида икки беш йиллик нормасини бажарганлигини айтади.

Ўртоқлик ва дўстлик турмушимизни сермазmun, ёрқин ва завқли қилади. Дўстлик дунёқарашимизнинг ташкил топиши ва мустақамланишига ёрдам беради, ҳаётини идеалларимизни амалга оширишни енгиллаштиради, совет кишиларининг энг яхши ҳислатларини — инсоф, ростгўйлик ҳисларини, иш учун умумий жавобгарлик ҳиссини, ҳар қандай ёлғонга, мунофиқликка, икки юзламаликка мутлақо мурасасиз бўлиш, ҳиссини ўстиришга ёрдам беради,

Одамнинг меҳнатга муносабатини ифодаловчи ҳислар

Биздаги социалистик тузум шароитида меҳнат юксак маънавий аҳамиятга эга бўлиб қолди. Совет кишиси ўз фаолиятини ижтимоий бурчининг бажарилиши, ўз виждоний бурчининг бажарилиши деб билади. Шу сабабли, совет кишиси ҳар қандай ишни бажаришга ўзининг маънавий жавобгарлигини ҳис қилиб киришади. Бу ҳисни Комсомольск-Амурда ғишт терувчи бўлиб ишлаётган Н. Шчеглов равшан ва лўнда қилиб ифодалаб берди: «Биз янги иморатнинг ғиштини теришга киришган вақтимизда ўзимга ва ўртоқларимга: эҳти-мол, бу уйда одамлар коммунизм вақтида ҳам яшаса керак, деб айтаман. Бас, шундай экан, бу иморат қандай бўлиши керак? Шуйинг учун ҳам бу иморатни яшашга ўнғай, пишиқ, чиройли қилиб қуришга астойдил интиламан».

Одам ўз бурчини адо этаётганида алоҳида маънавий мамнуният ва хурсандлик ҳис қилади. Уша Н. Шчегловнинг ўзи бу ҳисларни қуйидагича тасвирлайди:

«Мен иморат қуришни яхши кўраман. Мен бу ишга ишқибозман. Янги иморат қурилмоқчи бўлган майдонга келга-

нимда шу иморат қуриладиган жой қуриқ-қуриқ ер бўлади. Сўнгра бирмунча вақт ўтганидан кейин қарасанг, иморат қад кўтариб қолганини кўрасан. Шу иморатдаги уйларга одамлар кўчиб киришади, деразалардан чироқлар кўриниб туради. Кўчадан ўтиб бораётиб, шу иморатга қараганингда хурсанд бўлганингдан юрагинг дуқуриб кетади. Баъзан, шу уйга кўчиб қирган кишиларнинг олдига кириб: «Қалай, оғай-нилар, иморатни қурган кишиларни унчалик қойимаяпсизми?»,— деб сўрайсан, киши».

Теварак-атрофдаги воқеликни ўзгартириб юборадиган меҳнат процессининг ўзи ҳам совет кишиларида маънавий мамнуният, хурсандлик ҳиссини туғдиради. Бу хусусда экскаватор механиги Иван Селиверстов деган йигит бундай дейди: «Ишлаб турганингда, ҳамма ишинг батартиб ва жойида бўлганида ва экскаваторнинг қовши ерга ботиб қираётганида, қазийтган еринг тобора кенгайиб ва чуқурлашиб бораётганида ишинг баракали бўлаётганини кўриб, вақтинг чоғ бўлади, киши».

Ўз бурчини яхши англаган илғор совет кишилари, одатда, ўо ишларини бажараётганларида бирор ғаразли, худбинлик мақсадларни кўзламайдилар. Совет кишилари жамият фойдасига бўладиган ишларни бажараётганларида юксак маънавий ҳисларга тўлиб-тошадилар ва шу тариқа турмуш гаштини сурадилар, буни ўзлари учун бахт деб биладилар. Шу жиҳатдан қараганда, донгдор бинокор-электр пайвандчи, икки марта Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Алексей Улесовнинг айтган- гаплари ибратлидир. «Биз бинокорлар ўз касбимиз билан фахрланамиз, биз бунёдкорлармиз... Узинг ер юзида яратувчи эканингни билиб туриб, умрингда бир қарра мана шу бахтнинг гаштини суришга нима етади! Сен қурган иморатлар қад кўтараётганини, шу иморатлардаги уйларга одамлар кўчиб қираётганлигини, ўзинг қурган электр станцияни, сен яратган биринчи агрегат ток бераётганлигини бир қарра кўриб, бунинг гаштини суришга нима етади! **ЁКИ** сен қурган каналда сув оқиб турганлигини, сен қурган болалар бокчасида болалар келиб тарбияланаётганлигини кўриб, бунинг гаштини суришга нима етади! Менинг учун бу нарса шундай бир ҳиски, ҳеч қандай муқофот ёки шухрат бу ҳиснинг ўрнини боса олмайди. Қулайликлар тўғрисида гапириб ўтиришнинг ҳожати ҳам йўқ. Модомики, ишлаб турган ишинг сени хурсанд қилмаса, агар ҳаётинг зериктирарли бўлса, бу қулайликларнинг нима кераги бор?!».

Маънавий бурч ҳисси педагогик меҳнати процессида тагин ҳам кўпроқ хилма-хил намоён бўлади. Шу нарса яхши маълумки, ёш авлодни ўқитиш ва тарбиялаш процессида муаллимлар ва тарбиячилар ҳамиша катта маънавий масъулият, ташвиш, хурсандлик ва мамнуният ҳис қилдилар.

Кўпчилик муаллимларимиз ёш авлодни ўқитиш ва тарбиялаш борасидаги ўз ишларини зўр шавқ-завқ ва мамнуният билан, ўзларининг маънавий бурчларини яхши англаб бажарадилар.

Совет мактабида ўқиётган ҳар бир бола ҳам, ҳар бир студент ҳам ўз маънавий бурчини ва ўзининг ижтимоий вазифасини бажараётганлигини ҳис қилиб, мамнун бўлади.

Бажарилаётган ва бажарилган маънавий бурчни англашнинг ўзи совет кишида тетиклик ва хурсандлик ҳиссини, ўз кучларига ишонч ҳиссини, юксак оптимизм ҳиссини тугдиради. Совет кишиларидаги оптимизм реал гўзал келажак учун хурсандлик ҳиссидир. Маънавий ҳис коммунистик жамият кураётган, бутун дунёда тинчлик учун курашчи бўлган ва бу билан юксак вазифани бажараётган совет гражданининг шон ва шараф ҳиссидир. Барча маънавий ҳислар каби, меҳнат фаолиятида намоён бўлаётган ҳислар ҳам, ирода билан чамбарчас боғланган бўлиб, кишининг маънавий ҳислатларини белгилаб беради.

Маънавий бурч ҳисси кишининг бошқа одамларга муносабатини ифодалайдиган бошқа эмоционал ҳисларнинг ҳам доимий таркибий қисмидир, бу муносабат инсонпарварлик ҳиссида, ўртоқлик ва дўстлик ҳиссида ифодаланadi.

Уялиш ва виждон ҳисси

Ахлоқ нормаларининг бузилиши, ахлоқий бурчнинг, жамият олдидаги вазифаларнинг бажарилмай қолиши, берилган бирор ваъданинг устидан чиқмаслик ёки жиндак ёлгон гапириб қўйиш кишида, одатда, уялиш ҳисси ва виждон азоби сингари ҳислар туғилишига сабаб бўлади.

Кишида уялиш ҳисси пайдо бўлганида у узида алоҳида ўнғайсизлик, безовталиқ ва юзи шувутлик сезади. Уялиб хижолат тортаётган киши бошқа одамлар билан учрашганида (баъзан яққа ўзи қолганида ҳам) унинг ахлоқий қоидаларни бузганлигидан хабардор бўлган одамларнинг кўзига тикилиб қарай олмайди, қизаради.

Муайян ижтимоий муҳитда йўл қўйиб бўлмайди деб ҳисобланган ҳаракатлар ва қилиқларни қилиб қўйган кишида уялиш, хижолат ҳисси пайдо бўлади. Масалан, жамиятда қарор топган қоидаларни, турмушдаги одатларни бузадиган хатти-ҳаракатлар ва қилиқлар кишини мана шундай уялтиради.

Киши бирон ноғўя хатти-ҳаракат ва қилиқларни қилмас; дан олдин ҳам **уялиши** мумкин, киши бирон ноғўя иш қилишга қарор берган замонда ва ахлоққа хилоф қилиб қўйи-

ши мумкинлигини хатто хаёлига келтирганида ҳам уялиб қизарйши мумкин. Бунда, албатта, хаёлнинг катта аҳамияти бор, чунки киши ўзи қилмоқчи бўлган хатти-ҳаракат ва қилиқни ҳамда унинг оқибатларини, жумладан, теварак-атрофдаги кишиларнинг бу қилиққа ёмон кўз билан қараб таъна қилишларини ўз хаёлида ёрқин тасаввур қилади. Бундай ҳолларда уялиш ҳисси кишининг маънавий сезгирлигини кучайтириши ва уни шундай ахлоққа хилоф ишлар қилишдан тийиши мумкин.

Одамнинг маънавий сезгирлиги виждон ҳиссида айниқса ёрқин намоён бўлади. Виждон ҳисси, виждон «азоби» уятининг, киши ўзининг ноҳақ эканлигини англаганлигининг, ўз нияти ва қилаётган ноғўя ҳаракати учун айрим кишилар олдидаги, жамият олдидаги масъулиятни англаганлигининг энг кучли кўринишидир.

Киши ахлоқий қоидаларни бузганини бошқалар кўрмаган бўлса ҳам, бошқа кишилар шу кишининг ахлоққа хилоф бирор ноғўя ҳаракат қилгани ҳақида хатто шубҳаланмаган бўлса ҳам, лекин шундай ҳолларда ҳам киши виждонан сикилиб, ҳаяжонланиб туради.

Виждон ҳиссининг барқарорлиги, узоқ давом қилиши бу ҳиснинг ўзига хос хусусиятидир.

Одатда, киши ўзининг ахлоққа хилоф равишда қилиб қуйган ноғўя ҳаракати келтирган оқибатларни тузатмагунча кўнгли сира тинчмайди. А. С. Пушкиннинг «Борис Годунов» асаридagi Борис Годуновнинг ва Л. Н. Толстойнинг «Тирилиш романидаги Нехлюдовнинг адабий образлари кучли виждон азобини кўрсатувчи ёрқин намуналардир.

Виждон азоби кишининг юрагида чуқур ички кураш ҳиссини тугдиради. Кишининг ёмон бир иш қилиб қўйганини, бу қилмишнинг унга муносиб эмаслигини англаши, бир томондан, «виждонини қийнайди», «виждон азобига солади», киши «афсус еб», пушаймон қилади, иккинчи томондан, у а-хлоқ талабларига хилоф иш қилиш билан одамлардан маломатга қолишини, уларда ўзига нисбатан салбий ҳислар туғилишини ҳам англайди.

Кишининг ўз қилмишларининг ахлоқий принципларга зид эмаслигини, балки ҳақ ва тўғрилигини англаши, яъни «вил<дони поклигини» англаши унда ўзидан хурсандлик ҳиссини тугдиради.

Киши ахлоқий принциплар сиғдирадиган хатти-ҳаракат қилаётганида ўз иродасининг кучи билан ва шу иродани ишга солиб, ўзини ахлоққа хилоф иш қилишдан тияди, кўнглида туғилган ёмонлик майлларини бостиради. Ана шундай ҳолларда кишининг ўзини бу тариқа тийиши виждонига ҳам «маъқул тушади», кишида виждоний «тинчланиш» ҳисси, ўз-ўзидан мамнун бўлиш ҳисси тугилади, —

Кишининг бирон ёмон иш қилиб қўйиб виждон азобига тушиши ва виждон азоби кишига қандай таъсир қилишини кўрсатувчи бир мисол келтирамиз. IX синф ўқувчиси С. Ф. деган киз «Комсомольская Правда» газетасига ўзи ҳақида қуйидагиларни ёзган: «Мен олтинчи синфда ўқиётган вақтимда алгебрадан жуда қийналдим. Контрол иш берилган вақтда битта ҳам мисолни еча олмас эдим, шу сабабли икки баҳо олмаслик учун дафтаримни ўқитувчига топширмадим.

Мен, ўқитувчи бу дафтарни ўзим йўқотиб қўйгандирман, деб ўйласа керак деган хаёлда эдим. Уйга қайтгандан кейин бу қилмишимни жуда кўп ўйладим. Бошимга оғир ўйлар келди. Дардимни бировга айта олмаслигим қилган ишимнинг аламини тагин ҳам кучайтириб юборди, чунки менинг бу ишимни ҳеч ким маъқулласлигини билар эдим. Уқитувчини алдаганим учун ўзимдан-ўзим уялдим ва ўқитувчига бу воқеани бошдан-охир айтиб б'ермагунимча бу азобдан қутулмаслигимни тушундим. Узимга ҳар қанча оғир бўлса ҳам, айсимга иқрор бўлдим. Уқитувчи гарчи мен билан қаттиқ гаплашган бўлса ҳам, лекин, ҳар ҳолда, мен энгил тортдим! Кейинчалик, алгебра менинг энг севган фанларимдан бири бўлиб қолди.

Мен шу нарсани яхши тушуниб олдимки, бурч хисси, виждоннинг нимани айтса, турмушда ҳамиша шундай қилиш керак».

Виждон — нима нарсанинг яхши ва нима нарсанинг ёмон эканлигини айтиб, баҳо бериб турадиган ички «овоздир». Шу «овознинг» мавжудлиги киши ижтимоий-ахлокий нормаларни ўз талаблари тариқасида, шахсий хат'и-харакат нормалари тариқасида ҳис қилаётганлигини кўрсатади. Одамда уялиш ва виждон хисси бўлмаслиги ёки сусайиб кетиши уни пасткаш қилиб қўяди. Шу сабабли, бирон кишига «сен виждонсиз», «уятинг ҳам йўқ», «виждонинг ҳам йўқ» деб айтиш унинг одамлик кадр-қимматини ерга уриш бўлади, бу гап унга ҳақорат бўлиб тушади.

Агар киши ўз хатти-харакатида ахлоқ принципларига амал қилмаса, агар унинг уяти ҳам, виждони ҳам йўқ бўлса, бундай киши ҳақиқатан ҳам одамгарчилиги қолмаган киши бўлади^

VIII. ЭСТЕТИК ҲИСЛАР / ^ £

Одамлар чиройли нарсани кўрганларида, шу нарсаларни тасаввур қилганларида ва улар туррида фикр қилганларида уларда пайдо бўладиган ижобий хисларни биз эстетик хислар деб атаймиз. Н. Г. Чернишевский бундай деган эди: одам эстетик хисларни «бид^учун_севикли^_бўдган, дилбар олдимизда турганида бизда пайдо" 'бўладиган нашъ.

али шодлик тариқасида кечиради. Биз гўзалликни бенихоят ссвамиз, гўзалликка қараб завкланамиз, қувонамиз...»¹.

Н. Г. Чернишевскийнинг таърифлаб айтишича, «гўзаллик турмушнинг ўзидир», «биз ўзимиздаги тушунчаларга кўра ўзимиз тасаввур қилган турмушнинг ифодаси деб билган ларсамиз биз учун гўзалликдир; ўзида турмушни ифодалаган ёки бизга турмушни эслатиб турган нарсанинг ўзи гўзалликдир...»².

Бизни қуршаб олган дунё ва ундаги турмуш хилма-хил намоён бўлади. Шу сабабли, одамнинг эстетик хисларий мазмунининг бойлиги билан фарқ қилади.

Атрофимиздаги табиат эстетик хисларнинг биринчи ва асосий манбаи бўлиб хизмат қилади. Қуёш чиқиши-ни ва ботишини кузатаётган, кечкурун, кечаси ва тонг сахарда юлдузлар чарақлаб турган осмон гўзаллигини томоша қилаётган одамда эстетик хислар пайдо бўлиб, у шуларнинг ҳаммасидан завкланади. Одам ўрмонлардаги йўллардан ёки шу ўрмон чеккасидан ўтганда, унинг кўз олдига буғдойзор ва пахтазор далалар, кўм-кўк майсазор ўтлоқлар ва чаманзорлар жилва қилиб турганида, атрофи Дарахтзорлар ва тепачалар билан қуршалган сойлар, жарлар, қўллар ва ирмоқларни кўрганида ғоят хузур қилади (яъНи унда ҳақиқатан эстетик хислар пайдо бўлади). Қушларнинг сайрашини ва жонли табиатнинг бошқа товушларини эшитганимизда завкланамиз. Баҳор, ёз, куз ва қиш фаслларида табиат манзараларининг ўзгариб, жилва қилиб туриши эстетик хислар туғдирувчи манбадир.

Табиат ҳодисаларини кўриб бевосита идрок қилганимиз-Дагина эмас, балки уларни эслаган ва тасаввур қилган вақтимизда ҳам бизда мана шу тарзда эстетик хислар пайдо бўлиб, бунинг гаштини сурамиз.

Одамларнинг ўзи ҳам бизда эстетик хислар туғдирувчи манбадир. Чернишевский инсон шахсини ҳамиша улуғ деб билди ва ҳамма нарсаларнинг мезони, жаҳондати энг гўзаллик «инсоннинг ўзи» деб ҳисоблади. А. М. Горький бундай деган эди: «Мен одамдан кўра яхшироқ, мураккаброқ, қизиқарлироқ бошқа бирор нарса борлигини билмайман. Шуларнинг ҳаммаси одамнинг ўзида мавжуд».

Соғлом, қувноқ, ишчан кишиларни, олижаноб мақсад йўлида, учрайдиган ҳар қандай тўсиқ ва ғовларни, мушкулликларни енга оладиган кишиларни кўрганимизда ўзимизда эстетик хислар пайдо бўлади, бунинг кўриб хурсанд бўламиз.

Одамларнинг ахлокий иш ва хатти-харакатлари ҳам бизда эстетик хислар кўзғатади. Одамларнинг одобли хатти-

¹ Н. Г. Чернишевский, Избранные философские сочинения, Госполитиздат, 1- том, 1950, 59- бет.

² Уша жойда.

хзракатларини биз, кўпинча, чиройли хатти-ҳаракатлар деб атаймиз. Маълумки, гўзаллик ҳисси одамларни «бир-бирига яқинлаштиради, уларда бирдамликнинг ўсишига ёрдам беради, маънавий ахлоқларини мустаҳкамлайди ва уларнинг ахлоқий хатти-ҳаракатларини рағбатлантиради.

Айрим ҳолларда бизда эстетик ҳислар хурсандлик ёки завқлаш?ш"тарзида намоён бўлади. Вок.еалар, ходисаларнинг улуглиги ва гўзаллиги бизни завқлантиради. Совет кишилари 1945 йил 24 июнда Москвадаги Қизил майдонда жуда катта Ғалаба парадини кўриб.қойил қолган эдилар. Москванинг 800 йиллик байрами кунларида, Улуғ Октябрь социалистик революцияси байрами кунларида, космонавт, қаҳрамонларимиз билан бўлган учрашув кунларида шодиена қилаётган халқ билан тўлган ва ранг-баранг чироклар билан чароғон бўлган Москва одамларни мана шундай хурсанд қилиб, завқлантирган эди.

«Луна-10» автомат станцияси 1966 йил 3 апрелда Ой атрофидаги орбитага чиқариб қўйилганлиги тўғрисидаги хабар буюк хурсандлик ҳиссини кўзғатиб юборди ва умумхалқ шрдлигини вужудга келтирди. Ойнинг биринчи сунъий йўлдошида чалиниб турган «Интернационал» • оханпши КПСС XXIII съезди бўлаётган Кремль Съзлар саройи залида ўтирганлар билан бир каторда бутун мамлакат ва бутун дунё кишилари ҳам ниҳоят даражада тўлқинланиб тингладилар.

- Санъат1_музыка, рассомлик, поэзия ва шу кабилар ҳам эстетик ҳислар манбаидир. Одамнинг санъат асарлари яратишдаги ижодий фаолиятини, асосан, эстетик эҳтиёжлар рағбатлантиради. Бу фаолият вақтида ижодкор киши чуқур эстетик завқ олади ва уз и яратган санъат асарини марок, билан хузур қилиб, томоша қилади. Санъат асарлари одамларнинг онгига, асосан, эстетик ҳислар орқали таъсир қилади.

Санъат асарлари кўрсатаётган мана шу таъсирнинг хусусияти шундаки, санъат асарлари идрок қилинаётганида воқелик одамларнинг онгида шу воқеликни бевосита идрок қилинган вақтдагига қараганда тўлиқроқ ва чуқурроқ акс этади. Тасвирий санъат асарларини кўрганимизда ҳам шундай бўлади. Л. Н. Толстой табиат манзараларини тасвирлаб беришга гоят моҳир бўлган лирик шоир А. А. Фет билан суҳбатда, сизнинг шеърларингиз кўкламги ҳафталар гўзаллигининг чуқурроқ ҳис қилишимга ёрдам берди, деб эътироф қилган эди. Рассом И. И. Шишкин чизган «Урмон» деган машҳур рэсмга назар солган томошабин реал ўрмонни идрок қилганига қараганда каттароқ ўрмонни «кўради». И. И. Левитан табиат манзараларини тасвирлаб чизган суратлар ҳам айнан шу тарзда.идрок қилинади.

Одамлар ҳаётдан олинган сюжетлар (маиший, драматик, кулгили ва шу каби сюжетлар) рассомларнинг расмларида^

бадий адабиётда тасвиранганида, сахнада (ҳақиқатан ҳам бадий маҳорат билан) ижро этилганида бу сюжетлар, кўпинча реал турмушдагига қараганда чуқурроқ ва тўлиқроқ идрок қилинади ва таассурот қолдиради.

Эстетик ҳислар манбаи бўлган санъат асарларини идрок қилишдаги яна бир хусусият шуки, киши бу асарларни кўриб, хузур қилибгина қолмасдан, шу билан бирга, асарнинг мазмунига қараб кишида социал-маънавий ва интеллектуал ҳислар ҳам тугилади. Масалан, биз И. Е. Репин чизган «Иван Грозний ва унинг угли Иван», «Волгадаги бурлақлар» ва бошқа расмларни кўрганимизда, Л. Н. Толстой, А. М. Горький ҳамда бошқа ёзувчилар ва шоирларнинг асарларини ўқиганимизда авторларнинг бадий маҳоратига қойил бўлибгина қолмасдан, шу билан бирга одамлар тўғрисида, одамларнинг муносабатлари ҳақида ва шу кабилар ҳақида социал ва маънавий масалалар устида бош ҳам қотираемиз. Қойил қолиб, хузур қилиш ҳислари билан бирга бизда маъюслик, алам ҳислари, қаҳр ва ғазаб ҳислари ҳам пайдо бўлади.

Лекин шуни айтиш керакки, бу бадий асарлар воқеликни ҳаққоний ва **тўғри** акс эттирган тақдирдагина уларнинг бундай эстетик таъсир кўрсатиши самарали бўлади.

Санъат асарлари ўзининг шунчаки формаси билан, сўзлар, товушлар, бўёқлар ва шу кабиларнинг шунчаки мажмуи билангина бизда эстетик ҳислар вужудга келтира ва ўстира бერмайди. Санъат асарларидаги сўзлар, товушлар, бўёқларнинг ўзига хос (яъни бадий) мажмуида турмуш ва ундаги кураш, олға бўлаётган ҳаракатлар, яхши келажакка интилиш акс этганлиги туфайли бу асарлар одамларда эстетик ҳислар туғдиради.

Санъатда формани мазмундан ажратиб қўйиш, санъатдаги формализм, «санъат—санъат учун» деган шиор чинакам эстетик ҳислар туғдира олмайди ва бу нарса санъатнинг ўзини инқирозга олиб боради.

Чинакам санъат турмушни тўғри билдиради, замоининг энг"шад? ва тўлқинлантирувчи саволларига жавоб беради. Бундай санъат илғор идеяларни халқ орасига ёяди, халққа хизмат қилади, олға боришга ёрдам беради. Санъат асари воқеликни нечоғли чуқур, тўла ва ҳаққоний акс эттирса, у одамларда шу қадар кўп эстетик завқ кўзғатади, бу асар эстетик ҳисларнинг манбаи ва эстетик тарбия воситалари сифатида шу қадар кўп кадрланади. Пушкин ва Маяковскийнинг поэзияси, Глинка ва Чайковскийнинг музыкаси, Суриков ва Репин чизган расмлар, узбек классик адабиёти сингарри юксак бадий ва реалистик санъат асарлари эстетик завқ бағишлай беради ва одамларнинг гўзалликка бўлган эҳтиёжларини ҳамиша қондириб туради ва уларнинг эстетик дидларини ривожлантиришга ҳамиша ёрдам беради.

Одамларнинг эстетик эҳтиёжлари ва хислари, шу билан бирга эса уларнинг гўзаллик, нафосат ва хунуклик тўғриси» даги тасаввурлари ва эстетик қарашлари тарихан ривожланиб борган. Турли тарихий даврлардагина эмас, балки шу билан бирга, айтиб бериш керакки турли синфларнинг, намоёндаларида нафосат ва хунуклик тўғрисидаги тасаввурлар турлича бўлиши мумкинлигини Н. Г. Чернишевский кайди қилиб ўтган эди. Синфий жамиятда эстетик қарашлар синфий бўлади. Санъат асарлари эстетик эҳтиёжлар ва қарашларнинг таркиб топишига катта таъсир кўрсатади, «Санъат асари, шунингдек бошқа ҳар қандай маҳсул ҳам,— дейди К. Маркс,— санъат шинавандаларини вужудга келтиради ва нафосат завқини суришга ёрдам беради. Шу сабабли, ишлаб чиқариш субъект учун буюм яратибгина¹ қолмасдан, буюм учун субъектини ҳам яратиб беради»¹.

Социалистик қурилиш йиллари мобайнида совет кишиларининг умумий маданияти ғоят ўсганлиги билан бирга уларнинг эстетик эҳтиёжлари ва бадиий дидлари ҳам анча ўсиб кетди.

Партиямиз барча меҳнатқашларга эстетик тарбия бериш, халқнинг юксак бадиий дидини ва маданий кўникмаларини таркиб топтириш тўғрисида тинмай ғамхўрлик қилмоқда.

Совет кишилари рус ва жаҳон санъати классикларининг асарларини юксак даражада қадрлайдилар. Айтиб бериш керакки совет кишилари санъат ходимларидан бизнинг ҳақиқий ҳаё тимизни, бутун дунёда тинчлик учун олиб бораётган курашимизни акс эттирадиган юксак ғоявий ва реалистик янги бадиий асарлар яратиб беришни талаб қиладилар.

Совет Иттифоқи Коммунистик партиясининг Программасида бундай дейилади: «Адабиёт ва санъатни ривожлантиришдаги бош йўл — халқ турмуши билан алоқани мустаҳкамлашдан, социалистик воқеликнинг бойлуклари ва рангбаранг томонларини ҳаққоний ва юксак бадиийлик билан акс эттиришдан, янги чинакам коммунистик воқеликни илҳом билан ва яққол гавдалантиришдан х^{а.м}Д^а жамиятнинг олга Харакат қилишига тўсқинлик қилувчи ҳамма нарсани фожиб боришидан иборат».

Воқеликнинг ўзи тугдираётган эстетик хислар*, шунингдек, санъат асарларининг ўзи х^{а.м} фақат мушоҳадавий хисларгина бўлиб қолмай, балки бу х^{а.м}Р инсон фаолиятининг х^{а.м}ма турларида намоён бўлади, бу фаолиятни рағбатлантириб ва активлаштириб туради. Эстетик хисларнинг таъсирчанлик кучи ана шунда. Одам бирор буюмни яратаётганида, шу жумладан, санъат асарларини х^{а.м} яратаётганида, шу нарсаларнинг гўзал бўлишига ҳам х^{а.м}Р^{а.к.а.т} Қилади. Ҳар бир уста ўзи тараётган ғиштнинг маҳкам ўрнашиб қолишигагина интилиб

қолмасдан, унинг чиройли бўлиб кўринишига ҳам ҳаракат қилади, ўзи қурган бинони биринчи бўлиб кўриб завқланади. Дехқон хайдаб қўйган далани, ям-яшил ниҳолларни, оппоқ пахтазорларни кўриб қувонади. Завод ишчиси ўзи қурган янги машинанинг қудратини ва гўзаллигини кўриб завқланади.

Ҳамма соҳада =ч саноатда, транспортда, шаҳар ва қишлоқларда қурилиш кенг авж олиб кетган ҳозирги вақтда катта ва кичик барча биноларнинг фақат мустаҳкам ва қулай бўлишигагина эмас, шу билан бирга чиройли бўлишига ҳам аҳамият берилмоқда. Бизда саноат ва транспорт эстетикаси масалаларига, техника эстетикаси масалаларига катта эътибор берилмоқда.

Эстетик хисларнинг ўзига хос хусусияти шуки, бу ҳислао беғараз ва социал хислардир. Бу хусусият шундан иборатки, бирор гузалликни, масалан, табиат манзарасини, бадиий суратни, музика концертини айтиб бериш вақтнинг ўзида нечоғли кўп одам бирга курса (ёки суҳбат чоғида эсласа) шу одамларнинг х^{а.м}Р^{а.к.а.т} бири ва биргаликда ҳаммаси кучлироқ эстетик завқ олади, мана шундай эстетик кечинмалар чоғида кўпчилик одамлар ўртасида дўстона суҳбатлар бошланиб кетади. Шу сабабли эстетик хислар маънавий хислар билан ҳамбарчас боғлангандир.

Совет санъати— • жаҳонда энг илғор санъатдир, жаҳондаги барча мамлакатларнинг илғор кишилари учун чинакам фаол эмоционал кечинмалар манбаидир. Совет "поэзияси, совет музикаси, совет халқ кўшиқлари ва совет композиторларининг ашулалари тинчлик учун ва демократия учун курашаётган кишиларни руҳлантирмоқда. Совет кўшиқларини халқ демократия мамлакатларининг ёшлари, бутун дунёдаги миллион-миллион оддий кишилар куйламоқда. Совет санъатининг асарлари жаҳоннинг х^{а.м}ма мамлакатларидаги илғор шоирлар, композиторлар, рассомлар учун ижодий фаолиятнинг ёрқин намуналари бўлиб хизмат қилади.

Совет санъатининг энг яхши асарлари бутун илғор инсоният учун бадиий-эстетик ва маънавий тараққиёт юксак босқичининг намунасидир,

1 / IX. СОВЕТ ВАТАНПАРВАРЛИГИ ХИССИ

I / Совет ватанпарварлигининг хусусиятлари

Еубтанпарварлик хисси — юксак ва мураккаб хисдир, бу хис^а гураккаб ва хилма-хил хисларнинг: маънавий, интеллектуал, эстетик хисларнинг синтезидир. Бу хислар бир-бирига қўшилиб, битта хисга — Ватанга муҳаббат, ўз юртига муҳаббат хиссига айланади.

¹ К. Маркс, Ф, Энгельс. Асарлар, XII том, 1-қисм., 182-бет,

«Ватанпарварлик,—деб ёзади В. И. Ленин,—асрлар ва мнпг йиллар мобайнида бир-бирларидан айрим яшаб келган мамлакатларда мустахкам ўрнашиб олган энг чуқур хислардан биридир»¹.

Ўз Ватанига муҳаббат ва меҳр қўйиш ҳамма кишиларга, ҳамма мамлакатларнинг халқларига хос бўлган хисдир. Лекин капиталистик мамлакатларда ватанпарварлик хисси ўзининг бутун кучи, кенглиги ва чуқурлиги билан намоён бўлолмайди, чунки капиталистик жамият меҳнаткашларни қул қилиш ва эксплуатация қилиш, турли халқлар ўртасида бир-бирига душманликни авж олдириш асосига қурилган жамиятдир.

Империалистик мамлакатларда ҳам ватанпарварлик хисси тарғиб қилинади ва тарбияланади. Лекин бу ватанпарварлик шовинизм характеридаги ватанпарварликдир. Бу ватанпарварлик ўз миллатини бошқа халқлардан устун қилиб кўрсатишдан иборат сохта таълимот асосига қурилган ватанпарварликдир.

Чинакам ватанпарварлик фақат социалистик тузум шароитидагина намоён бўлиши мумкин ва ҳақиқатан ҳам намоён бўлмоқда. Бу хис бизнинг Совет мамлакатимизда жасадда биринчи марта жуда ёрқин ва яққол намоён бўлди. Совет ватанпарварлиги хисси юксак даражадаги хисдир, бу хис капиталистик мамлакатлардаги ватанпарварлик хиссидан тубдан, тамомилан фарқ қилади.

Совет ватанпарварлиги хисси — Совет Иттифокидаги, энг илгор ва прогрессив социалистик ватанимизга бўлган муҳаббат хиссидир. Бу хис сиёсий, хўжалик ва маданий турмушнинг ҳамма соҳаларида биз эришишга муваффақ бўлган Еа эришадиган барча улуғ муваффақиятлар² билан ҳақил фахрланиш хиссидир. Шу билан бир вақтда, бу хис — мамлакатимиздаги эркинлик ва мустақиллик ҳамда тинч меҳнатга ҳамла қилаётган душманларимизга нафрат билан қараш хиссидир.

Ватанпарварлик социал хисдир. Лекин ҳар бир киши буни социалистик Ватанимизнинг тақдири учун, Ватанимиз халқининг тақдири учун ўзининг шахсий масъулияти тариқасида хис қрлади. Ватанпарварлик одамларни ахил битта оила қилиб бирлаштиради.

Совет ватанпарварлигининг манбалари

Совет ватанпарварлиги хиссининг манбалари хилма-хилдир.

Биз туғилиб ўсган ерлар ва жойларнинг ўзи, биз «турмуш лаззатни дастлаб тотиган», биз ўсиб унган, ўқиб камолга

В. И. Ленин, Асарлар, 28-том, 194-бет.

етган, ота-оналаримиз, ёр-биродарларимиз, қариндош-уруғларимиз, ўртоқларимиз яшаган ва ишлаб турган, Совет Иттифокидаги халқлар яшаб турган ерларнинг ўзиёқ совет ватанпарварлиги хисларининг манбаидир. Совет кишиси ўз мамлакатига назар солиб, унинг бепоён ерларини, бойликларини ва гўзалликларини тасаввур этганида, унда ўз Ватанига қрйил бўлиш ва меҳр-муҳаббат билан қараш хислари, ўз мамлақати учун фахрланиш ва унинг улуғворлигидан хурсанд бўлиш хислари беихтиёр пайдо бўлади.

Сўнгра, мамлакатимизнинг шонли ўтмиши ва аввало рус халқининг бутун тарихи, унинг эркинлик ва мустақиллик учун олиб борган кураш тарихи совет ватанпарварлиги хисларининг манбаидир. Ватанимиз тарихида бизнинг эътиборимизни айниса ўзига тортиб, мафтун қиладиган қахрамонлик саҳифалари кўп. Масалан, Александр Невский бошчилигида рус қўшинларининг 1242 йилда немис «кўппак рицарлари» устидан қрзонган ғалабаси, Минин ва Пожарский етакчилигида рус лашкарларининг 1613 йилда Москвани поляк интервенцияларидан озод қилганликлари, Петр I нинг 1709 йилда шведлар устидан қрзонган ғалабаси, Европани забт этиб келган Наполеон армиясининг 1812 йилда тор-мор келтирилганлиги — мана шуларнинг ҳаммаси Ватанимиз тарихидаги қахрамонлик саҳифаларидир. Рус халқи XIII асрда Европани мўғуллар асоратига тушишдан қутқариб қрлади. XIX аср бошида у Европани Наполеондан халос қилди.

Тарихимизнинг энг яхши саҳифалари юксак ватанпарварлик қахрамонликлари билан боғланган саҳифалардир. Шу сабабли, ўтмиш тарихимизда бизнинг севишимизга арзийдиган-воқеалар, биз фахрланишимизга муносиб тарихий додисалар кўп.

УтгаГзамонлардаги маданият ютуқлари ҳам совет кишиларидаги ватанпарварлик хисларининг манбаидир. Революциядан бурунги Россияда ижодий ташаббусни ва прогрессив фикрни бўғиб турган оғир кишанлар бўлишига қарамай гуманизм билан, революцион демократии идеялар билан суғурилган маданият халқ орасига томир ёйди.

Россия кишилиқ жамиятига Ломоносов, Менделеев, Сеченов, Павлов, Мичурин, Пушкин, Горький, Белинский, Чернышевский, Глиния, Чайковский, Репин, Баженов, Казанов ва бошқа шулар каби рус ва жаҳон маданиятининг ифтихори бўлган кўпгина атоқли кишиларни етиштириб берди.

Совет Иттифоқи составига кирган ҳар бир халқнинг ўз тарихи, ўз қахрамонлари ва прогрессив маданият арбоблари бор. Совет Иттифокидаги ҳар бир халқнинг ўтмиш тарихида унинг севишига арзийдиган, фахрланишига сазовор бўладиган нарсалар, одамлар ва воқеалар бор.

Улуғ Октябрь социалистик революцияси мамлакатимиз тарихида ва жаҳон тарихида энг улуғ воқеа бўлди. Бу революция Россия халқларини капиталистик зулмдан озод қилди., Мамлакатимиз жолоқ, аграр ўлкадан бу революция натижа-сида жаҳонда энг илгор, иқтисодий жиҳатдан мустацил, қуд-ратли, индустриал-колхоз давлатига айланди,

Мана шу муваффақиятларнинг ҳаммаси совет кишилари-нинг ўз Ватани учун қонуний фахрланиш маНбаидир, Ватани-мизга чексиз муҳаббат манбаидир.

Совет мамлакатининг иқтисодий, сиёсий ва маънавий қув-вати Улуғ Ватан уруши йилларида айниқса ёрқин намоён бўлди. Халқимиз немис фашизми ва япон империализми усти-дан қозонган жуда улуғ галабалари билан фахрланишга ҳақ-лидир. Бу урушда халқимиз ўз Ватанининг эркинлигини ва мустақиллигини қаттиқ туриб, сақлаб қолди. Қаҳрамон Совет Армияси инсониятни фашистлар асоратига тушиб қолиш хав-фидан қутқарди. Бу қаҳрамонона курашда совет халқидаги улуғ ватанпарварлик намоён бўлди.

Фашизм устидан тарихий ғалаба қозонилганидан кейин бизнинг халқимиз sanoatни, қишлоқ хўжалигини ва маданият-ни ривожлантиришга, тинч меҳнат билан шуғулланишга ки-ришди ва қисқа муддат ичида шундай муваффақиятларга эришдики, бу муваффақиятлар бутун дунёни хайратда қол-дирди. Бизнинг халқимиз биринчи бўлиб космосга йўл очди Ернинг биринчи йўлдошлари, космик ракеталар, биринчи космик кемалар учирилганлиги халқимиз шодлигини бениҳоя кучайтириб юборди.

Биринчи бўлиб космосга учиб, Ер атрофини айланиб чир-кан биринчи космонавтаримизнинг шижоатли қаҳрамон-ликлари ватанпарварлик хисларини — хурсандлик, қойил қо-лиш, умумхалқ шодиёнаси хисларини — мислсиз жўш ур-дириб юборди,

«Луна-9» космик станцияси ойга қўндирилганлиги ва «Луна-10» станцияси Ой атрофи орбитасига чиқариб қўйил-ганлиги совет фани ва техникасининг зўр муваффақиятлари бўлдики, бундай муваффақиятлар мамлакатимиз граждани-нинг ҳаммасида хурсандлик ва ифтихор хисларини кўзғатиб юборди.

Совет Иттифоқининг ҳар бир граждани ўз мамлакатаида нақадар юксак мавқе эгаллаб тўрганини билади ва англайдй, мана шунинг англашнинг ўзи совет ватанпарварлигининг ман-баидир. СССРда ҳар бир киши жуда катта ҳуқуқларга эга, жаҳоннинг ҳеч бир мамлакатаида кишилар бундай ҳуқуқлар-га эга эмас. Совет Иттифоқи Конституцияси ҳар бир граж-данга меҳнат қилиш, илм олиш, дам олиш, қариганида мод-дий таъминот олиш учун баб-баравар ҳуқуқ беради. Со-вет Иттифоқининг ҳамма гражданилари қонун олдида баб-

баравар тенгдирлар. Совет граж'данларининг ҳаммаси барча баравар сайловларда қатнашиш ва сайланиш ҳуқуқига эга-дирлар. Бизнинг мамлакатимизда Совет Иттифоқидаги ҳам-ма халқларнинг тенг ҳуқуқлилиги таъминланган. Шу туфай-ли, бизнинг мамлакатимизда Улуғ Октябрь социалистик революциясига қадар қоқ халқлар деб ҳисобланиб келган халқларнинг иқтисоди ва маданияти мисли қўрилмаган даражада гуллаб-яшнамоқда. Бизнинг мамлакатимизда одамлар юқори ва паст ирқларга бўлинмайди, бизнинг мамлакатимизда миллатлар бир-бирлари билан қардош, аҳил ва иноқдилар. Миллатларнинг бу дўстлиги алоҳида хиссиётнинг, у ҳам бўлса **совет** ватанпарварлиги хиссининг манбаидир.

Одамларимиздаги юксак маънавий хислатлар совет ва-танпарварлигининг манбаидир. Бу хислатлар бизнинг халқи-мизни бошқа мамлакатлардаги халқлардан олдинга қўяди, Бу хислатларни тасвирлаб бермоқ учун қизил аскар Констан-тин Балахоновнинг ён дафтарида ёзиб қўйилган қуйидаги жуда хаяжонлантирувчи сатрларни келтириш мумкин. Уруш тамом бўлмасдан бир неча кун олдин Берлинга қилинган ҳу-жум вақтида қаҳрамонона ҳалок бўлган Балахонов бундай деб ёзган эди: «Бизнинг халқимиз жуда ажойиб халқ! Агар сенинг ота-онанг бўлмаса, буни халққа айтсанг,— унинг ора-сидан ўзингга минглаб ота ва она топасан, агар сенинг ака-укаларинг ва опа-сингилларинг бўлмаса, буни халққа айт-санг,— унинг орасидан юз минглаб кишилар сенга қардошлик қўлларини чўзадилар;» агар бошинга бирор кулфат тушган бўлса, буни халққа айтсанг,—у сени юпатади ва бахтиёр қилади. Бундай халқнинг енгилиши мумкинми, ахир? — Йўқ, бундай халқнинг фақат енгиши мумкин. Биз енгамиз, Ана шунда турмушимиз яна ҳам яхшироқ бўлиб қолади!».

Совет кишиларида ўз Ватанига, ўз халқига, ўз партияси-га муҳаббат хислари, миллий ифтихор хислари пролетар интернационализми хислари билан бирга қўшилади.

Совет кишилари бошқа халқларнинг ҳуқуқларига ва му-стақиллигига ҳурмат билан қарайдилар. Бу ҳам совет киши-ларига хос бўлган юксак социалистик гуманизм хисларининг ифодасидир.

Бизнинг истиқболимиз, келажакимиз — социалистик ва-тан идеаллари — совет ватанпарварлиги хисларининг манбаи-дир. Мамлакатимизда коммунизм қуриш бизнинг энг яқин истиқболимиздир. Шу идеалларни тасаввур қилиш ва ҳар биримиз мана шу қурилишнинг қатнашчиси эканлигимизни англаш зўр хурсандлик хисларини тугдиради. КПСС XXII съездида қабул қилинган Програма коммунистик жамият қуришнинг ёрқин ва жуда катта манзарасини яққол тасвир-лаб берди. Бу Програма ҳар бир совет кишисида хурсанд-

лик ва крнуний ифтихор хисларини туғдирмоқда. Мамлакатимиз илғор инсониятнинг олдинги сафида бораётганлигини, Совет Иттифоқи энг илғор маданият мамлакати бўлиб, бутун дунёда тинчлик учун олиб борилаётган курашга бошчилик килаётганлигини англаш қалбимизни совет миллий ифтихори хислари, билан тўлдирди.

Совет ватанпарварлигининг фаоллиги

Совет ватанпарварлигининг фаоллиги унинг хусусиятидир. Совет ватанпарварлиги пассив ва ишда кўрилмайдиган хис эмас. Совет ватанпарварлиги хисси амалда синалади. Улуғ Ватан урушининг бошларида М. И. Калинин ишда кўринмайдиган пассив ватанпарварликни қоралаб гапирган эди.

«Биз,— деган эди М. И. Калинин,—хаммамиз ўз Ватанимизнинг ватанпарварларидирмиз. Лекин бизнинг орамизда шундай ватанпарварлар ҳам борки, уларни, агар шундай деб айтиш мумкин бўлса, мушоҳадачилар деб аташ мумкин. Баъзи бир кишилар Информбюро сводкаларини эшитиб бўладилар-да: «Вой, чекинишибди, вой, шаҳарни ташлаб чиқишибди!» деб оҳ тортадилар. Бундай одамлар сводкани эшитиб бўлиб, оҳ-воҳ киладилар-у, аммо фронтга ёрдам бериш учун заррача ҳаракат қилмайдилар. Бунақа ватанпарварлик сарик чақага ҳам арзимайди. Иўк, бунақа изтиробдан сира фойда йўк, энг яхшиси шуки, фронт учун, фашизмни тор-мор келтириш учун кучинг етган ишларнинг ҳаммасини қил»¹.

Дарҳақиқат, уруш бизга ватанпарварлик хисларининг фаоллиги ва амалий натижа беришини исбот этадиган сонсиз-саноксиз мисолларни кўрсатиб берди. Москвалик комсомол киз Зоя Космодемьянскаянинг юксак даражадаги ватанпарварлиги ва қаҳрамонлиги ҳаммага маълум. Бу кизни фашистлар ушлаб олган эди. Москва олдидаги бир қишлоқда фашистлар уни дорга осдилар. Фашистлар шу фожиали манзарани одамларга кўрсатмоқчи бўлиб, хаммани дор тагига хай» даб келтирдилар. Ушанда Зоя одамларга қараб, ўлим олдида кичкириб, бундай деди: «Ҳой, ўртоқлар! Нега хафа бўлиб турибсиз. Бардам бўлинглар, курашинглар, немисларни уринглар, ёндириглар, захарлаб ўлдиршглар!»

Яна бир мисол:

Бир группа комсомоллар Олег Кошевой бошчилигида «ЁШ гвардия» номли махфий ташкилот туздилар. Бу ташкилот немис оккупантларига қарши тенгсиз кураш йўлига кир-

ди. Гитлерчилар Олег Кошевойни тутиб олганларида, Олег Кошевой гестапода терговчининг, сен нега бу махфий ташкилотга кирдинг? деб қилган саволига ғурур билан бундай деб жавоб берди: «Ватанга муҳаббатим сабабли бу ташкилотга кирдим. Биз тиз чўкиб яшашга одатланмаганмиз. Курашиб ўлиш биз учун яхшироқдир...» Фашист жаллодлар Олег Кошевойни ва бошқа ёш гвардиячиларни ўлдирдилар. Лекин фашистлар уларнинг руҳини бука олмадилар. Еш қаҳрамонлар фашистларга асло итоат қилмай ўлдилар.

Совет ватанпарварлигининг фаолияти совет кишиларининг Совет давлатининг манфаатларини ва номусини ҳар қандай шароитда, ҳар маҳал ва ҳаттоки ўз жонларини ҳам аямай ҳпмоя қилишга тайёр бўлиб туришларида ифодаланади. Бу хусусият совет кишиларининг Ватанимиз бахт-саодати йўлида, социалистик жамиятнинг шон-шухрати йўлида, унинг куч-қудратини мустаҳкамлаш йўлида қилаётган фидокорона ме^БУтларида ифодаланади. Бу хусусият совет кишиларининг беш йиллик планларимизни оммавий ғайрат ва завқ билан муддатидан олдин тўла ва ошириб бажараётганликларида намоён бўлмоқда.

Ун минглаб ёшлар — мутахассис инженерлар, агрономлар, зоотехниклар — қишлоқ хўжайинининг махсулдорлигини ошириш ҳамда кўрик ва бўз ерларни ўзлаштириш учун ншлаш мақсадида МТСларга, колхозларга ва совхозларга жўнаб кетдилар ва жўнаб кетмоқдалар. Уларнинг бу ишларга зўр хурсандчилик билан бораётганликларида ҳам совет ватанпарварларининг ўша хусусияти намоён бўлмоқда.

Совет космонавтлари ватанпарварлик хисларига, Ватанга чексиз муҳаббат ва халқимизга садоқат хисларига тўлиб-тошган ҳолда ўзларининг мислсиз қаҳрамонликларини қилдилар.

Совет ватанпарварлиги хисси қудратли ҳаётбахш кучга згадир, бу хис совет кишиларига ҳамма кийинчиликларни ва тўсқинликларни ўз йўлларида олиб ташлаб, муттасил олға бориш учун куч ва ғайрат бағишлайди.

Бу хис совет кишисини маънавий жиҳатдан бойитади ва олижаноб туйғуларга тўлдирди, ундаги бутун ижодий кучларни сафарбар қилади.

Х. ҲИСЛАРНИНГ ИНДИВИДУАЛ ХУСУСИЯТЛАРИ

Эмоционал Кечинмалар ва ҳолатларнинг ҳамма турлари ҳар бир кишига хосдир. Лекин айна вақтда ҳар бир кишининг эмоционал ҳаёт йўлига хос-хусусиятларга эга.

Авалло турли кишиларда хиссийатлар ўзининг тезлиги, кучли бўлиши ва барқарорлиги жиҳатидан бир хилда ўтмай-дй, Шундай одамлар борки, уларда хислар секинлик билан

¹ М. И. Калинин, Коммунистик тарбия тўғрисида, «Молодая гвардия» нашри, 1947, 112-бет.

туғилади, ўртача куч билан ўтади ва барқарор бўлади. Булар «бир маромдаги», «осойишта одамлар». Шундай одамлар борки, уларда ҳислар тез пайдо бўлади, кучли равишда ўтади ва барқарор бўлмайди. Булар «серҳаракат», «қизғин», «жиззаки» Одамлардир. Баъзи одамларда фақат бирор фавқулодда воқеалар натижасидаги очиқ ифодаланган ҳислар туғилиши мумкин, аксинча, баъзи одамларда арзимаган бир нарса кучли эмоциялар вужудга келтириши мумкин. Бундай кишиларда шок ва аффектлар ҳолати тез пайдо бўлади.

Эмоционал жиҳатдан одамлар яна шу нарса билан фарқ қиладиларки, улар мазмуни турлича бўлган ҳар хил ҳиссиётларга бир хилда берилмайдилар. Органик эмоцияларга кўпроқ бериладиган одамлар ҳам бўлади. Бундай одамларнинг ҳаётида овқатланish билан, ўзларининг сих-ат-саломатликлари, дам олишлари ва шу қабилар билан боғланган туйғулар ва кечинмалар энг кўп ўринни олади. Улар уз ҳисларини кондириб, хузур қилишни ҳаётнинг завки деб биладилар, Шундай кишилар борки, уларнинг ҳаётида интеллектуал (ақлий) ҳиссиётлар энг кўп ўринни олади. Улар ҳаёт завкини тадқиқотлар билан шуғулланишдан, янгиликни билишдан, илм-фан билан шуғулланишдан иборат деб биладилар ва шундай ишлар билан шуғулланиб хузур қиладилар. Шундай кишилар борки, уларнинг ҳаётида социал, эстетик эмоциялар; ўзларини сақлашга интилиш, ўзларига баҳо бериш ҳислари биринчи ўринда туради.

Одамлар эмоционал жиҳатдан яна шу билан ҳам фарқ қиладиларки, баъзи бир кишилар ижобий эмоцияларга — хурсандликка, ўйин-кулгига кўпроқ мойил бўладилар, оқ кўнгил бўладилар, баъзи кишилар салбий эмоцияларга — ғазабланиш, қўрқиш, ваҳима, маъюслик, ғамгинлик ҳисларига кўпроқ мойил бўладилар.

Ҳар бир кишида ўзига хос у ёки бу хил кайфият бўлади. Биз одамларни қувноқ кайфиятли кишилар деб, ғамгин кишилар деб, жahlдор кишилар деб ёки маъюс кишилар деб фарқ қиламиз ва хоказо.

Эмоциялар соҳасидаги мана шу индивидуал хусусиятларнинг ҳаммаси қисман органик сабабларга (асосан, нерв системасининг ҳолати ва фаолиятидаги хусусиятларга) боғлиқ бўлади, лекин кўп жиҳатдан одам яшаб, ўсаётган муҳитга ва қай хилда тарбияланганлигига боғлиқ бўлади. Совет кишилари қувноқ меҳнат шароитида яшайдилар. Шунинг учун ҳам уларда қувноқликка, руҳланишга, дадилликка, ўлфатчиликка ўртоқчиликка, дўстликка ҳамда бошқа юксак социал ва маънавий эмоцияларга мойиллик вужудга келади. Мамлакатимизнинг ҳаёти ва социалистик меҳнатда актив қатнашиш, шунингдек, совет муҳитида тарбияланиш совет кишиларининг катта қўпчилигида меҳнатга муҳаббат, Ватанга чексиз

*леҳр, Ватанни душманлардан ҳкмоя қилишда фидокорлик ҳисларини вужудга келтирди. Совет кишиларининг мана шу юксак ҳислари Улуғ Ватан уруши даврида, шунингдек, жуда катта хўжалик ва изданий қурилишимининг урушдан кейинги даврида айниқса ёрқин ва кучли намоён бўлди.

Эмоциялар ва ҳиссиётлар соҳасидаги мана шу индивидуал хусусиятларнинг ҳаммаси одам мижозининг, характерининг белгиларидир ва одамнинг нималарга қизиқаётганлигини кўрсатувчи белгилардир.

XI. ҲИСЛАРНИНГ АҲАМИЯТИ

Бизнинг психик ҳаётимизда ҳислар алоҳида ўрин тутди. Бизнинг интеллектуал процессларимизда объектив дунё сезгилар, идроклар, тасаввурлар ва фикрлар тариқасида инъикос қилади. Интилишлар ва ирода процесларида одам ўз миёсида инъикос (акс) этаётган дунёга таъсир қилади. Ҳислар эса одамнинг ўз атрофидаги объектив воқеликка ва ўзига муносабатидан ҳосил бўладиган туйғулардир,

Шу билан бир вақтда бу туйғулар шахснинг қуруқ, мазмунсиз ҳолати эмас: ақлий процессларнинг ҳаммаси — сезги ва идроклар, хотира, тафаккур ва нутқ хилма-хил эмоционал компонентлардан (ёки моментлардан) таркиб топади.

Ҳислар бўлмаганида эди бизнинг идрок қилишимиз, хотира, тафаккур, тасаввур процесслари нурсиз, жонсиз бўлиб қоларди, сезилмайдиган бўлиб ўтар эди ёки умуман вужудга келмас эди. Юқорида айтиб ўтганимиздек, ҳислар идрокимизнинг ёрқин ва жуда тўлиқ бўлишини таъминлайди, тез ва мустаҳкам эслаб қолишимизга таъсир қилади. Эмоционал туйғулар билан биргаликда эслаб қолинган нарсалар хотирамизда тез ва мустаҳкам ўрнашиб қолади. Хотирамиздаги нарсаларни кўз олдимизга тез келтириш ҳам ҳисларга боғлиқдир. Ҳислар фантазиямизни ишга солади. Фантазия образлари эмоционал ҳислар туйғули ёрқин ва жонли. Бўлиб қолади ёки, аксинча, тафаккур процессларини тўхтатиб қўяди. Ҳислар фикрларимизнинг ёрқин ва жонли бўлишини таъминлайди.

Ҳислар нутқимизни бурро қилади, нутқимизнинг ишончли, ёрқин ва жонли бўлишини таъминлайди. Ҳислар тафаккур ва ирода билан бирликда бизнинг ҳаракатларимизни туғдиради ва рағбатлантиради. Биздаги беихтиёр ҳаракатларнинг қўпчилиги эмоционал ҳаракатлардир. Ирода ҳаракатларининг кучи ва шиддати кўп жиҳатдан ҳисларимизга боғлиқдир.

Мана шу интеллектуал ва ирода процесларида ҳисларнинг ўзи ҳам сермазмун бўлиб қолади, интеллектуал ва ирода компонентлари билан = тасаввурлар, тушунчалар, интилишлар билан бойийди,

Хислар инсон ҳаётининг мазмунини оёйтади. Эмоционил кечинмалари оз ва кучсиз бўлган кишилар куруқ, майда гап кишилар бўлиб қоладилар, ўз фаолиятларида ва ўзларининг айрим хатти-ҳаракатларида формалист бўлиб қоладилар.

Аммо кишининг ҳаётида турли хислар турлича аҳамиятга эга бўлади. Ижобий хислар, масалан, хурсандлик, рухла», ниш бизнинг ҳаётий, ижодий фаолиятимизни оширади. Аксинча, салбий хисларнинг кўпи ҳаётий, ишчанлик фаолиятимизни пасайтириб юборади. Масалан, хавотир, ғамгинлик, ташсиш, маъюслик, ўз кучимизга ишонмаслик хислари мана шундай салбий хислардир.

Хислар одам фаолиятининг ҳамма турларида катта роль ўйнайди, ўйинларни, ўқиш ва ўрганишни ҳамда меҳнатни жонлантиради ва активлаштиради. Хислар заиф бўлганида одамнинг фаолияти бўшашиб кетади, яъни одам ланж бўлиб қолади.

Болаларнинг ўйинлари эмоцияларга бой ҳаракатлардир. Хислар ўйинларнинг тугилишига сабаб бўлади ва айни вақтда шу ўйинларнинг ўзи болаларда хилма-хил ижобий туйғулар туғдиради. Бу туйғулар эса болаларимизга тетиклик ва хушчакчаклик бағишлайди.

Меҳнатда ҳам хисларнинг аҳамияти каттадир. Ижобий хислар ғайратимизни, меҳнат қобилиятимизни оширади. Ижобий эмоционал ҳолатда ишлаётган кишининг меҳнати сермахсул бўлади ва кишини камроқ чарчатади.

Одамда мақсадга муайян ижобий эмоционал муносабат бўлгандагина бундай мақсад актив ижодий фаолиятни вужудга келтиради. Ижод қилмоқ, яратмоқ учун кишининг ўз ишига меҳр-муҳаббати зўр бўлиши, ижодкорлик машаққатлари ва шодликларидан завқланиши керак.

Совет кишиларининг ҳаёти ва ижодий фаолияти таъсирчан эмоционал туйғуларга бойдир. Меҳнатдаги хурсандлик ва рухланиш янгилик ҳисси, ўртоқлик ва дўстлик ҳисси, совет миллий ифтихор ҳисси ва совет ватанпарварлиги ҳисси совет кишилари ҳаётининг мазмунини ташкил этади. Янгилик ҳисси булмаган одамларга салбий назар билан қараймиз, ватанпарварликка царши ҳар қандай ҳаракатларни кўрганимизда, айрим кишиларнинг кўрқоқлик қилганлигини, уларда ўртоқлик ва дўстлик хислари йўқлигини кўрганимизда биз бунга ғазабланамиз ва бундай кишилардан нафратланамиз.

Эмоционал рухланиш ва завқ бизда илғорлар ва новаторлар ҳаракатининг ўсишига ва ривожланишига олиб келган сабаблардан бири бўлди.

Хислар илмий фаолиятда, ҳақиқатни қидирпш вақтида жуда катта аҳамиятга эга бўлади. В. И. Ленин «Инсоннинг I ҳақиқатни излашлари «инсоний хиссиётларсиз» ^еч вақт бўл-

магаъ', бўлмади ва I бўлиши мумкин ҳам эмас»¹ дейди. Маълумки, йирик тадқиқотчиларнинг ҳаммаси; -? илмий ҳақиқатни излашларида ҳамиша ўз ишларига зўр муҳаббат ва эҳтирос кўйиб ишлаганлар. Улар муайян бир хулосалар чиқаришда, кашфиётлар қилишда, кўпинча, оғир туйғулар кечирганлар, қанча-қанча шубҳа, гумонсираш ва бошқа нлу каби туйғулар кечирганлар.

Хислар одамнинг ижодий фаолиятини активлаштириб юборадиган «учкундир», «оловдир». Ижодиётнинг ҳамма турларида образлар ва идеяларни гавдалантиришда кишидаги хислар иштирок қилади.

Худди шунингдек, янгилик учун кураш кучли хислар бўлгандагина олиб борила олади. Бирор нимани яратиш ва унинг учун курашиш учун шу нарсани Лвиш ва унга меҳр кўйиш керак, бирор нимага қарши курашиш учун эса шу нарсага кишида нафрат бўлиши керак.

Инсоният до.хийлари—Маркс, Энгельс, Ленин—курашчи ва ижодчи шахсларга хос бўлган зўр эҳтирос билан ишлай оладиган, улуғ хислар эгаси бўлган кишилар эдилар.

Жамиятга нисбатан юксак ижодий хисларни ўстириш ёш бўғинни коммунистик руҳда тарбиялашнинг жуда муҳим вгзифасидир.

ХП. ХИСЛАРНИНГ УСИБ БОРИШИ

Чақалоқ туғилган пайтданок унда хислар намоён бўла бошлайди. Чақалоқнинг биринчи йиғисиёқ унда эмоционал ҳаёт бошланганлигини кўрсатувчи далилдир.

Кейин боланинг хислари ўзининг мазмундорлиги, кучи ва барқарорлиги жиҳатидан ўсиб боради. Болаларда дастлаб органик хислар ўсади, сўнгра эса, тарбиянинг таъсири остида, маънавий, интеллектуал, эстетик хислар ўсади. Бу ўсиш бирданига ўтадиган ва бекарор хислардан чуқурроқ ва барқарорроқ хисларга ўтиш йўли билан боради.

Болаларда дастлаб фақат органик хис— очлик ҳисси, температураининг ўзгариши ва шу кабилар сабабли нохуш хислар пайдо бўлади. Лекин чақалоқ ҳаётининг дастлабки кунларидаёқ унинг бирор нимадан ҳузурланганлиги ёки беҳузур бўлгвнлиги, масалан, ширин ёки аччикни хис қилганлиги чехрасидан кўриниб туради. Чақалоқ ўзининг биринчи ҳаракатларидан ҳузурланади. Бошқа хислар ҳам барвақт пайдо бўлади. Дарвин ўзининг ўғли хали 8 кунлик чақалоқлик вақтида шу мурғак чақалоқда биринчи эмоционал ғазаб аломатлари намоён бўлганлигини айтади. Чақалоқларда биринчи ойлардаёқ ўз яқинларини кўрганларида хурсандлик ҳисси пайдо бўлади.

Ешга тўлмаган гўдакда хис, одатда, бирданига пайдо

¹ В. И. Ленин, Асарлар, 20- том 237- бет.

бўладн, бу хислар Г/арқарор бўлмайди: х)ис манбаининг таъсири йўқолиши билан, кўпинча, хиснинг *ти* ҳам тўхтаб қолади. Ешига тўлмаган гўдакда фақат бевосита хислар, яъни шу топдаги сезгилар ва идроклар билан боғлиқ хисларни куриш мумкин.

Бола бир ярим/ёшга тўлганда у онасини, отасини ва бошқа яқин кишилар-ни кўрганида унда қандайдир ёқимли бир хис туғилишини, хатто уларнинг номини эшитганида ҳам унда шундай ёқимли хис туғилишини кўриш мумкин. Бола ўзига ваъда қилинган ўйинчоқнинг қўлига тегишини кутиб қувонади. Унда коллективизм хислари, дўстлик хислари пайдо бўла бошлайди. Эстетик хислар ҳам пайдо бўлади: бола янги кийимни кийганида, чиройли ўйинчоқни олганида жуда севиниб кетади.

Мақтабгача тарбия ёшида болаларда интеллектуал хислар ҳам пайдо бўлади: уларда қизиқиш, ҳар нарсани билишга интилиш тугилади. Коммунистик тарбия таъсири остида болаларда ахлоқий хислар ўсади. Болалар теварак-атрофдаги ккшиларга бўлган муносабатларидан, катта кишиларнинг ўз ҳаётларидаги турли воқеалар ҳақида айтиб берган ҳикояларидан таъсирланадиган бўлиб қоладилар.

Мақтабгача тарбия ёшидаги боланинг хислари гоят ёркин, кучли бўлади, лекин ҳали унчалик барқарор бўлмайди.

Мақтаб ёшидаги кичик болаларнинг эмоционал ҳаёти ўқиш ва тарбиянинг таъсири остида анча кенгаёди. Мақтаб болаларида интеллектуал ва ахлоқий хислар, ўртоқлик ва дўстлик хислари катта ўрин ола бошлайди. Совет ватанпарварлиги, виждоний бурч хисси ва шу каби хислар пайдо бўлади ва усади.

Мақтаб ўқувчиларининг хислари ўзининг анча барқарорлиги билан фарқ қилади, бу хислар анчагина осойишталик билан ўтади, анча чуқур ва кучли бўлиб қолади.

Усмирлик ёшида, тахминан 13—14 ёшларда, болаларнинг эмоционал кечинмаларида катта ўзгаришлар бошланади. Шу ёшдаги болаларда таълим таъсири остида абстракт-мантикий ва танқидий тафаккур анча ўсади. Усмирлар дунёқараш масалалари билан қизиқа бошлайдилар, уларнинг пионер ва комсомол ташкилотларида иштирок қилишлари бундай қизиқининг ўсишига кўп жихатдан ёрдам беради. Мана шуларнинг ҳаммаси хилма-хил интеллектуал ва эхлоқий хисларнинг ўсиши учун манба бўлиб қолади. Усмирларда ҳаёл кучли равишда ўсади, хисларнинг ўзи ҳаёлнинг ўсишига ёрдам беради ва ҳаёлнинг ўзи ҳам хилма-хил чуқур эмоционал кечинмаларнинг манбаи бўлиб қолади. Келажак тугрисидаги орзулар, қахрамонлик, романтика — мана шуларнинг ҳаммаси эмоционал кечинмаларнинг манбаидир; ўз-ўзига баҳо бериш хисси кучли равишда усади. Усмир болаларнинг алоқа доираси кенгайиши ва уларда ижтимоий-сиёсий масалаларга қизиқиш

ўсиши туфайли ахлоқий хислар ўсмирлар ҳаётида катта ўрин оладиган бўлиб қолади, уларда совет ватанпарварлиги хисси ёркин намоён бўлади.

Шу ёшда организмда физиологик ўзгаришлар содир бўлиши (балогат ёши бошланиши) сабабли эмоционал қўзғалиш-пинг характерида ҳам ўзгариш рўй беради. Хислар кучли равишда намоён бўлаверади, лекин кўпинча бу хислар барқарор бўлмайди. Бошқа ёшдаги болаларга Караганда, усмирларда инжиклик, аразлаш кўпроқ бўлади.

Албатта, ҳамма болаларда ва ўсмирларда ҳам хислар ўзининг мазмуни, кучи ва барқарорлиги жихатидан бир хилда бўлавермайди. Катта кишиларда бўлгани сингари, болаларга ўсмирларнинг эмоционал кечинмалари ҳам индивидуал хусусиятларга эга бўлади. Гўдакликдаги ва мақтабгача тарбия ёшидаги хислар, асоан, болаларнинг темпераментига (мижозига) боғлиқ бўлади, лекин мақтабгача тарбия ёшидаёқ болалардаги хислар таркиб топаётган характернинг, қизиқишларнинг ифодаси бўлиб қолади.

Болалик чоғида кечирилган айрим кучли хислар одамнинг бутун шахсида — унинг қизиқишлари ва характерида кўшшча ўз изини қолдиради. В. Г. Короленко ўзининг таржимаи холида, янги ўқитувчининг биринчи дарсда қилдирган таассуроти ўзининг камол топишида гўё катта бурилиш нуқтаси бўлганлигига эслайди. А. М. Горький ўзининг «Болалик» деган повестида бундай деб ёзади: «Бетоблик кунларим (бобосидан калтак егандан кейин бетоб бўлиб қилган кунлари.— П. И.) менинг учун умримнинг жиддий кунлари бўлди. Шу кунларда мен жуда ўсган бўлсам ва алланималарни фаҳмлаб олган бўлсам керак. Шундан бери менда одамларга нечукдир тўлқинланиб разм солиш одати пайдо бўлди, худди қалбимнинг устидаги териси шилиниб ташлангандек, менинг қалбим ўзининг ва ўзгаларнинг ҳар қандай алами ва оғриғига тоқат қилиб бўлмаслик даражада сезгир бўлиб қолди».

Кишининг хислари унинг ақл-фаросатининг ўсиб бориши билан бирликда, унинг эҳтиёжларининг ўсиб бориши билан бирликда, фаолиятида ўсиб боради. Усиб бораётган хислар эса одамнинг ақлий ва амалий фаолиятини ўстиради, ўсиб бюраётган шахснинг эҳтиёжларини кучайтиради ва мустаҳкамлайди.

Тарбия олиш ва ўз-ўзини тарбиялаш хисларнинг ўсишида катта аҳамиятга эгадир.

Хисларни **тарбиялаш** кераксиз ва салбий хисларни тийишдан, социал жихатдан қимматли ва барқарор ижобий хисларни ўстириш ҳамда мустаҳкамлашдан иборат бўлади. Хислар хилма-хил йўллар билан тарбияланади.

Чунончи, айрим хисларнинг манбалари бир шаклда кўп марталаб такрорлана берса, ундай хислар «сўниб қолиши»

мумкин. Масалан, агар бола қоронғи уйга киришга кўркса, унинг шу уйга тез-тез кира бериши билан ундаги кўркиш йўқола бошлайди. Агар ўқувчи доскага чакирилганида, у ўқиб беришга ёки ёзишга уялиб хижолат тортса, бундай ўқувчини доскага-тез-тез чиқара бериш керак, ана шунда у тортинмай-диган бўлиб қрлиши мумкин. Кўп кишилар кўпчилик олдида биринчи марта сўзлаган вақтларида уларда кўркиш хисси пайдо бўлади, лекин улар қайта-қайта сўзга чиқаверганлари» дан кейин, улардаги бу кўркиш хисси сусая беради ва ниҳоят бутунлай «сўниб қолиши», йўқ бўлиб кетиши мумкин.

Албатта, бунда шу хисларни туғдирувчи манбанинг такрорлана бериши эмас, балки одамнинг салбий кечинмалардан қутулиш истаги муҳим роль ўйнайди.

Лекин бу қонуният фақат оддий ва тез ўтиб кетадиган хисларгагина, бизга бир хилда таъсир қилувчи ва мазмуни чуқур булмаган объектлар сабабли туғиладиган хисларгагина тааллуқлидир. Мураккаб, чуқур хислар бизда шу хисларни туғдирган объектлар бизга қайта-қайта таъсир ўтказа берганида йўқ бўлиб кетмайди, балки, аксинча, тағин ҳам кучли ва барқарор бўлиб қрлади. Масалан, музыка асарларини қайта-қайта эшитиш натижасида бизнинг эстетик хисларимиз чуқур, кучли бўлиб қрлади. Узимиз яхши кўрган, ўзимиз учун кадрли бўлган жойларга ҳар сафар борганимизда бизнинг шу жойларга бўлган хисларимиз, меҳримиз, одатда, кучая боради.

Айрим эмоционал кечинмаларнинг «сўниб қолиши» да бошқа қонуниятлар ҳам бор. Масалан, қарама-қарши хислар баъзи нисбатларда бир-бирини йўқотиб юбориши мумкин. Салбий хис пайдо бўлиб турганида кучлироқ ижобий хис туғдирадиган сабаб пайдо бўлиб қолса, у ҳолда, салбий хис сўниб қрлиши, йўқрилиши мумкин. Масалан, бир бола йиқилиб тушиб, йиғлаб турибди. Онаси шу пайтда келиб қрлиб, уни эркалатди—бу эркалатиш кучли сабабчи бўлади, шунинг учун «хам болада кўз ёши ўрнига қулиш, хурсандлик пайдо бўлади.

Ўқувчи чўчиб туришини уни қайта-қайта доскага чакира бериш йўли билангина йўқ қилиб қолмасдан, балки болада қарама-қарши хислар туғдириш йўли билан ҳам бу чўчишликни йўқотиш мумкин. Масалан, биринчи синф боласидаги чўчишликнинг сабаби унинг ўз кучига ишонмаслигидан иборат бўлса, уйга бемалол бажара оладиган вазифа бериш керак. Бола шу вазифани бажарганида уни макташ керак. Макташ, рағбатлантириш болада ижобий эмоция туғдиради, чўчиш; Кўркиш хисси эса унда йўқола бошлайди, шунинг учун ҳам бундай болани доскага чакирган вақтда, у унчалик чўчимай, Доска олдида дадилроқ бўлиб келади.

Хисларни ирода кучи билан ўзгартириш мумкин.

Аввало, маълум бир хисларнинг ташқир ифодасини ихти-

ери равишда ўзгартириш еки вужудга келтириш мумкин. Чунотчи, одам ўзини ташқаридан қараганда қувонган қилиб кўрсатиш билан баъзан ҳақиқатан ҳам ўзида хурсандлик хисси кечира бошлайди. Шу туфайли у, бардам булиб қрлади, хр.қикатан х^ам ўзини тетик хис қила бошлайди. Шу сабабли, хисларнинг ташқи ифодасини бошқариб туриш, хисларнинг ташқи ифодаларини тия билиш ёки шундай хисларни ўзида туғдира билиш ва вужудга келтира олиш одамнинг эмоционал ҳолати учун катта аҳамиятга эгадир. Одатда, мактабда мана шу ташқи факторнинг роли хисобга олинади, шунинг учун ҳам мактабда муайян эмоционал ҳолат вужудга келтирмоқ учун ташқи интизомга ва юриш-туришнинг батартиб бўлишига алоҳида аҳамият берилади.

Лекин х^ам иша х^ам шундай бўла бермайди. Ҳар қандай ташқи х^аркат — мимика, имо-ишоралар ва шу каби ҳаракатлар ўз-ўзидан тегишли хислар туғдира беради деб ўйлаш нотўғридир. Ирода кучи билан хисларнинг барча ташқи ифодаларини вужудга келтирган тақдирда ҳам, лекин бари бир, шу хисларнинг ўзини кечирмаслик мумкин. Биз ўзимизни хурсанд қилиб кўрсатиш билан хурсандлик хиссини ўзимизда кечирмаслигимиз мумкин. Аламнинг ташқи ифодаларини ўзимизда босган бўлсак ҳам, лекин биз бу билан аламнинг ўзини йўқотмаган бўлишимиз мумкин. Хисларнинг ташқи ифодаларини ўзимизда босиш (ўзимизни босиб олишимиз), кўпинча, Хисларимизни сусайтиради-ю, аммо бу хисларни батамом йўқотмайди.

Хисларни ирода ёрдами билан бошқариб туриш усуллари ҳам бор. Ирода кучи билан тасаввур ва фикрлар туғдириш ёки яратиш мумкин, бундай тасаввур ёки фикрлар тегишли хисларни х^ам туғдириши мумкин. Ирода кучи билан тегишли эмоционал ҳолатни киши ўзида босиб олиши ёки давом эттириши мумкин. Масалан, одам ирода кучи билан ўзида муайян ишга меҳр-муҳаббат туғдириши ва кейин шу муҳаббат хиссини мустаҳкамлаши мумкин. Биз дўстлик х^ам ини сақлаш зарурлиги тўғрисида, эр билан хотиннинг бир-бирига муҳаббатини ва хУР^атини мустаҳкамлаш, оила аъзолари ўртасида бир-бирига муҳаббат ва хУР^атни мустаҳкамлаш зарурлиги ва мумкинлиги туррисида гапирамиз. Ижобий хислар баъзан учқун каби пайдо бўлиши мумкин. Бу учқун ёниб оловга айланиши учун, энг муҳими эса хиснинг узок давом қиладиган бўлиб қолиши учун кишининг ўз иродаси хрм зўр бериши лозим.

Хислар одамнинг ўз ирода кучини ишга солиш йўли билан тарбияланади ва камолга етказилади. Хисларни тарбиялаш Еа камолга етказишда одамнинг турмушдаги ўз вазифаларини га макрадрларини англаб ишлаши, муайян мақсадга билиб интилиши катта аҳамиятга эгадир.

Ҳисларни тарбиялаш, асосан, иродани тарбиялашга, жумладан, киши ўз-ўзини тута биладиган қилиб тарбияланишига боғлиқдир. Одамда ўзининг эмоционал кечинмаларини бошқариш зарурлигини англашни ўстириб бориш ва ҳақиқатан ҳам шу кечинмаларни бошқара билишни ўстириб бориш тарбиянинг асосий вазифаларидан биридир. Одамда ўз-ўзини тута билиш қобилиятини ўстириш — ирода ва характерни тарбиялашнинг муҳим жиҳатларидан биридир.

Совет кишисида кучли, барқарор ижобий ҳисларга мойиллик пайдо қилиш, доимий бардамлик ва қувноқлик кайфияти, руҳланиб ишлаш кайфияти пайдо қилиш совет кишисини эмоционал жиҳатдан тарбиялашнинг асосий мақсадидир.

Намуна ва мисоллар болаларга эмоционал таъбир ўтказиш воситаси сифатида катта аҳамиятга эгадир. Чунинчи, граждан уруши қаҳрамонларининг ва немис фашизмига қарши олиб борилган Улуг Ватан уруши қаҳрамонларининг, шунингдек, Социалистик Меҳнат Қаҳрамонларининг ҳаёти ва фаолияти билан танишиш совет ватанпарварлиги ҳиссини, дадиллик ҳиссини тарбияламоқ учун катта аҳамиятга эга. Ота-оналарнинг ва ўқитувчиларнинг ижобий намуналари ахлоқий ҳисларни тарбиялашда катта роль ўйнайди.

Болаларнинг ўқишда ва ишда бир-бирларига ўртоқларча ёрдамлашишлари ва коллектив бўлиб меҳнат қилишлари (масалан, колхозда ҳосилни йиғиб-териб олишда қатнашиш) ўртоқлик ва дўстлик ҳисларини тарбиялашда айниқса катта аҳамиятга эга.

Бадий ҳаваскорлик тўғаракларида қатнашиш; театрларни, концертларни, музейларни бориб кўриш, бадий адабиётларни ўқиш, эстетик ҳисларнинг ривожланишига кўп даражада ёрдам беради.

Ҳисларни тарбиялаш айни вақтда одамнинг иродасини ва характерини ҳам тарбиялашдир.

ХП Б О Б _

/Ц и р о д а и О А %

1. ИХТИЁРСИЗ ВА ИХТИЕРИИ АКТИВЛИК ТУГРИСИДА УМУМИЙ ТУШУНЧА

Психик процессларнинг ва шахснинг энг муҳим томони уларнинг активлигидир. Бу активлик ихтиёрсиз ва ихтиёрий бўлиши мумкин.

Ихтиёрсиз ҳаракатлар у ёки бу ҳолларда кишида олдиндан белгиланмаган бирон мақсадсиз воқе бўлади; бундай ҳаракатлар бирон-бир ташқи сабаблар туфайли пайдо бўла-

ди. Ихтиёрсиз ҳаракатда онгли равишда зўр* бериш бўлмайди.

Ихтиёрий ёки иродавий ҳаракат олдиндан қўйилган мақсад асосида, бизнинг хоҳишимиз билан бўладиган активлиқдир. Бу ҳаракат бизнинг «ўзлимиз» билан боғлиқдир ва у онгли равишда зўр беришимиз натижасида содир бўлади.

Юқорида кўрсатиб ўтилганидек, ихтиёрсиз ва ихтиёрий ҳаракат диққат процессида ва у билан боғлиқ бўлган бошқа аклий процессларда зохир бўлади. Шунинг учун, ихтиёрсиз ва ихтиёрий идрок, ихтиёрий ва ихтиёрсиз эса олиб қрилиш ҳамда эса тушириш, ихтиёрий ва ихтиёрсиз ҳаёл ҳамда тафаккур деб, фарқ қилинади.

Психиканинг активлиги иш-ҳаракатларда жуда яққол зохир бўлади. Иш-ҳаракатлар ҳам ихтиёрсиз (ғайри иродавий) ва ихтиёрий (иродавий) бўлади. Биз ирода ҳақида гапирар эканмиз, фаолиятимизда зохир бўладиган онгли ҳаракатни кўзда тутамиз.

Иродавий ҳаракатлар деганда фақат жисмоний (яъни мускуллар билан боғлиқ бўлган) ҳаракатларнигина эмас, балкишунинг билан бирга аклий ҳаракатларни ҳам тушуниш лозим. Аклий ишлар жараёнида одам кўпинча қийинчиликларга дуч келиб қолади. Бундай ҳолларда иродавий зўр беришга тўғри келади, Лекин шунга қарамай, ирода ҳақида гапирганимизда, асосан одамнинг ташқи ҳаракатларида намоён бўладиган онгли активлигини назарда тутамиз.

Шундай қилиб, *ирода кишининг шундай активлигидирки, бундай активлик олдиндан бирор мақсад қўйиб ва шу мақсадга эришиш воситаларини олдиндан белгилаб, онгли равишда зўр бериш натижасида воқе бўлади.*

Шуни назарда тутиш керакки, иродавий ҳаракатлар ҳеч қандай сабабларсиз ўз-ўзича юзага келадиган ҳаракатлар эмас. Буржуа психологлари иродани ҳеч қандай сабаб билан ҳаттоки органик процесслар билан ҳам боғлиқ бўлмаган ва одамнинг хатти-ҳаракатларини «эркин» бошқарадиган махсус рухий куч деб тушунтиришга интиладилар. Биз буржуа психологлариининг ирода ҳақидаги бундай ғайри илмий, идеалистик таълимотларини мутлақо асоссиз таълимот сифатида рад этишимиз керак.

Диалектик ва тарихий материализм таълимотига кўра, инсон иродавий ҳаракатларининг ўз сабаблари бордир. Иродавий ҳаракатлар инсон шахси шаклландиган ва инсон яшайдиган ҳамда ҳаракат қиладиган ижтимоий-тарихий шароит билан боғлиқдир.

Иродавий ҳаракатлар деярли ҳамма вақт ихтиёрсиз активлик билан боғлиқ раёишда содир бўлади.

Рефлектор ҳаракатлар, масалан, йўталиш, чучқуриш, кўз пир-пиратиш, қўлга беҳосдан нина қадалганда ёки қўл қуйиб

қолгайда қўлни силтаб тортиб олиш ихтиёрсиз ҳаракатлар жумласидандир. Бундай ҳаракатларнинг нерв-физиологик асоси шартсиз рефлекслардир.

Импульсив ҳаракатлар ҳам рефлектор ҳаракатлар жумласига киради. Бундай ҳаракатлар организмда йиғилиб қолган нерв қувватининг бўшалиб кетиши туфайли юзага келади. Импульсив ҳаракатлар гўё портлашга ўхшаган ҳаракатлардир. Соф ҳолда учрайдиган импульсив ҳаракатлар болаларга хос бўлади. Масалан, соғлом, қррни тўқ бола уйқудан Сўнг одатда бутун гавдасини ирғитиб, қўл ва оёқларини қимирлатиб ётади. Импульсив ҳаракатлар ўйинларда ва умуман кичик ёшдаги болаларнинг хатти-ҳаракатларида катта ўрин эгаллайди.

Инстинктив ҳаракатлар мураккаб ихтиёрсиз ҳаракатлардандир. Бундай ҳаракатларнинг нерв-физиологик асоси бири-бири билан уланиб кетган қатор шартсиз рефлекслардир.

Ихтиёрсиз ҳаракатларнинг махсус тури *автоматлашган* ҳаракатлар, яъни малака ва одатлардир. Бундай автоматлашган ҳаракатлар одамнинг амалий ҳаёти давомида хосил қилинади. Малака ва одатларнинг нерв-физиологик асосидашартли рефлекслар ётади.

Ихтиёрсиз ҳаракатларга кишининг ҳиссий (эмоционал) кечиринмалари билан боғлиқ бўлган ҳаракатлар ҳам киради.

Кишининг ҳиссийи билан боғлиқ бўлган (эмоционал) ҳаракатлари туғма (инстинктив) ва одатланиб қолган ҳаракатларида намоён бўлади. Эмоционал ҳаракатларнинг нерв-физиологик механизмлари шартсиз ва шартли рефлекслардир.

Ихтиёрсиз ҳаракатларнинг хусусияти шундан иборатки, одатда бундай ҳаракатлар онгсиз равишда воқе бўлади. Аммо ихтиёрсиз ҳаракатларнинг кўпчилигини киши маълум даражада ўша иш-ҳаракатлар воқе бўлган пайтда ва айниқса улар бўлиб ўтгандан кейин *билиб-англаб* олади. Бундай англаш ихтиёрсиз қилинган ҳаракатларнинг зарурлиги, фойдалилиги ва ахлоқийлиги жихатидан баҳо бериш туфайли қаноат хосил қилиш ёки норози бўлишда ифодаланади. Ақлий ва ахлоқий тзракқийёт даражасига қараб, киши худди ихтиёрий ҳаракатлар сингари бу ҳаракатларни ҳам ўзи маъқуллайди ёки қрралейди.

П. ИРОДАВИЙ ҲАРАКЛАТЛАРНИНГ АСОСИЙ МОМЕНТЛАРИ (ЁКИ ФАЗАЛАРИ)

Иродавий ҳаракатлар, ихтиёрсиз иш-ҳаракатлардан фарк қила ўлароқ, онгли равишда қилинади. Бу ҳолда онгнинг фаолияти ҳаракат мақсадини белгилашда, бу мақсадга эришиш воситалари ва йўл-йўриқларини олдиндан белгилашда, маълум бир қарорга келишда ҳамда бу қарорни ижро этишда намоён бўлади.

Ҳаракат мақсадини белгилаш

Иродавий процесс ва иродавий ҳаракатнинг дастлабки момента мақсад қўйишдан иборатдир. Мақсад деганда биз — одам нима қилиши кераклигини, нимага эришиши кераклиги ва қандай қийинчиликларни енгиши лозимлигини англашни тушунамиз.

Нима қилиш кераклигини англаш ва мақсад қилиб қўйиш бажариладиган иш-ҳаракатларидан келиб чиқадиган натижаларни ўйлаш ва тасаввур қилиш билан муайян даражада боғлиқ бўлади. Қилинадиган ҳаракатнинг аниқ мақсади ҳамма вақт шу мақсадга эриштирувчи воситалар ва йўл-йўриқларни тасаввур этиш билан ҳам боғлиқ бўлади. Бирор нарсани мақсад қилиб қўйиш маълум сабаблар, муайян факторлар ва инсон айнаи шу чоғда идрок қилаётган шароитнинг ўзи билан белгиланади. Масалан, одам баъзан қийин ахвблиг тушиб қолади ва у бу ахволдан қандайдир йўл билан чиқиб кетишни ўз олдига мақсад қилиб қўяди. У ҳалақит қилаётган нарсаларни йўқотиб, шароитни ўзгартиради ва янги шароит яратади.

Мақсад қилиб қўйиш шахсий ёки ижтимоий манфаатлар нуктаи назаридан муайян бир ҳаракатларни бажариш зарурияти билан белгиланади. Масалан, давлат чегараларини қўриқлашда қўйиладиган мақсадлар.

Мақсад қилиб қўйиш ва шу мақсад асосида ҳаракат қилиш одамнинг меҳнати, касби билан боғлиқ бўлган вазифалари билан белгиланади. Одамнинг жамиятда ва коллективда тутган ўрни унинг ўз олдига муайян бир нарсани мақсад қилиб қўйишини белгилайдиган муҳим факторлардандир.

Айрим одам томонидан қилинадиган ҳаракатнинг мақсади, кўпинча бошқа одамларнинг бирор маслаҳати, илтимоси, буйруғи ва шунинг қабилад таъсири билан белгиланади. Худди шунинг сингари, мақсадга эриштирувчи восита ва йўл-йўриқлар ҳам, кўпинча, ташқаридан (маслаҳат, буйруқ, илтимос тариқасида) кўрсатилади.

Нима қилиш кераклигини англаш ва мақсад қилиб қўйиш кўпчилик ҳолларда, одамнинг биологик ва руҳий эҳтиёжлари билан белгиланади.

Эҳтиёжларнинг актив томони қнтелишларда кўринади. Интелиш эҳтиёжни қондира оладиган нарсага, шу эҳтиёжнинг қондириш учун қидириб топиш ёки янгидан яратиш, ўзгартириш ва ҳақозо лозим бўлган нарсага қаратилган бўлади. Юқрида айтиб ўтилганидек, интелишлар ҳақозо эҳтиёжларнинг муҳим элементларидандир.

Интелишлар турли даражада англаниши мумкин. Интелишларни англаш даражаси киши эҳтиёжининг кучига, ҳақозо тажрибаси ва билимларига ҳамда унинг тафаккури ва

хаёлининг тараққиётига боғлиқдир. Англаш даражасиға кўра, одатда, интилишларнинг қуйидаги турлари ёки фазалари бўлади:— истақ, тилақ ва хоҳиш.

Истақ — интилишнинг шундай бир туридирки, бунда киши фақатгина ўзининг ҳозирги ҳолатидан норози эканини ҳис қилиб турса ҳам, лекин қандай мақсадга интилаётганини, бинобарин, бу мақсадга эришишнинг йўл-йўриқларини аниқ билмайди. Истақ шундай бир ҳолатдирки, бунда киши ўзига алланима кераклигини, алланима етишмаётганини ҳис қилиб туради-ю, аммо бу нарсанинг нима эканлигини аниқлаб ололмайди, яъни тасаввур қила олмайди, фаҳмига етмайди. Бундай ҳолларда «У нима истаётганини ўзи ҳам билмайди», дейишади.

Истақ пайтида киши қандай мақсадга интилаётганини, бу мақсадни амалга ошириш йўл-йўриқларини англаб етмас экан, демак, истақни бевосита амалга ошириб юбориш мумкин эмас.

Киши нима истаётганини ўзи англаб етолмаган пайтда, одатда, бир хил кўнгли ғашроқ ҳолатда бўлади, яъни зериккандек, нимагадир кўнгли ғашдек ва қандайдир ноаниқ бир ҳолатда бўлади. Истақ болаларда жуда ёрқин намоеён бўлади. Бунинг сабаби шундаки, болалар ўзларида тузилган эҳтиёж ва интилишларини турмуш тажрибалари ва билимларининг етарли даражада эмаслиги туфайли аниқ англай олмайдилар. Болалар бундай ҳолатда кўпинча инжиқлик қиладилар.

Истақ тарзида интилишлар, кўпроқ бирон иш билан шуғулланмайдиган, маълум ҳаётий қизиқишлари бўлмаган ва кам ҳаракатроқ кишиларда учрайди. Кишида ҳосил бўлган истақ маълум даражада англашилса, тилақ-ҳавасга айланиб кетиши мумкин. Тилақ ҳавасни даставвал шундай тушуниш керак.

Тилақ — ҳавас интилишнинг шундай бир туридирки, бунда киши фақатгина қандай мақсадга интилаётганлигини билади, лекин бу мақсадга эришиш йўлларини аниқ билмайди. Бундай тилақ баъзан зўр ҳаёл суриш билан, баъзан эса «чексиз» орзу билан боғлиқ бўлади.

Бундай Тилақ бўлган пайтда, кўпинча янги интилиш пайдо бўлади, яъни тилаққа эришиш учун восита ва йўллар қидириш, баъзи пайтда эса ўзида тузилган тилақни босишга интилиш ҳрсил бўлади. Агар амалга ошириш учун восита ва йўллар топилиб қолса, у пайтда тилақ — тўла англашган интилишга айланадики, бу ҳолда киши фақат қандай мақсадга интилаётганлигини аниқ билиб қолмай, балки бу мақсадни амалга ошириш воситаси ва йўлларини ҳам билади.

Мана шундай қилиб, тилақ тобора англашилиб бориши натижасида хоҳишга айланиб кетиши мумкин.

\\Хоҳиш — тўла англашган интилишдир. Бунда фақат интилишнинг мақсади ва бу мақсадни амалга ошириш воситаларигина эмас, балки мақсадни амалга ошириш имконияти, маълум бир мақсадда ҳаракат қилишга тайёр ва қилинадиган ҳаракатлардан келиб чиқадиган натижалар ҳам англаилади.

Иродавий ҳаракатлар — илгаридан мўлжалланган^ хоҳиш билан амалга ошириладиган ҳаракатлардир. Иродавий ҳаракатлар ихтиёрсиз ҳаракатлардан даставвал шунинг^ билан фарқ қиладики, уларда олдиндан мўлжалланган ва тўла англашилган-интилиш бўлади.

Хоҳиш билан тўтша-тўғри тегишли ҳаракат ^бошланиб кетиши мумкин. Бундай ҳаракатлар оддий иродавий ҳаракатлар ёки оддий иродавий актлар деб аталади. Масалан, одам ўрnidан туришни хоҳлар экан, у ўрnidан туради, бирон қаламни олишни хоҳласа, уни бемалол олади.

Лекин бизнинг иродавий ҳаракатларимизнинг кўпчилиги мураккаб ҳаракатлардир. Бу мураккаблик шундан иборатки, хоҳиш билан уни амалга ошириш ўртасида яна маълум бир мақсадни белгилаш, бу мақсадни амалга ошириш воситаси ва йўлларини белгилаш ҳамда маълум қарорга келиш каби процесслар бўлади.

Бизнинг кундалик фаолиятимизда, кўпинча, бир хил мақсадлар қўйишга ва бу мақсадларни бир хил йўл-йўриқлар билан амалга оширишга тўғри келади. Бундай ҳолларда, албатта, мақсадни амалга ошириш воситаларининг тўғрилигидан шубҳаланишга ва мақсадни амалга ошириш воситаларини танлаш учун вақт сарф қилишга тўғри келмайди.

Агар одам ўз олдиға янги мақсад ва янги вазифалар қўйса-ю, лекин бу мақсад ва вазифаларни амалга ошириш воситаси ҳамда йўл-йўриқлари ҳали тажрибада синаб қўрилмаган бўлса, асосан, ана шундай ҳолларда иродавий процесслар мураккаблашади. Шунинг учун оддий ҳаракатларга Караганда, мураккаб иродавий ҳаракатлар вақт жиҳатидан давомлироқ бўлади.

Мақсад ва воситаларни белгилаш

Кишида айна бир вақтнинг ўзида бир неча тилақ ва истақлар туғилиши мумкин, чунки кишининг эҳтиёжлари жуда ҳам хилма-хилдир. Масалан, киши кечқурун бўш бўлган пайтида театрга ёки ўз дўстининг олдиға боришни хоҳлаши мумкин. Бундан ташқари, айна бир истақ, айна бир мақсадга эришиш йўли ва эришиш воситаси турлича бўла олишини тасаввур этиш; истақ ва мақсадга эришмоқ учун қилинган

иш-ҳаракатлардан чиқадиган турли хил натижаларни олдидан тасаввур этиш мумкин.

Бир неча мақсад ёки уларга олиб борувчи бир неча/йўл бўлган тақдирда, булардан муайян бир мақсадни ҳамда' шу мақсадга олиб борадиган маълум бир йўлни танлаб олиш лозим бўлади.

Бирон мақсад ва уни амалга ошириш воситаларини танлаш процессида уларнинг маъқул ёки номаъқул эканликлари чамалаб кўрилади. Бирон мақсад ва бу мақсадни амалга ошириш йўллари белгилаб берувчи ёки белгилаб бермовчи ҳар қандай нарса ҳаракатнинг мотиви деб аталади. Мотив деб — киши нима учун ўз олдига бошқа бир мақсадни эмас, балки айти шу мақсадни қўйиши керак, нима сабабдан у ўз мақсадига эришмоқ учун, бошқа бир йўллар билан эмас, балки худди шу йўл билан ҳаракат қилиши керак, деган саволларга жавобдир.

Иродавий ҳаракатларнинг ихтиёрсиз ҳаракатлардан фарқи яна шундан иборатки, улар **мотивлар асосида** амалга оширилади.

Инсон иродавий фаолиятининг мотивлари хилма-хилдир. Бу мотивлардан аввало кишининг интилиш ва хоҳишларини туғдирувчи эҳтиёжларни кўрсатиш мумкин. Маълум мақсад ва унга эришиш йўллари танлаш купинча бирер эҳтиёжнинг мазмунига ва аҳамиятига боғлиқ. Кучлироқ эҳтиёж бошқа мотивлар орасида кучлироқ мотив бўлиши мумкин.

Иродавий ҳаракат натижалари тўғрисидаги тасаввурларимиз ҳам иродавий ҳаракат мотивлари бўла олади, чунки бу натижалар маълум ижтимоий ва шахсий аҳамиятга эга бўлиши мумкин. Биз тасаввур қилган мақсад ва бу мақсадга эришиш йўллари турли ҳиссиётларимиз билан боғлиқ бўлиши билан бирга, маълум даражада жозибали бўлиши мумкин. Бу жозибалилик ҳам ҳаракат мотиви бўла олади.

Бирон мақсад ва унга эришиш йўллари танлаганда ҳар бир киши маълум даражада ўз дунёқарашига, ахлокий принципларига, эстетик дидларига, шахсий ёки ижтимоий манфаатларига асосланади. Совет кишиси иродавий ҳаракатларининг мотивлари унинг марксча-ленинча дунёқараши ва, шунинг билан бирга, унинг ижтимоий манфаатлари, ахлокий ва эстетик қарашларидир.

Жамоатчилик фикри ва одамнинг бу фикрга бўлган муносабати ҳам маълум қарорга келиш мотивларидан бири ҳисобланади.

Бирон мақсадни танлаш процессида, одатда, тафаккур ва ҳиссиёт иштирок қилади.

Бу ерда тафаккур фаолияти энг аввал ҳар бир мотивга «қарши» ёки «тарафдор»ликни муҳокама қилиб, асослашдан

борат бўлади. Мотивларни муҳокама қилишда ва асослашда иши, одатда, айти ҳодиса юзасидан ёки ўзининг хатти-ҳар\к\атларида доимо асосланадиган маълум бир фактлардан, принцип ва қоидалардан фойдаланади. Мотивни шундай муҳрама қилиш ва асослаш **мотивизациялаш** деб аталади.

Бирон мақсадни танлашга ҳиссиётлар сабаб бўлади. Ҳиссиётлар айрим тасаввур ва мотивларни ёрқин, жонли ва биз учун жозибали қилиб кўрсатади. Ҳиссиёт бирон нарсага интилишни активлаштиради ёки сустлаштиради, у, яъни ҳиссиёт, маълум мақсад ва маълум ҳаракат йўллари танлашга сабаб бўлади.

Бирон мақсад ва уни амалга ошириш йўллари танлаш баъзи пайтда ҳар хил куч ва ҳар хил жозиблага эга бўлган бир қанча мотивлар қатнашиши туфайли ички кураш-ҳарактерини касб қилади. Мана шунинг учун ҳам бу процесс **мотивлар кураши** номи билан юритилади.

Мотивлар кураши процессида мотивлардан баъзи бирларининг анчагина асослилиги, бошқаларнинг эса бир қадар асоссизлиги маълум бўлади; баъзи бир мотивлар кучлироқ туйғулар билан, бошқалари эса кучсизроқ туйғулар билан боғлиқ бўлади.

Кўпинча мотивлар кураши тафаккур (ақл) билан ҳиссиётнинг ўртасидаги курашдан иборат бўлади; одам баъзан гўё иккига бўлиниб кетади: «Ақл уни дейди, ҳиссиёт (кўнгиЛ) бунини дейди».

Бирон мақсад ёки бирон мақсадга олиб борувчи йўллар ақлга мувофиқ келса-ю, лекин кишида ноҳуш ҳиссиётлар туғдирса ва, аксинча, бирон мақсад ёқимли ҳислар туғдирса-ю, лекин ақлга мувофиқ келмаса, ана шундай бўлади.

Мотивлар кураши баъзан турли ҳиссиётлар ўртасидаги кураш тарзида, масалан, бурч ҳисси билан қандайдир унинг қарама-қаршиси бўлган бошқа шахсий ҳиссиёт тарзида содир бўлади.

Бу мотивлар, кўпинча, бир-бирларига тесқари таъсир этишлари туфайли бирон қарорга келиш ва бу қарорни бажаришга тўққинлик қилиб, иродавий процессини секинлаштирадilar. Мотивлар ўртасидаги ана шундай кураш одамда *ички ихтилоф* ҳолатини юзага келтиради.

Албатта, шундай ҳолат одамда ғоят кўнгилсиз, оғир туйғу сифатида ўтади. Агарда одамнинг дунёга ҳамда турмушга бўлган қарашлари аниқ бўлса, шунинг билан бирга у ўзининг хатти-ҳаракатларида коммунистик ахлоқ принципларига асосланса ва унинг шахсий мотивлари ижтимоий манфаатлар билан қўшилиб кетса, ана шундай кўнгилсиз, оғир ҳолатнинг олдини олиши ёки батамом қутулиши (йўқртиб юбориши) мумкин.

Қарорга келиш

Мотивлар кураши билан боғлиқ бўлган бирон мақсадни амалга ошириш йўллари танлаш процесси қарорга келиш билан тугайди. Қарорга келиш — маълум бир мақсад ва^бу мақсадни амалга оширишнинг бирон усули ёки маълум йўлдари ҳақида тўхташ демакдир. Бу эса мотивлардан бири хал қилувчи роль ўйнади демакдир. Масалан, кечкурун қарорга бориш керак: театрдами ёки дўстимнинг олдигами деган фикрдаги мотивлар кураши натижасида киши дўстининг олдига боришга қарор қилади. Касб танлаш туфайли пайдо бўлган мотивлар кураши натижасида бир ўсмир тракторчи бўлишга қарор қилса, бошқаси педагогика институтига киришга қарор қилади.

Баъзи ҳолларда қЧяши қабул қилинадиган қарорнинг амалга ошириш имкониятларига ишонган ҳолда жуда тез маълум бир қарорга келади. Буни биз қатъият деб атаймиз. Бошқа бир ҳолларда эса, мотивлар кураши узок вақтга «чўзилиб кетади» ва қарор бажарилишига ишончсизлик ҳамда иккиланншлар билан қабул қилинади. Бу — қатъиятсизлик дир. Масалан, ўрта мактабни тугатаётган ва тугатган баъзи бир ёшлар қайси институтга кириш масаласини жуда тез хал қилдилар, бошқа бирлари бўлса жуда узок вақт иккиланиб ўйлаб юрадилар. Қатъият, одатда, жиддийлик вазиятнинг енгилланиши, мамнунлик туйғусини туғдирса, қатъиятсизлик эса иккиланиш ҳисси, жиддийлик туйғуси ва алоҳида оғир ноаниқ ҳолат билан бирга содир бўлади.

Бирор қарорга келишнинг суръати бир қанча сабабларга, жумладан: эҳтиёжга, хал қилувчи мотив кучига, шароитга, ҳиссиётларга, тафаккур ва ҳаёлнинг тараққиёт даражасига, турмуш тажрибаси ва билимларига, кишининг дунёқарашига, унинг темперамента ва характерига ҳамда бошқаларнинг маслаҳатларига, буйруқларига, илтимос ва таклифларига бўйсунушга боғлиқ бўлди.

Бирон қарорга келишнинг суръати, асосан, олдинга қўйилган мақсаднинг аҳамиятига, бирор қарорга келишга олиб борувчи фаолиятнинг характерига боғлиқ бўлади.

Шундай ҳоллар ҳам бўладики, бирон қарорга келиш олдиндан аввал ўйлаб, андиша ва эҳтиётлик билан ҳар бир мотивки ҳисобга олиб ва солиштириб қўриш лозим бўлади. Бошқа бир ҳолларда мураккаб фаолият бўлса ҳам, ҳеч бир иккиланиб ўтирмай, узил-кесил қарорга келиш лозим бўлади. Бундай қатъият уруш шароитида зарурдир. Бундай пайтда анчагина фаҳм ва зийраклик ҳамда шароитнинг барча мураккабликларини ҳисобга олиш зарур бўлишига қарамай, тезлик билан қарорга келиш талаб қилинади.

Ана шундай мураккаб тарздаги мотивлар кураши ва

қарорга келиш фақат шундай ҳолларда бўладики, бунд сдамнинг ҳаёти ва фаолияти учун муҳим аҳамиятга эг бўлган янги мақсадлар қўйилади ва бу мақсадларни амалга ошириш учун янги ҳаёт восита ҳамда усуллар талаб қилсади.

Кундалик ҳаётимизда жуда кўп онгли иродавий ҳаракатларимиз узок, давом этадиган ва жиддий тусдати мотивлар курашисиз амалга оширила беради. Бундай ҳолларда бирор қарорга келиш илгаридан одат бўлиб қолган бир тарзда ёк белгиланган крида асосида, ё бўлмаса, мазкур қарор ва ҳаракатларни маълум турдаги хатти-ҳаракатларга риоя қилиш тарзида амалга оширилади.

Қабул қилинган қарор кескин ва мустаҳкам ёки бўлсаботсиз — ўзгарувчан бўлиши мумкин. Бир марта қабул қилиниб, кейинчалик ўзгармайдиган ва маълум -вақт-давомда албатта бажариладиган қарор қатъий ва мустамқом қарор деб аталади. Қарор ўйлаб қабул қилинган ижтимоий вазифалар ва, шунинг билан бирга, кишининг ҳаёти манфаатларига, унинг дунёқарашини ва ишончларига мустаҳкам бўлса, бундай қарор кўпинча мустаҳкам бўлади. Қатъий ва мустаҳкам қарорга келиш — ироданин юксак сифатидир. ~ •

Бир марта қабул қилинган қарорни кейинчалик ўзгартириш ёки башқа янги қарор билан алмаштириш, ёки бўлмаса батамом бекор қилиб юбориш суботсизлик дейилади.

Қатъий қарорга кела олмаслиқ — киши иродасини бўшлигининг аломатидир.

Қабул қилинган қарорнинг ўзгариши, яъни беқарорлик суботсизлик, кўпинча яъ бу қарор туғрисида етарли даражада ўйламасликдан, эмоционал ҳолатнинг ўзгаришидан, ёки бўлмаса киши ҳаракат қилиб турган шароитнинг ўзгаришидан келиб чиқади. Қарорнинг ўзгариши, кўпинча, мотивлар курашининг қайтадан бошланиб кетишига ва охириги март; қатъий қарор қабул қилишга олиб келади.

Қатъиятсизлик ва беқарорликни, одатда, қабул қилинган қарорни олдиндан планлаштирилган ҳаракатлар билан боғлаш оқали енгил мумкин. **Планилаштириш** — олдинга қўйилган мақсадга олиб борадиган энт қулай усул ва воситаларни қидиришдан иборат бўлади. Агар мураккаб ақлий фаолиятдир. Планилаштириш процессида бўлиши мумкин бўлган ва зарур барча ҳаракатлар дуч келиб қоладиган қийинчилик ва қарама-қаршилиқлар ҳисобга олинадиган ҳамда қилинадиган ишлардан келиб чиқадиган натижаларга олдиндан баҳо бериллади.

Шундай қилиб, иродавий ҳаракатлар ихтиёрсиз ҳаракатлардан фарқ қилиб, улар илгаридан қабул қилинган қарор ва илгаридан тузилган план асосида амалга оширилади.

Қарорни ижро этиш

Бирон қарор шу қарорга мувофиқ келадиган чоралар¹ кўриш ва иш-ҳаракатлар қилиш учун қабул қилинади. Қарордан ҳаракатга ўтишни ижро қилиш бажариш дейилади. Иродавий процессларда энг муҳим нарса қабул қилинган **қарорни бажаришдир**. Кишининг иродаси худди мана шу қарорни бажаришда намоён бўлади дейиш мумкин.

Одатда икки турли иродавий ҳаракат фарқланади: жисмоний ва аклий.

Жисмоний ҳаракатларга ҳар турли меҳнат операциялари, ўйин ҳамда спорт машғулотлари ва бошқалар киради. Аклий ҳаракатларга бўлса — ҳисоб ишлари, ёзма ишлар, даре тайёрлаш, илмий тадқиқот ишларини олиб бориш ва шунинг қабилар киради. Кўп вақт такрорлаб ўзлашиб кетган кўникма ва одат бўлиб кетган ҳаракатлар ҳам мураккаб иродавий ҳаракатлардандир.

Ирода, яна айни чоғда кераксиз ҳаракатларни тўхтатиш, тугатиш ёки ўзгартиришда ҳам намоён бўлади.

Қарорни ижро этиш, одатда, маълум вақт ва маълум муддат билан боғлиқ бўлади. Қарорнинг ҳеч кечикмай, белгиланган вақтида ижро этилиши ироданинг ижобий сифатидан далолат беради. Бу эса ишчанлик ва пухталиқни билдиради.

Бирок, қабул қилинган қарор ҳамма вақт бажарилавермайди ва айрим ҳолларда эса ўз вақтида бажарилмайди. Масалан, иродаси кучеиз бўлган кишилар кўпинча жуда кўп яхши қарорларга қелишларига қарамай, бу қарорларнинг ижро этилишини сустлаштириб, чўзиб юборадилар ва бошқа муддатларга қолдирадилар. Бажарилиши галдан-галга қолдириладиган ёки батамом бажарилмайдиган қарорларни *ният* деб аталади. Шунинг билан бирга, анча вақтдан сўнг бўлса ҳам, лекин маълум вақт давомида бажарилиши шарт бўлган қарорларни ҳам *ният* деб аталади. Масалан, студент ўқиш йилининг бошида кишки ва ёзги сессиядаги имтиҳонларни фақат «аёло» баҳога топширишни *ният* қилиши мумкин.

Баъзан одам шароитнинг ўзгаришига қараб, қабул қилинган қарорни бекор қилиб, янги қарор қабул қилишига тўғри келади. Ундан сўнг ўзгарган шароитга мое ҳолда янги қарорни бажаришга киришади.

Қабул қилинган қарор тўғридан-тўғри, автоматик равишда амалга оширилавермайди. Қабул қилинган қарорни бажариш учун, яна, онгли равишда иродани ишга солиб **зўр бериш** керак. Иродавий зўр беришни киши онгли жиддийлик тарзида ҳис қилади. Бундай жиддийлик иродавий ҳаракатга **ўтиш** билан тарқалиши мумкин.

Иродавий зўр бериш бутун нерв ва мускулларни алоҳид таранг ҳолга келтиради ва бу сиртки аломатларидан кўринади. Иродавий зўр беришнинг ана шундай сиртки аломатлар иродасини ишга солган кишиларни тасвирловчи бадиий асарларда яққол тасвирланади.

Қабул қилинган қарорни зўр бериш билан ижро этиш ироданинг муҳим белгисини ташкил этади дейиш мумкин. Зўр бериш жуда муҳим хусусиятлардан бири бўлиб, бу хусусият орқали иродавий ҳаракатлар ва ихтиёрий психик процесслар ихтиёрсиз психик процесслардан фарқ қилади.

Иродавий равишда зўр бериш — мотивлар қураши ва қарорга қелишдаёқ сезилади. Бундай зўр бериш фикрлаш процессларини ишга солиб, муҳокама юргизишда ва, шунинг билан бирга, кераксиз ҳиссиётларни енгишда ўз ифодасини топади. Кўпинча мотивлар қураши ва қарорга қелиш ғоят жиддийлик ҳамда жуда катта иродавий зўр бериш билан ҳосил бўлади.

Жуда кўп ҳолларда қарорга келингандан сўнг ҳам уни бажариш учун яна «қураш» давом этади. Бу қураш натижасида қарорни ижро этишга қаратилган иродавий зўр бериш майдонга келади.

Иродавий зўр бериш ва иродавий ҳаракат мақсадга эришиш йўлида учрайдиган тўсиқларни **енгишда** намоён бўлади. Кишининг иродаси жуда катта қаршилиқларни енгишга тўғри келган пайтда айниқса *яққол* кўринади. Бундай қаршилиқлар икки турли бўлиши мумкин: ички ва ташқи қаршилиқлар.

Ички қаршилиқларни енгиш

Ички қаршилиқлар кишининг ўзига хос бўлган маълум ҳолатидир. Киши тинч, ҳаракатсиз ва ҳеч қандай фаолиятсиз ҳолатда бўлиши мумкин. Масалан, бундай ҳолат дам олаётганда, ухлаётганда, толиққан пайтда ва касал пайтда бўлади. Бирон иш билан шуғулланмай ҳаракатсиз ўтиришга, яъни ялқовликка ундовчи майл ҳам шундай ҳолатдандир.

Иродавий зўр бериш воситаси билан аввало организмнинг пассив ҳолатини ўзгартириб, уни актив ҳолатга келтириш лозим бўлади. Масалан, ўринда ётган киши, турсаммиқан ёки турмасаммиқан,—деб бир оз ўйлагандан сўнг (мотивлар қураши), туришга қарор қилади ҳамда ўзини мажбур қилиб ўрнидан туради. Ялқовликни енгиш учун баъзан жуда кўп зўр беришга тўғри келади.

Иродавий зўр бериш воситаси билан кишининг аклий-фаолияти ҳам актив ҳолатга келтирилади. Масалан: лекция бош-

ланиши биланок студент ирода кучини ишга сслиб, дикқати/ни бир.ерга тўплаиди, ироданинг барқарорлигини сақлаб туради, тафаккур ва эсда олиб крлиш процессларини кучайтиради.

Кўпинча, кишининг ўзида бўладиган ихтиёрсиз ҳаракатнинг пайдо бўлишини иродавий зўр бериш билан енгиши, сусайтириши ва йўқ қилиб юбориши лозим бўлади. Айни шу чоғда кераксиз ҳаракатларни ўзгартириш ёки тўхташига тўғри келади. Жуда қаттиқ сингиб кетган, лекин салбий, зара-рли одатларга қарши иродавий зўр бериш билан кураш олиб бориш ва ташкил топган стереотипларни, яъни бир крлипга тушиб қолган салоий ҳаракатларни бузиш лозим бўлади.

Пайдо бўлаётган ихтиёрсиз ҳаракат, кўпинча, қабул қилинган иродавий қарорга нисбатан бошқача (баъзан қара-мақарши) йўналишга мойил бўлади. Масалан, кишининг хиссиётини акс эттирадиган баъзи иш-ҳаракатлари шулардандир. Ихтиёрсиз ҳаракатнинг пайдо бўлиши керакли иродавий ҳаракатни сусайтириб ёки батамом тўхтатиб қўйиши мумкин. Шунинг учун, қабул қилинган қарорни бажаришда пайдо бўладиган ихтиёрсиз ҳаракатни иродавий зўр бериш билан енгишга тўғри келади. Масалан, парашютчилар биринчи марта ўзларини самолётдан ташлаганларида (иродавий ҳаракатлариди) табиий равишда пайдо бўладиган кўркиш хиссини енгиб боришлари лозим бўлади.

«Ҳаракат қилишнинг ўзига қандай ўрганилган бўлса,— дейди И. М. Сеченов,— ҳаққатни тўхтатиб крлишни бошқаришга ҳам худди шундай ўрганиш керак»¹.

Киши — иродавий зўр берганида, ихтиёрсиз ҳаракатни батамом йўқотиб юбормайди, балки уни бир оз ўзгартиради ёки бундай ҳаракатнинг пайдо бўлишига йўл қўймайди. Ихтиёрсиз ҳаракатни босишга **вазминлик** деб аталади. Вазминликнинг нерв-физиологик асоси иккинчи сигнал системасининг биринчи сигнал системаси орқали мия пўстининг остки қисмига тормозлантирувчи таъсир ўтказишидан иборатдир.

Ирода — аввало кишининг ўз-ўзини, ўз интилишлари, хиссиётлари ва эхтиросларини қўлида тутта билиши демакдир. Ирода — кишининг ўз-ўзини ирода қила билиши, ўз ҳулқи ва фаолиятини онгли равишда тартибга солиш ва бошқара олиш қобилиятидир.

Одамнинг ички тўлқинларини енга олиш, ўзиини бошқариш ва ўз устидан ҳукмронлик қила билиш қобилиятини одатда *ички ирода* деб юритилади.

¹ Сеченов И. М., Избранные произведения, Т. Г. М. Л. изд. АПН РСФСР, 1952, стр. 96.

Ташқи қаршилиқларни енгиш

Киши иродавий зўр бериши билан енгиши лозим бўладиган ташқи қаршилиқларни теварак-атрофдаги воқеликда учратади. «Объектив олам,— дейди В. И. Ленин,— ўзига хос йўл билан бормокда» бинобарин кишининг практикаси олдида мана шу объектив олам турар экан, мақсадни «амалга оширишда қийинчиликларга учрайди, хаттоки иложсиз қаршилиқларга дуч келиб крлади...»¹

Киши ўз олдига қўйилган мақсадни амалга оширишга қаршилиқ қилаётган тўсқинликларни енгади, воқеликни ўз мақсадига мувофиқ равишда ўзгартиради ва уни ўз эхтиёжларига мослайди.

Киши табиатни ўзгартиради. Бунда у табиатнинг қаршилигини енгади, унинг стИхияларига, яъни сув, совуқ бўрон, олов каби тартибсиз, ҳалокатли ҳаракатларига қарши курашиб, уни ўзгартади, қайта куради. Киши масофани енгиб бир жойдан иккинчи жойга кўчади, огир .нарсаларни кўтариб, уларни бир жойдан Иккинчи жойга олиб боради. Киши иродавий зўр бериш ва иродавий ҳаракат ёрдами билан, ижтимоий қийматга эга бўлган янги нарсалар: уйлар, фабрикалар, заводлар, йўллар, машиналар, санъат асарлари ва шунинг қабиларни яратади. Инсон фаолиятининг барча турларга ва ҳар қандай меҳнат кишидан иродавий зўр беришни талаб қилади. Инсон меҳнати ундаги ироданинг намоён бўлишидир, Одамнинг иродаси меҳнатда пайдо бўлган, у меҳнатда ўсган ва ўсиб боради.

Одамнинг ташқи тўсқинликларни ташқи қийинчиликларни енга олиш қобилиятини *ташқи ирода* деб юритилади. Бирок фақат шартли равишда иродани ана шундай ташқи ва ички деб бўлиш мумкин. Инсон иродаси ёлғиз биргинадир, лекин у ташқи оламдаги ҳодисаларни ўзгартириш ва бошқаришга йўналтирилиши ҳамда шунинг билан бирга ўзининг шахсий, яъни субъектив ҳолатини ва процессларини бошқаришга йўналтирилиши мумкин. Шунинг учун иродавий фаолиятда ташқи қаршилиқларни енгиш ички қаршилиқларни енгиш билан узвий боғлиқдир.

Объектив воқеликка таъсир қилишда киши ирода кучининг ёрдами билан даставвал ўз организмни ҳаракатга солиши лозим ва шу билан бирга, ҳар қандай ихтиёрсиз ҳаракатни доимо босиб ва ўзгартириб туриши керак. Шунинг учун, кишининг ташқи қаршилиқларни енгишга қаратилган иродавий зўр беришлари ва Иродавий ҳаракатлари айни вақтнинг ўзида кишининг ички ҳолатини ҳам ўзгартиради. Киши ташқи муҳитни ўзгартириши билан бирга, у ўз-ўзини ҳрм ўзгартиради.

¹ В. И Ленин, Фалсафа дафтарлари, 186-бет.

«Табиатдаги моддаларни маълум шаклда, яъни ўз ҳаётига мақбул равишда ўзгартириш учун киши ўз баданидаги тегишли табиий кучларни — қўл ва оёқларни, бош ва бармоқларни ҳаракатга солади. Мана шу ҳаракат воситаси билан ташки оламга таъсир қилиб, одам уни ўзгартирар экан, бу билан у айни вақтда ўз табиатини ҳам ўзгартиради. У ўз табиатида мудраб ётган энг сўнгги қобилятларни ўстиради ва бу кучларнинг жўш уришини ўз ҳукмига бўйсундиради»¹,

Бажарилган ишга баҳр бериш

Одатда, қарор бажарилагандан сўнг ва баъзан эса бажариш процессидаёқ қрлинг ишларга баҳо берилади. Қарорни бажариш юзасидан қилинган ишларга баҳо бериш бу қарор ва ишни маъқуллаш, оқлаш ёки қабул қилинган қарорни ҳамда қилинадиган иш-ҳаракатни қоралашдан иборат бўлади. Бу баҳо қабул қилинган қарор ва бажарилган ҳаракатлардан мамнун ёки мамнун эмаслик туфайли ҳосил бўлган алоҳида ҳиссий кечинмаларда ифодаланadi. Салбий баҳр, кўпинча, қилинган ишларга ачиниш, уялиш ва афсусланиш каби ҳрссийётлар туғилишига сабаб бўлади.

Қилинаётган ёки қилинган ишларга баҳо, асосан, ижтимоий-еийсий, ахлокий эстетик нуқтаи назаридан берилади, Мана шундай баҳо беришдан ҳрсил бўладиган ҳрс ва ҳукмларда кишининг дунёқараши, унинг ахлокий сифатлари ва принциплари ҳамда, шунинг билан бирга, унинг характери ва қизиқишлари яққрл намоён бўлади.

Қарорни бажариш юзасидан қилинган ишларга' факрт киши ўзи баҳо бериб қолмайди, балки қилинган иш-ҳаракатларга жамият томонидан ҳам баҳо берилади. Жамият томонидан совет кишининг ҳрракатларига берилган баҳо танқид ва ўз-ўзини танқидда жуда яққол ифодаланadi.

Қилинган иш-ҳаракатга жамият томонидан берилган баҳр кишининг фаолияти учун жуда катта амалий аҳамиятга эгадир. Бу баҳо кишининг кейинги фаолияти учун рағбатланиш ва мотив бўлиб қрлади. Салбий баҳр, одатда, айни фаолиятни, тўхтатиш ёки ўзгартириш учун сабаб бўлади. Ижобий баҳо фаолиятни давом эттириш, кучайтириш ва янада яхшилаш, жумладан, меҳнат унумини оширишга рағбатлантиради.

III. ИРОДАВИЙ ҲАРАКАТЛАРНИНГ СИФАТЛАРИ

Кишининг иродаси ўз сифатлари, яъни кучи, ахлокийлиги, мустакиллиги жиҳатидан айрим ҳолларда турлича намоён бўлади.

К. Маркс ва Энгельс, Асарлар 17- том, 197-бет.

линг каттиқ жйсмлар ҳамда газларга бўлган босимини ўр кнган. Лебедев бундай узок йиллар давомида ўрганйш прс ёсида белгиланган усулларни йигирма марталаб узгартир ш ва қўйилган масалани коникарли ҳал қилгунча тобор \гидан-янги тажрибалар ўтказиб борган.

Эр-хотин Кюрилар бир грамм радийни тайёрлаш учун соф хунармандлик шароитида саккиз тонна уран рудасин айта ишлаганлар.

Собиқ Симбирский губернясининг жуда чекка қишлоғид новчи Е. И. Гусева исмли дехкон аёли 40 ёшидан ошганид ат-саводини чиқарган. РабфакКа кириб ўкиб чикқандан сўн з ўғли билан бирга олий ўқув юртини тугатган. Шундан сўн з орада фан кандидата деган илмий даражага эришга* ёшида эса муваффақиятли равишда докторлик диссертта \ясини ёклаган.

I Ҳар қандай фаолиятнинг, жумладан ўқишнинг ҳам мувац: кияти қатъиятга боғлиқдир. Билим эгаллаш учун кртъия)ак бўлганидек, малакалар орттириш (масалан, музика ма <алари) учун ҳам қатъият керак.

Чидам ва тоқат. Мақсадларни амалга оширишда енгиш ри келадиган қаршилик ва қийинчиликлар кишидан ку кда вақт сарф қилишни талаб қилибгина қолмай, балки ук [қупинча, жисмоний ва рухий азоб беради.

Киши ўз фаолияти давомида, баъзан совуқ ва иссиқдағ ир ва қррдан, қаттиқ толиқиш ва оч қрлишликда) да турли қасалликлардан азоб чекадиган ҳоллари бўлад^ р, мана шундай қаршиликларга қарамай, киши ўз олдиғ ^ан мақсадига содик бўлиб, уни амалга оширишга урин, а, бундай ҳаракатларда кўринадиган иродани чидам в, т деб аталади. Масалан, жанговар шароитдаги ирод; [ҳарбий ҳаётнинг кундалиқ фалокатлари ва қийинчилик Iга чидай олишда кўринади. Маълумки, Улуғ Ватан уру йилларида Совет Армиясининг жангчйлари ва командир I ўзларининг душман устидан ғалаба қилишга қаратил қатъий интилишларида узок давом этган ҳамда оғи] глардаги чарчашни, уйқуни, очликни, ташналикни, оғрик а шунинг каби оғир шароитларни енга олганлар. Мисо^ ирамиз.

Кангчи Афонин қурол ва аслаҳаларни қутқаришга ки иц. Каттиқ совуқ бўлишига қарамай, у тез ечиниш ўзиш а ташлади. У 20 минут давомида сувда бўлди. Афонин шу вақт мобайнида даре тубидан 11 яшиқ қурол-асла Iрни чиқаришга ва шатак Тросини тўп ҳамда автомашина оғлашга улгурди. Утиб бораётган шатакчи пароход тўп ва >машинани соҳилга чиқариб берди.

зизнинг илғор ишчиларймиз саноатнинг турли соҳаларидг чидам ва тоқатнинг намуналарини кўплаб кўрсатмоқдалар.



Арктиканинг довурак тадқиқотчилари томонидан курсатилаётган чидам ва тоқат намуналари ҳаммага маълум. Бу экспедициянинг қатнашчилари омонат ва хавфли муз майдонида бўлишларига қарамай, шафқатсиз совуқлар, кучли шамоллар ҳамда қор бўронларига чидаб, олдларида турган вазифаларни қатъиятлик билан бажарадилар.

Совет космонавтларининг жасоратлари ғоят зўр чидам ва тоқатлилиги билан характерлйдир. Ироданинг бундай сифати улардан тахминий машқлар ўтказиш давридаёқ талаб кидинган эди. Лекин ироданинг бу сифати хусусан учуш пайтида, яъни улар ғоят зўржисмоний ва асабий ўзгаришларни тоқат билан кечиришларига тўғри келган пайтда кучли намоён бўлди. Шунинг билан бир вақтда бу қахрамонлар жиддий кескинликларга чидаб учуш давомида тўғри йўл тутмоқ ва ҳаракат қилмоқ учун онглари тўла равшанликда сақлаб қолишлари лозим эди. Медицина ва психологик текширишларнинг қўрсатишича, шу қадар жиддий вазифани адо этишга фақат мустаҳкам соғлиқ ҳамда кучли иродага эга бўлган кишиларгина чидай олишлари мумкин эди.

Одамдаги қатъият ва чидамлилиқ аниқ мақсад ва ўзининг анчагина барқарорлиги билан ажралиб турадиган кучли мотивларнинг мавжудлигига боғлиқ.

Узийи тута билиш, дадиллик, қатъийдик, чидам ва тоқат пайтларида намоён бўладиган кучли иродага *мардлик* деб аталади.

Ироданинг ахлоқийлиги

Ироданинг ахлоқийлиги деганда биз, одатда, киши ўз олдига қандай мақсадлар қўйганлигини, бу мақсадларга қандай воситалар ёрдами билан эришилишини, иродавий интилишлар (хоҳишлар) қандай майллар туфайли туғилишини, маълум бир қарорга келишда киши қандай принципларга таянишини назарда тутамиз.

Иродавий ҳаракатларда кишининг ахлоқий сифатлари намоён бўлиши туфайли ирода кучи ижобий сифат деб ҳисобланилади. Бошқа бир томондан олганда, одамларнинг ахлоқий сифатлари ҳақида цурук гапларга қараб эмас, балки шу одамларнинг ахлоқий кифоалари намоён бўладиган иродавий ҳаракатларига қараб ҳукм чиқарамиз. Шунинг учун кучли ироданинг — мардлик, ўзини тута билиш, қатъиятлик, чидамлилиқ ва ботирлик каби хусусиятлари бизда инсон ахлоқий сифатларининг намоён бўлиши деб ҳисобланилади.

Одам у ёки бу қарорга келишида ўзининг қарори ва хатти ҳаракатлари учун ахлоқий жиҳатдан жавобгар эканлигини сезса ҳамда англай олса, ирода ахлоқий бўлади. Совет кишиларининг хатти-ҳаракатлари ва қилмиш ишларида коммунист-

тик ахлоқ қоидалари ва нормаларига мое келадиган илгаридан мўлжалланган, ўйланган ҳамда планлаштирилган қарорлари намоён бўлади.

Ахлоқийликнинг даражаси иродавий процесснинг ҳамма фазаларида, яъни мотивлар курашида ҳам, маълум қарорга келишда ҳам, қарорни амалга оширишда ҳам ва қилинган ишларга кейин баҳо беришда ҳам кўринади.

Мотивлар кураши ва қарорга келишда ахлоқийлик маълум бир мотивни асослашда кўринади. Шунинг учун, қабул қилинган қарорлар ахлоқий томондан асосланган ёки асосланмаган бўлиши мумкин. Мотивлар курашидаги хиссий майллар ҳам ахлоқий ёки ахлоққа хилоф бўлиши мумкин, чунки кишининг ахлоқий ҳолати кечйрган хиссиётларида ва интилишларида ҳам ифодаланади. Ахлоқий принципларга мувофиқ суратда қабул қилинган қарорлар ва амалга оширилган ҳаракатлар ахлоқий қарорлар деб аталади.

Кишининг ахлоқий қиёфаси қабул қилинган қарор ва амалга оширилган ҳаракатларга кейинчалик баҳо беришда ҳам кўринади. Агар киши юксак маънавий фазилатлар эгаси бўлса, у ярамас қарор қабул қилишдан ва ноўя хатти-ҳаракатдан ўзини тияди, бунинг оқибатини олдиндан ўйлайди, Шу тариқа, киши ўз ҳаракатларининг натижаларини олдиндан кўриб қабул қилиниши мумкин бўлган қарор ва ҳаракатларни номаъқул топиши ёки маъқуллаши мумкин.

Коммунистик ахлоқ коммунистик дунёқараш билан узвий боғлиқдир. Кишининг иродавий ҳаракатларида муҳим роль ўйнайдиган ҳаётий мақсадлари ва принциплари худди ана шу дуйёқарашдан келиб чиқади. Шунинг учун, коммунистик дунёқараш ва коммунистик ахлоқ принципларига мувофиқ равишда амалга ошириладиган мақсадлар, қарорлар ва ҳаракатлар юксак ирода кўрсатишдир. Коммунистик ахлоқ нуктаи назаридан, ирода кишининг ўз шахсий, индивидуал интилишларини жамият манфаатига бўйсундира олишига қараб баҳоланади.

Мана шунинг учун биз ўз интилишларида, қарор ва ҳаракатларида меҳнатқашларнинг манфаатлариға содиқ бўлган, ватанга муҳаббат қўйган ва унга содиқ бўлган, меҳнатни севувчи, қатърий барқарор, дадил, саботли, чидамли ва ўзини тута биладиган кишиларни юксак кадрлаймиз.

«Шонли партиёга, Совет Ватанимизга, қахрамон меҳнатқаш халқимизга бўлган муҳаббат ана шундай жасорат кўрсатишим, яъни Ер атрофидан биринчи космик парвоз қилишим учун мени илхомлантирди ва менга куч бағишлади», — дейди Ю. А. Гагарин.

Немис фашистлар билан бўлган Улўғ Ватан уруши даврида совет кишилари ҳаққоний иш учун курашаётганликларини, ўз мамлакатлари ва оилаларини фашист зolimлардан химоя

ди. Бундай ҳолларда кучли ҳиссиёт таъсири туфайли кишининг онги ўтмаслашиб кетади. Қайсарлик тутган пайтида киши объектив нуқтаи назардан қарай олмайди ва бошқача эмас, балки айни шундай ҳаракат қилиши шарт эканлигига объектив асослар келтира олмайди. Қайсар одамни жуда яққол далиллар ёрдами билан ҳам бирон нарсага қўндириш ёки ундан қайтариш қийин. Қайсарлик кўрсатишда бирон нарсага интилиш ва кучли ҳиссиёт бўлади, лекин етарли тафаккур унга иштирок қилмайди..

Мустақилсизлик шундай ҳолларда кўринадики, бунда киши маълум бир хатти-ҳаракатларни фақат бошқа одамларнинг бевосита таъсири остида (уларнинг маслаҳатлари, таклифлари билан) қилади ва ўзининг қарорлари ҳамда ҳаракатларида фақат бошқа одамлар фикрига таянади. Киши мустақиллик кўрсата олмаса, бошқа одамлар иродасини амалга оширувчи бўлиб қрлади, холос.

Мустақилсизлик ташаббускорликнинг йўқлиги, ҳар бир ишни юзада бўлган шароит ва бошқа одамларнинг таъсирига берилиб бажаришлик ва қилинаётган иш-ҳаракатнинг сабабини киши ўзи билмаслигида ифодаланади. Бундай ҳолда одатда асоссиз мотивлар ёки ҳеч қандай мотивларсиз қарорга келинади. Мустақилсизлик кўпинча, кишининг принципсизлиги билан боғлиқ бўлади. Мустақилсизликнинг характерли белгиси ўзининг қабул қилган қарори ва ҳаракатларига нисбатан жавобгарлик ҳиссининг йўқлигидан иборатдир.

Мустақилсизлик ва иродасизликнинг яққол ифодаси бошқаларнинг таъсирига берилиб, *лақмалик билан ҳаракат қилишдан* иборатдир. Лақмалик пайтидаги ҳаракатлар бошқа одамларнинг қарорлари асосида амалга оширилади. Бирок, бошқа одамларнинг қарорларини лақма одам гўё ўзининг қарори ва ўз иродасининг намоён бўлиши деб била беради.

Лақмалик билан қилинадиган ҳаракатларда бошқа одамларнинг маслаҳатлари ва таклифларига нисбатан танқидий муносабат бўлиш йўқ бўлади. Ана шундай пайтда одам бошқа одамларнинг таъсирига ёки ёт унсурларнинг таъсирига рсонлик билан берилиб кетиши мумкин. Лақмалик билан қилинадиган ҳаракатларни негативизм ва қайсарликка қарама-қарши хусусият деса бўлади..

Одамнинг бошқа кишилар таъсири билан ҳаракат қилиш хусусиятига *лақмалик* деб аталади.

Лақмалик қилиш маълум даражада ҳар бир кишига хосдир. У ирода ва умуман активлик заифлашган пайтда ҳамда танқидий фикр қилиш йўқолиб, фикр юритиш қобилияти чекланган ва сустлашган пайтда содир бўлади. Ақл-идрокнинг ишламай қолишига фақат аффектив ҳолат сабабчи бўлмай, балки психик фаолиятнинг умуман сусайиши ҳам сабаб бўла-

ди. Бундай ҳолат ҳар бир одамнинг толиққан пайтида ва энди ухлай бошлаган пайтида бўлиши мумкин. Узок, вақт давом этган хавотирлик ҳисси ва зўр хурсандчилик туфайли ҳам киши лақмалик қилиб қўйиши мумкин. Киши гипноз ҳолатида хаддан ташқари лақмалик-қилади.

Мустақилсизлик орқасида қилинадиган ана шундай ҳаракатлар, албатта иродага тааллуқли салбий хусусиятлардандир. Лекин шуни назарда тутиш. керакки, бошқа одамлар буйруғи ва маслаҳатлари билан қилинадиган ҳар қандай-ҳаракатларни ҳам мустақилсизлик деб ҳисоблайвериш ярамайди. Бизга бошқа одамлар томонидан бериладиган буйруқлар, таклиф ва маслаҳатлар ўзимизнинг асосланган шахсий қарорларимизга мое келиши мумкин. Бундай ҳолда бошқа одамнинг буйруғи билан қилинган ҳаракат мустақил ҳаракат бўлади. Ташқи кўриниши жиҳатидан бир хил бўлган иккита ҳаракатдан бири мустақил бўлмаслиги, иккинчиси эса мустақил бўлиши мумкин. Масалан, айрим бир ўқувчи буйруқ тарзида билдирилган мактаб интизоми қоидаларини кўрққанидан бажаради. Бунда' бу ўқувчи мажбурият остида ўз хоҳишига қарши ҳаракат қилади. Бошқа бир ўқувчи бу қоидаларни Онгли равишда бажаради. Чунки у бу қоидаларнинг зарур эканлигига тушуниб, қаноат ҳосил қилади. Онгли интизом мустақил ироданинг ифодасидир. Киши бирон буйруқ ёки интизомга шунинг учун сўзсиз итоат қиладики, у бундай итоат қилишнинг ахлоқий жиҳатда-н зарур ва мақсадга мувофиқ. эканини тушунади, англай олади.

Ҳар бир комсомол ўзининг кўпчилик ҳаракатларида комсомол ташкилотининг коллектив қарорларига асосланиши керак. Аммо коллектив раҳбарлик қилиш — ҳар бир коллектив аъзосини мустақилликдан маҳрум қилиш, эгасизлик демак эмас. Киши ўз мустақиллигининг ҳамма аломатларини, яъни ташаббускорлигини, топширилган ишнинг бажарилишига жавобгарлик ҳиссини ва ўз-ўзини танқидни фақат коллективдагина кўрсата олиши мумкин.

- Кишининг ўз виждоний бурчини бажаришга қаратилган-ҳаракатларида унинг • мустақиллиги намоён бўлади. Совет кпшисининг мустақиллиги ва иродасининг эркинлиги •ўз қарор ва ҳаракатларини коммунистик ахлоқнинг юксак принципларига онгли равишда бўйсундиришнинг уддасидан чиқа оlishда ва ўз ҳаракатларини шу принципларга асосланиб баҳолашида кўринади.

Мустақиллилик айни вақтнинг ўзида ирода кучининг белгиси ҳамдир. Ирода кучи фақат катта тўсиқларни енга олиш қобилияти билангина белгиланиб қолмай, балки ташаббускорлик, ўз мустақиллигини англаш, ўз қатъияти ва қабул қилинган қарор ҳамда ўз ҳаракатлари учун жавобгарликни сезиш-билан ҳам белгиланади.

IV. ИРОДАВИЙ ҲАРАКАТЛАРНИНГ НЕРВ-ФИЗИОЛОГИК АСОСЛАРИ

Одамнинг турли хилдаги фаолиятларида намоён бўлаган у ёки бу иродавий активлик даставвал нерв системасининг ҳолатига ва иродавий ҳаракатларни амалга оширадиган нерв-физиологик механизмларининг ишига боғлиқдир.

«Одатда ихтиёрий деб аталадиган барча онгли ҳаракатлар, — дейди Сеченов, — ўз моҳияти жиҳатидан акс эттирилган ҳаракатлардир». Бу деган сўз «барча инсоний ҳаракатларнинг дастлабки сабаби одамдан ташқарида, яъни ташқи муҳитга боғлиқдир»¹.

Иродавий ҳаракатларнинг нерв-физиологик асосида шартли рефлекслар ётади. И. П. Павлов таълимотига кўра, иродавий ҳаракатларнинг ҳамма механизми юксак нерв фаолиятининг бутун қонунларига бўйсунувчи шартли боғланишлардан, яъни ассоциатив процессларидан иборатдир. Иродавий Ҳаракатлар механизмида, асосий ролни кинэстетик кўзғатувчилар туфайли, яъни мускуллар ҳаракати туфайли юзага келадиган махсус шартли рефлекслар ўйнайди. Кинэстетик Хужайра ва ҳаракат анализатори турли-туман кўзғатувчилар билан муваққат алоқа боғлай олишлиги И. П. Павлов ҳамда унинг ҳамкорлари томонидан ўтказилган махсус тажрибаларда исботлаб берилган.

«...Мия пўстининг кинэстетик хужайралари организмга ташқи муҳитдан ва шунинг билан бирга ички процесслардан бўладиган таъсиротларни идбул қиладиган мия пўстининг бошқа ҳамма хужайралари билан алоқага кириши мумкин ва ҳақиқатан ҳам алоқага киради». Бу эса ихтиёрий деб аталадиган ҳаракатларимизнинг физиологик асоси, яъни бундай ҳаракатлар мия пусти умумий фаолияти билан боғлиқлигининг далилидир»².

Иродавий ҳаракатлар онгли ҳарайатлар сифатида оптимал кўзғалиш манбаининг фаолияти билан боғлиқдирлар: «...Менинг тасаввуримча, онг, — дейди И. П. Павлов, — айна шу чоғда, худди шу шароитнинг ўзида маълум даражада оптимал (хар х^{от} Да> ўртача бўлса иераи) цўзғалишга эга бўлган иатта мия ярим шарларининг айрим жойларидаги нерв фаолиятдан иборат. Ана шу моментда катта мия ярим шарларининг нолган ҳамма қисмлари бирмунча бўшрои. нўзғалиш ҳолатида бўлади»³.

Иродавий ҳаракатлар онгли ҳарайатлар сифатида икинчи сигнал системасининг фаолияти билан боғлиқдирлар. Ху-

И. М. Сеченов. Избранные философские и психологические произведения, Госполитиздат, 1947, стр 148, 174

^ Павлов, Полное собрание сочинений, т. III, кн 2 стр 317

«• Павлов, Полное собрание сочинений, т. III, кн. 1, стр., 247^

сусан, ички нутққа тегишли сўзлар кераили ҳарайатларни юзага иелтирувчи ва бошқарувчи сигнал ҳисобланадилар. И. П. Павлов фикрича, икинчи сигнал системаси одам хулқи ва хатти-ҳаракатларининг олий регулятори, яъни бошқарувчисидир.

Икинчи сигнал системасининг механизмлари биринчи сигнал системасининг сигналларига ва ихтиёрсиз ҳаракатларнинг мия пусти остки марказларига буларнинг ишларини тартибга солиш юзасидан таъсир этиб туради. Ҳамонки, онгли фаолиятларимизнинг нерв-физиологик асосида икинчи сигнал системаси ётар экан, демак, бу сигнал системасининг индукцияси, яъни яқин атрофга тарқалиши биринчи сигнал системасига ва мия пўстининг остин қисмига таъсир этади. Шунинг учун, чунончи, вазминлик ва ўзини тутта билиш каби иродавий ҳолларнинг физиологик механизми икинчи сигнал системаси томонидан биринчи сигнал системаси ва мия пустининг остки қисмидаги марказларда юзага келтириладиган тормозланишдан иборатдир.

Агар икинчи сигнал системаси тормозланса. бундай ҳолатда «вонелик билан деярли ҳисоблашмайдиган ва асосан мия пўстининг остки марказларининг эмоционал таъсирига бўйсунадиган»¹ фаолият ҳақида гапириш мумкин. Ана шундай қилиб, И. П. Павловнинг олий нерв фаолияти х^{ак}.идаги таълимотига кўра, иродавий ҳаракатларнинг физиологик асоси биринчи ва икинчи сигналлар системаси доирасида юзага иеладиган мураиаб мувандат алоналар системасидан иборатдир. Ленин бунда икинчи сигнал системасининг роли роят наттадир. Иродавий ҳарайатлар пайтидаги мия пўстининг оптимал кўзғалган ҳолатида икинчи сигнал системаси айрим муванят алоқаларини тормозлантирса, бошқаларини кучайтиради.

Нерв системасининг тети хамда соғлом ҳолати ҳар нандай фаолият ва одамнинг унумли ишчанлиги учун асосий шароитдир.

Нерв системасининг иучсизланиши ироданинг заифланиши ва инсон аитив фаолиятининг сусайишига асос бўлади, Бундай сустли ҳолати хусусан толиқиш пайтида ёркин намоён бўлади.

Ҳар қандай фаолиятнинг ўзига тегишли равилда ва асосан мехнат фаолиятида қувват сарфланади. Одам қанчалии ортик зўр берса, қувватнинг сарфланиши ҳам шунчалик тезлашади. Бунда қувват сарфланиши билан айна бир вақтда у тииланиб ҳам борилади. Бирок, маълум бўлишичк, қувватнинг тикланиши, сарфланишига нараганда, секинрок борар экан.

И. П. Павлов, Полное собрание сочинений, т. III, кн. 2, стр. 215.

Шунинг учун одам ишнинг у ёки бу босқичида кучи етмаётганлигини, толиқишни ёки, бошқача қилиб айтганда, чарчаганлигини сеза бошлайди. Мехнатнинг икки асосий (жисмоний ва ақлий) турига мувофиқ равишда икки хил толиқиш, яъни жисмоний ва психик толиқиш фаркланади.

Жисмоний толиқишнинг асосий белгиси мускуллар ишчанлигининг сусайишидир. Масалан, жисмоний толиқиш, жумладан, мускул кучларининг заифланиши, ҳаракатларнинг секинлашиши, ҳаракатлар миқдорининг камайиши, ишдаги жадалликнинг секинлашуви, ҳаракатлардаги аниқликни, мосликни, текисликни ва буларни бошқаришнинг бузилиши билан характерланади. Жисмоний толиқиш одам бутун организмнинг мадорсизланиш ҳолати: билан характерланади.

Психик жиҳатдан толиқиш ақлий фаолият унумдорлигининг пасайиши, яъни диққат ва хотиранинг кучсизланиши, бирон нарсага эътибор беришнинг қийинлашуви ҳамда тафаккур ва нутқ фаолиятининг секинлашуви билан характерланади.

Толиқишнинг ана шу кжрида кўрсатилган психик аломатлари кўп жиҳатдан жисмоний толиқишда ҳам намоён бўладилар: жисмоний толиқишда ҳам диққат ва хотира кучсизланади, тафаккур ва нутқ фаолияти секинлашади. Бошқа томондан олганда, психик жиҳатдан толиқиш ҳам худди жисмоний толиқишдаги каби, одам бутун организмнинг мадорсизланиш ҳолати билан характерланади.

Бу икки турли толиқиш ўртасидаги умумийликни шунинг билан тушунтириш мумкинки, жисмоний толиқишнинг ҳам ва психик толиқишнинг ҳам асосида бир хил нерв-физиологик механизм ётади. И. П. Павловнинг олий нерв фаолияти ҳақидаги таълимотига мувофиқ толиқишнинг юзага келиши бош миянинг пўсти қисмида мудофаа қилувчи (сақловчи) тормозланишнинг пайдо бўлишидир. Тормозланишнинг бу тури нерв марказларининг ишлаш фаолиятдан тўхташи ва бош мия пўсти қисмидаги нерв ҳужайраларининг тамомила дармонсизланишларидан сақлаб қолиш билан ифодаланади.

Ишдан чарчашни пасайтириш ва толиқишнинг холдан тойиш ҳолатига ўтиб кетмаслигига йўл қўймасликнинг энг мухим чораси мехнат билан дам олишни тўғри тақсимлаш (алмаштириб туриш)дир. Дам олиш ишни тўхтатиб танаффус қилишдир. Агар ана шундай танаффус узок давом этадиган (бир соат, икки соат) бўлмаса, ундай пайтда, дам олишнинг энг яхши тури ухлашдир (яъни тинчлик ҳолатидир). Узок давом этадиган дам олишни (дам олиш кун, мехнат отпускази) ҳеч нарса билан шугулланмайдиган узлуксиз осойишталикка айлантириб юбориш ярамайди. Дам олиш учун ажратилган бўш вақтнп жиддий зўр беришни талаб этмайдиган ёки' ҳар Турли туйгуларга бой бўлган фаолиятнинг бошқа бир турла-

рига сарфланса, дам олиш анча фойдали бўлади. Ирода, шунингдек, нерв системасининг ҳар турли йўл билан захарланиши натижасида ҳам кучсизланади. Масалан, нерв системаси алкоголь билан захарланганда ирода кучсизланади.

Нерв системасининг касаллиги иродани ҳаддан ташқари сусайтириб юборади. Бундай ҳолатни **абулия** деб аталади. Абулия ҳолатидаги киши жуда чанқаб турган бўлса ҳам, ўз олдида турган стакандаги суани олиб ичишга ўзини мажбур қилолмайди-

Айрим ҳаракат нерв ҳужайралари палаж бўлган тақдирда шу ҳужайралар билан боғлиқ бўлган органларни ҳеч қандай ирода кучи билан ишга солиб бўлмайди.

Шунинг учун, нерв ва мускул системасини мустаҳкамлайдиган ҳамма нарса айни чоғда киши иродасини мустаҳкамлашга ҳам ёрдам беради. Шу сабабли, физкультура иродани мустаҳкамлашда ижобий аҳамиятга эга. Катта қаршиликларни энгиш ҳамда қийинчиликлар билан курашиш учун фақат хошиш ва қарорга келишгина аҳамиятли бўлиб қолмай, балки соғломлик, мустаҳкам нерв ва мустаҳкам мускуллар ҳам катта аҳамиятга эга.

V. ИРОДА ВА БОШҚА ПСИХИК ПРОЦЕССЛАР

Ана шу юкридаги айтилганлардан кўриниб турибдики, ирода бошқа психик процесслар билан маҳкам боғлиқдир.

Иродавий ҳаракатлар биз идрок қилиб турган у ёки бу шароитда юзага келадилар. Қарорга келишда, ҳаракатларни плайлаштиришда (мўлжаллашда) ва амалга оширишда одам алии шу шароитни тушуна олиши керак. Бу тушуниш ва, бинобарин, қилинадиган ҳаракатларнинг муваффақияти жуда кўп шхатдан шароитни идрок қилишнинг тезлиги, тўлаллиги, а'гнклиги ва тўғрилигига боғлиқ. Идрок ана шундай сифатларга;эга бўлмаган пайтда иродавий ҳаракатлар кечикиши, багамом амалга оширилмаслиги, ўзгариши, хато бўлиши мумкин.

Иродавий процессларда хотира катта роль ўйнайди. Кундалик ҳаётимизда жуда кўп иродавий ҳаракатларимиз тахминан бир хил қиёфада такрорланадилар. Бирон мақсад қўйишда, ҳаракат усулларини танлашда, қарорга келишда ва қилинган ҳаракатларга баҳо беришда киши даставвал ўзининг турмуш тажрибаси ҳамда билимларига асосланади.

Бироқ ҳамма иродавий ҳаракатлар ҳам фақат илгариги ҳаракатларнинг оддий қайтарилишидан иборат эмас. Шароитнинг ўзгариб туриши давомида эҳтиёж ва қизиқишларга қараб, одам ҳар доим янги мақсадлар қўйиши-а ҳамда ҳаракатнинг янги усулларини қидириб топишига тўғри келади. Бу ўринда иродага ҳаёл ёрдам қилади.

Иродавий процесснинг муҳим томони бирон мақсад қўйишдир. Биз ўз ҳаракатларимиз қаратилган мақсадни ҳар хил аниқликда тасаввур қилишимиз мумкин: баъзан мақсадни шу қадар аниқ, ёрқин ва жонли тасаввур қиламизки, гўё киши ўз ҳаракатларидан келиб чиқадиган натижани олдиндан кўраётгандек бўлади; баъзан эса мақсад ноаниқ ва хира тасаввур қилиниши мумкин. Мақсад қанчалик аниқ бўлса, унга интилиш ҳам шунчалик кучли бўлади. Мақсаднинг аниқ бўлиши шу мақсадга етишиш йўлини қатъият билан, узил-кесил ва онгли суратда танлашга имкон беради. Мақсаднинг аниқлиги яна ҳаракатнинг кучли бўлишига, дадиллик, сабот билан иш қўришга ва чидамли бўлишга мадад беради-

Кишининг кучли ирода кўрсатишида унинг ўз олдига қўйган мақсадларини амалга оширишга мўлжалланган ва амалга оширадиган йўл ва воситаларни тасаввур қила олиши ҳам катта аҳамиятга эга. Бу йўл ва воситаларни киши қанчалик аниқ тасаввур қилса, бу воситалардан бирини шунчалик тез танлаб олиб, маълум қарорга келади ва шунчалик зўр ишонч билан ҳаракат қилади.

Ҳаракатлар қаратилган мақсадларни ҳамда уларни амалга ошириш йўл ва воситаларини, иродавий ҳаракатлардан келиб чиқадиган натижаларни яққул тасаввур қилиш ва шунинг билан бирга, ирода кучи кишининг тажрибаси ва билимларига ҳамда унинг ҳаёли, тафаккури ва нутқининг тарқийёт даражасига боғлиқ.

Мақсад ва бу мақсадга эриштирувчи восита ва йўллари тасаввур қилишнинг аниқлиги турмуш тажрибаси ҳамда билимларга асосланган ҳаёлнинг кенглиги ва кучига боғлиқ.

Иродавий процессларнинг ва иродавий ҳаракатларнинг барча моментларида нутқ билан чамбарчас боғлиқ бўлган тафаккур айниқса катта роль ўйнайди. Иродавий ҳаракатлар — ақл билан қилинадиган ҳаракатлардир.

Киши бор тажрибаси ва билимларига асосланган ҳолда *ўйлаб* бирон мақсадни қўяди ва ҳаракат қилади, *ўйлаб* маълум қарорга келади, *ўйлаб* мақсадни амалга ошириш йўли ва воситаларини танлаб олади, ўз ҳаракатларидан келиб чиқадиган натижаларни олдин *ўйлаб* кўради ва *ўйлаб* ҳаракатга киришади. Киши ўзининг ҳаракатларини олдиндан планлаштиради. Планлаштириш — ўйлаш, фикр қилиш, фикр қилганда ҳам пухта фикр қилиш демакдир. Тафаккур ва нутқ фаолият туфайли биз ўз интилишларимизни жуда яхши англаб оламиз, ҳаракатларда кўзда тутган мақсадларимиз жуда ҳам аниқлашади, қабул, қилинган қарорларимиз янада маҳкамроқ асосланади ва приципи қарор бўлади, қиладиган ҳаракатларимиз эса планлашган, режали ва тартибли бўлади. Тафаккур фаолияти вазминлик ва ўзини тута билиш, қатъият ва чидамлик каби кучлар ирода сифатларини белгилайди.

Ирода кучига ҳиссиётлар жуда катта таъсир курса. Ҳиссиётлар ирода процессининг дастлабки фазаси бўлиб интилишлар билан мустаҳкам боғлиқдир. Ҳиссиётлар! лишнинг кучига таъсир қилади, мақсад ва уни амалга риш йўли ва воситалари ҳақидаги тасаввурларни ойдин тиради ҳамда жонлантиради. Мотивлар курашида сиётларнинг роли каттадир. Ҳиссиётлар бизни муайян қарорга келишга ундайди. Бунда ҳиссиётнинг ирода тарихидаги роли икки турли бўлиши мумкин: ижобивлаштирувчи ва салбий-тормозлаштирувчи роль ўш мумкин.

Агар бирон мақсадни тасаввур қилиш кишининг кучли сиётларини уйғотса ва бундай ҳиссиёт таъсири билан асосланган қарорга келса, бундай пайтда ҳиссиётлар мизни активлаштиради ҳамда уни мустаҳкамлайди. Бу ҳолларда ҳиссиётлар мақсадга еришишда бизнинг қатъ мизни, кучимизни, дадиллигимизни, барқарорлигимизни, саботимизни таъминлайди. Қилнадиган катта ишларда ланиш, ишонч, ғайрат ва ижобий эҳтиросларнинг нақ, катта аҳамиятга эга эканлиги ҳаммамизга маълум. Ю сиёсий-ижтимоий ва ахлоқий ҳиссиётлар, виждоний бурч си ва хусусан совет ватанпарварлиги ҳисси иродаимизни таҳкамлайди, уни кучли ва саботли қилиб, қўйилган мак ни амалга оширишимизга ишонч бағишлайди.

Ҳиссиётларимиз, агар иродаимиз қаратилган мақсадга келмаса, у ҳолда ҳиссиётлар иродага салбий таъсир қил мумкин. Бундай ҳолларда ҳиссиётларнинг таъсири иро/ тормозлаштиради. Кўпинча қатъиятсизлик, беқарорли: ироданинг ожизлиги шундай ҳиссиётлар таъсири остида бўлади. Баъзан ирода кучини ишга солиб, ортиқча ихтиё] ҳаракатларни қувватловчи ҳиссиётларни чеклашга, ула кучсизлантиришга ёки батамом йўқотиб юборишга тўғри лади. Юқорида айтиб ўтилганидек, мана шундай ҳолла ирода кучининг алоҳида тури бўлган вазминлик ва ўзини та билиш сифатлари кўринади.

Кишининг дунёқараши иродага ва ирода кучининг нал: бўлишига катта таъсир кўрсатади. Марксча-ленинча дуги раш совет кишиларининг меҳнат ва ижодий фаолиятларид ҳар қандай қийинчиликларни енгишларида уларнинг ирс ларини ҳаракатга келтирувчи буюк кучдир. Ишонч-этилар кишининг интилишлари ва ҳаракатларини онгли ш лиш ва ҳаракатлар бўлишига ёрдам беради. Интилишла миз ва ҳаракатларимиз, онгли интилиш ҳамда ҳаракат бўлса ва ҳаракатларимиз қаратилган мақсад муҳим бўлса, мақсад ва ҳаракатлар ҳам жуда аниқ, қатъий ва б қарор бўлади. Улуғ мақсадлар улуғ ғайрат (энергия) т диради.

Киши ўз ҳаракатларида асосланадиган ахлоқий принициплар ва бу ҳаракатларни амалга оширишда дилидан кечирадиган ахлоқий хиссиётлар кучли ирода кўрсатишда катта аҳамиятга эгадирлар.

VI. ИРОДА ТАРАҚҚИЙСИ

Бола туғилган чоғдан бошлаб активлик кўрсата бошлайди. Лекин унинг активлиги ҳали жуда содда ва фақат ихтиёрсиз бўлади.

Ҳар бир кишининг иродаси ихтиёрсиз ҳаракатлар асосида ҳамда организмнинг ўсиши ижтимоий шароит билан боғлиқ ҳолда, фаолият ичида ва, асосан, тарбиянинг ва ўз-ўзини тарбия қилишнинг таъсири остида тараққий қилади.

Болаларнинг активлиги аввало ихтиёрсиз ҳаракатларда ифодаланади. Бундай активлик даставвал шароитга мослашиш тарзидаги ҳаракатлардан иборат бўлади. Бола ўзи учун янги бўлган нарсаларнинг ҳаммасига, хусусан, ҳаракат қиладиган, овоз чиқарадиган, ёрқин қилиб бўялган нарсаларга нисбатан тез ва тетик муносабатда бўлиб, уларга қайрилиб қарайди, уларга томон интилади, ушлаб кўради, полга иргитиб ташлайди ҳамда ана шундай асосда дастлабки хатти-ҳаракатларни эгаллайди. Мана шундай ҳаракатларда организмнинг ҳаёти гавдаланади, чунки бола бундай ихтиёрсиз ҳаракатлар ёрдами билан ўзининг табиий эҳтиёжларини қондиради. Шунинг билан бирга, бу ихтиёрсиз ҳаракатлар болалар иродасининг тараққиёти учун тайёргарлик жиҳатидан муҳимдир. Ихтиёрсиз ҳаракатлар туфайли нерв ҳамда мускул системалари ўсади ва мустаҳкамланади, айрим органларнинг, яъни — ўнг ва чал оёқнинг, ўнг ва чап қўлнинг, айрим бармоқлар ва шу қабиларнинг ҳаракатлари чиниқади. Бундай ҳаракатлар туфайли бола ўз органларининг ҳаракатлари сеза бошлайди ва унда ўз органлари ҳамда уларнинг ҳаракатлари ҳақида тасаввур ҳосил бўлади. Буларнинг ҳаммаси иродавий ҳаракатлар давомида боланинг ўз органларини онгли равишда бошқариши учун зарурдир. «Қўл, оёқ, бош ва гавда ҳаракатларининг барча элементар шакллари,— деб ёзади Сеченов,— ва, шунингдек, болалик даврларида ўрганилган барча мураккаб ҳаракатлар, яъни юриш, югуриш, гапириш, кўз ҳаракатлари, бу ҳаракатларни ўрганиб олингандан кейингина иродага бўйсунадиган ҳаракат бўлиб қоладилар», Лекин организмнинг маълум даражада ўсаётган ҳаракатларининг ўзини ҳали ирода деб бўлмайди.

Тўла англаб олинган интилиш, хоҳиш, танлаш, қарорга келиш ва зўр бериш каби ирода элементлари кўринган давр-

лар икки ёшдан ошганда мотивлар курашининг-бошич аломатларини кўриш мумкин. Масалан, болага бир гнинг ўзида олма билан холвани кўрсатиб, «шулардан тасини ола қол»—десак, бундай ҳолда боладаги иккилаш, яъни мотивлар кураши аниқ кўринади: бола гоҳ олмага, оҳ холвага қарайди, қўлини гоҳ олмага, гоҳ холвага узади. Мотивлар кураши шунинг билан тугайдики, бола бу наралардан бирини ўз қўли билан олади, «Олмани» ё «Холвани» ламан дейди. Аммо шуниси ҳам борки, бола шу ондаёқ ўз арорини ўзгартириб қўйиши мумкин. У бир вақтнинг ўзида Қўлларини ҳам олмага, ҳам холвага чўзиши мумкин. Лекин бу ҳодиса мана шу ёшдаги боланинг иродавий процессларида ҳали қатъийлик, барқарорлик йўқлигини кўрсатади, холос.

Уч ёшли болаларнинг ҳаракатларида ташаббускорлик борлиши кузатиш мумкин. Бу ёшдаги бола маълум йўл тинлай олади ва маълум вазиятни эгаллашга интилади ҳамда дига қўйилган талабларни англай олади. Боқча ёши-Жнг кейинги босқичларида бола иродаси ўзининг бутун жиҳатлари билан тўла-тўқис таркиб топади. Лекин шунга қарашай, бола иродасини ҳали тўла такомиллашган деб бўлмайди.

Болаларнинг ҳаракатларида ихтиёрсиз активлик ва х^т иёт жуда катта ўрин олади. Болалар маълум бир қарорларга ўзларида туғилган бир талай хиссиёт таъсири билан келадилар; шунинг учун, болаларнинг қарорлари тез-тез ўзгари туради. Улар ўз қарорларини тез-тез, х^т ки амалга ошириш пайтида ҳам ўзгартириб турадилар. Агар болаларнинг олдиларига қўйилган мақсад уларга қаттиқ таъсир қилиб, Хиссиётларини уйғотса ва завқ туғдирса, бундай пайтда болалар ўзларига хос равишда ирода кучи ва қатъийлик кўрсатишлари мумкин. Болалар ҳали ўзларини яхши тута олмайдилар ва бетоқат бўладилар. Болаларда мустақиллик ҳали кам бўлади. Улар ўзларининг ҳаракатларида доимо катталарнинг ёрдамига муҳтождирлар.

Болаларда иродавий ҳаракатларнинг ўсиб бориши билан биргача, ихтиёрий фикрлаш процесслари ҳам ўсади. **Е**

Боқча ёшидаги болаларнинг иродаси, асосан, ўйин процессида кўринади. Уйин болалар иродасини вужудга келтирувчи, ўстирувчи ва мустаҳкамловчи амалий машғулотдир. Болалар ўйин процессида ўз олдиларига содда бир мақсадларни кўядилар ва учраган қийинчиликларни енгиб, бу мақсадларни амалга оширишга муваффақ бўладилар. «Уйин процессида,— деб ёзган эди Н. К. Крупская,— бола қийинчиликларни енгишни ўрганади, атроф-муҳитни билади ва қийин вазиятдан чиқиш йўллари ахтаради»¹. Қоидали ўйинлар хусу-

¹ Сеченов И. М., Избранные произведения, т. 1, Л., Изд. АН СССР, 1952, стр. 255.

т4"чДгизГмГстр"5: роль игры в д ч ^У- Шорник «Игры де-

дан бошлаб, муайян ёшдаги болаларда ироданинг борлиги хақида гапириш мумкин.

(Истак майл) тарзидаги интилиш болада жуда барвг-т. яъни хиссиётлар билан бирга юзага келади. Боланинг б" нарсадан норозилигини ва бундай ҳолатдан қутулиш интилаётганини тез-тез кузатиш мумкин. Аммо боланинг Г, дай интилишлари ҳали англаб олинмаган интилишлар бўлди. Тахминан икки ёшга етмаган болада, тарбия ва ўз ўйг фаолиятининг таъсири остида анчагина тажриба тўпланаган яъни у маълум тасаввурлар запасига эга бўлади, хаёл қилиш қобилияти ўса бошлайди ва бола шулар асосида фикр қила бошлайди. Шунинг билан бирга, бу ёшдаги болада англаб олинган интилишлар ва хоҳишлар пайдо бўла бошлайди. Аммо шуни айтиш керакки, бу интилишлар ва хоҳишлар узок даврларга қадар, асосан, болада тугиладиган эмоцияларга боғлиқ бўлади. Шунинг учун бу даврдаги ҳаракатлар, асосан, кучли эмоционал (ҳиссий) майл таъсири остида содир бўлади. Бу оддий — иродавий ҳаракатлардир.

Доимий суратда машқ қилиш давомида болада секин-аста онгли равишда иродавий зўр бериш қобилияти ўса бошлайди. Бундай машқлар дастлаб, асосан катталар раҳбарлиги остида бўлиб туради. Одатда, бунақа болага биронта вазифа, юмуш топширилади. Масалан, «Фалон жойга бориб кел», «Анави нарсаларни олиб бер», «Уйнинг расмини сол» ва шунинг каби. Бунда бола атрофдаги катта одамлар! нг хоҳишлари ва қарорлари билан ҳаракат қилади-

Катталар томонидан болаларга ана шундай «вазифалар» топширилиб турилар экан, кўпчилик ҳолларда, албатта бундай вазифаларнинг тарбиявий таъсири ҳамда бола иродасининг ривожланишига бўлган таъсири кўзда тутилмайди. Бундай вазифалардан кўзланган мақсад болаларни бирор юмуш билан банд қилиш ёки ота-оналарга хос бўлган қизиқувчликлик нуктаи назаридан боланинг нимага қодир эканлигини си-наб кўришдан иборат бўлади. Ҳақиқатда эса бундай «вазифалар» болалар иродасини эффектив ривожлантиришга йг жумладан, ҳаракат мақсади ва воситаларини англашга, тартиб-интизом малакаларини шакллантиришга хизмат қилади

Иродани мустақкамлаш ва ўстиришда болаларнинг *тиц* лйдий ҳаракатлари, яъни бошқаларнинг иш-ҳаракатлариг тақлид қилиш жуда катта аҳамиятга эгадир. Оддий тақлг дни ҳаракатлар болада жуда эрта, яъни тўрт-беш ойлик бу/ ган даврдан бошлаб пайдо бўла бошлайди. Болалар би ёшдан ошганда эса анча мураккаб тақлидий ҳаракатларн Қйла оладилар. Мана шулардан кўриниб турибд...ги, кишинш иродаси фақат тарбия таъсири остида ўсиши мумкин. Ир< давий фаолиятга дойр дастлабки машқлар катталарнинг ра барлиги остида ёки катталар кўрсатмаси билан воқе бўлад

х'атта аҳамиятга эгадир. Уйин қоидаларини бажариш бо- < ўз хяпақатла};ини ўйин ўйновчиларнинг умумий мақсад- I г - ^мослашга ўргатади, жавобгарлик ҳиссини тарбия- ч^инлик ва интизомлиликни ривожлантиради.

к, 'кча ёшидаги болалар иродаси фақат ўйин процес- I." 'Дфиниб қрлмай, балки бу ёшдаги болаларга ман- -*ай'баъзи бир меҳнат фаолиятларида, яъни ўз-ўзлари- тда, полдиздаги ва боғдаги ўсимликларни парвариш 'хамда бош'а шу қабиларда кўринадиди ва таркиб опа б)райд.

Бокча ёШидан бошлаб инсон иродаси тараққиётининг асо- ЪМ; воситаси сифатида меҳнатнинг аҳамиятини ҳисобга олиш р.\">урдир.

* ослаларни меҳнатга қатнаштириш уларни қувонтиради ва роҳат бағишлайди. Меҳнат билан боғлиқ бўлган ишларда жис|моний ва ақлий активлик, катталарнинг топшириқларини ш^ли бажариш иродавий зўр бериш, белгиланган мак- ^й|га эришиш учун интилиш ва ташаббус кўрсатиш намоён ")ўлади.

Уйинларда ва ўзларига мое меҳнат фаолиятларида бола- лар ўзларининг ва бошқаларнинг иш-ҳаракатларига «яхши» ;ки «ёмон» деган тарзда амаЛий баҳо бера бошлайдилар. бокча ёшидаги болалар умуман «яхши иш» билан «ёмон иш» шмадан иборат эканлигини ажрата бошлайдилар. «Ахлоқсиз» ^атти-ҳа.жатлар содир бўлиб қолган пайтда уларда уялиш сисси юзага келади. Бокча болаларининг ўйинларида ва бош- са ўзаро муносабатларида кўпинча улардан—«уялмайсан- |ш!»—деган киноя сўзларни эшитиш мумкин.

Шундай қилиб, боланинг бокча ёшидаги даврида ирода- нинг бошқа сифатлари билан бирга ироданинг ахлоқий сиф- атл< ри ҳам ривожланиб ва мустақкамланиб боради.

Албатта, болаларнинг ҳаракатларида ихтиёрсиз активлик ва ҳаяжонлиликнинг намоён бўлиши катта ўрин эгаллайди.

Шунинг учун болаларда иродани ривожлантириш мақса- дида уларнинг ўйинлари учун қулай шароит тугдириб бериш лозим (албатта, зарарсиз ва оқилона ўйинлар учун). Шунинг билан бирга уларни уй меҳнатида кучларига яраша қатнаш- тириш керак.

Бундан ташқари шуни ҳам назарда тутиш лозимки, катта- ларнинг — ўйинчоқларни йиғиштириб қўй, кийимингни тах- лаб қўй, ювинганиндан сўнг сочиқни жойига осиб қўй ва шу каби системали талаб ва топшириқлари ирода ҳамда унинг сифатларини ривожлантиришда муҳим роль ўйнайди.

Уй меҳнатида иштирок қилиш болаларга ўзларини оила коллективининг аъзоси деб ҳис қилиш имконини беради, катталарнинг хайрихоҳлик ва хаттоки хурмат билан муноса- батда бўлишларини юзага келтиради.

Бокча ёшидаги болаларда мускуллар билан боғлиқ бўлган (жисмоний) иродавий ҳаракатларнинг ривожланиши билан бирга ихтиёрий аклий ҳаракатлар қобиляти \\ м, яъни ихтиёрий идрок ва кузатувчанлик, ихтиёрий эсда ош б қолиш ва эсга тушириш, яхтиёрий тафаккур — ўйлаш (чунончи, топишмоқ топиу пайтида ўйлаш) қобилятлари ха\ < ривожланади.

Болалар иродасини ривожлантиришда бокча коллективнинг роли жуда каттадир. Бокчада болаларнинг коллектив бўлиб ўйнайдиган ўйинларида ва ўзаро биргаликда ўзларига ҳизмат қилишларида ташаббускорлик, қатъиятлик, дадиллик ва чидамлик каби характер хислатлари юзага кела бошлайди.

Бокча ёшидаги даврда (3 ёшдан 7 ёшгача бўлган даврда) болаларнинг иродалари бутун таркибий қисмлари билан. (яъни онгли равишда мақсад қўйиш, мақсадга эришиш воситалари ва йўллари танлаш, ҳарорга келиш ва шунинг қабилар) тўла равишда таркиб топади. Мактабга ўтиш пайтига келганда болаларда (7 ёшли) энди ироданинг айрим сифатлари ривожланади ва мустаҳкамланади.

Мактаб ёшидаги болаларнинг иродаси анча камол топган бўлади. Мактабдаги вазифаларни бажариш учун, асосан, иродавий активлик, ихтиёрий диққат ва ихтиёрий хотира керак бўлади. Мактаб ўқувчиси маълум бир вазифани бажариш учун доимо иродавий зўр бериши керак. Мактабда бола ун* дан нима талаб қилинса, шуни бажариши керак. Бола ўзининг бутун хатти-ҳаракатларини мактабнинг талабларига бўйсундириши лозим. Ўқувчи баъзан ўзи учун ёқимли бўлган жўш-кин шодлигини ушлаб қолишига, тийишига тўғри келади: у ўқувчи бўлганлиги ва шу муносабат билан унинг ўртоқлари ҳамда оиладаги янги вазияти, яъни ана шундай мотивлар уни қизиқарли ўйин, қизиқарли гап ва сайргоҳлардан воз кетчишга мажбур этади. Мактаб интизоми ўқувчилардан вазминлик, ўзини тута билишлик, уюшқоқлик, барқарорлик ва жавобгарликни талаб қилади. Кужоқлардаги ишлар ташаббускорлик ва мустақилликни талаб қилади. Мактабдаги ўқиқ-процессда ўқувчиларнинг аклий таракқиётлари ҳамда савияларининг кенгайиши ўз-ўзларига контроллик қилиш ва хатти-ҳаракатларига танқид қўзи билан қараш қобилятини ўстиради. Ўртоқлари билан кенг қўламда муносабатда бўлиш ўз шахсий интилишларини коллектив иродасига бўйсундира-билишга ёрдам беради. Совет мактабда коммунистик дунё; қараш таркиб топа бошлайди ва хулқ-атвор нормалари ўзлаштирилади. Ана шундай хулқ-атвор нормалари асосида коммунистик ахлоқ принциплари конкретлаштирилади. Бу нарса иродавий ҳаракатларда барқарор, онгли ва саботли бўлишнинг ва шунинг билан бирга ўз вазифаларига нисбатан масъулият билан қарашнинг муҳим шартидир.

Ироданинг таркиб топиши учун ўқувчилар қизиқишларини тортиб бориши катта аҳамиятга эга. Мактаб ёшидаги смёр ва ёшларда маълум ҳаётий идеаллар вужудга кела бошлайди ва улар ўзлари учун маълум касбни танлаш бошлайдилар. Успирин ва ёшлар ўзларининг яқин келажаклари, ўқувчиларнинг касблари ҳақидаги ёрқин орзулар билан яшайдилар. Бу қизиқишлар ва идеаллар саботлилик ва дадиллик, ташаббускорлик, изчиллик каби иродавий сифатларнинг таракқий этишига ёрдам беради. Ёшларда қизиқиш ва идеаллар бўлиши уларнинг ўз иродасини тарбиялаш зарур эканлигини англашга ёрдам беради.

Ирода тарбияси — ташаббускорлик, дадиллик, ўзини тута билиш, саботлилик, чидамлик, принципалик, камтарлик ва интизомлик каби иродавий сифатларни ўстириш ва мустаҳкамлашдан иборатдир.

Ирода тарбияси болаларда ёмон сифатлар пайдо бўлишининг олдини олиш ва агар бундай сифатлар пайдо бўлса, уларни йўқотишдан иборатдир.

Болалар иродасининг салбий томонларидан бири ўзига ишонмасликдир. Ўзига ишонмаслик ҳолати ўқиш, меҳнат, ўйин ва шу каби фаолиятларда тез-тез қайтарилиб, туради-ган муваффақиятсизликлар туфайли юзага келади.

Ф. И. Ивашченко томонидан ўтказилган текширишларнинг кўрсатишича, ўқиш шароитида ўқувчиларнинг ўзларига ишонмаслик ҳолатлари асосан қуйидаги сабаблар туфайли юзага келади: а) ўқишда изчиллик принципига риоя қилмаслик туфайли, б) ўқувчиларга кучлари етмайдиган, яъни ортик тааб қўйиб юбориш орқали, в) айрим педагоглар, ота-оналар а шунинг билан бирга синфдошларнинг ўқувчилар кучига, хотира қобилятлари ва фаҳм-фаросатларига ишончсизлик билдириши туфайли, г) ана шундай ўқувчиларни ёмон баҳо олганликлари учун қўрқитиш ва жазолада орқали»¹.

Ирода тарбияси тафаккур ва ҳиссиётлар тарбияси билан маҳкам боғлиқдир. Биз болаларда тафаккурни таракқий этиришимиз билан бирга, биз уларда ўз олдига тўла англаб, муайян мақсадлар қўя олиш ва жуда яхши асосланган қарор ва ҳаракатлар танлаш ола билиш қобилятини ҳам тарбиялаймиз, Болаларда ижобий ахлоқий х^иарни тарбиялар эканмиз, бунинг билан ахлоқий қарор қабул қилишга ва, шунинг билан бирга, ўз қарор ҳамда ҳаракатларига ахлоқий бэхо беришга одатлантириб борамиз. Совет ватанпарварлиги Хиссини ва виждоний бурч ҳиссини тарбиялаш айна вақтда совет кишисининг ҳаракат мотивларини тарбиялаш ҳамдир.

¹ Ивашченко Ф. И., «Развитие уверенности в своих силах у слабо успевающих школьников», Автореферат, канд. диссер. М., 1959, стр] 4.

Аммо ирода тарбиясини фақат тафаккур ва хиссиётни ўстиришдангина иборат деб тушуниш ярамайди. Барч; ахлоқ нормаларини яхши билиш ва жуда яхши англаш хамда бу ахлоқий нормаларни чуқур хис қилш ва дёқш уларга амалда риоя қилмаслик мумкин, Масалан, кўпинча, жуда ақлли, софдил ва жўшқин хиссиётли бўлиш; карамай, фаолиятсизликлари ва иродаларининг кучсиз».. билан ажралиб турувчи кўп сентиментал (ортик дар.ажадг хиссиётга берилган) одамлар мана шундай бўладилар.!

Иродани муваффақият билан ўстириш мақсадида шундай бир шароит топиш керакки, бунда тарбиявий таъсир тарбияланувчиларнинг кундалик ҳаётларидаги реал хатти-ҳаракатлари билан ахлоқ нормаларини билишлари ўртасида бирд-лик бўлишини таъминласин.

Ўз иродаси ва умуман иродани тарбиялашда **иродавий зўр бериш** қобилиятини ўстириш марказий ўринда туриши лозим, Макбул бўлган ҳар қандай қарорни амалга оширишга од < ланмок. керак. Қабул қилинган **қарорни амалга ошириш. а** ўргатиш ва ўрганиш керак. Ҳар қандай қарорни амалга ошириш малакасини ҳосил қилиш ва қийинчиликларни енгишга одатланиш керак. Киши ўзини ҳар қандай бошлаган ишини охиригача етказишга, ҳеч қачон ярим йўлда тўхтаб қолмасликка ўргатиши лозим. Иродани шундай ўстириш керакки, лозим бўлган ҳолларда кишининг барча кучи — жисмоний, эмоционал ва ақлий кучи иродавий ҳаракатларда бир ерга тўплана оладиган бўлсин.

Ирода тарбияси — шахсни фақат бирон-бир айрим жихатдан эмас, балки уни ҳамма жихатдан, ҳамма томондан (*'Ш* вар тарбиялашдир. Иродали киши — пухта ақл, ёрқин и[^].** дий ҳаёл ва кучли ахлоқий- хиссиётларга эга бўлган ғоявий кишидир. Аммо, энг муҳими, иродавий киши катъий ҳаракат қилиб, ўзининг онгли ва принципиал қарорларини ҳамма вақт бажара оладиган ҳамда қийинчиликларга қарши курашиб, тўсқинликларни енга оладиган фаол кишидир. Иродали одам актив ва саранжом-сарийшта бўлади.

Бизга ижодий ташаббускор, азмкор, ўз кучларига ишонган, дадил, саботли, ботир, жавобгарликни сезадиган, интизомли — бир сўз билан айтганда — мустаҳкам иродали одамлар керак.

Иродани тарбиялашда юксак иродавий сифатларга эга бўлган кишилар ҳаётдан мисол келтириш катта аҳамиг эга. Ешларимизнинг иродаларини тарбиялашда Коммунист партия дохийларининг ҳаёти ва фаолиятларини ўрганиш муҳим аҳамиятга эгадир.

Революционерларнинг қахрамонликларидан, ватанизм қахрамон химоячиларининг жасурликларидан ва коммунистик жамият қурувчиларининг ҳаётларидан келтирилган мисол*